


АНВАР ОБИДЖОН

Кулги бозори

Аламазон ва ГУЛМАТ

Ҳангомаси



НОНЛАР

АНВАР ОБИДЖОН

АЛАМАЗОН
ВА ГУЛМАТ
ҲАНГОМАСИ



*Қиссалар,
ҳангомалар*

ТОШКЕНТ
"ЧЎЛПОН"
1992

Ўз 2

О-14

Мухаррир ШОЙИМ БЎТАЕВ

Қадрли китобхон!

Аламазон ва Гулмат саргузаштларидан хабарингиз бор. Уларнинг хар иккаласи бугун бир жойда учрашиб, сайл давомида ўз сир-асрорларидан сизларни тўлиқроқ воқиф қилмоқчи бўлишди. Сиз уларнинг шумликларига қанчалар хушёр боқишга уринсангиз, сайру саёҳатингиз шунча бехатар ўтгай.

Обиджон, Анвар.

Аламазон ва Гулмат хангомаси: Қиссалар, ҳажвиялар. – Т.: Чўлпон, 1992. – 352 б.

Абиджан, Анвар. Приключения Аламазона и Гулмата: Юморески.

Ўз 2

48036220201-16

А _____ 30-92

360-04-91

ISBN 5-8250-0309-6© Анвар Обиджон, 1992 й.

Алмазон

Ваучер
Победитель





*Она юртимнинг жасур
фарзандларига бағишлайман*

Тоштақалик қиличбоз ёки муқаддима

Тоштақа қишлоғи Елкантоғнинг тик ва забардаст қоялари билан уч тарафдан қуршаб олинган. Юқоридан туриб қарасангиз, қишлоқ афсонавий девлар тулпоридан тушиб қолган баҳайбат тақанинг ўртасида турганга ўхшаб кўринади.

Тақанинг очиқ қисмини Кўчқорсойнинг асов тўлқинлари кескир шамширдек тўсиб турар, бу сой кунчиқардаги қоя устидан таралиб тушадиган шаршаранинг давоми бўлиб, кунботардаги ўркач остига етганда, айлана ҳосил қилганча шимолга томон бурилиб кетарди. Жаннатариқдан оқадиган бир тегирмон сув шаршара бўлиб пастга тушгач, бирдан улкан сойга айланиб қолиши қишлоққа биринчи марта келганларни қаттиқ ҳайронликка солар, шаршара остидан биқиллаб булоқ чиқиб туриши фақат шу ерда яшайдиган кишиларгагина маълум эди.

Қишлоқнинг пасткам иморатлар тобора сийраклашиб борган жанубий қисмида Елкантоғ этакларига қадалувчи барра яйлов ўтхўрлар олдига ёйиб кўйилган улкан дастурхондек ястаниб ётарди. Тоғ чўққилари остига қурилган пиллапояни эслатувчи ўркачларнинг биринчиси пистазор бўлиб, унинг кунгай жойларида исириклар ғужғонланиб ўсар, бу ернинг ҳар бир гиёҳи шиғоббахш эди.

Иккинчи ўрқачга кўтарила борганингиз сари, ёлғиз-ёрти арчалар учраётгандек туюлади, лекин нафасни ростлаб олиш учун бироз тўхталиб, атрофга назар солган пайтингизда қалин ўрмон ичига кириб қолганингизни сезиб, бирдан хайратга тушасиз. Энгашволиб юқорига кўтарилишнинг мана шунақа ғалати сеҳри бор.

Бу ўрқачга қадам босган киши ер юзида насли камайиб кетаётган попукдор ҳилолкакликларнинг тиниқиб сайрашини эшитиб, ҳузур қилганича беихтиёр айиқтовонлар оғушига ёнбошлайди. Кекса овчилар бу ноёб парранда галаси Жандағорда қишлаб, ўша жойда болалашса керак деб тахмин қилишар, чунки ғор ичида ҳилолкакликларнинг рангдор патлари тўзғокдек сочилиб ётарди.

Ундан кейинги ўрқачни тоштақаликлар «кашта» деб аташади. Ўрқачда қизил, сарик, пушти лолалар оила-оила бўлиб очилар, бодрокдек гуллаган чечаклар кўк мато устига сочилган турфабўёқ қоғоз тангачаларни эслатар, ҳатто бу ернинг капалаклари ҳам ранго-ранг эди. Елкантоғнинг ям-яшил ўрқачлари узра қад кўтариб турган кумуш чўққилар «кашта»дан янада кўркамроқ кўринар, бу манзарага маҳлиёланиб боққан кишининг кўз ўнгида сокин денгиз уфқини қамраб олган сонсиз елканли қайиқлар тизмаси намоён бўларди.

Мустаҳкам қалъани эслатувчи бу жаннатмакон қишлоққа фақат битта йўл орқали кириш мумкин эди. Кўчқорсой устига қурилган кўҳна осмакўприк Тоштақанинг фахрий дарвозаси ҳисобланади.

Биз ўзимизни ўша осмакўприкда тургандек фараз қилайлик. Кўприкдан пича нарироқдаги япаски харсанг устига ўтириб олиб, кўпиктил тўлқинларга оёқларини обжувоз тўқмоқларидек галма-гал чапиллатиб ураётган қийғиркўз бола қиссамизнинг бош қаҳрамони Аламазондир.

«Аламазон» тоштақаликлар шевасида гуркираб ёнаётган гулханни англатади. Тўй ва базмларда уйқусизликдан гандираклаб юрувчи қишлоқ болалари учун давра ўртасидаги гулханга мой сепилган чоғда «аламазо-о-н, гулдирамазон» деб чапак чалиб ирғишлашдан ортиқроқ завқ бўлмас, бу қийқириқлар мунтазам равишда қиссамиз қаҳрамонининг жиғига тегиб келар, шу туфайли у бирон баҳона топиб, бу анъанавий маросимни оммавий шапатибозликка айлантириб юбориш пайида юрарди.

Аламазон учта нарсани хуш кўради: биринчиси – футбол ўйнаб чарчагач, чўзилволиб китоб ўқиш; иккинчиси – китобда ўқиганлари ҳақида мириқиб хаёл суриш ва хаёл суришдан жунбушга келган туйғуларини қоғозга тўкиб шеър машқ қилиш; учинчиси – оқ қоғозга термулишдан кўзи тинганда дунёдаги барча ташвишлардан воз кечиб, силласи қуригунча яна тўп тепиш. Лекин киши ўз истакларига осонликча эришганини хали ҳеч ким кўрмаган. Бу фикрни жумладан Аламазон ҳам тасдиқлаши мумкин. У тўп тепавериб, тупроққа беланиб қайтган чоғда аясидан «қулоқчўзма» олади; ёшига тўғри келмайдиган китобларни ўқигани учун акаси тирақайлатиб қувиб қолади; хилватроқ жойга писиб олиб шеър машқ қилиш ва узоқроққа чўзилган санғишлар эса дадасининг шимдан камар суғуриши билан яқунланади. Бу етмаганидек, болақайнинг аллақачон тўқсонни уриб қўйган бувиси ҳар учала

холатда ҳам «бу маҳмадананинг тизгинини тортиб қўйиш керак», деб тергагувчиларга далда бериб туради. Ўзингиз сезиб турибсизки, қаҳрамонимизнинг меъдасига тегиб кетган нарса меҳрибонлари томонидан қилинадиган таъқиблардир.

Ҳаммадан ҳам одамларга ўхшаб хоҳлаган китобини танлаб ўқиёлмаслиги Аламазонга жуда алам қиларди. Болафақир Чиполлино, Буратино, Том Сойер, Гек Финн, Равшанбек, Алпомиш каби қаҳрамонлар билан «Алифбе»ни ёд олгандан буён олишади. «Робинзон Крузо» билан «Маугли»ни азбаройи бошқа дурустроқ китоб йўқлигидан уч-тўрт марталаб ўқиб чиқди.

Охири, бир куни таваккал қилиб, акасининг китоб тахмонига хужум бошлади. Тахмоннинг Аламазон учун тақиқлаб қўйилган қисмидан «Ўткан кунлар» деган китобни шартта суғуриб олди-ю, уч кун яйраб мутолаа қилди. Бу воқеа бундан роппа-роса икки йил бурун, у бешинчи синфни тугаллаб, худди ҳозиргидек таътилга чиққан пайтда юз берган эди.

Кунлар ўтаверди. У акасидан ҳадиксирай-ҳадиксирай «Сароб», «Чоликуши» ва «Эл қизи»ни ўқиб чиқди. «Анна Каренина»нинг биринчи қисмини тугаллай деб турганда ниҳоят ўша хунук иш содир бўлиб, акаси уни бехос қўлга туширди. Бу – қаҳрамонимизни келгусида кутаётган ўнлаб кўргуликларнинг бошланиши эди холос.

Болалар учун ёзилган китоблардан Аламазон одамларга яхшилик тилашни ўрганган, ҳақиқат ва эзгулик ёлғон ва олчоқлик устидан ғалаба қилиши муқаррарлигини тушуниб етган эди. Катталарга аталган китобларни ўқиган сайин унда одамларга бевосита яхшилик қилиш истаги кучая борди, ҳақиқат ва эзгуликнинг ғалаба қозониши учун ёлғон ва олчоқликка қарши курашиш лозимлигини тобора чуқурроқ англай бошлади. У одамларга иложи борича йирикроқ яхшилик қилиш ва унинг бу иши кам деганда бутун бир мамлакат миқёсида катта «шов-шув»га сабаб бўлишини истарди.

Аламазоннинг яна бир ғалати хислати шу эдики, бирон-бир китобни ўқиб чиққач, ундаги бош қаҳрамонга беихтиёр тақлид қила бошларди. Масалан, у «Гамлет»ни ўқиб юрган паллада бироз паришонхотир ва босиқ бўлиб қолди. Муаллимлар, «шумтакага инсоф кирганга ўхшайди», деб севиниб юришганда у «Шум бола»ни ўқишни бошлаб юборди-ю, яна айниб кетди. «Спартак»ни тугатгандан кейин эса ёғоч қилич билан синфдоши Карим кўчирмачининг бошини ёриб қўйгани ҳақида бутун қишлоққа «миш-миш» тарқалди. Бундан хабар топган мактаб қиличбозлик тўғарагининг раҳбари, «менга мана шунақа тиришқоқ талаба керак эди», деб уни зўрлаб тўғаракка аъзо қилди.

Дадиллик ва чапдастлик Аламазоннинг туғма қобилияти эди. Кўп ўтмай у ўзи истамаган ҳолда (унинг кўнгли ҳамон футболни тусарди) мактабда доврўғ таратган шамширчи бўлиб қолди. Бошланғич синфдаги болалар уни кўрганда, «ана, энг зўр қиличбоз келяпти», деб ўзаро шивирлашиб қўйишарди. Лекин, қиличбозликдан қанча обрў-эътибор топган бўлмасин, рақибга «укол» санчиш ўзгалар дарвозасига тўп киритишчалик завқ беролмасди унга. Шу боисдан бўлса керак, Аламазон бора-бора

тўғаракдаги машғулотларга номунтазам келадиган бўлиб қолди. «Алвидо, курол!» деган китобни ўқиб чиққандан кейин эса, қиличбозликдан бутунлай воз кечиб, яна футболга берилиб кетди.

Янглишмасам, сиз билан биз ҳозирча Қўчқорсой устидаги осмакўприкда турибмиз. Уёқ-буёқни кузатишда давом этайлик. Аламазондан тўрт қадамча нарида сўппайиб ўтирволиб, сой ёқасида шиғил-шиғил пишган итузумларни каплаб ютаётган лавоққина бола бош қахрамонимизнинг инжик пиёдаси Эшмат ишма бўлади.

Эшмат ўзини ортиқча уринтириб юрадиган лақма болалардан эмас, фақат битта нарсани хушлайди ва бор-йўғи биттагина нарсани ёқтирмайди. У яшашни тўйиб-тўйиб овқатланиш деб тушунади ва шу нуқтаи назардан қараб, кавшанишни ҳаддан зиёд яхши кўради.

Мақтабга қабул қилинмасдан аввал Эшмат бирон нарсани астойдил ёмон кўрмаган. Лекин синфга «Арифметика» ўқитувчиси кириб келган биринчи кундаёқ дунёда одамларнинг асабини эговлаш учун атайлаб яратилган ёвуз воситалар мавжудлигини у дарҳол фаҳмлаб етди. Қитмир арифметик рақамлар мужмал алгебраик белгиларга айлана боргани сари Эшматнинг математикага бўлган муносабати тобора совуқлаша бошлади, охири бу фанни инсониятнинг душмани деб билди.

Энди осмакўприкдан аста узоқлашайлик-да, келгусида ғаройиб воқеаларни бошдан кечириши лозим бўлган қахрамонларимизни ўз ҳолларига қўяйлик.

Эшматнинг Френсис бўлгани

– Нималарни ўйлаяпсан, вей, Аламазон? – итузумни каплаётиб сўради Эшмат.

– Хазинани.

– Ие-ие, қанақа хазина?

– Қанақа бўларди, ростаками-да, – оёғини сувдан олиб, шериги томонга ўгирилди Аламазон. – Нима, китобни ўқиб бўлмадингми ҳали?

– Ўқиб кўрдим.

– Шундан кейин ҳам хазина тўғрисида ўйламаяпман дегин?

Аламазон таътилнинг дастлабки кунларида Жек Лондоннинг «Уч қалб» деган китобини ўқиб чиққан, қоронғу ғор ваҳималарини заррача писанд қилмайдиган, ҳатто ўлим даҳшатидан ҳам титрамайдиган қувноқ ва қайсар хазина қидирувчилар жасорати уни қаттиқ ҳаяжонга солганди. Шундан сўнг «Уч қалб»ни мақтаб-мақтаб Эшматнинг қўлига тутқазди. Қизиқ! У китобни ўқиб тугатибди-ю, барибир итузумдан бошқа нарсани ўйламаяпти.

– Йўқ нарсага бошимни оғритиб жинни бўпманми? – кавшанганича жавоб қилди Эшмат. Сўнг лунжидагини ютиб, қўшиб қўйди. – Очиғини айтсам, ўша хазина ахтарадифонларинг менга ёқмади. Тилло топаман деб ўлиб кетишларига бир баҳя қолди-я. Тағин оч қопкетишганини айтмайсанми.

– Бир ўйлаб кўргин-а, – жаҳлини ичига ютиб, иложи бориша силлиқрок гапиришга тиришди Аламазон, – ҳиндунинг ғорида хазина бўлади-ю,

Ўзбекида бўлмайдими? Қулоғимни гаровга тикиб айтаманки, ўзимизнинг Жандағорда ҳам хазина бижиб ётибди. Уни топадиган одам йўқ, холос.

Аламазоннинг офтобда қорайган юзларида кулдиргич ўйнади.

– Ўша хазинани топиб олсак борми, ҳеҳ-хей, одамларга қанча яхшиликлар қилиш мумкин бўларди-я!

Кейин у, асосан, қандай яхшиликлар қилиш мумкинлигини санай бошлади. Биринчи галда яйлов этагига ўн минг кишилик стадион қуриладиган бўлди.

– Ие-ие – таажжубдан кўзлари олайди Эшматнинг, – қишлоғимиздаги одам жа борса икки мингтадир. Бошингга урасанми мунақа стадионни?

– Кейинчалик одам кўпайиб кетади, – сира иккиланмай башорат қилди Аламазон. – Масалан, Ориф тоғанинг ўн битта боласи бор. Унинг ҳар қайси боласи яна ўн биттадан бола кўради. Болаларининг болалари яна ўн биттадан. Ҳисоблаб кўр-чи.

Эшмат ўзини математика дарсида ўтиргандек ҳис этиб, афтини бужмайтирди. Аламазон ўзича хомчўт қилиб кўрса, бунақада одам жуда кўпайиб кетаркан. Қишлоқда эса жой тор. Шунда у топилиши мўлжалланаётган хазина ҳисобидан бирмунча кўпқаватли уй қуриб ташлаш керак деган қарорга келди. Мармар деворли каттакон чойхона қишлоқ қариялари кўп тўпланадиган гузарда қад кўтарадиган бўлди. Ҳамма кўчаларга асфалт ётқизиблиб, Кўчқорсой устидаги кўприк янгиланиши керак эди. Кўприкнинг панжаралари соф қумушдан бўлармиш. Эшмат шу тўполонда қишлоққа беш қаватли ошхона ҳам қуриб қўйиш кераклигини кистириб ўтди.

– Аҳмадали отага атаб терак бўйи ҳайкал ўрнатамиз, – қатъий аҳд қилди Аламазон.

Бутун умри бошланғич синфларга дарс бериш билан ўтган Аҳмадали Обидий бундан икки йилча бурун, пенсияга чиқишига бир ойгина қолганда кўкқис вафот этганди. Унинг собиқ ўқувчиларидан иккитаси урушда қаҳрамон бўлган, биттаси ҳозирда вазир, яна биттасини шаҳардаги ёғ заводида директор дейишади. Узоққа бориб ўтирмайлик, шахсан Аламазоннинг ўзини ҳам биринчи синфда Аҳмадали ота ўқитган.

«Яна нима қилсам экан? – ўйланиб қолди Аламазон. Сўнг ўзича қўл силтаб қўйди. – Ҳа, майли, хазина топилгандан кейин тузукроқ ўйлаб кўрарман. Мирзақанд пиён вайсаганидек, пулинг кўпайган сари сарфинг ҳам ошиб бораверади».

– Борамизми, ошна? – Эшматнинг кўзига тикилди Аламазон.

– Қаяққа?

– Қаёққа бўларди, хазинани топгани-да.

– Ўзинг борагур, – ияк отиб минғирлади Эшмат. – Форда пишириб қўйибдимми?

– Кўрқоқ! Тағин сени Френсис деб чақирмоқчи бўлиб юрибман-а. Хайф сенга бу ном.

«Уч қалб»даги хазина қидирувчилар орасида икки асосий қаҳрамон бўлиб, улардан бирининг исми Генри, иккинчисиники Френсис эди.

Френсис! Агар имконини топса, Эшмат ўзининг «Ишма» деган хосиятсиз лақабини жон-жон деб Френсисга алмаштирган бўларди. У ўйланиб қолди.

Эшматга бу номни ваъда қилишдан олдин Аламазон ҳам анчагина бош котирганди. Унинг фикрига кўра Эшмат на Генриликка лойиқ эди, на Френсисликка. Иккала номга ҳам фақат Аламазоннинг ўзигина муносиб эди. Аммо инсоф юзасидан биттасини барибир Эшматга беришга тўғри келарди.

«Майли, унга биттасини бераман, – кўнглидан ўтказди Аламазон. – Лекин мендан ортганини олади».

У аввал Френсисликни танлади. Френсис – ақлли, ботир. Бунинг устига аслзода. Генри-чи? У ҳам мард ва жасур бўлса-да, Френсисдек сермулоҳаза эмас.

Шу пайт китобдаги бир воқеа дабдурустдан Аламазоннинг эсига тушиб қолди. Унда, енгилганнинг қулоғини кесиб олиш шарти билан бўлган олишувда Генри Френсисдан ғолиб келган ва рақибининг қулоғини кесмай олижаноблик қилган эди. Биргина шу нарса Френсиснинг бор афзалликларини сариқ чақага чиқариб қўйди. Аламазон Эшматдан кўра маданиятсизроқ бўлишга чидаши мумкин эди, аммо олишувда келиб-келиб шу ишкамбадан мағлуб бўлишдек иснодни ўз гарданида кўтариб юролмасди. Хуллас, у Генриликни танлади.

– Дарров жирракилик қилавурма-да, – дабдабали лақабни ўзлаштириб олиш умидида кескин мулойимлашди Эшмат. – Жандағорингда тилло бормикин ўзи?

– Бор. Ишонмасанг, қулоғимни гаровга қўяман. Ҳорнинг охирида Зимистонсарой деган жой бор дейишади. Хазина ўша ерда бўлиши керак.

– Сен олволадиғон нарсаларимизни лўнда гапирмаяпсан, – ғорга боришга рози эканлигини билдириш билан бирга, нафси учун қайғуришни унутмади Эшмат. – Нима, қорнимиз очмайдами?

– Ташвишланма, мен пиёдаларимнинг ғамини еб қўйганман, – Аламазон шундай дея харсанг устига чиқиб, қаддини ростлади. Кейин бошини баланд тутиб, тантанавор оҳангда эълон қилди. – Тайёрлан, Френсис! Муқаддас юришни бошлаймиз. Олдинда – Жандағор!

Улар эртаси куни барвақт сафарга отланишди. Пистазордаги чангалларга бет-қўлини таталатиб юрмаслик учун Аламазон Эшматни кунчиқардаги қояларга тирмашган илонизи сўқмоққа етаклади. Улар шаршара ёнидан юқорига кўтарилиб олишгач, Жаннатариқ ёкалаб Елкантоққа чиқа бошлашди. Бу ариқ Жандағорнинг шундоққина устидан оқиб ўтарди.

Зимистонсарой

Ҳорнинг ичи совуқ ва намхуш эди. Ўзидан кучлироқларга ем бўлган хайвонларнинг қоқмоч суяклари оёқ остида қалашиб ётар, ҳилолкакликларнинг тўзғоқ патлари киши нафас олаётган пайтда гоҳ лабга келиб ёпишар, гоҳ бурунни қитиқларди.

Тугмачирокларни ёқиб олган хазина қидирувчилар ғорга сарбозлардек кеккайиб киришган бўлса, жиндай ўтгач энгашиб, кейинроқ букчайиб юришга мажбур бўлишди. Охири, циркдаги қизиқчиларга ўхшаб, эмаклай бошладилар.

– Ке, ошна, пича тамадди қилволайлик, – анча эмаклашгач, туйнукнинг кенгроқ ерида тўхталиб деди Аламазон. – Балки бунақа қулай жой бошқа учрамас.

Эшмат хансираганича, индамай ёнбошлади. Аламазон тугмачирокни ёқиб, кавакдаги токчага қўйди-да, осмақопчикнинг оғзини очди. Қаттиқ нонга қўшиб озгинадан калла гўшти ва тухум ейишди. Кейин сувдонга ёпишишди.

Овқатланиб бўлишгач, ғорнинг тобора торайиб, туйнукка айланиб бораётганини назарда тутган Аламазон осмақопчикни шу ерда қолдириб кетиш керак деган қарорга келди.

– Сувдонни олиб, чўнтакларга озгинадан қаттиқ нон солволамиз, – деди у буйруқ оҳангида.

Эшматнинг Френсисликдан кўнгли совиб бораётганди.

Бу ерда бекордан-бекор эмаклаб юриш ғирт аҳмоқлик эканлигини очик гапиришга ботинолмаган Эшмат қурбакага ўхшаб ўзимизни хор қилиб юрамизми, деган маънода гап бошлади ва силлиққина қилиб, орқага қайтиш ҳақида таклиф киритди.

– Галварс! – шу заҳоти уни жеркиб ташлади Аламазон. – Биз орқага қайтсак, Аҳмадали отага ким ҳайкал ўрнатади? Стадион-чи?

– Жичча шошилмасанг, давлатнинг ўзи бизга келишган битта стадион куриб берарди.

– Давлатга ўлигингни ҳам ортвол, – ўшқирди Аламазон. – Сендақа текинхўрлар кўпайиб кетса, давлатнинг уйи куйди деявер. Кимлигингни айтайми ҳозир?

Эшмат «керакмас» дегандек нохуш қўл силтади. Агар Аламазон истаса, хоҳлаган одамани ҳар қандай йўл билан айбдор қила олишини у яхши биларди. «А» синфда ўқийдиган Бўтавой деган боланинг бўйнига йўқ нарсадан айб қўйганини Эшмат ўз кўзи билан кўрганди.

Ўшанда Аламазоннинг беҳига отган тоши қайтиб тушиб, дарахт тагида турган Бўтавойнинг пешанасини ғурра қилган эди. Суриштирадиган бўлсангиз, дувонадан тортиб донишмандгача гуноҳ Аламазонда деб айтади. Аламазон эса, Бўтавойни юпатиш ўрнига бирдан унга дағдаға қилиб қолса бўладими!

– Нега физикани ўқимайсан? – дея дўк ура бошлади у Бўтавойга. – Нега дарс вақтида анқайиб ўтирасан?

Бўтавой дарс пайтида анқайиб ўтирадими, йўқми – бунисини билмаймиз-у, лекин Аламазоннинг гапидан кейин у ҳақиқатан ҳам анқайиб қолди. Эшмат ҳам ғурра бўлган бошга физиканинг қандай дахли бўлиши мумкинлигини тушунолмай гаранг эди. Ҳар ҳолда дахли бор экан.

– Ўқишим билан нима ишинг бор? – кўзёшини арта туриб чийиллади Бўтавой. – Нима демоқчисан?

– Физикадан балони ҳам билмайсан демоқчиман.

– Бекорларни айтибсан! – айтаётган гапи ўз бошига кулфат бўлиб ёғилишини хаёлига ҳам келтирмай шанғиллади Бўтавой. – «Беш»га биламан ўша физикангни.

– Бундан чикди, ернинг тортиш қонунини ҳам билар экансан-да, – баттардан қизишди Аламазон. – Вой, муғамбир! Вой, муттаҳам! Тепага отилган тошнинг ерга қайтиб тушишини биларкансан-ку!

Бўтавойнинг тили ғўлдираб қолди. Бундан фойдаланган Аламазон пўписани янаям кучайтириб юборди.

– Нега дарахтнинг тагидан қочмадинг? Нега мен отган тошнинг тагига қасддан бурнингни тикасан? Ё мени дадамга калтаклатмоқчи бўлувдингми? Ниятинг шумиди ҳали?

Бечора Бўтавой ўшанда нима дейишини билмай, кўзи гўлайганича туриб қолувди.

Эшмат ана шуларни ҳисобга олиб, Аламазон билан баҳслашиб ўтирмади.

– Ие-ие, дарров қизишавурма, – деди у, тездаёқ юввошланиб. – Шундай... бир айтдим қўйдим-да.

Ғор тобора торайиб борди. Улар энди эчкиэмар сингари қоринларини ерга ишқаб эмаклай бошладилар. Бунинг устига тоза ҳаво камлиги туфайли нафас олиш анча оғирлашиб, хазина қидирувчиларнинг кийим-бошлари кўйилиб келаётган тердан шилта бўлиб кетди.

– Ке, энди қайтоврайлик, – яна илтижо қилди Эшмат. – Бу туришда бирор жойда қисилиб қопкетмайлик тагин.

– Қўрқма, туйнук ҳали кенг, – деди Аламазон. – Хазина энди унча узок бўлмаса керак.

– Мени ҳалиям анчагина лақиллатдинг, – ниҳоят кўнглидагини очик-ойдин тўкиб солди Эшмат. – Мунақа сассиқ жойда тилло бўларканми?

– Сен худбинсан!

– Нима десанг диявур, мен қайтаман.

– Сотқин! – Аламазоннинг жазаваси тутиб қолди. – Хайф сенга Френсислик, сен Эшмат ишмасан!

– Френсисингни пишириб егин!

– Шунақами? Унда жўнайқол! – бақриб берди Аламазон. Сўнг олдинга эмаклашда давом этаркан, қўшиб қўйди. – Тезроқ кет, қорангни бошқа кўрмайин. Ўзи ҳаво етишмай турибди, сен уни баттар бузаяпсан.

Эшмат орқага қайтишини ҳам, олдинга эмаклашини ҳам билмай, иккиланганича анча вақт туриб қолди. Олдинга эмаклаш хатарли, орқага ёлғиз қайтиш эса ваҳимали эди. У ночор олға силжиди.

Туйнукнинг охири шунақаям тор эдики, калласини Зимистонсарой томонга чиқарганича, замбаракка солинган ўқдек қисилиб қолган Эшматни Аламазон зўрғалатдан ичкарига суғуриб олди. Бу ер кишининг баҳр-дилини очадиган даражада салқин ва баҳаво эди. Эшмат тўйиб-тўйиб нафас оларкан, каламушнинг инидек тор туйнукда ҳаво йўқлигидан бўғилиб ўлмаганининг сабабини ниҳоят тушуниб етди.

– Гувиллаётган нима? – хавфсираб сўради у, шилинган елкаларини силаётди. – Чироғингни ёқвор-чи. Меники анави торт-тортда мажакланиб кетди.

– Бу сувнинг гувиллаши, – Аламазон тугмачироқ нурини улкан ғор шипидан гувиллаб тушаётган шалолага тўғрилаган чоғда, у кумуш нарвондек ярқираб кетди. Ғордаги оромижон муҳитнинг сабабчиси – ана шу зилол шалола ҳосил қилган серкўпик ҳовуз бирдек лимиллаб турар, ортиқча сув қаерга сизиб кетаётганини билиб бўлмасди. Деворлари пўпанак босиб ётган бу ғор ўзининг шипга бориб тақалган арчасимон тош устунлари, қатор-қатор хоналарни эслатувчи сон-саноксиз кавак-кандиклари билан ҳашаматли ва хувиллаган саройга ўхшаб кетарди. Теварак-атрофда ярқираган бирон нарса кўринмагач, Эшматнинг хуноби ошди.

– Тилло қани? – сўради у ҳовлиқиб.

– Саройни топдик, унияма топамиз, – бепарво жавоб қилди Аламазон.

Ҳазина қидирувчилар дуч келган кавакни бир бошдан тимирскилашга тушишди. Қалла суқилмаган каваклар сони камайган сари Эшматнинг тўйиб-тўйиб йиғлашга бўлган хоҳиши шунча кучая борди. Охирги кавак ҳам диққат билан титкиланиб, безовта қилинган калтакесакнинг зорланиб чириллаши эшитилган маҳалда унинг кўзларидан ёш сиза бошлади.

– Ҳеч бўлмаса, битта пачоқ қумғон топганимиздаям алам қилмасди, – пиқиллади Эшмат. – Энди нима деган одам бўлдик?

– Бунча пўнғиллайсан, ҳей ишма! – ўшқириб берди Аламазон. Тошларни титкилайвериб кўчиб ва қонаб кетган тирноқларидаги оғрик зўрайиб, шу топда унинг жаҳли чиқиб турганди.

Шундан сўнг у Зимистонсаройнинг чағир деворларини тугмачироқ ёруғида қайтадан кўздан кечира бошлади. Туйнукнинг қарама-қарши томонидаги пастдан шипгача чўзилган ёриққа кўзи тушиб, яқинроқ борди. Аламазон чироқ нурини ичкарига қаратди ва бир қарич кенгликдаги бу ёриқ икки қулоч жойгача торайиб боргандан кейин эшикдек жипслашиб қолганини кўрди. Ёшлигида бувисидан эшитган Али Бобо ҳақидаги эртак кўққис ёдига тушиб, икки-уч қадам ортга тисарилди-да: «Сим-сим, оч эшигингни!» – деб қичқирди. Тош ўрнидан силжимагандан кейин ҳам Аламазон умидсизликка тушмади.

– Биласанми, ҳазина қаерда, – қайсарлик билан Эшматни шалола тарафга етаклади у. – Ана шу ҳовузнинг таги олтинга тўлиб ётипти. Ишонмасанг, қулоғимни гаровга қўяман.

Ҳужум қилувчиларнинг фикрига кўра тахминан Зимистонсарой ўрамида ётган хазинани ўлжа қилиш учун эрта тонгда Жандағор оғзидан бошланган жанг-у жадал энди ҳовузда давом эттирилди. Мазкур вазият ўпкага иложи борича кўпроқ ҳаво тўплаб, мумкин қадар чуқурроқ шўнғишни талаб этарди. Охири шу нарса аниқландики, ҳовуз тубидан олиб чиқилган бир неча ҳовуч «намуналар» ташқи кўринишдан Кўчқорсойдаги шағалларга жудаям ўхшаб кетаркан.

Муздек сувга шўнғийвериб дилдираб қолган ҳазина қидирувчилар шоша-пиша кийимларига бурканишди.

– Энди дорини ишга соламан, – охирги ўқи қолган жангчидек асабий киёфада чўнтагини кавлай бошлади Аламазон. – Балки тоғам мендан хафа бўлар, лекин бошқа иложим йўқ..

Машхур профессор Оғабек Турконий Аламазонга тоға бўларди. Профессор дам олгани Ҳиндистонга кетаётиб, синглисини йўқлаб ўтиш учун кеча Тоштакага келганди. Чамаси, у эртага кечки пайт шаҳар аэропортига етиб боришим керак, деяётгандек бўлувди.

Аламазон кеча ғорга бориш ҳақида Эшмат билан келишиб олгандан сўнг, уйга қайтиб, тоғасининг ёнида анча гаплашиб ўтирди. Бир вақт профессор чўнтагидан кумуш қутича чиқариб, уни аста токчага қўйди. Аламазон унинг нима эканлигини сўради.

– Дори, – деди тоғаси ва жилмайганича қўшиб қўйди. – Уни ичган киши худди эртақлардагидек ният-мақсадига етади.

– Дўхтир тоғангда ана шунақа ажойиб дорилар бор, – кулди Аламазоннинг ойиси. – Шунинг учун ҳам ишлари доимо олдинга юради.

Аламазоннинг алламаҳалгача уйқуси келмади. Унинг миясида, «ўша дорини ичиб олсанг, хазинани албатта топасан», деган сўз қайта-қайта такрорланар, ичига бир жуфт сарғиш тугмадори солинган кумуш қутича кўзи олдида суратдек қотиб турарди.

«Ҳар эҳтимолга қарши дориларни олволсаммикан? – ўйлади у. – Ё сўрамай олганим учун тоғам хафа бўлармикин? Бе-е, дўхтирларда нима кўп, дори кўп».

– Ие-ие, – кўзлари жовдираб, Аламазоннинг кўлидаги сарғиш тугмачаларга тикилди Эшмат. – Нима бунинг?

– Дори деяпман-ку. Буни ичган ниятига етади.

– Зап опқочасан-да.

– Ишонмасанг, ўзингга. Мен ҳозир ичаман-у, ниятимга етаман.

Бирон нарсани тотиб кўриш имкониятини шу вақтгача қўлдан бой бермай келган Эшмат, тугмачаларга сукланиб қаради.

– Иккаласиниям ўзинг ичворасанми, Аламазон?

– Биттасини сен ичасан, – кўнглингдагини сезиб турибман, дегандек унга муғамбирона кўз ташлади Аламазон. – Чунки, иккаламизнинг ниятимиз бир.

Улар дориларни ичиб олишгач, мурод-мақсадларига етишдан олдин ховуз бўйида ёнбошлаб, бироз ҳордиқ чиқармоқчи бўлишди.

– Ўзиям роса чарчабмиз-ей, – пишиллади Эшмат. – Чўзилиб ётиш бирам хуш ёқяптики.

Бу пайтда Аламазон ҳам ўзини сархуш ҳис қилаётган эди. Унинг этлари ёқимли жимирлаб, пайлари тобора бўшашиб борар, бутун вужудини тўйиб-тўйиб ухлаш истаги қамраб олаётганди.

Қонхўр қоялар

Момақалдиروقни эслатувчи гулдирок товушдан Зимистонсарой ларзага келди.

– Ие-ие, – қулоғини динг қилиб, Аламазоннинг пинжига суқилди Эшмат. – Ер қимирляптими?

Аламазон тугмачирок нуруни гулдирок товуш келаётган томонга тўғрилади ва боя ўзи: «Сим-сим, оч эшигингни!» – деб қичқирган жойдаги харсанглар икки томонга силжиб бораётганини кўриб, донг қотиб қолди.

Харсанг силжишдан тўхтагач, момақалдиروق ҳам тиниб, унинг ўрнини зириллоқ товуш эгаллади. Бу товуш бўш пақир ичига тушиб қолган саратон кўнғизнинг зўр бериб қанот қоқишини эслатарди.

Хазина қидирувчилар силжувчи харсангларга яқинроқ бориб, бу жойда бир киши зўрға сиғадиган торгина йўлак пайдо бўлганини кўришди. Йўлакнинг ҳар икки томонидаги қояларда камалакранг нурлар жилоланиб турарди.

– Гавҳар шунақа товланади, – тажрибали заргарлардек ишонч билан гапирди Аламазон. Сўнг хаяжондан товуши титраб, Эшматни олға юришга даъват етди. – Муқаддас юриш давом этади, тўлпоқ пиёдам. Олдинда – хазина!

Эшмат оёғи тортиб-тортмай унга эргашди. Улар олдинга юрганлари сари йўлак кенгайиб борди, айна чоғда зириллоқ товуш тобора авжга минаётганди.

«Бу ўша очкўз ўрманчик! – «Уч қалб»даги қонхўр ўргимчакни эслади Эшмат. – Товушига қараганда, оғзи тандирдан кичик бўлмаса керак».

Йўлак ичидаги ҳарорат кадамма-кадам ошиб бораётгани боис улар терга ботиб кетишди, бора-бора иссиқлик этни ачиштирадиган даражага етди, бироздан сўнг сочлари жизиллаб қуяётганини ҳис қилишди. Нафас олиш жуда оғирлашиб кетди.

– Яна ўн кадам юрсак, сариеққа ўхшаб эриб кетамиз, – иссиқдан юзлари қизариб қичқирди Эшмат.

Аламазон енги билан пешанасидаги терларини артиб, юқорига – зириллоқ товуш келаётган томонга қаради. Чамаси, иссиқлик ҳам ўша тарафдан уфураётганди. Деворларда товланаётган камалакранг нурлар гавҳарлардан эмас, балки жуда баланд жойда зириллаб ёнаётган қандайдир нарсдан таралаётганини у бирдан англаб етди. Девор терак бўйи юксакликкача тик бориб, кейин ўнг ёққа оғиб кетгани туфайли нур таратаётган нарсани пастдан туриб кўриб бўлмасди. Аламазон умидсизликдан бўшашиб, аста деворга суянди, шу заҳоти «ух» деганча елкасини чангаллади. Девор офтобда қолган темирдек жизгин эди.

– Бу жаҳаннамдан тезроқ жилиш керак, – жизгин ва тап-тақир жаҳаннам ҳақида бувисидан эшитган гапларни эслаб, Эшматнинг дилидагини айтди Аламазон. – Жаҳаннамда гавҳар бўлмайди.

Шу пайт зириллоқ товуш кескин сусая бошлади. Девордаги жилокор нурлар ҳам аста-секин хираллашиб, иссиқлик пасайиб бораётгандек туюлди. Хазина қидирувчилар нима воқеа юз бераётганини англаб улгурмай, яна момақалдиروق янгради. Тепадан майда тошчалар дўлдек қуйила кетди.

Эшмат сувдонни ташлаб юбориб, иккала кўли билан бошини тўсди. Деворнинг юқори қисми ўнг томонга оғиб кетгани учун тош ёмғирлари фақат чап девор бўйлаб ёғилаётганди. Бу қулайликдан фойдаланган Эшмат биринчи бўлиб ўнг девор ёқалаб қочишга тушди.

Ландавурлик кишига ҳар қадамда панд беради. Олдинда дуппа-дуруст шаталоқ отиб бораётган Эшмат бирдан тошга қоқиниб кетиб, ерга чалпак бўлиб йиқилди. Бунинг устига шошилишда, Аламазон унинг қоқ белидан босиб ўтди-ю, эндигина ўрнидан кўзгалаётган Эшмат яна ерга қапишиб қолди.

– Сенга нима бўлди, Эшмат? – Аламазон тугмачироғини ерга қўйиб, унинг кўлтиғидан кўтарди. – Қани, турақол. Ҳадемай Зимистонсаройга етволамиз.

Эшмат инқиллаб ўрнидан тургач, бир кўли билан бошини пана қилиб, иккинчи кўлини жароҳатланган тиззасига тираган куйи оқсоқланиб олдинга юрди. Аламазон энгашиб, тугмачироққа кўл чўзди-ю, хайратдан сўррайиб қолди. Деворга қадалиб турган тугмачироқ тош куйқумларини сурганича аста судралиб бораётганди. Аламазон деворларга диққат билан разм солди. Икки забардаст қоя бир-бирига тобора яқинлашиб келаётганини кўриб, юраги орқага тортиб кетди. Йўлакнинг боши аллақачон беркилиб қолганлигини пайқагандан кейин юраги баттар гупиллаб, «нима бўлсаям, ичкарига, ичкарига қараб юриш керак», деган фикр бошида куюндек чарх ура бошлади.

– Эшмат, қайт орқага! – жон-жаҳди билан қичқирди у. – Қайт! Ўласан!

«Ўласан!» деган сўздан қаттиқ таъсирланган Эшмат ҳаққалаганича дарҳол ортга қайтди.

– Вей, нима деяпсан? – сўради у гезариб.

Аламазон вазиятни лўнда қилиб тушунтираркан, икки тарафдан қисиб келаётган қоя Эшматнинг кўзига баҳайбат оғзини имиллаб ёпаётган конхўр махлуқ бўлиб кўринди.

Улар ҳаллослаганларича яна ичкарига қараб юришди. Оқсаётган Эшматнинг кўлтиғига кириб олган Аламазон уни судрагудек бўлиб жадал юришга ундар, тезроқ ҳаракат қилиш лозим эди.

Аламазон ерда ётган сувдонни кўрмай данғиллатиб тепиб ўтаркан, боя ўзи жаҳаннам деб атаган жойга етиб келишганини англади. Бундан бир неча дақиқа олдин бу ерда арава сиққулик йўлак бор эди, энди эса бир қулочча жой қолганди холос.

Ҳазина қидирувчилар чангдан йўтала-йўтала тўхтовсиз олға интилишар, қаёққа бораётганларини ўзлари ҳам билишмас эди. Улар дунёдаги жамики лаззатлардан минг марта ширинроқ бўлган ҳаёт илинжида бутун онг ва вужудлари билан олдинга, фақат олдинга интилишаётганди.

Ажал панжасида

Кутилмаганда, юқоридан дўлдек қуйилиб турган тошчалар оқими аста-секин тўхтаб, майда-майда илиқ сув томчилари тома бошлади ва бироздан сўнг расмана ёмғирга айланди. Чанг сепсилиб, нафас олиш анча енгиллашган шароитда хазина қидирувчилар янада жадалроқ ҳаракат қила бошладилар.

Ёвуз қоялар эса ҳамон уларни икки тарафдан қисиб келаётганди. Ёнма-ён юришнинг иложи қолмагач, Эшматга ёрдам бериш имкониятидан маҳрум бўлган Аламазон подачидек орқага ўтволиб, «Чакқонроқ юр, чакқонроқ!» – дея ярадор пиёдасини қисташга тушди.

Улар йўл-йўлакай умид билан олдинга тикилишар, лекин йўлакнинг охири кўринмасди. Бир-бирига жудаям яқинлашиб қолган қоялар орасида кўндаланг юришга мажбур бўлишган маҳалда, «энди тамом бўлдик», деб ўйлади Аламазон юраги дукиллаб.

– Ҳорда ўладиғонга ўхшаймиз! – нафаси бўғзига тикилиб хирқиради Эшмат ва бўғин-бўғинларидан бўшашиб, ўзини ерга ташлади.

– Нега ётволдинг? – Эшматнинг елкасидан тортиб қичқирди Аламазон.
– Турсанг-чи, тўнка!

– Тиллоларингга қўшилиб гумдон бўл энди, – Эшмат бир силтаниб, унинг қўлидан чиқиб кетди. – Менга тегма! Тегма!

Аламазон йиғламас, лекин ўлим даҳшати уни ҳам анча мадорсизлантириб қўйганди. Омадсиз Генри ёмғирлар совитиб қўйган деворга суяниб, жон талвасасида ҳиқиллаб ётган сохта Френсисга дил-дилидан ачинганича туриб қолди. Бу пайтда шундайинам жуда хиралашиб кетган камалакранг нурлар батамом сўниб, ғорни қоронғилик қоплади. Бу янада ваҳимали эди.

Аламазон тугмачироқни ёқиб, ўзининг поёнсизлиги билан уларни ўлимга маҳкум этаётган бераҳм йўлакка мунгли назар ташлади. Чироқ нури қоялар остини ёритган дамда унинг қийғир кўзлари сўнги умид учқунидан олмосдек чакнаб кетди. Бир-бирига яқинлашиб келаётган қояларнинг пастки қисми шувшиган бўлиб, бу қавак қадамма-қадам юқорига кенгайиб, ичкарига чуқурлашиб борганди. Аламазон бир қарашдаёқ қоялар жипслашганда уларнинг остида туйнук ҳосил бўлишини англаб етди.

«Бу ерда ҳосил бўладиган туйнукка одам сиғмайди, – ўйлади у, – тезроқ олдинга силжиш керак».

– Биз тирик қоламиз, ошна! – бутун ғорни бошига кўтариб қичқирди Аламазон. – Жонингдан умидинг бўлса, олдинга юр!

Эшмат жонидан умидвор эди. У ярадорга хос бўлмаган чакқонлик билан ўрnidан туриб, тўпиғига чиқиб қолган сувни шалоплатганича олдинга ҳаққалади.

– Тезроқ, тезроқ! – унинг елкасидан тинмай турткилай бошлади Аламазон. – Лаллаймасанг-чи, ишма!

Бу бўралашлар ўз фойдасига айтилаётганини пайқаган Эшмат турткилардан хафа бўлмай, жон-жаҳди билан ликонглаб борарди. Қоялар хазина қидирувчиларнинг кўкрак ва куракларига яқинлашиб қолган чоғда Аламазон Эшматнинг елкасига қаттиқ мушт урди.

– Ёт!

Эшмат гурсиллаганича ўзини ерга ташлади.

– Нега чалпак бўлиб олдинг? – яна куюкди Аламазон. – Эмакла! Бошингни кўтармай эмакла, тўнка!

Улар тобора кенгайиб бораётган каваклар бўйлаб эмаклай кетишди. Ниҳоят момақалди роқ кучайиб, иккала қоя қарсиллаганича бир-бирига урилди. Ёмғир таққа тўхтаб, ҳаммаёқ бирдан жимжит бўлиб қолди. Шу сукунат ичида ўзининг тирик эканлигини ҳис қилган Эшмат севинганидан яна йиғлаб юборди.

Туйнук кенгая бориб, охири киши тик юрса бўладиган ғорга айланди. Озгина юришгач, ғорнинг бир четидан тарнов бўлиб тушаётган сувни кўришиб, чанқовбости қилишга ошиқибди, лекин сув негадир қайноқ эди. Уларнинг ҳафсаласи пир бўлди. Аламазон чўнтагини кавлаштириб уч дона каттиқ нон қаламчасини топди, иккитасини Эшматга берди.

– Менимча, Елкантоғ орқасидаги биронта дарадан чиқсак керак, – деди у нонни ҳузур қилиб сўраркан.

– Бу томонлардаям чўпон-мўпонлар бордир, – энди унча оқсоқланмай бораркан, оғзи сувлашиб минғирлади Эшмат. – Бир пишлокхўрлик қиладигон бўлдик, а?

Аламазон насия гапларга ҳеч қачон «ҳа» деган эмасди, бу сафар ҳам индамади. «Бу ишкамбага овқат бўлса бас, – нонни шимиб бораётиб, хаёлидан ўтказди у. – Шундан бошқа шерик қуриб кетувдими менга?»

Аламазон кўпинча Эшматдан нолиб юришига қарамай, бўш вақтининг талай қисмини у билан бирга ўтказарди. Бунга сабаб, биринчидан, Аламазон яшайдиган оила қишлоқ марказидан анча четда жойлашган етти хонадоннинг бири бўлиб, бу атрофда унинг Эшматдан бошқа тенгдоши йўқ эди. Иккинчидан, спартакликка иштиёқи баланд қаҳрамонимиз ўзининг итоаткор пиёдаларига эга бўлишни тун-у кун орзу қилар, Эшматнинг гўл ва бўйсунувчанлиги унинг учун айни муддао эди.

Эшмат иккинчи қаламчани ҳам ямлаб бўлган пайтда ғор ёруғлаша бошлади. Бора-бора тугмачироқ ёқиб юришга ҳожат қолмади. Балоказолардан омон қолиб, бу мудҳиш ғордан соғ-саломат чиқиб бораётганига қарамай Аламазоннинг кўнгли ғаш эди.

«Тайёр ғордан хазина тополмай қайтыпмиз-а, – алам билан ўйлади у. – Ҳе, аттанг, энди ҳамма иш давлатнинг елкасига тушадиган бўлди».

Тиртиқ ва Шилпиқ

Улар ғордан чиқиб оқ, ҳайратдан анграйганларича тўхтаб қолишди. Аламазон ўзини юзлаб прожекторлар нури қалашиб кетган улкан саҳна қаршисида тургандек ҳис қилди. Агар бу чинданам саҳна бўлса, у шунчалар зўр маҳорат билан безатилган эдики, кўриниб турган нарсаларнинг ҳаммаси табиий эканлигига кишининг ишонгиси келарди. Уфққа илоҳий тус ато этган кизғиш туман, туман остидан сийлиқиб чиққан пастқам адирлар ва бу

адирлар қуршовида ястаниб ётган кўм-қўк водий кишини оҳанграбодек бағрига чорлар, Аламазон ўзи сезмаган ҳолда бу фусункор оғушга тезроқ отилишни истаб турарди.

Ғордан бироз четроқдаги бахайбат харсанг устидан тушаётган шовванинг гувиллаши, шовва остидан бошланиб, адирнинг бир парча камалакранг туман бутунлай тўсиб қўйган қисмига сингиб кетувчи сой сувининг жимирлаши ҳам табиий эди. Фақат сахна устида чарақлаб турган сон-саноксиз юлдузларнинг сохталиги яққол сезилиб турар, бу юлдузлар орасида ойнанинг йўқлиги номаълум сахна безатувчининг бирдан-бир хатоси эди.

Сеҳрлангандек қотиб қолган хазина қидирувчилар ногаҳон шилдирай бошлаган тошлар товушидан сесканиб ўзларига келишди. Ғорнинг ўнг тарафидаги жарликдан қуролланган икки сипоҳи чиқиб келди ва найза ўқталган куйи уч-тўрт қадам нарида тўхталишиб, уларга бошдан-оёқ разм солишди.

«Қаерга кепқолдик ўзи? – баттар ҳайратланиб ўйлади Аламазон. – «Ўрта асрлар тарихи»-ку бу!»

Сипоҳилардан бири девсифат қомати борлигидан талтайганича болакайларга ғўдайиб боқар, унинг оёғи тагида ўралашиб қолмасликка тиришаётган паканаси эса, қизил чопон ичида килдираб, каттакон сариқ салла остида букчайиб турарди. Новчасининг лаби тиртиқ, паканасининг кўзи шилпиқ эди.

– Хих, тфу!

Учрашув маросими ҳеч бир миллий луғатда қайд этилмаган, лекин барча миллатга бирдек тушунарли бўлган ана шу «халқаро сўз» билан очилди.

– Қимирлама, хўп-па! – тупуриб бўлгач, тумшуғи илгакдек қайтарилган этигини ерга дўпиллатиб буйруқ берди Тиртиқ.

– Хўп-па! – такадек ирғишлаб, чийиллади Шилпиқ ҳам.

– Ашқал-дашқалингни ташла, хўп-па!

– Хўп-па!

Аламазон гап унинг қўлидаги тугмачироқ устида бораётганини фаҳмлаб, «қурол»ини аста ерга ташлади.

– Кимсан иккаланг? Хих, тфу! Нима қилиб юрибсанлар бу ерда?

– Нима қилиб юрибсанлар, жунбошлар?

Ранги бўздек оқариб кетган Эшмат мунғайганича ғўлдиради:

– Шундай, айланиб...

«Қочоқлар! Ёш болаларни қўрқитиб, хумордан чиқишмоқчи, – ғижиниб ўйлади Аламазон. – Сенларга майна бўлиш учун атайлаб ғордан ўтиб келадиган аҳмоқ энди туғилади».

Кир-чир уст-бошларга бурканиб олган иркит сипоҳиларнинг аҳволини кўриб, булар ўрдани ташлаб қочган аскарлар бўлса керак, дея ўзича тахмин қилиб қўйганди у.

– Бундан баландроқ дўқларни ҳам эшитганмиз, – сипоҳиларнинг кўзига тик бокди Аламазон. – Ўзларинг ким бўласизлар?

Тиртиқ бароқ қошларини нақ тўрт энли юқори кўтариб, мушукнинг думидек келадиган узун мўйловини силаганича Аламазонга ўқрайиб каради. Шилпиқнинг қизғиш кўзлари Тиртиқ билан болалар ўртасида тинимсиз гилдирар, чамаси у шеригининг ҳукмини кутаётганиди.

Чакчайган кўзлар хиёл қисилиб, бароқ қошлар томдан пўстак ташлагандек яна ўрнига қайтиб тушгач, Тиртиқ «хех» деб кулиб қўйди. Бу ерга келгандан бери расмиятчиликка кўниқолмай бетоқат жилпанглаб турган Шилпиққа кўнгил ёзиб олиш учун ниҳоят баҳона топилди.

– Хих-хих хий-й-й, – Аламазонга бармоғини бигиз қилиб қийқирди у. – Бу жунбош бизнинг кимлигимизни сўраяпти. Энди сен саволга жавоб беришинг керак. Ва-а-а...

У қорин кучиб куларкан, бақатўн босган ҳовузни эслатувчи кўзларидан итбалиқдек липанглаб ёш тома бошлади.

Аламазон эса қўққис берилган иккинчи зарба билан уларнинг хашагини очиб ташлашга уринди.

– Иккалангиз ҳам қочоқсиз!

Шилпиқнинг кулгиси томоғида тикилиб қолди. Тиртиқ бу сафар пинагини ҳам бузиб қўймади. У, «хийла овсар борсан-ов», дегандек Аламазонга диққат билан пича тикилиб турди.

– Яхшиямки, қорним тўқ, – бурнини жийириб, масхараомуз гап бошлади у. – Йўқса, сен зумрашани сихга тортардим-да, бир ўтиришда хомталаш еб ташлардим. Вох-хох-хо...

– Қорним оч бўлганда, мен ҳам битта-яримтангни еб қўярдим, – тўтиқушлиқни давом эттирди Шилпиқ.. Сўнг ўзини ваҳший кўрсатишга тиришиб, асирларга тиш ғижирлатди. Ранги ўчиб кетган Эшматнинг кўзига боқиб кўнгли сал таскин топган бўлса, Аламазоннинг ҳамон гердайиб турганини кўриб хўрлиги келди.

– Сенга гап таъсир қиладими, сурбет? – қўрқмагунингча қўймайман дегандек жирракилик билан Аламазонга яқинлашди у. – Ҳазиллашяпти деб ўйлаяпсан-да, а?

Шартта еб қўйсам, аттанг қилиб юрмагин тагин.

– Э-э, – бепарво қўл силтади Аламазон, – барибир еёлмайсиз.

Шилпиқ найзасини жаҳл билан ерга дўқиллатиб, сурнайдай шанғиллади:

– Нега еёлмас эканман, жунбош?

– Одам одамни емайди-да.

Чиндан ҳам одамни еёлмаслиги Шилпиққа жудаям алам қилди шекилли, асабий типирчилаб, айюҳаннос солди:

– Мен... одаммасман! Мен... ейман одамни! Мен... мен...

– Юм оғзингни, хўп-па! – калваклигинг билан менинг обрўйимни ҳам икки пул қилдинг дегандек, шеригини жеркиб ташлади Тиртиқ. ва ўша жаҳл билан Аламазонга юзланиб, жиддий қиёфада сўради:

– Қаёқдан келяпсанлар, ярамаслар?

Тиртиқнинг совуқ кўзларида ҳақиқий ёвузлик белгиси яққол акс етиб турарди. Аллақачон тиззаси қалтирай бошлаган Эшмат, «жон ошнажон,

шулар билан ўчакишмагин», дегандек Аламазонни аста туртиб қўйди.

«Робинзоннинг Жумабойини тириклайин емоқчи бўлганлар ҳам одамлар эди, – ўйлади Аламазон. – Ҳарҳолда сал-пал эҳтиёт бўлиш керак».

У бирдан мулойимлашиб, Тиртиққа самимий жилмайиб қаради.

– Мана, сиз билан яйраб гаплашса бўлади, – «похол солиш»ни бошлаб юборди у, – чунки анави чийиллоққа ўхшаган пандавоқи эмассиз.

Шилпиқ аламдан увлаганича кўк белбоғига қистириғлиқ турган ханжарга қўл чўзди-ю, шеригининг «Кишт!» деганини эшитиб, дарров шаштидан қайтди. Тиртиқ ўз шахсига қаратилган мақтовнинг давомини эшитиш мақсадида Аламазонга умидворлик билан кўз қадади.

– Зўр одамлигингизни шунданам билса бўладики...

«Маугли»даги лаганбардор чиябўри Табоқига тақлид қила бошлаган Аламазон Тиртиқни зўр бериб шиширишга тушди. Тиртиқ бошидан дўлдек ёғилаётган пойма-пой мақтовларни ҳеч бир ўнғайсизланмасдан қабул қилар, Шилпиқнинг эса ҳасаддан кўзлари сузилиб бораётганди. У «кўрмайин ҳам, кўймайин ҳам» дегандек, мақтовхўр шеригидан узоклашиб, теварақда бир зум ивирсиб юргач, Эшматни секингина ёнига имлади. Эшмат оёғи қалтираганича унга яқинлашди.

– Мендан кўрқасанми, йўқми? – кўзларини соққадек ўйнатиб, паст товушда ўдағайлади Шилпиқ.

Эшмат елкаси ёнидан Аламазон тарафга мўралади. У авваллари ҳам, яъни математика ўқитувчиси қалтисроқ савол берган пайтда, Аламазонга ана шундай умидворлик билан қараб қўярди. Ҳамроҳининг Тиртиққа «похол солиш» билан овора эканлигини кўрган Эшмат, бўйинини қисганича аста минғирлади:

– Кўрқаман.

Ундан ҳам кўрқадиган одам борлигидан севиниб кетган Шилпиқ шоша-пиша яна бир поғона юқори кўтарилди.

– Сени еб қўйсаммикин?

– Мени еманг, жон тоғажон!

– Майли, емайман, – дарров мурувват қила қолди Шилпиқ.

– Раҳмат, тоғажон. Жудаям яхши одамга ўхшаяпсиз.

Аламазоннинг Тиртиққа тинмай узатиб турган «масаллиғи»га нисбатан анча таъмсиз бўлса-да, бу ҳам ҳарҳолда мақтов еди. Шилпиқнинг чехраси ёришди.

Яхши гап билан итнинг оғзидан суякни олиш мумкинлигига ишонч ҳосил қила бошлаган Аламазон бу вақтда Тиртиқни ҳаддан зиёд ялпайтириб ташлаганди.

– Ёмон болага ўхшамайсан, – мамнун лаб ялаб қўйди, мақтовлардан қорни тўйган Тиртиқ.. – Лекин, хафа бўлма-ю, барибир сизларни хуфия ишлар бошлиғи Фисқиддин Макру Маразнинг ихтиёрига топширишимиз керак. Вазифамиз шунақа, хих, тфу!

– Нега энди?

– Чунки иккаланг Аждарободдан юборилган жосуссанлар. Айтмасанглар ҳам ақлим етиб турибди.

«Аждаробод яна қаер бўлди? – ўйлади Аламазон, – «Ўрта асрлар тарихи»да бунақа жой йўқ эди шекилли».

– Яна уч кундан кейин ўрнимизга бошқа соқчилар келишади, – давом этди Тиртиқ.. Кейин ғорнинг қуйроғидан бошланган чакалакзор ўртасида элас-элас кўзга ташланиб турган кулба томонга қўл чўзиб деди:

– Унгача хў ўша хужрада, Ҳумо Хартум билан яшаб турасанлар.

– Ким у... Ҳумо Хартум?

– Жиннироқ бир чол, – хиёл тиржайиб қўйди Тиртиқ.. – Бир пайтлар ҳамма унга эгилиб салом берарди. Кейин, омади кетди-ю, ҳамма уни масхара қиладиган бўлди. Хих, тфу! Сенларни унга қўшмаслик керак эди-ю, бошқа илож йўқ.. У жиннининг алжирашларига кулоқ солманглар.

Тиртиқ шеригини пойлоқчиликда қолдириб, тутқунларни сўқмоқдан пастга бошлади.

– Қани, кетдик, хўп-па!

– Хўп-па! – қувлик билан унинг гапини такрорлади Аламазон ва Эшматга қараб қичқирди:

– Шимни баландроқ кўтар, тўлпоқ пиёдам. Муқаддас юриш давом этади. Олдинда – Ҳумо Хартум!

Ҳумо Хартум

Ҳумо Хартум деганлари мирзатеракдек новча ва ингичка бир чол экан. Унинг ноксимон калласи бўйин устида эмас, елкалари орасида қистириғлик турганга ўхшарди. Сипоҳи болаларни эргаштириб хужрага кириб борганда у қандайдир жулдур китобни шоша-пиша тахмон устига қўяётган эди.

– Қалайсан, чол? – дўриллади Тиртиқ.. – Аждарободлик жосусларни ушладик. Кулбангда кун кўриб туришар. Кейин буларни Тандирга олиб кетамиз.

«Тандир» сўзини эшитиб капалаги учган Эшмат кўзи жовдираб Аламазонга қаради, унинг бепарво турганини кўриб, ғаши келди.

Чол жосусларга разм солмоқчи бўлди-ю, лекин очиқ эшикдан тушиб турган нурдан кўзи қамашиб, уларнинг афт-ангорини туслаб ололмади.

– Сенга айтиб қўяй, буларинг жуфтакни ростлаб қоладиган бўлишса, кетидан қувиб юрадиган аҳволим йўқ, – жавобгарликни бўйнидан соқит килди Ҳумо Хартум.

– Қаёққа қочишарди, – «хих» деб қўйиб, қаерга тупуришини билмай тургач, бир ютиниб, сўзда давом этди Тиртиқ.. – Иссиқғорнинг оғзида биз турибмиз. Аждарободга борадиган биттаю битта йўл – Қоратуйнук. У ерни пошшоликнинг камончилари кўриқлашяпти.

Чол қовоғини уйиб, бошини қуйи солди. Чамаси, жосусларни сақлаб беришдан кўра зарурроқ ишлари кўп эди.

Тиртиқ болаларни ташқарига чиқариб юбориб, чолга тугмачироқни узатди.

– Жосуслардан ўлжа олдик. Сандикқа сопқўй.

Сипоҳи чиқиб кетгач, чол тугмачирокни қизиқиб кўздан кечира бошлади. Уни аввал қулоғига яқин тутиб силкиб кўрди, сўнг шишасини авайлаб чертди, охири ботиниб-ботинмай тугмачани босди. Хужра деворида чакмоқ чакнагандек бўлди-ю, чол чирокни қўлидан ташлаб юборди. Пича ўйланиб тургач, миясида кўккис пайдо бўлган фикрдан қаттиқ ҳаяжонга тушиб, ҳаллослаганича ташқарига чиқди. У болаларни синчковлик билан бошдан-оёқ кўздан кечирди, кела солиб Эшматнинг кўйлак ва шимини сийпалади, унинг оёғидаги ботинкага бутун диққатини бериб тикилди.

– Қаёқдан келдиларинг? – Эшматга мурожаат қилаётган онда унинг хира тортган кўзлари бир лаҳза ёрқин чакнаб кетгандек бўлди.

– Биз... биз... – ғўлдиради Эшмат. – Шундай...

– Сизга айтишди-ку, – Эшматнинг жонига оро кириб, гапга аралашди Аламазон. – Аждарободлик жосуслармиз.

– Ёлғон! – Аламазонга ўгирилиб қичқирди чол.

Аламазон Тиртиқ билан суҳбатлашиб ўтирган пайтдаёқ ўрта аср тимсолидаги қандайдир бошқа бир оламга келиб қолишганини англаб етган, масала равшанроқ бўлгунга қадар ўзимиз ҳақда ҳеч нарса гапирмай туриш керак деган қарорга келиб, буни йўл-йўлакай Эшматга ҳам шипшитиб кўйганди.

– Бўлмаса, қаерданмиз? – нахотки бу телба бирон нарсани пайқаётган бўлса, дегандек хавотирланиб сўради Аламазон.

– Ёлғон гапиряпсан! – узун ва қалтироқ бармоғини Аламазонга бигиз килди чол. – Сизлар ёруғ дунёнинг одамларисиз!

– Қизиқ-ку, – жилла пинак бузмай, зарбани даф килди Аламазон. – Ёруғ дунё деганингиз нимаси?

Эшмат ҳам қатордан қолмаслик учун «ие-ие» деб қўйди, сўнг кўзини чолдан олиб қочиб, устма-уст бурун тортди.

– Салламно-о-о! – ёқа ушлаб Аламазонга термилди чол. – Шу ёшингда-я? Бошинг омон бўлса, сендан ё номдор арбоб, ё бедаво каззоб чиқади. Тошасаблигинг, сурбетлигинг шундан далолат бериб турибди.

Аламазоннинг аллақачон тўқсонни уриб қўйган бувиси, «бу маҳмадана қирқ ёшли одамнинг гапини гапиради-я», деб куюнишида жон бор эди. Кексақари бу болакай «тақиқланган» китоблардан бирмунчасини ўқиб чиқишга улгургани, хатти-ҳаракати ва нутқида ўша китоблардаги қаҳрамонларга тақлид қилишни ёқтиргани учун бўлса керак, кўпинча ўзини вазмин, салобатли тутар, ёшига хос бўлмаган баландпарвоз гапларни тоблаб-тоблаб ишлатарди. Лекин ўйинқароқлик ва хаёлпарастлик барибир унинг болалигини ошкор қилиб қўярди.

Хумо Хартум қовоғини уйиб, секин орқага бурилди. Туядек лўкиллаб хужрасига кириб бораркан, остонада бир зум тўхталиб яна ортга ўгирилди-да, аламзадалиқ билан деди:

– Марҳум отамни чақимчи сифатида ҳамма ёмон кўрарди. Отам қолдирган мерослардан фақатгина унинг шу хислатини олмаганман. Яширгиларинг келаётган бўлса, менинг ҳам ҳеч кимга индамаганим бўлсин. Лекин сизларнинг ёруғ дунё

одамлари эканлигингиз Онаюлдузнинг боқийлиги каби ҳақиқатдир.

Шундай дея, у ичкарига кирди ва қоронғи хужра ичра бир лаҳза кўзга чалиниб тургач, тош девор қаърига шарпа мисол сингиб кетгандек туюлди.

– Вой жинни-ей, ёруғ дунёдан келгансизлар дейди-я, – минғирлади Эшмат. – Нима, ҳозир у дунёда юрибмизми?

– Биз томонларни булар «Ёруғ дунё» деб аташса керак, – деди чолнинг кетидан паришон тикилиб қолган Аламазон. – Аммо, бу чол жинни эмас.

– Гапирасан-да, – кўл силтади Эшмат. – Кўрмадингми, сал бўлмаса ботинкамни ечволарди.

– Тўнка! – Эшматнинг анқовлигидан аччиқланди Аламазон. – Гамлетни ҳам эси кўплиги учун жинни дейишган. Чолдан кечирим сўраш керак, билдингми?

У шеригининг жавобини кутиб ўтирмай, хужрага қараб юрди. Эшмат шумшайганича унга эргашди.

– Бизни кечиринг, Ҳумо Хартум, – деди Аламазон, остонадан хатлаётган Эшматни ҳам қаторга қўшиб. – Биз...

– Мени исмим Ҳумо Хартум Али Абдурахмон, – унинг гапини бўлди чол. – Сен мени «ҳазрат Ҳумо» деб чақир. Чунки мен шу мамлакатдаги жамики ўрмалаган зот-у, уларнинг подшоҳидан ҳам минг карра ақллиман.

Эшмат, «айтмовдимми», дегандек Аламазонга маънодор қараб қўйди.

– Биз ёруғ дунёнинг фарзандларимиз, – фахр билан маълум қилди Аламазон. – Сиз тўғри топдингиз, ҳазрат Ҳумо.

Чол ярқ этиб болаларга қаради. Чамаси қайсарпадарларнинг бунчалар тез инсофга келишини кутмаганди. Ҳаяжондан кўзларига ёш тўлган ҳазрат Ҳумо тутқунларни қайта-қайта кучоқлаб, галма-гал ўпа кетди. У ёруғ дунё, кўёш, ой, кўм-кўк осмон ва чиройли булутлар ҳақида пала-партиш саволлар берар, гоҳ меҳр тўла кўзларини болаларга қадаганича бирпас жимиб қолар, ора-сира, «ишқилиб, мен мияси суйилган қарияни алдамаяпсизларми», дея сўраб қўярди.

– Шу ғордан бир кунмас бир кун ёруғ дунё одамлари келишини билардим, – чол кўз остидаги ажинларга тўпланиб қолган тиниқ ёшни артиб, мунгли жилмайди. – Шу

боис, қувғинди бўлганимдаёқ тўғри шу ерга – Иссиқғорга яқинроқ жойга кўчиб келдим. Лекин ёруғ дунё одамларини кўриш менга насиб қилмай қолишидан қўрқардим. Ахир неча замонлардан бери бу ғордан биз томонга ҳеч ким ўтиб келмаган.

– Мана, биз келдик, – бошқалар эплай олмаган ишни биз уддаладик деган оҳангда гап қотди Аламазон.

– Доҳий эшакка салламно, – деб қўйди чол товуши қалтираб ва шу захотиёқ кўл силтади. – Тил қурғур ўрганиб қолган-да. Мен ҳам бошқалардек аҳмоқ бўлиб, бир умр шу зоти паст махлукқа сиғиниб келибман-а.

– Қанақа махлукқа? – Аламазон чолнинг оғзига тикилди.

– Эшакка-да.

Ҳазрат Ҳумонинг эс-ҳуши жойидалигига ҳануз шубҳада бўлган Эшмат, унинг бу гапидан кейин «энди ишонгандирсан» дегандек Аламазонга зимдан

караб кўйди.

– Эшакка дейсизми? – Эшматнинг ишорасига парво қилмай, таажжубланиб сўради Аламазон.

– Бизнинг Юлдузистонда ҳамма эшакка сиғинади, – афсус-надомат билан бош тебратди чол. – Бизнинг бобокалонларимиз дастлаб бу ерга кириб келишган пайтда ўз дини, ўз худосини чала-чулпа танийдиган ёшда бўлишган...

Чол гапини тугатмай, ўрнидан кўзгалди.

– Ҳа, майли, бу тўғрида кейинроқ гапириб берарман. Аввал сизларни меҳмон қилишим керак. Атайлаб ёруғ дунёдан келиб, Ҳумо Хартум Али Абдурахмоннинг зиёфатида бўлмаслик – уят.

Меҳмонлар ҳам бу маросимни орзиқиб кутишаётганди. Дастурхонга нон, яхна гўшт, туршак ва мева қоқи тортилиб, учта бўш коса билан жигарранг суюқлик тўлдирилган кўза келтириб қўйилди. Ҳазрат Ҳумо чой деб узатган совуқ ичимлик лимонли қандчойни эслатарди.

Зиёфат давомида меҳмонлар чурқ этмай ўз вазифаларини сидкидиллик билан ва кутилганидан бирмунча тез уддалашди. Уларни узлуксиз равишда чой билан таъминлаб турган мезбон болаларнинг исм-шарифларини сўраб олишга зўрға ботинди. Бироздан сўнг дастурхонда ушоқ, суяк ва данакларгина қолди. Ёруғ дунёликлар мевақоқиларни ҳеч бир чиқиндисиз танаввул қилишди.

– Ҳазрат Ҳумо, ишқилиб, бор-будингизни таламон тандир қилмадикми? – қорни тўйгандан кейингина чолнинг иқтисодий аҳволи билан қизикди Аламазон.

– Жулдур чопонда бўлсам ҳам, сизларга ўхшаган меҳмондан яна ўнтасини боқишим мумкин, – косадаги чойни хўплаётиб кулиб қўйди чол. – Ҳозир сизларни ўзимнинг хўжалигим билан таништираман. Кейин Юлдузистон тўғрисида гаплашсак ҳам бўлади.

Болалар чолга эргашиб ташқарига чиқишди. Улар чакалакзор оралаб боришаркан, ҳазрат Ҳумо шакарқамишга ўхшаган ўсимликни кўрсатиб, унинг чой эканлигини айтди. Бу ўсимликнинг бир парчаси совуқ сувга ташлаб қўйилса, бутунлай эриб, тап-тайёр чой ҳосил бўларкан.

Пича юришгач, чакалакзор тугаб, буғдойзор бошланди. Қизиғи шундаки, бу мамлакатда экин суғориш, дон сочиш деган гаплар йўқ экан. Буғдойлар ўзи униб чиқиб, ўзи пишиб ётавераркан.

Орқага қайтиб келишгандан кейин чол ҳужра ёнидаги кўлтегирмонда буғдой тортиб кўрсатди. Кўлтегирмондан пича нарида қайноқбулоқ бўлиб, юлдузистонликлар гўштни тўғридан-тўғри шу булоқда пиширишар, хамирни ҳам сувида қоришаркан.

Булоқнинг суви салгина шўр бўлгани учун масаллиғнинг тузини ўзи ростлаб қўя қоларкан.

– Мамлакатда юзлаб мана шунақа булоқлар бор, – изоҳ берди чол. – Булоқ қаерда кўп бўлса, ўша жойда одамлар зич яшашади.

Булоқнинг ёнгинасига қўйилган кўктошнинг ажойиб хусусияти бўлиб, у кечқурунлари илимилиқ турар, кундузи эса ҳаддан зиёд қизиб кетар,

юлдузистонликлар нонни шу тошга ёпар эканлар. Бундай тошларни ўша Иссиқғорнинг тепа қисмидан кўчириб келишаркан.

«Бу тошга гўшт ёпиб есанг, росаям мазза бўлади-да», деб ўйлаб қўйди Эшмат, сўнг ўша масаллиғнинг манбаини суриштирди.

– Гўштни қатган оласиз, ҳазрат Ҳумо?

– Чорвам йўқ, – жавоб қилди чол. – Лекин бу ерда паррандалар кўп. Уларга тузоқ қўяман.

Чол қўли билан сой тарафни кўрсатиб, қўшиб қўйди:

– Бу томонлар мевазор. Бекорчиликда бир айланиб келарсизлар.

– Бу ерда ҳеч ким оч қолмас экан, – атрофга ҳавас билан қараб қўйди Аламазон. – Фақат, қишга кўпроқ дон ғамлаб олишингиз керак, ҳазрат Ҳумо. Хоҳласангиз, биз ёрдам берворамиз.

– Қиш? Нима у? – сўради чол.

«Нахотки, бу ерда қиш ҳам бўлмаса?» – дея таажжубланиб ўйлади Аламазон ва дарс бераётган муаллимдек ўзини эркин тутиб, завқ-шавқ билан тушунтира бошлади:

– Қиш, бу – қаҳратон. Ҳаво совиб кетади, ер музлайди, экин-у майсалар қуриydi, дарахтлар ёппасига барг ташлайди. Одамлар беш қаватдан кийим кийиб олишсаям, тишларини такиллаб дилдирайверишади, дилдирайверишади.

– Бизда совуқ ва иссиқ сув бор, аммо совуқ ҳаво йўқ, – ўз мамлақати номидан гапира бошлади чол ҳам, – Юлдузистонда ҳеч бир экин ёппа қуриб кетмайди, ҳеч бир дарахт буткул яланғочланиб қолмайди. Бугдойзорда битта поя қуриса, ёнидан бошқаси униб чиқади, дарахтдан қовжираб узилган барг ўрнини эндигина ниш уриб келаётган янги куртак эгаллайди.

«Зап ғалати мамлакат экан-да, – ўйлади Аламазон. – Ёруғ дунё одамлари буни сезиб қолгудек бўлишса, қулоғимни гаровга тикиб айтаманки, ёпирилиб келишади. Ана ўшанда ҳатто меҳмондўст ҳазрат Ҳумо ҳам бир пайтлар ғор оғзида уларнинг йўлини пойлаб ўтирганидан қаттиқ пушаймонланган бўларди».

Аламазон бу ғаройиб мамлакат ҳақида тўлароқ тасаввурга эга бўлишга ошиқар, чол айтиб беришни ваъда қилган Юлдузистон мавзуидаги ҳикоянинг бошланишини сабрсизлик билан кутарди.

Ҳазрат Ҳумо ёруғ дунёликларни ҳужрага таклиф қилди.

Кўтирлар сулоласининг инқироzi

Ҳумо Хартум шаҳаншоҳ Кўтир Тўртинчининг ҳукмронлиги даврида туғилиб вояга етди. Унинг отаси саройда бош айғоқчи лавозимини эгаллаб тургани учун, улар машҳур лаъл қасрнинг шинам хоналаридан бирида истиқомат қилишар ва шаҳаншоҳлик томонидан яратилган қатор имтиёзлардан баҳраманд эдилар. Ҳумо ҳукмдорнинг якка-ю ягона ўғли Кўтир Бешинчи билан тенгдош бўлиб, улар саройда бир устоддан таълим олишар, бўш вақтларини доимо бирга ўтказардилар.

Қўтир Бешинчи йигирма бир ёшга тўлган пайтда отаси оғир касалликдан вафот этди, ўғил тахтга ўтирди ва эртаси куниёқ Хумо Хартум Али Абдурахмонни бош вазирлик мансабига тайинлади. Подшоҳ кўпчилик билан кенгашмай туриб, мамлакат миқёсида ҳеч бир ишни амалга оширмасди. Ўзининг мулоҳазалилиги ва тадбиркорлиги билан кейинчалик ҳазрат Хумо деб ном олган бош вазир унинг биринчи маслаҳатчиси эди.

Қўтир Бешинчининг қирқ йиллик ҳукмдорлик даврида юрт фаровонлашиб, вилоятлар кўркамлашди, илм-у фан соҳиблари қадр топиб, маърифат юксалди, маъмурчилик ошиб, қурилишлар авж олди.

Юлдузистон икки йирик вилоятдан иборат бўлиб, шулардан бири – Тандир ўзининг олтин сарой ва лаъл қасрлари, кўркам кумуш бинолари, гавҳар фавворалари, сон-саноксиз мрамар ҳайкаллари билан ажралиб турарди.

Иккинчи вилоят – Аждаробод эса асосан Қўтир Бешинчининг ҳукмдорлик даврида кенгайди ва ободонлашди. Бу хушманзара жойдаги пастқам тошкапалар ўрнида яраклаган кумуш ва мрамар бинолар қад кўтарди.

Яйловларда, чакалакзорларда тарқоқ ҳолда яшаб келаётган оилаларнинг асосий қисми марказ атрофида тўпланиб, вилоят аҳолиси кескин кўпайди.

Баланд, сип-силлиқ қоялар тизмасидан иборат баҳайбат девор Тандир билан Аждарободни бир-биридан ажратиб турар, вилоятдан-вилоятга фақат Қоратуйнук деб аталувчи улкан туйнук орқалигина ўтиш мумкин эди.

Дон, гўшт, мева ва каноп мамлакатнинг асосий бойлигини ташкил этиб, асосан Тандир шаҳри атрофида уйилиб ётган лаъл, олтин, гавҳар сингари йирқироқ тошлардан сарой қасрларини безаш, тақинчоқлар яшаш учунгина фойдаланиларди. Юлдузистоннинг энг қадрли моли каноп эди. Каноп Аждаробод ва Тандир вилоятларининг жуда кичик қисмида ўсар, бирор ўсимликни кўчириб экиш, экин майдонини кенгайтириш бу мамлакатда ҳали одат тусига кирмаганди. Бўзчилар канопдан юпқа ва қалин газламалар тўқишиб, уларни турли гиёҳлар ёрдамида ҳар хил рангларга, жумладан, оқ рангга ҳам бўяр эдилар.

Аҳолининг катта қисмини дехқон, чорвадор ва соҳибкорлар ташкил этар, бу юртнинг косиб-хунармандлари бўзчи, меъмор, наққош, мискар, дурадгор, кулол, этикдўз, бичувчи кабилардан иборат эди. Созанда, хонанда, шоир, сураткаш, ҳайкалтарош, айниқса табиблар эл ичида энг нуфузли кишилар ҳисобланишарди.

Қўтир Бешинчи узоқ вақтгача фарзанд кўрмади. Унинг хотини малика Мастон бош лашкарбоши Бурбулит Идрик Иброҳимнинг опаси бўлиб, жудаям устомон ва муғамбир аёл эди.

Шаҳаншоҳ охири Аждаробод вилояти ҳокими Нодим Улуғнинг ёш ва сулув синглиси малика Рузвонга уйланди. Саройда ёш келин пайдо бўлгандан кейин, тақдирнинг тақозоси билан, малика Мастон ҳам кутилмаганда ҳомиладор бўлди-ю, малика Рузвоннинг кўзи ёришидан уч кун аввал уни ҳам тўлғоқ тутди. Шундай қилиб шаҳаншоҳ бирин-кетин иккита

Ўғил кўрди. Каттасини Фонус, кичигини Феруз деб атай бошладилар.

Малика Мастон шундан кейин бошқа фарзанд кўрмади, малика Рузвон эса яна битта қизлик бўлди. Унга Хазина деб исм қўйишди.

Қари ва жоҳил малика Мастоннинг ҳаддан зиёд талтанглатиши натижасида шаҳзода Фонус ишқмас, инжиқ ва овсар бўлиб улғая бошлади. У юз-қўлини ювиш, ечиниб-кийиниш, ҳатто, бурнига келиб қўнган пашшани ҳайдашга ҳам эринар, муаллимлардан юз димоғ-фироқ билан сабоқ олар, камон отиш ва қиличбозлик машқларидан умуман бош тортарди.

Шаҳзода Феруз, аксинча, босиқ, одобли ва тиришқоқ эди. Унинг суҳандонлиги, зеҳн-фаросатининг ўткирлиги сарой олимларини хайратга соларди. У ўн ёшидаёқ камон ўқини ҳалқага бехато санчадиган бўлди, ўн бир ёшида қиличбозлик санъатини пухта эгаллаб, устодларини ҳам қойил қолдирди. Унинг аниқ ва чاقқон ҳаракатлари бир пайтлар Юлдузистондаги энг шоввоз қиличбоз ҳисобланган Барри Бараканинг такрорланмас услубларини эслатарди.

Синглиси Хазина эса ўзининг кўғирчоқдай ёқимтойлиги, ширинсўзлиги ва покиза хулқ-атвори билан саройдагилар меҳрини қозонганди.

Ўғиллари ўн икки ёшга тўлганда Қўтир Бешинчи кўққисдан вафот этди. Шундан сўнг тож-тахт талашишлар бошланди. Шаҳаншоҳ тахтни Ферузга васият қилиб қолдирган бўлишига қарамай, бош лашкарбоши Бурбулит Идрик Иброҳим ўз жиянини ёқлаб чиқиб, Феруз Фонусдан уч кунлик кичик, мамлакат тақдирини муштдек болага ишониб топшириш ақлдан эмас, деган даъвони илгари сурди.

Бош вазир Ҳумо Хартум Али Абдурахмон, Аждаробод вилояти ҳокими Нодим Улуғ ва шу вилоят лашкарбошиси Палахмон полвонлар шаҳаншоҳнинг васияти бузилмаслиги кераклигини талаб қилишди. Лекин хуфия ишлар бошлиғи Фисқиддин Макру Мараз, бош айғоқчи Исом Итту Искартопар, Тандир вилояти ҳокими Ҳошим Ҳезиддин Хум ва ана шу вилоят лашкарбошиси Шаламон Шилдир кабилардан иборат нуфузли кучларни ўз атрофига тўплаб олган Бурбулит охири ғолиб чиқиб, тахтни шаҳзода Фонус эгаллайдиган бўлди.

Бундан қаттиқ ранжиган Нодим Улуғ синглиси ва жиянларини олиб Аждарободга жўнади. Палахмон полвон ўз лашкарлари билан унга эргашди. Шу тариқа Юлдузистон ўз тарихида илк бор икки ҳокимликка бўлиниб, Тандир ва Аждаробод вилоятлари ўртасида кўриқланадиган чегара пайдо бўлди.

– Мана, икки йилдирки, кунимиз ўша инжиқ гўдакка қолган, – чуқур хўрсиниб қўйди Ҳумо Хартум. – Бу давр ичида оддий авомнинг аҳволи жуда оғирлашиб кетди. Янги подшоҳ энг серҳосил мевазорларни, энг серўт яйловларни, энг бўлиқ буғдойзорларни ўз арбоб-уламоларига тақсимлаб берди. Саройдаги бир тўп лаганбардор машшоғ-у шоирларни ҳисобга олмаганда, илм-у фан аҳли хор бўлиб, санъаткорларни ҳеч ким қадрламай қўйди. Юртимизнинг ўтмишини ўзида мужассамлаштирган шоҳона санъат асарларини ўқиш, ўқитиш тақиқлаб қўйилди. Юрт ифлос хандакка, етти

пушти покиза ўтган халқ ирkit махлуққа айланди. Хуллас, Искирт Биринчининг пойқадами эл-юрт учун қутлуғ келмади.

– Искирт Биринчи дедингизми? – сўради Аламазон. – Ким у?

– Бу ўша Фонуснинг янги дабдабали исми, – захархандалик билан сўз қотди чол. – Мамлакатнинг тобора гуллаб-яшнашига сабабчи бўлган Қўтирлар сулоласи тугаб, юртга фақат пуштсизлик, иснод келтирувчи Искиртлар даври бошланди.

– Етти пушти покиза ўтган халқ! – чолнинг бояги гапини алоҳида урғу билан таъкидлаб, ўйланиб қолди Аламазон. – Етти пушти покиза...

Искиртлар мамлакати

Тож-тахт учун бошланган можаро Бурбулит тарафдорлари фойдасига хал бўлган куни қувончдан ўзини саройга сиғдиролмай қолган малика Мастон омадли шахзода Фонусни ўпиб-ялаб эркалатишга тушди.

– Эртага эрталаб санга тож кийдиришади, ширингинам, – рўмолчаси билан эндиликда Қўтир Олтинчига айланган Фонуснинг бурнини арта туриб гап бошлади малика. – Энди олдинда ҳамма етти букилиб таъзим қилади, сан бўлсанг кеккайиб тураверасан. Кеккайиб тургин, хўпми?

– Тоғам ҳам манга таъзим қиладими? – завқланиб минғирлади Фонус.

– Бурбулитми? – ўз укасининг номини назар-писандсиз тилга олди малика. – Буюрсанг, оёғингни ялайди.

Шундан сўнг малика унга ҳаммомда яхшилаб ювиниб олиши лозимлигини айтди. Фонуснинг капалаги учиб, бунга ўлса ҳам рози эмаслигини маълум қилди. Малика одамларнинг кўзига шу аҳволда кўриниш уят эканлигини уқтириб, ҳеч бўлмаганда юз-кўлингни ювиб олишинг керак, деб туриб олди. Фонус маликанинг юрагига ғулғула солиб, ювинадиган бўлсам, подшоҳлик қилмайман, дейишгача бориб етди. Бу можаронинг устига Бурбулит келиб қолди.

– Ювин дегандан кейин, ювингин-да, – хотин билан эркакнинг гапи ўртасида от билан эшакча фарқ борлигини опасига кўрсатиб қўйиш учун жиянини дабдурустдан ўдағайлашга тушди у. – Эртага тож киясан-а, тирмизак!

– Бор, тошингни тер! – кутилмаганда унга шанғиллаб берди Фонус. – Тож кийганимдан кейин санга оёқларимни ялашни буюраман.

Бурбулит Идрик Иброҳимдек такаббур ва совуққон банда бу гапни эшитиб, хийла довдираб қолди. У ўзининг қаршисида тирмизак бўлишига қарамай, агар истаса, эртага чиндан ҳам кир оёқларини ялатиши мумкин бўлган ҳукмдор турганини чуқур ҳис қилди.

– Нималар деяпсиз, жиян? – тездаёқ ховридан тушиб, жиянини умрида биринчи марта сизлай бошлади Бурбулит. – Шунчаки жигарчилик қилиб айтдик қўйдик-да. Хоҳласангиз ювининг, хоҳламасангиз...

– Хохламайман!

– Балли! Мана бу ҳақиқий шаҳаншоҳнинг зардаси, – Бурбулит сохта тиржайиш билан малика Мастонга юзланди. – Ҳали кўрасиз, опа, жиянимдан шундай бир ҳукмдор чиқадики, бунақасини ҳали кўҳна Юлдузистон кўрмаган, қайтиб кўрмайди ҳам.

Бу гапдан сўнг Фонус анча юмшади.

– Сизни бош вазир қилиб олсам керак, – деди у Бурбулитга нописанд боқиб.

– Вой, «олсам керак» деганинг нимаси, ширингинам? – ўғлини енгил-елпи тергаб қўйди малика. – Сани тахтга ўтқизгунча тоғанг озмунча куйиб-пишдими? Ювиниб ол, дегани – санга жон тортишгани. Саройдагилар жиянимнинг исқиртлигидан кулишмасин деяпти-да.

– Кулишади? – хонани бошига кўтаргудек бўлиб шанғиллади Фонус. – Унда ман ўшаларнинг ўзлариниям ёппасига исқирт қиламан!

Эртаси куни у ишни шундан бошлади. Тож кийдириш маросими тугагач, тахтга дурустроқ ўрнашиб улгурмай, ўзининг дастлабки фармонини эълон қилди. Фармон жуда қисқа бўлиб, унда: «Вилоятдаги ҳамма ҳаммомлар аямасдан мажақлаб ташлансин!» дейилган эди. Шаҳаншоҳликнинг бу кескин тадбири туфайли мамлакатга келадиган наф нимадан иборат эканлигини тушунолмаб қолган арбоб-уламолар ўзаро висир-висирни бошлаб юборишди.

– Жим! – тахтдан йиқилгудек бўлиб қичқирди янги хоқон. – Ҳамманг билиб қўй, бугунча индамайман, эртадан бошлаб кир-чир юрмаган одам саройда кўзимга кўринмасин. Бу – биттаси. Иккинчиси – ман энди шахзода Фонус ҳам, Қўтир Олтинчи ҳам эмасман. Ман – Исқирт Биринчиман. Ҳамманг шунақа деб чақирасан! Хўш, қайсинингда гап бор?

Ҳеч ким чурқ этмади. Эндиликда бош вазирлик лавозимини эгаллаб турган Бурбулит Идрик Иброҳим ранги оқариброқ кетган бўлишига қарамай, хоқонга сиполик билан таъзим қилди.

Саройнинг эртанги кунидан кўнгли тўқ хоқон энди мамлакатдаги авомни тартибга солиш ҳақида қайғура бошлади. Бироздан сўнг ўнлаб жарчилар бозор ва гузарларда шаҳаншоҳликнинг янги фармонини овоза қилишга тушишди:

– Ҳе-хе, ҳе-е-е-й! Эсликлар-у нодонлар, хафалар-у шодонлар, гўнг хидлаган чўпонлар, гул хидлаган жувонлар, эшитмадим демангларо-о-в! Исқирт Биринчи падари олийлари мамлакат аҳолисига катта ғамхўрлик кўрсатиб, бугундан эътиборан уларни ювиниш ва чўмилишдек мушкулотдан бутунлай озод қиладилар. Авомга берилган бу улгуржи имтиёздан баҳраманд бўлмай, ўзининг покиза бадани билан шаҳаншоҳликнинг саховатини ҳақорат қилган юрт ғанимлари дарҳол қамоққа олиниб, тавбасига таянгунича дўппосланади. Қасддан ювинаётган ёки чўмилаётган пайтда қўлга туширилган балиқпадарлар эса хавфли ғалаёнчи сифатида ачиган зиндонга ташланадилар. Ҳе-хе, ҳе-е-е-й!!!

Сарой арбоблари туни билан ухламай чиқишди. Улар шошилиш равишда иложи борича дурустроқ ирқитлашиш чораларини кўра

бошладилар. Чунки улар ўзларини қанчалар расволаштиришса, хоқон олдида шунча кўп еътибор қозонишларини сезиб туришарди. Бири тинмай кум-тупроққа юмалар, иккинчиси баданига елим суртиб кейин устидан чанг тўзгитар, яна бошқа бирови уқаланадиган қоратош билан вужудини ишқалашга киришганди. Аслида, аввал сувга шўнғиб олиб, сўнг қоратош суртилса, иш анча осон кўчган бўларди. Лекин, у ҳали қоратош суртишга улгурмай туриб кўлга тушгудек бўлса, чўмилаётган хавфли ғалаёнчи сифатида зиндонга ташланиши турган гап еди. Шаҳаншоҳлик дастурхонидан тегадиган улгуржироқ сарқит евазига ўз онасини бадном қилишдан ҳам қайтмайдиган сотқин айғоқчилар ҳар қадамда изғиб юришарди.

Арбоб-уламолар эртаси куни ахлат титиб чарчаган пўмқарғалардай қаторлашиб, хоқон ҳузурига кириб келишди.

– Мана энди ҳаммамиз бир хилмиз, – тумшуғини юқори чўзганча, бўридек ушлаб кула бошлади Искирт Биринчи. – Энди бир-биримиздан куладиган жойимиз қолмади. Ув-ув-ув-ув...

Таомилга кўра, келибоқ, хоқоннинг ўнг ёнбошидан жой олган Бурбулит Идрик Иброҳим қоратош тимдалаган дўрдоқ лабларини ишшайтириб, тавозе билан бош эгди. Бошқалар шатмоқ бурунларини ерга теккизгудек бўлиб таъзим қилишди. Шундан сўнг бир кечадаёқ қораялоққа айланиб улгурган сарой шоири Дуторий уч-тўрт қадам олдинга чиқиб, шаҳаншоҳга қайтадан таъзим бажо келтиргач, хезланиб деди:

– Агарким жоиз десалар, суманрухсор шаҳаншоҳимизнинг нусрати хувайдоларига бағишлаб хижо қилган ғазалимни ўқиб берурдим.

– Қани, ўқи-чи, – талтайганича рухсат берди Искирт Биринчи.

Дуторий ҳошиядор салласига қистириғлик қоғозни олиб ўпгач, ғазални ўқишга киришди:

«Ювилмаган бетингиз мунча чиройли...»

Шоир ўз одатига кўра биров тўхталиб, четдан ёғиладиган рағбатларни кутди. Лекин бу ҳақоратомуз мисра арбобларнинг энсасини қотириб қўйган бўлса керак, улар миқ этмай туришаверди. Биринчи бўлиб ҳушини йиғиб олган Бурбулит: «Офарин!» дея хитоб қиларкан, дадилроқ бўлсаларинг-чи, дегандек пастдагиларга ўқрайиб қўйди.

Дуторий иккинчи мисрани ўқиди:

«Могор босган этингиз мунча чиройли...»

– Баракалла! – хириллади бош айғоқчи Исом Итту Искартопар.

– Ҳай-ҳай-ҳай! – деб тебранди лашқарбоши Шаламон Шилдир.

Бундан кўнгли кўтарилган Дуторий кейинги байтни завқ-шавқ билан куйлади:

*«У ёнингиз кир эрур, бу ёнингиз кир,
Олдингиз ва кетингиз мунча чиройли...»*

Арбоблар бу сафар анча уюшқоқлик ва дадиллик билан хитоб қилишди:

– Офарин!

– Тасанно!

– Ҳай-ҳай-ҳай!

Асилзодалар янги тартибга жуда тез мослашишди. Аммо ўша киборлар «қаланғи-қасанғилар подаси» деб атовчи оддий авомни ирқитликка кўниктириш анча мушкул кўчди. «Маданийлаштириш»нинг дастлабки пайтларида камоқхона ва зиндонлар маҳбусларга тўлиб кетди. Тавбасига таянганлар зудлик билан озод қилиниб, уларнинг ўрнига қайсарларнинг янги туркуми ҳайдаб келинар ва беаёв калтакланарди.



Орадан бир йилча вақт ўтгач, аҳолининг асосий қисми шаҳаншоҳликнинг янги имтиёзидан тўла-тўқис фойдалана бошлади. Дуч келган тақдирга тан беравермайдиганлар тоифаси эса ҳануз қамок ва зиндонларда азобланиб ётишарди.

– Сиз Нодим Улуғ билан Аждарободга кетсангиз бўларди-ку, – таажжубланди Аламазон.

– Кетавурмабсиз-да, ҳазрат Ҳумо, – гап қистирди Эшмат ҳам.

– Бирга кетамиз, деб Ферузнинг менга ёпишиб олганини кўрсангиз эди, – ўша сонияни ғамгин ёдга олди чол. – Мен бўлсам, унга бу ерда қолаётганим-

нинг сабабини айтолмай қийналардим.

Чол ўрnidан туриб, тоқчадаги сарғайиб ва титилиб кетган жулдур китобни олди. Китобнинг варақлари ўта дағаллигига қараганда, кишилар қоғоз яшашни ҳали унча билмаган даврларда ёзилган эди.

– Мени бу ерда қолишга мажбур этган нарса мана шу китоб, – дея чуқур ҳомуза тортиб қўйди чол. – Буни ёруғ дунёдан илк марта Юлдузистонга кириб келган бобокалонларимиздан бири Мажиддин Равшаний ёзган.

Биринчилар

Қўтир Бешинчининг вафотидан бир ҳафта олдин, Ҳумо Хартум сарой ҳаммомидан чиқиб келаётган чоғда гўлаҳ унга мана шу жулдур китобни тутқазди.

– Эски тошкапани бузаётиб топиб олдим, – деди гўлаҳ. – Жуда қадимий китобга ўхшайди.

Бош вазир Ҳумо Хартум Али Абдурахмон китобнинг дастлабки бетига кўз югуртибок: «Салламно-о-о!» деб қўйган бўлса, эртаси куни гўлаҳни чақиртириб, унга сарпо кийдирди.

Ҳумо Хартум даставвал китоб билан батафсил танишиб чиқиб, пухта мушоҳада қилиб олгач, ўзини айрим саволларга жавоб қайтаришга қодир деб билгандан кейингина, бу ноёб топилма ҳақида шаҳаншоҳга гап очишни мақсад қилган эди. Бевақт ўлим туфайли Қўтир Бешинчи бу сирдан воқиф бўлолмай қолди.

Бу китоб топилгунга қадар барча юлдузистонликлар каби Ҳумо Хартум ҳам ўзи туғилиб ўсган мана шу улкан ғорни олам деб тушунарди. Кейинчалик у ўзини баҳайбат қўйхона ичида ивирсиб юрган бефаросат махлуқдек ҳис қила бошлади.

Болақайлар билан ёруғ дунё ҳақида, уларнинг Жандағор оғзидан бошланиб, Иссиқғорда давом этган кечинмалари тўғрисида гаплашгандан сўнг чолнинг бу китобга бўлган эътиқоди янада ортди. Ёруғ дунёнинг

табиати, Жандағорнинг тузилиши, Иссиқфордаги силжувчи харсанглар хақида болалар берган маълумот Мажиддин Равшанийнинг китобида баён этилган гапларига деярли мос тушарди, лекин ёруғ дунё одамларининг турмуш шароити тўғрисидаги янги ва эски маълумотлар ўртасида жуда катта тафовут бор эди.

Равшанийнинг «Ғурбатнома» китоби тинч ва обод Тоштақа қишлоғига бир гала очкўз хорижийларнинг бегона тилда шовқин-сурон кўтарганларича кўкқис бостириб кириши тафсилоти билан бошланган эди. Унинг дастлабки саҳифаларида ўркач устида пода боқиб юрган қишлоқи болаларнинг босқинчилар таъқиби остида Жандағорга қараб қочганликлари, курак ва оёқларига камон ўқи санчилиб йиқилганларнинг зорланиб чинқиришлари, улардан бор-йўғи тўққиз нафари ғорга соғ-омон етиб кела олгани тасвирланганди.

Кейинги саҳифаларда баён қилинишича, ёвнинг таъқиби давом этаётганини сезган болалар даҳшатдан эслари оғгудек бўлиб, тобора ғорнинг ичкарасига қараб қоча бошлашибди. Тор туйнукдан ўтиб, бир томонда шалола гувиллаб турган улкан ғорга киришгач, деворларида камалакранг нурлар жилоланувчи йўлакни учратишибди. Қаердандир келаётган зириллоқ товушга бирпас қулоқ солиб туришгач, жон илинжида яна олдинга қараб югуришибди.

Омон қолганларнинг йўл бошловчиси ўн бир ёшлар чамасидаги Жаброил исмли бола эди. У ўз тенгдоши, Руқия деган қизнинг тўрт ёшли укаси Мадумарни опичлаб олган, қолганлар – ёшлари тўққиз-ўн атрофидаги ўғил-қизлар эса иссиқдан нафаслари бўғилганича унинг кетидан чопиб боришарди.

Яна бошқа бобларда ҳикоя қилинишича, Юлдузистонни кашф этганлар дастлабки ойларда жуда қийналишибди. Улар асосан мева, хом буғдой ва ёввойи паррандалар тухуми билан овқатланишар, тандирдан янги узилган нон тез-тез тушларига кириб тураркан. Онасининг кенжатоғи бўлгани учун ханузгача эмиб юрган Мадумар: «Бувимга бораман, бувимга», дея ҳар куни тикилинч қиларкан.

Болалар қайноқбулоқ ва кўктошнинг хусусиятини билиб олганларидан кейин ишлари бирдан юришиб кетибди – уларнинг дастурхонига пиширилган гўшт, қайнатилган тухум ва нон келиб қўшилибди.

Шунга қарамай, улар аллақачон култепага айланган қишлоқларини соғинишар, ваҳшийларча қириб ташланган ота-оналари ва болаларни эслашиб эзилишар, бундай пайтда эл-юртни душманлардан сақлай олмаган ландавур подшоҳларини аямай қарғашга тушишарди.

– Бизнинг пошшомиз ҳам йўқ, – деб қолибди бир куни болалардан бири. – Дунёда бунақа мамлакат бўлмаса керак.

Шунда тили чучук Мадумар гердаиб туриб: «Мен пошшоман», дебди. Ҳамма кулиб юборибди. Бир вақт Жаброил ғалати таклиф киритибди:

– Келинлар, шуни пошшо қилиб қўя қолайлик, – дебди у. – Барибир уни боқишимиз керак.

Шундан кейин барчага эрмак топилиб қолибди. «О, подшоҳим,

тустовуқ овлашга ижозат берсалар!» – унинг қаршисида тиз чўкиб ёлғондан илтижо қиларди бири. «Балиқни хомича ейсизми, пиширибми?» – бош эгиб сўрарди бошқаси ва шоҳнинг: «Пишириб бер», деган жавобини эшитиб, қотиб-қотиб қулишарди.

Қизлар баъзида уни харсанг устига ўтқизиб, атрофида ҳолдан тойгунча рақс тушишар, сўнг, «энди пича дам олсак майлими, шоҳим», дея қикирлашганича руҳсат сўраганларида туғма овсар Мадумар қовоғини очмасдан аста бош қимирлатиб кўярди.

Охири ҳазилнинг таги зил бўлиб чиқибди. Мадумар ўз нонини ўзи топиб ейдиган ёшга етгандан кейин ҳам тахтдан тушишни истамабди. Тоштақадаёқ муштумзўрлиги билан донг таратган Жаброил унинг опаси Руқияга уйлангандан кейин эса, бошқаларнинг подшоҳга тобелиги янада ортиб, натижада Юлдузистоннинг биринчи ҳақиқий шаҳаншоҳи пайдо бўлибди.

Равшаний бундан кейинги саҳифаларда Юлдузистонга келганига йигирма йилдан кўпроқ вақт ўтгач, ўттиз белгидан иборат ҳарфлар мажмуасини тузиб, ўзининг ва бошқаларнинг фарзандларини саводли қилишга бел боғлаганини айтиб ўтган эди.

Улар бунга қадар ёруғ дунёга қайтиш умидида Юлдузистоннинг барча қавак-кандикларини тимирскилаб чиқишибди. Озодликдан умидларини узишиб, тақдирга тан берганларидан сўнг, келажак авлод бу ердан чиқолмагани ҳолда нурафшон оламга армон билан талпиниб яшамасликлари учун болаларига ёруғ дунё ҳақида сўзламасликка онт ичишибди.

Мамлакатда қачонлардир ёруғ дунё сари йўл оча оладиган қудратли кучлар юзага келишига умид қилган Равшаний ўзининг узоқ зурриётига аталган бу китобни Юлдузистондан ташқарида инсон орзусидек бепоён олам борлиги, улар яшаб турган юрт эса ўша чексизликнинг буғдой донасидек кичик бир зарраси эканлигини маълум қилиш билан яқунлаган эди.

Мажиддин Равшаний йиллар ўтиб тириклик, севги ва хоҳиш замирида вужудга келадиган юзлаб оилалар эҳтиёжи учун бу митти маскан торлик қилиб қолишидан жиддий ташвишланган, Юлдузистон фарзандларининг келажаги учун ёниқиб қайғурган биринчи инсон эди.

Эшмат ишманинг кашфиёти

– Демак, ёруғ дунё сари йўл ҳозирча битта, – Мажиддин Равшанийнинг «Ғурбатнома»сини ёпиб, ўйга чўмди Ҳумо Хартум. – У ҳам бўлса – Иссиққор.

– Тўғри, йўл бор эди, – ноумид бош силкиб деди Аламазон. – Энди беркилиб қолди.

– Иссиққор равшанийлар ўтгандан кейин ҳам беркилиб қолган эди, – деди чол. – Сизларга қайтадан очилди. Бу йўл ўн икки йилдан кейин яна очилади.

Эшматнинг энсаси қотиб, кўзлари олайиб кетди.

– Вой, ву-у-й! Яна икки ойларда биз мактабга борадиғонмиз-ку, ҳазрат

Ҳумо.

– Қаёққа шошиляпсан? – мийғида кулди Ҳумо Хартум. – Ўн икки йилдан кейин Иссиқфор очилди ҳам дейлик. Аммо бу ёруғ дунёга йўл тайёр деган гап эмас.

Иссиқфор устидаги кўктош ҳар ўн икки йилда бир марта куярди. Бу ходиса қачон содир бўлишини сарой олимлари «Мажиддин жадвали»га асосланиб аниқ айтиб беришар, лекин аҳоли кўктош куядиган кунни олимларнинг жадвалисиз ҳам яхши биларди. Чунки тошқуйди бошланишидан пича олдин мамлакатдаги борлиқ ҳайвон ва паррандалар жон ҳалпида ўзларини пана жойларга уришар эди. Улардан ўртак олган одамлар зудлик билан уй-уйларига тарқалишиб, бу безарар ёнғиннинг тугагини бетоқат кутиб ётишарди.

Мамлакат осмонидаги энг нурафшон юлдуз – Онаюлдузнинг нур устуни одатда сойнинг юқори қисми томон силжиб бориб, шоввадан бироз юқори кўтарилган пайтда бирдан сўниб қоларди. Кўктош куядиган кунда эса, бу нур янада юқорироқ кўтарилиб, Иссиқфорнинг устки қатламигача етиб борарди. Шундан кейин мамлакат шунақаям чароғон бўлиб кетардики, бу ходисани биринчи марта кузатаётган ёш болаларнинг айримлари борликни бирдан аланга қоплади деб ўйлаб, додлаб юборишарди. Бир неча дақиқадан сўнг Юлдузистонни қамраб олган нурафшонлик аста-секин сўна бошларди.

– Иссиқфор устидаги кўктош нега фақат нур тушган паллада куяди? – таажжубланди Ҳумо Хартум. – Қояларни икки тарафга суриб юборадиган куч наҳотки ўша кўктош бўлса?

– Тўғри! – кичқирди Аламазон. – У иссиқдан кенгаяди. Қулоғимни гаровга қўйиб айтишим мумкинки, тагидаги қояларни ўша кўктош силжитади.

– Иссиқдан кенгаяди? – ҳайратланди чол.

– Ҳа, кенгаяди, – такрорлади Аламазон. – Кейин, совуқдан тораяди. Масалан, тахтачага орасидан танга бемалол ўтадиган қилиб мих қоқамиз. Кейин тангачани қиздирсак, у бояги михлар орасига сиғмай қолади...

Ҳумо Хартум «Физика»дан андак таҳсил кўргач, унинг қаршисида ёруғ дунёнинг болақайи, лекин Юлдузистоннинг етук олими ўтирганини пайқаб қолди.

Кекса ва ёш олим алламаҳалгача қизғин суҳбат қуришди, ёруғ дунё фани ютуқларига таянган ҳолда айрим ғаройиб ходисаларнинг сирини ечиб, Юлдузистон ҳақида иложи борица аниқ тасаввур ҳосил қилишга муваффақ бўлишди. Эшмат эса математика дарсида ўтиргандек аввал эснай бошлади, сўнг пишиллаб уйкуга кетди.

Кейинчалик Юлдузистон номини олган бу улкан ғорда инсонлар кириб келмасдан бир неча асрлар илгари ҳам ҳаёт мавжуд бўлиб, бундай муҳитнинг юзага келишига асосан Онаюлдуз ва сув сабабчи эди. Онаюлдуз – ғор шипида қачонлардир ҳосил бўлган туйнук, у ғорга қуёш нурини олиб кирган. Туйнук қуёш йўналишига нисбатан тасодифан жудаям қулай жойдан ўпирилган бўлиб, ундан тушиб турган нур Юлдузистондаги сой сувлари юзасидан Иссиқфор тарафга қараб бир неча соат давомида ҳаракат қиларди ва

хар гал тепадаги кўктошлар қатламига яқинлашган вақтда бирдан йўқолиб қоларди.

Туйнук ғорга қуёш ва ой нури олиб кирган бўлса, сой уни ёруғликка айлантирди. Онаюлдуз нури сув сатҳида жилोलаниб турган маҳалда Юлдузистон шипидаги йирқироқ маъданларда (балки, олмослардир) минглаб призмалар ҳосил бўлиб, ўша кучсиз нур қудратли ёруғлик даражасига етарди.

Онаюлдуздан қуёш нури тушиб турганда мамлакат уфқи қизғиш товланар, ой нуридан эса кулранг тусга кирар, ёруғ дунёда тимқоронғи бўлган пайтда Иссиқғор устидаги кўктош ўзида тўпланган ёруғликни юрт билан баҳам кўрарди.

Ёруғликка ўта таъсирчан бўлган бу номаълум маъдан – кўктош ўзига илк бор ёруғлик нурини қабул қилган давридаёқ бениҳоят катта куч билан «керишиб», атрофидаги тош қатламларини каттиқ ларзага солганди. Қуёш нури сўниб, торая бошлаган дамда устки қатламдан ажралиб, остки харсангга дўппидек кийилиб қолган эди. У ёнига кенгайган чоғда ўша остки харсангни тарс иккига бўлиб юборган, натижада табиатнинг мўжизаси билан маълум бир вақтда очилиб-ёпилиб турадиган баҳайбат тош дарвоза ҳосил бўлганди.

Тош дарвоза очилган тақдирда ҳам бу ёқдан ёруғ дунёга ўтишнинг иложи йўқ эди. Чунки кўктош дарвозанинг Юлдузистон тарафдаги қисмида жойлашган бўлиб, бу томондан борган киши ҳали ғорга кириб улгурмаёқ жизғанақ бўлиб қолиши турган гап эди. Ёруғ дунёдан келувчиларни ҳалокатдан сақлаб қоладиган омилнинг биринчиси кўктошнинг узоқлиги бўлса, иккинчиси – Аламазон билан Эшмат ажал чангалидан қутулиб қолгандан кейин учратган, ғор деворидан тарнов бўлиб тушаётган ўша иссиқ сув эди. Чамаси, қоя оралиғидаги асрий тарновчалардан сизиб келиб, Иссиқғор ёнидаги шоввада бирлашувчи ўнлаб ирмоқлардан бири беркилиб қолар ва қаердадир улкан ҳавза бўлиб тўплана бошларди. Тош дарвоза ёпилаётганда эса тўпланиб қолган сув тошқин ҳосил қилганича кўктош устига ёпирилар ва унинг одатдагидан тезроқ совушига сабабчи бўларди. Бу тошқиннинг бир қисми тош дарвоза деворларини ювиб оқа бошлар, қизиб ётган харсангда пешма-пеш буғланаётган сув қоянинг пастки қисмига ёмғир томчилари сифатидагина етиб келарди. Ҳамма нарса ўз ўрнига қайтгач, ирмоқ яна аввалги ўзанини топиб оларди.

Босириқиб қолган Эшмат чўчиб кўз очган онда Ҳумо Хартум билан Аламазон қуёш нури кўктошга нега фақат ҳар ўн икки йилда бир марта урилиши устида бош қотиришаётганди.

– Бувам раҳматли одам ҳар ўн икки йилда бир мучал яшайди деб айтувди, – уйқусираб туриб гап қистирди Эшмат. Сўнг «бор гапим шу, ўртоқлар», дегандек яна бошини буркаб олди.

Аламазон ярқ этиб Эшмат тарафга ўгрилди ва беғам шеригининг нафас олишига монанд кўтарилиб-пастлаётган кўрпачага тикилганича бир зум ўйланиб қолди. У бундан бир неча ой олдин ёруғ дунёдаги бир қўшниси гузарда ўтирган чолларга мучал ҳақида нималарнидир уқтираётганини тасодифан эшитиб қолувди, ҳозир ўша гапни эслашга ҳаракат қилди.

«Илгариги одамлар ҳам анойи бўлишмаган, – деганди ўшанда

кўшниси, – улар мучални ҳар ўн икки йилда такрорланадиган тартибда тузишган. Орадан юз йиллар ўтиб маълум бўлдики...»

– Сен катта кашфиёт қилдинг, Эшмат! – қайтадан хуррак ота бошлаган шеригини турткилаб қичқирди Аламазон. Сўнг, шоша-пиша кўзларини ишқалаётган Эшматга парво қилмай, Ҳумо Хартумга юзланди. – Ҳар ўн икки йилда Юпитер Куёшнинг атрофида бир марта айланиб чиқади. Тушуняпсизми, ҳазрат Ҳумо?

– Тушундим ҳам дейлик, – унинг сўзини бўлгиси келмай жавоб қилди чол. – Хўш, кейин нима?

Аламазон пешанасини тириштирганича бош қашиб қўйди.

– Кўктошнинг ҳар ўн икки йилда куйиши шунданмикин, деб турибман. Тагин, ким билади, балки бошқа сабаби бордир?

Ётишдан олдин Аламазон ташқарига чиқиб, бироз сайр қилди. Ой нурининг кичик бир парчаси билан улкан ғорни чароғонлаштириб турган Онаюлдузга термилиб, ёруғ дунё нафасини ҳис этди-ю, бадан-баданлари ёқимли жимирлаб кетди. Юлдузистондаги барча тошларни бир жойга қалаганда ҳам бу олис туйнукка етиб бўлмасди.

«Нахотки ёруғ дунёга борадиган бошқа йўл йўқ? – ўйлади Аламазон. – Паррандалар бу ерга Онаюлдуз орқали кириб келишган деб тахмин қилайлик. Лекин қўй-эчкилар, айниқса, эшак қаердан пайдо бўпқолдийкин? Балки бир замонлар каттароқ ғор йўл мавжуд бўлиб, кейинчалик зилзилалар натижасида беркилиб қолгандир...»

Сой томондан балиқларнинг шапир-шупур сакрашлари эшитилди, хилолқакликлар тиникиб сайрай бошлашди.

Эшакнинг доҳий бўлгани

Ҳумо Хартум меҳмонлари билан нонушта қилиб ўтирганда ташқаридан Тиртиқнинг анъанавий «хих, тфу»си эшитилди.

– Тезроқ йиғиштирининглар, зумрашалар, – ҳовлида туриб буйруқ қилди у, – ҳозир Тандирга жўнаймиз.

Аламазон билан Эшмат биттадан тугун орқалаб ташқарига чиқишди. Уларнинг кетидан китобларни қўлтиқлаб олган Ҳумо Хартум кўринди.

– Мен Тандирга кўчиб кетяпман, – дея ўз мақсадини тантанавор эълон қилди чол. Энди унинг Иссиқғор яқинида қиладиган иши қолмаганди.

Тиртиқ жосуслардан олинган ўлжани (тугмачирокни) суриштирган эди, чол, «тагин бу одамни заҳарлайдиган нарса бўлмасин», деб ўйлаб, уни сойга ташлаб юборганини айтди.

– Хих, тфу! Шунақаям кўрқоқ бўласанми, чол? – жаҳл билан тўнғиллади Тиртиқ ва уларни олдинга ўтишга имлади. – Қани, кетдик бўлмаса, хўп-па!

– Хўп-па! – шанғиллади Шилпиқ ҳам.

Улар сой ёқалаб йўлга тушишди. Чакалак, мевазор ва буғдойпопарни ортда қолдириб, Қоратуйнук яқинига келишгач, шохлари тарвақайлаган чинорсимон букри дарахт остига ўтириб, хордиқ чиқара бошлашди.

Шунда Эшмат Тиртиққа мурожаат қилиб, аста минғирлади:

– Майлими, анави дўнгликнинг орқасига ўтиб келсам?

– Дўнгликнинг орқасида пишириб қўйибдими? – жеркиб берди Тиртиқ.

Эшмат кўзларини бўзрайтириб, тарвузнусха қорнини силади.

– Майда-чуйда ишим бор демайсанми, жунбош, – унга қараб тиржайиб қўйди Шилпиқ. – Борақол, хўп-па.

Эшмат дўнгликнинг орқасига ўтиб улгурмай, хумдек бошига моғор салла чандиган пакана киши қиличининг учини ерга судраганича уларнинг ёнига келди. У Қоратуйнук яқинидаги камончи-чегарачилар сардори Кандир Калта эди. Сипоҳилар дарҳол ўринларидан туриб, унга таъзим қилишди-да, аждарободлик жосусларни Тандирга олиб кетишаётганини айтишди.

– Ҳалиям тирик эканлар-да, – бемалол ёнбошлаб ётган Ҳумо Хартумга қараб бурнини жийирди Кандир Калта. – Киши ҳазар қиладиган тоза оёқлар билан қаёққа кетяптилар? Зиндонгами? Унда, кўрпа-ёстик ортиқчалик қилмасмикан?

Ҳумо Хартум чегарачилар сардорига масхараомуз назар ташлади.

– Товушинг анча таниш, – дея гап бошлади у. – Адашмасам, бундан икки йил олдин оёғимни уқалаб ўтириб, мени роса мақтаган эдинг.

– Ҳей, чол! – қиличининг сопига қўл югуртиб қичқирди Кандир Калта, лекин негадир уни қинидан суғиришга журъат этолмай, лаблари титраганича сўзсиз туриб қолди.

– Шу жинни билан ўчакишиб нима қиласиз, сардор, – Кандир Калтага хушомадгўйлик билан таскин берди Тиртиқ, сўнг «хих тфу» деб четга бўйин чўзди.

– Жинни – жинни-да, – ялтоғланди Шилпиқ ҳам.

Кандир Калта ўзини босиб олиш учун кўйнидан носқовоқ чиқариб, нос каплади-да, «ма, чеквол», дея қовоқни Тиртиққа узатди. Тиртиқ носни отиб олгач, атрофига кунгурадор садаф қадалган қовоқни завқ билан кўздан кечирди.

– Уста Халил безаганми дейман буни? – сўради у ғўлдираб.

– Ҳа, яқинда ясаб берди, – унинг гапини тасдиқлади сардор. – Аввалгисини қўлимдан сойга тушириб юборсам бўладими.

Аламазон худди шунга ўхшаган носқовоқни илгари ҳам қаердадир кўрган эди. У яна бироз ўйланса, қаерда кўрганини аниқ эслаб олиши мумкин эди, лекин чегарачилардан бирининг жонҳолатдаги қичқириғи унинг фикрини бўлди.

– Оғайнила-а-р, қаранглар, қаранглар! – қўли билан дўнгликни кўрсатиб, айюҳаннос сола кетди чегарачи. – Доҳийни миниб юрибди!

Ҳамма дўнг томонга қараганича донг қотиб қолди. Эшмат дайди эшаклардан бирининг ёлига маҳкам ёпишиб олиб, устида зўр-базўр илашиб турар, бундай ҳақоратга кўникмаган «доҳий» эса ўзини шаккок бандадан хориж қилиш мақсадида тинмай шаталоқ отарди. Охири Эшматнинг оёғи осмондан бўлиб, гурсиллаганича ерга йиқилди. У лат еган чиқаноғини силаб, аста ўрнидан тураркан, пастдан ўзига ҳайрат ва ғазаб билан тикилиб турган

ўнлаб кишиларга кўзи тушди-ю, жойида сўррайиб қолди.

– Ушланглар муттахамни! – қатъий буйруқ берди Кандир Калта.

Шунда Шилпиқ бир қадам олдинга чиқиб, қўлларини икки ёнга ёйганича қичқирди:

– Тўхтанглар, хўп-па! Биз уни жаноб Фисқиддин Макру Маразнинг кўлига тирик топширишимиз керак.

Хуфия ишлар бошлиғининг исм-шарифи тилга олингандан сўнг, Кандир Калтанинг шашти пасайди.

– Майли, унга тегманглар, – дея қўл силтаб қўйди у. – Унинг ўзи парвардигорнинг қаҳрига учрайди.

Энди бу ерда узок туриб бўлмасди, яна йўлга тушишди. Кўм-кўк яйлов бошланиб, улар ёйилиб юра бошлашган пайтда Аламазон Ҳумо Хартумни четроққа имлади.

– Эшак қанақасига доҳий бўлиб қолган ўзи? – елкасидаги тугунчани бир силтаб олиб сўради у.

Чол кинояли жилмайиб, мошкичири соқолини силаганича бир неча қадам индамай йўл босди, кейин аста ҳикоя қила бошлади.

Мажиддин Равшанийнинг «Ғурбатнома»сида баён этилишича, улар Юлдузистонга кириб келган дастлабки кунлардан бирида ёш Мадумарнинг яйловда ўтлаб юрган қари эшакни эмаётганини кўриб қолишибди-ю, болакайнинг ҳам, эшакнинг ҳам роса таъзирини беришибди. Мадумар улғайиб, подшоҳ бўлгач, бу исноддан қутулиш учун эшакни доҳий деб эълон қилибди ва муштумзўр поччаси Жаброилнинг ёрдамида бошқаларни ана шу махлуққа сиғинишга мажбур этибди. Эшак доҳий бўлгач, уни эмган Мадумарни авлиё деб атай бошлабдилар.

Ҳумо Хартум ҳикоясини тугаллаган маҳалда минглаб юлдузлардан ҳосил бўлган нурлар тумани аро деворлари турли рангда яраклаб турган муҳташам сарой ва бинолар ғира-шира кўзга чалина бошлади. Улар Тандирга жуда яқинлашиб қолишганди.

Йўловчилар шаҳарга кириб боришдан олдин яна бир марта дам олволиш учун чўпонлардан қолган ташландиқ тошкапа ёнига чўзилишди.

– Бу аҳволда сизларни саройга олиб боришгайм уялади киши, – тўнғиллади Тиртиқ. – Баданларинг топ-тоза. Сал одамга ўхшаб олсанглар-чи. Кирликларинг ҳурмати балки зиндонга ташлашмай, шунчаки қамаб қўйишар. Хих, тфу!

– Зиндон нималигини биласанларми, жунбошлар? – ваҳимали оҳангда гап қотди Шилпиқ. – Айтиб қўяй, ҳов, зиндон – зах, қоп-қоронғи бир жой.

– Шаҳарга яқин қолдик. Ўзимни қанақасига дарровда кир қилволаман? – зиндонни кўз олдига келтириб, пўкиллаб қолган Эшмат Аламазон билан маслаҳатлашиб ўтирмай, ўз жони учун қайғурди.

– Бу қийинмас, жунбош, – жонкуярликни давом эттирди Шилпиқ. – Мана бу майсаларни баданингга ишқаласанг, бир зумда биздан ҳам чиройлироқ бўп қоласан.

Эшмат озгина майса юлиб олиб, уни билагига суртиб кўрган эди, этининг ўша қисми пўпаланг босган ошқовоқ тусида товланди.

– Зиндонда овқатниям мўндароқ беришмаса керак, – мунгли қиёфада Аламазонга юзланди у. – Озгина тасқара бўлволсак нима қипти? Хўп десанг, сенга ўзим майса суркаб қўярдим.

«Бу қўрқоқ барибир уларга сотилиб кетади, – йиғламсираб турган Эшматга боқиб ўйлади Аламазон. – Ишқилиб, мени сотмай турса бўлди. Усиз ҳам бир куним ўтар».

– Биладан, сен овқат емасанг жудаям қийналиб кетасан, – аччиқланганини сездирмай гап бошлади у. – Сен суркайвер. Мен... Қани, кўрамиз-да.

Эшмат бироз иккиланиб турди, сўнг кўйлагини ечиб ишга киришди. Салдан кейин кулранг маймун қиёфасига кириб олгач, Аламазонга қараб, «хоҳламасанг, ўзингдан кўр», дея пўнғиллаб қўйди. Аламазоннинг кулгиси кистади, айна пайтда негадир Эшматга раҳми келди.

Улар йўлга чиқишга шайланишган чоғда Ҳумо Хартум Тандирга бормай, мана шу тошкапада қолишга қарор қилганлигини билдирди.

– Бир куним ўтиб турар, – деди у Аламазон билан хушлашаётиб. – Ажабмаски, яхши кунларни кўриб ўлсам.

Ёруғ дунё фарзандининг руҳи баланд эди.

– Яхши кунларни кўрасиз, ҳазрат Ҳумо, – қувлик билан жилмайди у. – Қулоғимни гаровга қўйиб айтаманки, етти пушти покиза халқни кирликдан мен кутқараман.

Ҳумо Хартум софдил ва довюрак болакайга бир дақиқа меҳр билан тикилиб турди.

– Қийин, хатарли бўлса ҳам, сени бу йўлдан қайтаришга ҳаққим йўқ, – Аламазонга умидвор боқиб гапирди чол. – Энг аввало, нима қилиб бўлсаям, авомнинг олдида Исқирт Биринчининг обрўйини тўқиш керак. Ўз хоконини масхаралашга ботинган халқ уни тахтдан ағдариб ташлашдан ҳам тоймайдиган бўлади.

– Майли, ишни шундан бошлайман, – Юлдузистон аҳли унинг фармонларига мунтазир тургандек бамайлихотир сўзлади болакай. Сўнг Ҳумо Хартум билан кучоқлашиб хайрлашди.

«Одамларни зўравонлардан кутқариш қандай яхши нарса-я, – йўл-йўлакай юраги тўлқинланиб ўйлаб борарди Аламазон. – Мен энди ҳақиқий Спартак бўламан. Мен – Спитаменман!»

Қалбини саркардалик нашидаси чулғаб олган Аламазон бутун бир халқни озодликка олиб чиқиш қандайдир хазиналар билан бир тўп кишиларга яхшилик қилишдан миллион карра фахрлироқ эканлигини умрида биринчи марта юрак-юракдан ҳис этаётганди.

– Бошингни баландроқ кўтар, шатмоқ пиёдам, – хомуш одимлаб бораётган Эшматнинг елкасига туртиб қўйди у. – Муқаддас юриш давом этади. Олдинда –

Тандир!

Исқирт Биринчи

Аждарободлик икки жосуснинг ҳибсга олингани тўғрисидаги хабар Фисқиддин Макру Маразни беҳад қувонтириб юборди. Чунки, эндиликда мамлакат аҳолисининг асосий қисми ирқитланиб бўлган, айрим покизаларнинг майда-чуйда хуружлари ҳақидаги хабарлар ҳоқонни ортиқча ташвишга солмай қўйган, хуфия ишлар бошлиғининг фаолияти тобора эътибордан четда қолиб бораётганди.

– Мана бу бошқа гап, – қўлларини бир-бирига ишқади Фисқиддин. – Салтанат хавфсизлиги учун нақадар керакли одам эканлигимни фақат ҳоқонга эмас, бутун сарой аҳлига ҳам билдириб қўяман энди.

Ҳозир бу ишни амалга оширишнинг айна пайти эди. Саройдаги ишратхонада шаҳаншоҳга озиқ тиш чиққани муносабати билан катта базм бўлаётганди.

У шоша-пиша ишратхонага кириб келган дамда шоир Дуторий шаҳаншоҳга атаб ёзилган ғазалнинг сўнги байтини ўқиётган эди:

*«Эй Дуторий, онанга суйканмагил кўп,
Сенинг пуштипаноҳинг – Исқирт Биринчи».*

Ишратхонанинг ўртасига ёзилган дастурхонлардаги ноз-неъматларни тинимсиз кавшаб ўтирган сарой арбоблари – ғазални эшитганлар-у, эшитмай қолганлар таомилга кўра «Офарин!», «Тасанно!» дея бир-бир жавраб қўйишди.

Хуфия ишлар бошлиғининг, «юрт бошига катта фалокат тушиб турибди-ю, сизлар айш-ишратдан бўшамайсизлар», деган маънони англатувчи зардали қиёфада шоҳ сари йўналганини кўриб, дутор-ғижжагини нағмага шайлаган созандалар, шўҳи-кофар хониш олдидан томоқ қириб турган хонандалар, хиромонга эндигина қадам жуфтлаган раққосалар бирдан тисарилиб қолишди. Арбоб-уламолар овқат чайнашдан тўхташиб, Фисқиддин Макру Маразнинг навбатдаги совуқ хабаридан огоҳ бўлиш учун кулоқларини динг қилишди. Жиянининг ёнида гердаийб ўтирган Бурбулит Идрик Иброҳим силамоқчи бўлган мўйловининг бир томонини бармоқлари орасига қистирганича ҳаракатсиз туриб қолди. У хуфия ишлар бошлиғига: «Наҳотки менинг иштироқимсиз шаҳаншоҳга бирон янгиликни айтишга журъат қилган бўлсанг», дегандек хўмрайиб қараб турарди. Бош вазир билан зимдан кўз уриштириб олган Фисқиддин унинг нигоҳидаги ана шу таънани дарров уқиб олди. У тахт олдидаги пиллапояга қовоқ бошини теккизгудек бўлиб ҳоқонга таъзим бажо келтиргач, кўзларини чақчайтирганича бурро-бурро қилиб гап бошлади:

– Салтанатимиз бобокалонлари бўлган жамики ҳукмдорларнинг энг одили, энг доноси Сиз падари олийларига Муқаддас эшакдан омад тилаб, бир неча калима сўз айтишга ижозат сўрайдурман.

– Майли, – деди Исқирт Биринчи, бурнини енгига арта туриб. – Гапирчи.

– Мамлакатимиз оройишининг буюк жонкуяри бош вазир Бурбулит

Идрик Иброҳим жанобларининг махфий топшириғига биноан ҳар эҳтимолга қарши Иссиқғор яқинига пистирма қўйган эдим. Зукко-ю тадбиркор бош вазирнинг Аждарободдан Иссиқғор тарафга лаҳим қазилиши мумкинлиги тўғрисидаги тахмини исботланиб, айнан ўша жойда икки хавфли жосус ҳибсга олинди.

Хуфия ишлар бошлиғи гапни тугатиб, Бурбулитга муғамбирона қараб қўйди. Кўнгли таскин топиб, ниҳоят мўйловини силай бошлаган бош вазир унга миннатдорчилик билан кўз сузди. Бундан: «Мен учун шуёғи етади, энди ўзингни ўйлайвер», деган маънони англаган Фисқиддин Макру Мараз бўрттирмани янада кучайтирди:

– Алоҳида таълим-тайёргарлик кўрган икки фидойи сипоҳи ўта муғамбир жосусларни устомонларча қўлга тушириб, мамлакатни бесаранжом қилиши мумкин бўлган катта офатнинг олдини олгани, шаҳаншоҳлик манфаати йўлида мислсиз қахрамонлик кўрсатганлиги учун уларнинг ҳар бири ўттиз бошдан қўй билан мукофотланишга лойиқ деб ҳисоблайман.

Исқирт Биринчи кўзлари жавдираб Бурбулитга қаради. Бурбулит хуфия ишлар бошлиғи иккала «фидойи» сипоҳига биттадан қўй бериб, қолганларини ўз подасига қўшиб юборишини пайқаб турган бўлса ҳам, розилик берган маънода бош ирғади.

– Бўпти, берамиз, – бурнини тортиб қўйди Исқирт Биринчи. – Ўша жосусларни кўрсат-чи бизга.

Хуфия ишлар бошлиғининг ишораси билан сарой ясовуллари жосусларни турткилаганча ичкарига олиб киришди. Исқирт Биринчи уларни қизиқиш билан кўздан кечираркан, Эшматга боқиб чеҳраси очилгандек бўлди ва ундан сўради:

– Кўринишдан дуруст болага ўхшайсан-у, нега унақа... жосуслик қиласан? Бошқа иш қуриб кетувдимми санга?

Эшмат дам Аламазонга, дам шаҳаншоҳга қараб тили ғўлдираб турган онда Бурбулит уни жеркиб берди.

– Падари олийлари сенга сўз исроф қияптилар. Жавоб бер, ҳароми!

– Ҳали шуни жосус деяпсизларми? – Эшматга бармоғини бигиз қилиб, бирдан қаҳ-қаҳ отиб кула бошлади Аламазон. – Бу Эшмат ишма-ку! Шатмоқлиги билан Аждарободда ҳаммага масхара бўлиб юрарди. Юввош бола бўлгани учун раҳм қилиб, ўзибоп мамлакатга етаклаб келдим.

– Айтдим-ку, биттаси яхши болага ўхшайди деб, – билағонлигидан фахрланиб чийиллади Исқирт Биринчи. – Нима, мани каллам ишламайдими?

Шаҳаншоҳнинг аҳмоқона мурувватидан безовталана бошлаган Фисқиддин Макру Мараз, «биттасини қўлдан чиқарганим ҳам етар», дегандек шоша-пиша Аламазонга дағдаға қила кетди:

– Хўш, ҳали ўзим ҳам жосус эмасман дерсан? Сенга ишониб бўпмиз, аблаҳ покбадан.

– Мен жосусман, бу – тўғри.

Хуфия ишлар бошлиғи енгил нафас олиб қаддини ростлади ва айни пайтда Бурбулитга умидвор қараб қўйди.

Фисқиддин жосуслардан бирининг қўлдан чиқиб кетганига қаттиқ ачинаётганини сезган Бурбулит шаҳаншоҳ тарафга эгилиб, ўз рўмолчаси билан унинг бурнини артаркан, Эшматни кўрсатиб деди:

– Бу сурбет бизни лақиллатаётган бўлмасин тагин. Жосуслар жудаям туллак бўлишади.

– Унинг кирлигини қаранг, тоға, – Эшматни ёқлаб инжиқланди Искирт Биринчи. – Кўришиб турибди, у ўзимизникилардан.

Яна пича жаҳлини чиқарса, жиянининг ҳўнграб йиғлаб юборишидан чўчиган Бурбулит тезда тўнини тескари кийди.

– Гапингиз тўғри, падари олийлари. Ҳарҳолда бир синаб кўрайлик дегандим-да.

– Ҳа, бўпти, уни синаб кўрамиз, – Искирт Биринчи тоғасига розилик билдириб, Эшматнинг кўзига тикилди. – Қани, манга айт-чи, Эшмат Ишма, халиги... Нодим Улуғ қанақа одам?

– Уми? – ер остидан Аламазонга қараб, бирпас чайналиб қолди Эшмат. Аламазоннинг, «буёғини боплайвер энди», дегандек боқиб турганини кўриб руҳи кўтарилди. – У... У – ҳаммомга тушган така!

– Ув-ув-ув-ув, – тиззасига уриб кула бошлади Искирт Биринчи.

Сарой арбоблари бирин-кетин унга жўр бўлишди:

– Ҳи-ҳи-ҳи-ҳи.

– Ваҳ-ҳаҳ-ҳаҳ-ҳа.

– Хўх-хўх-хўх-хў.

– Қий-ёв!

Искирт Биринчи кулгидан ўзини базўр тўхтатиб, гердаиганича сўради:

– Энди айт-чи, ман кимман, ман?

– Сиз... Сиз – Юлдузистондаги энг зўр, энг эси кўп, энг яхши боласиз, – дастлабки муваффақиятдан янада руҳланиб, баралла сайрай кетди Эшмат. – Сиз менга ўхшаган мусофирларга одамгарчилик қиптурасиз. Акамсиз!

– Нима дединг, ҳароми? – ҳали ҳам ишни чаппасига айлантириб юбориш мумкинлигидан умид қилиб, Эшматга ўшқирди Бурбулит. – Забардаст заковати билан бутун бир мамлакатни тебратиб ўтирган шаҳаншоҳга сен ялангоёқ ўзингни ука қилиб кўрсатмоқчимисан ҳали?

Лекин Эшмат ҳаддан зиёд расво афт-ангори билан шаҳаншоҳни ўзига тамоман мафтун қилиб олганди.

– Тегманглар мусофирга! – ўжарлик билан чинқирди Искирт Биринчи. – Бечора манга суяняпти. Шундай ажойиб болани зиндонга ташлаб бўладими?

– Сиз ғоят мурувватлисиз, офарин! – яна тездан шароитга мослашиб олди Бурбулит.

Теваракдан ҳам «Офарин!», «Тасанно!», «Ҳай-ҳай-ҳай!» деган хитоблар янгради.

– Ке буёққа, Эшмат Ишма, – карами беқиёслиги билан бошқаларни янаям қойил қолдиришга тиришиб, Эшматга кучоқ очди шаҳаншоҳ. – Ке, ошна бўламиз.

Эшмат Аламазонга ўнғайсизланиброқ қараб қўйгандан сўнг, кўпол

харакатлар билан шаҳаншоҳнинг бағрига отилди.

– Фақат, ўпишмаймиз, – Эшматни огоҳлантирди Искірт Биринчи. – Бетимиздаги кирлар эриб кетмасин тағин.

Хоқон мусофир ошнасини оёғи остидаги гиламчанинг бир четига ўтказиб, чап кўлини унинг ўнг елкасига тираганича хуфия ишлар бошлиғига юзланди.

– Энди анови жосуснинг ниятини билайлик-чи.

Фискиддин Макру Мараз терговни жосуснинг исм-шарифини сўрашдан бошлади. Унинг исмини билиб олгач: «Қонун бўйича тўлиқ айт!» – деб ўшқирди.

– Аламазон-гулдирамазон, – ўйланиб ўтирмай жавоб қилди қув болакай.

– Ҳа-а-а-ш, падари лаънати Аламазон Гулдирамазон, – тишларини омбурдек ғижирлатиб сўради хуфия ишлар бошлиғи Фискиддин, – ювиниш ва чўмилишдан озод этилган бахтиёрлар мамлакатига қандай ёвуз ниятлар билан келгансан?

– Мен шаҳаншоҳнинг тожини ўғирлашим керак эди, – бир зумда «ният»ни ҳам тўқиб ташлади Аламазон.

– Буни сенга ким буюрди?

– Шахзода Феруз.

– Ферузга... Ферузга – чўпоннинг қалпоғи! – иршайиб чийиллади Искірт Биринчи. – Ув-ув-ув-ув!

Дастурхон атрофида ўтирганлар шу заҳоти унга жўр бўлишиб, кийқирик кўтарганларича маза қилиб кулишди. Хуфия ишлар бошлиғи ҳам кўпчиликка кўшилиб илжайиб кўйган бўлса-да, яна дарров жиддийлашиб, жосусни тергашда давом этди. У Аламазондан бу ишни қандай амалга оширмакчи бўлганини сўради. Аламазон ҳамма ширин уйкуда ётган пайтда сарой ясовулларининг кўзини шамғалат қилиб, тожни ўмариб кетишни мўлжаллаганлигини айтди.

– Жосуснинг нияти нақадар хатарли эканлигини энди англаб етгандирсиз, жаноб арбоб-уламолар, – ғурур билан қошларини кериб, атрофдагиларга мурожаат қилди Фискиддин Макру Мараз. – Бахтиёрлар мамлакати ҳукмдори тожсиз қолишининг ўзи оламшумул фалокатдир. Лекин бу ўша мудҳиш кечада рўй бериши мумкин бўлган бошқа бир фожиа олдида ҳеч гап эмас. Бу писмиқ жосус, ҳатто, шаҳаншоҳнинг ўзини...

Фискиддин гапни шу ерда пича тўхтатиб, шаҳаншоҳга зимдан бир қараб қўйди. Сўнг яна арбоб-уламоларга юзланиб, сўзлашда давом этди.

– Ҳа, у ҳатто шаҳаншоҳнинг ўзини чавоқлаб кетиши мумкин эди.

– Зиндонга! – даҳшатдан кўзлари олайиб, асабий ҳолатда чинқирди Искірт Биринчи. – Тезроқ зиндонга ташланг уни!

Аламазон икки барзанги ясовулнинг найзалари орасида ишратхона эшигидан чиқиб бораркан, унинг ортидан термилиб қолган Эшмат йиғлаб юборишдан ўзини зўрға тийиб турарди. Уни қанча балоларга гирифтор қилган бўлмасин, жасур дўстини барибир яхши кўрарди.

Аламазоннинг сағир пиёдалари

Ясовуллар арқоншотини ишлатиб ўтиришга эринишиб, зиндоннинг панжара- копқоғини очибкоқ Аламазонни пастга итариб юборишди. У гурсиллаганича намхуш похолнинг устига тушди ва бирпас қайишиб тургач, лат еган тиззасини аста ишқалай бошлади.

Аламазоннинг кўзи қоронғиликка кўникиб улгурмай, шундоққина ёнгинасидан хириллоқ товуш эшитилди.

– Кимсан, вей турхат?

Аламазон бутун Юлдузистонга машхур номни тилга олаётгандек кеккайиб ўз исмини айтди.

– Вой вў-ў-й, ўзинг зиндонда бўлсанг ҳам бурнинг осмонда-ку, – деворга чапланиб турган шарпанинг калла қисмида бир жуфт кўз чакнади. – Қани, маҳмаданачилик қилмай, берироқ кел-чи. Айтмоқчиманки, увишиб кетган оёқларимни бир уқалаб кўйсанг.

– Аввал ўзимнинг тиззамни уқалаб олай, – қайсарлик билан бамайлихотир жавоб қилди Аламазон.

Қоронғида мушукникидек ёниб турган кўзлар остида энди тиржайиш шаклида йилтиллаётган тишлар ҳам пайдо бўлди.

– Кўнишни билмасанг, учиб нима қилардинг?

Зиндонда қайқириқ кўтарилди. Эндиликда қоронғиликка кўзи анча мослашиб қолган Аламазон ортга ўгирилиб, бу тарафда ҳам икки маҳбуснинг чўзилиб ётганини кўрди. Бу ердагиларнинг ҳаммаси тахминан ўзи қатори болалар эканлигини сезган Аламазон уларга кўшилиб бирга-бирга кула бошлади. Сал ўтмай апоқ-чапоқ бўлиб кетишгач, Аламазон уларнинг исмини суриштирди.

– Етимчада исм нима қилади, – деди боя оёғимни уқалаб кўй деган бола. – Мени ёшлигимдан Шалпанг деб чақиришади. Чунки, бурним пучук бўлсам,

кулоқларим каттагина. Булар ака-ука созандалар. Каттасининг лақаби Шиппак, кичкинасиники – Масалан. Ҳаммамиз етимчамиз.

Бу етимчалар тўйма-тўй юрадиган саёқ яллачилар бўлиб, ташландик тошкапада бирга яшашиб, топганларини ўртада баҳам кўришаркан. Бир куни баданлари ҳаддан зиёд қичишқоқ бўпкетиб, сойда ҳам бирга чўмилишаётган пайтда ҳар ерда ҳозир-у нозир айғоқчилар уларни кўкқис тутиб олишибди.

– Бизни зиндонга ташлашган маҳалда бу ер одамларга лик тўла эди, – ижирғаниб эслади Шалпанг. – Айтмоқчиманки, оғзинг сувлашса, ўрнингдан туриб ўзинг ўтирган жойга тупуришга тўғри келарди. Хайрият, улар бирин-кетин тавба қилишиб, бизга жой бўшатиб кетишди.

– Сизлар-чи? – сўради Аламазон. – Нега тавба қилиб кўя қолмадиларинг?

– Эшитишимизга қараганда, Искирт Биринчининг оёғини ўпмасанг, тавбанг ижобат бўлмасмиш, – дея четга туфлаб кўйди Шалпанг. – Ўша ифлос мушукнинг

терисини ялаш бизга зарур кептими!

Болаларнинг қайсар ва довюраклиги Аламазонга ёкиб қолди. «Бунақа пиёдалар билан ҳеч қачон доғда қолмайсан», деб ўйлаб кўйди у. Айниқса, кичкинтой Масалан, ниҳоятда ёқимтой бўлиб, ҳақиқатанам ҳар икки гапнинг биттасида «масалан» деган сўзни кўшиб айтар, қувноқ ва очиққўнгил эди. У захга кўниқолмай, биров бетоб бўлиб қолган, тунлари ўқчиб-ўқчиб йўталар, шунга қарамай, шерикларининг биркесарлигидан нолишни хаёлига ҳам келтирмасди.

Шиппак бадқовоқ бўлса ҳам, дадил ва тўғрисиўз эди. Шалпангнинг айтишича, унинг бирон даврага келиб кўшилгани ёки туриб кетганини ҳеч ким пайқамай қолар, шарпасиз юришга одатлангани туфайли Шиппак деган лақаб орттирган экан.

Аламазон туни билан ўйланиб чиқди. Қандай бўлмасин, бу мамлакатнинг содда ва бўйсунувчан аҳолисини тезроқ оёққа турғазини, асрлар давомида фаришталардек пок, ҳалол яшаб келган элатнинг қонига ирқитлик микробларини юктира бошлаган зўравонлар салтанатини таг-томири билан кўпориб ташлаш лозим эди. Аламазон бу ҳолни соддагина қилиб, «етти пушти покиза ўтган халқни кирликдан қутқариш», деб таърифларди ўзича.

«Энг олдин Искирт Биринчининг обрўйини тўкиш керак, – Ҳумо Хартумнинг хушлашув олдидаги насиҳатини эслади Аламазон. – Аввал одамларни унга қарши қайраб кўрайлик-чи, қолгани бир гап бўлар».

Эрталаб у ўзининг сағир дўстларига бир илож топиб бу ердан қочиш зарурлигини айтди.

– Қочганинг билан қаёққа борардинг? – Аламазоннинг таклифини нохуш қарши олди Шалпанг. – Узоғи билан бир ҳафтада айғоқчиларга ем бўласан. Айтмоқчиманки, мамлакатда яширинадиган дурустроқ жой йўқ.

– Нега беркинадиган жой йўқ дейсан? – гапга аралашди кичкинтой. – Масалан, хў ҳалиги ўрақудуқ-чи?

– Ақлингга балли, Масаланвой! – бирдан севиниб кетди Шалпанг. – Дарров эсимга келмаганини қара-я!

Саёқ яллагилар бир куни тўйдан қайтишаётиб, сой бўйидаги тошлоқ жойга келишганда Шиппакнинг бир оёғи қандайдир тешикка тушиб кетибди. Қарашса, битта одам зўрға сиғадиган бу тешикнинг таги беш-олти киши бемалол узала тушиб ётиши мумкин бўлган ўра экан. Болалар ўшанда ўрақудуқ тешигини катта чағир тош билан ёпиб кетганларича, у томонга қайтиб йўллари тушмаганди.

– Ўшандай зўр жой турганда, бу оғилхонада нима қиламиз? – шерикларининг юрагига ўт ташлади Аламазон. – Зиндондан тезроқ қовушни судраб қолиш керак.

Улар қандай қилиб қочиш ҳақида бош қотиришди. Тирноқлаб лаҳим кавлаб бўлмасди. Мабодо, бирон асбоб топилган тақдирда ҳам, бу жуда узок вақтга чўзиладиган иш эди.

Кутилмаганда Аламазоннинг калласига ғалати бир фикр келиб қолди.

– Топдим! – деб қичқирди у Шалпангнинг биқинига туртиб. – Сен Шиппак полвоннинг елкасига миансан, мен сенинг елкангга мианман.

– Мақсадинга тушунаётган бўлсам ўлай агар, – дея анграйиб боқди Шалпанг. – Айтмоқчиманки, нега энди менинг елкамга минаркансан?

– Хоҳласанг, мени елкамга минақол, – кулди Аламазон. – Лекин, билиб кўй, қанча баландда бўлсанг, шунча шалошлаб йиқиласан.

Буни кесатиқ деб тушунган Шалпанг жилмайиб кўйди. Аслида, ғаройиб ҳўққабозлик ўйинини бошлашга шайланаётган Аламазон унга гапнинг тўппа-тўғриси айтиб қўя қолганди.

Бу – жазоланувчилар кўпайиб кетган пайтларда шошилиш қурилган кўшимча зиндонлардан бири бўлса керак, унчалар чуқур эмасди. Аламазоннинг мўлжалига кўра, агар уч киши ҳўққабозлардек бир-бирининг елкасига миниб олса, энг тепадаги одамнинг панжара-қопқоққа бемалол бўйи етиши мумкин эди. Ясовуллар уни зиндонга ташлашаётганда панжара-қопқоқнинг ҳеч қанақа кулфи йўқлиги ва панжара гирдига боғланган арқоншоти қопқоқнинг шундоққина ёнига турмаклаб қўйилганини Аламазон яхши эслаб қолганди.

– Энг тепадаги ҳўққабоз арқоншотини панжарадан секин ичкарига тортиб олса, бўлди, – уқтирди Аламазон. – Кейин, шотига ўрнашиб олиб, панжара-қопқоқни бемалол кўтариш мумкин.

Ҳўққабозлар ўйинини томоша қилиш жудаям ҳузурбахш эса-да, ҳўққабоз бўлиш, аксинча, бениҳоят машаққатли иш экан. Дастлабки машқлар бошлаб юборилгандан кейин орадан бир соат вақт ўтмаёқ бандиларнинг аъзойи бадани моматалоқ бўлиб кетди. Улар деворга суяниб туриб, бир-бирларининг устига чиқиб олишгандан сўнг зиндон шипининг қоқ ўртасида жойлашган тўйнуққа қараб юра бошлардилар. Лекин уч қадам юрмаёқ, учга бўлиниб кетишарди. Бундай пайтда энг тепада турган Аламазон кўпроқ жабрланар, ўрта ҳалқадаги Шалпанг эса Шиппақдан баландроқда эканидан ошқора нолиб, Аламазондан пастроқда эканлигидан пинҳона севишарди.

Кечга яқин улар мувозанат сақлашни анча ўрганиб олишди. Яна бир неча бор ҳаракат қилинса, тўйнуқча йиқилмай боришга эришишлари мумкиндек туюла бошлади. Лекин ҳаддан зиёд шалпайиб қолган ҳўққабозлар хансираганларича похолнинг устига чўзилишди.

– Қулоғимни гаровга қўяман, яна пича машқ қилсак, ҳамма иш жойида бўлади, – жабрдийдаларнинг руҳини кўтаришга тиришди Аламазон. – Биз озодликка чиқамиз, сағир пиёдаларим!

Шу топда уларга четдан қараган киши зах ва бадбўй зиндонда сулайиб ётган бу мажолсиз бандилар, орадан кўп фурсат ўтмай, бутун бир мамлакатни остин-устин қилиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаган бўларди.

Дуторийнинг хавfli рақиблари

Малика Мастонни кўпдан бери азоблаб келаётган кўкйўталнинг бироз тийилиши шарафига саройда катта зиёфат берилишини эшитиб, Эшматнинг аввал иштаҳаси, кейин чехраси очилди. «Бурнимдан чиққунча беданақабоб

ейман», дея сўлак ютиб ўйлади у. Сўнг шаҳаншоҳнинг қабулхонасига кириб, одатдагидек унинг оёқлари остидаги гиламча четидан жой олди-да, зиёфат ҳақида хаёл суришни давом эттирди. Бир маҳал, калнинг кўнгли тароқ тусабди деганларидек, базмда мен ҳам ўзимни кўрсатиб қўйсам бўларди, деб ўйлаб қолди. У на соз чертишни, на қўшиқ айтишни билар, ҳатто, ўйин тушишни ҳам удалай олмасди. Охири миясига келган бир фикрдан қувониб, шаҳаншоҳга юзланди.

– Падари олийлари, – аста шивирлаб мурожаат қилди у, – бугун зиёфат вақтида битта шеър ўқиворсам, қалай бўларкин?

Исқирт Биринчи икки томонда қаққайиб турган ясовулларга кўз қирида қараб қўйиб, Эшматнинг қулоғига пичирлади:

– Шеър ёзишни эплар экансан, нега олдинроқ айтмадинг? Манга ҳам ўргатиб қўйсанг-чи, Эшмат Ишма.

– Майли, – сира иккиланмай розилик билдирди Эшмат. – Ётоқхонага боравурайлик бўлмаса.

Исқирт Биринчи Эшматга ўз ётоқхонасидан жой ажратган эди. Улар хонага кириб келибоқ, қоғоз-қаламга ёпишишди, кейин ифлос кўрпаларга чўзилиб олишиб, шоирона қиёфада хаёлга чўмганларича жиддий бош қотира бошладилар.

– Мен айтиб тураман, – бармоғи билан қоғозни кўрсатиб, ёш хоқонга беихтиёр буйруқ қилди Эшмат. – Сиз ёзиб туравадиринг.

У шу пайтгача ўзида намоён бўлмаган оташин истеъдод билан шаҳаншоҳга тумтароқ бир шеър ўргатди. Сўнг ўзи учун бундан ҳам тумтароқроқ мисралар битиб, уни Исқирт Биринчига бағишлаб қўйди.

– Айниқса, маники зўр чиқди, – қўлидаги шеърга қайта-қайта кўз югуртираркан, оғзи қулоғига етгудек бўлиб севинди Исқирт Биринчи. – Буни ўқиб бериб, Дуторийни росаям ўсал қиламан.

Арбоб-уламолар ҳар галгидек зиёфатга ўз вақтида етиб келишди. Созандаларнинг ғат-ғути, хонандаларнинг оҳ-воҳи, раққосаларнинг тўс-тўполони, томошабинларнинг қий-чуви ишратхона деворларини яна ларзага солди. Чайналаётган овқатларнинг чапиллаши, ғажилаётган суякларнинг китирлаши, симирилаётган ичимликларнинг хўриллаши ҳам ўзига хос бир оҳанг касб этган эди.

Икки киши гаплашиб турганини кўрса, ўзининг янги битилган ғазали билан суҳбатга файз киритиш пайида бўладиган шоир Дуторий бундай катта анжумандан четда қолиши мумкин эмасди. У ҳар сафаргидек суюлиб жилмайганича ўртага чиқиб, шаҳаншоҳнинг ижозати ила салласига қистириғлик қоғозни оларкан, энсаси қотган арбоб-уламолар унга сохта илтифот билан кўз қадашди. Шоир паришон қиёфада бироз шипга тикилиб тургач, янги тўқилган ғазалини қироат билан ўқий бошлади:

*«Ҳаммомингга кирмайман, виждоним бордир,
Ўлдирсанг ҳам кўнмайман, имоним бордир...»*

Ғазалнинг охири байти қуйидаги янгроқ мисралар билан яқунланган

эди:

*«Кечиб совун-лунгидан, менман бахтиёр,
Эй Дуторий, ажойиб замоним бордир».*

Одатдагидек чор атрофдан қалбаки рағбатлар ёғилди:

– Хай-хай-хай!

– Офарин!

– Тасанно!

Базмда ўтирганлар Дуторийдан қутулганларига шукур қилишиб, эндигина эркин нафас олишаётганида шаҳаншоҳ: «Навбат – дўстим Эшмат Ишмага», дея дафъатан янги хуружни бошлади. Даврадагилар ўлганининг кунидан қийқириб қўйишди.

Эшмат иложи борича олифтанамо қадам ташлаб ўртага чикқач, тартиб бўйича Исқирт Биринчига таъзим қилди-да, чўнтагидан буклоғлиқ қоғоз чиқариб, уни шошилмасдан очаркан:

– Шаҳаншоҳимиз ва паноҳимиз Исқирт Биринчига бағишлайман! – деди.

Яна енгил-елпи қий-чув қўтарилди. Эшмат қўлидаги қоғозни очиб бўлгач, «ие-ие» деб уни дарҳол қўйнига тикди ва чўнтагидан бошқа қоғоз олиб, ниҳоят шеърни ўқишга киришди:

*«Яшасин Исқирт Биринчи,
Биринчи Исқирт яшасинлар!
Тоза юрган хумбошларни
Қамоққа, гулдургун, ташласинлар!
Яшасинлар!!!»*

Арбоблар Дуторийнинг ҳасаддан куйиб ўлишини ишашаётгандек, Эшматнинг бошидан аямай рағбат ёғдиришди. Олқиш ва мақтовлар тўлқини пасайгач, Эшмат тантанавор оҳангда эълон қилди:

– Падари олийлари ҳам бўш қолганларида шеър-пер ёзиб турадилар. Мана энди навбат Исқирт Биринчининг ўзларига!

Гулдурос олқиш тўс-тўполонга айланди. Шаҳаншоҳ ўтирган жойида жилмайганича юқорига қўл узатиб, салласига карнай қилиб қистирилган қоғозни суғураркан, фахр билан устма-уст бурун тортди. У қоғозга синчиклаб кўз қадаб тургач: «Ўзимга бағишлайман!» деди чайналиб ва биринчи мисрани таталай кетди:

*«Битта зўр бола бор...»
Пиқ...*

– Офарин, офарин! – рўмолча билан шаҳаншоҳнинг бурнини арта туриб, хитоб қилди Бурбулит Идрик Иброҳим.

«Ўша бола – шаҳаншоҳ...»

– Ажаббо-о! – «такрорланмас гўзал» мисралардан ҳайратланди лашкарбоши Шаламон Шилдир.

*«У доим кир юради,
Чунки ақли кўп, э-воҳ...»*

– Ҳай-ҳай-ҳай! – роҳатланиб кўзини юмди бош айғоқчи Исом Итту Искартопар.

*«Ўша бола соғ бўлсин,
Тозаларнинг юраги доғ бўлсин!»*

Хуфия ишлар бошлиғи Фисқиддин Макру Мараз билан эндиликда козикалон бўлиб олган Ҳошим Ҳезиддин Хум баб-бараварига наъра тортишди: «Тасанно!»

Гарчи: «Бағоят гўзал! Бағоят нафис!» – дея қичқириб қўйган бўлса ҳам, шоир Дуторийнинг юраги тобора зил кетаётганди. Бу икки сурбет шахс калами ўткирлиги билан эмас, ўз мавқелари билан ҳар қандай номдор шоирни оёқости қила олар, зеро уларнинг бири шаҳаншоҳнинг тувакбардори, иккинчиси эса шаҳаншоҳнинг ўзи эди. «Бағоят хавфли!» дея ичида ўйлаб қўйди Дуторий.

Искірт Биринчи хашаки шеърни пийпалаб чикқач, саройда кўтарилган оммавий қийқирик узоқ-узоқларга акс-садо бериб, ҳатто Қоратуйнук яқинида турган чегарачиларни ҳам бир зум безовта қилди. Бу қий-чувни сойдан кечиб ўтиб, ўрақудукқа яқинлашаётган Аламазон ва унинг сағир пиёдалари ҳам эшитишди.

Хавфли жосус ва уч нафар тартиббузарнинг зиндондан қочиб кетгани ҳақидаги хабар Искірт Биринчининг қулоғига базм охирлаб қолганда етиб келди.

– Лапашанг! – йиғлагудек бўлиб, хуфия ишлар бошлиғи Фисқиддин Макру Маразга ўшқирди шаҳаншоҳ. – Манга бунақа ишларинг кетмайди!

– Мен уларни тутиб келтирдим, – балони ўзидан соқит қилишга шошилди Фисқиддин. – Уларни чуқурроқ жойда сақлаш бош айғоқчи жаноб Исом Итту Искартопарнинг масъулига киради.

– Иккаланг ҳам меровсан! – чинқирди Искірт Биринчи. – Энди кидириб топ иккаланг. Топмай кўринглар-чи!

Аламазон аллақачон жуфтакни ростлаб қолганини эшитиб, Эшматнинг кўнгли ўз-ўзидан ёришиб кетди.

«Бай-бай-бай» ансамбли

Аламазон бошлиқ сағир пиёдалар ўрақудукқа кирибоқ,

хансираганларича ўзларини ерга отишди. Сурункали хўққабозлик машқлари ва зиндондан чиқиб олгандан кейинги тинимсиз югуришлар уларнинг тинкамдорини қуритиб ташлаганди.

– Иккала зиндонбон ҳам уйқуни жа запларкан-да, – завқланиб гап бошлади баданига тобора роҳат қуйилаётган Шалпанг. – Айтмоқчиманки, бунақалар бурнини кесиб кетганингни бошқалардан эшитиб билишади.

– Агар Масаланвой халиги пахмоқсоқолнинг оёғига қоқиниб кетмаганда, улар шу топдаям туш кўриб ётишган бўларди, – кулиб қўйди Аламазон.

Шиппакнинг эса жаҳли қўзиди:

– Одам деган шарпасиз юришни билиши керак-да энди!

Ўракудук, ҳатто, тепадаги туйнук очиб қўйилган пайтда ҳам зиндондан беш баттар қоронғи бўлса-да, зиндондек зах ва сассиқ эмасди. Болалар бир кучоқдан буғдойпохол келтиришиб, тағларига тўшаб олишгач, бу махфий кулба янаям ҳузурижон бўлиб кетди.

Исом Итту Искабтопарнинг айғоқчилари инига кесак отилган арилардек ҳамма жойда тўзиб юришар, уларнинг товуш ва шарпалари гоҳи ўракудук атрофида ҳам эшитилиб қолар, ўша исковучлардан бири, ҳатто, туйнук оғзига суриб қўйилган тошни дўқиллатиб босиб ўтганди. Бундай чоғда болалар соатлаб ўрада биқиниб ётишар, яқин орада айғоқчи йўқлигига тўла ишонч ҳосил қилганларидан кейингина аста ташқарига чиқишиб, тирикчилик ташвишига тушишарди. Шалпанг сойдаги камарларга қўл тикиб, зоғорабаликларни тутиб оларди-да, уларни яқинроқдаги қайноқбулоқлардан бирида пишириб келарди. Аламазон диққат билан атрофга аланглаб мева-чева тераётганда, кичкинтой Масалан тустовуқларни хуркитиб, уларнинг тухумини йиғишга киришарди.

Шиппакнинг узоқ йўқ бўлиб кетганидан хавотирлана бошлаган болалар унинг бир даста нон қўлтиқлаб келганини кўриб, қувониб кетишди. Улар нонни жуда соғиниб қолишганди. Шиппак вилоят четидаги маҳаллалардан бирига бориб, одамларнинг кўктошга ёпиб қўйган тайёр кулчаларидан бир қисмини йиғиштириб келганини айтди.

– Биз одамларни вақтинча талаяпмиз, – Шиппакнинг хатти-ҳаракатини оклаб, нонга биринчи бўлиб қўл урди Аламазон. – Қулоғимни гаровга тикиб айтаманки, уларни бахтиёр қилиб, қарзимизни узамиз.

Аламазон, асосан, писиб ётиш билан ўтаётган бу қимматли вақтларни беҳуда кетказмади. Исқирт Биринчини масхараловчи «Бай-бай-бай» деган шеър ёзиб, уни пиёдаларига ёд олдирди. Ака-ука созандалар ташландиқ тошкапада қолиб кетган чирманда ва сурнайни олиб келишгач, шеърни куйга солишиб, айғоқчилар таъқибидан хориж пайтларида паст товушда куйлаб ўргана бошладилар. Қўшиқни Шалпанг айтар, Аламазон билан Масалан эса унинг «бай-бай-бай» деган қисмига жўр бўлиб туришарди. Шиппак қўшиқнинг ана шу нақаротида сурнайни янада чинқиртириб юбориши керак эди.

– Ансамблимизни қўшиқнинг номи билан атай қолайлик, – қўшиқ тайёр бўлгач, таклиф киритди Аламазон. – «Бай-бай-бай» ансамбли. Зўр, а?

– Аждарободликларнинг кийими ғалати десам, гапням бошқачароққа ўхшайдими? – тўнғиллади Шиппак. – Ансамбул деганинг нима?

– Яллачилар бир жойга тўпланса, ансамбл-да, – ўйлаб ўтирмай жавоб килди Аламазон.

Шундай қилиб, Исқирт Биринчига дастлабки руҳий зарбани беришга бел боғлаган Аламазон ўз пиёдаларини биринчи жангга шайлай бошлади.

Бош айғоқчи Исом Итту Искартопар соҳилдан топилган қалпоқчага асосланиб, ҳолдан тойган жосус ва унинг шериклари шошилишда ўзларини сойнинг нишаб жойига отиб, мушукларча чўкиб ўлганликларини каромат қилган куннинг ўзгинасида «Бай-бай-бай» ансамбли куппа-кундузи вилоят бозорларидан бирига кириб келди. Улар зиндонда қиёмига етказилган хўққабозлик ўйинини бозор ўртасидаги супада давом эттиришди. Бир зумда оломон йиғилгач, Масалан «бак-бака, бўм-бўм»га уриб турган чирманда оҳангини «дака-дунг, дака-дунг»га ўзгартирди. Унинг ёнига сурнай овози қўшилгандан кейин, Шалпанг ёқимли товушда куйлай бошлади:

*«Ана Исқирт Биринчи,
Аҳволини кўринг-чи,
Бай-бай-бай!»*

*Бошда ифлос салласи,
Ишламасмиш калласи,
Бай-бай-бай...»*

Даставвал одамлар уёқ-буёққа жаланглашиб, хавотирланганларича бироз сўррайиб туришди, кейин аста-секин илжая бошлашди. Қўшиқ эса давом этарди:

*«Шоҳнинг битта сири бор,
Етти қават кири бор,
Бай-бай-бай!»*

*Бурбулитга улфатдир,
Эл бошига кулфатдир,
Бай-бай-бай!..»*

Олдинда турганлардан бири қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Бошқалар ҳам анча жонланиб, «ҳиринг-ҳиринг»лар эшитилди. Бундан кўнгли кўтарилган Шалпанг янада баралла куйлай кетди:

*«Керилиб гап сотармиш,
Бурнин биров артармиш,
Бай-бай-бай!»*

Ҳаддан ошди тирмизак,

*Ўнганмайди урмасак,
Бай-бай-бай!»*

Кўшиққа берилиб кетиб, айғоқчилар ҳақида ўйламай қўйган оломон энди қийкириб кула бошлади. Саёқ яллачилар бирдан қаёққадир ғойиб бўлиб қолганларидан кейин ҳам одамлар тарқалишмай, бу фавқулодда томошани ҳазил-мутойиба сўзлар билан муҳокама қилиб туришди.

Шундан сўнг «Бай-бай-бай» ансамбли ўз гастролларини сурункали давом эттирди. Айғоқчилар қарийб икки хисса кўпайтирилганига қарамай, саёқ яллачилар кутилмаган жойда пайдо бўлишар ва жуда усталик билан изни чалғитиб кетишарди.

Кўп ўтмай бу кўшиқ мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатини сарик чақага олмайдиган жирраки болаларга бутунлай ёдаки бўлиб кетди ва улар катталарнинг кулгисини қистатиб, кўча-кўйларда минғирлаб куйлаб юришарди.

Салтанат ва унинг шаҳаншоҳини таҳқирловчи ҳақоратомуз кўшиқ сарой арбобларининг тобора ғазабини ошириб, уни мамлакат сахналаридан бутунлай супуриб ташлаш юзасидан кескин чоралар кўрила бошланган кунларда саёқ яллачилар бирдан зим-зиё бўлиб кетишди. Туллакиларнинг туллаги ҳисобланган Бурбулит Идрик Иброҳимнинг таъбирича, бу жуда шубҳали бўлса ҳам, Искирт Биринчининг кўнгли анча таскин топди. Исом Итту Искартопарнинг айғоқчилари шаҳар кўчаларида камроқ изғийдиган бўлиб қолишди. Фақат Эшматгина кутилмаганда жимиб кетган Аламазоннинг тақдиридан хавотирлана бошлади. Аламазоннинг сағир пиёдалари бу пайтда иркитлар салтанатига қарши қақшатқич зарба ҳозирлаётганидан у бутунлай беҳабар эди.

Жасоратга ундовчи хат

Аламазон тошкапа остонасидан ўтибоқ чолга салом берди. Хира кўзларини пирпиратиб турган Ҳумо Хартум уни товушидан таниб, ўзида йўқ қувониб кетди. Қуюқ кўришиб, бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўраб бўлишгач, кўрпачага ёнбошлаганларича гуруннга зўр беришди. Аламазон Тандирга келиб кўрган-кечирганларини бир бошдан сўйлаб берди.

– Салламно-о-о! – деди Ҳумо Хартум ҳайратдан ёқа ушлаб. – Бундан чиқди, каламушларнинг инига ҳам чўп суқиб юрган айғоқчилар сизларни ахтаришган экан-да?

– Улар бу ергаям келишдимми?

– Кунига ўн марталаб тумшуқ тикишарди. Ҳайронман, кейинги вақтда дараклари йўқ.

– Сизни...

Тозалигингиз учун нега сизни қамаб қўйишмади, деб сўрашга

Аламазоннинг тили бормади.

– Сизга тегишмадими?

– Менга тегишмайди, – кинояли жилмайиб қўйди чол. – Ахир, уларнинг назарида мен жинниман-ку. Бизнинг мамлакатда жинниларгина ўз покдамонлиги билан соғлардан ажралиб туришади.

Аламазон чолнинг аламонок қиёфада жимиб қолганини кўриб, гапни унинг қалбини кемирмайдиган мавзуга кўчирди.

– Олдингизга битта иш билан келувдим, – деди у. – Менга кўмагингиз керак бўпқолди, хазрат Ҳумо.

Бу гапдан кейин чолнинг чеҳраси ёришиб кетгандек бўлди. Чамаси, одамлар учун бутунлай яроқсиз жуссага айланиб қолмаганини шу топда қайтадан ҳис қилганди.

– Хўш?

– Сиз менга арвоҳларнинг башараси қанақа бўлишини айтиб беролмайсизми?

– Буни Муқаддас дохий билади, – кулди чол.

– Ўша дохийваччалардан биттаси тошкапанинг орқасида турибди, – улардан бир иш чиқармиди, дегандек қўл силтаб қўйди Аламазон. – Мен уни миниб келдим.

Аламазон ҳақиқатан ҳам бу мамлакатдаги эркатой эшаклардан бирини ўзига бўйсундириб олишга муваффақ бўлган, унинг сағир пиёдалари эса яна ўнтача «улуғ дохий»ни тўплаб олиб, уларни думида икки боғдан похол судраб юришга ўргатишаётган эди.

– Унда, ҳеч йўқ, сал ваҳималироқ гаплардан беш-олтитасини ўргатиб қўйинг менга, – жиддий қиёфада илтимос қилди у. – Масалан, Мадумар авлиёнинг арвоҳи ҳозир шу қапага кириб келса, гапни қаердан бошлаган бўларди?

Чол Аламазоннинг гапларини кула-кула тинглагач, одамларнинг арвоҳлар ҳақида тўқиб чиқарган ривоятларидан бир нечтасини сўзлаб берди. Кейин: «Булар сенга нега керак бўлиб қолди?» – деб сўради таажжубланиб.

– Бунинг таърифи узоқ, – хўққабозликдан ҳам ажойиброқ ўйин бошлашга шайланаётгани болакайнинг кўзларидан яққол сезилиб турарди. – Яқинда ўзингиз ҳаммасини кўрасиз.

– Шошма, – қайтишга тараддудланган Аламазонни тўхтатиб, тошкапа кавакларидан бирини тимирскилай бошлади чол. – Омонатингни олиб кетсанг бўларди.

Чолнинг қўлида ярқираб турган тугмачирокни кўриб, Аламазоннинг севинчдан кўзлари чакнаб кетди.

– Дарёга ташлаб юбордим демаганмидингиз? – тугмачирокни қўлига оларкан, ҳовлиқиб сўради у. – Тиртиқни лақиллатган экансиз-да?

– Бу чакмоғингни ўзинг орқалаб келган кўрпанинг астарига тикиб кўювдим, – чол одамзодга хизмат қила бошлаган дохийни ўз кўзи билан кўриш учун Аламазонга кўшилиб, ташқарига қараб юрди. – Қани, бўлмаса сени кузатиб қўяй-чи.

Аламазон ўрақудукқа қайтиб келгач, унинг сағир пиёдалари

тугмачирокни қизиқиб томоша қилишди.

– Искірт Биринчини суваракка ошна қилганимиздан кейин, масалан, шу нарсани менга беролмайсанми? – сўради кичкинтой.

– Майли, ўшанда сенга совға қиламан, – катъий ваъда берди Аламазон. – Лекин олдин сен битта зўр топширикни бажаришинг керак.

– Нима, яна эшак тутиб келаманми? – Аламазоннинг кўнглидагини топишга ҳаракат қилди Масалан.

– Йўқ, бу сафар эшакмиялар яшайдиган саройга борасан, – деди Аламазон. – У ерда битта шилдирвоқи ошнам бор. Мана бу хатни ўшанинг кўлига тутқазасан.

Кечки пайт сарой олдидаги майдонда ивирсиб юрган Эшмат ўзига ўхшаб баданини майса суртиб кирлатган гадой болага йўлиқди.

– Мен ҳамма нарсани биламан, – кемшик тишларини кўрсатиб илжайди гадой. – Сен Эшмат шилдирвоқисан.

– Йўлингдан боравур! – ўшқирди унга Эшмат. – Сенга айтиб қўяйин, аччиғим чиқса, ичагингни аралаштирвораман!

– Нега мени ҳайдаяпсан? – овсарлик билан бурнини жийирди гадой. – Масалан, сенга хат олиб келган бўлсам-чи?

Гадой Эшматнинг кўлига эҳтиёткорлик билан қистирган мактубда куйидагилар баён қилинганди:

«Салом, ошна! Охири сенга ҳам ишим тушиб қолди. Кўшинларимнинг хужумга ўтиши учун чойшаб, дастурхон сингари матолар етишмай турибди. Сен буларни саройдан ўмаришинг керак. Матолар иложи борича ранг-баранг бўлсин. Хатни олиб борган пиёдам хизматингда бўлади. Кўришгунча хайр, деб: дўстинг Аламазон».

Аламазоннинг соғ-саломатлигини билиб, Эшматнинг қувончдан тили осилиб кетди.

– Саройнинг орқасига ўтиб, какликдек писиб тургин, – уёқ-буёққа жаланглаб, гадой қиёфасидаги Масаланга уқтирди у. – Мен сенга кубба ёнидаги олтин дарчадан тугун итқитаман. Тушундингми, пиёда?

Кейин у салобат билан қадам ташлаб, саройга қараб юрди. Қаердалиги ва сон жихатидан қанчалиги номаълум бўлган кўшиннинг хужумга ўтиш-ўтмаслиги ҳозирга келиб Эшматнинг қахрамонлик кўрсатишига боғлиқ бўлиб қолган, умрида илк марта «катта жасорат»га бел боғлаётган Эшмат эса бундан ҳақли равишда фахрланаётган эди.

Мадумар авлиёнинг арвоҳи

Аламазон бет-кўлига ун чаплаб, ясама соқол-мўйловни ияқдан бошига тортиб боғлаб олгач, устига оқ чойшаб ёпиниб, бўйнига харир кўк рўмол чандиди. Шалпанг каттакон ола-була дастурхонни дид билан унинг бошига ўраб, сўйилган таканинг узун бурама шохини салланинг икки четига маҳкам кистириб қўйди.

– Сен эшакни ясантир, – Шиппакка қип-қизил юпқа матони узатиб

буюрди Аламазон. – Буни устига ёп. Кейин тўрттала почасига сариқ латта ўра.

– Масалан, жуда қизиқ томоша бўларкан-да, а? – Аламазоннинг ҳам ваҳимали, ҳам кулгили қиёфасига завқ билан тикилиб сўради Масалан.

– Авлиё билан дохий томоша кўрсатмайди, – кичкинтойни тергади Шалпанг. – Айтмоқчиманки, улар томоша кўришади.

Буни эшитиб, мамлакатда ўзини «авлиё» деб эълон қилиш арафасида турган Аламазон кулиб юборди. Кейин пиёдаларига тайинлади:

– Кўпроқ темир-терсак йиғиб қўйиш керак. Эркаталтанг эшаклар думида енгилгина похолни судраб юришгани етар. Уқтиларингми, сағир пиёдаларим?

Сағир пиёдалар Аламазоннинг фармонларига ҳеч қачон бўйин товланмас, бу топшириқлар одамлар номидан берилаётганини доимо юракдан ҳис қилиб туришарди.

Онаюлдузнинг симобранг нур устуни ҳаддан зиёд хиралашиб кетган, сойнинг боя сутранг ҳимарилаётган тўлқинлари эндиликда қорамтир товланаётган, нариги соҳилдан унча узоқ бўлмаган Қоратуйнук кўзга элас-элас чалинаётган сокин кечада чегарачилар қароргоҳи ёнида даҳшатли бир шарпа пайдо бўлди. Уни биринчи бўлиб букри дарахт остида ётган қоровуллар кўришди ва «Буви!» деб бақиришга ҳам мажоллари етмай, жойларида сўлжайиб қолишди.

Бошдан-оёқ оппоқ товланиб турган шохдор махлуқ қизғиш туманга ўралган сариқпоча Улуғ дохийнинг устига миниб олиб, уларга тобора яқинлашиб келар, унинг бўйнига илондек ўралашиб олган кўк туман эса туг каби ҳилпираб турарди. Шохдор махлуқ қоровуллардан бор-йўғи беш кадамча нарида тўхталиб, тустовуқнинг оппоқ тухумига ёпиштирилган садафни эслатувчи кўзларини чақнатганича хитоб қилди:

– Ҳей, сиз – тўппа-тўғри йўлдан адашган кир-чир бандалар, таниб қўйинг, мен Мадумар авлиёнинг арвоҳиман. Ўғри мушукдан тарқаган Искирт Биринчининг ноғорасига ўйнашни тўхтатмасаларинг, қулоғимни гаровга қўйиб айтаманки, қўлимдаги манави юлдузнинг ўтида кўзларингизни ўйиб оламан.

У шундай дея, оппоқ қўлларини олдинга чўзиб, тугмачироқ нурини қоровулларнинг кўзига тўғрилади. Ўтакаси ёрилаётган қоровуллар юзларини шоша-пиша четга буришди.

Шундан сўнг авлиё ота эс-хушларини йиғиб олиб, Искирт Биринчига хизмат қилишдан воз кечишлари, тоза кўнгил, пок бадан билан яшашга қайтишлари учун уларга тўрт кун муҳлат бериб, кўзларини мўлтиллашиб турган сариқпоча дохийни йўрғалатганича кўздан ғойиб бўлди.

Чегарачилар қароргоҳида эрталабдан бошланган шов-шув кечга яқин ваҳимали васвасага айланди. Мадумар авлиёнинг арвоҳи ҳақидаги ҳикояни у билан тўқнашганларнинг ўз оғзидан эшитишга иштиёқмандлар сони кўпая боргани сари тобора қадри ошаётган тунги қоровуллар ўзларини янада вазминроқ тутишга ҳаракат қилишар, бу ҳикоя қанча кўп такрорланса, шунча узайиб ва ваҳималашиб бораётганди.

– Кўзим илинай деб турган экан, бир пайт анави дўнгликнинг тепасидан каттакон, оппоқ нарса отқулоқдек ўсиб чиқаётганини пайкаб қолдим, – дея ҳикоя қила бошлади биринчи соқчи. – Бу ўнгимми, тушимми – англаб улгурганим йўқ эдики, халиги нарса кўққисдан устимизга юриш бошлади. Шундан кейин Тўйчи билан Жуманни уйғотдим.

– Яхшиям Хабар уйғоқ экан, – дея гапни илиб кетди Тўйчи. – Бир маҳал сонимдан чимчилаб қолди. Кўзимни очиб қарасам, тўрт бошли кўм-кўк аждарҳони бўйнига ўраб олган кўшмуғузли махлуқ кўлидаги юлдузни ўйнатганича, бизни ютишга чоғланиб турибди. Бу Мадумар авлиёмизнинг арвоҳи эканлигини унинг ўз оғзидан эшитиб билдим.

– Авлиё ота ҳазрати олийлари табаррук эшакнинг елкасига миниб олган эдилар, – дея сиполик билан ҳикояни давом эттирди Жуман. – Қипқизил туманга бурканиб олган бемисл доҳиймиз муқаддас думини елпиғичдек тебратиб, сариқ почаларини ерга уриб-урмай, ҳавода текис сузиб келарди.

Улуғ эшакнинг елкасига миниб олган Мадумар авлиё отанинг арвоҳи эртаси куни ярим кечада Тандирнинг қоқ марказида пайдо бўлди. У ҳеч бир тап тортмай лашкарлар ўрдасининг соқчиларига яқинлашди-да, уларга ҳам узундан-узоқ маъруза айтди. Жумладан, ўрда лашкарларининг эсларини йиғиб олиб, ҳақ йўлга ўтишлари учун уч кун муҳлат берилиши ҳақида гапираркан, қулоқларини чимириб олган зукко доҳийвачча соқчиларга бу гаплар қай даражада таъсир қилаётганини диққат билан кузатиб турарди.

Индинига худди шу пайтда эса сур авлиёнинг арвоҳи вилоятдаги бадавлат хонадонлардан бирида бўлаётган тўйга бостириб кирди.

– Яна икки кундан кейин ўша қасмоқ босган Олтинсаройнинг кулини кўкка совураман, – гапни тантанали ваъда беришдан бошлади у. – Ювуқсиз арбоб-уламоларни яхшилаб савалашда бизга кўмак бериш учун ҳамма одам биттадан таёқ йўниб қўйиши керак. Тагимдан сизга қараб турган Муқаддас зотнинг номидан айтаманки, бизга эргашмаган иккиюзламачиларни бир қарғашда кўзини кўр, оғзини маймоқ қилиб ташлаймиз.

Узоқдан қондошларидан бирининг овозини эшитиб қолган бўлса керак, қизил чойшаб ёпинган эшак ер депсиниб ҳанграй бошлади. Атрофдагилар икки қўлни кўкракка босганча итоатгўйлик билан таъзим бажо келтиришди.

Мадумар авлиёнинг арвоҳи билан боғлиқ миш-мишлар оғиздан-оғизга, қулоқдан-қулоққа ўтиб, мамлакатдаги борлиқ тирик жоннинг юрагини такапука қилди, ўзининг аҳмоқона ишлари билан доҳийлар-у азиз-авлиёларни ҳам безовталантираётган Искирт Биринчи оломоннинг оммавий қарғишига дучор бўлди. Салтанатга қарши жангга авлиё отани елкалаб олган даҳо эшакнинг ўзи шахсан бошчилик қилишини эшитган халқ, арвоҳнинг васиятига кўра, дарҳол таёқ йўнишга киришди.

Иркитлар салтанатини жиг-жигидан ларзага солишга муваффақ бўлган Аламазон ва унинг сағир пиёдалари сўнгги – ҳал қилувчи жангга жиддий тайёргарлик кўра бошладилар.

Нотинч кун

Исқирт Биринчи саройда хонама-хона қочиб юрганмиш, ёппасига таёқ билан қуролланган оломон зинғиллатиб қувиб келаётганмиш. Бир қарашда, одамлар жуда имиллаб чопаётганга ўхшар, лекин ёш хоқон қанчалар жонжаҳди билан югурмасин, барибир улардан олислаб кетолмасмиш. Охири ишратхонага кириб, эшикни ичкаридан тамбалаб олибди. Бир пайт орқага ўгирилса, қўшмуғузли ўша арвоҳ қип-қизил туманга ўралган эшаквойни миниб олганича, унинг қаршисида ваҳимали тиржайиб турганмиш. Бу орада оломон эшикни пачақлаб ташлаб, «ур-хо, ур» билан ичкарига ёпирилибди.

– Шошманглар, одамлар! – дея оломонга қараб қичқирибди арвоҳ. – Аввал мен унинг кўзларини ўйиб оламан, ана ундан кейин савалайверасизлар.

У шундай дея, қўлидаги чакноқ юлдузнинг нурини унинг кўзига тутибди.

Исқирт Биринчи томоғи йиртилгудек бўлиб, «Бувижо-о-он!» деб қичқирган эди, «мен бувингиз эмас, ошнангиз Эшмат Ишмаман», деган товушдан уйғониб кетди.

Қабулхонага ланж ва мотамсаро қиёфада кириб келган Исқирт Биринчи хали тахтга ўтириб улгурмай, Бурбулитга қараб ўшқирди:

– Нега хўшшайяпсиз, тоға? Авлиёларингиз мани тинч кўядими, йўқми?

– Буларнинг ҳаммаси қуп-қуруқ васваса, – шаҳаншоҳни юпата бошлади Бурбулит. – Мен олди-қочди гап тарқатаётганларни ҳибсга олишни, уларга ишонаётган ҳаромиларни аямай калтаклашни буюрдим.

– Яна-чи? – бу тадбирлардан кўнгли тўлмайд сўради хоқон.

– Қолаверса, ўша авлиёнинг бевош арвоҳини гумдон қилиш чораларини кўряпмиз, – тап тортмай гапирди Бурбулит. – Бу ҳақда хуфия ишлар бошлиғи Фисқиддин Макру Маразга, бош айғоқчи Исом Итту Искартопарга, лашкарбоши Шаламон Шилдирга махсус топшириқлар бердим. Кандир Калтага махфий хат жўнатдим.

Чегарачилар сардори Кандир Калта бош вазирнинг мактубини эрта тонгдаёқ олган эди. Мактубда бундай дейилганди:

«Мадумарнинг арвоҳи қароргоҳингга яна тумшуқ суқадиган бўлса, камончиларинг билан дарҳол қуриш, безбетни галвир қилиб ташлашингни буюраман. У туллакнинг ёнини олиб тўполон қилган ёки қаттиқ ҳанграган тақдирда, салтанатимиз шавкати йўлида аҳмоқ Доҳийни ҳам дангал қиличдан ўтказ. Айтганларимни бажарсанг, мартабанг улуғ бўлади.

Бурбулит Идрик Иброҳим».

Сардор мактубни ўқиб бўлиб, ўйланиб қолди. Бурбулитнинг Авлиёга кўшиб Доҳийни ҳам қатл этишга ундовчи совуқ гаплари унинг энсасини котирди. Лекин «мартабанг улуғ бўлади» деган охирги жумла юрагига дадиллик бағишлади.

«Балки бош айғоқчи бўларман, – тўлқинланиб ўйлади у. – Э, бор-е, дейишса, лашкарбоши бўп кетишим ҳам ҳеч гапмас».

Мансабпарастлик Кандир Калтанинг туғма касали эди. Ҳозир у ўша касаллик иситмасида алаҳсираб ўзи шу дамгача сиғиниб келган илоҳий сиймоларга бўлган ҳурматини нафрат билан алмаштирди ва қиличнинг сопидан чангаллаганича: «Ўлдираман уларни», дея чираниб қўйди.

Бу пайтда тўрт кундан буён ҳаловат нималигини билмай қолган чегарачилар ўртасида баҳс тобора кучайиб бораётганди. Ҳақ йўлга ўтиб олиш учун уларга авлиё отанинг арвоҳи томонидан берилган муддат бугун кечкурун тугаши керак эди.

– Арвоҳ билан жанг қилсак, обрўйимиз икки пул бўлади, – дерди биринчи камончи, – унга қилич ҳам ўтмайди, ўқ ҳам.

– Борди-ю, авлиёмизга отган ўқинг хато кетиб, Муқаддас эшакнинг ўзига тегадиган бўлса, унда нақ энангни кўрасан, – дея, шошилишда юз бериши мумкин бўлган фожиали хатони олдиндан каромат қилди иккинчиси. Бошқаси эса уларни калтабинликда айблаб деди:

– Камонни мўлжалга олгунингча арвоҳ бечора лаллайиб тураркан-да! Қўлидаги юлдузнинг чақинида кўзингни ўйволади, ҳов!

– Кандир Калтанинг гапига кириб, ўлиб кетадиган аҳмоқ йўқ, – ниҳоят дадиллик билан биринчи бўлиб мақсадга кўчди Хабар. – Жонидан тўйган бўлса, арвоҳ билан подшоҳнинг ўзи уришсин. Бизга ўзи нима кераги бор ўша Искиртнинг? Тўғрими, Жуман?

Жуман иккиланганича пича ўйланиб қолди. Кейин бошини қашиб туриб гўлдиради:

– Гапинг тўғрику-я, Хабар... Лекин нонкўрлик бўлмасмикин? Нима бўлгандаям, Искирт Биринчи падари олийлари ҳозиргача қорнимизни оч қолдиргани йўқ. Масалан, ўзимни олайлик, бола-чақаларим тўқ яшаяпти.

– Шунақа дегин? – келиб-келиб дардимни сенга гапирдимми дегандек Жуманга ҳафсаласизлик билан қаради Хабар. – Агар биз фақатгина қорнимизнинг тўқлигидан қувонадиган бўлсак, унда эчкилардан фарқимиз йўқ экан-да? Ҳайвонларнинг қорнини тўйдириб қўйсанг бас, шилта гўнгнинг устида ётиб ҳам маърашмайди.

Кейин атрофдагиларга юзланди:

– Бир ўйлаб кўрсаларинг-чи, биродарлар, – зорланиб мурожаат қилди у. – Нахотки қўй-эчкилардан афзалроқ жойимиз бўлмаса? Агар биз ҳайвонларга қараганда кўпроқ нарсани хоҳламасак, нега унда ўзимизни одам деб атаяпмиз?

Пойтахтдаги ўрдада ҳам васваса авжига минганди. Бутунлай тарқалиб кетишга юраги бетламай, ҳаяжонланганларича ивирсиб юрган сипоҳилар: «Улуғ эшак ҳамма нарсани кўриб-билиб туради, биз унга ўқ отмасак, у биринчи бўлиб бизга ёмонлик қилмайди», дея ўзаро шивирлашиб қўйишарди. Лашкарбоши Шаламон Шилдир ўрдада интизомни мустаҳкамлаш учун жон куйдираётгандек кўринса-да, аслида нодон сипоҳиларнинг авлиё отага ҳамла қилиб, ишнинг пачавасини чиқариб қўйишлари мумкинлигидан қаттиқ хавотирланаётган эди.

Дуч келган васвасачини дарҳол зиндонга тиқишга ваколатли айғоқчилар ўз бошлиқлари Исом Итту Искабтопардан ўрнак олишиб, салтанат муҳри кимнинг қўлига ўтиши номаълум бўлган бу алғов-далғов кунда бировга озор беришдан ўзларини тийиб туришарди. Улар хўжакўрсинга кўча айланиб юришар, ҳатто, турли кесатиклар билан эрмаклар, орқаларидан ҳуштак чалиб қолганларга ҳам парво қилишмасди.

Айғоқчиларнинг бир гуруҳи Чилтонариқ кўпригига яқинлашиб қолганида тиржайганича уларни кутиб турган Ҳожимат жиннини кўришиб, афтлари бурушди.

– Келинлар, қувлаш ўйнаймиз, – одатдаги хуружини бошлади жинни.
– Ҳей, эшитгиларингми?

Ҳеч ким индамагач, у лўкиллаганича бориб, айғоқчилардан бирига суйканди.

– Ке, қувлаш ўйнаймиз. Қўлга тушсанг, бурнингга чертаман. Ваҳ-вах-вах...

– Нар итур-чи, – уни четга туртиб, йўлида давом этди айғоқчи.

Ҳожимат эса унинг кетидан эргашиб, инжиқланганича қистай бошлади.
«Ўйнайсан, ўйнайсан...»

– Йўқол кўзимдан! – унинг кўкрагидан итариб ташлади айғоқчи.

Ҳожимат аразчи боладек бўйини қисиб ортга қайтаркан, унинг қилиқларидан ичаклари узилгудек бўлиб кулаётган одамларга йиғламсираган қиёфада юзланиб, минғиллаганича айғоқчининг устидан шикоят қилди:

– Ўйнамади...

Айғоқчилар кўприқдан ўтиб, Жанжалмаҳаллага кириб боришгач, бу ердаги ғайритабиий осойишталикдан таажжубга тушишди. Чунки бу маҳаллада муштлашув бўлмаган кунни яқин-атрофдаги бирон-бир қария аниқ эслолмасди. Кўчанинг ўнг ва чап тарафида яшовчиларнинг иккига бўлиниб жиққамушт бўлишлари учун кўчанинг у томонида турувчилардан бири бу томондагилардан биттасининг жиғига тегиши кифоя эди. Шапалоқ базмида маҳалланинг етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган аҳолиси тўлиқ иштирок этар, гоҳ чол болани, гоҳ бола чолни юмдалар, аёллар эса бундай чоғда томларга чиқиб олишиб, «ўзлариники»ларга қий-чувлар билан далда бериб туришарди. Ур-йикитлар баъзан ярим кечагача чўзилиб кетар, охири у ёки бу томоннинг мағлуб бўлиши билан яқунланарди. Ғолиб келган ёқдагилар мабодо ёқалашиб хали хумордан чиқмаган бўлишса, шартта иккига бўлиниб, ўзаро муштлаша бошлардилар. Ўзаро олатасирдан ҳам қониқмаган охири жанжалкаш эса ўзини ўзи дўппослашга тушарди.

Бугун кўчанинг ҳар икки юзидагилар маҳаллий низони вақтинча унутиб, бутун бир мамлакат миқёсида бўладиган катта жанжалга иштаҳа сақлаб туришар ва бу «сол-сол»ни бошлаб берадиган Мадумарнинг етиб келишини сабрсизлик билан кутишмоқда эди. Мамлакатдаги барча аҳоли сингари улар ҳам авлиё отанинг амрига кўра биттадан таёк йўниб қўйишган, айрим эҳтиёткорлар бу қуролни эрталабданок белбоғларига қистириб олишганди.

Хонасида пишиллаганича бемалол ухлаб ётган Эшматни ҳисобга

олмаганда саройдаги муҳитни ҳам осойишта деб бўлмасди. Бу паллада шахсан Искирт Биринчининг ўзи, «авлиёларнинг манда қанақа қасди боракан», дея малика Мастоннинг пинжида йиғлаб ўтирарди.

Қозикалон Ҳошим Ҳезиддин Хум саҳардаёқ ишга киришиб, яхшилаб йўнилган таёқ ва деҳқонча кийим-бошни аллақачон ҳозирлаб қўйганди. У тўс-тўполонда кўпчиликка қўшилиб, авлиё ота қўлидаги юлдузнинг шафоатидан баҳраманд бўлиб қолишни мўлжаллаётганди.

Арбоблар ичида энг туллаклардан ҳисобланган хуфия ишлар бошлиғи Фисқиддин Макру Мараз иложи борича саройдаги ишларга аралашмай туришнинг энг осон йўлини топди. У кеча кечкурундан бошлабоқ ўзини бетобликка солиб олган ва ишнинг нима билан тугашини ўғри мушукдек пойлаб ётарди.

Шоир Дуторий эса хонасини ичкарасидан тамбалаб олиб, янги ғазал битиш билан овора эди. У эртага шу пайтда саройда бошқа бир ҳоқон зиёфат бериши эҳтимолдан холи эмаслигини бор вужуди билан ҳис қилиб турар, ёзиб тугалланаётган оташин мадҳия ўша номаълум зотга аталган бўлиб, қўйидаги мисралар билан бошланарди:

*«Келди пок гулгун замон, ҳаммомга бошланглар мени,
Ё суви лим-лим ҳовуз, ё жомга бошланглар мени...»*

Лекин бош вазир Бурбулит Идрик Иброҳим ҳар қачонгидек совуққон ва дадил кўринар, унинг қаттиқ асабийлашаётганини хонада тинмай уёқдан-буёққа юриб туришидангина пайқаб олиш мумкин эди. У Мадумарнинг арвоҳи ҳақидаги ваҳимали гапларга ҳозир ҳам ишончсизлик билан қарар, бу ғаройиб ишларнинг ҳаммаси қандайдир муғамбирнинг жуда усталик билан қилаётган найранглари эканини фақат угина сезиб турарди.

Тандирнинг ишғол қилиниши

Чегарачилар сардори Кандир Калта арвоҳлар фақат кечалари изғий олишларини назарда тутиб, Онаюлдуз хиралаша бошлагандан кейингина камончиларини илоҳий жангга сафлади.

– Дадил бўлинглар, азамат такаларим! – учи ерда судралиб юрган қиличининг сопини ушлаб, камончиларга далда берди у. – Ўша арвоҳ кўзимга кўринди дегунча, сомсабоп қилиб қиймалаб ташлайман.

Камончилар, «қўйиб беринглар, ўзидан кўрсин», дегандек бир-бирларига маънодор кўз қадашди. Сардор садафгул қовоқдан нос каплаб олгач, камончилар сафи бўйлаб уёқдан-буёққа юра бошлади. Ора-сира: «Бунақа арвоҳларнинг кўпини кўрганмиз», «Мен уни шундай шарманда қилайинки», дея кўкрак керганича ғўлдираб қўярди.

Ғазотга чиққан авлиё отанинг шамойили намоён бўлишдан илгари борлиқни унинг ваҳимаси камраб олди. Дўнглик ортидан даставвал жангира-жунгир овозлар эшитилиб, кейин унга сурнайнинг қайғули ноласи ва чирманданинг «дака-дунг»ги қўшилди. Бирон-бир марднинг биринчи бўлиб

кочишни бошлаб беришига мунтазир турган камончилар ён-веридагиларга умидвор жаланглай бошладилар. Кутилмаганда, сардорнинг тиззасига ҳам қалтироқ кирди. Лекин, «Мартабанг улуғ бўлади» деган сеҳрли сўз унинг миясида тинимсиз қайтариқланиб турар, ўзини иложи борица дадилрок тутишга ҳаракат қиларди.

Шовқин-сурон борган сари кучайиб, охири дўнг ортидан ўша шохдор махлуқнинг оппоқ жуссаси аста-секин балқиб чиқа бошлади. Унинг кетидан думида алланарсаларни судраб келаётган зангбоз эшаклар сафи кўринди ва ниҳоят, бири сурнай пуфлаб, иккинчиси чирманда урганича, пиёда келаётган яна иккита оқ арвоҳ пайдо бўлди. Ҳанги даҳо бошчилигидаги бу тўполончи гала аралаш-қуралаш садолар остида дўнгдан пастлаб келаркан, мақтанчок Кандир Калтанинг ияги шақиллаб, илигидан мадор кетди ва аста-секин орқага тисарилиб, камончилар сафига чапланиб қолди.

Мадумар авлиёнинг арвоҳи бир-бирига қапишиб турган камончилар тўдасига яқин келиб, салобат билан доҳий ҳазратларининг юганини тортди. Орқадаги зангбоз доҳийваччалар ҳам ҳаракатдан тўхтаб, сурнай ва чирманда садолари бирдан тинди.

– Нега қаторлашиб турибсизлар, мушуклар? – гапни жуда қалтис бошлади арвоҳ. – Сизларни менга қарши қайраган бароқ қани?

Ҳамманинг нигоҳи беихтиёр Кандир Калтага қадалди. Ваҳимали садолар эшитила бошлаган пайтда оғзидаги носни туфлаш ҳам эсига келмай қолган сардор, уни «ғўлқ» этказиб ютиб юборди.

– Таппа босинг уни! – қичқирди авлиёнинг арвоҳи.

Аламзада Хабар биринчи бўлиб ўзини сардорнинг устига отди. Кейин бошқалар ҳам мўътабар авлиёнинг кўзи олдида савобга қўл уришга шошилишди. Кандир Калта хаш-паш дегунча қуролсизлантирилиб оёқ-қўли чандиб бўлингач, унинг оғзига латта тикиб қўйиш лозимлиги ҳақида Мадумар-арвоҳдан қўшимча буйруқ олинди.

Бир неча дақиқадан сўнг ўз қўшинини юз нафар камончи ҳисобига мустаҳкамлаб олган Аламазон шўру-шар садолар остида Тандирга юриш бошлади.

«Қадамни каттароқ олинглар, пиёдаларим, – кўз қирида уён-буёнга мамнун боқиб, ўзича шивирлади Аламазон. – Муқаддас юриш давом этади. Олдинда – жанг!».

Бу вақтда аллақачон Қоратуйнукдан ўтиб олган Шалпанг Аждаробод маркази томон чопқиллаб борар, у Нодим Улуғни сўнгги янгиликдан тезроқ хабардор қилишга шошилаётганди.

Шаҳар четидаги ялангликда тўпланиб турган жанжалмахаллаликлар Мадумар авлиёнинг арвоҳини биринчи бўлиб кутиб олишди. Аввалига улар асир тушган камончиларни авлиё ота бизга калтаклатиш учун ҳайдаб келаётган бўлса керак деб ўйлаб, жуда севиниб кетишди. Вазият ойдинлашгандан кейин, камончилардан ҳам олдинроққа ўтиб олишиб, таёқларини қиличдек ўйнатганларича шаҳарга қараб юришди. Ўл-ўлакай уларга бошқа маҳаллаларнинг одамлари ҳам қўшила бориб, бақир-чақирлар кучайгандан кучайиб кетди. Тарафдорларнинг тез кўпайиб бораётганидан

рухланган арвоҳ созандалар янада шўхроқ куйни бошлаб юборишди. Эшакларнинг думига боғлаб кўйилган темир-терсаклар эса шаҳарнинг тошлоқ кўчаларида майсазордагига нисбатан ўн баравар кучлироқ данғиллай бошлади.

Дехқонча кийиниб олган Ҳошим Ҳезиддин Хум маҳаллалардан биридаги бўш қолган ҳовлига кириб олиб, кўча дарвозаси ортида биқиниб турар, у тобора яқинлашиб келаётган оломонга кўшилиб кетиш учун қулай фурсат пойламоқда эди. Шу вақт елкасига кимнингдир оғир панжаси тушганини сезиб, сесканганича орқага ўгирилди. Тиржайиб турган Бурбулитни кўриб, тили гулала бўлиб қолди.

– Сарупо муборак бўлсин, – Бурбулит унга бошдан оёқ масхараомуз назар солди. – Қарангки, ниятимиз бир бўлгани учун, иккимиз ҳам битта ҳовлига беркинибмиз.

– Қанақа... Қанақа ният? – ғўлдиради қозикалон.



– Фароғатимизни бузиб, обрўйимизни оёқ ости қилгани учун зоти паст
Мадумардан қасос олишингизни билардим, – босиқлик билан
муғамбирона қиёфада гап қотди

Бурбулит. – Азбаройи сизга бўлган зўр хурматим туфайли жасорат
кўрсатиб, катта шуҳрат қозонишингизга халақит бермайман.

Истасангиз, ҳатто камонимдан фойдаланишингиз мумкин.

– Сиз... нималар деяпсиз, жаноб Бурбулит?

– Демокчиманки, авлиёларни кўлингиздаги таёқ билан уриб ўлдириш
жуда мушкул. Жонни гаровга қўйиб, оломоннинг қуршовига кириб
юрасизми?! Мана, яхшиси камонимни ола қолинг.

– Кўйсангиз-чи, – Ҳошим Ҳезиддин Хум кўзлари косасидан чиққудек
бўлиб, камонни ўзидан нари итарди. – Ахир, бу...

– Менга қара, Хум! – Бурбулит қозикалоннинг ёқасидан тутиб,
ханжарини унинг бўғзига қадади. – Камонни олиб, дарров томга чиқ.
Мадумар етиб келгунча писиб
ёт. У ёнингдан ўтиб бораётганда салтанатимиз номидан ўқ узасан.
Тушундингми, ҳароми?

Ҳошим Ҳезиддин Хум бошини қимирлатса ханжар бўғзига кириб
кетишидан кўрқиб, «ҳа, тушундим», деган маънода кипригини пирпиратди.

– Мана бу бошқа гап, – Бурбулит қозикалоннинг ёқасини қўйиб
юбориб, унинг кўлига камонни тутқазди. – Нишонга олаётганингизда
кўлингиз қалтирамаслиги керак, муҳтарам қози. Сиз отаётган пайтингизда
авлиё ота ҳаракатда бўлади, шу боис мўлжални бир қарич олдироқдан олинг.
Мен анави орқадаги томга чиқиб олиб, гумбаз ортидан сизни дуо қилиб
тураман. Мабодо, ўқингиз хато кетса, унда манави ханжарим сизни қувиб
етади.

Бурбулит Идрик Иброҳим отган ханжар нишонга беҳато санчилишини
Ҳошим Ҳезиддин Хум бошқалардан кўра яхшироқ биларди. У ханжарга
кўрқа-писа кўз қирини ташлади ва Бурбулитнинг ёрдамида индамай томга
кўтарилди.

Томга қапишиб олган қозикалон кўча бошига кириб келаётган
муғуздор арвоҳнинг оппоқ жуссасига даҳшат билан назар солганича миқ
этмай писиб ётар, гоҳи-гоҳида орқадаги томнинг гумбазига хавотирланиб
қараб қўярди. Ёвуз Бурбулутнинг аллақачон жуфтақ ростлаб қолганидан у
тамоман хабарсиз эди.

Оломон яқинлашган сари Ҳошим Ҳезиддин Хумнинг юрагига тушган
ғулғула орта бошлади. Таёқ ушлаган одамлар ва ҳамон сафни бузмай текис
келаётган камончилар у турган том ёнидан ўта бошлаганда қозикалоннинг
юраги бежо уриб, ўзини беҳол хис қилди. Шу топда у дуч келган томонга
қараб қочиш имкониятидан баҳраманд одам дунёдаги энг бахтиёр зот
эканлигини англади.

Бу чоғда Мадумарнинг арвоҳи у турган томнинг ёнига яқинлашиб
қолганди. Ҳошим Ҳезиддин Хум ҳали замон орқасига келиб санчилиши
мумкин бўлган ханжарнинг совуқ тиғини хаёлан тасаввур қилиб, баданлари
увишиб кетди, кўли титраб камонни ўқлади. У муқаддас арвоҳни нишонга

олганича бироз туриб қолди. Ипни қўйиб юборишга юраги бетламас, авлиё отага ўқ теккан заҳотиёқ қозикалоннинг эғнидаги кийимлар ўт олиб, уни бир зумда жизғанак қилиб ташлайдигандек туюлаётганди.

Айни фурсатда ханжарни отишга шайланаётган Бурбулитнинг ёвуз башараси унинг кўз ўнгида намоён бўлди-ю, бош вазирни шахдидан қайтариш мақсадида камоннинг таранг тортилган ипини қўйиб юборди. Ўқ Мадумарнинг калласига бориб санчилганини кўриб, ваҳимадан кўзлари олайиб кетди, нафаси бўғзига тикилганича ўзини томдан ташлади. У шалоплаб қандайдир суюқ аланганинг ичига тушгандек бўлди ва жизиллаб куя бошлаган баданидаги оғриқнинг зўридан телбалардек қичқира кетди. «Авлиёнинг лаънатига учрадим, тириклайин жаҳаннамга тушдим», деган ўй унинг хаёлида тинимсиз такрорланар, жон-жаҳди билан ўзини уёқдан-буёққа уриб, бор овозда дод соларди.

Томдан сакраб, шошилишда ҳовлидаги қайноқбулоқнинг ичига тушган Ҳошим Ҳезиддин Хум бир зумдаёқ қайнатилган гўштдек ғужанак бўлганича қотиб қолди. Энди у на авлиёларнинг қаҳридан, на Бурбулитнинг ханжаридан қўрқар, энди уни ҳеч ким, ҳеч нарса безовта қилолмас эди.

Мадумар мугуздорнинг арвоҳи сифатида оломонни Тандирга етаклаб бораётган Аламазоннинг боши ногаҳоний бир зарбадан қаттиқ силкиниб кетди. У юқорига қўл узатиб, салласига санчилган ўқ-ёйни силтаб суғуриб олди. Саллани ҳаддан зиёд катта қилиб ўрагани учун шу топда у Шалпангдан жуда миннатдор эди.

Ўғри мушукдек ҳар томонга жаланглаб юриш авлиё ота арвоҳининг шаънига тўғри келмасди. Шу туфайли Аламазон ўқ узилган тарафга ўгирилиб қарашдан ўзини тийиб, гердаганича олдинга юришни давом эттирди. Лекин иккинчи ўқ унинг орқа курагига санчилиши эҳтимолдан холи эмасди. Шунини ўйлаб, юраги сал жимирлаб кетди.

«Муҳими – ўқ теккан пайтда қичқириб юбормасам бўлгани, – ўзини чидамлироқ бўлишга ундади Аламазон. – Оғриққа чидашим, ҳеч нарса бўлмагандек олдинга бораверишим керак. Саройга етиб олгунча йиқилмасдан боролсам, қолган ишни пиёдаларим менсиз ҳам бошлашади».

Хайриятки, унга иккинчи марта ўқ узишмади.

Сипоҳиларини сарой олдидаги кенг майдонга тизиб қўйиб, талвасага тушганини сездирмаслик учун қовоғини уйиб олганича аскарлар сафи олдида айланиб юрган лашкарбоши Шаламон Шилдир узоқдан келаётган ҳайқирик ва «дангир-дунгир» садоларни эшитиб, қулоғини динг қилди. Бироздан сўнг уларга таёқ дўлайиб, олд-кетига қарамай ёпирилиб келаётган оломон кўринди. Оломон тўлқини ичра авлиё отанинг ваҳимали оппоқ жуссаси кўзга чалинган маҳали у аввалига пича иккиланиб турди, кейин лашкар сафини чаққонлик билан ёриб ўтиб, номаълум томонга пойга қўйди. Унга доимо содиқлик билан эргашиб келган сипоҳилар бу сафар ҳам кўмондонларини ёлғиз қолдиришмади.

– Улар қочиб кетишяпти, оғайнилар! – куюкиб қичқира кетди Жанжалмаҳалланинг оқсоқоли. – Улар билан муштлашмасдан қайтиб кетадиган аҳмоқ йўқ.

– Ана, қочишди, – севиниб чапак чалди оломон ичида ўралашиб юрган Ҳожимат жинни. – Энди ҳамма қувлаш-қувлаш ўйнайди, ваҳ-ваҳ-ваҳ...

Оломон юзлаб таёқларни ҳавода ўйнатганича, лашкарнинг кетидан қувиб кетди. «Ур, сол!», «Ур-ха, у-ра!» деган бақириқ-чақириқлар бутун мамлакатни ларзага солди.

Шиппак хабар етказган палладаёқ жадал йўлга чиқиб, авлиёнинг пиёдалари билан изма-из шаҳарга кириб келган Палахмон полвон бошлиқ Аждаробод кўшинлари Тандирни ҳеч бир талафотсиз ишғол қилишди.

Ҳожимат жиннининг таклифи

Покпадар эл ирkitлик иснодидан бутунлай халос бўлган қутлуғ кун тонгида Онаюлдуз ҳам одатдагидан ёрқинроқ чакнади. Тандир шаҳрининг қуйи қисмидаги Йилтироқдалада шағалдек ёйилиб ётган дур-жавоҳирларнинг камалакранг жилоси уфқни яна товус патидек тўсиб қўйди.

Олтинсарой саҳнидаги мрамар майдон эрталабданок одамга лик тўлиб кетди. Оломон майдон ўртасидаги шоҳсупа остида чумчукдек ҳурпайиб турган Искірт Биринчи ва унинг арбоб-уламоларига мушт ўқталиб, асабий қиёфада тинмай ҳайқирар, бундан сал олдин ўз жиянлари билан биргаликда шаҳарга етиб келган Нодим Улуғ, кўзи тириклигида яхши кунларни кўришга муяссар бўлган Хумо Хартум Али Абдурахмон ва довюрак саркарда Палахмон полвонлар шоҳсупа устида ниманидир ўзаро муҳокама қилиб ўтиришарди.

Чамаси, бу тантананинг асосий қаҳрамонлари ҳисобланган жасур болақайларнинг кеча тўполонда бирдан ғойиб бўлиб қолганларича хануз бедарак юрганлари, шунингдек, ҳибсга олинган сарой арбоблари орасида бош вазир Бурбулит Идрик Иброҳимнинг йўқлиги уларни жиддий ташвишга солаётганди.

Бу орада шовқин-сурон янада кучайиб, халойиқ арбоб-уламоларнинг каттиқ жазоланишини талаб қила бошлади.

– Уларни тошбўрон қиламиз, тошбўрон! – қичқирди кимдир.

– Ўзлари қурган зиндонда ўзлари сулайиб ётишса яхши бўларди, – шахсий фикрини билдирди яна бошқа биров. – Бир ачиган ювинди ичиб кўришсин-чи!

– Яхшиси, уларни бизга қўйиб беринглар, – маҳалладошлари номидан гапирди Жанжалмаҳалла оқсоқоли. – Ўша бўйни йўғонлар билан яккама-якка солишамиз.

Оқсоқолнинг невараси эса бобосининг пинжида туриб, ўзидан бирикки ёш каттароқ бўлган Искірт Биринчига қараб хўмрайганича чинқирди:

– Биттага битта чиқасанми?

– Ҳей, одамлар, келинлар, уларни қувлаймиз, – дўпписини яримта қилиб, қулоғига хашак қистириб олган Ҳожимат жинни ҳам ўз навбатида таклиф киритди. – Унисини ушлаб бурнига чертамиз, бунисини ушлаб бурнига чертамиз... Мазза, а? Ваҳ-ваҳ-ваҳ...

Одамларнинг фикри ҳар хил бўлиб, Ҳожимат жиннидан тортиб

Жанжалмаҳалла оқсоқолигача – ҳамма энг тўғри таклифни мен киритяпман деб ўйлаётган эди. Нодим Улуғ аста Ҳумо Хартумга ўгирилиб: «Ўзингиз бирон нарса денг энди», дея ундан илтимос қилди. Чол супанинг четроғига бориб, бир қўлини юқори кўтарганича ғала-ғовур босилишини биров кутиб турди, сўнг салмоқли қилиб гап бошлади:

– Сизларни тушуниб турибман, сизга қийин, – одамларга мунгли киёфада термилиб қолди у. – Халққа жуда қийин. Шунинг учун қийинки, у – муштипар она, мамлакат эса унинг йўргагидаги гўдақдир. У ўзи ҳолдан тойиши мумкин, лекин гўдагини барибир бағрида опичлаб юраверади. У ўзи оч қолиши мумкин, лекин гўдагини барибир эмизаверади. У ўзи юпун юриши мумкин, лекин гўдагини барибир ясантираверади. Халқсиз қолган мамлакат онанинг сугидан, меҳридан жудо бўлган гўдақ каби ўлимга маҳкумдир. Халқсиз қолган мамлакатнинг хоқони ҳам, арбоб-уламози ҳам, майда-чуйда амалдори ҳам гўдақ вужудидаги кичик аъзолар сифатида у билан бирга ҳалок бўлади. Зеро, амалдор мамлакатнинг қўл-оёғи, кўзи ва қулоғидир. Ношуд амалдорлар мамлакатнинг кўзини кўр, қулоғини қар, қўл-оёғини шол қилиб қўяди ва бу ногирон гўдакка она қанчалар меҳр қўймасин, уни қанчалар тўйдирмасин, у барибир тирик мурдалигича тураверади. Бу тирик мурданинг вақтинча юраги ураётганидан ҳам чексиз завқлана оладиган она, қанчалар ногирон, нечоғли бенаф бўлмасин, ўз гўдагини ҳеч қачон бўғиб ўлдирмайди, бегуноҳ гўдакни унинг заиф аъзолари ҳалок қилади.

Ҳумо Хартум шохсупа остида бошларини қуйи солганича хануз хурпайиб турган арбоб-уламоларга ғазабнок кўз қадаб, сўзлашда давом этди:

– Мана бу текинхўрлар тамоман бенафлиги билан гўдакнинг заиф аъзоларига айланиб қолишганди. Бу билан улар бутун бир мамлакатни ҳалокат ёқасига келтириб қўйишди. Лекин, бахтимизга гўдақ ҳалок бўлмади. Энди у қайтадан оёқ-қўли бут, кўзи равшан гўдакка айланди, она халқ меҳри унга шифо берди. Оқибатда, гўрсўхта арбоблар гўдакнинг бармоқларидан кесиб ташланган ортиқча тирноққа айланиб қолишди. Мана шунинг ўзи булар учун энг даҳшатли жазодир.

Ҳумо Хартум Ферузни ёнига чорлади ва қўлларини унинг икки елкасига қўйганича яна халққа юзланиб, маърузасига яқун ясади:

– Янги шаҳаншоҳ бир нарсани умрбод ёдида сақлашини истардим. Она қанчалар тўқ, қанчалар бахтиёр бўлса, гўдақ шунчалар кўркам, шунчалар соғлом улғаяди. Гўдаксиз қолган она ғам-ғуссадан адо бўлади, онасиз қолган гўдақ эса қаровсизликдан нобуд бўлади.

Кўзларида ёш томчилари йилтиллаб бошлаган Ҳумо Хартум оломонга тикилганича бир зум туриб қолди.

– Минг қатла шукроналар бўлсинким, гўдақ ва гўдакдек азиз тупроқ она билан она халқнинг мислсиз меҳридан абадий баҳраманддир. Ҳаммамиз учун арзанда бўлган бобомерос мамлакатимизнинг мавжудлиги ва боқийлиги ҳам ана шунда.

– Бу ажойиб сўзларни бир умр эздан чиқармайман, ҳазрат Ҳумо, – қасамёд қилаётгандек чолнинг кўзларига қатъийлик билан термилди Феруз, сўнг халойиққа қараб қичқирди:

– Она халқим, азизларим, мен сизни яхши кўраман!!

Халойиқ тўлқинланиб ҳайқира кетди. Минглаб юраклар риштасини ларзага солган бу ҳаяжонли сонияда майдоннинг бир четидан сурнай ва чирманданинг шўх садоси янгради. Бу таниш оҳангни эшитган кишиларнинг лабига беихтиёр табассум кўниб, аста жимиб қолишди, ҳибсга олинган арбоб-уламоларнинг эса афти буришди.

Дарз кетган муздек икки тарафга ажралиб, уларни қизғин олқишлай бошлаган оломон ўртасидан тўғри шоҳсупа сари йўл олган «Бай-бай-бай» ансамбли ўзининг машҳур кўшиғини сўнгги бор куйлаб келаётганди:

*«Ана Исқирт Биринчи,
Аҳволини кўринг-чи,
Бай-бай-бай!..»*

Шу пайт дурустгина кийиниб олган лавоқюз болакай халойиқ ичидан сирғалиб чиқиб, «Аламазо-о-н!» деб қичқирганича ўзини қувноқ яллагилардан бирининг бағрига отди. Бу узоқ айрилиқдан сўнг қаҳрамон юртдоши билан қайта дийдор кўришишга муяссар бўлган бахтиёр Эшмат эди.

Бурбулитнинг қасоси

Икки вилоят ўртасидаги чегара йўқолиб, Юлдузистон аввалгидек яхлит мамлакатга айланди. Палахмон полвон Аждарободга, Нодим Улуғ эса Тандир вилоятига ҳоким этиб тайинланди. Ҳумо Хартум Али Абдурахмон яна бош вазирлик лавозимини эгаллади. Саройда бош айғоқчи ва хуфия ишлар бошлиғи деган мансаблар бекор қилинди. Сарой учун ясовуллар ажратиб олиниб, қолган лашкар тарқатиб юборилди.

Шаҳзода Феруз тахтга чиққан дастлабкли кундаёқ халқ катор имтиёзлардан баҳраманд бўлди: Исқирт Биринчининг арбоб-уламолари эгаллаб олган ерлар одамларга бўлиб берилди, яйлов ва мевазорлар ҳамманинг мулкига айлантирилди, мамлакатда кўплаб ҳаммомлар қуриш учун улгуржи маблағ ажратилди. Туғилганидан бери ювиниш нималигини билмай улғаяётган гўдакларнинг эркини бўғиб, уларни мажбуран жомга ботиришга тўғри келганини ҳисобга олмаганда, иркит авом баданга тоза кийим кийиб, қичишқоқ азобидан батамом хориж бўлди. Буларни амалга оширишда ёруғ дунё фарзанди берган маслаҳатлар Ферузга жуда қўл келди.

Аламазон сарой аҳли билан биргаликда Палахмон полвонни Аждарободга кузатиб қўйгач, ўзининг сағир пиёдаларини етаклаб, сарой ишратхонасига олиб кирди.

– Мана шу хона энди сизларга, – деди у данғиллама кошонани анқайиб томоша қилаётган болаларга қараб. – Шалпанг сизларга бошлиқ бўлади,

махаллардан яллачиликка ишқибоз болаларни топиб, катта тўгарак тузасизлар. Сарой яллачилари эндиликда шаҳаншоҳга эмас, авомга томоша кўрсатадиган бўлади.

– Шуларнинг ҳаммаси бизгами? – ишонқирамай сўради Шалпанг. – Айтмоқчиманки, олтин деворлар-у, зумрад дарчаларга тегишмайдими?

– Деворларни бузиб, дарчаларни кўчириб кетишадиган бўлса, сен ялангда қоласан-ку, галварс, – Шалпангнинг пешанасига чертиб қўйди Аламазон.

– Тўғри. Дарров эсимга келмаганини қара-я!

Сағир пиёдалар янги қароргоҳларининг жавоҳир шипини кўздан кечиришаётганда Эшмат ўртоғини турткилаб, аста маслаҳат сўради:

– Сен нима дейсан, шуларга қўшилиб ғижжак-пижжак ишқаб тураурайми, а?

– Ғижжакни ўйнаб нима қиласан? – ҳазиллашди Аламазон. – Қулоғимни гаровга қўйиб айтаманки, сендан оғир вазнли ажойиб карнайчи чиқади.

Шу маҳал ташқаридан кимнингдир: «Аҳ, баттол!» – деган товуши ва гурсиллаб ерга йиқилгани эшитилди. Аламазон югурганича зумрад дарчанинг ёнига бориб, ташқарига қаради ва сарой ортидаги майсазорда орқасига ханжар санчилган Хумо Хартумнинг мукка тушиб ётганини, узоқда – майсалар бўлиқ ўсган жойда кимдир энгашволиб қочиб бораётганини кўрди. Аламазон чакқон сакраб, дарчадан ташқарига чиққан дамда юқоридан шахзода Ферузнинг: «Нима гап, хей Аламазон», деган овози янгради.

– Қиличингни буёққа ташла, Феруз, – кичқирди Аламазон, – ҳазрат Хумони пичоқлаб кетишди.

У ёш хоқон ташлаган қилични ҳаводаёқ илиб олиб, «ҳазрат Хумога пойидам бўлинглар», деганича сой тарафга қараб чошиб кетди.

Бу пайтда аллақачон Йилтироқдалага чиқиб олган қотил оёқ остида қалашиб ётган жавоҳирларни ғирчиллатиб, сой ёқалаб қочиб борар, гоҳ марваридлар уюмига дуч келиб, сирғалиб йиқилар, уни қувиб келаётганларини кўриб тургани учун яна тезда оёққа қалқиб, югуришда давом этарди. У олтин харсанглар орасига кириб борган вақтда қадам олиши янаям сустлашди, таъқиб этувчи эса харсанглардан чакқон-чакқон сакраганича, унга тобора яқинлашаётган эди.

Сой тугаб, олдинда Юлдузистон осмонига туташиб кетган лаъл девор пайдо бўлгач, қаёққа қараб қочишни билмай қолган қотил потирлагудек бўлиб ноилож орқага ўтирилди.

– Мана, қотил ким экан! – енгил хансираб кичқирди, изма-из етиб келган Аламазон. – Жонингдан умидинг бўлса, ўзингни ҳимоя қил, Бурбулит!

– Эшакка минг қатла шукурки, ўзинг панжамга тушдинг, – атрофга аланг-жалаң боқиб, қиличини қинидан суғурди Бурбулит.–Қани, берирок кел-чи, ҳароми.

Аламазон қиличини ҳавода бир-икки визиллатиб қўйгач, хотиржамлик билан Бурбулитга яқинлашди. Иккала рақиб бир-бирининг кўзига тикилиб

олган куйи доира ясаб айлана бошлашди.

– Биламан, бу ғалваларнинг ҳаммасига Ҳумо жинни билан сен сабабчисан, – рақибини чўчитиш учун хомаки ҳамла қилиб, тишларини ғижирлатди Бурбулит. – Муғамбир калланг танангдан алоҳида қилиб кўйилса, сен жосус жуда безарар бўлиб қоласан.

У шундай дея, зарб билан қилич селпиди. Аламазон ҳозиржавоблик кўрсатиб ўзини ҳимоя қилган чоғда, икки қилич ўртасидан чарсиллаб учқун сачради. Аламазон биринчи зарбани усталик билан қайтарган бўлса-да, рақибига нисбатан жисмонан кучсиз эди. Унинг суяк-суяклари зинғиллаб кетди ва муваффақият қозониш учун кейинги зарбаларга илож борица чап бериб, аввал рақибни буткул чарчатиб олиш лозимлигини англади. Шундан кейин у олтин харсанглар устидан сакраб-сакраб қоча бошлади, Бурбулит «ана санчдим, мана янчдим» билан уни қадамма-қадам таъқиб қила кетди. Лекин аниқ мўлжал билан селпиган қиличи ҳар сафар рақибининг бирон жойини ялагудек бўлиб ўтар, бундан мувозанатини йўқотган Бурбулит гоҳ ўрнида чирпирак бўлиб айланар, гоҳ муккаси билан ерга йиқиларди. У ўрнидан туриб, қайта ҳамлага отиларкан, бу сафар уни албатта чошиб ташлайман деб ўйларди-ю, яна ноумид қоларди.

Аламазон аста-секин чекина бориб, сой суви варақлаганича лаъл девор остига кириб кетаётган гирдоб ёқасидаги олтин харсанг устида тўхтади. Яна бир қадам орқага юргудек бўлса, томоғи тақиллаб турган гирдобга ем бўлиши мумкинлигини тушунди.

– Охири кўлга тушдинг-ку, ҳароми, – ўпкаси оғзига тиқилаёзган Бурбулит тиржайганича унга яқинлаша бошлади. – Янаям орқага сакраб кўрчи.

У бор кучини жамлаб рақибининг қаншарига қараб қилич тортди. Аламазон бу сафар ҳам совуққонлик билан ҳимояланиб, боши устида визиллаган қилични осонликча четга сирпантириб юборди. Аммо, кутилмаганда, қиррали харсанг устида мувозанатини йўқотиб, бир дақиқа ҳимоясиз қолди. Бу – болакайнинг бутун жанг давомида йўл кўйган бирдан-бир хатоси эди. Мана шу бир лаҳзалик қулай имкониятни кўпдан буён зориқиб кутаётган Бурбулит бор диққатини рақибининг кўкрагига жамлаб, ўлжага ташланаётган йиртқич ҳайвонга хос ўкириб олдинга отилди ва қиличини зарб билан мўлжалга ниқтади. Қилич қовурғаларни мажақлаб ўтиб, «ҳаёт, ҳаёт, ҳаёт», дея тинимсиз зорланиб турган ўша бегона юракка санчилиши керак эди, негадир санчилмади. Ҳимоясиз кўкрак қиличдан тилка бўлишига бир баҳя қолганда, Бурбулитнинг кўз ўнгидан кўққис ғойиб бўлди ва Бурбулит қандай жодугарлик рўй берганини англаб улгурмай, ўзини ёвуз гирдобнинг чангалида кўрди.

Болакайнинг навбатдаги найрангига лаққа тушган Бурбулит бор баста билан олдинга сапчиган онда Аламазон қушдек енгил сакраб, ён томондаги харсанг устига ўтиб олди-да, мақтанчоқ рақибининг сойга қандай калла ташлаётганини бемалол кузатиб турди. Дахшатдан кўзлари олайиб кетган собиқ бош вазир қичқирикқа оғиз жуфтлаган дамда унга аллақачон бўғма илондек чирмашиб олган гирдоб ўлжани зудлик билан домига тортди, кейин

гўё ҳеч нарса кўрмагандек, яна ўз маромида буралиб-буралиб ўйнай бошлади.

«Тапир-тупур» қадам товушларини эшитиб, Аламазон кескин ортга ўтирилди, ёрдамга ошиққанларича ҳарсиллаб чошиб келаётган сарой ясовулларини кўриб, беихтиёр ҳамлага шайланган қиличини аста пастга туширди.

– Қойил, жаноб Аламазон, баракалла! – эндиликда ясовулча кийиниб олган Тиртиқ кечагина эски гина-кудуратларини унутиб, у билан пича чакчақлашиб олган Аламазондан бироз нарида тўхталиб, пишиллаганича ҳайрат изҳор қилди. – Хих, тфу! Биз югуриб келаётиб, барини кўриб турдик. Қойил-е!

– Ҳа, кўриб турдик, – гирдоб тарафга бўйланиб, одатдагидек кўпира кетди Шилпиқ. – Сиз у жунбошни бошингиздан ошириб, сойга улоқтирдингиз. Ҳатто, машҳур қиличбоз Барри Барака ҳам бунақа жанг қилолмаган бўларди.

Учинчи ясовул нафасини ростлаб олиш учун харсанглардан бирига ўтириб, кўйнидан садаф гулли носқовокни чиқарди-да, зўр иштаҳа билан нос каплади. У, Қоратуйнук ёнидаги унутилмас тўқнашувда авлиё ота арвоҳининг амри билан ўз сардори Кандир Калтанинг устига биринчи бўлиб отилган ўша шаддод камончи эди. Аламазон унинг қўлидаги носқовокқа яна қизиқиб қаради ва «бир кўрсам майлими», дея аста қўл узатди. Бу вақтда ниманидир ўйлаб ўтирган ясовул унинг гапларини эшитмай қолди.

– Ҳей, Хабар, – унга қараб ўшқирди Тиртиқ, – жаноб Аламазон носқовоғингни сўраяптилар. Қани, ирғит-чи, хўп-па!

– Хўп-па! – шанғиллади Шилпиқ ҳам.

Аламазон гулдор носқовокни ҳавас билан кўздан кечираркан, олдин ҳам худди шунга ўхшаган қовокни қаерда кўрганини эслашга ҳаракат қилди. Эслади-ю, бирдан юраги ҳаприқиб кетди. Улар ҳали Жандағорга юриш бошламасларидан бир неча кун аввал Қўчқорсойда чўмилиб юрган болалар сувдан худди шунга ўхшаш носқовок ушлаб олишганди.


– Буни қаердан олдингиз? – ясовулдан сўради Аламазон.

– Кандир Калтадан эсдалик бу, – нос ачиштираётган тилини килдиратиб жавоб қилди Хабар. – Очиғини айтсам, қовокни ундан шилиб олганман. У чаласаводга бунақа чиройли нарсалар хайф.

Шунда Кандир Калтанинг битта носқовокни эҳтиётсизлик қилиб сойга тушириб юборгани ҳақида илгари Тиртиққа айтган гаплари ҳам Аламазоннинг ёдига тушди.

«Бундан чиқди, Қўчқорсой мана шу гирдобнинг давоми экан-да», дея, ҳозир шу ердан шўнғиса, зум ўтмай Тоштақа шаршараси остидаги булоқдан чиқадигандек қувониб ўйлади у.

Бу ёруғ дунёга олиб чиқиши мумкин бўлган учинчи йўл эди.



Ёруғ дунё ҳақида қўшиқ

Аламазон савол назари билан тикилиб турган Нодим Улуғга ҳамма иш жойида деган сиёқда бош қимирлатиб қўйиб, Ҳумо Хартум ётган ўриндик ёнига тиззалади. Чол зўриқиб-зўриқиб нафас олар, табиб унинг ярасига гиёҳ сувини томизган чоғда зорланиб ихрар, дам-бадам кўзини очиб, атрофдагиларга маъносиз назар ташларди. Унинг юзларидан тинимсиз куйилиб келаётган терларни малика Рузвон пешма-пеш артиб қўяр ва пешанасига бармоқларини босиб, унинг иситмасини чамалаб кўрарди.

Бу ерга киргандан бери фикр-у ёди чол билан банд бўлган Аламазон мунчоқкўз Хазинанинг анчадан буён миқ этмай унга тикилиб тургани, ҳар бир ҳаракатини диққат ила кузатаётганини сезмади ҳам.

– Жароҳат унчалик хавfli эмас – деди табиб, Ҳумо Хартумнинг ярасини боғлаб бўлиб. – Лекин кўп қон кетган. Қария буни кўтара олармикан?

Сўнг, дори-дармонларини йиғиштириб халтачага соларкан, «унга Муқаддас эшакнинг ўзи шифо берсин», дея илтижо қилди. Бечора табиб ўша олий зотнинг энг яқинларидан бири бўлган Мадумар авлиёнинг арвоҳи ўзидан бор-йўғи бир қадам нарида турганлигидан беҳабар эди.

Аламазон лоҳас одим ташлаб саройдан ташқарига чиқиб бораётган пайтда «Аламазон» деган ипакдай майин ва ёқимли товушни эшитиб, сеҳрлангандек тўхтаб қолди.

– Аламазон, – Хазина кўнғир сочларини селкилатганича диркиллаб келиб, унинг ёнида тўхтади. – Ҳазрат Ҳумони ким чавақлабди? Тутдиларингми уни?

«Қанийди, шу қиз яқин ўртоғим бўлса», деб ўйлади Аламазон, майин товушидан самимийлик, порпироқ кўзларидан меҳрибонлик акс этиб турган хуштабиат қизга тикилиб. Хазина ўзининг нозик жуссаси, гулдай юзи, бежирим хулқ-атвори билан Аламазоннинг ёруғ дунёдаги синфдоши Азизага жудаям ўхшаб кетар, фақат маликаларга хос башанг кийимлари-ю, ярқироқ тақинчоқлари ила фарқланиб турарди.

– Қотилни ушлолмадик, – юришда давом этиб, нохуш жавоб қилди Аламазон, – нариги дунёга қочиб қолди.

Улар саройдан чиқишиб, мрамар ҳайкаллар қаторлашиб турган майсазор томон юра бошладилар.

– Нега хафасиз, Аламазон? – боядан бери ниманидир ўйлаб, жим одимлаб келаётган Аламазонга синчковлик билан кўз қадади Хазина. – Соғиняпсизми... ёруғ дунёни?

– Ҳа!

Хазина ёруғ дунё ҳақида унга турли-туман саволлар беришга тутинди. Унинг саволлари шунақаям содда, шунақаям жўн эдики, Ҳумо Хартумнинг аҳволи оғирлигидан кўнгли ғашланиб турган Аламазоннинг беихтиёр кулгиси қистаб кетди. Айниқса, Хазина: «Ёруғ дунёга чиқсак, акам ўша ёқда ҳам шаҳаншоҳ бўладими», деганида, қаҳ-қаҳ отиб юборишдан ўзини зўрға

тийиб қолди.

– Феруз жуда эсли бола, – сир бой бермай жавоб қилди Аламазон. – Балки кейинчалик министр бўпкетар. Лекин дастлабки пайтларда маҳаллага оқсоқоллик ҳам қилолмайди.

Шунда Хазина министрнинг кимлигини сўради. Аламазон министр, яъни вазирнинг катта одам эканлигини, телефонда узоқ-узоқларга буйрук бериши мумкинлигини тушунтирди. Буни эшитиб, Хазинани телефон кизиқтириб қолди. Охири унинг фикри айқаш-чуйқаш бўлиб кетиб, ёруғ дунёда ғаройиб тилсимотнинг кўплигидан ташвишлана бошлади.

– Ёруғ дунёга чиқсак, росаям бошимиз қотиб қолмасмикан, Аламазон?

– Зарари йўқ, ўқитамиз, ўргатамиз.

– Керакмас, – зарда билан қўл силтади Хазина. – Кейин сиз анқовларни биз донолар одам қилдик деб мақтанишга тушасизлар.

– Қўйсанг-чи, Хазина, – ранжиб, юришдан тўхтаб қолди Аламазон. – Наҳотки сен бизларни шунақа паскаш одамлар деб ўйласанг?

Шу вақт сарой тарафдан Шиппакнинг дўриллаган овози эшитилди:

– Хў-хўй, Аламазон!

– Нима? – гапнинг белига тепдинг-ку, дегандек жаҳл билан жавоб қилди Аламазон.

– Ке, бизнинг ишимизни ҳал қилиб бер.

Аламазон: «Сен ҳазрат Хумога бирпас қараб тур, мен кейинроқ кираман», дея Хазинани кузатиб қўйиб, сағир пиёдаларининг ёнига йўналди.

– «Бай-бай-бай» энди эскириб қолганмиш, – Аламазон ҳали етиб келмай туриб жаврашни бошлаб юборди Шалпанг. – Айтмоқчиманки, булар ансамбулнинг номини ўзгартириш керак дейишяпти.

– Янги ном топдиларингми? – сўради Аламазон.

Шалпанг «йўқ» дегандек бош қимирлатганини кўриб, Масаланнинг жаҳли чиқиб кетди.

– Сен топмасанг, мана, мен топганман, – қичқирди у гердайиб. Кейин Аламазонга юзланди: – Масалан, шундай деб атасак-чи: «Авлиё отанинг арвоҳига эргашиб, мамлакатни кирликдан қутқариб қолган шоввоз ансамбул».

– Ие-ие, – сиполик билан илжайиб қўйди Эшмат, – чаласавод одам мунақа номни бир йил ўқийди-ку.

– Унда, қисқароғини ўзинг топ, – Аламазон совға қилган тугмачирокни қўйнида пайпаслаб туриб гапирди Масалан. – Менга деса «Шарақапачак» деб атагин.

Кейин у Эшматнинг кўзларига масхараомуз тикилиб, қувлик билан пичинг қотди:

– Ёки, масалан, «Шилдирвоқи» десакмикан?

– Ўтган сафар хат бераётганингдаям жиғимга тегувдинг, – кичкинтойни қорни билан туртиб, жириллай кетди Эшмат. – Сенга айтиб қўяйин, яна аччиғимни чиқарадигон бўлсанг, сулайтириб қўяман.

– Топдим, топдим! – бошланиб келаётган жанжалга барҳам беришга интилиб, шоша-пиша гапирди Аламазон. – Ансамблимизга «Ёруғ дунё» деб

ном кўямиз.

– Тушунмадим, – кулоғини динг қилди Шалпанг. Сўнг Шиппак билан Масаланнинг ҳам кўзи гилдираб қолганини кўриб, энди кўпчилик номидан такрорлади:

– Тушунмадик! Айтмоқчиманки, нима у... ёруғ дунё?

Аламазон Эшматга зимдан кўз ташлади. Устида куёш чарақлаб турувчи бепоён оламнинг номини Шалпанг ҳеч бир ҳис-ҳаяжонсиз тилга олаётгани Эшматга оғир ботган бўлса керак, яна афти буришди.

Аламазон содиқ пиёдаларига бор ҳақиқатни айтиш лозимлигини, айтмаса кейинчалик улар ўз қўмондонларидан қаттиқ ранжишлари мумкинлигини ҳис қилди. Лекин, ҳозир лақиллаб ўтиришнинг вақти эмаслигини сезиб, ишни бироз кечроққа суришни маъқул топди. У Ҳумо Хартумнинг аҳволидан хабар олиши керак эди.

– Ёруғ дунёми? – ҳақиқатга яқинроқ жавоб топиш учун хиёл ўйланиб қолди Аламазон. – Ёруғ дунё, бу – Онаюлдуз! Мен унга атаб битта шеър ёзиб бераман.

У пиёдаларини эндигина ичкарига бошламоқчи бўлиб турганда, «Ҳей!» деган мулойим товушни эшитиб, аста орқага ўгирилди. Юлдузистоннинг энг кувноқ бандаси бўлган Ҳожимат жинни улардан пича нарида бармоғини тишлаганича тиржайиб турарди.

– Юринглар, қувлаш ўйнаймиз, – болаларни қизиқтириш учун турган жойида бир шаталоқ отиб қўйди у. – Кимни ушласак, бурнига чертамиз. Ваҳ-ваҳ-ваҳ...

Болалар кулганларича ичкарига қараб юришди.

Соғинчдан илҳоми жўшиб кетганиданми, Аламазон ёруғ дунё ҳақидаги шеърни жуда тез ёзиб тугатди. Уни болаларга ёдлатишни Эшматнинг зиммасига юклаб, ўзи Ҳумо Хартумдан хабар олгани жўнади.

Ҳумо Хартум ҳануз беҳуш ётарди. Шундай бўлса ҳам, унинг боягидан анча текис нафас олаётганини кўриб, Аламазоннинг кўнгли сал таскин топди. Бу орада хонага сарой табиби кириб келиб, беморнинг жароҳатига яна малҳам қўя бошлади. У ҳам чолнинг аҳволи яхшиланаётганини мамнун таъкидлаб ўтди.

Табиб чиқиб кетгач, Аламазон олтин дарча пардаларини кенг очиб қўйиб, Йилтироқдаланинг камалакранг уфқига сингиб кетаётган суронли сойнинг шовуллашига қулоқ солганича узоқ-узоқларга термилиб туриб қолди.

– Нималарни томоша қилипсиз, Аламазон? – унга яқин келиб, ўша ёқимли товушда сўради Ҳазина.

– Ҳў, сой тугаган томонга қарагин-а, Ҳазина, – қўли билан ўша ёқни кўрсатди Аламазон. – Лаъл деворни кўряпсанми?

– Ҳа, кўряпман, – аввалда ҳам минг марта кўрган ўша йилтироқ қояларга бу сафар негадир диққат билан тикилди Ҳазина.

– Қизиқ, а?

– Вой, унинг нимаси қизиқ?

– Шуниси қизиқки, ўша деворнинг орқасида лаъл билан

жавохирлардан ҳам чиройлироқ Ёруғ дунё бор. Лекин ярқироқ тошлар уни кўзимиздан тўсиб турибди. – Ҳумо Хартум бир пайтлар Мажиддин Равшанийнинг «Ғурбатнома» китобидан ўқиб берган жумлани такрорлади у.

Хазина бироз жимиб қолди. Кейин уларнинг бу мамлакатга нима сабабдан келганликларини сўради. Аламазон ғорлар ичида бекиниб ётган хазинани топмоқчи бўлганликларини айтди. Хазина дейилганда Юлдузистонда фақат одамнинг исми тушуниларди. Шу туфайли: «Ким у... Хазина?» – деб савол берди қиз ва бирдан қизариб кетди. Аламазон ўз ёнида турган қизнинг исми ҳам Хазина эканлигини шундагина эслаб, аста жилмайганича, «у – сенсан», деди.

– Мени алдаяпсиз, Аламазон, – қувониб кетгандек кўринган бўлса-да, Аламазоннинг лофчилигини авайлаб юзига солди Хазина. – Сиз мени илгари кўрмагансиз-ку!

– Кўрмаганман, тўғри, – том маънода рост, кўчма маънода ёлғон гапира бошлади Аламазон. – Лекин Хазина шу тарафда бўлса керак деб тахмин қилганман. Ишонмасанг, Эшматдан буёққа нима учун келганимизни сўраб кўр. Агар у: «Хазинани қидириб келганмиз», демаса, кулоқларимдан кечганим бўлсин.

– Ёруғ дунё ҳаққига қасам ичинг-чи.

– Ёруғ дунё ҳаққига қасам ичиб айтаманки, мен буёққа хазинани топиш учун келганман.

Хазинанинг кўзлари ҳаяжонли порпираб кетган паллада пастдан ёкимли мусиқа садоси янграб, унинг аллаловчи оҳанги бутун сарой хоналари бўйлаб тарала бошлади. Аламазоннинг шоввоз пиёдалари унинг ёруғ дунё ҳақидаги шеърини басталаб бўлишиб, энди уни юрак-юракдан баралла куйлаётган эдилар:

*Олисдаги чақинсан,
Ҳей, Ёруғ дунё!
Кўнглимизга яқинсан,
Ҳей, Ёруғ дунё!*

*Ғорларга нур тутиб тур,
Ҳей, Ёруғ дунё!
Бизни бироз кутиб тур,
Ҳей, Ёруғ дунё!..*

Ноёб дори ёки хотима

Қиссанинг дастлабки бобларидан бирида Аламазон билан Эшмат профессор Оғабек Туркониининг сеҳрли дорисини ичганларича Зимистонсаройда ухлаб қолишганди. Яна ўша жойга қайтишга тўғри келади.

Ширин табассум билан аста кўзини очган Аламазон ўзини

Зимистонсаройнинг ичида кўриб, сесканиб кетди.

«Бу ерга қандай келиб қолдик, – бирдан юраги хижил тортиб, атрофга аланглаб ўйлади у. – Бошқалар қани?»

Дунёни сув босса менга нима, дегандек бемалол пишиллаб ухлаётган Эшматнинг тинимсиз оғиз чапиллатаётгани унинг баттар жаҳлини чиқарди. Эшмат лунжини шишириб ямланганича, «энди кавобни опкелавур», деб хирқираган пайтда, у ортиқ чидаб туrolмади. «Мабодо, шапалоқ есалар қалай бўларкин», дея ғижиниб ўйлади Аламазон ва Эшматнинг бўғзидан ушлаб, қаттиқ силтай бошлади.

– Қани, тур ўрнингдан, тур деяпман сенга! Ўлиб қолганмисан? Кўзингни оч, ҳей! Кўзингни очсанг-чи, ишма!!!

Кўзини ғира-шира очган Эшмат бирдан алахсираб валдирашга тушди:

– А? Нима? Қўйвор! Нимага бузясан, ярамас? Бузма ошхонани!

– Ҳалиям овқатнинг дардида юрибсанми, ишкамба? – уни силташда давом этди Аламазон, – Феруз билан Хазина қани? Ҳумо Хартум-чи?

– Нималар деяпсан ўзинг? – кўзлари олайиб ўшқирди энди анча ўзига келиб қолган Эшмат. – Қандақа хартум?

– Мана бунақа хартум деб гарданингга қараб тортайми ҳозир? – куюкиб кетди Аламазон. – Нима, танимай қолдингми уни? Сен билан қўшиқ айтаётган сағирларим

қани? Ҳали уларни ҳам билмайман дерсан?

– Қилар ишни қип қўйиб, гапни бошқа яққа бурма. Олдин менга айт-чи, нимаичун ошхонамни бузиб ташладинг?

Улар бир-бирига бақира-чақира, туйнукдан соғ-омон ўтиб олишиб, бу ерга дастлаб киришаётганда ярим йўлда ташлаб кетган осмақопчиқларини унутиб қолдирганларича Жандағордан чиқиб келишаётганда ҳам бир-бирини бўралашдан тийилишмади.

Дом-дараксиз кетган икки дайдини қидириб, туни билан мижжа қоқмай чиққан қишлоқ аҳлининг бир қисми бу маҳалда тоғда изиллаб юришганди, болаларнинг товушини эшитиб, ҳаллослаган куйи улар томонга югуришди. Болалар эса уларга парво ҳам қилмай, жанжаллашганча қишлоқ тарафга боришарди. Яйлов этагида ивирсиб юрган одамлар ҳам узокдан уларнинг қорасини кўришгач, ғала-ғовур билан юқорига қараб чопишди. Иккала саёк бир зумда оломоннинг қуршовида қолди.

Фигони фалакка чиққан ота-оналар бесаранжом бўлган бутун қишлоқ аҳли номидан бу икки бевошнинг бошлаб таъзирини бериб қўйишга тиришаётганда ҳам Аламазон билан Эшмат ўртасидаги даҳанаки жанг қизгин давом этаётганди.

– Менга тегмай туринг, – аллақачон камарини шимдан суғуриб олган дадасининг қўлидан силтаниб чиқиб, Эшматга бўйин чўзди Аламазон. – Бу ишкамба, ҳатто, ҳазрат Ҳумони танимай қолганмиш.

– Мунақа тухмат қиладиғонни биринчи кўришим, – иккала муштини кўксига тираб қичқирди Эшмат. – Каттакон ошхонамни бузвориб, энди гапни айлантиряпти.

– Сотқин! – унинг сурбетлигига тоқат қилолмай, жон-жаҳди билан

ўшқирди Аламазон. – Искірт Биринчининг ювиндихўри!

Профессор Оғабек Турконий буларга тегманглар, ҳаммаси ўтиб кетади, дегандек одамларга маъноли қараб қўйиб, ўзи жиянининг елкасидан ушлаганича босиклик билан сўради:

– Хўш, жиян, қаёқларда сайр қилдинг? Нималарни кўрдинг?

Аламазон дунёда ҳақиқатни суриштирадиган одам ҳам бор экан-ку, дегандек тоғасига ювошланиб кўз қадади ва жиддий қиёфада, аламзадалиқ билан деди:

– Мен Юлдузистонда бўлдим, тоға. У ердаги одамлар куёш нималигини билмай яшашяпти. Улар тўқ, ҳаммаёқда дур-жавоҳирлар сочилиб ётибди, лекин у ерда куёш йўқ. Дўстларимга сизларни Ёруғ дунёга олиб чиқаман, деб ваъда берган эдим. Улар қоронғи ғорда қолиб кетишди. Мен ёлғончи бўлиб қолдим. Уларга яхшилик қилолмадим, тоға.

Аламазон гапни тугатиб, тоғасидан ва одамлардан секин-аста узоқлаша бошлади. У бошини тик тутганича қишлоқ кўчаларини кесиб ўтиб, тўғри сой томонга қараб юрди. Соҳил яқинида қўй боқаётган Усмон подачининг ёнида тўхталиб, «мабодо, сойдан биронта ўлик оқиб ўтмадими», деб сўради.

– Йўғ-е, йўғ-е, – шайтонлагудек бўлиб жавоб берди Усмон подачи. – Лекин, худо ёлғончи қилмасин, ҳаром ўлган қўйнинг оқиб ўтганини кўрувдим.

– Алдаётган бўлсам, қулоғим гаровда турибди, – подачининг кўзларига совуқ нигоҳ ташлади Аламазон. – Сиз Бурбулитнинг ўлигини кўргансиз. Ўлгандан кейин ҳамма одам ҳам қўйга ўхшаб кўринади, деганди Аҳмад гўрков.

Тутуриқсиз бошланиб, мужмал тугаган бу совуқ гаплардан Усмон подачининг эти жунжикиб, шаршара тарафга қараб йўл олган Аламазоннинг ортидан хўшшайганнамо кузатиб қолди.

Аламазон шаршара остига етиб боргач, тиззасигача сувга тушиб, юлдузистонликларнинг ҳайқириғидек бетиним шарқираётган улкан булоққа термилганича узоқ сукут сақлаб турди. Кейин муқаддас жойга сиғинаётган каби аста шивирлай бошлади:

– Мен сизни оғир пайтда ташлаб кетдим, мени кечиринг, ҳазрат Ҳумо! Феруз, Хазина, менинг кадрдонларим, сизларнинг олдингизда ёлғончи бўлиб қолдим, мени кечиринглар. Хушчақчақ сағир пиёдаларим, сизларга Ёруғ дунё ҳақида гапириб беришга улгуролмадим, кечиринглар мени.

Сўнг янғроқ товушда қичқира кетди:

– Азизларим, менга ишонинг, мен барибир сизларни ёлғиз қолдирмайман. Сизларни, сиз билан бирга Юлдузистондаги ҳамма одамларни қоронғи ғордан етаклаб чиқаман. Ҳаммангиз куёшни кўрасиз, куёшни! Хе-хе, хе-е-ей, эшитяпсизларми, мен Ёруғ дунё номидан гапиряпман!

Унинг ложувард булоққа армон билан тикилиб турган чакноқ кўзларидан бола қалбидек топ-тоза ёш томчилари қуйилиб кела бошлади. Бу кўзёшлар асов Кўчқорсой сувларига тонг шабнамидек ярқираб-ярқираб томчилар ва далли тўлқинларга қўшилиб ғалаён кўтарарди.

Аламазоннинг тайини йўқ дур-жавохирлар ҳақида алжираганича сой томонга қараб жўнаб қолгани, Эшматнинг қандайдир бузиб ташланган ошхона тўғрисида тўхтовсиз валдираётгани ҳаммани лол қилиб қўйганди.

– Вой, худо-ей! – бошини чангаллаб, йиғлашга тутинди Эшматнинг онаси. – Доногина болам галдир бўлиб қолса, нима қиламан?

– Ваҳима кўтармасангиз-чи, ахир! – бироз асабийлашиб илтимос қилди Оғабек Турканий. – Айтаяпман-ку, улар дори ичишган, ҳадемай ўзларига келиб қолишади.

Профессор Турканийнинг археолог дўсти Афросиёбда қазилма ишлари олиб бораётган чоғда намхуш тупроқ ичида безавол ярқираб турган кумуш қутича топиб олган эди. Гугурт қутисидан сал каттароқ бўлган бу мўжаз безакнинг қопқоғига ўйиб ёзилган ҳарфлар унинг эътиборини жалб этиб, лупа ёрдамида ҳижжалаб ўқий бошлади: «Ичгилу, мақс... гил». Қутича қопқоғининг бир четига ўша қадим вақтларда қандайдир нарсанинг зарби теккан бўлиб, ўйиб битилган ҳарфларнинг бир қисми чаплашиб кетганди. Шунга қарамай, кейинчалик у қопқоқ устига ёзилган сўзларни тўлиқ тиклаб олишга муваффақ бўлди ва бу сирли сўзлар даъвати билан қутичадаги тўрт дона доридан биттасини ўзи ичиб кўрди.

Ичиб кўрди-ю, ғаройиб сарик тугмачалар жодусидан хайратга тушиб, уни ўзининг энг яқин дўсти бўлмиш профессор Оғабек Турканийга кўрсатишга аҳд қилди. Агар кекса археологнинг гапи рост бўлса, бу сарик тугмачалар яқин келажакда бутун медицина оламини ларзага солиши мумкинлигини тушунган профессор Турканий табобатнинг номаълум алломаси бундан бир неча аср илгари кашф этган ноёб дорининг хусусиятини катта қизиқиш билан ўргана бошлади. У дорининг турли касбдаги одамларга қандай таъсир қилиши мумкинлигини текшириш, қолаверса, унинг сеҳрига қатъий ишонч ҳосил қилиш учун тугмачалардан бирини истеъдодли ёш архитекторга ичириб кўрди. Архитектор ўн беш соатдан кўпроқ миқ этмай ухлади. Уйқудан уйғонибоқ, ҳали сархушлиги тарқамай туриб, кейинчалик меъморчиликнинг мислсиз ютуғи деб тан олинган улкан ва шинам замонавий бинолар суратини чизишга киришди.

Маълум бўлишича, дорини ичиб уйқуга кетган архитектор минглаб ғаройиб бинолар қад кўтариб турган номаълум шаҳарда гўё бир неча ҳафта сайр қилганмиш. Ўша бинолардан бир нечтасининг мукамал тузилиши унинг хотирасида мустаҳкам сақланиб қолганлиги ажабланарли ҳол эди.

– Бу ер ютгурлар шундай қимматбаҳо дорини индамай ичиб қўйишганига қуяйми, – тақдирга тан бериб уйга қайтиб келишгач, дорининг ножўя исроф бўлганига ачина кетди Аламазоннинг ойиси.

Аламазоннинг акаси эса бошини чайқаб туриб: «Уни дори эмас, китоблар хароб қилди», дея китобтахмон тарафга зимдан назар солди.

Тўқсонни уриб қўйган кампир ҳам одатдаги хуружини бошлади:

– Болани эркалатсанг, мана шунақа бўлади. У маҳмадананинг аллақачон тизгинини тортиб қўйиш керак эди.

– Бизнинг Аламазон ғорда қандайдир одамлар бор дегандек бўлдими? – қайтадан шимга ўтказиб олган камарини бир пайпаслаб қўйиб,

профессордан сўради Аламазоннинг дадаси. – Яна, тилла-марваридлар сочилиб ётибди дейдими-ей. Ё унияма гапида жон бормикан, а?

– Одамлар хусусида бир нима дейиш қийин, – бироз ўйланиб жавоб килди профессор. – Лекин олтинлар масаласига келсак... Геологлар Жандағор атрофини яхшилаб текшириб кўришса чакки бўлмасди.

– Бундан чиқдики...

– Ҳа, рост бўлиши мумкин, – поччасининг сўзини бўлди Оғабек Турконий. – Масалан, археолог дўстим ўша доридан биттасини ичиб олгач, тушида навқирон Афросиёбга бориб қолибди, ҳатто, қўққис бостириб келган душманларга қарши жангда ҳам иштирок этибди. Бир пайт у заррин чопонга бурканган кексароқ одамнинг сарой девори остига қандайдир сандиқча кўмаётганини кўриб қолибди. Дўстим уйқудан уйғонгандан кейин археолог шерикларига тушида кўрган ўша жойни кавлашни буюрибди. Харобага айланган сарой девори остидан зеб-зийнатга лик тўла сандиқча топилганда, ҳайратдан беҳуш йиқилаёзди.

Яна пича суҳбатлашиб ўтиришгач, профессор Турконий ҳайдовчига машинани йўлга ҳозирлашни буюрди.


– Ҳиндистонга отланиб турган эдим, – деб қўйди у костюмини кияётиб. – Мен ўша дорини нишопурлик дўстим доктор Радҳа Кришанга кўрсатиб, фикрини билмоқчи эдим.

– Бу бевош бола биздан кўра кўпроқ сизни куйдирди, – ноёб дориларнинг исроф бўлганига ачинишда давом этди Аламазоннинг ойиси. – Энди бунақа дорини топиб бўлмайди денг?

– Йўқ, – аста бош тебратди профессор. – Биз унинг таркибини аниқлаб улгуролмадик.

Профессор Оғабек Турконий шляпасини бошга кўндириб, эшик сари йўналаркан: «Бу мендан Аламазонга эсдалик», дея кумуш қутичани тоқчага қўйиб қўйди. Бўм-бўш бу қутича эндиликда ўзининг ноёблигини йўқотиб, оддий бир безак шаклига кирган, унинг қопқоғига ўйиб ёзилган жимжимадор сўзларнинг ҳам ҳеч қандай сеҳри қолмаганди. Қопқоқ устига «Ичгилу, мақсадга етгил» деган сўзлар битилган эди.

*1976–1978-йиллар,
Олтиариқ*





Шаҳар бедарвоза эмас.
Ўзбек мақоли.

Таваккал ҳужум ёки муқаддима

Жумлаи жаҳонни зир титратган соҳибқиронлар-у, соҳибқиронликка даъвогарлигича армонда кетган ҳад-ҳисобсиз ҳашаки забткорлар ўзларининг дағдағали юришларини буғдой ўримидан кечиктирмай бошлашни мақбул деб билганлар. Шахсий мулоҳазасига кўра нафақат маҳалласида, балки қўшни қишлоқларгача донг таратиб улгурган ва энди вақтни вилоятда танилмоққа исрофлаб ўтирмай, шеърпарастлар қалбини бир йўла тарихий Мовароуннаҳр миқёсида ишғол этишга бел боғлаган Аламазоннинг нисбатан беғалва сафари эса 1976 йилнинг кеч кузига тўғри келди. Бухоро амири Насрулло ҳам бир пайтлар Қўқонни туруп пишиғида қамал қилганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу – юқорида айтиб ўтилган кўҳна анъананинг сўнгги бир ярим аср мобайнида иккинчи марта бузилиши эди.

– Ҳечқиси йўқ! – ўзига ўзи тасалли берди Аламазон. – Менда на совуқдан қирилдиган лашкар бор, на лойга ботадиган замбараклар. Ҳатто, охириги пиёданиям қишлоққа ташлаб кетяпман.

Унинг инжиқ ва содиқ пиёдаси Эшмат ишма шу топда уч ғилдиракли «Муравей» мотоциклини ўттегирмон янглиғ ғалдиратиб текис ҳайдаб борар, дамо-дам ортга ўгирилиб, кузовда бирдай ғўдайиб келаётган «қўмондон»ига маъносиз илжайиб қўярди. Бу манзарани узокроқдан кузатган киши, ўта эҳтиёткор ҳайдовчи мотоцикл кузовида, одамдан кўра, биронта тарих музейи учун Алимқул шернинг ҳайкалини олиб кетяпти, деб ўйлаши ҳақиқатга яқинроқ эди.

Мотоцикл вокзал майдонини яримдоира шаклида кезиб чиқиб, четроқдаги бақатерак остида тўхталган чоғда, тутунпуркагич таратган пақиллоқ товушдан шохлардаги охириги япроқлар дув тўкилиб тушди.

Бир қисмидаги ҳарфлар ўчиб, «...таянч пункти» деган сўзларгина қолган синиқ жойбилдирик ёнидаги очиқ эшикка эндигина тумшук суқаётган саёк кўппак бир потирлаб олгач, темир ахлатдонни даранглатиб ағдарганича ура қочди.

– Колхоздан янгироқ аравача ундирсанг-чи, – Аламазон виқор билан ерга тушиб, ялтироқ тугмали куртқасига қўнган намхуш гардларни рўмолчасида қоқа бошлади. – Тўртта боғчага омборчисан, ахир.

Чийиллаб зорланишни ёқтирадиган Эшматга баҳона топилди.

– Матасекилни гапирасан-а. Бошимда раисникидан кўпроқ ғалва борлигини билиб туриб, моянамни кўпайтиришмайди-ю.

– Хуноб бўлма, тўлпоқ пиёдам, – одатдагидек болохонада туриб гапирди Аламазон. – Катта газетага ўрнашволай, раисингга бир оғиз шипшитсам, ишинг юришиб кетади.

«Қўмондон»и, ҳатто, мотори ажриқ билан ишлайдиган эшакнамо автобус ихтиро қиламан деса ҳам, бунга миқ этмай ишониш «содиқ пиёда» учун қисмат эди. Эшмат зарра иккиланиб ўтирмай, мунғайиб бош қимирлатди.

- Биттаю битта таянадиғоним сенсан. Биласан-а ўзинг?

– Агар билмасам, ўшанда сени Юлдузистонга ташлаб кетвормасмидим. Ҳе, галварс!

– Яна эски эртагингни гапиряпсанми? – хўмрайиб пишқирди Эшмат. – Калака қилавурмагин мени.

Аламазон лабига сигарет қистириб, мисчақмоқда тугатгач, салмоқли одимлаб, вокзал биноси сари юрди. Эшмат кузовдаги каттакон қора жомадонни олиб, зудлик билан унга эргашди. Фанер жомадон зил-замбил эди – нима бало, машқ қиладиган тошлариниям хуржунга урганми бу хумпар?

Вокзал биносининг пиллапоясига етганларида Эшмат юкни гурс этказиб ерга ташлади, улкан ойнали деразалардан бирига оғзи очилгудек бўлиб тикилди.

– Ие-ие!..

Аламазон аввал жўрасига, сўнг унинг нигоҳи қадалган томонга қаради. Дераза кесақисига суяниб олган Азиза кўк муқовали китобчага термилганича ишқий мактуб ўқиётган Лайлидек паришонланиб турарди.

Яна ўша китоб! «Ёшлик девони». Дунёда бошқа китоблар ҳам борлигидан хабардормикин бу қиз?

Эндигина қош қорая бошлаганига қарамай, бино ичидаги чироқлар ёппасига ёқиб ташланган, билет дардида ғимирлаб юрган йўловчилар-у, диққинафас бурун жийириб турган кутувчи ва кузатувчилар ташқаридан рангли кинодаги каби равшан кўзга чалинарди. «Экран» ичкарироғидаги жинс ва башаралар тез-тез алмашинар, фақат дераза супасида ташқарига орқа қилиб ўтирган болакай билан мутолаадаги Азизагина ҳануз миқ этишмасди.

– Оббо-о...

Аламазон шу топда ўзини муҳаррирнинг захчил хонасида, хулқи муҳокама этилаётган мажлисда ўтиргандек ҳис қилди-ю, қовоғини уйиб, пайсаллаганича туриб қолди. Эшмат сал хушёр тортди, кўзлари

синовчанликдан чакчайиб, лунжи баттар шишди.

– Ҳа, вей, нима бўлди?

Аламазон индамади. Устма-уст тамаки тортиб, бор дардини тутунга аралаштириб ҳайдамоқчидек, жаҳд билан пуфлади. Эшмат эса Отабекнинг йўқ гуноҳини фош этишга шайланган Мусулмонкул киёфасига кириб, ундан жавоб кутаётганди.

– Калланг зўр-да, Эшмат, – деди Аламазон захарханда қилиб. – Бизга ўхшаган пандавакилар севги-певги деб ўтказадиган вақтни сен бола кўришга сарфлаб қўя қолдинг.

Эшмат ниманидир ғира-шира англагандек бўлиб сесканиб кетди, феъли Бекобод шамоли сингари тез ўзгарадиган «қўмондон»нинг кўзига энди жовдираб боқди.

– Вей, менга қара. Азиза минан... муомаланг айниган бўлмасин тағин?

– Дунёнинг ишлари чалкаш, – Аламазон шу гапни айтди-ю, бирдан осойишта тусга кирди. – Мен шоирман, у – машинистка. Мен ихтиро қиламан, у нусха кўчиради. Кўряпсанми, биз бошқа-бошқа сайёралармиз. Сайёралар тўқнашиши мумкиндир, аммо бирлашмайди.

– Бирлашасан! – гўдакчасига зарда қилди Эшмат. – Мабодо, жиндек аразлашиб қолган бўлсанг, нима, ҳаммаси тамомми энди?

– Тамоминг нимаси? – гезариб боқди Аламазон. – Илгари... бирон нарса бошланганмиди ўзи?

Эшмат сўррайиб қолди. Пешанасидан чиққан совуқ терни енгида артиб, шалвираганича юзини секин четга ўгирди.

– Хафа бўлмагин-у, сенда инсоф йўқ, Аламазон, – деди у йиғламсирагудек бўлиб. – Азиза сенга илакишиб, бош буғолтиримизнинг ўғлигаям тегмади. Тегса, масковуч мошинда катайса қиб юрган бўларди. Сени деб пиёда қолса-ю, шуми оқибат?

Оқибат? Ҳа, дарвоқе, оқибат! Ҳамма гап шунда-да!

Раҳбарлар билан ора-сира ўчакишиб келгани тўғри. Ходимлар билан эса оға-инидек эди чамаси – уларга бирон марта хусумат билан қараганмиди? Йўқ! Бирон марта ёрдамини аяганмиди? Йўқ! Улар бўлса, на сафсатачи ўринбосарга қарши бир оғиз сўз айтишди, на муҳаррирнинг юзаки бетарафлигини пайқай олишди. Гўё ҳозир кимдир устиларидан совуқ сув кўйиб юборадигандек, қунишганларича жим ўтираверишди.

Азиза-чи? Ахир у Аламазоннинг редакцияга қанчалар хизмати синганини бошқалардан кам билмасди-ку. Наҳотки, уям Аламазоннинг нафратидан кўра, муҳаррирнинг қаҳридан кўпроқ кўркса? Наҳотки, ўртамиёна бир лавозимдан айрилиб қолиш Аламазонни «дўл»га якка ташлаб қочишдан даҳшатлироқ туюлса унга? Лоақал, мажлисдан кейин таскин беришга ярамади. Ваҳоланки, ўша пайт Аламазонда на бугун қўлдан кетган курсичанинг захми, на эртанги саргардонликнинг ташвиши бор эди, у фақатгина кимнингдир, «барибир сен ҳақсан», дейишини, биргина шу сўзнинг пичирлаб бўлса-да айтилишини кутаётганди.

Энди билса, Аламазоннинг ўша куни ўзгалардан маҳтал бўлиб кутгани «оқибат» деб аталувчи одмигина нарса экан. Математиклар тили билан

айтганда, «БАРИБИР СЕН ҲАҚСАН» деган узундан-узун жумланинг умумий йиғиндиси мазкур вазиятда «ОҚИБАТ»га тенг экан. Бу теорема кашф этилишига Эшматнинг навбатдаги валдирашларидан бири сабаб бўлиши кимнинг хаёлига келибди дейсиз? Тўкилиб турадиган оддий олмалардан бири ниҳоят Нютоннинг бошига тушди!..

– Сен... Нютон бўлишинг мумкин эди, – дея Эшматнинг елкасига урди Аламазон.

– Э, бор-э, ҳали Френсис дейсан, ҳали Нуйтўн дейсан... – Эшмат бир силтаниб, елкасини панжадан халос қилгач, шилқ этиб жомадонга ўтирди, кафти билан пешанасини ишқади. – Отаси йўқ бир етимчани хор қилипсан-а? Урсанг ҳам айтавураман, сенда инсоф етишмайди.

– Биринчидан, Эшмат, – туйкус тутақиб кетган Аламазон гапимни эшитяпсанми дегандек, жомадонни тўкиллашиб тепди, – севги бу... етимчага бериладиган садақа эмас. Иккинчидан, Эшмат, – пиёдаси тумтайганича хануз бош эгиб турганини кўриб, яна жомадонни тепди у, – нимага хафалигимни айтганим билан, сен галварс икки дунёдаям тушунмайсан.

Эшмат тиззасига тиралган кўллари кўмагида сапчиб ўрнидан турди.

– Вей, мени мунча камситавурдинг? Бизни бўйинга ошқовок уланибдими? Ошқовокдан соч чикмайди, вей! – бир ловиллаб кетди-ю, Аламазоннинг ўқдек қадалиб турган нигоҳига дош беролмай, ҳийла шаштидан тушди, кўзини четга олиб, таъна қилишда давом этди: – Азиза сени минг йилдан бери яхши кўради. Мактабдаям математикасини битта сенга кўчиртирарди, мен ёнғоқ бераман десамам унамасди. Ҳарбийга кетганингда аянгга қарашиб юрган ким? Газетгаям сенга илашиб ишга кирди. Агарда шуларни билмасанг...

– Кўр бўласан, демокчимисан? – унинг гапини илиб кетди Аламазон. Сўнг яна сокин кайфиятга кириб, Эшматнинг бўйнига дўстона шапатилаб кўйди. – Ишкамбалигингга қарамай, жуда очиққўнгилсан-да, Эшмат. Шунақа пайтда сени янаям яхши кўриб кетаман.

– Қўйгин энди! – хафагарчилиги бу сафар анча жиддий эканлигини билдириб қўйишга тиришди Эшмат. – Мени ёш бола қилавурма.

Аламазон эса ўсмоқчиладан тийилмади.

– Оббо, чатоқ бўлди-ку. Биладан, каттиқ ранжидингми – тамом, бир-икки соат овқат емаям қўяверасан.

– Агарда мени ҳурмат қилсанг, – Аламазоннинг бўш кела бошлаганидан ҳаволаниб, ўз кўкрагига мушт уриб чиранди Эшмат, – агарда ҳақиқий ошнам бўсанг, Азизани ўксинтирма. Ҳеч бўлмаса, мени олдимда бунақа қилма. Уқдингми?

– Шу холосми? – кулимсираб боқди Аламазон. – Бу иш телевизорни иккинчи каналга бурашдек гап... Қани, ўпкангни босвол-чи.

У бир чертки билан сигаретни чирпиратиб улоқтиргач, сахнага чикмоқчи бўлган артистдек сочини сийпалади, куртқасининг ёқасини тузатиб, енгларини тарангроқ тортди, ниҳоят карнайпоча шимини ҳилпиратиб пиллапоядан кўтарила бошлади. Эшмат жомадонни бели майишгудек аҳволда ердан узиб, яна унинг ортидан юрди.

Ёзги саёхатлар мавсуми аллақачон тугаган, кутиш залида одам анча сийрак эди. Шу боис, эшикдан парад майдонида минутига бир юз йигирма кадам ташлаётган аскардек тарсиллаб кириб келган ялтироқ тугмали дароз йигит дархол кўпчиликнинг эътиборини тортди. Навбатдаги миждани аврамоқчи бўлиб турган лўли хотин уни кўриб қўлидаги фикон кўйлакни шошиб қўйнига тикди, бурчакроқда давра қурган йигитчалар олдиларидаги шошқолни эҳтиёт шартдан йиғиштириб қўйишди.

Аламазон ўртароқда тўхтаб, курашчиларнинг «бизга тараф борми» деб туришини эслатувчи сиёқда атрофга аланглади. Азиза билан кўзи тўқнашгач, унинг бу ердалигини эндигина кўргандек, таажжубланиб чимирилди, шошилмасдан одимлаб, ўша ёққа йўналди. Азиза ҳам китобни бағрига босганича унинг истиқболига икки-уч кадам юрди-ю, яна тисарилгудек туриб қолди.

– Азиза? – Аламазон атайин узоқроқда тўхтаб, унга бошдан-оёқ разм солди. – Салом! Йўл бўлсин ўзларига?

– Аламазон... – Азиза журъатсизгина одим ташлаб, унга яқинлашди. – Кетаётганингизни эшитиб...

– Ие-ие! – юки оғир паровоздек пишиллаганича етиб келган Эшмат жомадонни бу гал авайлаб ерга қўйди. – Азизабонуям келибдилар-да? Аламазон иккала миз ҳозиргина эслаб ўтувдиг-а. Тўғрими, вей?

– Менга қара, Эшматжон, – ички чўнтагига қўл югуртириб, сиполик билан мурожаат этди Аламазон. – Паттани ўзинг ташкил қилворасанми дейман-да...

Эшмат қўлини қалқонсифат кўтариб, астойдил ранжиган бўлди:

– Кавланма! Кавланма деяпман! Шуми оқибат?

У кирза этигини попиллатиб касса тарафга кетгач, иккови гапни нимадан бошлашни билмай, бироз каловланиб туришди. Ҳайтовур, Аламазон биринчи бўлиб тилга кирди:

– Нима қилардинг овора бўлиб?

– Овораси борми? Энди... қачон келасиз?

– Катта редакцияларда бирон йилсиз отпуска тегмаса керак.

Шу маҳал, яғир парпашабеқасамга бурканиб, кавказча кепканинг айвонни ўнг қулоғига бостириб олган машҳур Мирзақанд пиён гандираклаганича келиб, орага тумшуқ суқди.

– Ойликкача йигирма тийин қарз берилсин энди! – дея шипга ғилайланиб боқди у.

Аламазон, аввал мени дурустроқ кўриб ол, демоқчидек, ундан озгина чекиниб, намойишкорона қад ростлади.

– Кўзингни катта оч! Наҳотки чўнтагида чақа юрадиган одамга ўхшасам? – сўнг пиёнистага шартта орқа ўгириб, Азизага юзланди. – Хуллас, редакторингга кимлигимни кўрсатиб қўяман ҳали.

– Нуқул «редактор» дейсиз. Ахир, бу ғалвани...

– Ҳа, ўринбосар бошлади, – маъқуллади Аламазон, – лекин ундан хафаям бўлганим йўқ, аксинча раҳмим келди. Тирикчиликни деб бошликқа қўғирчоқ бўлиш осонмас.

Сухбатни яна бўлишга тўғри келди. Қадрини ўта баланд тутувчи бир пўримваччанинг обрўйига яраша гап айтмай, қалтис хатога йўл қўйганини зудликда англаб етган Мирзақанд пиён толеини қайта синаб кўришга аҳд қилганди.

– Худони йўлида зангорисидан узатворсинлар, хотамтой.

Бу муомаладан қониқиш ҳосил қилган Аламазон бармоғига туфлаб олиб, ички чўнтагига қўл тикаётган вақтда Азиза билагидаги сумкачадан бир сўмликни суғуриб, безбет тиламчига узатди.

– Зангорисидан сўралувди шекилли? – луччак шафтолидек бўлиб тиржайди Мирзақанд пиён.

Сабри тугай бошлаган Аламазон унга бир дақиқа ҳафсаласиз тикилиб тургач, кўкрак чўнтагидан қизил муқовали телефон дафтарчасини хиёл чиқариб, қирини кўрсатди.

– Мабодо, қизилидан керакмасми?

– Биз таслиммиз, – иккала қўлини кўтариб ҳиринглади Мирзақанд пиён, сўнг оёқлари чалишгудек бўлиб нари кетди.

Аламазон сухбат қаерда узилганини эслашга урингандек, бир муддат чайналиб турди ва лоқайдлик билан пичинг отди:

– Шундай қилиб, редакторнинг адвокати сифатида яна нималар демоқчисан?

– Аламазон! – Азизанинг кўзлари чакнаб, бир лаҳза донг қотиб қолди. – Наҳотки сиз мени...

Ташқаридан тепловознинг чўзиқ чинқириғи янгради. Тошкент поезде пулат изни дўмбира қилганича станцияга кириб келаётганди.

Аламазон купе эшигига қўл узатган онда ичкаридан итнинг зўр бериб акиллаши эшитилди. «Ие-ие», деб қўйди ортда турган Эшмат. Нарирокдаги купедан қорни тиззасига осилган сўқимнусха киши чиқиб, йўлакда келаётган навбатчига ўшқирди:

– Ҳў, правадний ука. Вагонда итга нима бор?! Кулоқни батанг қилворди-ку! Министрга ҳисоб бергани кетяпман мен.

– Тушунган одамга ўхшаяпсиз, акахон, – бепарво жавоб қилди навбатчи. – Ҳозир нима кўп, сўққабош одам кўп. Хотиндан безган эркак нима қилади, ит боқади. Қўйинг, ўша шўрпешаналарга тенг бўлмайлик.

Қия очик эшикдан ичкаридаги воқеани кўриб турган Аламазон бу гапни эшитиб, жилмайиб қўйди. Улар купега киришганда ҳозиргина бемаврид ҳуриб қўшниларни безовта қилган тепакал «кўппак» пиёлага лимиллатиб қўйилган арақни ютишга шайланмоқда эди. Ундан тўрироқдаги олакўз қиз картага шилов берар, қарши томондаги жингалаксоч йигит эса қоқбалиқ парчасини сўриб ўтирарди.

– Хонада биттагина бўш жой бор, жигарларим, – ичимликни дастурхонга қўйиб, мулойим тарзда гапирди тепакал.

– Тошканга борадиғон манави, – дея бошмалдоғида Аламазонни кўрсатди Эшмат. – Бизга узр энди.

У жомадонни эшик тепасидаги кандикка жойлагач, поезднинг аста

силкинганидан безовталаниб, хайр-маъзурни қисқа қилганича ташқарига йўналди. Аламазон хонадан чиқиб, ойнакдан перронга бўйланди, ошнасининг ерга эсон-омон кўниб олганини кўриб, унга салобат билан кафтини қимирлатди. Эшмат ҳам байроқчани хилпиратаётган боладек жўшиб кўл силкитди, кейин қуюнчак қиёфада ўзидан нарирокқа ишора қилди. Аламазон ўша томонга юзланиб, қунишиб турган Азизани кўрди. У вагон ойналарига маъюсланиб боқар, ҳатто этагининг енгил шабададан хилпирашида ҳам аллақандай мунг яширингандек эди. Вагон ойналаридан тушаётган нур қизнинг юзини галма-гал ёритиб ўтар, унинг қуюк киприкларида нимадир йилтираб кўярди.

Шоирга азоб беришади-ю, яна йиғлашади. Шоир азоб чекади-ю, йиғламайди...

Станция тез ортда қолиб, яримьяланғоч ғўзапоялари қоронғиликда қакқайиб кўринаётган далалар бошланди.

Бор-шудини бериб бўлишди шўринг курғурлар!

Аламазон кириб жойига ўтириши биланоқ, олакўз қиз уни гапга тутди:

– «Дурак»ка тобингиз қалай? Тарафма-тараф ўйнасақ, қизикрок бўларди.

– Унда сиз шеригим бўласиз, – кўнгли ғашроқ эканига қармай, даврага тезроқ мослашишга ҳаракат қилди у. – Мени отим Аламазон.

– Мен Одилман, – балиқ сўришдан тўхталиб дўриллади жингалаксоч йигит. Сўнг қиз тарафга ишора қилди: – Бу – Эйседора.

Кейин, «меҳмонга қуймайсанми, Лакис», дея бир йўла тепакални ҳам таништирган бўлди.

Қартавозлик узоққа чўзилмади. Бир зумдаёқ Аламазон билан Эйседоранинг кўли баланд келиб, қиз қувониб чапак урди:

– Ҳозир эшакнинг ханграшини эшитамиз, Аламазон.

Одил кўлидаги қартани кеккайганича четга отиб, Лакисга кўз қирида сузилиб боқди.

– Биласан, ангинам бор. Ханграш соғлиғимга тўғри келмайди.

– Ҳай, бунисиниям ўзимиз қойиллатамиз, – илжайди Лакис. – Асли ўзи, итликдан эшакликкача бир қадам холос. Пх-х-х...

Лакис мушукнамо мириқиб кулиб олгач, панжаларини боши устида кулоқдек диккайтириб, кўзини ола-кула қилганича ханграшга тушди. Кўнгилхуш томоша тугаб, навбатдаги ўйинга киришилаётганда эшик зарб билан очилди, бояги сўқимнусха киши қорнига эргашганича ичкари кирди.



– Эшак шу хонада хангради, правадний ука, – дея кўз ўйнатиб хириллади у. – Нима, бу обший вагонмидики, эшак чиқарилса!

Навбатчи унинг ёнидан зўр-базўр сукилиб кириб, паст-баландга жаланглаб бокди, сўнг ўтирганлардан сўради:

– Эшакни овози машу жойдан чиқмадими?

– Эшак шу хонада, – пинагини бузмасдан жавоб қилди Аламазон. – Лекин... унинг паттаси бор.

Ғойибдан келган ассистент

Вагондаги мудраш нечоғлик узокқа чўзилмасин, ҳеч қачон уйқунинг ўрнини босолмайди – хуррак отаётганинда ҳам миянг бозордан келтирилаётган қатикдек чайпалиб туради, поезддан тушгач, уззукун гарансиб юрасан. Буни кўп бор бошдан кечирган Аламазон меҳмонхонага жойлашиб бўлибоқ, ўзини кўрпага урди. Шунчаки мизғиб олиш қарийб уч соатга чўзилди.

Ғира-шира очилган киприклар орасидан шувалашиб кўринаётган қизил кандилга уйқусираб боқаркан, аввалига у қаерда ётганини дарҳол илғаб ололмади. Илғагач, кўзи ярқ этиб очилди, эсноқ аралаш керишди, туриб бориб духоба пардани сурди. Қаллаи саҳарлаб поезддан тушган чоғида ҳали ювиниб-тараниб улгурмаган танноз шаҳар олис қишлоқдан келган хомтама забткорни дурустроқ таниб олмоқчидек, энди зеболаниб, деразадан мўралаб турарди.

Аламазон лоҳасгина ортга бурилиб, башанг ва ҳайбатли хонани шошилмай кўздан кечираркан, ўзини суиқасддан чўчиб, қасрдаги ҳашаматли хилватхонада ёлғиз ухлашга мажбур бўлган Абдуллатифдек ҳис этди-ю, юраги увишиб кетди. Умр бўйи сербола ҳовлида яшаб, тақдирнинг тақозоси билан гоҳ гавжум казарма, гоҳ каравотзор ижарахона, баъзан ғала-ғовур умумётоқда кун кечириб кўрган киши учун ҳашамат ичра танҳо қолиш ваҳимали туюлар экан.

Кеча Аламазон йўлдаги станциялардан бирида арақ олиб чиққач, текинини кўрибоқ мазахўрак кучукдек жилпанглаб қолган Одилнинг қўлидан шунақа ишлар келиши кимнинг тушига кирибди дейсиз – ўшанинг вокзалдаги автомат-телефондан айтган бир оғиз гапи билан доврўғли меҳмонхона ноиби уни биродарларча кучоқ очиб кутиб олди. Қўлига алоҳида хонанинг калитини тутқазаётиб, баҳоси қимматлиги учун кечирим сўради.

Қизик, шунча улфатчилик қилишибди-ю, бир-бирларининг касб-кориниям суриштиришмабди. Одил: «Хў, командировкачи, биронта хужрага жойлаб қўйайми?» – деб сўраганига қараганда, улар Аламазонни шунчаки келиб-кетувчилар тоифасига кўшган кўринишади.

Ҳарқалай, ким бўлди экан ўша Одил? Наҳотки, меҳмонхоналар бошқармасида ишласа?

Аламазон ювиниб келгач, бугун-эрта қиладиган ишларини хаёлида

режалаб олмоқчи бўлиб, гиламни тепалаганича уёқдан-буёққа юра бошлади. Биринчи нивбатда университетга боришим, қишлоқдан ёзиб жўнатган синама ишларнинг натижасини билишим керак, деган қарорга келди у.

Уф-ф, сиртки ўқишим куриб кетсин!

Хўш, ундан кейин-чи? Кейин, редакцияга бориб... Дарвоқе, қайси редакцияда ишласа экан? Буни кечкурун бафуржа ўйлаб кўргани яхши.

У бошини кўтариб, деразанинг қарама-қарши томонидаги деворга осилган каттакон суратга тикилди. Ундаги чипор този дунёдаги барча хом сут эмган бандаларни эрмак қилаётгандек иршайганича тилини осилтириб турарди. Аламазон ҳам тишини тиржайтириб, тозига ириллай бошлади-ю, «бирова четдан кузатаётган бўлса-я», деган ўй миясига урилиб, хижолатомуз аланглаб қўйди. Хона аввалгидек хувиллаб турар, ҳашамат ичра у хануз ёлғиз эди. Аста бориб, диванга ястанди.

Ё тавба! Кап-катта йигит ит билан тенг бўлиб ўтирибди-я!

Энди унинг диққатини диван ёнидаги қутича устида турган телефон тортди, беихтиёр эшитқини кўтарди. Нима мақсадда қўлга олганини тушунолмайд пайсалланиб тургач, мийиғида кулиб, уни қулоғига тутди. Бармоғини худди номер тераётгандек паррак устида сирғантириб, димоғида сўзланди:

– Алло... Министрликми бу? Ҳаммага билдириб қўйилсин – Овчилар жамиятининг аъзоси Аламазон пойтахтга келди. Ҳозирда люкседа оч ўтирибди. Қабул вақти соат йигирма тўртгача. Вассалом!

У эшитқини кўяётиб, деворга ўрнатилган мўъжазгина сариқ тугмачага кўзи тушди, «умм» дея лаб жимирди – буниси нима бўлдийкин энди? Хонани иситадиган ускуна шу ердан уланармикин? Балки... Ҳай-хай! Уни босишинг биланоқ, хонанинг бирон-бир қавагидан катта ашула бошланиб кетса-я: «... таралло-о қилгани-и келдик». Ҳа, дўст!

Аламазон сеҳрли шамчироққа дуч келган Оловиддиндек эҳтиёткорлик билан қўл чўзиб тугмачани босди, қутича гирдида турган намахтажон пашша лапанглаганича учиб келиб унинг бурнига урилганини ҳисобга олмаганда, ҳеч қандай мўъжиза юз бермади.

Шуям тилсим бўлди-ю! Лоақал, сигаретингга гугурт-пугурт чакворса экан...

Ҳа-я, оламда сигарет деган улфат ҳам бор – асабингни аллалаб туриб жонингни кемиради.

У диван четидаги куртқасинининг чўнтагидан «Ту 134»ни олиб, ичи бўм-бўш эканлигини кўргач, ҳафсаласи пир бўлди. Уни ғижимлаб, қаёққа ташлашни билмай турган пайтида тўсатдан эшик тақиллаб қолди.

– Бемалол! – овозини иложи борица салобатлироқ чиқаришга уринди Аламазон. Сўнг кўҳликкина жувон ловиллаганича кириб келганини кўриб, ирғиб ўрнидан турди. – Марҳамат, марҳамат... Қани, мана буёққа ўтирсинлар...

– Раҳмат, безовта бўлманг, – шамчироқдан чиққан фариштадек итоаткорона қўл ковуштирди жувон. – Хизматдамиз... ҳозирча.

– Ахир... бунақа тик туриб...

Хизматчи жувон нафис имо билан сариқ тугмачани кўрсатди.

– Чақирдингиз шекилли? Нима буюрадилар?

– А-а... – гап нимада эканини эндигина пайқаган Аламазон олдинига каловланиб қолди. Кутилмаганда, кўлидаги ғижимлоғлиқ қоғоз жонига оро кирди. – Шу... сигарет топилмайдими?

– Қанақасини хоҳлайдилар?

– Масалан... «БТ» дейлик.

Буюрди-ю, «бундақасини топиб бўпсан», деб кўйди ўзича. Жувон эса гап гўё тарновдан оқиб турган сув ҳақида бораётгандек, «жоним билан», дея бамайлихотир жавоб қилиб, ўшандай ловиллаганича хонадан чиқиб кетди.

– Ана тилсимнинг қудрати! – қойил қолиб бош қашлади Аламазон. – Демак, Осиёдаги энг йирик нашриёт директорини ҳузуримда кўриш учун сариқ тугмачани яна бир марта босишдан эринмаслигим керак.

Тушликни университет ошхонасида қилишга тўғри келди. Шаҳарда йўл-йўлакай тамаддиланиш заҳматларини орқаворатдан эшитиб юрган киши Тошкентдек тикилинч масканда овқатланиш бу қадар арзонга тушадиган жой борлигини асло тасаввур этолмаган бўларди. Айни пайтда, бу ерда овқатланган киши хаамири ўта бўш лағмон қандай таъмга эга бўлишини ҳам аниқ билиб олиши мумкин эди.

Юборган синама ишларининг биронтасигаям қониқарсиз баҳо кўйилмаганини эшитиб, методист ҳузуридан кайфи чоқ чиққан Аламазоннинг иштаҳаси очилгандан-очиқиб бораётганди. Лағмондан сўнг гўштнинг мазаси сезилиброқ турган бир ликопо котлетни ҳам пок-покиза тушириб, компотни мириқиб симирди, стаканга ўрта бармоғини тикиб, ивиган олчаларни битта қолдирмай териб еди.

Ташқарига чиқиб, кўнгли янаям ёришиб кетди – бадқовоқ кулранг булутлар узоқ-узоқларга чекиниб, Аламазон учун азалдан жуда-жуда севимли бўлган қуёшжон тилло соатдек ярақлаб турар, ўйинқароқ чумчуқлар акас шохларида ёздаги каби базм қуришганди.

У лабидаги «БТ»дан кўкимтир дуд таратиб зинапоядан битта-битта босганича тушиб боргач, ўннга бурилди, ёвуз қишни қилич яланғочлаб қарши олаётган япроқсиз дарахтлар оғушидаги йўлакдан ўша маромда юриб кетди. Музсарой ёнига етганда пича тўхталиб, хоккей эълонига чала-чулпа кўз ташлади, аммо фигурали учуш мусобақаси ҳақида суратли афишани синчиклаб кўздан кечирди. Кейин кўчани кесиб ўтиб, бекатда турган зангори хошияли ўн олтинчи трамвай сари яқинлаша бошлади.

Хадрада эса, айни шу фурсатда, телестудиянинг умидли режиссёрларидан бири дастлабки йирик ишга қўл уриш арафасида турар, бетиним ҳаяжонланар, бу ҳаяжон ҳадемай ўтиб кетажагини олдиндан башорат қилаётган бўлса-да, тез орада ном қозонишга орзуманд бошқа бир тенгдоши шалоғи чиққан трамвайда ўзи сари аста-секин яқинлашиб келаётгани, етиб келгач, барча режаларини остин-устин қилиб юборажагидан ҳали беҳабар эди. Ўз навбатида Аламазон ҳам шунчаки сандироқлаб юриш учун нега айнан шу қўналғани танлаётгани ҳақида бош қотириб ўтирмай,

Хадрада трамвайдан тушгач, сал нарироқда ажабтовур тасодифга йўлиқажагини хаёлига келтирмаган ҳолда цирк биноси томон йўл олди. Фақат фавворага яқинлашган пайтдагина майдондаги ғала-ғовурни кўриб, нималигидан қатъи назар, бу ерда содир бўлаётган воқеага шахсан унинг иштироки етишмай турганини тезда ҳис қилди.

Ўзгаларнинг ишига аралашиб учун, энг аввало, уларнинг нима қилаётгани ёхуд нима қилмоқчи эканини аниқлаб олиш лозим бўлади. Аламазон ҳам ишни шундан бошлади – суриштириб кўрса, машхур «Дутор-гитар» ансамбли ҳақида филм-концерт суратга олинаётган экан. Демак, масаланинг бир томони равшан, энди иккинчи томонини ўйлаб кўриш керак – ҳўш, бу хайрли тадбирни амалга оширишда Аламазоннинг бирон фойдаси тегиши мумкинми ёки индамай йўлидан кетаверсинми?

Пича мулоҳаза юритгач, ниҳоят узил-кесил бир қарорга келиб, томошабинлар деворига ортдан ҳужум бошлади – «кечирасиз, ойимқиз», «узр, граждандар», «э, мундоқ турсангиз-чи», дея ҳар кимнинг ўзига яраша муомила қилиб оломонни ёриб ўтди, олдиндаги милиционер йигитларга, «салом, шоввозлар», деб қўйиб, асбоб-анжомини созлаётган ансамбл тарафга одимлади.

Ўзини майдончанинг мутлақ ҳокими деб билиб, созанда ва хонандаларга такаббурлик билан йўл-йўриқ кўрсатаётган ёш режиссёр ёнгинасида янада гўдайганроқ соя пайдо бўлганидан ғаш келиб, тумтайганича орқага қайрилди, ялтироқ тугмали нотаниш олифта унга бурнининг учидан боқиб турганини кўриб, баттар жаҳли чиқди.

– Кимсиз? Сизга нима керак?

– Аксинча, – ғам емай жавоб қилди олифта, – бу ерда ўзларига мен керакка ўхшайман.

Режиссёр «суҳбат»га шартта нуқта қўйишга ошиқди:

– Биродар, ишимга халақит беряпсиз?!

– Шунақами? – олифта энди унга солинчоқ сочлари орасидан кўз қадади. – Унда, билганингиздан қолманг. Шундоққина кўриниб турган камчиликни вақтида тузатишдан эринаётган бўлсангиз, на илож, фикримни матбуотда айтарман. – Сўнг режиссёрнинг бир лаҳза иккиланиб қолганидан фойдаланиб, кутилмаганда унга самимият билан қўл узатди: – Танишиб кўяйлик – Аламазон. Журналистман.

Қизгин тарзда ўтган қисқа фикр алмашувдан кейин улар офтобда катик ялашган кадрдонлардек аҳил ишга киришиб, юзакилиги яққол сезилиб турган куюнчаклик билан қандайдир режалар туза бошлашди. Четдан қараган киши улардан қай бири бошлиғ-у, ким-кимга ақл ўргатаётганини чамалаб олиши мушкул эди.

Охири бир битимга келишди, иккови тенгдан бош ликиллашиб, хушнуд жилмайишди.

– Ансамбл сиз айтгандай, биринчи планда қолаверади, – деди Аламазон, – аммо фонда бугунги ҳаёт гуркираб туриши керак.

– Бўлди, бўлди... келишдик, – дея яна бош ликиллатди режиссёр. – Фақат, объективнинг олдида ўзингизни табиий туюлсангиз бўлгани.

Гап орасида томошабинлар галасига жовдираб-жовдираб караб кўяётган Аламазоннинг нигоҳи кўчма прожекторнинг ёнгинасида турган атлас кўйлакли хушқомат қизга келганда тўхталиб қолди. Яшил жункамзул кўйлакка шунақаям ярашибдики!

– Мендан ташвишланманг, – дея ҳануз қиздан кўз узмай режиссёрни тинчлантирди у. – Ишқилиб, бошқа шериклар панд беришмасин-да. – Кейин томошабинлар томонга ишора қилди. – Хуллас, сиз миллийроқ кийинган қарияни ахтариб кўринг. Қизни ўзим топаман.

Бу орада бекор қолган ансамбл вақтни беҳуда ўтказмаётганди. Гитарачи йигитлар бир ёққа, дуторчи қизлар иккинчи ёққа туриб олишиб, пичадан сўнг ижро этиладиган кўшиқни паст овозда хиргойи қилишаётган эди.

– *Богда гулим очилди, читтигул,
Ёрга иси сочилди, читтигул.*
– *Билса қалам қошлигим, читтигул,
Гулда яшар ёшлигим, читтигул.*
– *Ҳай-юв, читтигул!*
– *Ҳай-юв, читтигул!..*

Бийронгина Бийрон

– Ҳай-юв, читтигул! Ҳай-юв... Ие-ие!!!

Ҳануз куни кеча телевизорда кўрсатилган филм-концертнинг гашти билан яшаётган Эшмат мотоцикли йўл ёқасидаги ариққа кириб кетганини ғўла гавдаси рул устидан учиб ўтаётган чоғдагина пайқади. Сувга шалоплаб тушгач, пича инқиллаб ётди, яқин атрофда кўмакка келиши мумкин бўлган киши йўқлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг ноилож ўрнидан туриб, оғзидаги лойқани туфлади.

Ариқ хийла чуқур бўлиб, Эшматнинг филдек кучи билан ҳам мотоциклини қирғоққа судраб чиқиш амримаҳол эди.

«Манави ҳақиқий авария! – ўзининг соғ қолганини ўзига бўрттириб кўрсатиб, «Муравей»нинг олд томони мажақланганига ортиқча куюнмасликка тиришди у. – Қишлоқда бунақаси ё бўлган, ё бўлмаган».

Ҳаво ҳар кунгидан илиқроқлигига қарамай, зум ўтмаёқ Эшматнинг тиши тишига тегмай қолди. Эрталаб устарада қирдирган хумдай калласи зинғиллаб қақшай бошлаганида шоша-пиша теваракка жаланглади. Қуёнтери телпаги қайиқдек тўнкарилганича узоқда оқиб бораётганини кўриб, увлаб юбораёзди.

Яхшиямки бу фалокат маҳаллага яқин жойда юз берди, агар даларок ердаги зовурга ағанаганида, қишлоқнинг ярим йўлидаёқ палтоли музқаймоққа айланарди қоларди. Унда, шўрлик боғча болаларининг ҳоли нима кечарди – ахир, тўртта омборнинг калити унинг чўнтагида бўлса!

Эшмат узоқ ўйлаб ўтирмай, маҳаллага кираверишдаги биринчи

хонадон – Азизаларнинг уйи сари югурди. Этигини шалоп-шулуп қилиб етиб боргач, дарвозани тегиб очиб, ичкарига отилди.

Томорқа ёқдан чиқиб келаётган кампир қировли оппоқ кийимга бурканиб, қирмизи калласини ялтиратганича ўзи сари яқинлашаётган махлукни кўриб, кўлидан обдастаси тушиб кетди, «э, қудратингдан», дея орқага тисарилди.

– Ас-с... ассаломалайкум...

– Ҳой, Эшматмисан? – товушни таниб, хира кўзларини пирпиратганича тикилди кампир.

– Жуда катта авария бўлди. Сувга йиқилиб, соғ қолдим.

– Ҳа, шўринг курсин-а, – кампир лўкиллаб бориб, дарвоза ёнидаги меҳмонхонанинг эшигини очди. – Тезроқ буёққа кир.

Бир пайтлар Эшмат, «ёнида газ печка турганда, бу тошбақага бало борми», дея кампирни масхара қилганди, энди ўша сандал ўзига асқотиб қолди. Турумдан ҳатлабоқ ечинишни бошлаб, қия очик эшикдан кийимларини бирин-кетин ташқарига улоқтирди-ю, ҳаял ўтмай энг ибтидоий кўринишга кириб, роҳатижон кўрпа остига кўмилди.

Кампир шалаббо уст-бошларни четроққа олиб кўяётган дамда Азиза ишдан келиб қолди. У ҳайрон бўлганича: «Булар нима?» деб эндигина суриштиришга тутинганида, ичкаридан Эшматнинг чийиллоқ овози эшитилди: «Холажон, бобомиздан иштон-пиштон қолмаганмиди?» Кампир: «Йўғ-а, болам», дея товуши титраб жавоб қилди.

– Вой, нима бўпти Эшматга? – ҳаяжонланиб сўради Азиза.

– Сувга йиқилиб тушибди боёқиш.

– Бу сенмисан, Азиза? – қизнинг товушини илғаб олган заҳоти, ичкаридан Эшматнинг галдаги чинқирғи янгради.

– Ҳа, менман.

– Бориб, келинаяннга хабар қип қўй.

Азиза жилмайганича бошини сараклатиб, индамай кўча томонга йўналди. Бир неча дақиқадан сўнг қайтиб келиб, деразанинг ёнига борди-да, «келинаян»си болани етаклаб, онасини йўқлашга кетганини айтди.

– Мендан бир оғиз сўрамайдиам! – жаҳл қилган бўлди Эшмат. – Ҳали келсин, кунини кўради.

Унинг хотини «кунини кўриш» учун етиб келгунича орадан икки соатча вақт ўтди. Азиза қўшниларга аҳволни тушунтириб қўйгани учун, унинг кўлида каттакон тугун ҳам бор эди.

Хотини ичкарида пайдо бўлган ҳамоно Эшматнинг захри қайнади. «Қаерларда санғиб юрибсан, вей?» дея кўлини даскалладек ўйнатиб, беихтиёр ўрнидан кўтарила бошлади. Хотини «Вой ўлай!» деганича деворга қапишиб қолганидан ўзига келиб, тезда жойига ўтирди, белига кўрпа тортди: «Тугунни чўз буёққа! Ҳе, дайди!»

«Катта авария» баҳона бўлди-ю, Азизанинг уйида бир-икки пиёла чой ичишга тўғри келиб қолди. Кўп ўтмай, гап мавзуи «Дутор-гитар» ансамблининг концертига бориб тақалди.

– Маъракадан кеч келиб, шуни кўролмайд қолибман-да, – афсусланди

кампир. – Аламазон чиққанмишми?

Эшматнинг бирдан лунжи ёйилиб кетди.

– Чиққанда қандоқ, холажон! Бир маҳал қарасам, ўзимни ошнам юрибди... тугмасини чарақлатиб. Тошканниям теполовор-е, азамат, деб бақирворибман.

– Умид билан кетувди боёқиш, – астойдил қувонди кампир. – Илойим, иши ўнгидан келсин.

Хотини: «Қўлтиғида десангиз қаймоқдай бир қиз...» дея гап бошлаган пайтда Азизанинг тўсатдан ранги оқариб кетганини кўриб, Эшмат: «Э, нимаси қаймоқ? Шунчаки, упа-эликка бўялиб юрадиғон артис-да», деб уни жеркиб ташлади.

Кампир Эшматга танбеҳ берган бўлди:

– Ундақа демагин, болам. Артисларам бир бандаи мўминга фарзанд.

– Тўғри, уларниям ҳар хили бор, – деди Эшматнинг хотини, кампирнинг сўзидан чуччаланиб. – Сиз валдирамай турунг, дадаси. Ошнангиз ўша қизни етаклаб кеп қолса, нима деган одам бўласиз?

Азиза бир қалқиб кетгандек бўлди. Қўли титраганича чойнакни олиб, шошиб ўрнидан турди: «Мен ҳозир... чой совиб қолибди», дея ташқарига йўналди.

– Чойни қўявер энди, – унинг ортидан қичқирди Эшмат, сўнг хотинига бир чакчайиб олиб, кампирга юзланди. – Биз энди турсак девдим, холажон.

– Корректорлик денг? – Аламазоннинг дафъатан манглайи тиришди. – Беш юз чақирим жойдан шу мартабани ахтариб кепман-да? Кулгингиз қистамаяптими?

– Сираям! – босиқлик билан кесатди газета муҳаррирининг ўринбосари. – Аввало, гап обрўли газетада ишлаш устида кетяпти. Қолаверса, тажрибангизга ишониб, сиздан диплом талаб қилаётганим йўқ.

– Зап ўйлаб топишган-да шу қоғозни. Ундан кўра, ким нимага кодирлигини биладиган компьютерни ўйлаб топишса, ҳамма жойда иш юришиб кетарди.

Муҳаррир ўринбосари бу ғудранишга ортиқча эътибор бермай, «яхшилаб ўйлаб кўринг, йигитча, бугун битта бўш жой бор, эртага... билмадим», деб қўя қолди.

– Тўғри, ўйлаб кўриш керак буни, – дастурхонни тугалай йиғиштираётгани унинг авзойидан аниқ сезилиб турарди. – Меҳмонхонага бориб, сариқ тугмани босамиз-у, олимларни тўплаб маслаҳатлашамиз... Яхши қолсинлар.

Муҳаррир ўринбосари бундай шарттакиларни кўравериб дийдаси қотган шекилли, бепарво жилмаганича секин бош қимирлатиб қўйди.

Ҳарқалай, буниси сал одамижон экан. Ярим соат илгари бир қават юқоридаги редакцияга кирганида бош муҳаррир унинг таржимаи ҳолини чала-пула эшитиб, «шу кунларда бизда олий маълумотлиларгаям ўрин йўқ», дея суҳбатга шартта арра тортганди. Ҳа, илму-фанимизнинг бекиёс таракқиёти билан мақтанамиз-у, ширинсўз кишиларни етиштириб берувчи

туғруқхоналар яратишга ҳануз ожизмиз. Шу гапни силлиқроқ қилиб айтсаям бўларди-ку. Сотти сатанг, «молни олгинг келмаса, ундан камчилик кидирмай, нархини пастлатворсанг бас», дерди.

Шошма, шошма! Анави ўринбосар худди шу усулни ўзгинангга қўллаган бўлмасин тагин?

Айтгандай, Аламазон нега унга зарда қилди ўзи? Ялтироқ тугмали йигитга атаб дўмпайганроқ лавозимни сақлаб турмагани учунми?

У хаёлга чўмганича зиналарни, бино остонасини ортда қолдириб ташқарига чиқди, тротуардан астагина одимлаб, йўлида давом этди. Бир пайт ўзини Навоий театри қаршисида кўрди-ю, бу ерга қаёқдан кириб келганини аниқлаб олмоқчидек, ён-верига аланглади. Нариги чети тўрткўчага бориб қадалган чўзиқ супа остидаги боғкурсилардан бирида ёлғиз ўзи китоб ўқиб ўтирган қизни кўргач, бу ерга бежиз келмаганини англади: Бийрон билан шу жойда учрашмоқчи бўлишувди. Соатига бир қараб олиб, китобсевар қиздан беридаги боғкурсига бориб чўкди, мисчақмоқда сигарет тутатди.

Янами? Кейинги вақтда намуноча кўп чекадиган бўлиб қолди?

Шуни ўйлаб, бир ижирғаниб қўйди, аммо сигаретни улоқтиришга саботи етмади.

Ие, анави аёлни қаерда кўрган эди? Эҳ-а, ўша артист-ку, баъзан телевизорда чўзиб хониш қип туради. Қоматни қаранг, қоматни! Шу ерда ишлар экан-да? Лекин, театрниям жуда ўхшатиб қуришган-да. Опера ва балет! Навоий!

Журналларнинг рангли саҳифаларида сурати тез-тез босилиб турадиган машҳур фавворанинг энди суви тўхтаган, ҳовуз кўпдан ювилмаган сопол косадек чатнаб ётар, ёз чоғида ярим кечагача гавжумлигини йўқотмайдиган майдоннинг чайир боғкурсилари бугун бўм-бўш эди. Китобсевар қиз билан Аламазон тротуардан ўтиб бораётганларга шу бўшлиқнинг мудроқ соқчиларига ўхшаб кўринаётган бўлса, ажаб эмас.

Нағали бўшаган туфлининг шиқирлашини эшитиб, Аламазон супа тарафга ўгирилди. Тўрткўча яқинидаги зинапоядан тушиб келган олабайроқ курткали йигитча мутолаадаги қизга тикилиб, пича тўхталиб қолди, атрофга бир аланглаб олгач, жинси шимининг олдинги чўнтагига қўл тикқанича унга яқинлашди, боғкурси четига жойлашиб, мазмундор томоқ қирди. Қиз эса шу топда сел келсаям китобни варақлаганича оқадиган кайфиятда эди. Йигитча бундай ҳурматсизликдан ўксингандек, олдин бурун жийирди, сўнг туйқус хоксор қиёфага кириб, илтижо қилди:

– Бунча қийнайсиз одамни?

Қиз бир сесканиб тушди-ю, унга ҳайрон бўлиб боқди, елка қисиб қўйиб, яна мутолаага берилди.

– Танимадингиз-а? Мен бўлсам, биринчи кўрганимдаёқ... Шундан бери хар куни ўйлайман сизни.

Қиз китобдан кўз узмаган ҳолда унга орқа ўгириб олди.

– Ўша куни жиннидек эргашиб юрдим, – барибир бўш келмади йигитча, – гапиришга юрагим бетламади. Кейин шунақаям аттанг қилдим...

Қиз китобни ёпиб, ўрнидан қўзғалишга чоғланганда, йигитча шартта

туриб, йўлини тўсди.

– Кетманг! Яна йўқотсам, қайтиб тополмайман, – сўнг, қиз хануз талпиниб турганидан безиллаб, тиз чўкиб арз қилмоқчидек ўнг тиззасини боғкурси устига букди. – Сизсиз яшолмайман. Ўлай агар!

Қиз уни турткилагудек бўлиб таъқибдан қутулиб чикди-да, тўрткўча яқинидаги ўша зинапоя томонга ошиқди.

– Шошмасангиз-чи ахир! – қаддини ғозлаб зорланди йигитча. – Майли, ака-сингил тутинамиз.

Қиз ҳеч нима эшитмагандек узоқлашиб бораётганини кўргач, шаштидан тушиб, тиззасидаги чангни қоқди, бир лаҳзада боягидек хонтақлид киёфага кирди. Ортга бурилиб, Аламазоннинг ёнидан ўтиб бораркан, ўзича гудранди:

– Жуд-даям уста экан паразит. Илинмади.

Аламазон унинг кетидан заррача ажабланмай бир қараб қўйгач, соатига яна кўз ташлади – Бийрон кечикяпти. Атайлаб кечикади булар.

Тасодифни қарангки, Аламазон ўша кунги съёмкага, худди олдиндан танийдигандек, артистликка ўқиётган қизни танлабди. Исковуч бўпкет-э!

Бийрон ўшанда Аламазоннинг бирон жойда ўтириб пича суҳбатлашиш борасидаги таклифини кескин рад этди. Кейин, уни ортиқча хафа қилгиси келмади шекилли: «Бугун иложим чатоқ, истасангиз пятница кунни учрашсак», деб чиройли жилмайди. Артист-да, жилмайишнияма қотиради, жозибадор қилиб гапиришнияма. Ўшанда у «иложим чатоқ» деган сўзни шунақанги ишва билан айтдики! Бунисинияма қўйиб туринг, одимлашини кўрмабсиз – бамисоли какликнинг ўзгинаси. Қанийди, қизлар хандалакнамо нарса бўлса-ю, шунақаларининг уруғини олиб, ҳамма ёққа экиб ташласанг.

Тоқати тоқ бўла бошлаган Аламазон секин ўрнидан кўзғалиб, майдон ёкалаб кезишга тушди. Енгил совуқ шабада эсиб турар, пурвиқор чинорга борлиқ кўркини бахшида этиб бўлган қувғинди япроқлар энди такаббурликда чинорлар билан баҳслашса баҳслашгудек йигитнинг хиром пойабзали атрофида ўралашиб юришар, баъзи бири буткул топталишдан чўчиётгандек пизиллаб қочиб қолар, четдаги буталар остига яшириниб улгурса-да, ҳамон қалт-қалт титрар эди.

«Аслида, пўстинимнияма олиб келсам бўларкан, – жунжикиб ўйлади Аламазон. – Яқин-орада қишлоққа боролмайдиганга ўхшайман».

Пўстинни унга Овчилар ва балиқчилар жамияти совға қилганди. Бўри отиб келгани ёки кўпроқ тулки териси топширгани учун эмас, туман газетасида овчилик қонун-қоидаларини ёритиб туришдаги хизматлари эвазига!

Ўзига қолса-ку, ўша пўстинни бундақанги беҳарорат курткаларнинг тўрттасигаям алмаштирмаган бўларди. Бунга уни шахар мажбур қиляпти. Бу ерда товукни эмас, товусни олқишлашади.

– Сало-о-м!

Аламазон ортга ўгирилди, кўзларига ишонмай, қаршисидаги қизга қайта-қайта бошдан-оёқ назар солди – ўша Бийронми шу? Пистонли вилвет шим, ўсиқ тивитли камзул, чап чўнтагига лотинча ҳарфлар битилган

қундузёқа нимча, нозик қирраларининг бир чети тим қора холга туташган бурунчаси устида занжирли кўкиш кўзойнак. Ўша куни нафис қилиб турмакланган соч энди елкаси билан битта бўлиб, белига қуйилиб турибди.

– Ахволлар қандай, артист йигит? – Бийрон кўзойнагини олиб, аста кўйиб юборган эди, у бўйнидаги занжирга осилганича туриб қолди. – Шунақа чақирсам, хафа бўлмайсизми? Ёки бошқа чинлари борми?

Аламазон шу захоти бош ирғади:

– Бор! Овчилар жамиятининг аъзосиман.

Бийрон иягини юқори кўтариб, ўша-ўша тароват билан чарақлаб кулди.

– Тўғриси айтинг, мени аввал танимадингиз.

– Кўйсангиз-чи, – эътироз билдирди Аламазон. – Агар битта соч толангизни кўрсатишсаям, дарровда танирдим.

– Вой-вой-вой, – хушомадга жавобан бармоғини ликиллашиб карашмаланди Бийрон. – Журналистлар особенно хавфли бўлади.

Аламазон бир кулиб кўйиб, гапни жиддийроқ томонга бурди.

– Очиғини айтсам, тунов куни тамоман бошқача кўринувдингиз.

– Ўша куни папашкамни автостанцияга кузатдим, – изоҳ берди Бийрон.

– У киши бунақа турсам, қулоғимдан чўзади.

– Унда, бу кийимларни ким олиб берди сизга?

– Мамашказоним! Ресторанда буфетчи, таниши навалом.

– Ресторанда? – у «Тошкент» меҳмонхонаси ёнидаги ресторан томонга бир қараб кўйди. – Қайси ресторанда?

– Газлида. Биз ўша ёқдан.

Аламазон унинг тараллабеод сарупосига яна бир қарра назар ташлаб чиқиб, ҳазилнамо оҳангда ўдағайлади.

– Мен дадангиз бўлганимда, сизнинг эмас, мамашкангизнинг қулоғидан чўзардим.

– У чўзолмайди, – хиринглади Бийрон. – Улар давно ажралишган.

– Ҳм... – Аламазон атрофга эловлаб боқди, сўнг Бийроннинг тирсагидан тутиб жилмайди-да, ресторан ёққа имо қилди. – Бир мамашкангизни эсласак-чи.

– Ну-у, Аламазон! – Бийрон эркаланиб ортга тисарилди. – Кўйинг шуни. Кеч борсам, хозайкам сочимдан юлади.

– Ўзим таксида элтиб қўяман. Қани, фароғат кўйнига олға!

Охирги сўзни у шу қадар кўтаринкилик, шу қадар шавқ билан айтдики, хозир Бийроннинг ўрнида Эшмат бўлганида, «Ура-а!» деганича югургилаб кетишини кўрардингиз.

Бойвучча ойи

Ўғилу неварга, қизу келинлари охир-оқибат зўр келишиб, Бойвучча ойини қаватдор уйга кўчириб ўтишди. «Бунақаси оламда йўқ, давлат сизга атаб алоҳида хоналар қурдирди, биз бор-шудимизни сарфлаб, уни музейдек ясантирдик», деб чувиллай кетди улар.

Уйни бориб кўргач, ҳақиқатанам, ҳайратдан ёқа ушлашига оз қолди, аммо ўзини босди, сир бой бермади. Эшик-деразалар ганж-ёғочдан бўлиб, хоналарнинг шиплари тошойнакли, деворлари ғозғонмармардан эди. Хонтахтадан тортиб, қутию жавонгача аскарнинг этигидек ярқирайди. Коса-лагану чойнак-пиёлаларнинг ҳаммаси хитойи чиннидан. Патнису ликоп, кўзаю обдаста, ҳатто, хокандозниям кумушдан қуйишибди кам бўлмағурлар. Энг анграйтириб қўядиган жойи капгиру чўмич, мураббоялоғу қанддон, ошқошиғу санчки – бари-бари топ-тоза олтиндан эди. Бойвучча ойи бундай хулосага келиш учун шунчаки юзаки қараб қўйиш билан қаноатлангани йўқ, албатта. Бошқаларнинг кўзини шамғалат қилиб, чойқошиқлардан бирини секингина олди-да, унда-бунда қолган тишларида унинг сопини қаттиқ тишлаб кўрди – тўғри, соф тилло!

– Қайнотанг тирик бўлганларида, ярим кунини мана шу каталакда ўтказарди, – хоналарни кезиб чиқишаётган вақтда хожатхонани кўрсатиб, тўнғич келинига шивирлади Бойвучча ойи. – Мендан яшириб, бошқа қаердаям ичарди?

Нихоят, улар дастурхонга ўтиришди. Ҳомиладор қизи сарғиш самоварнинг буғини таратганича биланглаб келиб, хонтахта ёнига чўкди. «Бу энди тоза эмас, – самоварга зимдан кўз ташлаб ўйлади Бойвучча ойи. – Шунчаки тиллонинг сувини югуртиришган».

Чақчақлашиб ўтириб, ярим челак чойни ичиб бўлишибди ҳамки, самовар тушмагур ҳануз қайнашдан тийилмасди: варақа-вуруқ, варақа-вуруқ... билқ-билқ-билқ...

Бойвучча ойи босинқираб уйғониб кетди. Хайриятки, кўз очиб кўрган келинлик уйида ётарди. Эрининг тажовузкор панжаси теккан муқаддас сопол лагани-ю, одмигина идиш-товоқлари жой-жойида турибди.

– Варақ-вуруқ... билқ-билқ...

У қулоғини динг қилиб, атрофни тинглади

Бу товуш ташқаридан келаётган эди. Зил гавдасини зўриқиб кўтарганича аста ўрнидан турди. Айвонга чиқди-ю, кўзининг теварагидаги ажинлар ёзилиб кетди – ҳовлининг қоқ ярми яхоб берилаётгандек кўллаб ётарди.

– Аламазон! Аламазон-ув! – белига қўл тираганича «дарё»нинг нариёғидаги хужрага қараб қичқирди у. – Аламазон дейман! Ўлиб қолганмисан, хой!

Пастак эшик сурнай чалиб очилди. Аламазон кўзларини ишқалай-ишқалай, ташқарига мўралади.

– Ҳа, нима?

– Буёққа чиқ-э! Тезроқ чиқмасанг, ўрдак бўламиз.

Аламазон ҳовлидаги аҳволни кўриб, бир зумда енгилгина кийиниб чиқди. Поча-енгини шимаргач, муз-муз сувни ирғишлай-ирғишлай кечганича бориб, биринчи ўринда арикчанинг ўзанини топишга тиришди.

– Қувурга алланима бало тикилиб қолибди, – Бойвучча ойи узлуксиз билқиллаётган жойни бармоғида кўрсатиб, ишни қаердан бошлаш кераклиги юзасидан аниқ кўрсатма берди. – Ана, варақлаб турибди. Ўша ерга қўлингни

сук.

Қандайдир телпак оқиб келиб, тикилиб қолган экан. Аламазон уни суғуриб олиб, айвон тарафга улоқтирган заҳоти қувур Эшмат ишманинг томоғига айланди-қолди.

– Юр, энди чой дамлаб берай, – буйруқ оҳангида сўз қотди, кўнгли тинчиган Бойвучча ойи. – Шамоллаб, силкасал бўп қолмагин тағин.

Аламазон иш билан овора бўлиб турганида кампир айвондаги тоғорага илиқ сув қуйиб, ёнига кўрача ва шиппак келтиришга улгурган экан, кўрачада юз-қўлини ювиб, оёғини тоғорада чайиб олгач, дилдираганича ичкарига кирди. Устида доимо каттакон чойдиш турадиган табиий газли печкадан таралаётган илиқлик танасига мўмиёдек ёқиб тушди. Ҳузур қилиб кўрпачага ёнбошлади, қарахт оёғини темир қопқоқ сари чўзди, аммо ҳароратни ҳис этмади.

Бойвучча ойи дастурхон ёзиб, чой дамлади. Гумбаздек бўлиб Аламазоннинг қаршисига чўкди.

– Худо етказиб, кеча сенгина келиб турганингни қара, – чойни иштиёқ билан қайтара туриб, тақдирга шукрона айтди у. – Бўлмаса, қўшниларни уйғотиб чиқиш учун киртоғорани қайиқ қилардим. Ўчакишгандай, анавиам бугун жужурнойлигини кўрмайсанми.

«Анави» дегани бу – Аламазоннинг ҳовли этакроғидаги ҳужрасига туташ хонада яшовчи ижарачи. Ўт ўчирувчи бўлиб ишлайди. Аламазон ёзги сессияга келган пайтда бирдан шу ҳовлида пайдо бўлиб қолувди. Оиласи бузилган шекилли.

– Менга қара, Аламазон, шу пажарнўйларнинг ойлиги қанақа ўзи? – Бойвучча ойи новвот солинган товоқчани унга яқинроқ сурди.

– Нимаиди?

– Ундан арзимаган ижара ҳақи оламан. Шуниям тулкининг думидек чўзади. Мен-ку, минг қатла шукур, унинг кўлига қараб қолганим йўқ. Масалан, катта ўғлим...

Ана, тағин бошланди!

Кампир тушмагур жуда аломат-да. Бу хонадонга келган ҳар бир янги ижарачига катта ўғли ҳафтасига ҳаражат қилиб бериб туриши, кичиги «куруғи»ни чўзиб қўя қолишни афзал кўриши, қизи эса унинг кийимини ипидан-игнасигача бутлаб қўйиши тўғрисида фахр билан сўзлаб берай, мабодо янги суҳбатдош топилавермаса, «эскилар»га вақти-вақти билан такрорлаб ўтарди. Аламазон бу уйга сурункасига тўрт марта келган бўлса, мана шу ҳикояни тўртинчи марта эшитиб ўтирибди. «Мен бировнинг пулига зормасман, – дея ҳикоясига яқун ясарди у, – ёлғиз зерикканимдан ижара кўяман».

Шундай дейишга дерди-ю, агарда кимдир ҳисоб-китобни сал кечиктирса, бирон баҳона топиб, ётиғи билан шама қиларди. Масалан, бундоқ: «Неварамга валасапит обераман деб катта кетворувдим. Кеча магазинга боришдан олдин мундоқ ҳамённи титкиласам, фалон сўм етмай турибди-ку». Шуниси қизиқки, ўша «фалон сўм» қай миқдорда айтилган бўлмасин, ижарачининг вақтида узатмаган қарзига шундоқ мос тушарди-

қоларди.

– Пожарнигингиз алимент тўласа керак-да, – чойга солинган новвотни нон билан аталайтуриб, ўт ўчирувчининг ёнини олди Аламазон. – Бунақада пулнинг баракаси қолмайди.

– Ичади у гумдон бўлгур. Ичган одамнинг чўнтаги ямоқдан бошқа нарсани кўрмайди.

Аламазон «хўжайка»сининг маталга усталигидан завқланиб, жилмайиб кўйди.

– Сен кулмагин, бола, – бобиллашни давом эттирди Бойвучча ойи. – Раҳматли хўжайиним гурзибоздек йигит эди, ичкилик охири бошшига етди.

Шу вақт ҳовлидан бу хонадонга кунора эрталаб сут олиб келувчи ўспириннинг ингичка овози таралди:

– Бойвучча ойи-и-и...

Бойвучча ойи инқиллаб-синқиллаб ўрнидан туриб, айвон томонга йўл олди.

Бойвучча ойи! Яқин-атрофдагилар унинг ҳақиқий исмини буткул унутиб юборишган, бу дабдабали ном унга қачон ва ким томонидан кўйилганини бешқайрағочликларнинг биронтаси аниқ айтиб беролмас, кампирнинг ўзи ҳам бунга аллақачонлар кўникиб кетган эди.

– Шўр пешанамга шу қатиқчи болага ўхшаган кирчимол неvara битмади-битмади, – у шиша идишдаги сутни кўтарганича ҳасратланиб кириб келди. – Ҳозир сенга сут қайнатиб бераман.

– Шуёғиям етар-э...

– Қимирламай ўтир, – фармон берди Бойвучча ойи. – Сен бола катта иш қилдинг. Хайриятки, қувур ўзингни тортиб кетмади.

Барчага доимо кўнглиям, дастурхониям очиқ бўлган бу полвоноғиз кампир гап ижара ҳақиға бориб тақалганида нима сабабдан туйқус зикналашиб қолишини Аламазон сира тушуниб етолмасди.

Ҳе, аттанг, шундай бегидир жой турганда, талай пулни беҳуда совуриб юришни ким кўювди унга? Одилга кўнгил учун хўп деб, тўғри шуюкқа келаверса ўлармиди? Фақат чўнтаги енгиллаб қолгандагина хушини йиғди, ақли пешиндан кейин кирди. Доим аҳвол шу ўзи.

Пулнинг кетганим бошдан садақа, аммо Бийрон билан бирга кечган ширин дамларини ҳисобга олмаса, шунча кунни санғиб беҳуда ўтказди. Ҳали биронта ишнинг тайини йўқ.

– Шерикларинг кўринмайди? – сўраб қолди Бойвучча ойи, сутни печка устидаги қозончага қуяётиб.

– Келишларига ҳали бор, – Аламазон беихтиёр курсдошларини эслади.

– Ўқишимиз кечроқ бошланади бу йил.

– Унда, сен нега ликиллаб етиб келдинг?

– Шунақа бўп қолди, Бойвучча ойи. Энди Тошкентда ишласаммикин деб турибман.

Бойвучча ойи ўзича сўзланаётгандек, товушини пастлатиб ғудранди:

– Тошканиннг зап кўзи учиб турган экан-да сенга. Момонгни уграсига ўт қала-а-б юравермайсанми? – кейин, бор-е, менга нима дегандек қўл силтаб

қўйди. – Э-э, ҳозиргилар бари бевош. Мана, иккала ўғлимам, дўмда турмасам ўламан, деб ота қасрини ташлаб кетди. Баттар бўлишсин...

Муаллифлар куннинг иккинчи ярмидан қабул қилинишини яхши билган Аламазон нашриётга тушдан кейин кириб келди. Ачқимтир «Лайка» сигаретини зинапоядаёқ эзгилаб ташлаб, узун коридор сари қадам қўйган пайтида чап томондан огоҳлантирувчи йўтал эшитилди. Четдаги бесўнакай эски стол ортида кафтига ияк тираб ўтирган чўққибош қоровул минғирлаб гап отди:

– Қаёққа кетяпмиз ўзи?

– Директорга...

– Ў-ў, хўжайингами? – нидоланди қоровул, сўнг қоши билан бўш стулни кўрсатиб, ўтириб тулинг дегандек имо қилди. – Ҳали-замон кеп қоладилар.

Аламазон стулга ўтирди, кўлидаги «Советский спорт»ни ёйиб ўқий бошлади.

– Қаердан келдик энди? – чамаси, қоровул ёлғизликдан жуда зериккан, директор тушликдан қайтгунга қадар текин суҳбатдошнинг «сувини сиқиб ичмоқчи» эди. Унинг мақсадини фаҳмлаган Аламазон газетани буклаб столга қўйди-да, солинчоқ юз, негов бурун, бўртиб чиққан кўзларга астойдил тикилди.

– Лаббай?

– Таг-зотларини суриштиряпмиз.

Қоровул унинг қаёқданлигию қаерда ўқиши, оилавий ахволию Тошкентга қанақа транспортда келгани, хўроз уриштиришга муносабатию қайси жанрда ёзишигича эринмай сўраб чиқди. Кейин «ҳмм» дея пича сукут сақлаб тургач, «бизниям танирсиз, ҳойнаҳой», деб орага чигал масала ташлади.

Аламазон унга бошқатдан разм солди, аммо газета-журналларда босилиб турадиган суратлар орасида бунақа турқ-атворга дуч келганини эслай олмади.

– Шеър ёзардингиз шекилли? – ночор гапни кавлаштирди у.

– Э, йўқ! – нодон суҳбатдошга йўлиққан мутафаккирдек мийиғида сипо жилмайди қоровул. – Таржима қиптурамиз. Топганимиз – Шарқ классикаси. Бу – қўл етмас бир хазина.

– Қўлни-ку етказса бўлар, – лукма ташлади Аламазон, – ақл етиши қийин.

– Ў-ў, ана энди ўзимизга келдик. Ана бу гапни яхши айтдик.

Эшик очилиб, паканагина киши шляпасини кўлида ўйнатганича аста-секин юриб ичкари кирди. Қоровул Аламазонга боягидек қоши билан имо қилиб деди:

– Ана-е, хўжайин ҳам келдилар, – сўнг хўжайинга юзланди. – Сизни кутиб ўтирибмиз-да.

– Хизмат, кўчқор йигит? – Аламазонга синчиклаб тикилди директор.

– Сизга гапим бориди.

– Майли, гаплашамиз.

Директор миқти жуссасига мос бўлмаган ясама салобат билан битта-битта босганича тўрига қараб йўналди. Аламазон унга эргашмоқчи бўлганида, қоровул «пича шошмай турайлик, хўжайин ечиниб-негиб олсинлар», дея уни яна йўлдан қайирди.

«Буям Календарий домланинг сал ундайроқ кўриниши экан», деб ўйлаб қўйди Аламазон.

Оғзаки гапда ҳамма «Календарий» деб атайдиган шоир Қаландарийнинг ижод маҳсули вилоятдаги барча туман газеталари, хаттоки, вилоят газетасининг ўзидаям бот-бот кўзга чалиниб турарди. Гоҳи-гоҳида ўсмирона ишқий фарёд, ё бўлмаса маҳалла оқсоқолининг панд-насихатлари даражасидаги «ахлоқий» ғазаллари ҳам учраб туришини ҳисобга олмаганда, у ўз умрини асосан календарда, яъни тақвимда белгиланган тантанали кунларга атаб шеърлар ёзишга бағишларди. Каттароқ байрамларни шарафлаш мазкур музофотдаги ундан обрўлироқ шоирлардан ортмагани туфайли ўз иззатини билиб, Қурувчилар ёки Савдо ходимлари, Темирўлчилар ёки Балиқчилар кунига атаб мадҳиялар тўқишдан нарига ўтмас, машқларида «бўстон – гулистон», «камтарин – офарин», «қахрамон – бўл омон», «заҳмат – минг раҳмат», «аҳдга вафодор – бахтиёр» сингари қофиялар шафқатсизларча эксплуатация қилинар эди. Пахта терими қизиган паллада эса унинг «Пайкалининг сайқалидир агрегатим чайқалиб» деб бошланувчи шеърига басталанган қўшиқ радиода тез-тез янграб турарди...

Директор Аламазонни креслога елимланган бир тарзда кутиб олди. Ҳозиргина қоровулга берилган маълумотларга қўшимча равишда одамзотнинг беихтиёр қитиғини кўзгатадиган «қачон-нега» пайровидаги бир неча бошқа саволларга ҳам тоқат билан жавоб қайтаришга тўғри келди.

– Ҳа, қийин, мусофирлик ўзимизниям бошимиздан ўтган, – бу жойни эгаллагунга қадар кўрмаган кунимиз қолмади, демоқчидек креслонинг ён таянчиғига бармоғини тикиллатиб туриб гапирди директор. – Хуллас, бизда битта иш бор... агар тўғри келса.

Аламазоннинг юраги ҳаприқиб кетди, директорнинг юпқа, хушбичим лабига умид билан термилди.

– Бизга чакқон бир куръер керак.

Куръер! Нима ўзи бу? Қайсидир кинодами, китобдами «Куръер поезди» деган сўзга дуч келгандек бўлувди. Бу нимани англатиши ҳақида бош қотириб кўрмаган экан.

– Тўғри, маоши сал андакроқ, – директор Аламазондан кўз узмай, уни хануз синчиклаб кузатарди. – Агар коллектив билан чиқишиб кетсангиз... Қисқаси, уёғи ўзингизга боғлиқ.

Қаерга борма, сенга боғлиғи – уёғи. Буёғи-чи? Бу томони кимга боғлиқ ўзи?

– Сизни шошилтирмайман, кўчқор йигит, – инсоф қилган бўлди директор. – Майли, эртагача бир мулоҳаза қилиб кўринг.

Аламазон юмшоқсўз директорнинг феъл-атворига яраша у билан қуюқ хайрлашиб, эшикдан оёқ учида чиқиб бораркан, остонада оппоқ сочили,

қўнғизмўйлов шоир Салай Козим билан тўқнашди. Ёшини эътиборга олиб, унга йўл бўшатди...

Бу шоирнинг исми-шарифи илгаритдан қулоғига чалиниб юрган бўлса-да, ўзини яқинда матбуотчилар ошхонасида кўрувди.

Ўша куни Аламазон ҳажвий журналнинг масъул котиби билан четроқдаги столда овқатланиб ўтирганди. Бир пайт котиб: «Ҳай, бўлмаса томоша кўрайлик энди», дея эшик томонга маънодор боқиб қўйди. Аламазон ўгирилиб, болачоқларнинг велосипедини ҳайдаётгандай тиззаларини икки ёнга кериб одимлаган асно ичкари кириб келаётган қўнғизмўйлов кишига кўзи тушди.

– Ие! Келсинлар, келсинлар, – кўшни столда ўтирганлардан бири – ғилдиракюз киши унга бўйланиб, юзакироқ хушомад билан қулоч ёйди. – Қайси шамол учирди ўзи, Козимий?

- Буёққа ўтинг, Салай Козим, буёққа, - ғилдиракюзнинг биқинидаги малласоч кимса илтифотдан кўра кўпроқ масхаралашга ўхшаб кетувчи йўсинда уни юқорига тақлиф этди.

– Кўрганимиз – кўришганимиз, – Салай Козим ўз-ўзидан ҳиринглаганича қўлини кўксига босиб, кўрсатилган жойга ўтирди.

– Хурсанд кўринадилар, Козимий? – унга ўша юзаки хушомад билан тикилиб сўради ғилдиракюз. – Китоб чикдим дейман?

– Э, йўк, – ўзини жиддий тутишга интилди Салай Козим. – Шундай... ўзимизча...

– Бир гап бор, – дея шеригининг гапини қувватлади малласоч. – Биздан яширяпти.

Салай Козим яна ҳиринглади.

- Дарров сезасизлар-а. Премиалний олувдик.

– Шу холосми? – дея лабини бурди малласоч. - Мен бўлсам, кечаги рўйхатга сизниям қўшишибди деб ўтирибман.

– Қанақа рўйхат?

– Унвон оладиганларники. Кеча ёзувчилар уюшмасида рўйхат тузишиб, тасдиққа юборишибди.

– Кимлар борлигини билмадингизми?

Бунга жавобан малласоч елка қисганича бошини сараклатди.

– Мен билганим битта Тўпавой, – шоирга чой узатаётиб сўз қўшди ғилдиракюз. – Боя уни табриклашаётганда сезиб қолдим.

Салай Козимнинг ранги қув ўчиб кетди:

– Тўпавой? Тўпа Турғунми? Ғирт чаласавод-ку! Бизнинг уч-тўртта китобимиз босилганда, у ёзган шеър газетадаям зўрға чиқарди.

– Мен қаердан билай энди? – нега менга дўқ урасиз дегандек зарда аралаш гапирди ғилдиракюз. – Биронта хизмати бордирки...

– Қанақа хизмати бўлиши мумкин? – Салай Козимнинг баттар фиғони ошди. – Масалан, мен йигирма уч йилдирки битта нашриётдаман. Хўш, Тўпа қаерда ёлчителиб ишлабди? Ҳатто, таниш-билиш қилиб, партиягаям яқинда аъзо бўлганини биламиз.

«Минбар»ни яна малласоч эгаллади:

– Ўтирволиб куюнишимиздан нима фойда? Келинлар, бошқа гапдан гаплашайлик.

Салай Козим кўлидаги чойни тез-тез хўплаб, типирчилаганича ўрнидан турди.

– Йўл бўлсин, Козимий?

– Бир жойда озгина ишим бор эди.

У хайрлашув маросимини кечроқ муддатга суриб, ошхонадан зипиллаб чиқиб кетди. Кўшни столдан пиқир-пиқир кулги эшитилди. Малласоч киши: «Шу кетишда тўғри уюшмага бориб, рўйхатни суриштиради», дея ҳиҳилаб кўйди.

– Кунора калака қилишади, – ачинганнамо киёфада Аламазонга сўз қотди котиб, – омон бўлгур лаққа тушиб чарчамайди-да. Ўзига хослик томониям шу холос.

Қишлоқда ҳар бир одам ҳисобда, ҳаммининг даврада ўз сўзи, тўймаъракада белгиланган ўрни бор. Ким бу? Фалончининг ўғли-ю, пистончининг невараси. Шоир. Ёзганларини Тошкентдаям босиб туришарди...

Бу ерда эса... Шаҳар ўз номи билан шаҳар. Кунни кеча Лондонда маъруза қилиб қайтган академик ёнгинангдан ўтиб кетади, сен бўлсанг уни бирон-бир рестораннинг бош ошпази билан адаштирасан. Баъзан, аксинча – қайсидир театрнинг чирокчиси зинапоядан гўдайганича тушиб келиб, сендан гугурт сўраганида, машҳур артистнинг иси бурқсиб турган бу зотни шу вақтгача танимай юрганингдан қаттиқ хижолат чекканингда тамакисига дарҳол ўт тутасан.

Қишлоқда битта шеъринг босилсаёқ шоирсан. Шаҳарда эса йигирмата китобинг чиқиб ҳам Салай Козимлигингча қолаверишинг мумкин. Шундай экан, Аламазон деган одамча булар учун ким бўпти? Қандайдир чарм курткали нусха қишлоқдан келиб, бир ойдан зиёд дайдиб юрганини эшитишдан бу ерда кимнинг иштаҳаси бўғилади-ю, лавозимга минганида ким тепароқдан жой кўрсатади? Шундан бошқа ташвиш йўқми уларда?

Нашриётдан тарвузи кўлитигидан тушганича қайтиб чиққан омадсиз забткор қайси кўча ёқалаб одимлаётгани, қаёққа бораётганини ўзи ҳам билмаган ҳолда алламаҳалгача ўйчан тентираб юрди.

Доцент ҳузурида гастрол

Қишки сессия Аламазоннинг картмони дўкондаги вазнига қайтиш арафасида турган даврга тўғри келди. Картмон бундан хурсандми, хафами – бирон нарса дейиш қийин-у, ҳар ҳолда, эгаси уни сўнгги пайтларда тобора камроқ безовта қилаётганди.

«Бийронинг олдида нима деган одам бўлдим энди? – боя уйғонган бўлса-да, ҳануз кўрпадан чиққиси келмай, бошқа томонга ағдарилиб олди Аламазон. – Зикна бўп кетяпти деб ўйлаётгандир?!»

Тўйингга қараб карнайчи айт, деганларидек, ўзи бошида баланддан

келмаслик керак экан. Дастлабки танишувни ресторан официантидан қайтим олмай кўзғалиш ва қизни таксида кузатиб кўйишдан бошланган эди. Бора-бора хотамтойликнинг бурди кетаверди. Сўнгги учрашувлардан бири ишчилар ошхонасида овқатланиш-у, қиз шўрликни оломонбозор автобусга зўр-базўр тикиб жўнатиш шаклида яқунланган бўлса, кечаги гал «панорама»дан чиқишгач, суюклисини сосискахонада типпа-тик турғизиб кўйиб, бир стакан кофе билан сийлашдан нарига ўтолмади.

Хайриятки, купедош таниши Одил сигарет олиш учун бу ерга тасодифан кириб қолди-ю, улар билан бир зум чақчақлашиб, Аламазоннинг пастлаб бораётган обрўйини тўрт-беш поғона кўтариб кўйгандек бўлди. Тошкентда унинг бунақа зўр оғайнилари борлиги Бийроннинг хаёлигаям келмаган бўлса керак.

– Ишларинг қалай? – салом-алиқдан сўнг ўзни яқин тутиб ҳол сўради Аламазон.

Одамзот дегани бирон жойда ишлайди-да, ахир!

Одил сигаретини бамайлихотир тутатаётиб, деворга қоқилган кўкиш тахтачага қалбаки эҳтиром билан кўз қадади – тахтачага папирос сурати солиниб, устидан қизил чизиқ тортилган эди.

– Биласан-ку, биззи иш доим беш, – тутунни тепага пуфлаб, у ҳам эски кадрдонлардай жавоб қилди. – Аммо, сенгаям беш кетиб турибман, нақ паризодни топибсан-а. Ваҳ-ҳаҳ-ҳа.

Бийрон карашма билан жилмайиб, аввал Одилга, сўнг Аламазонга зимдан кўз ташлади.

– Қизларни кўп талтайтирма! – бармоғини ниқтаб, ҳазиломуз ўдағайлади Аламазон.

Одил эса қитмирликни давом эттирди:

– Буниси ҳолва. Хўп десанг, битта янгилик айтаман-у, хонимингни тугалай типирчилатиб кўяман, – у шундай дея, Аламазоннинг розилигини кутиб ўтирмай, иршайиб Бийронга қайрилди. – Бугун базамизга товар келди. Очсак, бари аёлларники: италиан этиги, голланд пўстини, хинд кўйлақлари... – у хиёл сукут сақлаб, қизнинг кўзларига синчковлик билан тикилди, – японча свитерлар, араб рўмоллари, чех сумкалари, костюмли вилвет юбка – «Монтана!..» – шу ерга келганда у тилла тишларини чақнатганича шарақлаб кулиб юборди, – Қара, қара, Аламазон! Потирлашини кўряпсанми? Ваҳ-ҳаҳ-ҳа.

Улар ташқарига чиқишгач, Одил йўл ёқасида турган зангори «Жигули»ни кўрсатиб, тантанавор оҳангда деди:

– Қани, кемага марҳамат қилинглар! Ҳозир трап кўтарилади.

Аламазон миннатдорчилик билдиргандек бош кимирилатди.

– Бийроннинг йўли яқин, – дея Шайхонтовур томонга ишора қилди у. – Мен... уни кузатиб кўяман.

Одил машинага бош суқиб, ён ўриндикда ётган жилддан иккита ташриф қоғозчаси олди-да, бирини Аламазонга, иккинчисини Бийронга тутқазди.

– Бунда телефонларим ёзилган. Бирон нарса зарур бўп қолса,

бемалол...

Ташқаридан куруқшоқ йўтал аралаш ғарғарадор товуш эшитилди.

– Ҳў, акаси, бир секундга буёққа қара.

Аламазон эринибгина бош кўтариб, деразадан ташқарига мўралади.

Қовоқлари шишиб кетганидан тумтайиб кўринаётган ўт ўчирувчи Бойвучча ойига сут олиб келган кўшни ўспиринни бармоқ ўйнатганича хузурига чорлаб турарди. Ўспирин яқинроқ келгач, унга пул узатиб, яна ғариллади.

– Илтимос, яримта арақ опкелгин.

– Менга беришмайди-да, ока, – одатдагидек майин овозда қимтиниб гапирди ўспирин.

– Беришмаса, мени номимни айтасан... Лейтенант акамга де...

Ўспирин истаб-истамай пулга қўл чўзди.

– Арақ бўлмаса-чи? Вино опкелайми?

Ўт ўчирувчининг тиш чўтқасига ўхшаган қошлари бирдан юқори кўтарилиб, ботик кўзлари сўлкавой тангадек чакнади.

– Қатъиян ман қиламан! – деб бақирди у.

Қон-қонига сингиб кетибди шу гап...

Ёзги сессия чоғи эди. Ўт ўчирувчи бир куни уни ўз хонасига таклиф қилиб, чой-пой куйиб берган бўлди. Кузатаётиб беш сўм қарз сўради. У вақтда беш-ўн сўм деган нарса Аламазонга чўт эмас эди, қайтмоғи амри-маҳоллигини кўнгли сеза туриб, янги кўшнининг сазасини ўлдиргиси келмади.

Бадий дурдоналарга ҳеч қандай алоқаси бўлмаса-да, оламда «Ёнғин хавфсизлиги қоидалари» деб номланган қалин муқовали китоб ҳам мавжудлигини Аламазон ўшанда биринчи марта кўриб билувди. Хонтахтанинг четида ётган экан, гап орасида у ер-бу ерига кўз югуртиб кўйди. Ўқилиши зерикарли бўлган бу рисоланинг диққатга сазовор жойи шунда эдики, ундаги жумлаларнинг аксарият қисми «...қатъиян ман қилинади» деган сўзлар билан яқунланар эди.

Аламазон дераза тоқчасида бетиним пичирлаб турган соатига қаради – бештакам ўн. Қалласида айланиб қолган ҳажвий шеърни қоралайман деб уйқуга анча кеч ётувди, росаям ухлабди-да.

Ўрнидан туриб, эринчоқланиб керишаркан, столдаги бўялиб кетган қоғозга хўрсиниб бокди.

Аҳволимни тушунмас ётлар...

Саводсиз бу муҳтарам зотлар

Мен шўрликни

(Қаранг кўрликни)

Гоҳ «илон», гоҳ «извогар» дейди,

(Ўзлари панада ҳар бало ейди).

Тушунинг, ахир!

Менинг касбим – билши,

вақтида маълум қилиш!
Баъзан эса ёниқ сатримда
Йиғлайман ўз қадримга.
Масалан,
Ўқталган-чун менга мугузин,
Қайнатамнинг хўкизин
устидан ёздим.
Ҳих-ҳих-ҳи!
Хўх-хўх-хў!!
Ҳах-ҳах-ҳа!!!
Ҳаммаёқни молдўхтир босди...

Бу ерда шунақа шеърларнинг бозори чакқонроқ экан: ҳар қайси газетада ҳажвий рубрика, ҳар бир журналда ҳазил саҳифа, радио билан телевидениеда алоҳида сатирик эшиттиришлар...

Майли, жиддийлари ёқмаса, кулгилисидан сотамиз. Ишқилиб, харид қилишдан чарчамасангиз бўлди, ноширжонлар. Иннайкейин, уларни босаётган пайтда Шалмонов деган одамга мендан салом айтиб туришни унутманглар.

Етмиш иккинчи йилмиди, етмиш учинчимиди... хуллас, бундан тўрт йилча, олдин туман газетасида Аламазоннинг ўртамиёна ҳазил шеъри босилди. Эртасига туман прокурори Шалмонов уни ҳузурига чақириб қолди.

– Хў-ў-ш... – у столдаги газетани олиб, охириги бетига хўмрайиб бокди.
– «Қароқчи билан порахўр». Ҳм...

Кейин у газетани четга қўйиб, гарчи шеър одамлар ҳақида бўлса ҳам: «Бу масал ўзлариникими?» деб сўради. Аламазон бош қимирлатиб тасдиқлади.

– Ким... бу порахўр?

– Бир сарқит-да.

– Фамилияси?

– Ёзиш биздан, топиш сиздан.

– Хўв, қаерда ўтирганингизни унутманг!..

Ўша Шалмонов ҳозир қаерда ишлаётган экан? Шу одамдан зўр қассоб чиқарди-да...

Аламазон ювиниб келгач, енгил-елпи тамадиланиб, йўлга отланди. Барча фанлар аралаш-қуралаш ёзилаверадиган қалин дафтарни (бекорга «умумий дафтар» дейилмайди-ку) шимининг бўғзига қистириб, куртқасини кийди.

Ҳовлидан шипиллаб ўтиб бораётганда Бойвучча ойи деразани ичкаридан тикиллатиб, кафтини дўлайганича нималардир деб дағдаға қилди. Балки тунда алламаҳалгача чироғи ўчмаганидан норизодир (бандаларим ҳамма ишини осон битирсин деб кундузни, ҳордиқ олсин деб кечани яратиб қўйибди эгам), балки юпқа кийингидан яна ташвишга тушгандир (сен бола охири силкасал бўласан).

Ҳақиқатанам, бугун ҳаво анча изғиринли эди. Йўлка ёқасига бир сафда

экилган олчаларнинг дикрайган шохларида чумчуқлар кўринмас, чамаси, улар ҳам илиқ жойини тарк этгиси келмай, бўғотларда биқиниб ётишарди. Кечагина шохлар учидан бужмайганича қолиб кетган меваларни жанжал-сурон билан териб юришувди.

– Нега ғирромчилик қиласиз?

– Ўзинг ғирромсан! Виждонсиз!

Аламазон муюлишдан бурилиб, ҳозиргина эшитилган товуш эгаларига боқди – мўйловига оқ оралаган сўлоқмондай киши билан саккиз ёшлар чамасидаги бола бир-бирига бўйин чўзиб турганини кўрди.

– Беринг тангамни!

– Танга, танга дейсан! Аввал ўнг-терси қаёқдалигини ўрганвол, хў!

– Ҳой, кўйсангиз-чи кап-катта одам, – Аламазон тўхталиб, сўлоқмонга энгил танбех берган бўлди.

– Энди сен бормидинг? Жўна, бошни қотирма! – Аламазонга кўзини ваҳимали олайтирди сўлоқмон.

Ҳимоячи топилганидан кўнгли кўтарилган бола уёқдан яна тикилинч қилди.

– Ютқазгандан кейин чиданг-да!

– Ме-е-н ютқаздимми? Сенга-я? – дўпписини пешанасига суриб ўшқирди сўлоқмон. – Қирқ йилдан бери ўйнайман бу ўйинни. Ҳе, виждонсиз!

Аламазон энди қатъийроқ оҳангда деди:

– Беринг тангасини!

– Йўлингдан қолма! – сўлоқмоннинг олайган кўзлари бу сафар пилдиروقдек ўйнай бошлади.

– Яхшилиқча бер деяпман! – мушт тугиб, рақибига елка бурди Аламазон.

Сўлоқмон туйқус шаштидан тушди. Иккита ўн тийинлик тангани жаҳл билан боланинг оёғи остига отди.

– Ол-э, назари паст. Тешиб чиқсин.

У Аламазонга бир ўқрайиб қўйгач, жунпайпоққа кийган кенг калишини шاپиллатганича улардан узоқлаша бошлади. Нарироқда ортга ўгирилиб, Аламазонга жағ силади.

– Шошмай тур, қишлоқи. Йигитларга айтиб, сени бир талқонтуйди қилдирмасамми!..

– Бизниям суянадиганимиз бор, – унинг ортидан масхараомуз бақириб қолди Аламазон. – Эшмат ишмага айтсам, йигитларингни димлаб еворади-я.

– Раҳмат, амаки!

Аламазон ярқ этиб болакайга қаради.

– Амаки? – дея афтини буриштирди у. – Малол келмаса, бундан кейин мени «шоир жаноблари» деб чақирсинлар. Бўптими?

– Бўпти, шоир жаноблари.

Аламазон боланинг телпагини сийпалаб, уни эркалатган бўлди.

– Қиморбоз эканлар-да? Жудаям уятли касбни танлабдилар-ку.

– Марўжинага кетаётсам, бу амаки олдимни тўсволди, – ўзини оқлай бошлади бола. – Ке, қизиқ ўйин ўргатаман, деди.

– Музқаймоқ деганни ёзда еса-да одам.


– Менга барибир, шоир жаноблари. Қўлга пул тушиб қолса, қишдаям еб қўяверамиз.

Аламазон аста чўккалаб, бурротил болакайнинг иккала елкасига қўлларини ташлади.

– Ақлингизга тасанно, пирим! Сизни шундай десам майлими? Хуллас, жуда тўғри айтдингиз, баъзи нарсалар фақатгина пулга боғлиқ шекилли.

– Пул бўлса, чангалда шўрва, – қаердадир эшитган гапини сира иккиланмай такрорлади бола.

Аламазон кулиб юборди.



– Сизга тобора ихлосим ортиб боряпти, пирим, – деди кулгиси босилгач. – Лекин, шуниси чатоқки, ўша савил қолгур пул сиз билан менга ҳадеганда йўлиқавермас экан. Мана шунга доғман.

Аламазон факултетга келиб, ишни сиртки бўлим методистига учрашишдан бошлади. Босиқ ва ройишли бу йигитнинг ректору деканлардан ягона устун томони шу эдики, қайси курс қаерда машғулот ўтказаётганини исталган пайтда аниқ айтиб бера оларди.

– Дикқа-а-т! Съёмка!

Залдан текис одимлаб келаётган Аламазонни кўриши биланоқ Шариф деган андижонлик ҳазилкаш йигит аудитория эшиги олдида ғуж бўлиб турганларнинг диққатини тортди. Тўпдагилар Аламазон тарафга боқиб, бир-бир жилмайиб кўйишди.

Курсдошларининг деярли ярми имтиҳонни барвақт топшириб, аллақачон тарқаб бўлишган экан.

– Аламазон ака, имтиҳонга бирга кирамиз, а? – ҳиринглаб гап отди Шариф. – Актёрликни-ку ўрганибсиз, энди менга суфлёрлик қип кўрасиз.

Атрофда кулги кўтарилди.

Шариф ўз сўзида маҳкам туриб, имтиҳонга у билан бирга кирди.

– Менга бир балл кўшадиган бўлдингиз, домла, – билетни олгач, кулимсираб уни доцентга кўрсатди Аламазон. – Буни қаранг – ўн учинчи номер. Ғирт бахтсиз.

Доцент кўзойнагининг устидан мулойимланиб боқди.

– Аксинча, йигит, аксинча. Иримчиларга баҳони бир балл пасайтирамиз.

Аламазон билетга анча маҳал беиштиёқ тикилиб ўтирди, сўнг ҳафсаласизлик билан нималарнидир ёза бошлади. Имтиҳон топширишнинг гали келгач, жавоби ҳам шунга яраша бўлди.

– Бу дейман, йигит, китоб ўрнига кино кўрибдилар, чоғим?

– Тўғри айтдингиз, домла, – бу сафар ҳорғин кайфиятда жавоб қилди Аламазон. – Шу... съёмка кўп вақтимни олди.

– Қанақа съёмка? – кўзойнагини ечиб, астойдил сўради доцент.

Ваҳиманиям, бўрттирманиям зумда қотириб ташлайдиган Шариф орқадан туриб гап қистирди:

– Телефилмда бош ролни ўйнаяпти.

– Ўхў-ў! – доцент, Шарифга бир қараб қўйгач, эндигина сўз қотишга шайланаётган Аламазоннинг шаштини қайтариб, ҳайрат изҳор қилган бўлди.

– Чаккима-а-с. Мен сизга айтсам, йигит, журналистика билан кино аслида Фарҳоду Шириндек бир-бирига яқин. Айниқса, публицистик филмларни оладиган бўлсак...

– Ҳақ гапни айтяпсиз, домла, – унинг сўзини тасдиқлади Аламазон.

– На илож, бу сафарча сизга шафқат қиламиз, чоғим.

– Миннатдорман, домла.

Шариф ҳам имтиҳонни одатдагидек базўр «пийпалаб» чиққач, четроқда йигитлар билан чекишиб турган Аламазонга кесатик қилди:

– Аламазон ака, ўзи имтиҳонга келувдингизми, гастролгами?

Улар уч-гўрт кишилашиб ташқарига чиқиб келишаётган пайтда шахрисабзлик курсдоши Шарифни турткилаб, нимадир деб дўриллаб қўйди.

– Меҳмондорчиликка тобингиз қалай? – Шариф шу заҳоти Аламазоннинг енгидан тутди. – Мана, оғайнмиз зиёфат бермоқчи бўляпти.

– Бир жўрамизда холи квартир бор, – энди ўзи мурожаат қилди «меzbон». – Бачаларга бир гурунг берайлик.

Шариф навбатдаги сўзга оғиз жуфтлаётиб, қитмирланганича яна хириглади.

– Ҳалиги... балет ҳақидаги шеърингизни тағин бир эшитамиз-да.

Бу сафарги сессияда Аламазоннинг боши ўтиришлардан чиқмай қолди. Йигирма кунлик ўқишдан имкон борича ҳордиқ ўрнида фойдаланишни кўзлаб, чўнтагини қаппайтириб келган курсдошлари кунора турли ижарахоналарга таклиф қилишар, уни ўз улфатларига, энг аввало, филм-концерт иштирокчиси сифатида таништиришар, охирида эса балет ҳақидаги шеърни ўқиб беришни сўрашарди.

«Кечки овқатнинг харажати яна ёнга қоладиганга ўхшайди, – ўйлади Аламазон. – Умуман, паловхўрликка нима етсин. Кетдик, васаллом!»

– Э, нимасини ўйлайсиз буни? – унинг пича жимиб қолганини бошқача тушунган «меzbон» қисталанг қилиб тирсагидан тортди. – Бориб, бачаларнинг димоғини чоғ қилайлик.

Улар автобус бекати сари йўл олишди. Аламазон, ҳар эҳтимолга қарши, «Афандининг балетга киргани» деган шеърини ичида қайтариқлаб, хотирасига мустаҳкамроқ қуйиб бораётган эди.

*Чиқди қиз, кўйлаги сандиқда қолиб,
Саҳнада қизил-кўк нурлар туташиди.
Бир хумпар қўлига таёқни олиб,
Машишоқлар олдида кўп ўралашиди...*

«Овчи» ва Овчилар жамияти аъзоси

Одатда, Аламазон, сессия якунланиши билан ҳамма синама ишларини бир ойга қолар-қолмас ёзиб ташлаб, кўнглини хотиржамлаб оларди-да, сўнг ижодга шўнғиб кетарди. Бу гал, курсдошлари билан хайрлашганига йигирма кундан ошибдики, дарслик титкилашга ҳануз қўли бормаётганди. Ваҳоланки, энди у қишлоқдагидан қулайроқ имкониятга эга бўлиб, шундоқ трамвайга ўтирса, йигирма минутдан кейин ўзини университет кутубхонасида кўрар, зарур дарсликларни осонгина олиб, кўпи билан ўн беш кунда барча «қарз»ларидан биратўла қутулиб қўя қолиши мумкин эди.

Ўтган куни ҳам, кеча ҳам, бугун ҳам шундай қилмоқчи бўлди-ю, барибир кўнгли чопмади. Бундай ҳол, албатта кайфиятдан келиб чиқади. Кейинги вақтда юрагига уя қуриб олган ғашлик кун сайин авж олиб, феъл-атвори тўнглик ва тажангликка тобора мойиллашиб бораётганди.

Юпқа қорни кўнжли ботинкасида ғижир-ғижир эзиб, институт ховлисида уён-буён одимлаб юрган Аламазоннинг диққати ошиб, яна куртканинг чўнтагига ёпишди. «Прима»ни олиб, филтрсиз арзон сигаретни иккига бўлгач, бир қисмини мўридай қоп-қора мундштукка тикиб, иккинчи қисмини қайтариб кутига солди. Мисчақмоқ ҳадеганда ёнавермагач, уни бир-икки бор силкиб кўйиб, тағин кетма-кет шақиллатди. Урина-уринга ёқишга эришгач, сигаретини тутатиб олибоқ, мисчақмоқни четга улоқтирди.

У туман редакциясида доимо ишнинг тиғизлигидан нолиб, босим-ла ижод қилиши учун кўпроқ бўш вақт топишни орзулаб юрган чоғларида сурункали бекорчилик бу қадар зерикарли бўлиши, ҳатто фожиавий тус олиши мумкинлигини сира тасаввур этмаганди. Бундай аҳволга тушган одам боласи, ҳатто, қайси жамиятда яшаётганини унутиб юборишиям ҳеч гап эмас экан. Атрофингдан ўтиб бораётган юртдошларинг кўзингга гоҳида чет эл фуқароларига ўхшаб кўрина бошласа, кўрқиб кетаркансан киши. Баъзан бунинг сабаби нимада экан, деб ўйлаб қоласан.

– Соат борми?

Аламазон бошини кўтариб, қундуз ёқали йигит кўлидаги дипломатини айлантариб ўйнаганича қаршисида жавоб кутиб турганини кўрди. Енгини қайириб, соатига кўз ташлади.

– Ўн бирдан ўн бешта ўтяпти.

– Тўчний айтинг, ака.

– Ўн тўртта ўтибди.

– Раҳмат. Бундан чиқди, яна ўн олти минут саланглаб юрамиз.

У дипломатини ҳануз ўнг-сўлга айлантариб ўйнатган куйи битта-битта босиб, нари кетди.

Дастлабки пайтларда корректорлик, солиштирувчилик, курьерликни таклиф этган кишилар ўшанда унга нисбатан катта одамгарчилик қилмоқчи бўлишган экан чамаси. Аламазон эса уларга зарда қилди, масхаралашдан ҳам тоймади. Қайсидир қишлоқдан келиш эҳтимоли бўлган ялтироқ тугмали забткор учун тўрироқдан курси ҳозирлаб туриш тўғрисида улар ҳеч кимдан ҳеч қандай топшириқ олмаганликларини ўшанда Аламазон тушуниши керак эдимми?!

Хўш, шу топда нега эслаб қолдинг буларни? Тўғри, сен мағрур эдинг, такаббур эдинг. Энди аттанг қиялсанми? Афсусланаётган бўлсанг, ана, бориб улардан кечирим сўра, аҳволингни тушунтир. Зора ўша жойлардан биронтаси ҳалиям бўш турган бўлса. Шу билан кўнглинг тинчийдими, ахир? Унда, бораверсанг-чи, сени биров ушлаб тургани йўқ-ку!

«...Мен дедим гурбатда Фурқат бор экан тақдирда-а».

Чуқур хаёлга толган Аламазон, қулоғига чалина бошлаган бу кўшиқ қаерда куйланаётганини англаб улгурмай, транзисторли йигит яқинлашиб келиб: «Сигаретдан топиладими?» дея унга безрайиб тикилди. «Йўқ», дейишга сурлиги етишмай, чўнтагидан сигарет чиқариб, индамасдан унга узатди.

Ашула бандаси! Дунёда нималар бўляпти, шоирларнинг аҳволи қалай, деб ўйлаш йўқ. Радиоси бир умр «Машъал»га созланганича ўтиб кетади.

...Радиодаям уч ҳафтача ўралашиб юрди. Бу ерда одат шунақа экан – аввал синаб кўришади.

Синов даврида ўзиям роса парпиракланиб ишлади-ей. Қисқа вақт ичида битта радиокомпозиция тайёрлади, учта лавҳа ёзди, уруғлик чигит сифатини яхшилаш ҳақида олимларнинг давра суҳбатини уюштирди. Шунча юмушдан ортиб, яна жамоатчи мухбирлардан келган хатларниям шарҳлаб турди.

Нега тиришмасин? Гарчи қишлоқ хўжалик бўлимида бўлса ҳам, харқалай мухаррир деган ном олади. Унга қандайдир курьер-пурерликни таклиф қилишмаётганига раҳмат.

Ҳамма иш маромида кетаётган эди. Гап паспорт пропискасига бориб тақалди-ю, шу қадокқа қадалиб қолаверди. Анча югуриб-елиб, Тўйтепадаги бир танишиникига зўрға «мухрланиб» олган эди, буниси ўтмади. «Тошкент вилояти Лихтенштейн давлатидан каттароқ бўлса ажаб эмас. Пропискани шаҳарнинг ўзига қилишингиз керак», дейишди.

«Радиодалилар, ақалли, гонорарни тезроқ юборишсайди, – орзиқиб ўйлади Аламазон. – Камида эллик-олтмиш сўм қўйишса керак-ов».

Шу чоғда у муқовасига машҳур актрисанинг жилмайиши туширилган картмондаги охириги уч сўмликка таяниб қолганди.

Дарвоқе, яна иккита оқ, битта сариқ тангаси ҳам бор. Оқлари йирикрокмиди ишқилиб?

Аламазон атрофга аланглаб қўйиб, секингина чўнтагидаги тангаларни олди, кафтига кўз қирида назар ташлади – иккита ўн беш, битта уч тийинлик. Ўттиз уч – чиройли рақам!

Ўттиз уч сўм янаям чиройли кўринса керак. Агар чўнтагингда ҳар куни нақд турса, аслида, уч сўм ўттиз уч тийиннинг нафосатиям чаккимас.

Меҳмонхона ноиб, ресторан официанти, такси ҳайдовчилар, тунги бар буфетчиларига картмондан суғуриб отилаётган йирик-йирик пуллар унинг кўз ўнгидан поезд вагонларидай пешма-пеш ўта бошлади. Кошки бу поездни орқага юргизиб бўлса!

Аламазон тангаларни қайтариб чўнтагига ташлади: «жиринг».

Жиринг... жиринг... жиринг... ерда ёзиғлик турган белбоғ... Унга бармоқлардан сирғалиб тушаётган сарғиш чақалар...

Қаерда кўрувди ўша тангаларни? Ўқувчилик пайтида тангаютар сопол мушугини синдирган чоғидами? Йўқ, ўша куни жамғармасини гулдор патнисга тўккан эди. Белбоғдаги тангаларни у бошқа ерда кўрган...

Эҳа-а... мана, ниҳоят эсига тушди. Унда ҳали жуда кичкина эди, мактабга эндигина ёзиб кетишувди.

Бир куни дадаси уни бозорга етаклаб борди. Олдин йўл ёқасидаги ойнаванд магазинга кириб жилд, қалам-дафтар олишди. Кейин харажат қилиш учун бозорга қараб юришди. Дарвозадан кириб боришаётганда бошига оппоқ салла ўраган кўзи ожиз қарияни кўрди. У бир жумлани тинмай қайтариқлаганича четроқда жавраниб ўтирарди. Олдида ёзиғлик белбоғ, белбоғда эса сариқ чақалар. Унга тикилганича тўхтаб қолган Аламазоннинг

лаблари беихтиёр пичирлай бошлади, қарияга жўр бўлиб, унинг сўзларини ичида такрорлашга тушди.

– Э-э, қаёқда қоп кетдинг анқайиб?

Дадаси энди қўлидан маҳкам ушлаган асно расталар ёқалаб бошлаб бораркан, у гадойга жўрланиб пичирлашда хануз давом этарди:

*Элинг битта, қонинг битта,
Ҳасандурсан, Ҳусандурсан.
Қиё боқмай ўтиб кетма,
Акамдурсан, укамдурсан...*

«Ашула бандаси»нинг қўлидаги транзистор тўсатдан жимиб, бир лаҳзадан кейин «тут, тут» этган овоз тарата бошлагани Аламазоннинг эътиборини тортди: «Тошкент вақти билан соат ўн бирдан ўттиз минут ўтди. «Машғал» тўлқинида – сўнгги ахборот...».

Сўнг аёлнинг нозик товуши эркакча дўриллаш билан алмашди: «Тошкент метросининг биринчи навбатини Октябр инқилобининг олтмиш йиллигига совға қилиш учун қурашаётган азамат қурувчилар...»

Текин тамакини ҳузур қилиб сўраётган «ашула бандаси» шу заҳотиёқ «ширк» этказиб транзисторни ўчирди. Гўё сокин шароит юзага келишини кўпдан бери кутиб тургандек, институт биноси ичра қўнғироқ овози янгради.

Танаффусга ажратилган вақт машғулотникидан тўрт ярим баравар қисқа бўлиб, Маориф министрлиги ошиқ-маъшуклар суҳбати учун ўта чегараланган муддат белгилаб қўйган эди. Шу туфайли Аламазоннинг таклифини эшитиб, Бийрон гапни чувалаштириб ўтирмай, дангалини айтиб қўя қолди.

– Дарслар ҳозир мана бундоқ, – қўлини томоғига арра қилди у. – Выходнойдаям тайёрланмасам, ишим чатоқ бўлади. Йўқ, Аламазон, кинога бориш қийин эртага.

Аламазоннинг қорамағиз юзига тундлик кўнди.

– Бўпти-да...

– Ана, кўряпман, – Бийрон эркатойлик билан қикирлади, момик бармоғида Аламазоннинг иягидан турткилаб, уни ўзига қаратди, – дўстидан хафа Аламазон. Дўсти бўлса хижолат чекапти... яна бир ҳафта учрашолмайман деб.

– Бийрон...

– Тамо-о-м, – кўрсаткич бармоғини бу сафар Аламазоннинг лабига босиб, бошини муқом қилаётгандек чиройли кимирлатди Бийрон. – Шўрлик дўсти ҳар куни Аламазонни кўргиси келади. Однако, ўқиш... оёғидан боғлаб қўйган.

– Олдинлари... – «айтилган пайтдаёқ пизиллаб кетаверардинг» деган сўз Аламазоннинг тили учида туриб қолди.

Энди қиз ҳам сал ранжиган қиёфада бўёқли лабини чўччайтирди:

– Ну-у, Аламазон! Ёш болага ўхшайсиз. Ҳаммада бўлади-ку – кеча ундоқ, бугун мундоқ. Буни сизга айтмадими – иккита имтиҳондан ҳали

қарзим турибди.

Қарз! Жуда бошоғриқ нарса-да шу. Тағин турлари кўплигини айтмайсизми: масъулият, вазифа, бурч... то тирик экансан узаверасан, узаверасан... Шундаям бир қисми қолиб кетса керак.

Бийрон узун жун шарфни бўйнига бошқатдан маҳкамроқ чандиётиб, Аламазонга зимдан қараб қўйди. Унинг сўниқ кайфиятда тикилиб турганини кўрди-ю, дарҳол кўзини олиб қочди.

«Кеча ундоқ, бугун мундоқ» эмиш! – хаёлидан ўтказди Аламазон троллейбуснинг орқа бурчагига суюнганича хомуш бораркан. – Гапни айлантирмай, дунёнинг ишлари чалқаш, деб қўявермайсанми!

Умуман олганда, ҳамма иш кўнгилдагидек бўлди. Қайтанга, бир ҳафта чалғимайроқ юради. Бу орада радиодаги қалампулиям кўлга тегиб қолса ажабмас.

Воҳ, ҳали буёқда ижара ҳақи ҳам бор, ой тағин охирлаб боряпти. Аслида-ку, аҳволни тушунтирса, Бойвучча оёи «солиқ»ни бир-икки ойга чўзиб туриши мумкин. Айниқса, Аламазонга йўқ демайди. Аммо, кампирга қандай қилиб айтади бунни?

Навбатдаги бекатда троллейбуснинг эшиги яна очилиб ёпилди. Кимдир чикди, кимдир тушди. Троллейбуснинг эса бу билан иши йўқ – Ер ўз ўқи атрофида айланаверганидек, у ҳам «кўрсатмадаги йўналиш» бўйлаб ғизиллаб турса бас.

Уф-ф! Ошқозон деган нарсада на фаҳм бўлар экан, на фаросат. Эгаси нима аҳволда-ю, бу хумпарнинг жизиллашини қаранг.

Аламазон тушликни қаерда қилган маъқуллиги ҳақида ўйлай бошлади. Илгарилари «маъқул» дейилганда у, энг аввало, овқатнинг таъмини назарда тутар эди, энди бўлса бу сўзни нархга нисбатан қўллашга ўтганди.

«Ҳа, албатта-да! – ниҳоят ўзича қатъий қарорга келди у. – Энг зўри – беданакабоб. Демак, курс – йигирма градус ўнгрқдаги Бешёғочга!»

Бешёғочда троллейбусдан тушаётган Аламазон биқинида шубҳали шарпа пайдо бўлганини сезиб, қўлини чакқонлик билан қўлтиғига чўзди, панжасига кимнингдир совуқ билаги илинди. Бу билак олд тугмаси очик куртканинг шундоққина ички чўнтаги яқинида ҳибсга олинди.

– Қўлни қўйвор! – секингина, аммо дағдағали оҳангда мурожаат қилди кигиз шляпали киссавур. Чап қулоғи чиноқлигига қараганда, қўли эгрилиги учун болалигидаёқ кимдир уни ёшига мос тарзда жазолайман деб озгина эҳтиётсизликка йўл қўйганди, чамаси.

Бу нусха нимаси биландир қишлоқдаги ўша машҳур Мирзақанд пиёнга ўхшаб кетарди. Балки, сурланиб боқишидандир...

Шу маҳал бир нима тап этиб ерга тушди. Аламазон киссавурни пастга тортқилаётиб, йўл-йўлакай пиллапояда ётган картмонини ҳам олишга улгурди.

– Қўйвор, сенга нима ёмонлик қилдим? – кўз қирида уён-буёнга аланглаб, бояғи оҳангда дўқ урди киссавур. – Кимсан ўзинг?

– Овчилар жамиятининг аъзоман, – бошқа нарсаларим жойидамикан

дегандек чўнтақларини пайпаслаб кўраётиб, бамайлихотир жавоб қилди Аламазон. У кўкрак чўнтагидаги қизил муқовали дафтарчасини хиёл суғуриб, қайтадан жойига тикаётган вақтда чанғалидаги биллак саросимали титраб кетгандек бўлди. Аламазон ялт этиб чиноқнинг кўзига қаради.

– Кечиринг, ўртоқ начальник, – пайлари бўшашиб, бошини қуйи солди чиноқ. – Қаёқдан билибман мен...

– Қимирламай тур! – янги унвондан руҳланган Аламазон шу унвонга мослаб пўписа қилди. Сўнг картмонини очиб, ичига назар ташлади – уч сўмлик ўз жойида зумраддек порлаб турарди. Картмонни ёпаётиб, калласига келган ёрқин фикрдан юраги дуқиллаб кетди. – Пулнинг қолгани қани?

Чиноқнинг кўзлари олайди.

– Турибди-ку пул!

– Мен қолганини сўраяпман, – қатига тўртта гиламнинг чанги яширинган палто ёқасини ғижимлаб, уни бир силтаб қўйди Аламазон. – Қани, чўнтақларни ағдар-чи.

Чиноқ шимининг киссасига қўл тикиб, титилиб кетаёзган иккита бир сўмликни чиқариб кўрсатди.

– Бори шу. Майли, тинтиб кўринг.

Аламазон пулни ундан юлиб олиб, куртқасининг чўнтагига тикди.

– Аблах! Гражданлик номусинг қолмабди!

– Узр, ўртоқ начальник...

– Ўласанми... заводга кириб ишласанг?

– Кираман заводга! – Аламазоннинг кўзига тик боқди чиноқ. – Энди ҳалол яшайман деб кечагина қасам ичгим келувди. Тамом, бугун қасам ичаман. Пиво... яхшиси, лимонад цехига ишга кирман. Суратимни бир йилдаёқ «Ҳурмат тахтаси»га осишади. Мен айтдимми – тамом!

Кимдир Аламазоннинг елкасига гурс этказиб қўл ташлади. У сапчиб ортга ўгирилди-ю, поездда бирга келган тепакал илжайиб турганини кўрди. Лакис?

– Бу ўзингмисан, жигар? – қўл бериб кўришаркан, ялтоқланиб кўз сузди Лакис. – Жуда ажойиб отинг бўларди... Алангамиди-ей?

– Аламазон.

– Ҳа, ҳа, Аламазон, – дея бармоғини юқорига бигиз қилди у. – Ким эди анави мағзава?

Аламазон шошиб ортга қаради. Омадсиз «овчи» аллақачон жуфтакни ростлаганини кўргач, ҳеч нарса бўлмагандек хотиржам жавоб қайтарди:

– Қайдам... Гугурт сўраётувди.

Бек Бўриевичнинг ажабтовур жавони

– Менга қара, Лакис, бир беданакабоб есак-чи. Кўнгил кетувди-да.

– Беданакабоб? Шу топда қаердан топасан уни?

Аламазон йўлнинг нариги юзидаги хариди чакқон бўлиб турган ёғоч дўкончани бурни билан кўрсатди.

– Ана, йигирма кадам юрсак бас.

Бу дўкончада ҳар куни тушлик пайти, айниқса, талабалар орасида алоҳида ҳурмат қозонган ўрамаҳамир гўмма сотилар эди. Баҳоси бор-йўғи тўрт тийин-у, ўзи бирам хуштаъм, бирам тўйимлики!

– Номиниям зап топибсан-да, – одатига кўра пихиллаб кулди Лакис. – Беданакабоб-а!

– Юр, ўнта-ўнта туширайлик шундан.

– Яхшиси, менга ёрдамлашвор. Кейин битта зўр жойда қошиқ уриштириб овқатланамиз. Шаҳсан Бек Бўриевичнинг ўзи бизга таом тутадилар.

Лакис уни Бешёғоч бозори томонга бошлади. Аламазон истаб-истамай унинг ортидан қўзғолган чоғда, баланд бино устидаги йирик-йирик ҳарфлар беихтиёр эътиборини тортди: «Пулларингизни омонат кассада сақлангиз!»

Раҳмат! Ҳозирча чўнтаккаям сиғиб турибди.

– Ҳалиям ўша камандировками? – сўради Лакис. – Ё шўтта ишляяпсанми?

– Иш ахтаряпман, – зарда аралаш жавоб қилди Аламазон.

Лакис унинг бирон жойда ўқиган-ўқимаганини суриштирди. Қандайдир Бек Бўриевичнинг насия зиёфати ҳақида ўйлаб бораётган Аламазон тугалланмаган сиртқи ўқиш тарихини чўзгилаб ўтиргиси келмай, «йўк» деган мазмунда бош тебратиб кўя қолди.

– Ўлай агар, бир кўрганимдаёқ ўзимизданлигингни сезувдим, – илжайиб, унинг елкасидан кучди Лакис. – Ҳа, айтгандай, бояги танишинг кимлигиниям биламан... Пх-х...

– У мендан гугурт сўраётувди! – ўқрайиб қаради Аламазон.

Лакис масҳараомуз бурун тортиб қўйди.

– Бўлса бордир...

Улар бозор ичидаги дўконлардан бирига кириб боришди. Лакисни кўрибоқ оғзининг таноби қочган дўкончи: «Марҳама-а-т, меҳмонлар, марҳама-а-т», дея иккаласини омбор ичкарасига етаклади.

Япасқи бурнининг пастки қисми чўтир юзини эгаллагудек бўлиб тарвақайлаб кетган, кенгпешана, пистакўз Бек Бўриевич айни шу сонияда бошқа бир зотни сийлаш билан банд эди. Унинг қаншаридаги қон томирлари бўртиб турган яғриндор шериги сўйлоқ тишини йирқиратиб кавшанганича дастурхонни бир четдан «тозалаб» келаётганди. Ниҳоят, меъдаси қонди шекилли, гавдасини орқага ташлаб, ўхчигудек бир аҳволда кетма-кет кекирди, лабини иштиёқ билан чўпиллатиб, сочикқа қўл чўзди.

– Мана энди дардингни гапир, – шу дамгача сабр-тоқат билан томошабин бўлиб ўтирган Бек Бўриевич, ниҳоят, меҳмоннинг ниятини суриштирди.

– Ҳў кунги айтилган нарса...

– Шу холосми? – унинг гапини бўлди Бек Бўриевич. – Сенга ўзбекчалаб уқтирдим-ку, бўлар-бўлмасга эшигимни қокавермагин деб, тасаддуқ.

– Йи! Телефонни қўйиб, тезда буёққа кел деган ким? – ўшшайиб боқди сўйлоқ.

– Телефон ўйинчоқмас. Бундан кейин телефонда вайсашни бас қил. Шунини айтгани чақирувдим.

– Во, во, бу гап тўғри! – бирдан хушёр тортди сўйлоқ. – Баъзида номер териб, иккита одамнинг гапига уланиб қолган пайтларим бўлган.

Бек Бўриевич уни маъқуллаб бош қимирлатди.

– Бошқаларгаям айтиб қўй, уйимнинг ёнида ўралашиб юришмасин. Атрофда ҳар хил кўзлар бор.

– Ахир...

– Биринчидан, ҳали молни оганим йўқ, – тагин унинг гапини кесди мезбон. – Иккинчидан, келгандаям уни ўзимиз элтиб берамиз. Бу оламда нима кўп – ночорлару югурдаклар.

Масала ойдинлашиб, сўйлоқ энгил нафас олди.

– Жуда эҳтиёткорсиз-да, Бек ака. Айниқса, анави ёқдан, – у бармоқларини панжара қилиб кўрсатди, – қайтиб келгандан кейин янаям устамон бўлиб кетингиз-э.

– Ҳе, лодонлар-а, – ҳомуза тортиб қўйди Бек Бўриевич. – Усталлик қилсам, сенларни ўйлаб қиламан-да. Ҳаммангда бола-чақа бор.

Сўйлоқ тутиб келаётган ҳиқичоғини босиш ниятида бор важоҳати билан чойга ёпишди, уни хўриллатиб-хўриллатиб ича бошлади. Бир вақт, кампирларнинг қарағай сандиғини эслатувчи жавон устида турган ғилофли фотоаппаратга кўзи тушиб, яна «Йи!» деб қўйди.

– Анави турган фотоаппаратми, Бек ака?

– Э, шуниям битта танишимиз илтимос қилувди. Бунақаси камчилроқ экан.

Сўйлоқ биғиллаб кулди.

– Мен эски касбдан ҳалиям бор экан-да дебман.

Ўшанда сўйлоқ мактабни эндигина битираётган даврлар эди. Ўртоқлари билан кўчада чиллак ўйнаб турган чоғда қўлтиғида ёғоч учоёқ, бўйнида фотоаппарат билан Бек ўтиб қолди. Нарироқда тўхтаб, сўйлоқни имлаб чақирди. Боргач: «Саводинг чизиқ чизишга яроқлироқми ўзи?» – деб сўради. «Ҳа», деган жавобни эшитиб, «унда қоғоз-қалам олиб мен билан юр, озгина пул ишлаб келасан», деди. Сўйлоқ суюнганича унга эргашди.

Ўша куни темирйўл вокзалида тумонат одам йиғилган экан ўзиям. Кейин билса, тошкентлик бир қанча ёшлар Қозоғистон чўлини ўзлаштиришга кетишаётган экан. Бек уларнинг раҳбарини суриштиришга тушди. Бошлиқлари ҳам ёшгина йигит экан. Бек унга алланималарни уқтириб, чўнтагидан қандайдир ҳужжат чиқариб кўрсатди. Бошлиқ маъқул дегандек бош қимирлатди ва атрофдагиларга юзланиб, чапак урди.

– Дикқат, ўртоқлар, дикқат! Суратга тушишни хоҳловчилар перронга чиқсин. Тошкент вокзалидан эсдалик. Сурат почта орқали юборилади.

Бир зумда иш юришиб кетди. Бек фотоаппаратининг ғилофини олиб ташлаб, уни учоёқнинг устига ўрнатди. Сўйлоқ эса дафтар-қаламни шайлаганича ерга чордана куриб ўтириб олди.

Талабгорларнинг сон-саноғи йўқ эди. Бири суратга ёлғиз тушди, бошқаси – ўртоғи билан. Тўрт-беш кишилашиб тушишди, гуруҳ бўлиб тушишди, вагон зинапоясида тушишди, деразадан мўралаб тушишди... Қисқаси, сўйлоқнинг дафтари адресларга лик тўлиб, киоскадан семизрок блокнот олишга тўғри келди.

Улар ишни тугатиб қайтишаётганда Бек анҳор устидаги кўприкда тўхтаб, сўйлоққа бир сиқим пул тутқазди.

– Санасак, ошначиликдан путур кетади. Кам кўринса, айтарсан.

Сўйлоқ пулларни кўзи қайнаганича чўнтакка тикди.

– Дафтарларни нима қилай? – деб сўради сўнг.

– Қанақа дафтар? – таажжубланиб бокди Бек.

Сўйлоқ мижозларнинг адреси битилган дафтарларни индамай узатган пайтда у, «ха, буларни айтяпсанми», деб кулди-да, қўлидан олиб, шартта анҳорга улоқтирди...

– Ўшанда ҳайрон бўлувдим-а, шунча расм олди-ю, бирон марта плёнкани алмаштирмади, деб.

Бек Бўриевич сўйлоқнинг бу сўзига мийиғида кулиб кўя қолди.

– Ўша замонларда нақ олов эдингиз, Бек ака. Ҳозир сизга қараб туриб ёқамни ушлагим келади.

Бирдан телефон жиринглаб қолди. Бек Бўриевич эшитқини авайлабгина кулоғига тутиб, мулойим товуш қилди.

– Лаббай, тасаддуқ... Ҳа, сенмидинг? Уйдаман. Келавер.

Улар тушган такси Юнусобод бозори яқинидаги даҳага кириб, эгизакдай ўхшаш уйлардан бирининг ёнида тўхтади. Чўяндек оғир яшиқ иккинчи қаватга олиб чиқилиб, эшик биқинидаги хонага жойлаб бўлингандан кейингина, ҳадемай ҳиммат кўрсатиши лозим бўлган Бек Бўриевич билан танишув маросими бошланди. У аввалига Аламазонни ўта синовчан тикилиб қарши олган бўлса-да, қовоғидаги кичик чандиққа кўзи тушгач, чехрасида бирдан илтифот барқ уриб кетгандек туюлди.

Аламазон Лақиснинг таништиришини кутиб ўтирмай, қад ростлаганича ўз исмини айтиб, бош ирғаб қўйди. Лақис эса бу олифтанамо расмиятчилиқни шу оннинг ўзидаёқ мазах қилди: ўрта аср Оврўпаси боёнларидек мағрурона бош эгиб туриб, пастдан мўлтайиб қиялади.

– Бизниям таниб қўйсинлар – Лақис Калман!

Бек Бўриевич нимтабассум билан қўл силтади.

– Айтмасанг ҳам кўриб турибман каллигингни.

Бу топқирона аскиядан Лақисга қўшилиб Аламазон ҳам жўшиб кулди. Ошхона тарафдан келаётган ёқимли ҳидни илғаб олганидаёқ унинг кайфияти жуда очилиб кетувди ўзи.

Бек Бўриевич «ўтириб турунлар», дея ичкари хонага ўтди, салдан кейин унинг жарангдор томоқ киргани эшитилди. Аламазонга қувноқ кўз қисиб қўйиб, Лақис ҳам ўша ёққа кирди. Иккаласи ғўнғир-ғўнғир қилиб нималарнидир гаплаша бошлашди.

Столда фақат туздон-у, нонга лик тўла тунука идишгина турарди.

Аламазон столни айланиб ўтиб, диванга ўтирди, ҳозирча нонни хуморбости қилишга киришди.

Ниҳоят, Лакис «озод этилди». Келибоқ, Аламазоннинг ёнига суқилиб, костюмининг чўнтагидан олган «Интер»ини столга ташлади. Иккаласи мириқиб чека бошлашган дамда Бек Бўриевич уларнинг нима билан машғуллигини кўриб тургандай, ичкаридан кулдон кўтариб чиқди.

– Овқат ҳам пишиб қолар. Ҳозирча жавондагидан хомаки қип турсанглар бўлармиди.

У кулдонни столга қўйиб, ошхона томонга кириб кетди. Лакис эса фурсатни бой бермай, шу заҳоти қарағай жавон сари интилди. Бориб табақаларини очди-да, ортга ўгирилиб, пихиллаб кулди, Аламазонни имлаб чақирди.

Нима бало, энди биргалашиб сичқон тутамизми дейман?

Аламазон яқинроқ боргач, Лакис иккала кафтини тантанавор ўйнатиб, ғаройиботни қара, дегандек жавоннинг ичкарисини кўрсатди. Жавоннинг ичида биринчиси иккинчисидан, иккинчисидан учинчисидан каттароқ бўлган яна учта жавонча бор эди. Ҳар қайси жавончанинг ўз эшикчаси бўлиб, устларига гугурт кутиси ҳажмидаги қоғозчалар ёпиштирилган, уларнинг биринчисига «обрули меҳмон учун», иккинчисига “ёр-биродарлар учун”, учинчисига «иприндилар учун» деб ёзиб қўйилганди.

– Дунё бўйича бир нусха холос! – отасининг орденини кўрсатаётган пионердек мағрурланиб гапирди Лакис. – Буни очишни оқсоқол битта менга ишонади

У биринчи жавончанинг эшикчасини очиб, тепадаги ғаладонини тортди: писта, бодом, майиз, қуритилган хурмо, асал...

– Пастки томони — музлатгич.

Лакис энди пастдаги пластмасса ғаладонни тортиши билан бирдан совуқ ҳаво уфурди. Ў-хў! «Напалеон» коняги, қази, лимон, анор шарбати, қора икра, камёб шоколадлар...

Иккинчи бўлимда эса ерёнғоқ, шўрданақ, конфет, мураббо, колбаса, арақ, ҳасиб, яхна гўшт кабилар давра суҳбати қуриб туришарди.

Ёр-биродарларга оқибат шунчалик бўлар-да!

Аламазонда бошдаёқ кўпроқ қизиқиш уйғотгани – бу... учинчи жавонча эди. Ниҳоят, бунисигаям навбат етди. Ушбу бўлимдаги ғаладонда атиги бир ликоп оққанду қуртлаган туршак, музлатгичда эса икки банка консерва билан ярим-ёртиси ичилган «Чашма» виноси турганини кўриб, Аламазон кафтида оғзини чангаллаганича пиқиллаб қўйди.

Улар столни «ёр-биродар» тарзида безашаётган чоғда, Лакис: «Бек Бўриевич жаҳл қилганида нима деб қарғанишини биласанми?» – дея ён томондан чўққи соқолга ўхшаб кўринувчи чўзиқ жағини қийшайтириб тиржайди. Сўнг яқинлашаётган қадам товушини эшитиб, «мана, ҳозир кўрасан», деб эшикка юзланди. Мезбон остонада пайдо бўлиши биланок қувланиб гап ташлади:

– Суюнчи беринг, хўжайин. Умрингиз узоқ бўларкан.

– Хўш, хўш? – Бек Бўриевич чехраси ёришганича тўхталиб қолди.

– Тушимда қизил трамвайнинг тагида ўлиб ётганмишсиз.

– Нафасингни иссиқ қил, – бирдан ўкрайиб, жеркиб ташлади Бек Бўриевич. – Ҳе, кунинг учинчи жавончага қолгур!

Лакис билан Аламазон бирин-кетин қаҳ-қаҳ отиб юборишди. Гап нимадалигини пайқаган Бек Бўриевич тезда ўзини босиб, майин бош тебратди.

– Ҳа, эси паст! Жавонни таърифлашдан бошқа ишинг қолмадими дейман.

Чамаси, Лакис ҳам ўлгудек очиққан экан. Биринчи пиёлани бўшатишгач, Аламазондан ўрнак олиб, керагидан ортиқроқ миқдорда газак қилишга тутинди. Бек Бўриевич қатордан қолмаслик учун ерёнғокни шунчаки эрмак қилиб ўтираркан, Аламазонга боқиб: «Аскарликкаям борганмилар, тасаддуқ?» – деб сўради.

– Ҳа! – Аламазон шу топда имкон қадар кам гапириб, кўп кавшанишнинг пайида эди.

– Ҳм...

Бек Бўриевич оғзига ерёнғок солиб, шошмасдан чайнай бошлади.

– Погоннинг ранги қанақа эди ўзи?

– Қора, – гўлдираб жавоб қилди Аламазон. Лунжидагини эсон-омон ютиб олгач, қўшиб қўйди: – Сапёр бўлганман.

– А-а... яъни ернинг тагидан бўмба ахтариб...

– Мина! – яҳна гўштнинг навбатдаги бўлагига қўл чўзаётиб тузатиш киритди Аламазон.

Лакиснинг бирдан қулоғи диккайди.

– Вино дедингми?

Бек Бўриевич бидирлоқ Лакиснинг сўзини эътиборсиз қолдириб, Аламазонни қайтадан саволга тутди:

– Яна қаерларда бўлгансиз, тасаддуқ? Чеккароқ томонларни айтаман-да.

Ҳеч нарсага тушунмаган Аламазон чайнашдан тўхталиб, унга тосрайиброқ кўз қадади.

– Ҳа, мусофирлик қийин, – гапни дарров бошқа ёққа бурди мезбон. – Ёлғизқўллик янаям оғир... айниқса, қариганингда...

Аламазон бармоқларини ялаб қўйиб, эндигина «кампинингиз...» дея сўз бошлаган чоғда Лакис қаттиқ томоқ қириб, маънодор кўз сузди. Бек Бўриевич бўлса, «шўрваям пишгандир-е», деб аста ўрнидан кўзгалди. Аламазоннинг гапини эшитмай қолди чоғи. Ёки эшитмаганга олди.

Бойвучча ойининг «қасри»га олиб борувчи торгина кўча қоронғилик бағрида янада сокин ва хилват кўринарди. Икки ёндаги жулдирвоқи пўстлоқли олчалар тунда янаям қорайиб, бир-бирига чирмашиб ўсган буталарга ўхшаб қолган, симёғочларда хира милтиллаётган яккам-дуккам чироқлар бўлмаса, киши ўзини тўқайзорга кираётгандек ҳис қилиши табиий эди.

Зиёфатдан тетапояланиб қайтаётган Аламазон қайсидир лапар оҳангига

мослаб ўзи тўқиган кўшиқни паст товушда хиргойи қилганича, туртиниб-суртиниб олға бораётганди.

*Бийронгинам, бийронмисан?
Фойдамисан, зиёнмисан?
Ишқингда маст бўлдим, десам,
Кулиб дединг: «Пиёнмисан?»
Ҳа, ўргилай, Бийронгинам,
Қочиб юрган куёнгинам...*

Велосипедларини шарақа-шуруқ қилганича пойгалашиб келган маҳалла болалари кўнғироқларни басма-басига жиринглатиб, уён-буёндан вазира-воз ўта бошлашди. Аламазон бўйин қисгудек бўлиб жойида туриб қолди. Қий-чув товушлар узоқлашиб, тегирмондан бутун чиққанига ишонч ҳосил қилганидан кейин, гандираклаб ортга ўтирилди.

– Ухласанг ўласанми ҳамманг! Ҳе, ўша шайтонаравангни...

Кейин йўлида жимгина давом этди. Рақсбоп ашулаям бўғзида чала қолиб кетаверди.

Оббо Лакис тушмагур-эй! Зўр одам билан таништириб қўйди-да. Бек Бўриевич дегани нақ тилло экан. Сен мусофирга одамгарчилик қилишимиз керак, дейди-я. Еттиёт бегонага, «қийналсанг, олдимга келавер», деб ким айтади ҳозир? Қаерда бор бунақа мард? Ким кўрсатади бошқасини?

Сўққабошман, малол келмаса қарашиб тургин, дейди. Нега малол келаркан? Бунақа мардларга ким ёрдам бермайди!

– Сомалайкум...

Аламазон такқа тўхтаб, товуш келган томонга – осмонга қаради. Осмонда эса ҳатто юлдуз ҳам кўринмасди. Ҳайрон бўлганича тевааракка жаланглади. Дарахтлар ортида қандайдир шарпа сезилди. Нималигини аниқлаб улгурмаган ҳам эдики, ногаҳонда «гуп» этган товуш эшитилиб, паканагина ит олчалар орасидан ангиллаганича чопиб чикди. Аламазон орқага аланглай-аланглай, беихтиёр қоча бошлади. Ит уни кувиб ўтиб, кўздан ғойиб бўлаётган пайтда яна тўхтаб, ёқасига туфлаб қўйди.

– Саломимга нега алиқ олмайсан деб илигимдан ғажимоқчи дебман-а.

Қизик! Агар бу ҳақиқатанам ит бўлса, нега почасига ёпишмади! Ёки қоронғида мушукни итга ўхшатдимиз? Ё тавба! Жуда ғалати иш бўлди-ку – ит нега тишламади уни?

*Айтганди бир девона
Ит ҳақида афсона:
Итлар нега акиллар?
Итлигини таъкидлар!..*

– Кўнглим учун «воп» деб қўймади-я, – қинғир-қийшиқ одимлаётиб, сабабини ўзи ҳам билмаган ҳолда ичи ғашланиб гўлдиради у. – Шуям итми?!

Автобусда текин юришининг ўн етти усули

Юксак тоғларнинг икки тарафида яшаётган бўлишларига қарамай, Эшмат билан Аламазон гўё маслаҳатлашиб олгандек, бугун айнан бир паллада уйқудан туришди.

Эшмат эти дилдираганича кўзини очиб, шоша-пиша кўрпани тимирскилай бошлаган маҳалда осма соат сўнгги марта бонг ураётганди. Уйқусираб девор томонга қаради – роппа-роса етти бўлибди.

– Вей! Қаёқдасан? – кўрпадан чиқмай овоз қилди у.

Хотини дахлиздан кириб келиб остонада тўхтагач, аразчи боладек лабини буриштирди. – Нимага ёнимга ётқизиб кўйдинг болангни? Қара, томоғимгача хўл қилворибди.

– Доим «боланг, боланг», дейсиз. Нима, битта меникими?

Эшматнинг бирдан бурни чўччайди:

– Гапни кўпайтиравурма. Бошқа кийим бер менга! – кейин шовқиндан чўчиб кетиб инжиқлана бошлаган ўғлига энгашди-да, илжайганича папалашга тушди. – Бубу-бубу, туту-туту. Ҳаҳов, тойчоғим! Бир шаталок отиб турворинг.

Орадан кўп ўтмай, олд томонига бўёғи бошқача қанот ўрнатилган «Муравей» бир маромда тариллаганича йўлга чиқиб, маҳалланинг тупроқтом уйларини бирин-кетин ортда қолдира бошлади. Телпагини ғаввосларникига ўхшаш кўзойнакка бостириб кийган Эшмат майдалаб ёға бошлаган қордан олачалпак тус олган шағал кўчанинг ўйдим-чуқурларига чап беришни ҳам унутиб, ўзича хаёл суриб борарди.

Э, кимларни кўрмаган бу кўча. Чоллар баъзан эслаб кўядиган Усмон подичию Ёдгор бойваччаям, Теша «тўртинчи»ю Қоровой кўрбошиям шу йўлдан юрган. Канал қазишгаям, даштни ўзлаштиришгаям, урушгаям шу йўлдан кетишган. Дўппи бир айлангунча, мана энди, Эшматнинг гали келиб турибди. Ҳа, айтгандай, унинг улоқчи опоқ отасиям шу йўлдан минг марта от чоптириб ўтгандир-ов. Йўқ, отни доим чоптириб ўтган дейиш нотўғри. Соврин ололма, шумшайиб қайтган кунлариям бўлгандир ахир...

Яна «катта авария» юз беришига бир баҳя қолди – Бўтавойлар оиласи томорқага ариқдан қувур ўтказмоқчи бўлиб, тунда кўчанинг ярмигача чуқур қазиб кўйишган экан. Хайриятки, Эшмат рулни ўз вақтида буришга улгуриб, ҳалокатнинг олдини олди.

Бўтавой дегани ҳам афандига ўхшаган бир одам. Қайси галварс томорқага қишда дахана очади? Ер метиндек бўлиб ётгандир.

Маҳалла охирлаб бораётганди. У дала йўлига етай деганида Азизаларнинг дарвозаси олдида мутлақо нотаниш «Москвич» машинаси турганини кўриб, газни пасайтирди: «Ие-ие!»

Мотоцикл четда тўхтаб улгурмасидан, Азиза оқ халатли лорсилдок аёлга ҳамдам бўлиб кўчага чиқиб келди. Аёл унга ниманидир тайинлаб, машинага ўтириб жўнаб кетди.

– Нима гап, Азизабону? – ҳалпиллаганича яқинлашиб келаркан, кўзойнагини ечиб, Азизага ҳадикли нигоҳ қадади Эшмат.

– Ўша эски дардлари-да, – деб уй тарафга қараб кўйди Азиза. – Қишда астмалари кўзиб туради.

Эшмат дарддошлик билан елка чайқади:

– Холамизни кўп қийнади-да шу касаллик. Сал дурустми, ахир?

– Укол олиб, енгил тортдилар. Ҳадемай ўтиб кетади.

– Майли, ҳозир безовта қилмайин бўлмаса.

Эшмат борлиқ зехнини юз фоиз ишга солиб, Азизанинг руҳиятини чамалаб кўришга уринди. Қизнинг жун рўмолда янаям хушбичим кўринаётган юзига ярашиқли таранг манглайи, ёйсимон ингичка қошлари, жовдираб боқувчи шахло кўзлари, кўримли ингичка бурни, қирмизи ёноғига рангдош жажжи оғзию нозиккина иягигача бир-бир кўздан кечириб чиқди. Буларнинг барчасида маҳзунлик аломатлари бордек эди.

– Вей, менга қарагин, Азиза, – одатдагидек тўпориланиб мурожаат қилди у. – Мабодо, Аламазондан хат-пат олмадингми? – Қиз «йўқ» деган маънода бош тебратгач, тутақиброқ давом этди: – Сенга ёзмаса, уйига ёзмаса, хатто, менга ёзмаса... Шуми оқибат? Тирикмикан ишқилиб, деб турганингда, лоп этиб газетда шеъри кўриниб қоляпти.

– Иши кўпдир-да, – дея четга кўз ташлади Азиза.

– Тунов куни борсам, аяси йиғлагудек бўлиб ўтирибди... пўстинниям олмасдан кетувди деб. Қаҳратонда тараша бўп қолмасин дейди-да шўрлик... Онаи зор-да.

Азизанинг чеҳрасини хавотир қоплагандек бўлди.

– Кийимни... посилка қилишсаям бўларди.

– Адреси бўлса қиласанми посилкани! – зорлангудек чинқирди Эшмат.

– Вей, ундан-бундан суриштириб, шуни адресини топсанг-чи. Топгин! Жа бўлмаса, Тошканга шартга ўзим бориб, шу саёқни...

Унинг Аламазонга нисбатан кўллайдиган чораси иложи борица ваҳимали, айнаи чоғда, ҳозир Азизани бунга ишонтира оладиганроқ бир шаклда бўлмоғи лозим эди. Эшмат ана шу мураккаб шаклни кашф этолмай, дудуқланганича туриб қолди.

Ҳар кунгидан кечроқ уйғонган Бойвучча ойи обрезада бет-қўлини ювиб, ташқарига чиқди. Туни билан тинмай ёққан қор айвоннинг бир қисмигача кириб улгурган, эрталабки аёз пучуқ бурунни ичкаридан ачиштирарли даражада эди.

У шолрўмолга бурканган куйи пастга тушиб, тойиб кетмаслик учун эҳтиёткорона одимлаганича Аламазоннинг хужрасига яқинлашиб бораётган маҳалда айвондаги радиодан Кремл курантининг черков кўнғироғини эслатувчи жаранги янгради.

– Ҳой, кўзингни оч, ғофил! – деразани кетма-кет тақиллатиб, қурук пўписасини бошлади Бойвучча ойи. – Тур, чиқиб йўлакларни оч, қор кекиртакни кўмаман деб турибди.

Аламазон «Одобнома»га амал қилиб ишни «хўжайка»сининг айвонидан бошлади. Айвон тозалаб бўлингач, пиллапоя олдидан кўча дарвозаси сари йўл очишга киришди. Ёғоч куракнинг сопини қорнига тираб:

«Др-р, пат-пат-пат! Др-р, пат-пат-пат!» – дея овоз чиқариб чопқиллаганича, корларни булдозердек сура кетди.

Кейин навбат ҳовли этагидаги шийпон томон чўзилган йўлакка келди. У иккинчи хужра ёнидан ўтиб бораётган дамда, томоғига дока ўраб олган ўт ўчирувчи отилиб ташқарига чикди. Бармоқ сараклатиб сўзга оғиз жуфтлаши билан бирдан йўтали тутди. У тинмай ўхчир, бармоқлари эса хануз сараклаб, Аламазонни ўдағайлашда давом этарди. Ниҳоят йўтали тийилгач, товуши беркилиб қолгани учун оғзини ката-катта очганича қийналиб ҳирқиради:

– Учинчи сменадан келдим мен. Намунча «дир-дир» қиласан?

– Ие, турумингизни тозалаб қўйсам-у...

– Керакмас! – афтини буриштирганича қўл силтаб, унинг гапини бўлди ўт ўчирувчи. – Ўргилдим сендақа скрейпердан.

У яна йўтала-йўтала хужрага кириб, эшикни ичкаридан тарақлатиб ёпди.

«Сўкмоқ қуриш» ишлари муваффақиятли тугаллангани шарафига берилган нонушта чоғи Бойвучча ойи шу тўғрида гап очиб қолди.

– Анави гўрсўхта нималар деб алжираётувди сенга?

– Чиқиб, «бу йилги энг қалин қор билан чин юракдан табриклайман», деди, – мийиғида кулиб жавоб қилди Аламазон.

Бойвучча ойи лаб буриб деди:

– Бо... Ўзи-ку сахарда ишдан келди. Уйқуни бузиб, табриклашга чиққанини қара. Вой, қуруғ-ей!

Аламазоннинг ковоқлари солиниб, жиддий тортди.

– Тоби йўқроққа ўхшайди. Кўриб, раҳмим келди.

– Кеча оғзи бурнига етиб, роса қусди ўзиям. Ҳайдаб чиқарай десам, уволидан кўрқаман. Ҳайдамай десам, шу ерда ўлиб-нетиб қолса...

– Қўйинг-э, теракдек-ку ҳали.

– Ичи чириган терак бу, – кўзларини бақрайтирди Бойвучча ойи. – Йўталиши хунук, кўзлари сарғайиб ётибди. Арақни камайтиргин, пулига кўшнилардан қатик обериб турай десам, «қатинггни ман қиламан!» деб айюҳаннос тортворди, жазаванг билан кетгур.

Бу гапни эшитиб Аламазон қаҳ-қаҳ отиб кула бошлади.

– Нима деганини тағин бир қайтаринг... Ҳа-ҳа-ҳа... Балки «қатъиян ман қиламан» дегандир? Ҳа-ҳа-ҳа, ҳа-ҳа-ҳа...

Бироздан сўнг у кийиниб олиб, йўлга отланди. Хужрадан чиқиши биланоқ бўғзигача латта ўроғлиқ артизондан сув олиб турган Бойвучча ойи яна бобиллаб берди.

– Ҳу, шилдирамай қолгур. Шу аёзда чарм кастумга бало борми? Сил бўласан охири, сен бола.

«Шунча яшаб, Яланғоч полвон сил бўлмади-ю, нега мен бўларканман?» - дея хаёлидан ўтказди Аламазон.

Маҳаллаларида юнгдор кўкраги сандикдек келадиган, танаси чўянга ўхшаш телба киши бўлгучи эди. Қишин-ёзин биргина иштонда юргани учун уни ҳамма Яланғоч полвон деб атарди.

Бир куни Аламазон мактабдан қайтиб келаётганида яланг оёқлари

билан қорни «ғарч-ғурч» босганича ёнидан Яланғоч полвон ўтиб қолди. Бу сафар у эгнига йиртиқ тўр майка кийиб олган эди. Йўл ёқасида суҳбатлашиб турган қариялардан бири соқолини динкайтириб илжайганича: «Сарупо кутлуғ бўлсин, полвон!» – деб чинғиллади. Яланғоч полвон эса ҳар доимгидек сипо боқиб жавоб қилди:

– Қиш қаттиқ келди. Иссиқ кийинмасак бўлмаяпти...

Аламазон Бойвучча ойига яқинроқ бориб, курткасининг тугмасини ечиб кўрсатди:

– Мана, жункамзулим бор. Ҳаммом қилворади.

– Бошинг-чи, бошинг?

– Бош чиниқиб кетган, Бойвучча ойи.

– А-а? – мазахлагандек сохта илжайди Бойвучча ойи. – Хўш, яқинда нега жағинг дўмбира бўлди, биласанми? Бошингдан совуқ ўтганига! Қани, буёққа юр, – у Аламазонни уйи тарафга бошлади. – Юр деяпман! Топган телпагингни кийвол. Эсимдан чиқай дебди-я.

– Қанақа телпак? – таажжубланганича айвон пиллапоясида тўхтаб қолди Аламазон.

– Хў бирда қувурдан топувдинг-ку...

– Э, нима қиламан ўша пўстакни?

– Пўстакмиш! – хўмрайди кампир. – Яқинда латта-лутталарни титкилаётувдим, орасидан чиқиб қолди, дуппа-дуруст нарса экан. Ана, бир кўргин, жунларини қайчилаб, тараб қўйибман.

Бек Бўриевич тайинлаганидек, Аламазон олдин телефон қилиб кўриб, сўнг уникага йўл олди.

Бундан кейин сизга ўзим қаралашиб тураман, деб ўша куни зиёфатга мос қуюқ ваъдани беришга берди-ю, баҳона қилишга арзимайдиган сабаб билан, мана, ўн кунча вақтни ўтказиб юборди. Биргина Бек Бўриевичга эмас, Бийронгаям бебурд бўлди.

Бундоқ қараганда, Аламазон ҳам иложсиз эди-да – лунжи пуфакдек бўлиб турса-ю, қайси юз билан қиз болани сайилга таклиф қилгани боради? Гарчи ўшанда ёнида пули бўлсаям – етти сўм!.. Болалар журналининг гонорари! Жуда вақтида келди, чўнтагида охирги етмиш беш тийини қолувди.

Хўтигим бор – футболчи,

Одати сал чатоқ-да.

Тўпни ўн бир метрдан

Тепар орқа оёқда.

Дарвозабон гол қўйиб,

Ётар ерни таталаб.

Хўтик қурғур буёқда

Шодон ҳанграр шатталаб.

Бор гап мана шу. Шугинага – етти сўм. Демак, ёзганларини пешма-пеш босиб тураверишса, кунига етмиш сўмгача ишлаши мумкин бўларкан. Ана-е, ўртача эллик ҳам дейлик.

У «Болалар дунёси» магазини олдида трамвайдан тушиб, Юнусободга йўлни қисқароқ қилиш учун автобус бекатига ўтди.

Болалар журнали, болалар магазини... Зумрашаларнинг алоҳида театрию спорт мактаби, тўғаракларга бой саройларию ансамбллари бор. Ҳар қайси истироҳат боғининг тенг ярми шуларники, аттракционларга пул топилса бас... Буларга фақат бир нарса етишмайди – яхши китоблар. Яхши китобларни кўпайтириш эса жуда қийин масала, осмонўпар босмаҳоналар қуриш билан иш битмайди.

Суғуртириб ташланган озиқ тишнинг ўрни беҳос санчий бошлади. Унга Аламазоннинг жағини шошилинич равишда изғириндан қутқариш топширилгандек, етмиш иккинчи автобус ғизиллаганича етиб келди.

Ўтган гал Бек Бўриевичникидан қайтиб келибоқ каравотга гурсиллаб ағанаганича донг қотиб қолган Аламазон эрта-сахарда инграгудай бўлиб уйғониб кетди. Мия томирларини кимдир беаёв чимдиб бураётгандек туюлди. Бу оғриқнинг сабабчиси жағида пайдо бўлган жизиллоқ эканини пича ўзига келганидан кейингина англаб етди. Юзини аста сийпалаб, чап лунжи шишиб қолганини пайқагач, дарҳол тоқчадаги кўзгучани олиб, унга саросималаниб қаради – ана афт-у, ана башара!

Докторларнинг одати – шиш қайтмагунча тишни суғуришмас экан. Шиш эса, Бойвучча ойи тез-тез шўрпахта босиб туришига қарамай, ҳадеганда қайтавермади...

Аламазон, «ишқилиб, манзилдан ўтиб кетмадимми», дегандек ойнақдан ташқарига ҳавотирланиб боқди. Автобус эндигина Бўзсув кўпригига етиб келганди.

Тошканбойнинг жуссасиям тўлишгандан тўлишяпти-да. Яқингинадаям бор гавдаси Эскишаҳару Янгишаҳар бўлса, энди боши Юнусободдаю оёғи Чилонзорда, ўнг кўли Қорақамишдаю чапи Қўйликда. Хўш, Москвадан қаери кам?

Ойнакка елка ёпиштириб ўтирган чол Аламазоннинг фикрини уқиб олиб уни тасдиқламоқчидек, кампирини туртиб, йўлнинг чап бикинидаги ялангликни кўрсатди.

– Шу жойга Телеминора деган антийна қуришармиш.

– Қанақа антийна?

– Телевизўрники-да. Масковдагидан тўрт қарич тикроқ бўлармиш. Масковникидан ҳам тикроқ кўтарилса, шуни билгинки, дунёда энг узунни ўзбакники бўп қолади.

– Э, бормисиз ўзи? – Бек Бўриевич Аламазонни хайбаракалла билан қарши олди. – Кўринмай кетдилар, тасаддуқ?

Аламазон бошидаги телпакни қозикқа илаётиб, аҳволни қисқача тушунтириб ўтди. Бек Бўриевич оқсаганича уни ичкарига бошлаб кириб,

диванни кўрсатди.

– Қани, буёққа, – ўзи эса стулга ўтирди. – Бизниям тобимиз сал андакроқ. Эски ревматизм хуруж кип турибди... Хўп, мен чой кўяй.

У ўшандай оқсаганича ошхонага кириб кетди.

Стол ўтган галгидек «ёр-биродар» шаклида безатиб кўйилганди. Аламазон шўрданакли ликопчани олдироғига суриб, «енгил машғулот»ни бошлади.

– Хавотирланиб ўтирувдим-да, – қайтиб чиқиб, ўнг сонига қўл тираган асно стулга оҳиста ўтирди Бек Бўриевич. – Телефонда, «хозир бораман», деб кўйиб намуноча кечикдилар, тасаддук.

– Аввал трамвай кутдим, кейин – автобус, – мағизни хузур қилиб чайнаётиб изоҳ берди Аламазон. – Бу етмагандек, автобусдан тушаётганимда тутволишиб, анча сур-сур қилишди. Чипта олиш хаёлимдан кўтарилибди денг.

Бек Бўриевич кўзларини муғамбирона қисиб, бош тебратганича тилини чўлпиллатди.

– Э-воҳ, хижолатпазлик бўпти-ку! Бу дейман, усуллар бўйича таҳсил кўрмаган эканлар-да?

– Қанақа усул?

– Мен сизга айтсам, тасаддук, автобусда текин юришнинг ўн еттита усули бор, – олимона гердаиб маълум қилди Бек Бўриевич. – Ҳозиргача кашф этилгани шу.

Аламазон қайрилма киприкларини пирпиратиб, мезбоннинг оғзига диққат билан тикилди.

– Қани, қани...

– Биринчиси – энг оддий усул, – заррача ҳам ўнғайсизланмасдан тушунтиришга киришди Бек Бўриевич. – Яъни чўнтакда доим чети йиртилган бир марталик абонимент олиб юрилади. Хоҳи кондуктор суриштирсин, хоҳи хайдовчи, «ҳозиргина текшириб йиртдинг-ку», деб бездек туриб олинади.

– Буни қаранг-а! – ўтирган жойида бир типирчилаб кўйди Аламазон.

– Иккинчиси янаям беҳишава, – «дарс»ни давом эттирди Бек Бўриевич. – Бунда эски билетни ташламасдан сақлаб юрсангиз бас. Йўловчилар қўлма-қўл қилиб кассага, ё бўлмаса, кондукторга танга узатишади. Тўғрими? Кейин у томондан билет оқиб келади. Шулардан биттасини йўлда ушлаб қолиб, ўзингиздаги эскисини бошқаларга узатворсангиз, олам гулистон. Бу билет келаси сафар яна асқотади...

Лекция чўзилиб, гап ўн олтинчи усул ҳақида бораётган вақтда ошхонадаги чойнакнинг қопқоғи «такира-тукур» рақс тушишга киришди. Бек Бўриевич қийшанглаб одимлаганича чой дамлаб чикди.

– Охирги усул анча қалтис, – суҳбатни эътибор бериб тинглаш билан бирга нон устига гоҳ колбаса, гоҳ яхна гўшт кўйиб ейишни ҳам унутмаётган Аламазонга чой узатиб, гапга якун ясай бошлади у. – Худди бугунгидай паришонликка берилиб, юкоридаги усуллардан фойдаланишни эсдан чиқардингиз дейлик. Автобусдан тушсангиз, олдингизда текширувчилар

турибди. Хўш, нима қилиш керак? Бунда сўнгги чорани ишга солиб, бирдан гандираклар тўхтайсиз, кўкрак тугмаларингизни ечиб, ўқчимокчидек бўғзингизни чангаллайсиз, кўзни ғилайлантириб, тилни сангиллатасиз. Текширувчиларнинг ўзлари кўлтиғингиздан суяб четроққа ўткизиб кўйишмаса, мана, мендан ўпкаланг.

Аламазоннинг файласуфлиги кўзиб, «нодир усуллар»га кўшимча киритишга ошиқди.

– Яна битта йўли бор...

Бек Бўриевич қизиқсиниб қош керди:

– Хўш, хўш?

– Бир куни кондуктор томонга танга узатиб юборувдим, шундайича бедарак кетди. Ярим йўлдаёқ эплаштиришибди.

– Ҳай-хай! – иккала кафтини ундов қилиб, дарҳол эътироз билдирди Бек Бўриевич. – Бундай усул сиз билан бизга тўғри келмайди. Бу энди ғирт шпаналик.

Аламазон кетиш олдидан: «Мабодо, бизга хизмат-пизмат йўқми», деб сўради. Бек Бўриевич қарағай жавонча устидан дўкондаги тортникига ўхшатиб каноп ипда тўртёқламалаб боғланган иккита кутичани олиб, уларни «ёлғизқўл»лар орзиқиб кутишаётганини айтди.

– Муҳтожроқлар озгина обрўйимиздан фойдаланиб, гоҳ уни илтимос қилишади, гоҳ буни. Йўқ деёлмайсан. Қолаверса, бизгаям савоб керак.

Орқа қисми шалвираган телпагини бошга қўндириб, эшикни очмоқчи бўлиб турган Аламазон курткасининг чўнтагига бегона қўл кириб-чиққанини сезиб, норози киёфада ортга ўтирилди.

– Ҳаво совуқ, тасаддуқ. Таксида бора қолинг, – дея унинг елкасига уриб кўйди Бек Бўриевич.

Ўт ўчирувчининг айбномаси

Бир куни Аламазон кўчадан кириб келиши биланоқ, Бойвучча ойи уни тўхтатиб, уйдан шапалоқдеккина қоғоз олиб чиқди.

– Ма, сенга повуска кепти.

Аламазоннинг аъзойи бадани жимирлаб кетди. Қоғозни шоша-пиша қўлига олиб, рақамларга кўз югуртирди. Радиодан! Хазинанинг ўзи экан-ку радио дегани! Шунчалар мўмай қалампули кўйишади деб сираям ўйламаган эди.

– Нима деб ёзишибди повускага?

Аламазон ҳаяжонини яширишга тиришаётган бўлса-да, барибир бунинг уддасидан чиқолмади.

– Юқоридан буйруқ юборишибди, – кўзида қувонч балқиб, Бойвучча ойига ҳазил қилди у. Сўнг қоғозга диққат билан тикилиб, ёзувларни ўқиётгандек қилиб кўрсатди ўзини. – Ўртоқ Аламазон! Январга белгиланган ижара ҳақини ҳурматли Бойвучча ойига олтинчи февралдан, яъни эртадан кечиктирмай тўлаб кўйишингизни сўраймиз...

Эртасидан бошлаб Аламазон қора мундштугини токчага ирғитиб,

кайтадан филтрли булғори сигарет чекишга ўтди. Бензин исини буруқсатиб юрмаслик учун газли мисчакмоқ олди. Орада Бийрониям, Бек Бўриевичниям йўқлаб туришни унутмаган ҳолда, ўн кунга қолмай барча синама ишларини ёзиб ташлади. Энг муҳими, шалвиروق телпагини бош кийимлар устахонасида бошқатдан қолипга солдириб, бинойидек шаклга келтирди.

Мана сизга ўша оддийгина, камтаргина радионинг қудрати!..

*Сенга айтган эдим-ку,
Бу кунлар ҳам ўтар, деб.
Сувдаги, эй, тунд аксим,
Бошингни сал кўтар, деб...*

Уч қисмдан иборат ғаройиб жавон «саховати»га энди унчалар эҳтиёжи қолмаган Аламазон тушликни мўлжаллаб ўтирмай, бугун Бек Бўриевичникига барвақтроқ кириб борди. Мезбон унинг таъмирланган телпагини таниёлмай, «қалпоқ муборак бўлсин», дея одатдагидек илиқ кутиб олди. Аламазон шошиброқ турганини айтгач (дарслар тугамасидан Бийроннинг олдига етиб боришни ўйлаётганди), унинг қўлига боғичли ёғоч яшиқчани тутқазиб, эшик олдида кузатиб қоларкан, юқори қаватдан тапира-тупур югуриб тушган болаларнинг ортидан боқиб: «Ҳа, кунинг учинчи жавончага қолмагурлар-а», дея илжайиб қўйди.

Аламазон тайинланган манзилга бориб, тор кўчадаги пастаккина дарвозанинг зулфини қоқди. Сўйлоқ киши чиқиб келиб, юкни қабул қилиб олгач, чой-пойга шаъма қилиб ўтирмай, дарҳол эшикни ёпди.

«Ялтироқ тугмаларим ёқмади шекилли», дея ўзича жилмайди Аламазон.

Кўчадан қайтиб чиққач, мискарлик дўкончалари бўйлаб Чорсу майдони сари йўл олди.

Умуман, кейинги пайтда Бийронга жудаям серқатнов бўлиб кетмадими? Сотти сатанг бир куни, «қизларга қанча илакишаверсанг, шунча бурдинг кетаверади», деган эди. Шу пандавакиниям гапида жон бормикин? Бийрон учрашувга чиқишни негадир тобора таранг қиляпти. Ҳатто, ширин гапларидаям қандайдир сохталик бордек... Ё Аламазонга шунақа туюляптимикин?

Майдонга етиб келган Аламазон иккиланганича тўхтаб қолди. Барибир Бийронни кўргиси, ўзбекчани бузиб-бузиб айтадиган сўзларини қайта-қайта эшитгиси келаётганди (баъзида унинг: «Хафа бўлмайсиз. Биздан ўзбек мактаби узоқ бўлган», дея кечирим сўраб қўйишининг ўзиям бир жозиба эди).

– Салом бердик!

Аламазон чўчиб бошини кўтарди. Қаршисида, одатига кўра, товуш чиқармай кулганича оғзини каппа очиб, Шариф турарди.

– Бетларни бир ялашайлик энди, – дея юмукдек кўринувчи ковоқлари орасидан кўзларини йилтиратиб, қулоч ёйди у.

– Шариф! – Аламазон паканагина курсдошининг бўйнидан кучиб, бошини бағрига босди. – Омонмисан? Қандай шамол учирди?

– Отпуска олувдим. Бир ҳаво алмаштиргим келди. Баҳонада, синама ишларнинг чаласиниям битирволамиз.

Шарифнинг собиқ қишлоқдоши Машраб Қосимович заводда касаба союз қўмитасининг раиси лавозимида ишлар экан. Улар тушликка яқин етиб боришгани учун кўришиб бўлибоқ, икковини тўғри завод ошхонасига бошлади.

– Аламазон акам менга курсдош, – дея унга Аламазонни таништирди Шариф. – Университетдан чиқиб буёққа келаётувдим, бирдан учрашиб қолдик.

– Жуда соз бўпти, – оғир гавдасини ларзанглатиб, айиқ юриш қилиб бораётган Машраб Қосимович Аламазонга самимият билан боқиб қўйди.

Шариф: «Отангиз сизга бир гап айтворувдилар», дея гап бошлаган чоғда Аламазон уларга халакит бермаслик учун ўзини четга олди – ошхона биносининг бурчакроғида жилдираб турган артезиан томонга бурилди. Тақвим бўйича бундан тўрт кун аввал баҳор кириб келган бўлса-да, ҳаво хануз қиш измида тургандек игнадор, одамни чанқатадиган авзойи йўқ эди. Шунга қарамай, Аламазон артезиандан мириқиб сув ичди, қўлини чайиб, батис рўмолчасини кафтига босди.

У шошилмасдан одимлаганича ошхонага кириб борганида иккала қишлоқдош аллақачон овқатни олиб бўлиб, уни кутиб ўтиришарди.

Овқатланишаётган маҳалда Машраб Қосимович гоҳ-гоҳ зимдан синчиклаб қараб қўяётганини сезиб турган бўлса-да, Аламазон индамай карам шўрва билан «ҳисоб-китоб»ни давом эттираверди. Шариф қўлига гугуртчўп олиб, усти қатқалоқланган чинни қалампирдоннинг кўзини очиш билан овора эди. Тешикчалар тозалангач, идишчани тўнкариб овқатга силкий бошлади, аммо ундан ҳеч нарса тушмади. Қани энди, шу пайтда бу гўсхўрни яйраб эрмак қилишга имкон бўлса!

Машраб Қосимович, тикила-тикила, Аламазондан бирон-бир тузукрок хусусият тополмагандек, компотдан бир симириб олиб, сўради:

– Қовоққа нима бўлган, жиян?

Аламазон беихтиёр қошининг пастроғини силаб қўйди.

– Чандикни айтяпсизми?

– Шавланинг устида суяк талашилгандир-да, а? – ҳазиллашди Машраб Қосимович ва гавдасини силкитиб кула бошлади. – Виҳ-виҳ-виҳ...

– Аламазон акам – боксёр! – чимирилиб, тантанавор йўсинда эълон қилди Шариф.

– Э-э, жуда соз, жуда соз, – Шариф кутганидек Машраб Қосимович энди Аламазонга бошқача эътибор билан боқди. – Руфат Рисқиев чикди-ю, Ўзбекистонда боксга ишқивоз кўпайиб кетди. Тунов куни йиғилишда, «қачон бокс тўгараги очамиз», деб ёқамга осилишди ёшлар. Олдин спорт залимиз битсин, деб зўрға қутулдим. Аслида-ку, битта тренер топилса, йигитчаларни ҳозирча югуртириб-нетиб турармиди...

– Мана тренер, – Шариф кулгисини бўғзига ютиб, кўлидаги қошиқда Аламазонни кўрсатди.

Аламазон ҳам бўш келмади.

– Алохида квартира ваъда қилинса, ўйлаб кўрардик.

– Ана шу масала бизда чато-о-қ, – мутлақо жиддий тарзда афсусланди Машраб Қосимович. – Кичик оилалар ётоғида-ку жой топилади-я...

Патронини пўпанак босиб ётган юз шамли чирок теграсида пирро-пир айланишдан толиққан гиркапалак энди пастлаб учаркан, кўниш учун бехатарроқ бўлган майдончани қидираётгандек, стол узра уёқдан-буёққа моккилана бошлади. Чамаси унинг кўзига сопол товоқдаги қовурма – вулқон, ликопчадаги «чим-чим» – тиконзор, мураббо – ботқоқлик, новвот – сирпанчик қоя, чойнак – жизганак сахро, арақ – ачиган балчиққўл бўлиб кўринди-ю, охири энг ишончли жой топиб, ноннинг устига кўнди. Аммо, зарур миқдорда кислород билан «заправка»ланиб улгурмай, шундоқ боши устида уриштирилган пиёлалар жарангидан чўчиб, тезгир қирувчи учоқдек яна юқорига кўтарилди. Қирқинчи йилларда русумга кирган ярқироқ никелли панжаралари бурама қалпоқча билан маҳкамланадиган каравот тепасидан ўтиб, оҳаклари шувшиган сомон сувоқли девор ёқалаб учганича рангпар қоғоз ёпиштирилган шипга яқинлаша борди, сўнг у ер-бу ерда шалвираб ётган ўргимчак тўрларидан ҳадиксираб, бурчакдаги оҳорсиз новча жавоннинг гирдига бориб тирмашди.

Тинч жой ҳам топилар экан-ку бу оламда?

Улар пиёлаларни бўшатиб, эндигина газак қила бошлашган эдики, эшик қаттиқ очилиб, эски велосипеднинг ғилдиракдек лапанглаганича ўт ўчирувчи кириб келди.

– Мум... мумкинми ўзи? С-салом, кўшнилариим!

Ўтирганлар на у, на бу сўзга жавоб қайтарган бўлсалар-да, у индамай келиб, Шарифнинг ёнидан – столга ёндош каравотнинг четидан жой олди. Бир кўзини зўрға очиб, дастурхоннинг мундарижаси билан танишиб чиққач, остки лабини осилтирганича пинакка ҳозирланди.

– Овқатдан олинг, ака, – дея уни сал туртиб қўйди Шариф.

Ўт ўчирувчи бир хириллаб қўйиб, аста бўйнини ғозлади, кўли ўлжасини авраётган илондек биланглаб сопол товоққа яқинлаша бошлади. Мақсадга етдим деганида олдинга мункиб кетди-ю, боши шилқ этиб стол четига тушди, шу куйи миқ этмай қолди.

– Капут! – қўл силтаб қўйди Аламазон.

Кутилмаганда, ўт ўчирувчи сапчигудек бўлиб бошини кўтарди:

– А? Ким капут? – ўқ еган ярадордек деворга беҳол суяниб, бўшлиққа ўқрайиб тикилди у. – Мен... ме-е-н! Ичишаман! Сенлар билан! Ким капут – кейин кўрамиз. Қуй! М-мард бўлсанг, қуй!

Аламазоннинг «қўйсанг-чи, аҳволини қара» деган маънони англатувчи ишорасига жавобан Шариф секин кўз қисиб, шишада қолган арақни учга бўлди, мўлроғини янги улфатга узатди. Ўт ўчирувчи ичимлик кўлига теккан захоти, дастурхон эгаларини шарафлаб ўтирмай, пиёлани хумдондан

чиққандек тозалаб қайтарди. Қўлини димлама устида тебратиб, чангалига ҳеч нарса илинтиролмагач, бармоқларини бирма-бир ялашга тушди.

– Шў... шўр-ку овқат! – у ниманидир еганига бошқаларни ишонтиромоқчи бўлди. – Е-е-манглар! Қатъиян ман қиламан!

– Бир дам олсалар бўлармиди? – дея кесатди тоқати тугаган Аламазон.

– Майли, ёс-с-тиқ борми?

Аламазон энди мулозаматга бутунлай барҳам берди.

– Туринг, уйингизга кириб ётинг! Вассалом!

– Сс... сеникимас уй, – сурланди ўт ўчирувчи. – Бой... Бойвучча оймники бу. Ҳе, бродяга!

Аламазон ғижинганича ўрнидан турди.

– Яхшилиқча чиқасанми, ё...

– Сенсирама! Мен-н... лейтенантман!

– Йўқол деяпман!

Ўт ўчирувчи бирдан жимиб қолди. Кўзларини юмганича пича қотиб тургач, ўзи билан ўзи гаплашаётгандек, паст товушда сўзлана бошлади:

– Аракни ичирдинг... зўрлаб. Р-расво қилдинг. Энди... ҳ-ҳайдаяпсан. Ву, маразлар! – у ярадор илондек бир тўлғанди-ю, ирғиб ўрнидан туриб кетди. – Туф... иккалангга! М-мени нима қип кўйдинг... иккаланг... ҳамманг?... Ме-е-н!.. Мен-н... ар-р-миягача ичмадим. Ар-р-миядан келдим... ичмадим. Иккаланг... ҳамманг... зўр-р-лаб ичирдинг-ку! Ул... улфатчиликдан қ-қочма, дединг-ку! Ўғ... ўғ... ўғилболамисан, дединг-ку... иккаланг... ҳамманг! Ичдим... «Яш-ша», дединг иккаланг... Ян-на ичдим... қ-қарсак чалдинг... ҳамманг. Ян-на ичамиз, десанг... пул топдим-ку, қарзга. К-кўзинг тўймади. Тағин ичамиз, дединг... иккаланг. Қ-қарз сўрадим яна. Бе... беришмади! П-пулни барибир топдим-ку... хотинимни уриб. Ян-на урдим! Тепдим! Иккалангни деб! К-кейин... – унинг товуши кескин маъюслашди, – кейин... хотиним кетди... Кетворди! Қ-қизим... шириним... уям кетди. Ўғлим к-кетди... тойчоғим, қоп-қора кўзи мўлтиллаб. Оёқчаси кичкина... дўмбоқ. А... амалимниям олдинг-ку... иккаланг... ҳамманг. Ки-и-ичкина амалимни... Ох-хири кулдинг... орқамдан... дўстингга. К-кулма десам, дўппосладинг-ку... т-тишимга тепдинг-ку! Ҳей! Ним-мага урдинг мени?... Энди... т-томоша қилавер... иккаланг... ҳамманг...

Ўт ўчирувчининг шиллиқланиб кетган қип-қизил кўзларидан дувиллаб ёш қуйилди. Ҳамма одамларники сингари топпа-тоза, типпа-тиниқ кўзёшлар.

Бокс қўлқопидаги боғбон

Баъзан ўзимизнинг танбаллигимиз ёки режасизлигимиз орқасидан бирон-бир юмушда қоқиниб қоламиз-у, айбни дарров пулга тўнкаймиз, «ҳамён семизроқ бўлса, шу иш тезда битиб кетарди-я», деб қўямиз. Оламда пул деган нарсанинг ўзи борлигига шукур қилишни, уни ўйлаб топган даҳога раҳмат айтишни эса унутиб қўямиз. Агар, муомалада пул бўлмаса, қандай аҳволга тушиб қолишимиз мумкинлигини ҳеч тасаввур қилиб кўрганмисиз?

... Якшанба. Шаҳарнинг тенг ярмини эгаллаган марказий бозор чумоли уясининг бир неча минг марта катталаштирилган кўринишини эслатади. Колхоз раиси кўлини дўмпайган қорни устида чатиштирганича, тарозининг шайнига зоғдек хушёр тикилиб турибди. Одимловчи эксковаторга ўхшаб кетувчи улкан тарозининг бир палласида – пахта тойлари, иккинчисида – занжирли трактор.

Нарирокда эса геологоразведканинг соқолдор бошлиғи Нефт ва газ саноати нозирлиги вакиллари билан узоқ савдолашиб, қандайдир белгилар туширилган харитачани ниҳоят уч вагон пўлат қувурга айирбош қилишга зўрға рози бўлди. Энди ҳамма гап қувурларни ишчиларга ҳалол тақсимлаб беришда қолганди. Кейин улар билганларини қилишаверсин. Тегишли қувурингни олдинги, хоҳласанг мотоциклга алмаштир, хоҳласанг – чучварага.

Қироличалардек ҳашамдор кийиниб, тақинчоқларининг кўплигидан бўйни майишиб қолган пўрим аёл бир қоп юкни орқалаганича инқиллаб бораркан, йўлда учраган дугонаси уни гапга тутди.

– Ҳой, қаёққа?..

– Анави магазинга чет элнинг мўдний туфлилари келганмиш. Жўхориға алмаштиргани кетяпман...

Расталар ҳам сўфи домласини танимайдиган даражада гавжум.

– Вей, қанча бу? Вей, хўрозинг қанча ўзи?

– Бир қоп ошқовоқ сўраб турибман...

– Сотиладими бу этик?

– Сен ўтавер, ука. Мен эчки етаклаганлар билан гаплашаман...

– Шу ипакнинг пуштисидан керак эди-я.

– Иссиқроқ сомса бўлса, пуштисидан топамиз, қизим...

– Соқолни кирдирсак девдим, уста ака.

– Қўлингда ҳеч вақо йўқ-ку. Ҳа майли, тўрт-беш чеким нос берарсан...

– Хўў, опахон... Хўў, опахон... дўппини бодрингга алмаштирайлик энди...

– Итингни олсанг-чи, итингни! Битта калишга арзимайдиган қанжиқни бозорга тикиштириб нима қилардинг?..

– Манави анорни олиб, бир коса айрон қуйвор.

– Нима қиламан битта анорни? Ўнта бериб, ўн коса ичаверинг...

Аҳвол шу бўлгач, шак-шубҳа йўқки, Аламазонга радиодан қалампули ўрнига ёшроқ бир ғунажин беришарди. Буёқда эса на оғилхона бор, на ем-хашак. Демак, бирдан-бир чора – тўрт оёқли гонорарни дарҳол «ўлик мол»га айлантириш.

У калласини ортиқча ишлатиб ўтирмай, ғунажинни «БелАЗ»нинг ғилдирағи билан қарағай симёғочга айирбош қиларди-да, ҳовлининг бир четига ташлаб қўярди...

Ҳа, яхшиямки дунёда пул деган нарса бор. Йўқса, ҳозир бир стакан газсув ичиш учун Аламазон озмунча заҳмат чеккан бўлармиди!

Хуллас, чанқоқни қондиришга бир-икки кун олдинданок пухта ҳозирлик кўриб, бозорга келган телеграфчилар орасидан симёғочга харидор

топиш талаб этиларди. Боринги, харидор топилиб, симёғоч эвазига кабел ўралган иккита каттакон ғалтак ташлаб кетилди ҳам дейлик. Хўш, шу билан мушкул осонлашиб қоладими? Газсув ичиш учун энди ғалтаклардан бирини учта тандирга, тандирлардан бирини тўртта мантиқозонга, камёб мантиқозонлардан бирини бешта товукқа, товуклардан бирини «Жигули»нинг олтита ойнак тозалагичига, ойнак тозалагичлардан бирини еттита кирсовунга, кирсовунлардан бирини саккизта пуфакчага алмаштириш керак бўларди. Кейин пуфакчалардан бирига муздеккина газсув олиб ичиш мумкин. Шундаям, сувфуруш инсоф қилса. Мабодо, у, сувни фақат перога алмаштирман, деса, пуфакчани «майдалаб» келиш учун магазинга югуришдан бошқа илож қолмайди...

Газсув сотиш бошланибдими, демак, Аламазон телпакни жавонга ирғитиб хато қилмабди. Агар муомалада пул бўлмаганида, ўша телпакни шу бугуннинг ўзидаёқ биронта туфлига «бошма-бош» қилворган бўларди – оёғидагининг оҳори тўкилиб боряпти. Қолаверса, кўнжли.

Аламазон ўйга чўмганича, бўш стаканни аста пештахтага қўйди. Энди унда на «БелАЗ»нинг ғилдираги бор эди, на симёғоч. Картмонида сўнги «товуқлар»гина қолганди.

Ўша куни вокзалда хайр-хушлашиб туришган чоғда, Шариф Аламазонга беш-олтита ўн сўмликни узатиб, «қуруғидан ташлаб кетай озгина», дея ҳазиллашган бўлди. Унинг қўлини қайтариб, чакки қилган экан. Қарз бўлса, узиларди бир куни. Шариф пулни қайтадан чўнтагига солаётиб: «Бирон зарурат туғилса, Машраб Қосимовичга бемалол учрашаверинг», деб қўйди. Гўё Машраб Қосимович газета ёки нашриётда ишлайдигандек.

Тўрт қаватли ғиштин бинодаги турли нашриётларга олиб кирувчи ташқи зинапоя газсув дўкончасидан атиги йигирма қадам нарида эди, аммо шу топда ана шу масофани босиб ўтишга Аламазоннинг хафсаласи келмаётганди. Ниҳоят, оёғи тортиб тортмай, ўша ёққа қараб юрди. Юрди-ю, бадий нашриётдаги бўлим мудирининг тунд ва бепарво қиёфаси яна кўз олдига келди. Ўшанда у худди кўчада ётган ғиштни четга олиб қўяётгандек, унинг жигаридан бино бўлган шеърлар тўпламини гурсиллатиб жавонга ташлаганди. Нариги нашриётдаги мудирдан бекорга хафа бўлганини Аламазон шунда тушуниб етди. Униси ҳарҳолда тўпламнинг у ер-бу ерини варақлаб кўриб, «ҳозирча бир қисмидан ёшлар алманахида фойдаланармиз», деб аниқ фикр айтган эди.

Бўлимга бош суқиши биланоқ хонани тумандек қоплаган аччиқ тутундан унинг димоғи ачишиб кетди. Агар янглишмаса, бундай қалин тутунни у сўнги марта армияда – дала полигонидаги умумдивизия машғулотлари пайтида кўрган эди.

Чамаси, бўлим мудирини Салай Козимга, Салай Козим бўлим мудирига ўчакишиб сигарет бурқсатар, иккаласининг ҳам кайфияти яхши эмасди. Аламазон, саломни деярли эътиборсиз қолгач, четроқдаги стулга қимтинибгина ўтирди. Қимтиниш деган нарса унда кейинги кунларда пайдо бўла бошлаганди, шунда ҳам бу ҳолни фақат нашриёт ёки редакцияга

киргандагина кузатиш мумкин эди.

«Нега бунақа бўп қолдим? – ўзини-ўзи таниёлмай хайратланди Аламазон. – Нега тобора шаштим сусайиб боряпти? Ўзимниям ўзимга ишончим йўқолаётган бўлмасин тагин?»

Аламазон чуқур нафас олди, стол суянчиғига ёйилиброқ ястаниб, бўйнини ғоз тутишга тиришди.

– Ха, энди, ҳажми озгина қисқарган бўлса, нимаям дердик, – стол устидаги папкани титкилаб бўлиб, мўйловини жимириб қўйди Салай Козим. – Ҳажмидан кетса, тираждан келар. Мен ишлаётган нашриётнинг адабиётга алоқаси бўлмасаям, ҳарҳолда қўшнимиз, касбдошмиз, кунига юз кўришамиз. Ўн минг нусха... энди бу жуда кам-да.

Бўлим мудури кулдонга қўл чўзгиси келмай, сигаретининг кулини полга қоқиб, муаллифга менсимайроқ боқди.

– Биринчида-а-н, гонорар сметаси тасдиқлаб бўлинган. Э, бунисиям майли, биз розимиз дейлик. Китоб савдоси барибир кўнмайди. Шу ўн мингтаням қайси идишга тузлаймиз, деб юришибди улар. Ишонмасангиз, ана, бориб гаплашиб кўринг.

- Гаплашамиз ҳам, – кибридан тушмай жавоб қилди Салай Козим. – Йигирматага «йўқ» дейишсаям, ўн беш мингтага кўнишар, ахир?

– Унда, – бўлим мудури сўл қўлидаги гугуртни столга ғилдиратиб отди, – нашриёт хонавайрон бўлади. Кўшимча беш мингта китобга кетадиган қоғозни қўйиб турайлик, сизга бир ярим баравар қалампули тўлаш керак бўлади. Бу энди молиявий зарар.

Салай Козим саросималаниб елка қисди.

– На уёғида учи бор, на буёғида. Қанақа калава бу ўзи?

– Тўғри, нашриётдаям, китоб савдосиям қисман чалкашликлар бор, – зўр бериб тушунтиришга тиришди мудир. – Лекин, менимча, Китобсеварлар жамияти вазифасини яхши бажармаяпти. Китоб пропагандаси деган нарса йўқ бизда. Бор бўлсаям, жуда-жуда сушт. Масалан, китобнинг муқовасига Салай Козим деб ёзиб қўямиз. Хўш, уни ким танийди?

– Ие, нега танимас экан? – Салай Козимнинг кўзлари чакчайиб кетди.

– Тўппа-тўғри! – эшикдан кириб келган марғилон нусха дўппили киши ҳеч қандай муқаддимасиз дарҳол ади-бадига аралашди. – Нега танишмас экан Салай Козимни? Хуш кўрдик, Салай ака, келинг.

– Э, бормисиз?

Дўппили киши Салай Козим билан ачомлашгудек бўлиб кўришаркан, бўлим мудурига масхараомуз кўз қисиб сўради:

– Тўпа Турғун боя жуда хурсанд кетди. Тираж каттароқ бўлибдими дейман?

– Етмиш беш мингта қўйдик.

Салай Козимни тўсатдан безгак тутта бошлагандек туюлди.

– Етмиш беш?!

– Жек Лондондан таржима қилган экан. Бир тўппамни яқинда бракка чиқарувдик, ўрнига шуни киритдик.

– Оббо тулки-ей, планда йўқ нарсани суқиштирдими? Қанақа таржима

Ўзи? Романми?

– Иккита роман. Ўттиз босма табоқ.

– Ўттиз?! – Салай Козимнинг кўлидаги сигарет бармоқлари орасида мажақланиб, полга тушди. – Ҳар табоғига қанчадан кўйдинглар?

Бўлим мудирининг ғаладондан аллақандай папкани олиб, очиб кўрган бўлди.

– Икки юз сўмдан.

– Ставқасиям юқори, тиражиям катта, – қойил қолгандек бош ликиллашиб кўйди дўппили киши. – Етмиш беш минг тиражга, менимча, икки ярим баравар ҳақ тўланади. Демак, икки юз сўмни ўттиз босма табоққа кўпайтирсак – олти минг. Энди олти минг сўмни яна икки яримга кўпайтирамиз... хм...

Салай Козим дўппили кишига кўшилиб, таҳлика аралаш пичирлаганича Тўпа Турғунинг даромадини хаёлида салмоқлаб кўра бошлади.

– Вой-бўё... Росаям яшаб қопти-ку, а? – ҳаваси келгандек орзиқиб ҳайрат изҳор қилди дўппили киши. – Шу китобни неча йилда таржима қилдйкин?

– Бир йилга қолмай ағдариб кўйибди, азамат, – дарҳол жавоб қайтарди мудир. – Ўзи айтди.

– Б... бир йилда шунча... – Салай Козимнинг тили тутилиб қолди. – Мен манави тўпламни икки йил ёздим. Ўзим ёздим. Тўпа тулки тайёр нарсани бир йилда ўзбекчага ўгириб... Борингки, мандан тўрт баравар кўп пул ишлатяпти. Шундайми? Бу иш нотўғри, оғайнилар. Бўлмаса... мана бизам таржимага ўтайлик.

Бўлим мудирининг лаб-лунжи осилди.

– Таржима-а... бу энди... мураккаб нарса.

– Тўпа-чи? Таржима қипти-ку. Ундан нима кам? Биз аллақачон китоб чиқариб кўйган вақтимизда, у газеталардаям зўрға кўриниб юрарди.

– Булар энди кечаги гаплар, – босиқлик билан гапиришда давом этди мудир. – Бугунги Тўпа Турғунни оладиган бўлсак...

Салай Козим титраганича ўрнидан туриб кетди.

– Хўш, ким бўп кетибди у? Ўша Тўпа сулла-да! Бизникига ўхшатиб битта дoston ёзсин-чи аввал. Савод бўлса ёзадими?

Салай Козим сенлар ҳам ўшандан қолишмайсанлар, дегандек зарда билан қўл силтаб хонадан чиқиб кетди. Дўппили киши оғзини қийшайтириб кулганича унинг кетидан юрди.

Бўлим мудирининг ўзича бир зум хушнудланиб тургач, Аламазонга боқиб, бирдан жиддий тортди – уф, шўримга сен ҳам бормисан ҳали?

– Бир қўлёма топширувдим, – Аламазоннинг товуши барибир синиқроқ чиқди. – Номи... «Орқангга қайрилма». Шуни...

Бўлим мудирининг унинг ялтироқ тугмаларига тикилиб, пича ўйланиб қолди.

– Да, да... кўрувдим. Агар адашмасам, икки-уч кунлар бўлди-ёв... почтадан жўнатувдик. Такриз салбийроқ ёзилибди, жўра. Да, анчагина

салбий. Қисқаси, яна бир тер тўқасиз-да.

Аламазон киприкларини пирпиратишдан тўхталиб, бўлим мудирига синчиклаб назар солди – бу тақризчининг фикрими, ўзингникими?

– Шу тўплам икки йил илгариям тақриз қилинувди, – энди дадилрок боқди Аламазон. – Бўш дейилган шеърларни опташлаб камчиликларини тузатиб жўнатувдим. Яна ўша холвайтар денг?

Бўлим мудирининг қиёфасида ўзгариш сезилмади.

– Керак бўлса уч марта тақриз қиламиз, жўра. Балки беш марта... Тўплам яхши баҳо олгунича эринмайсиз-да энди.

– Бу яхши гап! – қўлини ювиб қўлтиққа артган Аламазон кулимсираб ўрнидан турди, мудирга безрайиб боқди. – Баъзилардек хўшшайиб ўтиравермай, шеърларимни кўпроқ пишитсам, тезроқ таниламан. Тўғрими, ака?

Бўлим мудирининг қиёфаси хиёл ўзгаргандек бўлди.

Қушларга қуриладиган ин шаклидаги ёғоч уйчани бир ўзи тўлдириб ўтирган биққи қоровул Аламазонни четроққа тургизиб қўйиб, телефон паррагини ғилдиратишга тушди.

– Ўзларими, Машрабхон ака? Бир бола сизни сўраб турибди-да. Аламазонман дейди... Лаббай? Қошидами? – қоровул туйнукчадан ҳақкадек мўралаб, Аламазоннинг пешанасига диққат билан тикилди. – Бор қашқаси, бор. Хўп бўлади, Машрабхон ака, – у эшитқини хушомад билан жойига қўйгач, Аламазонга ғўдайиб бош ирғади. – Ўтавер, бола. Биринчи қават, бешинчи хона.

«Бу энди Эшмат ишманинг қариганроқ кўриниши», деб ўйлаб қўйди Аламазон.

Кези келса, ўзидан кичкиналарниям «ака» деб аташи, гумбаздек юзи, оғзини хиёл очганича бақрайиб қараши, мундоқларга қуруқ пўписачилиги-ю, ундоқроқларга итоатгўйлиги билан бу қоровул ҳақиқатанам Эшматга жуда ўхшаб кетарди.

Телефонда ким биландир куюнишиб турган Машраб Қосимович эшикдан кириб келган Аламазонга мийиғида бўш стулни кўрсатиб, гапини давом эттирди.

– Нима, Дадаханов? Менга қара, «Хурмат тахтаси» сенга ўйинчоқ бўптими, а? Эсингдами, хотини бултур арз қилиб келгани? Ўчир рўйхатдан! А? Ким? Қанақа дўндик? Ҳа-а, Дундукянми? Ўчир униям! Ишга ичиб келганини ўзим кўрганман... Қулоқ сол, ҳов! Олдин цех бошлиқлари билан яхшилаб маслаҳатлаш. Кейин рўйхатни менга кўрсатарсан... Бўпти, бўпти, ҳамманиям иши тиғиз. Комитет аъзосимисан, бажар! Медални бекорга берганимиз йўқ сенга.

У эшитқини аппаратга босди-ю, юзи бирдан сокинлашди қолди, гавдасини кескин орқага ташлаб, Аламазонга табассум билан кўз қадади.

– Хуш келибсиз, жиян.


Аламазон салом-аликни қисқа қилиб, тўппадан-тўғри мақсадга кўчди.

– Таклифингизни ўйлаб кўрдим. Тренерликка ўзим келадиган бўлдим.

– Жуда соз бўпти-да, – севиниб кетди Машраб Қосимович. – Лекин, квартира масаласи...

– Ҳозирча умумётоқда амаллаб турармиз, – мурувват қилаётган қиёфада сўз қотди Аламазон. – Буёғи бўйдоқчилик.

Машраб Қосимовичнинг елкалари силкиниб, кулгига шайланди.



– Хаҳ, испўртсменлар-а! Арғамчини нарийёғида гуп-гуп, буёғида хотинлардан пилдирпис экан-да? Вих-вих-вих...

Иккита пашша бир-бирига тирмашганича ҳавода чархпалакдек айланиб келиб, стол устидаги календарга тушди. Машраб Қосимович бу никоҳни «22 март»га чаплаб абадийлаштирмоқчидек, чизғични камалакдек букиб туриб, календарга урди. Ажалнинг ўқидан зўрға қутулиб қолган пашшалар бап-баравар юкорига кўтирилишди.

Сур махлуқлардан бири ўзи томонга яқинлашаётганини кўрган Аламазон боксчилардек иккала мушти билан жағини тўсди. Бошини ўнг-сўлга чакқон олиб қочиб хуружларга чап бергач, бир қўлини ҳар эҳтимолга қарши ҳимояда қолдириб, ўнг қўли билан кетма-кет мушт отди. Умрида кўпдан-кўп қувғинларга учраган бўлса-да, ҳали бунақасини кўрмаган хира пашша шошилини равишда чекинишни лозим топди.

Касаба союз раиси касаллик тарқатувчи ҳашаротга қарши курашнинг энг сўнгги усулини кўзи гилдираганича томоша қилиб тургач, ҳозиргина ғалаба кучган Аламазонга қараб деди:

– Хужжатларни бугун-эрта расмийлаштириб, душанбаданок ишга киришинг.

– Улгуролмасам керак, – пайсалланиб боқди Аламазон. – Қишлоққа бориб боксёрлик гувоҳномамни опкелмасам, кадрлар бўлимидаги қоғозхўрлар...

– Кераги йў-ў-қ, – афтини тириштириб қўйди Машраб Қосимович. – Спорт зали битса, балки ҳаммаси жойига тушар-у, ҳозирча сизни барибир «боғбон» деб расмийлаштирамиз.

– Боғ... бон?

– Буни қарангки, корхонамиз рассомини спорт инструктори штатига олувдик.

– Нима, рассомликка штат йўқмиди?

– Борликка бор-а, аммо рассом келмасидан олдин техника хавфсизлиги назоратчисига шундан ҳақ тўланарди.

– Ие! – баттар таажжубланди Аламазон. – Бу соҳага алоҳида ўрин берилмайдими ҳали?

Машраб Қосимович бир тебраниб олиб, эринмасдан изоҳлашда давом этди:

– Берилишга берилади, жиян. Очиғини айтсам, бу штат ҳисобидан бухгалтериядаги иккита қизимизга ярим ставкадан кўшиб қўйилган. Бухгалтерияда иш вазмин, ойлик сал мундоғроқ. Қолаверса, иккаласигаям жамоатчилик вазифаси юкланган: биттаси комсомол билан НТОни бошқаради, униси китобсеварлару қизил яримой жамиятига бадал йиғиштиради.

– Ишқилиб, Овчилар жамияти йўқми заводингизда? – қувлик билан кесатди Аламазон.

Машраб Қосимович бепарво қўл силтади.

– Бўлса бордир. Буларнинг ҳаммасини эсда сақлаб бўладими?

- Бу дейман, шеф, штатлар дунёнинг ишларидек чалкашиб кетибди-ку?
– Нимасини айтасиз, жиян. Вих-вих-вих...

Йўловчилар бекатма-бекат сийраклашаётгани сайин трамвайнинг шарақ-шуруғи ҳам кучайиб бораётганди. Аламазоннинг ортидаги ўриндикда ҳасратлашиб келаётган икки аёлнинг товуши шунга монанд равишда авжланиб, энди улар бутун салонни бошга кўтаргудек бўлиб жавраётган эдилар.

– Бе-е, шу замондаги болада оқибат қоптими? Сизники-ку ҳарбийда, меники ўз оёғи билан чўлга кетиб ўтирибди-ю. Хўп, кетибсан, ҳеч бўлмаса, тез-тез хат ёзгин, ноинсоф...

Аламазоннинг кўз ўнги аста-секин шувалашиб, аясининг тажангнамо сўлғин қиёфаси, аллақандай мунг ва хавотир зухрланган ботик кўзлари, ўсмани соғина-соғина охири чехрасига бадқовоқлик касб эта бошлаган курушқоқ қошлари, ясси пешанасида тобора чўзилиб, чуқурлашиб бораётган «сирли ёзув»лар туманлик ичра элас-элас намоён бўла бошлади. «Хат ёзиб тур, болам...» Хайрлашаётиб айтган биргина гапи шу бўлувди...

– Ҳарбийда овқат текин, кийим текин. Бу, зиғиринг кўпайгур, бир пул юборинглар деса, бир посилка сўрайди. Чидаёлмайди-да. Уйда катта-катта еб ўрганиб қолган-да.

– Меники манави ердаги чўпни анави ерга опқўймасди. Бир китоб титкилашга тушса, бошига товуқ кўнсаям сезмасди. Мана энди, чўлда кўрадиганини кўраётгандир...

« – Ҳой, Аламазон-о-н, ҳадемай совуқ тушади. Дувол-тошларга мундоқ караб кўйсанг бўлармиди?...»

« – Тузатамиз, ая, тузатамиз, Қани, сал қўл бўшасин-чи».

« – Сени қўлинг бақага қош битганда бўшайди. Ана, чиқиб қарагин, кўйларингни охуриям пачоқланиб ётибд».

« – Ҳаммаси бўлади, ая, ҳам-м-маси. Ҳозир каттароқ нарса ёзяман. Шуни битирволай...»

« – Э, ёзишинг курсин сени. Майли, ёзма демайман – ёз... Ора-сира рўзғоргаям қарашиб тургин-да. Буёқда ток кўмилмай турибди».

« – Тушунинг-да, ахир, ая! Буғолтир бўлсам экан, шўрвага хўроз сўйиб келиб, «дебет-кредит»ни қолган жойидан бошлаб кетаверсам. Мен шоирман. Бир соат ёзишдан олдин уч соат ўйланиб ётишим керак. Уволимга қолманг, тинч кўйинг мени!»

« – Ҳе, дувонага ўхшамай кет. Бир жининг кўзиса, тоғни ўпирасан. Ҳафсаланг қочдимми – хўкизда судрасаям жилмайсан-а...»

– Охирига келдик, ўртоқлар! Бешқайрағоч!

«Завод ётоғига кўчиб борибок, аямга хат ёзай, – дея дилига тугиб кўйди Аламазон трамвайдан тушаётиб. – Айтгандай, бирйўла – Арабистонгаям ёзаман».

Унинг профессор тоғаси водийнинг энг машхур шифокорларидан эди.

Бундан икки йилча олдин оиласи билан вақтинча Арабистонга кетиб клиника очган, маҳаллий врачларга тажриба ўргатаётган эди.

Ҳа, врачларни тайёрлаб чиқаришади, синалган қатъий услубга ўргатишади, кўлига зарур асбоблар тутқазишади, малакасини оширишади. Шоир эса ёввойи ўсимликка ўхшайди, кутилмаган жойдан униб чиқиб, сунъий парваришга мухтожлик сезмасдан, қурби етганича ўсаверади, ўрганаверади. Ташқи муҳитга ўта чидамлилигим шундан. Ижодкорлар ҳеч қачон эгатда саф тортиб турилмаган, кимдир озуқа солишини кутилмаган. Уларнинг ҳар бири ўз ҳолича, ўзига хос бўлиб улғаяди.

– Со-о-малайкўм, шоир жаноблари.

Аламазон елкасидаги жилднинг боғларини тутамлаганича, яшноқ жилмайиб турган болани кўриб, чехраси очилиб кетди.

– Ўвв, омонмилар, пирим? – эгилиб болани оғушига тортди у. – Қани, қани, пича отамлашайлик энди. – Улар бекатдаги бўш узункурсига ўтиришди. – Хў-ў-ш, деб гап бошласак... қиморбозликдан бўп турибдими?

Болақай ингичка кўлларини пашша кўригандек силкиб: «Ташладим!» дея ғурурланиб бокди.

– Қойилман, пирим! Қаллангиз зўр ишлаб кўяркан!

Оқ халат кийиб олган ингичка жувон ғилдиракли тунука сандиқчани зўриқиб итарганича келиб, бекат шийпончаси ёнида тўхтади. Харидорларнинг диққатини узоқданоқ жалб қилмоқчидек, чўнтагидан кўзгу олиб, сочларига оро бера бошлади. Аламазон «ҳозир келаман» деган мазмунда боланинг тиззасига уриб кўйиб ўрнидан кўзғалди, жувон билан нима ҳақдадир уч-тўрт оғиз гаплашиб, уни ҳиринглашиб қолдирганича тез қайтиб келди. Кўлидаги музқаймоқни болага тутиб, ҳозиргина аёлга айтган ҳазил шеърини қайтариқлашга киришди:

*Бозорларда бор марўжна,
Олиб берай десанг «мўжна»,
Гаплашиб сал астарўжна,
Танишайлик, пожалуста.*

– Раҳмат, шоир жаноблари.

– Хуллас, шуни қирқ секундда бир ёқлик қилсинлар.

Бола кўпдан-кўп машқлар эвазига кўлга киритган маҳоратини ишга солиб, кўз очиб-юмгунча музқаймоқни қоғоз ўрамадан халос этди. Биринчи ҳамладаёқ унинг ҳар иккала томонидан кетма-кет кемтиб, совуқ луқмани чаққонлик билан у лунжидан бу лунжига ўтказди-ю, бир ютиниб, ҳеч нарса кўрмагандек Аламазонга мўлтиллаб бокди.

– Бемалол давом эттираверсинлар, – унга далда берди Аламазон.

Жағ энди тўла қувват билан ишга тушди. Тишлар – ўз вақтида тақсимлаб бериш, тил – луқмани лунжлар аро айлангириб илитиш, кекиртак – ғўлтиллашиб ютиш, лаб ва танглай эса таъм лаззатидан роҳатланиб «чап-чап» қилиш билан банд эди.

– Вуй-й! Чиройлилигини қаранг!

Бола ҳаяжон билан қўл чўзиб, йўлнинг нариёғини кўрсатди. Новчагина бир киши «Волга» автомобилига ўхшатиб ясалган рангдор велосипедчани кўтарганича мамнун кетиб бораётганди.

– Мен сизга айтсам, пирим, – Аламазон музқаймоқ четига бармоғини теккизиб, ҳузур қилиб тамшанганича ялаб кўрди, – дунёда бунданам чиройли нарсалар кўп. Масалан, дала йўлини чангитиб чопаётган итни олайлик. Ё бўлмаса, булоқдан сув ичиб турган кўзичоқ...

– Кўзичоқни яхши кўраман, – тотиниб бўлиб, завқланиб гапирди болакай. – Мултфилмда бўридан қочиб кетди. Кўзи соққа, а? Жуни жингалак... ойимни сочига ўхшайди.

Аламазоннинг кулгиси қистади.

– Ажойиб ойингиз бор экан, пирим. Табриклайман.

– Барибир аччиғи ёмон-да. «Икки» олсам, кулоққа ёпишади. Кечаям роса чўзди.

– Хўш, бугунги аҳволларидан сўрасак?

– Битта «беш» олдим, – оғзининг таноби қочиб боқди бола.

– Дард кўрмасинлар! – Аламазон унинг елкасига меҳрибонлик билан қўл ташлади. – Бекорга айтишмаган-да «ойнинг ўн беши қоронғи, ўн беши ёруғ», деб. Биз эркаклармиз, пирим, оғир пайтда чидаб юраверамиз. Ёруғ кун келса, ҳовлиқиб ҳам кетмаймиз.

Болакай вазифасини аъло даражада уддалаб бўлиб, музқаймоқ остига тиқилган чўпни четга улоқтирди. Шу заҳотиёқ шийпонча тоmidан учиб тушган ипирисқи чумчук чўпнинг уёқ-буёғини ағдариб, ширинлик юқини чўқишга киришди.

Чумчук бугдой ўрмайди,

Тегирмонга бормайди,

Хамир қориб ёпмас нон,

Шунчаки еб юрар дон...

Буни эшитиб, бола қиқирлаб кулди.

– Бир башорат қилсинлар-чи, шеър яхшими, музқаймоқ?

– Шеър яхши! – сира иккиланмай жавоб қайтарди бола.

– Қанақасига шу хулосага келдилар энди?

Бу сафар бола пича ўйланиб қолди.

– Марўжнани еб кўямиз, – деди у ниҳоят. – Шеър ҳар куни китобда туради.

– Офарин, пирим, офарин! Демак, шеърни ҳеч қандай куч еб юборолмайди.

Навоий ва светофор

Машраб Қосимович ўз кабинетининг ёнгинасидаги каталакдек хонани Аламазонга ажратиб берди. Хонада Улуғбек даврига оид қўлёмалардек

титилиб ётган архив папкаларни қаёққадир ташиб кетишди.

Шунисигаям шукур. Биронта хонага кўшимча стол кўйишиб, вақтинча шу ерда кун кўриб турасан, дейишлариям мумкин эди. Унақада, ҳузурингга кирганлар билан шивирлашиб гаплашишга, чекиш учун коридорга чиқишга, йўталгинг келса аввал хонадошлардан рухсат сўрашга мажбур бўласан киши.

Аламазон стол устидаги «Стюардесса»дан сигарет суғуриб, лабига кистирди. Уни мисчакмоқнинг ёлқинига тутиб турган сонияда ўсик сочи дўнг пешанасига осилиб тушган жиккак йигит кийикдек енгил одимлаганича хонага кириб келди. Бу унинг тўғаракдаги ўнг қўл вазири эди.

Дастлабки кунлардаёқ тўғаракка йигирмага яқин ишчи ёзилди. Бир куни ишдан кейин Аламазон уларни йиғиб, эртадан машғулот бошланажagini эълон қилди. Сўнг калласига бир фикр келиб қолди-ю, «ораларингда илгариям боксга қатнашганлар борми», деб сўради. Шунда мана шу жиккак йигит, «мен учинчи разрядман», деб мактабдагидек қўл кўтариб қўйди.

– Яхши, – деди Аламазон, – бугундан бошлаб ўнг қўл вазиримсан. Зал битгунча мен кўпроқ ташкилий ишлар билан банд бўламан. Майда-чуйда машғулотларни ўзинг ўтказиб турасан. Биринчи ўринда танани чиниктириб, пайни пиширволишимиз керак.

Бир пайтлар мактабдаги футбол тўғарагига аъзо бўлиб кирганида, кориндор мураббийи унга худди шу гапни айтувди. Ўшанда Аламазон фаолиятини ҳужумчиликдан бошлаб, дарвозабонлик билан яқунлаган, ўртада қиличбозликка ҳам тумшук суқиб чиқишга улгурган эди. Ишқилиб, хаётда ҳамма нарса асқотиб қоларкан-да.

– Аламазон ака, – келиб, эркатойлик билан стол четига ўтирди «вазир», – зал битишини кутмасдан, ҳеч бўлмаса, қўлқоп билан груша оптурайлик.

– Груша? – киноядор кулимсиради Аламазон. – Ўзбекчага тилинг келмай қоляптими?

– Ҳа, хўп... нок! – «вазир» бир чимирилиб қўйди.

– Энди айт-чи, нокни қўлқопга нима алоқаси бор?

«Вазир» бирдан қаҳ-қаҳ уриб, ўрнидан туриб кетди.

– Қўйиб берса, одамни ёмо-о-н калака қиласиз-да...

Нок билан қўлқоп ўртасида қандайдир боғлиқлик борлигига ишонч ҳосил қила бошлаган Аламазон дарҳол ҳушини йиғиб олиб, ёрдамчисига юзакироқ хўмрайганича бармоғини сараклатди.

– Нақ елимнинг ўзисан! – сўнг масалани иложи борича силлиқлик билан ойдинлаштиришга уринди. – Менга қара, ҳозир нима кераги бор ўша...

– Кунлар исиб қолди, Аламазон ака, – таклифини очикроқ қилиб гапирди «вазир». – Грушаларни вақтинча волейбол майдончаси четидаги дарахтларга осиб, дўппослаб тураверсак девдим.

Аламазон груша нима эканини ниҳоят кўз олдига келтирди: дарвоқе, боксчилар хомаки саваб ўрганадиган осмақоплар орасида нокка ўхшаганиям бўлгувчи эди.

– Маъқул, – енгил тортиб, бош ирғади Аламазон. – Машраб Қосимович билан маблағ масаласини гаплашиб кўраман. Кейин... Яна бир гап – мен ёзги

сессияга тузукроқ тайёрланишим керак, имтиҳонлар бизда қаттиқ ўтади. Йигитларнинг «ёғини олиш», асосан, ўзингга қоляпти. Уларни такасалтанг қип қўймагин.

«Вазир» буёғидан ғам еманг, боппаймиз, дегандек муштини қаттиқ туғиб кўрсатгач, қайтадан стол четига ўтириб, тортиниброқ савол берди:

– Ўқиш битса... зўр бўп кетарсиз дейман ҳали?

Аламазон тавозе билан қош керди, киприкларини пирпиратганича шипга боқиб, пича ўйланган бўлди.

– Агар омадим юришса, – дея қиялаб кўз ташлади у, – мени Юлдузистон шаҳаншоҳлигига махсус мухбир қилворишлариям мумкин.

Аламазоннинг куни тушгача баённома ёзиш билан ўтди. Йўқ мажлисга баённома. Шуям иш бўлди-ю.

Кеча Машраб Қосимович унинг хонасига кириб келиб, қўлидаги газетани столга ёйди, биринчи бетга бармоқ ниқтаб, каттакон сарлавҳани кўрсатди: «ВЦСПС қарорлари».

Хўш, нима бўпти?

– Энди журналистчасига бир иш қиласиз-да, жиян, – Машраб Қосимович ниҳоят мақсадга кўчди, – Манави қоғозга бирнеча кишининг исм-фамилиясини, касбини ёзиб қўйдим. Бутуниттифоқ касаба союзи марказий советининг шу қарорларидан келиб чиқиб, мен нутқ сўзлаган бўламан, улар муҳокамада қатнашган, гапларимни қўллаб-қувватлаган бўлишади. Қисқача айтганда, тўқиб-чатиб, битта протокол тузиб ташлайсиз. Бугунги числони қўйинг.

Кейин унга олдинги мажлиснинг баённомасини узатиб, мазкур тартибда «деловой қилиб» ёзиш кераклигини уқтирди.

Деярли кунора шу аҳвол – спортга умуман алоқаси бўлмаган топшириқлар чиқиб туради.

«Мажлисниям ўтказиб бўлдик, – машинкага беришга тахт қилинган баённоманинг варақларини йиғиштираётиб ўйлади Аламазон. – Энди тошбақадек дўмпайиб ўтиравермай, бирон жойга бориб келсак ҳам бўларди».

Қаерга? Бек Бўриевичникигами? Редакцияларни бир кезиб чиқсамикан? Бийрон билан-ку икки кун илгари учрашувди. Баҳонада, «уйкўрди»ниям ўтказиб олди...

– Чаккимас, Аламазон, чаккимас. Ювиш керак буни.

Бийрон остонадан ўтиб пича тўхтаб қолди, хонани синчиклаб кўздан кечира бошлади: ойнаги чатнаган шифонер, нарироқда янги бўялган бўйдор кути, тўридаги дераза остида ёзув столи, ягона стул, хонанинг иккинчи томонида каравот, бурчакроқда электр човгуни биқиниб турибди...

Хона соҳиби стол устидаги қоғоз-қаламларни дераза токчасига кўчириб, стул чангини сочиқда наридан-бери қоқиб қўяётган пайтда Бийрон янада ичкарироқ кириб, деворга ёпиштирилган суратларни томоша қилишга тутинди. Аламазондаги қизиқув чегара билмаслигини сурат остидаги ёзувлар ҳам яққол кўрсатиб турарди. «Навоий ва Гули», «Биродар Абдурайимовнинг тўксонинчи тўпи», «Сергей Есенин, 1925 йил», «Голливуд кино юлдузи

Бринж Бордо», «Фаластинлик бола», «Мана ўша совриндор эстон букалари!», «Рингда – Руфат Рисқиев»...

– Марҳамат, хоним, – ясама илтифот билан таъзим қилиб, стулдан жой кўрсатди Аламазон. Ўзи каравотга чўкди. – Қалай, карвонсарой ёқдимми?

– Ёмон демайман, – стулга ўтираётиб, хонага қайтадан кўз югуртириб чиқди Бийрон. Сўнг одатдагидек чиройли усулда қўлини бўйнига арра қилди.

– Бир кишига мана шундоқ етади.

Аламазон унинг кўзларига қадалиб тикилди.

– Икки кишига-чи?

Бийроннинг ёноғидаги қизиллик бир зумда лўппи юзига тарқалди.

– По моему... Яна битта кроватни қўйганда...

– Иккинчисини қўйиш шартми, йўқми, буни энди уй бекаси ҳал қилади, – зимдан муғамбирона боқди Аламазон.

Бийрон ўзини бироз ўнглаб олиб, бу сафар бамайлихотир жилмайди.

– Аҳа! Гап буёқдами? Унда бу ишни ҳозирдан ўйламанг. Шоирлар сочи оқарса уйланади. Биламиз.

– У замонлар аллақачон ўтиб кетган, – ҳазилни давом эттирди Аламазон. – Эндиги шоирлар сочим тезроқ оқарсин деса, фақат уйланиши керак.

Аламазон йўлга отланишдан олдин, бир йўла «шеф»нинг кўнглини тинчитиб қўйгиси келди. Кирса, хона бўм-бўш, Машраб Қосимович қаёққадир чиқиб кетибди. Баённомани унинг столига қўяётиб, телефон эшитқисини тушуриб юборди.

Айтгандай, Бек Бўриевичдан бир аҳвол сўраб қўйиш керак. Унинг ишга жойлашиб олганидан беҳабар, дастёрим келиб қолар деб ўтиргандир?

Аламазон Машраб Қосимовичнинг креслосига ястаниб, номер терди. Эшитқидан бегона кишининг товуши янгради.

– Да!

– Бек Бўриевич уйдадилар?

– Бек Бўриевич бирон ой уйда бўлмади.

– Ҳой, Лакис эмасмисан?

– Ҳа, мен... Ўзларини танимадик-ку?

– Аламазонман. Бек Бўриевич қаерга кетди? Тинчликми?

– Тинчлик. Чолни касалхонага ташлаб келдим. Охири юролмай қолди...

Аламазон эшитқини қўйиб, столни чертганича ўйга чўмди.

Тирикчиликнинг кетидан югуравериб, мана, охири оёқниям ишдан чиқарибди. Шўрлик майда савдогар... Шошма, шошма, сен ўйлаганчалик майда бўлмаси-чи?

Бас! Ҳаддингдан ошяпсан, йигит. Такси кираларни индамайгина олардингми? Олардинг! Зиёфатларни ямлармидинг? Ямлардинг! Шундай экан, энди жимгина юравер.

Ҳажвий журналнинг масъул котиби ихчамроқ шеърлардан уч-

тўрттасини танлаб олгач, соатига қараб қўйиб, уни ошхонага бошлади. Бу сафар ҳам худди Аламазон ўйлаганидек бўлди: котиб уни чой олишга юбориб, ўзи кабобга навбатга турди.

Доим шунақа қилади – ҳам бир-иккита шеърини танлаб олиб, иложи борича журналнинг яқинроқ сонига тушириб юборади, ҳам қорнини тўйдириб жўнатади. Тўғри, шеър саралашда озгина инжиқлигим бор: у, асосан, ижтимоий руҳи кучлироқ ҳажвларни ёқтиради, қанчалар кулгили бўлмасин, мазмуни энгилроқ қораламаларни индамайгина қўлингга қайтиб беради. Кейин қайсидир газетанинг адабий ходими айнан ўша қайтган шеърларни танлаб олади.

На илож, ҳар кимнинг диди ҳар хил бўларкан. «Элликбошига – «Танавор», карвонбошига – «қўнғироқ», деб бежиз айтишмаган.

Лекин, тамагир зотининг юз хилини кўравериб жонинг ҳиқилдоғингга келиб юрган пайтда, кимдир сендан бирон манфаат кутмасдан ҳадеб яхшилик қилаверса, юрагинг хит бўп кетаркан. Гоҳида: «Мендан нима истайсиз ўзи?» – деб бақириб бергинг келади. Ахир, беминнат яхшиликнинг ҳам чегараси бўлиши керак-ку! Наҳотки, у Аламазонни сурункали ғамхўрликка муҳтож гўдакка ўхшатса! Нима кераги бор буни? Меҳрибонлик ҳам эви билан-да! (Аяси уни баъзида, «жирракилигингдан сен ношукурга на иссиқ ёқади, на совук», деб уришарди).

Улар тушликка барвақт чиқиб зап донолик қилишган экан. Сал ўтмай, сомсахонанинг айвонию палов қозонининг атрофи одамга тўлиб, лағмонхона тўйнуғи олдида қошиқ билан қуролланганлар сафи пайдо бўлди. Ялангдаги кабобнинг эса фақат тутунигина кўринарди. Жой кидириш, чойнак-пиёла суриштиришлар бошланди. Лаънати ошхоначи фойда кўришни билади холос. Мижозларни хўрламай, чойнак-пиёлани кўпайтириб қўйса, хотини талок бўладими?

Кабоб сихининг учига кулларни қоғоз парчасида тозалаётган котиб бир вақт эшик томонга бўйланиб, сўзга оғиз жуфтлаганича туриб қолди. Аламазон ўша ёққа боқиб, кўк свитерга жигарранг костюм-шим кийган озғингина йигит бир қўлида палов, иккинчисида нон билан аланглаб турганини кўрди.

– Ҳў, Акбарали, – ниҳоят овоз қилди котиб. – Келаверинг буёққа.

Йигит улар билан сипо саломлашиб, қўлидагиларни столга қўйди. Ягона бўш стулга ўтиргач, «овқат топсанг, жой топмайсан», дея бошини чайқади.

Котиб иккала ёшни бир-бирига қисқача тарзда таништирди.

– Кеча алманахизмининг сигналнийси келувди, – Аламазонга хушхабар айтган бўлди Акбар. – Сизниям беш-олтита шеърингиз бор эди, чамаси.

Аламазоннинг кўзлари қувончдан порпираб кетди.

– Чиқдим алманах?

– Бу дейман, Акбарали, – тегажқликни бошлади котиб, – гулзор кенг бўлсаям, гул олдин қўшнисини кўраркан-да? – Кейин калтабақай бўйнини елкасига қисгудек бўлиб Аламазонга юзланди. – Ҳамюртингни илгариям танирмидинг?

– Энди кўришяпмиз, – Акбарга тикилиб туриб, котибга жавоб қилди Аламазон. – Шеърларингизни кўп ўқиганман, Акбар ака. Менга жуда ёқади.

– Ҳай-ҳай, – котиб туташ қошларини учуриб қўйиб, Акбарга кўз қисди. – Иш бошлаганига икки ҳафта бўлмай туриб нашриёт редакторига хушомад ёғилиб кетди-ку.

Акбар, бир қарашда, хилвираб тургандек кўринарди. Яхшироқ кузатилса – суяги мустаҳкам, чайирпай, маъюс ва оғиртабиатлигига қараганда, ҳаётда фақат ўзига ишонадиган йигит эканлигини сезиб олиш қийин эмасди.

– Ётиш-туришлар қандай бўляпти? – сихда тишини кавлаётиб, Акбардан сўради котиб.

Акбар кулимсираб елка қисди.

– Ўлмагудек шекилли. Ҳозирча бир танишникидаман. Жой етарли-ю... Хотин-халаж бор жойда...

– Бола-чақалар қишлоқдами ҳалиям?

– Тўртта бола билан ижара туриш қийин. Бирон йилда уй беришмоқчи. Чидармиз энди.

– Ҳай, омонлик бўлсин.

Шу лаҳзада Аламазоннинг миясига бир фикр келиб қолди. Аввалига тегажоқ котибдан тортиниб, тилини тийди. Кейин Акбарга иккиланиброк боқиб деди:

– Агар... кўнглингизга тўғри келса, мен билан тура қолинг. Битта хонада ўзимман. Комендантга айтсам, каравот қўйиб беради.

– Ана! – кутилмаганда котиб жиддий қиёфада бу фикрни маъқуллади. – Жой ҳам топилди ҳисоб. – Сўнг барибир ҳазилга ўтди. – Қўрқманг, Акбарали. Аламазон кечаси чўнтакка тушадиганлардан эмас... Ҳой, мундок қараганда, бир-бирларингга ўхшаб кетаркансизлар-да ўзиям.

– Мумкинми, домлалар? – тўрт сих кабоб кўтариб олган такаббур бир зот қаердандир олиб келган стулини Аламазон билан котибнинг орасига тикиштирди.

– Келинг, Раисберди, келинг, – унга энсаси қотиброк муомала қилди котиб. – Дунёда нима гап энди?

– Бир экстра класс нарса ёздим, – кабобни ямлаётиб гўлдиради Раисберди. – Адабиётшуносликда шов-шув кўтарамизми дейман-да.

– Каттароқ гапми? – кўзини чақчайтириб, унга яқинроқ эгилди котиб.

– Улкан! Энг муҳими – йилт янги гап!

– Ҳай, эшитайлик бўлмаса.

Раисберди йигитларга шубҳадор қараб қўйиб, котибга «буларнинг оғзи маҳкамроқми ишқилиб», деган маънода саволчан тикилди:

– Гапираверинг, йигитлар ўзимизники, – дея уни тинчлантирди котиб.

– Рисоламдаги сарлавҳанинг ўзи – сенсация!

– Анавини қаранг!

– Яъни, «Навоийнинг илмий-техникага солган асоси!»

Раисберди бир ҳамладаёқ барча адабиётшуносни бирваракайига ерга қапиштириб ташлаган каби ғолибона қад ростлади. Сўнг, «ё ҳалиям биронта

соғи борми», дегандек, ўқрайган кўзларини ғилдиратиб, тевааракка ғазабнок аланглади.

– Ҳай, давомини эшитайлик-чи.

– Масалан... ўхув... – Раисберди, Аламазоннинг олдидаги кўйиғлик чойни олиб, безрайганича хўплади, – масалан, Навоийда шундай сатр бор: «Банди-бандим зулфи занжириға пайванд айлангиз». Хўш, шоир бобо бу гаплари билан нимани назарда тутяптилар? Мабодо, ўша даврнинг пандавақи олимларига, сварка аппарати кашф этиш пайти келди, деб шаъма қилмаганмиканлар?

Котиб Аламазон билан Акбарга қиялаб, «тағин пича тоқат қиласизлар», дегандек, маънодор лаб жимирди.

– Қизиқ, Раисберди, жудаям қизиқ.

Бундан Раисбердининг янада руҳи кўтарилди.

– Ё бўлмаса, иккинчи мисолни олайлик. Буниси энди кўрга хассадек қилиб, лўнда айтилган кўйилган.

– Анавини қаранг!

– Бир куни марказий телевидениядан йўл ҳаракати қоидасига оид кўрсатувни томоша қип қолдим. Номи – «Қизил, сариқ, яшил». Бирдан юрагим шув-в этиб кетди. Буни кўрингки, светофор яратиш ғояси илк марта Навоий томонидан ишлаб чиқилган экан. Майпараст Бойқаро бўлса бу муҳим ишга аҳамият бермаган.

– Мундоқ далил-исбот билан гапиринг-да, Раисберди, – уни қиссадан хисса чиқаришга шошилтирди котиб.

– Сабр қилинг, – Раисберди кабобдан бир тишлаб кўйиб, кафтини юқори кўтарди. – Далилимиз етиб-ортади. Агарда Навоийни ғажиброқ мутолаа қилган бўлсалар, телекўрсатувдаги титрга шундоққина мос тушувчи бир мисраларини эслаб кўрсинлар: «Шуълаи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориг, яшил». Хўш, бу светофор бўлмай, нима?

...Улар адабиётшунослик оламини тор-мор қилиш арафасида турган «даҳо»ни таом билан яккама-якка қолдирганларича ташқарига чиқишди. Овқатни беозор ҳазм қилиш учун ҳовлидан имиллаб ўтиб боришаётганда, қоқланган сомсатандирнинг ёнида турган таниш шоирларни кўриб, Аламазон диққатини беихтиёр уларга қаратди.

Иккала қўлини биқинига тираб олган хўппа семиз йигит қаршисидаги бароқ қалпоқли кишига ўқрайганича, куюниб шеър ўқирди:

Эрк оби ҳаётин

тўғондек тўсиб,

Беўхшов,

кўндаланг турган бу харсанг

Жаҳон буржуазияси бўлмасин тагин?

Парчалайлик,

майдалайлик,

туяйлик уни

Фарҳоднинг пролетарча тешаси билан!

– Айниқса, Фарходни кўшганинг қанддек бўлибди, – улардан узоқлашиб бораркан, бароқ қалпоқли кишининг тасанноси Аламазоннинг қулоғига элас-элас чалинди. – Адабиётдаги миллийлик айнан мана шу, аканг айлангур...

Шаҳар... Бирон зарурат ёки шунчаки сайру саёҳатга келиб-кетувчилар наздида ташки кўринишдан дилрабо ва бегидир бир маскан. Аммо, унда яшай бошлашинг билан, кўп ўтмай, дастлабки тасаввурларинг бирма-бир чиппака чиқа боради, шаҳар талабчан мураббийдек қаттиққўл, бу ердаги ҳаёт лабиринтдек мураккаб эканини кун сайин чуқурроқ тушуниб етаверасан.

Ялтироқ тугмали забткор шаҳарни яшин тезлигида ишғол этиб, адабий минбарларни санокли кунларда муқим эгаллаб олажагига комил ишонч билан йўлга отланганди. Орадан беш ой вақт ўтмай, унинг иситмаси пасайиб, бевақт алаҳсираганини озми-кўп англаб ета бошлади. Буни англагани сари атрофни тобора синчиклаб кузатар, ҳатто, ўзига ҳам ҳушёр тортиб қарашга ўрганётган эди.

Қанд қутисидаги мина

Эшак барибир эшаклигига борди – қишлоқдаги обрўли хонадонлардан бирини аҳмоқларча тарк этиб, охурига тап-тайёр солиб туриладиган сара емлардан дашт шўраларини афзал кўрди.

Чол бу фожиадан тунги соат иккиларда, зарурат туфайли ташқарига чиқиб, йўл-йўлакай жониворига бир тутамгина беда ташлаб кўйиш учун оғилхонага кирганида хабар топди. Тез бориб, тўрт хонадон наридан муस्ताқил эшик очган ўғлини уйғотиб келди.

Эшматнинг отаси, етилган вақтларимда саккиз пудгача тош босганман, деб тез-тез мақтаниб тургувчи эди. Қариб, жудаям чўккан бўлса, ана боринги, икки пудни олиб ташлайлик. Шундаям олти пуд қоладими, ахир! Ўн йилча чидаб берди – ўша эшакка минг раҳмат!

– Бу ҳанггидан тараган човрани бузиб қочибди, – оёқли сандикдек ўрмалаганича ўғлини томорқа этагига бошлади чол. – Дарров изига туш, ўғлим, бутун бўлса ажабмас. Эрталабгача қирга бориб қолса, бўрилар тақсимлаб олишади.

Томорқа этагидаги деворнинг омочли трактор киргудек жойи бузиб ташланиб, бу ерга кескалдириклар, яъни ипак қуртига кесилган тут новдаларининг қуриган калтакларидан човра-тўсиқ тиклаб кўйилганди. Эшак шунга ағанатиб ўтибди.

Эшакнинг изидан дала тарафга чиқиб келган Эшмат бир-бирига туташ томорқалар билан шохариқ оралиғидаги йўлақдан Шерлок Холмсдек ҳар бир шарпага синчковланиб қулоқ тутганича бораверди. Ўн-ўн беш хонадон ортда қолган вақтда «хр, хр» деган товуш таралгандек туюлди. Тўхтаб, қулоғини динг қилди, товуш яна эшитилди.

Ие, Бўтанинг ҳовлисидан келяпти-ку овоз. Буниқда эшак йўқ эди

шекилли? Вой, ҳароми-ей, анави туйнукка қандай сиғиб ўтдийкин? Келиб-келиб, Бўта курумсоқникига кирганини қаранг. Эшак-да.

*Эртак айтай анқовлар учун:
Эшак ёғди осмондан бугун.
Томни «гурс-гурс» қоқар эшаклар,
Тарновлардан оқар эшаклар.
Ҳосил бўлди улкан эшаккўл,
Ерлар ботқоқ, дов-дарахтлар ҳўл,
Ҳамма жойда қий-чув, қийқириқ...
Битта мен – жим, кийимим қуруқ.*

Эшмат деворга бўйланиб, ичкарига овоз қила бошлади.

– Ма, ма, жонивор. Маҳ-маҳ-маҳ...

Томорқа тарафда нимадир шитирлагандек бўлди, Эшматга янаям жон кирди. Отаси билан бир ҳовлида турган пайтларида охурга ем солиб, чўзиб-чўзиб хуштак чала бошласа, эшак дунёнинг у бурчагида юрган бўлсаям, шаталоқ отганича етиб келарди. Энди ўша усулни қўллашга тушди. Натижа чиқавермагач, бориб девор остидаги туйнукка калласини тикди, тун жуда куюқ бўлгани учун кўзи ҳеч нарсани илғай олмади. Яна чўзиб-чўзиб хуштак чалишга киришди.

Бўтавой мевали дарахт кўчатлари ўстириб сотиш билан шуғулланиб турарди. Қалин экилган ўша кўчатлар оралаб келаётган қандайдир қора шарпа туйнук сари яқинлашаётгандек бўлди. Эшмат ерни саратон кўнғиздай таталай-таталай, туйнукдан аранг ўтиб олгач, шарпага қараб чўзиқ хуштак чалди.

– Келақол энди, келақол... хушт-хушт...

– Мана сенга!

Қора шарпа кўчатлар ичидан ўқдек отилиб чиқиб, унинг қорнига тепди-ю, чаққонлик билан устига миниб, кўйлагининг ёқасини ғижимлади.

– Бемаҳалда кимни чақиряпсан, номард?

– Эш... эш...

– Эшматлигингни кўриб турибман. Кимни чақирётувдинг?

– Эш... эшакни...

– Нима?! Ўзинг эшаксан, ғаламис!

Эшмат ётган жойида воқеани тушунтириб бергунича, яп-янги кўйлагининг бир қисми аллақачон дабдала қилиб бўлинган эди.

– Шунақа экан, эшикдан кириб келсанг ўлармидинг, тўнка? – Бўтавой ўрнидан туриб, шимидаги тупроқларни қоқа бошлади.

– Ҳо-о-й, тинчликми? – молхона ёнидан минғирлаган товуш келди.

– Тинчлик. Бор, дўппимни опчиқ, – деб шанғиллади Бўтавой. Кейин Эшматга юзланди. – Майли, эшагингни бирга ахтарамиз.

Келинчак дўппини олиб чиққач, ингичка Бўтавой биринчи бўлиб туйнукдан ўзи ўтди. Эшмат инқиллаб дўнқайганича тешикка бош тикқан онда «тар-р-р» этган овоз эшитилди. Келинчак дарҳол четга юз буриб, ташки

томонга югургилаб кетди.

Бўтавой уни ташқарига тортиб олган чоғда Эшмат кетини секин пайпаслаб кўрди. Шимининг чоки бир қаричча сўкилиб, ичидаги шалвиروق оқ иштони қуённинг думидек осилиб қолганди.

Кўп ўтмай улар даштга чиқиб олишиб, атрофга аланг-жаланг боқиб бораверишди. Эшмат ора-сира чўзиб-чўзиб хуштак чалар, теваракка диққат билан қулоқ соларди.

– Ҳе, аттанг, – дея сонига шапиллатиб қўйди у, – Аламазон ёнимизда бўлса, тезда чора ўйлаб топарди.

– Ҳалиям дайдиб юрибдими у муттахам? – минғирлади Бўтавой. – Уччига чиққан ғирромчи эди. Бир куни дарахтга тош отувди, қайтиб тушиб, бошимни ғурра қилди. Шунда «кечир» дейиш ўрнига, «нимага физикани ўқимайсан», деб бўғзимга ёпишса бўладими. Мен хомкалла аччиқ устида, «беш»га биламан ўша физикангни, деворибман. Ана энди бошимга бало ёғилди-ю, «Ернинг тортиш қонунини ўқиганакансан, қайтиб тушиши аниқлигини била туриб, нега тошимнинг тагига атайлаб тумшуғингни тикдинг», деб саваламоқчи бўлди-я.

Эшмат яна беихтиёр кетини сийпалади.

– Тўғри, жирракилик қиладиғон одати бор. Аммо-лекин, фаросати анча баланд.

Қаердадир эшак хангради. Иккаласи тенгдан типирчилаб қолишди.

– Буёқда! – Бўтавой адир тарафни кўрсатиб, Эшматни ўша ёққа бошлади.

Бир маҳал олдиларида баланд девор пайдо бўлди – нақ олти пахса. Эшмат лоҳасланганича хуштак чалиб қўйди. Хуштак тўхтаб-тўхтамай, деворнинг шундоқ ортида эшак хангради.

– Бизники! Нон урсин, Бўта, бу отамнинг эшаги!

Иккаласи пахсага бир-бир тирмашиб кўришди. Бўлмади. Чаққон Бўтавой Эшматнинг елкасига оёқ тираб, жон-жаҳди билан юқорига интилишидан ҳам наф чиқмади. Қайтанга, Эшматнинг оёғи тойиб кетиб, иккаласиям қаттиққина лат еди. Охири нарироқдаги каттакон харсангни, ҳар ағдарганда бир мартадан дам олиб, зўр-базўр юмалатиб келишди, девор остига жипслаб тирашди. Эшмат тошнинг устига, Бўтавой қайтадан унинг елкасига чиқди ва бу сафар бир сакрашдаёқ пахсага осонгина миниб олди.

– Тушиб, тезроқ эшакни ушла, – пастдан буйруқ қилди Эшмат.

Бўтавой гурс этиб ўзини ичкарига ташлади. Ерга кўнибок, қурумга кўшилиб ётган кўмирдек, қоронғида зўрға кўзга чалинаётган қора эшак сари юрди. Эшак нотаниш кимсадан ҳуркиб, қоча бошлади.

Деворга суянганича нафас ростлаб турган Эшмат йигирма қадамча наридан Бўтавой эшак қувалаб чиққанини кўриб, «ие-ие» деганича «думи»ни осилтириб ўрнидан кўзгалди. Энди югур-югурга навбат келди. Эшакни бир амаллаб тутиб олишгач, пойгачидек ҳансираб туришаркан, Бўтавой бирдан даштни бошига кўтариб қулишга тушди.

– Бу кўрғонни болалиқдан кўриб юрардик-ку, каллаварам! Ҳи-ха-ха, хи-ха-ха...

Ҳа-я! Бу – ўша ташландиқ кўрғон-ку. Ҳамма жойи буткул нураб тушганига қарамай, бир қисмидаги ўттиз одимча келадиган девор хануз бус-бутун сақланиб қолганди.

Эшмат йиғламсирашиниям, кулимсирашиниям билмай, юзи асабий пирпираганича туриб қолди.

– Айтдим-ку, Аламазоннинг йўқлиги чатоқ деб. У бўлганида, олдин деворнинг уёқ-буёғини караб кўрарди.

Уёқда Эшматнинг отаси қўшнилардан уч-тўрттасини йиғиб, жонажон эшаги соғ-саломат қайтиб келганини суюнчилаб чойбазм қурган маҳали, буёқда Аламазон аллақачон дастурхонни йиғиштириб, муҳим бир юмушга киришиб кетганди.

Чапани ҳамхонаси костюмдан узиб олинган ялтироқ тугмаларни энди кўшчўнтакли кўйлагининг погончасига қадаётганини кўрган Акбар ўзича кулиб кўйди. Бу ерга кўчиб келган дастлабки кунларда Аламазон ярим соатча уриниб, худди шу тугмаларни куртқадан костюмга кўчирган эди.

– Бу тугмалар погончага катталиқ қилмасмикин, бичиқчи?

– Чиройли нарса кўзга ташланиб тургани яхши, – деди Аламазон ва нонуштадан буён каравотга ағанаб олиб, Гётедан ақл ўрганаётган Акбарга зимдан бир қиялаб кўйди.

Қизик! Ким биландир йиллаб бир маҳаллада яшайсан-у, оламда шунақа одам ҳам борлиги уни кўрганингдагина эсинга тушади. Акбарнинг эса бу хонага кўчиб келганига бор-йўғи бир ойча бўлди, аммо унинг хусумат ва тушқунликдан буткул бегона қиёфаси Аламазоннинг қалбига абадий муҳрланиб қолгандек эди.

– Илгариям танирмидилар Гётени? – унга ҳалақит бергиси келмаса-да, ҳозиргина ўзи гап ташлаганидан фойдаланиб, суҳбатнинг кулини кавлади Аламазон.

– Сенчалиқ яқин бўлмаганман, – китобдан кўз узмай кесатди Акбар. – Лекин, мениям сендан битта устунлигим бор, Гётенинг «Ҳофизга» деган шеърини ўқимасимдан илгариям Шарқда шунақа зўр шоир ўтганини билардим.

– Ана, Гёте Ҳофизни ўқибди-ку, – Аламазон рақиб «замбараги»ни унинг ўзига қаратиб буришга интилди. – Ижодкор одам чет эл адабиётини чуқур ўрганиши керак.

Акбар энди Аламазонга ўгирилиб, астойдил ёнбошлаб олди.

– Тўғри, Гёте Ҳофизни ўрганган. Фақат Франкфуртдаги минорадор кўприкнинг қачон қурилгани-ю, ким қурганигача билиб олганидан кейин.

– Хўп дедик-ку, – гапни хазилга бурмоқчи бўлди Аламазон. – Бундан кейин Ғарбга камроқ тақлид қилсак, қутуламузми?

Аммо, Акбарнинг юзидаги жиддийлик сақланганича қолаверади.

– Шуни билгинки, Аламазон, Ғарбдагиларга ўзларидаги буюкларнинг дублёрлари керак эмас. Улар сендан – гапингдан, қиёфангдан, шеърингдан фақат Шарқни ахтаришади. Ҳалигача «Бобурнома»ю «Шоҳнома»ни қайта-қайта нашр қилиб ётишибди.

– Ҳа, хўп, биз Ғарб адабиётидан мушоҳада, услуб ахтаряпмиз дейлик, – бўш келишни истамади Аламазон. – Хўш, ҳозир ўзлари Гётедан нимани қидиряптилар?

– Ғарбдаги одамларни. Улардаги турмушни, тутумни Машрабнинг тоmidан кузатиб кўрмоқчиман.

Ўзгаларни доим гап билан мот қилишга ўрганиб қолган Аламазон дастлабки пайтларда Акбарнинг ўта баландпарвоз туюлувчи фалсафаларини ҳазм қилолмай жириллаб юрди. Кейин аста-секин кўника борди, ўзини юпантириш учун бундай хонаки баҳсларни шунчаки ади-бади сифатида қабул қилишга тиришадиган бўлиб қолди. Тиришишга тиришарди-ю, лекин юрагининг аллақаерида мағлубият аламига ўхшаб кетувчи кичкинагина бир жароҳат барибир алламаҳалгача жизиллаб тураверарди.

Алам қилса, ўзидан кўрсин. Нима, Акбар мен билан баҳслашасан, деб унинг бўйнига осилиб оляптими? Ҳар сафар гапнинг ўчоғини биринчи бўлиб Аламазоннинг ўзи кавлаштиради, охири кулдан чўғ чиқиб, қўлини куйдириб олса, жиззакилиги қўзийди.

Узоққа бориб ўтирмай, кечаги гапларни олайлик.

Аламазон газетадан Акбарнинг туркум шеърларини ўқиб, фикр билдиргиси келиб қолди. Олдинига гапни бинойидек бошлади:

– «Инқилоб шоири» деган шеърингиз зўр чиқибди. Ҳамзами бу?

– Тушунганингча тушунавер.

– Айниқса, мана бу жойи...

*Тиқилавер ажсалга бардам,
Яралгансан қурбон бўлмоққа.
Ахир, сени ўлдирсалар ҳам,
Кўмиласан она тупроққа...*

Аламазон шеърни ўқиб бўлиб, муаллифнинг юз ифодасидаги мамнунликни кўрмоқчидек Акбарга қаради. У эса ҳозиргидай каравотга чўзилиб олиб, хаёлга чўмганича шипга термилиб ётарди.

Шеърни эшитдимми ўзи бу? Нима бало, шунча меҳнат бекорга кетдимми дейман?

Бир вақт ҳайкалдан садо чиқиб қолди:

– Она тупроқ нималигини ҳеч ўйлаб кўрганмисан?

Аламазон, «наҳотки хонада биронта боғча болаям ўтирган бўлса», демоқчидек, ён-верига аланглаб қўйди.

– Ҳазиллашяпсизми?..

– Томорқангнинг бурчагидаги бегона ўт босган ер билан гаплашмагансан, демак.

– Ўшандақа ер мабодо ўзларига бирон нарса демаганмиди? – дея пичинг отди Аламазон.

Чамаси, мана шу жойда Акбарнинг қитиғига қайтадан тегиб қўйди.

– Деган! – гўдакнинг хуружига парво қилмаётган отадек, сокин сўзлашда давом этди Акбар. – Сенда ҳамият борми, деган... Яна бир жойда

йиғлаб турган тупрокни кўрганман. Кимлардир майсазорда гулхан ёқиб ўтган экан, атроф кўм-кўк, битта ўша жой даштдек тап-тақир. Куйик тупрокқа кўшилиб мениям йиғлагим келди. Кейин билсам, худди ўша бир қулоч ер менинг она тупроғим экан...

– Қолгани меникими? – ҳозир буни ўзиям унча истамаган ҳолда, барибир яна Акбарнинг жиғига тегишга уринди Аламазон. – Унда, бой бўп кетаман-ку.

– Аксинча, – деди Акбар ўша босиқ оҳангда, – сен жуда қашшоқсан, Аламазон. Биладан, сенинг, ҳатто, ўз чумолиларинг ҳам йўқ. Менинг қишлоқдаги чумолиларим ҳар йили қишда печка тагидан чиқиб келишади, уларга нон уватиб бераман. Улар қишда битта менга таяниб яшашиди. Ҳаммасини битта ўзим боқаман.

Юрагининг аллақасери янгитдан жизиллаётгандек туюлиб, Аламазон чап кўкрагини аста силаб қўйди. Ё «қашшоқсан» деган гап дилига оғир ботди, ё шу вақтгача ўз чумолиларига эга эмаслиги унга чиндан ҳам алам қилди.

Хонага кўшимча каравот қўйилибдики, ҳар куни аҳвол мана шу – гурунг, гурунг, гурунг... Буларга на сарлавҳа қўйиб бўлади, на жанрини белгилай оласан...

– Қизлар масаласига, тахминан, қандай қарайдилар?

– Қўрқаман улардан. Ўйинни ўзлари бошлашиб, кейин ўйинингни масхаралаб юришади.

– Кўп масхара қилишганми?

– Икки марта.

– Бор-йўғи-я?!

– Бу жуда кўп, Аламазон!..

– Йўқ кейинроқ ўтдим газетага, олдин уч йилча колхозда ишлаганман. Томорқа олишим керак эди.

– Ўқиш-чи?

– Сиртдан битирганман сенга ўхшаб... Сиртки студентни ҳеч ким эмизмайди, шишага сут қуйиб қўлига тутқазиб қўйишади.

– Сиполик... керагидан ортиқроқ-да сизда.

– Кечирасан-у, сени мактабдан ҳайдашмаганми?

– Ҳамма чиғириқдан ўтганмиз-у, бу даражага бормаганмиз.

– Мени саккизинчи синфдан ҳайдашган. Ўқишим ёмонлигиданмас, хулқинг бузуқ деб ҳайдашган. Икки йил узокқа қатнаб ўқиганман.

– Энди мулла бўп қоптилар-ку?

– Охири тақдирга тан берибсиз-да, демоқчимисан? Илгарилари ўзим ҳам иродалилар билан мутеларнинг фарқига бормасдим. Кейин билдимки, жанжаллашиб эмас, курашиб енгиш керак экан...

– Бу чалкаш дунёда биров нотўғри танқид қилишиям мумкин, биров

ошириб мақтаворишданам қайтмайди. Қанақа шоирлигингни аниқ билолмай ўтиб кетаркансан киши.

– Буни билиш осон, Аламазон. Пайти келиб, кимлардир сенга озми-кўп даражада тақлид қилаётганини сезмасанг, ишончинг комил бўлсинки, ғирт бўлмағур шоир экансан...

– Тўғри, Тошкентга илгарироқ келсам, ёмон бўлмасди. Укаларимни уйлаб-жойлаш кўп вақтимни олди. Бир томонда – ўзимнинг рўзғорим.

– Нима, дадангиз...

– У киши мени уйлантирибоқ вафот этганлар.

– Шеър ёзишга зап вақт топган экансиз-да, Акбар ака.

– Бунақа шароитда вақтни дўстларинг билан улфатчилигингдан, чойхоналардаги ошхўрлигингдан, таклиф этилган тўйларингдан, ўқимоқчи бўлган китобларингдан, саёҳатсиз ўтган отпускларингдан, суҳбатингга ташна онангдан, меҳрингга чанқоқ ўғлингдан ўғирлайсан. Буям етмаса, уйқунгдан имкон қадар кўпроқ юлиб, кўшаверасан, ўзинг ўзингни талон қиласан... Вақтни топса бўлади, жудаям қийинмас...

– Сенга қараб кечаги кунимни кўраман, Аламазон. Зўрман дердим-у, ғўрман демасдим. Ўжар ёшлигимнинг ўзгинасисан...

– Нимагаки эришган бўлсам, саховатли одамларнинг ёрдамига таяниб эришдим. Қарзим жуда кўп, ҳали уларни узишим керак.

– Балки ўсишингизни билишгандир...

– Улар мендан бирон манфаат кутаётганини сира сезмаганман. Сезганимда, ҳозир буни сенга «яхшилиқ» деб таърифлаб ўтирмасдим...

– Ҳаётга намунча жирракилик билан қарайсан? Маслаҳатим шуки, ўпкангни босиб ол. Бу... ёзаётганингдаям асқотиб қолади.

– Сарқит – ахлатдек бир гап. Кўрдингки, турибди. Шартта тўплаб ёқвориш керак, вассалом.

– Чиқинди одам ахлатдан фарқ қилади, Аламазон, унда ота-она, ака-сингил, бола-чақа бор. Уларни ёқвориб бўлмайди, фақат четроққа супуриб қўйиш мумкин. Агар эзгуликнинг йўлида буткул «ёқиб» юборсанг, эзгуликка аввалгиданам кўпроқ душман орттирасан. Болалари сени ҳеч қачон кечирмайди. Кечирсаям, фақат тилида кечиради, дилида эмас. Дунёда ота ўрнини боса оладиган нарсанинг ўзи йўқ...

– ...шўрлик охири жинни бўп қолди.

– Бекорни айтибсан! Ҳеч ким жинни бўлмайди, уни жинни қилишади.

– Сизникига ўхшаб мениам китобларим чиқармикан?

– Болалигимда уйимизга келган меҳмонга худди шундай ҳавас қилардим. Наҳотки, қачондир менгаям ишонишиб, олдимга бир ликоп

шоколад қўйишса, деб ўйлардим.

– Айтгин-чи, тулкини тулки қилган нарса нима? Бўрининг кучлилиги-ю, куённинг югуроклиги эмасми?..

– Шеърларим анави галварсдан яна қайтди.

– Жуда лофчимиз-да, Аламазон. Шеъримизни гоҳ фарзандим, гоҳ севгилим деймиз-у, қайтиб келса хафа бўламиз...

Шунақа! Бу Акбар дегани нақ тригонометриянинг ўзи – тушуниш ниҳоятда қийин, ичи тўла жумбоқ. Гўё хонага битта қўшимча каравот билан икки киши келиб жойлашгандек туюлади гоҳида: биттаси – босиқ ва меҳрибон, иккинчиси... буниси анча хавфли, тили билан чақади. Ўзингни баъзан ичига мина яширилган қанд қутиси ёнида яшаётгандай ҳис қиласан...

Аламазон тугмаларни қадаб бўлиб, кўйлакни шу захоти эгнига илди, ўзини шифонер ойнасига солганича тараниб-безанишга тушди.

– Шоввоз мичман якшанбани қаерда ўтказмоқчи бўляпти энди? – дея ингичка погончадаги ялтироқ тугмаларга писанда қилди Акбар.

– Ҳозирча курс ўттиз градус шимолроқдаги бекатга. Уёғини об-ҳавога қараб ўйлаб кўрамиз.

– Менимча, – Акбарнинг кўзларида ички табассум порлади, – ҳавоси энг очиқ жой Шайхонтовур бўлса керак...

Гулзорларга, боғларга

Бўйлаб ўтаман.

Дилим куйган чоғларда

Куйлаб ўтаман.

Бор шавқимни қизларга

Қиламан тортиқ,

...Кампиржонлар, сизларга –

Тилайман ҳордиқ.

Раисбердининг тақризи

Ёзги сессиядан барча имтиҳонларни кетма-кет нокаут қилиб қайтган Аламазон бугун барвақт ишга келди. Биринчи галда «ўнг қўл вазири»ни топиб, тўғарақдаги аҳволни суриштирди. Сўнг Машраб Қосимович «жиян»ни қувонтирмоқчи бўлдими, «буёғиниям бир кўриб кўйинг», дея уни битиш арафасида турган спорт залига бошлаб борди.

– Яқинда бир қоғоз келувди, – баланд тирама нарвон устида залнинг шипига чироқ ўрнатаётган йигитга тикилиб, сўзида давом этди «шеф». – Кузроқда шаҳар биринчилиги ўтказилармиш. Боксдан. Шунга қатнашишимиз керак шекилли.

– Қатнашамиз! – Аламазон мулоҳазалаб ўтирмай, ишонч билан бош ирғади.

– Ишқилиб, шарманда бўлмаймизми?

– Камида учинчи ўринни оламиз. Жуда бўлмаса, рингга ўзим чиқаман. Машраб Қосимовичнинг қувончдан оғзи қулоқларигача ёйилди.

– Бу энди бошқа гап. Жуда соз бўларди-да. Агар учинчи ўринни олсанглар, ҳаммангларга меҳнат зарбдори нишонини берамиз...

Аламазоннинг қўли сира ишга бормаётганди. Спорт залининг икки-уч хафтадан кейин фойдаланишга топширилиши ҳақидаги хушхабар ҳам, «вазир»нинг «шу кетишда йигитларимиз Рискіевгача етиб боришади ҳали», деб айтган кўтаринки гаплари ҳам негадир унинг юрагини баттар ғашлантираётгандек эди.

«– Ундан кўра, заводга ишчи бўлиб киравермабсан-да. Бировларни лақиллатиб узоқ кун кўриш қийин, Аламазон».

«– Баҳонада ёшларга тўғарак очиб бердим. Ёрдамчим – ҳақиқий боксчи, машғулотларни бинойидек олиб боряпти. Йигитлар жуда хурсанд. Бунинг нимаси ёмон?»

«– У ерда ортиқчалигинг ёмон».

«– Четдан қараганда, Акбар ака, раҳбарлар доим ортиқчага ўхшаб кўринади».

«– Сен тайёрхўрликни раҳбарлик билан адаштирама...»

Эшик ғижирлаб очилиб, Аламазоннинг хаёли бўлинди. Кутубхоначи киз хонага ийманибгина бош сукди.

– Телефонга чақиришяпти, Аламазон ака.

Рўпарадаги кутубхонанинг телефон номерини у фақат икки кишига берган эди – Акбарга ва Бийронга. Қайси бири бўлди экан?

– Эшитаман.

Эшитқидан Бийроннинг товуши таралди. Салом-алиқдан сўнг, «мабодо, шанба куни институтга қидириб келмаганмидингиз», деб сўради.

– Сизни кимдир машинада олиб кетган куними? – кесатди Аламазон.

– Ай-й-й-й, – одатдаги эркаликни бошлади Бийрон. – Битта землячкални ЗАГСга кузатдик. Акаси мени олиб кетди машинада...

Сухбат узоққа чўзилмади, Бийрон танаффус тугаб қолаётганини пеш қилиб, шоша-пиша хайрлашди. Аламазон эшитқини қўйиб, нохуш кайфиятда стулга ўтирди.

Нима бўляпти ўзи бу қизга? Учрашувдан гап очсанг юзта баҳонани тахлаб туради. Учрашганда ҳам ўзини бошқачароқ тутадиган бўлиб қолди. Қувноқлиги, ҳазилкашлиги гўё ўша-ўша, фақат муомаласида самимийлик етишмаётгандек. Баъзан ниманидир айтмоқчи бўлади-ю, тили тутилиб, гапни тезда бошқа ёққа буради. Аламазон эса ҳар гал ўзини ҳеч нарса билмаганга солиб тураверади.

Нимадир тап этиб ерга тушди. Кутубхоначи киз полда ётган китобни олаётиб, юзлари дув қизарганча Аламазонга қиялаб қараб қўйди.

– Бугунги газеталар келмадимми ҳали?

Қиз бир неча газета-журнални олиб келиб, секингина Аламазоннинг

олдига қўйди. «Мана, энди тикмоқчи бўп турувдим», дея, уятчанлик билан бошини бир ёнга ташлаб, паст товушда сўзлади у.

Аламазон газеталарни бир-бир варақлаб, саҳифаларни тезгир кўздан кечира бошлади. Навбат шаҳар газетасига келганда, охириги бетдаги мақолага диққат билан тикилганича туриб қолди.

Хонага шитоб билан кириб келган Аламазон туфлисини апил-тапил ечди-ю, гўё редакциядаги маданият бўлими мудирига эътироз билдираётгандек, қўлидаги газетани Акбарнинг олдига отди.

– Ана, Раисбердингиз қилган иш, – дея тўртинчи бетдаги мақола устига кафтининг орқасида уриб қўйди.

– Раисберди Тўқмоқовми? – газетани столдан олаётиб сўради Акбар. – Нега энди у меники бўларкан?

Ҳамхонаси адабий алманах ҳақидаги тақризни ўқишга киришган чоғда Аламазон аввалига гудранганича уёқдан-буёққа юра бошлади, сўнг қовок уйиб каравотга ўтирди.

– Яхшилаб қаранг-а, Акбар ака, – шериги мақолани ўқиб бўлишини кутиб ўтирмай, жириллай кетди у. – Редакцияларда, нашриётларда ишлайдиган шоирларни қаторасига мақтаб ўтибди. Калтакка қолган мен билан анави ўқитувчи қиз холос. Гапида озгина мантиқ бўлсаям, ўпкалаб ўтирмасдим. Мен ойдан гапирсам, у ўроқдан келганини кўрмайсизми?

Акбар индамай, мутолаада давом этди, фақат тақризни ўқиб чиққандан кейингина газетани столга ташлаб, Аламазонга юзланди. Аламазон эса унинг фикр билдиришига имкон бермай, жабрдийдаларча арзи ҳол қилди:

– Тагин тупа-тузук газетада босишибди-я. Нима, матбуот эрмакми буларга? Танқидчиликда бурд деган нарса қолганми ўзи?

– Биринчидан, ҳарқалай, матбуот эркинлиги деган гап бор, – одатдагидек босиқлик билан сўзлашга киришди Акбар. – Иккинчидан, Раисберди – бу... танқидчилик дегани эмас. Энг муҳими – ўзинг доимо виждон билан ёз. Ёзгин-у, танқидчиларниям виждонига қўйиб беравер.

– Виждонмиш! – қўл силтаб қўйди Аламазон. – Агар шу Раисбердини...

– Яна қайтариб айтаман, – дея Акбар унинг сўзини бўлди, – Раисберди – шахс холос. Танқидчиликни бўлса, худди адабиётга ўхшаб кўпчилик яратади. Ана шу кўпчиликнинг энг истеъдодли, энг ориятли қисми уни ҳақгўй қилади, жозибасига жозиба қўшади, бойитади.

Аламазон тиззаларига шапиллатиб уриб, ўрнидан туриб кетди.

– Нега унда ўша ориятли қисм биринчи бўлиб фикр билдирмади? Чунки, улар туяда боришаётган бўлса, булар... – у бармоғини газетага бигизлади, – отда чопишяпти.

– Чопса чопаетгандир, – бепарво жавоб қилди Акбар. – Гап қайси карвон маррага биринчи бўлиб боришида эмас, нимани олиб боришида.

Аламазон чуқур ҳомуза тортиб, яна каравотга ўтирди.

– Хўп, мени қўйиб турайлик. Яқинда битта ёш драматургнинг болаларга ёзган пиесасига тақриз босилди.

- Ўқигандим...
- Спектаклиниям кўрганмисиз?
- Кўрганман. Менга ёқди.
- Раҳмат сизга, – бош қимирлатиб қўйди Аламазон. – Бир танқидчи унияма боплаб пўстагини қокди. Жуда номдор, унвондор танқидчи.
- Ўша номдор олимнинг ҳозирги танқидчиликдаги мавқеини бир чамалаб кўрсанг, бунақа куюниб ўтирмасдинг. Шунча тер тўкиб қурган девори кўзининг тириклигидаёқ нураб бораётганини ўзи кўриб турибди. Бу ҳол кимни даҳшатга солмайди? У шўринг қурғур ўша деворига куйиб-пишиб тиргак ахтаряпти. Майли, ахтарса ахтараверсин. Барибир, тиргак дейилганда вақтинчалик нарса тушунилади.
- Гап чалғиб кетди, – фикри чалкаша бошлаган Аламазон иккала қўлини кўтариб, пешанасини тириштирди. – Тўғрисини айтинг, Раисбердининг фикрига қўшиласизми, йўқми?
- Ақбар мулоҳазаланганича бироз туриб қолди.
- Умуман... баъзи жойларда анча оширворибди...
- Демак, баъзи гаплари тўғри. Шунақа демокчимисиз?
- Масалан, «сохта дабдаба», «таклидчилик аломатлари», «интимликка берилиш» деган таъналарида жон бор, – бу сафар дангал гапирди Ақбар. – Раисберди Тўқмоқовнинг нўноқлиги шундаки, кўнгли сезган нуқсонларни мақолада тўғри ифода қилолмаган, гапига сени ишонтиролмаган.
- Унақа бўлса, ўзлари ишонтара қолсинлар, – жириллашдан тийилиб, энди кесатикқа ўтди Аламазон.

Улар асосий харажатни дам олиш кунлари бозордан биргалашиб қилишар, кундалик юмуш – нон олиб келиш, овқат пишириш, чой дамлаш, идиш ювиш эса навбатчилик асосида олиб бориларди. Бугун Ақбарнинг гали эди. У ошхонадан кастрюлни кўтариб келиб косаларга овқат сузиши биланоқ, Аламазон шаҳар газетасининг мавжудлиги-ю, унинг Раисберди исмли муаллифи бўлганиниям паққос унутиб юборгандек, берилиб тановулга киришди. Ўз тили билан айтганда, «тирикчилик маросими» даврида деярли орага гап қўшмади, фақат бир марта астагина пўнғиллаб, серкепак макаронларни ҳам гоҳида тақриз қилиб туриш кераклигини қочириқлаб ўтди.

Косалар қокланиб, навбат чойхўрликка келганида, Ақбар: «Ҳа, айтгандай, манавилар сенга экан», дея унга иккита хат узатди. Аламазон уларни ҳали қўлга олмасданоқ дарҳол таниди – биттаси Арабистондаги тоғасидан, иккинчиси – Эшматдан. Тоғасининг дастхати кўпроқ лотинча ёзувни эслатади. Эшматники эса хитойча ва русча ҳарфларнинг қоришмасига ўхшаб кетади.

Аламазон биринчи бўлиб Эшматнинг хатини очди.

«Асаломув алейким. Мана шу соғинип ёзган мактуфим етип малим бўлсинкий, эски ошнам Аламазонга Эшматвўйдан деб биласизлар.

Бизди сўрасанг соқ-саламатмиз... Мен ўйнап, кулип ишляяппан. Хотиним вақтинчалик уйда. Яна бўғоз бўлди. Ўғлим Тошмат десанг, полвон

бўлип юрипти.

Адрисингди аянгдан олдим. Уйингдаги бари одам омон, эсон. Аянг менга ариза қилдикий, қатта ишлап юрганини ёзмапти деп. Ие, ие дидим. Бўлмасам ўзим сўрап билайин дидим. Менга rossини айтмаса, кимга айтади дидим. Тўғри гапириппанми?

Аламазон ошна, очиг айтавур, қатта ишлап турипсан? Газетдами, жўрнолдами? Азизадан сўровдим, радийўда бўлса керак дийди. Радийўда оовол гапирип юрган, энди жимип кетти, кўтарилгандур дидим. Тўғри гапириппанми? Азиза кўтарилса кошкийди деп хурсан бўлди. Сени севип колган шу қиз. Аниғ бу.

Райисимизга келип бир оғиз шипшитмадинг-ку, ошна. Матасекилим ўшандай эскисича юрипти-ку. Шуми оқибат? Бир келип кетгин. Ўзим купернўй белат-патта оббераман.

Ундан олдин қатта ишлап юрганингди менга очиг ёзип жўнат. Аянгди кўнглини тинчитай.

Сенга бахту шаҳодат, ижотингга муваққат тилап қоладифон ошнанг Эшматвўйдурман. 6 ийўн».

«Азизани хатгаям тиқиштириб ўтибди, – ўйлади Аламазон. – Йўқ, Юлдузистондаги дилкаш Хазина бу эмас, бу бошқа қиз».

Энди тоғасининг мактубини алоҳида мамнуният билан кўлга олиб, ажнабийча конверт четини шошилмай йирта бошлади.

Азиз тоғажониси! Суянган тоғи! Фақат угина Аламазонни доим тўғри тушунарди, далда берарди, кўнглини кўтарарди...

«– Рўзғордаги камчилик тугамайди, опа. Аламазонга кўп зуғум қилаверманг. Кўнгли тусаяётган экан, майли, ёзаверсин. Ўқишга кираман дептими, ўқийверсин. Мана, ўзингиз биласиз, мен ҳам қийналиб ўқиганман. Ёмон бўлдимми?»

«– Сени йўриғинг бошқа, укажон. Ишинг – кони савоб, касал одамларни тузатасан».

«– Агар ҳақиқий шоир бўлолса, буям одамларни тузатади. Менданам яхшироқ, менданам кўпроқ тузатади».

Эҳ, тоғажониси-я! Келиб-келиб, Аламазоннинг оғир кунида хорижга кетиб қолганини қаранг. Шу ерда бўлса, ҳар сафаргидек унга тўғри маслаҳат бериб, йўл-йўриқ кўрсатмасмиди? Жияни буёқда қолиб, узоқ-узоқларда бошқаларнинг ташвишини қилиб юрибди тоғагинаси...

Аламазон хатларни ўқиб битиргунича Акбар дастурхонни йиғиштириб, кўкиш клеёнкани тозалаб артди. Сўнг қути устидаги қоғоз папкани олиб, столга тирсақларини тираганича кимнингдир қўлёмасини титкилашга киришди.

– Китоб бўладиган нарсами? – конвертларни стол четига ташлаб, сўради Аламазон.

– Йўқ, редсоветда кўрамиз буни.

– Бу канақа ташкилот бўлди яна?

– Нашриётларда шунақа тартиб бор, – нохуш боқиб, изоҳ берди Акбар.

– Ноширлар бирон-бир кўлёма хақида кўпчиликдан фикр олишни лозим топишса, уни бошқа адибларга, адабиётшуносаларга ўқитиб кўриб, охири редсоветда, яъни тахририят кенгашида муҳокама қилишади.

– Айтдим-ку, – ўз фикрида қолди Аламазон, – буям бир ташкилот-да.

Акбар бошини кафтлари орасига олганича қайтадан ишга шўнғиди. Қўлидаги қалам билан айрим варақларга қандайдир белгилар кўяр, баъзи шеърлар устида эса узоқроқ тўхталиб, қоғоз хошиясига шоша-пиша нималарнидир ёза бошлар эди.

Аламазоннинг журналдан қайтган туркум шеърлари ёнига адабий ходим айнан шу тарзда ажи-бужи жумлаларни ёзиб ташлаганди. У дераза тоқчасидаги ўша шеърларни олиб, энди хотиржам кайфиятда такроран кўздан кечиришга тушди.

*... Ухлаб ётар бир пари
Ярадор оқ каптардек.
Сир сақларди кўзлари
Очилмаган хатлардек...*

Саккизликдаги худди шу банднинг ёнига иланг-биланг чизик тортилиб, хошияга қалам билан «Нега ярадор? Қанақа сир?» деб ёзиб қўйилган эди.

*Куйканак шам кўзёш тўкар,
Титраб-титраб йиғлар шам.
Пиликларга армон чўкар,
Ушалмаган орзу ҳам...*

«Шамни йиғлатиш Отоийлардан қолган эски гап. Ўша пайтларда шам курғур йиғласа йиғлагандир. Ҳозир ХХ аср!»

*... Сизсиз ёлғиз ҳамдардим,
Бордир афсус эрингиз.
Садагага ўхшайди
Шафқатингиз, меҳрингиз.*

«Тепадаги бандлар анча бўш. Охиргиси суюк».

*Ўлдиради!
Тамаки – заҳар,
Чекма, дединг, қулоқ солмадим.
Чунки, уни чекмасанг агар
Ўлмайсан деб айта олмадинг.*

«Барибир қачондир ўласан, маза қилиб чекавер, оғайни, демоқчимисиз? Қойил-э!..»

*...Нега ит ва эшакдан кулиб,
Қилмадим ҳеч ўзимни эрмак?
Ғам юкига бўлдим-ку эшак,
Чидадим-ку дардга ит бўлиб!*

«Ҳали бугунги замондошимизда шунақа дардлар борми?»

Устига узундан-узун сарлавҳа битилган тўртликка навбат келганда, Аламазон ўзича жилмайиб кўйди.

- «Энг катта бурун ҳақида энг кичик баллада». Қалай чиқибди сарлавҳа?

Акбар қоғозлардан кўз узмаган ҳолда, тушида гапираётгандек, «тузук», дея бош қимирлатди.

*Фахрланар Бурун-сўтак:
«Йигит – менинг савлатим!»
Йигитнинг ҳам ундан бўлак
Йўқ эди мол-давлати.*

Ҳошияда эса галдаги кесатиқ: «Бизга туркум тайёрлашга жиддийроқ қаранг. Олди-қочди ҳазилларга атайлаб ҳажвий журнал чиқариб кўйибмиз».

*Фолбинларга инонма, жонон,
Улар билмас тилақларингни.
Ўзим қилгум тақдиринг баён,
Силаб момик билақларингни...*

«Шоирлар орасида битта фолчи етишмай турувди ўзи...»

– Хў-ў-ш, энди бир шашқол отиб кўрайлик бўлмаса, – кўлидаги шеърларга ўчқор тикилиб, ғудранди Аламазон. – Биздан шоир чиқармикан ё тинчгина бодрингни сотиб юраверайликми?

– Нима?

Акбар хаёлчан киёфада ўгирилиб бокқан чоғда Аламазон унга сирли кўз қадаб, бармоғини лабига босди.

– Тш-ш... Фол очяпман...

Жанжалкаш сюрприз

Жума – хосиятли кун: маош тўлиқ ёзилсаям, иш вақти қисқа бўлади. Шу туфайли Аламазон бугунги машғулотларни одатдагидан эрта бошлаб, кош қораймасданоқ йигитларга жавоб берди.

– Қойилман, азамат! – бўёқ хиди анқиб турган залда фақат икковлон қолишгач, «вазири»нинг елкасига мамнун қоқиб кўйди Аламазон. – Жуда зўр ўтказдинг машғулотни. Келаси сафар... хм... – у нарироқдаги ёғоч от устида

турган китобни олиб, орасига қоғоз қистирилган жойини очди. – Хў-ў-ш... демак, келаси сафар йигирма метрга дам олмай умбалок ошиб боришним қўшасан. Бу машқ, биринчидан, елкаларни пиштади, иккинчидан, йигитларнинг анча-мунчага боши айланмайдиган, кўзи тинмайдиган бўлади.

– Шунини ҳеч тополмаяпман-да, – дея муқовасига бокс қўлқопи сурати чизилган яшил китобга суқланиб боқди «вазир». – Менга бериб кўяверсангиз-чи, Аламазон ака.

Буни эшитиб, Аламазон таажжуб билан қош чимирди.

– Қизиқсан-а, укам. Буни сенга бериб қўйсам, мен нима иш қиламан?

Ташқари анча салқин ва баҳаво эди. «Устоз» ва шогирд қирғоқларида ёш чинорлар саф тортган йўлакдан кузги мусобақага тайёргарликни муҳокама қилганларича секин одимлаб боришарди. Дарвозага яқинлаб қолишганида димоққа обиновот қовунинг хушбўй иси урилди. Бу ёқимли хид чамаси қоровулнинг ёғоч «ини» тарафдан таралаётганди.

Улар ташқарига чиқишгач, хайр-хушлашиб, икки томонга ажралишди. Аламазон нариги ёқдаги бекатни мўлжаллаб, кўчани кесиб ўта бошлади. Йўлнинг ўртасига етай деганида ўкдек учиб келаётган қора таксини кўриб қадами майдалашди. Кутилмаганда, такси ҳам тезлигини кескин пасайтирди, филдираклари чийиллаганича бориб, бекатга яқин жойда таққа тўхтади.

– Жуда қайнанаси суядиган йигитсан-да, – орқа эшикдан тушиб келган Лакис кулоч ёйганича унинг истиқболига юрди. Наридан-бери кўришибок, кўлини қўйиб юбормай, уни машина сари судради. – Доим зиёфатнинг устидан чиқасан. Қани, кетдик, жигар.

- Қаёққа? – Лакиснинг етагида машинага яқин боргач, тўхталиб сўради Аламазон.

Лакис таксининг олдинги эшигини очиб, «ўтир, сени бирон марта ёмон жойга олиб борганмидим», дея зўрлагудек қилиб уни ичкарига тикди. Эшикни ёпиб, ўзи орқа ўриндиққа ўтиб ўтирди. Машина ўрнидан қўзғалди.

– Саломатмисиз, йигитча?

Жарангдор бу товушни эшитганидан кейингина машинада учинчи йўловчи ҳам борлигини пайқаган Аламазон юзини аста ортга бурди.

– Танидингми Эйседорани? – у ҳали яхшироқ саломлашиб улгурмасдан саволга тутди Лакис.

– Бўлмасам-чи, – Аламазоннинг чеҳраси бирдан қувноқ тус олди. – Биз «дурак»да шерик бўлиб, кимнидир ханграганмиз.

Пича суҳбатлашиб боришгач, унинг сабри қайнаб, қайтадан сўради:

– Айтсаларинг-чи, қаёққа кетяпмиз ўзи?

Лакис «э-э...» дея чайналганича кўлини шоп қилган чоғда, Эйседора аёлларга хос тили бўшлиқ билан шартта айтди-қўйди:

– Бугун Одилнинг туғилган куни.

– Ўзларини совға қилиб опкетяпмиз, – дарҳол гапни ёпиштирди Лакис.

– Эйседора сени қўлтиғига қистириб киради, пх-х...

Аламазон уларга ўпкаланиб кўз қадади.

– Шунини вақтида айтмайсизларми, қуруқ бориб бўлмайдими унақа жойга.

– Шуям муаммоми? – гўдакни юпантираётган кепатада сўзлади Лакис.

– Жуда хижолат тортаётган бўлсанг, йўлдан бирон нарса олволарсан.

Охирги рейслардан бирига зўрға билет топган Азиза Тошкентга кеч кира бошлаганида келиб кўйди. Аэропортдан ташқарига чикибоқ, ўткинчиларга кўлидаги адресни тутиб, йўл-йўриқ суриштиришга тушди. Улардан бири рўпарадаги бекатга келиб тўхтаётган троллейбусни кўрсатиб, «Шунга ўтириб, аввал Шота Руставели кўчасига чикиб олинг», деди. Кейин қайси автобусда қаергача бориши лозимлигини яхшилаб уқтирди.

Ўртасига трамвай изи ётқизилган кенг, серқатнов Руставели кўчасини кўриб, Азизанинг юраги янаям ҳаприкиб кетди. Илгарилари фақат телевизор экрани орқали таниш бўлган улкан шаҳарнинг шовқини ва ҳайбати унинг шуурига ғулгула солиб, ҳис-туйғуларини жунбушга келтира бошлаганди. Биров савдо маркази сари, биров истироҳат боғи томон ошиқар, кимдир оила кўйнига шошилса, кимдир у даргоҳдан эндигина қутулиб чикиб, эски улфатларини пойлаб турар, янги помидор келтирилган сабзавот дўкончасини тўрхалта ушлаган қариялар ўраб олган, тротуарда ҳам, бекатда ҳам одам жиқ-жиқ эди.

Азиза, «яхшиси биронта такси ушласаммикан», дея тевааракка аланглади. Бекатдан нарироқда олдинги эшиги очик қолганича тўхтаб турган қора таксининг орқа ўриндиғида одамлар борлигини кўриб, бўшроғини кутишга қарор қилди. Аммо, атайлаб ўчакишаётгандай, таксилар лик тўла йўловчиси билан ўтаётганди.

Шундай катта шаҳарда биттаям бўш такси учрамаса-я. Нима бало, бу одамларда пул заводи борми?

Бир пайт ҳайратдан Азизанинг куюқ киприклари тиккайиб, донг қотганича бир лаҳза туриб қолди. Мана шу бир лаҳза кўлида торт билан югургилаб келган Аламазоннинг қора таксига шошилишча ўтириб жўнаб кетиши учун кифоя қилди.

– Тўхтанг! Аламазон! – қўл силкитганича машина ортидан югурди Азиза. Шу чоғда бўм-бўш бошқа бир такси ғиқ этиб ёнгинасига тўхтади.

– Қаёққа шошяптилар, ойимқиз? – ёшгина ҳайдовчи ойнаси очик дарчадан унга илжайиб мўралади.

Азиза зудлик билан олдинги ўриндиққа ўтириб, кўздан узоқлашаётган бояги машинани кўрсатди.

– Илтимос, ана шу қора таксига етволайлик.

– Тинчликми ўзи?

– Илтимос, тезроқ! – қисталанг қилди Азиза.

Машина бир сакрашдаёқ «рақиби»нинг думидан тутиб олмоқчидек, сапчиб олдинга интилди.

– Бизга соққаси бўлса бас, – дея тезликни ошира бошлади ҳайдовчи, – самолётниям қувамиз.

Чилонзорга элтувчи кўчага бурилишгач, улар қора таксига тобора яқинлаша бордилар. Иккала таксининг орасида ғов бўлиб турган кулранг «Запорожец»ни қувиб ўтишгина қолганди. Ёш ҳайдовчи эндигина шунга чоғланган вақтда «Запорожец» чироқчасини липиллатмай туриб, бирдан

чапга бурилди. Азизанинг вужуд-вужудидан отилиб чиққан кичкирик машина гилдиракларининг «чий-чий»ига қоришиб кетди. Хайриятки, тўқнашув юз бермади. Таксичи йигит ёнида қиз бола ўтирганини ҳам унутиб, «Запарожец» эгасини чапаначасига бир «тузлаб» олди-ю, яна йўлида давом этди.

Қувиш қайтадан бошланди. Хийла қоронғи тушиб қолгани учун узоқдаги машинанинг рангини илғаб олиш мушкул эди. Иккита тўрткўчани кесиб ўтиб, учинчисига яқинлашишда қора таксига ёпишиброқ боришга муваффақ бўлишди. Аммо, тагин омадлари келмади – қора такси светофорнинг сариқ чироғида чапга қайрилиб кетди-ю, буларнинг машинаси кизилига дучор бўлиб, пича кутишга тўғри келди.

Нихоят, яшил шиша чакнаб, «изкуварлар»га йўл очилди. Улар оперетта театри олдидан ўтишаётган чоғда ҳайдовчи тўсатдан тормоз бериб, машинани четда тўхтатди. Азиза ҳайрон бўлганича унга қаради. Ҳайдовчи, «етиб келдик, ойимқиз», дея боши билан чап тарафга ишора қилди. Бояги қора такси театр томондаги тор кўчадан бўш қайтиб чиқаётганди.

Эшикни фартук такқан ўрта ёшлардаги мулойимгина жувон очди. Аламазоннинг қўлидаги тортни олгач, «бемалол кираверинглар», деган маънода меҳмонхона ёқни кўрсатиб, ўзи ошхонага ўтиб кетди.

Чиройли гулдаста кучиб олган Эйседора коридордаги бўйчан кўзгуга ўзини солиб, бўш қўли билан сочига оро берди, тайёрман дегандек Лақисга юзланди. Лақис унинг тирсагидан тутиб ичкари хонага етакларкан, Аламазонга панарокда туриб тур дегандек имо қилди. Меҳмонлар остонадан ўтишлари биланоқ ичкаридагилар уларни шов-шув қўтариб кутиб олишди.

– Дикқат, жигарларим, дикқат! – Лақиснинг дўрилдоқ овози эшитилди. – ҳозир Одилга аталган сюрпризимизни тамошшо қилгайсиз. Шуниси ғаройибки, пх-х... сюрприз хонага ўз оёғи билан кириб келадилар. – Кейин коридор томонга қичқирди: – Марҳамат, ҳурматли сюрприз!

Аламазон Темурнинг элчисидек каландимоғлик билан одимлаганича ичкари кирди. Кирди-ю, лолу карахт тўхталиб қолди. Тўридаги диван олдида куёвлардек оқ-қора кийиниб олган Одил сархуш тебранаётган Бийроннинг елкасидан кучганича илжайиб турарди. Аламазонни кўриб, унинг бирдан ранги ўчди, кейин ўзини тезда ўнглаб, беўхшов тиржайди.

– Э, дунёда бормисан ўзинг? – деди, Аламазонга дадил яқинлашаётиб, мулозамат билан қўл чўзаркан. – Мундоқ кўнғироқ ҳам қилмайсан.

Бийрон эса ўша жойида ҳануз қотиб турарди.

Аламазон Одил билан нохушгина кўришиб, стол атрофини эгаллаган беш-олти чоғли меҳмонларга ясама табассум аралаш бош қимирлатиб чиқди. Алоҳида эҳтиром билан стул суриб, Эйседорани ўтиришга таклиф қилаётган Лақис ҳам кўпчилик қатори сузилганича таъзим қилиб қўйди.

– Буёққа юр, – Одил Аламазонни диванга бошлади. – Мана, Бийрон ҳам шу ерда. Ўзи ҳозиргина сени эслаб турувдик. Ишонмасанг, ана, сўра.

Бийрон бир Одилга, бир Аламазонга қараб қўйди-ю, индамай бошини қуйи солди.

– Қани, қани, ўтиринглар-чи, – Одил иккаласининг ҳам елкасидан кучиб, диванга ўтирғизди. Ўзи ўртадан жой олди.

– Сюрпризимиз келибоқ саҳнага чиқиб кетди-ку, – ўтирган еридан лўкма ташлади Лакис. – Столга ўтириб, аввал озгина қошиғўйин қилволса бўлармиди. Пх-х...

– Ҳозир борамиз, – Одил Лакисга бир ўқрайиб қўйиб, Аламазонга юзланди. – Бийрон ниҳоятда ажойиб қиз экан, жуда қалинлашиб қолдик. – Сўнг четга юз бурганича жим ўтирган Бийронга ўгирилди. – Бе-е, шуям ўтириш бўпти-ю. Нима, дўстимиз келганидан хурсанд эмасмисан? Ҳозир магнитофонни қўяман, сен Аламазонни бир ўйинга солгин.

Одил туриб бориб, духоба қопланган стол устидаги қўшкарнайли магнитофоннинг тугмасини босди, хона эстрада мусикаси оҳангига тўлгач, меҳмонларни дастурхонга илиқроқ муносабатда бўлишга чорлаб қўйиб, ошхона томонга чиқиб кетди. Имлаган бўлса керак, Лакис ҳам чайнашда давом этганича унга эргашди.

– Хўш, мени ўйинга тортадиларми? – аллақачон тақдирга тан бериб бўлган Аламазон Бийронга имкон қадар хотиржам гапиришга тиришди.

Бийрон пича сукут сақлаб тургач, ниҳоят, қатъий бир қарорга келгандек, гавдасини кескин орқага ташлади, бошини бир силкитиб, кўзини тўсиб турган сочини четлатган бўлди, кейин ўша сархуш киёфада Аламазонга дангал нигоҳ қадади.

– Гапни қисқа қилсам... Одил иккаламиз турмуш қурамиз... по моему.

– Табригимни қабул этгайлар, – безрайиб жавоб қилди Аламазон. – Дунёнинг ишлари чалкаш: биров қайсидир қизга атаб шеър ёзиб юраверади, бошқаси бу пайтда унга севги изҳор қилаётган бўлади.

Дастлабки ҳижолатпазликдан бутунлай қутулиб, энди ўзини тамоман эркин тута бошлаган Бийрон бу гапни эшитиб, масхараомуз алфозда шипга бир қараб қўйди.

– Шуни яхши билингки, йигит, – дея киноядор гижинглаб боқди у, – куп-куруқ севгини деб бировга ресторандан алоҳида жой ажратишмайди. Юзта шеърдан битта томчи французкий духининг ҳиди келмайди. Буниям биламиз.

Аламазон унга бир зум диққат билан тикилиб қолди.

– Яна бир нарсани билиб олсалар зиён қилмасди, – дея кесатди у, Бийрон кўзини четроқ олиб қочган дамда. – Француз атри қанчалик хушбўй бўлмасин, иси жуда тез кўтарилади.

– Бу энди қишлоқча гап, – ҳамон четроқ боқиб тураркан, ўз навбатида Аламазонни ҳам «узиб олиш»га тиришди Бийрон. – Зарари йўқ, охири қишлоқ билан шаҳарда фарқ қолмайди, ўшанда эсингиз киради. Тўғрими, философ жаноб?

– Тўғри-ю, лекин...

– Гапираверинг, философ жаноб.

Аламазон мийиғида жилмайиб қўйди.

– Қишлоқлар ҳам шаҳарга айланса, унда... сиз билан менга ўхшаганлар кўпайиб кетмасмикин?

Бийроннинг кўзлари қоплончаникидек чакнаб кетган пайтда, Аламазон «чао» деб кўйиб, шартта ўрнидан турди, кулоқни батанг қилиб янграётган шўх мусиқага на ўзбекча, на ҳабашчалигини билиб бўладиган пала-партиш ҳаракатлар билан жўшиб ўйин туша бошлади. Бир қарашда ўта кулгили, ўта кувноқ туюлувчи бу рақс замирида аллақандай жизгин изтироб яширингандек эди.

– Қани, ҳамма – даврага! – ўйин тушаётиб, меҳмонларни бор овозда рақсга чорлади Аламазон. – Имконни бой берманг, кадрдонлар! Танадаги дардларни терга кўшиб ҳайдаш керак, вассалом!

– Браво, Аламазон, браво! – ўтирган жойида оҳангга мос жилпанглаб, завқ билан қичқирди Эйседора.

Бошқалар ҳам, кавшанган асно, бир маромда қарсак уришга киришдилар.

Ошхонадан ранги бўзариб чиққан Лакиснинг ортидан хонага Одил кириб келди. Олдиниға, бошқаларга кўшилиб, бу ўйинга хайрихоҳлик билан қарсак уриб турди, кейин кўлларини рақсга таранг созлаганича сакраниб ўртага чиқди. Дастурхон атрофидагилар қий-чув кўтариб, уни олқишлаган бўлишди. Оёқларнинг гилам устидаги гупур-гупуридан ликопчалар четига тиралган санчкилар зириллаб, шипда чарақлаб турган жозибадор биллур кандил тебранишга тушди.

Одил беўхшов гавдасини иланг-биланг ўйнатиб келиб, елкаси билан Аламазонга тиралган куйи тиззаларини муқомли букиб, тобора паст чўка бошлади. Жазава аралаш: «Асса!» деб ҳайқирган вақтда Аламазон таққа ўйиндан тўхтаб, унга бефарқ қараганича туриб қолди. Одил буни кўриб ҳаракатини бироз сусайтирган бўлса-да, хануз қийпанглашда давом этиб, кочирик қилди:

– Чарчадингми, ошна?

– Мана сенга «ошна»!

Аламазон ортиқча қулочкашлаб ўтирмай, унинг юзига туйқус шапалок туширди. Лакис эшитадиганини эшитиб чиққунича Эйседорани гапга солиб ўтирган ўша таниш сўйлоқ бутун хонани бошига кўтаргудек бўлиб «Йи!» дея наъра тортиб юборди. Гиламга ўтириб қолган Одил, аввал кўлларига таянганича Аламазонга карахтланиб бокди. Сўнг ирғиб ўрнидан турди, тилла тишларини йирқиратиб, ваҳшиёна алфозда тиржайди.

– Уришгаям кўлинг кеп қопти-ку, болакай.

Одил тиш ғижирлатиб, муштини қаттиқ тукканича ўчкор боқиб турган Аламазоннинг бўғзига кўл чўзаётганида, Лакис ҳалпиллаб келиб ўртага суқилди.

– Жинни бўлдиларингми, ҳой! Аламазон дейман! Ҳаддингда тур, итялоқ!

– Буниси сенга, қаллоб!

Аламазондан қоқ тепакал жойига мушт еган Лакис тисарилганича келиб, столга урилди. Стол устидаги гулдон ағанаб, қовурдоқли каттакон идишни чил-парчин қилди. Меҳмонлар ёппасига ўринларидан туриб кетишди.

– Ҳали сени одам деб зиёфатга опкелдимми? Чўнтаккесар! Ялангоёқ!
Лақис тура солиб Аламазонга тирмашиди, «жирраки сюрприз»ни икки кишилашиб дўппослай кетдилар.

– Ана сенга! Ана! Ана! – бетиним хириллаб, аямай мушт урарди Лақис.
Одил эса кўпроқ оёғига зўр бераётганди.

– Ўлдираман сен итни!

Икки томондан гоҳ мушт, гоҳ тепки ёғилиб турганига карамай, Аламазон ҳам бўш келмаётганди.

Даҳшатга тушганича юзини панжаларида тўсиб турган Бийрон охири эс-хушини йиғиб олиб, шиддат билан ўртага отилди. Муштлашаётганларнинг дам унисини, дам бунисини четга юлқилаб, жон-жаҳдида бақира кетди.

– Бас! Бас! Одил! Бўлди қилинлар!

Кейинги дақиқаларда унчалар иши юришмаётган Лақиснинг тепакал жойини энди лакланган ўтқир тирноқлар ҳам бир-икки тимдалаб ўтди. Шу нарса баҳона бўлди-ю, жанг майдонини узил-кесил тарк этди. Мушкули анча енгиллашган Бийрон Одилни зарб билан четга итарди.

– Бас!!!

– Бўлди, бўлди... мен бирон нарса қилдимми? – ўзини четга олиб, Бийронни тинчлантирди Одил. – Кўрмайсанми бу жўжаҳўрозни...

Лақис ачишаётган тепакал жойига сочиқ суртаётиб Аламазонга четдан яна бўйин чўзди.

– Киссавур! Паскаш!

Бийрон Лақисга қаттиқ кўз қадаб, унинг тилини тийгач, Аламазонга яқинлашиб, паст овозда, лекин қатъий қилиб деди:

– Энди кетинг!

Аламазон осойишта қиёфага кириб, елкалари ситилиб кетган кўйлагининг у ер-бу ерини тузатган бўлди, лат еган жағини сийпалаб, оғзидаги қонни гиламга тупурди.

– Жўнанг деяпман! – ўша қатъият билан такрорлади Бийрон.

Аламазон мағрур одимлаганича эшик тарафга юрди.

Остонада тўхтаб, хонадагиларга кўз югуртириб чиққач, қон сизаётган лабини қувлик билан жимириб қўйди.

– Иштаҳаларингга барака, муҳтарам харомхўрлар!

Азиза йўл четида бирпас гарангсираб тургач, қора такси чиқиб келган томондаги кўп қаватли уйлар сари аста йўл олди. Икки уй оралиғидаги дарахтзорга етганида, қайси ёққа юришни билмай, яна тўхталиб қолди.

Қоронғи қуюқлашиб кетганига қарамасдан бетон ариқча ёқасида ҳамон чуғурлашиб ўтирган болакайларга яқин бориб, ҳозиргина қора таксидан тушган кишилар қаёнга йўналишганини суриштирди. Улар ўнгдаги уйни кўрсатишди, аммо нечанчи зинайўлга киришганини аниқ айтиб беришолмади.

Азиза дарахзор оралаб бориб, ўнгдаги йўлакчага ўтиб олгач, улкан бино деразаларига синчиклаб тикилганича аста-секин одимлашга тушди. Хоналарнинг ҳеч бирида меҳмондорчилик аломати сезилмаётганди.

Нихоят, бинонинг охиrhoғига етганда, тўртинчи қаватдаги очик деразадан бирданига шўх мусика садоси янгради.

Аламазон шу хонадонга кирдимикан? Чиқиб бир суриштириб кўрса-чи? Э, йўқ! Бунақа жойда нотаниш эшикни қоқиш жуда ноқулай. Ҳатто... кўрқинчли!

У нима қилишини билмай, анча иккиланиб турди. Вақт ғаниматида такси ёллаб, Аламазоннинг тураржойини топиб бораверсинми? Агар у ердаям ҳеч ким бўлмаса, кейин нима қилади? Аламазон ҳарқалай шу уйда тунаб қолмас?

Азиза паришон ҳолатда бориб, нариги зинайўл қаршисидаги ёғоч курсига ўтирди. Бироздан кейин сумкасидан печений олиб, кусур-кусур чайнашга тушди.

Хонада ўзини мағрур тутишга зўрға чидаб тургач Аламазон, эшикдан чиқибок, биқинини чангаллаганича деворга суялиб қолди.

«Аямай тепди, аблаҳ! – оғриқнинг зўридан афти тиришиб ихради у. – Ишқилиб, жигарим тўкилмаган бўлсин».

Шу онда ҳозиргина беркитилган эшикнинг зинжири шириқлагандай бўлди.

– Эсинг жойидами? – ичкаридан Одилнинг товуши эшитилди. – Ўзи бошлади-ку жанжални!

Энди Бийроннинг йиғи аралаш таънаси қулоққа чалинди:

– Нима бўлгандаям... Одамни одам шунақа урадими?

– Бўлди, жоним, бўлди. Ке энди, ўтиришни бузмагин. Кетсанг, кайфиятим расво бўлади. Қани, юрақол, жоним. Сенга қанақа совғалар опқўйганимни билмайсан-да...

Шарпалар эшик олдидан узоқлашаётган дамда Аламазон биқинини чангаллаганича зинадан қуйига туша бошлади.

*Сизга ёқар, менимча,
Кимхоб кийган совчилар.
Бизлар эса бекатда
Дайдиб юрган «овчи»лар.
Кўринсак-да жангари,
Безарармиз аслида.
Осилмаймиз бўйимиз –
Етмаганнинг васлига...*

Аламазон ўнг елкаси билан деворга суйканган асно, инграгудек бўлиб иккинчи қават супачагача тушиб борган вақтда бундан бир кунгина олдин телефон орқали ҳол-аҳвол сўрашган эски қадрдонига дуч келди. Атрофига арабча ҳарфлар тамғаланган жимжимадор қутичани қўлтиқлаб олган Бек Бўриевич нафаси оғзига тикилгудек бўлиб юқорига кўтарилиб келаётган эди. Аламазон биқинидан қўлини олиб, қадрини ғозлади.

– Салом бердик, Бек Бўриевич.

– Ҳой, Аламазонмисиз? – анграйганича унга бошдан-оёқ разм солиб чиқди Бек Бўриевич. – Ие, сизга нима бўлди, тасаддук?

Аламазоннинг моматалоқ юзида фахр ва ҳузур ифодаси балқди.

– Девлар билан солишдим, Бек Бўриевич. Бутун бир шайка билан!

– Қанақа шайка?

– Шошманг, шошманг... – Аламазон эски қадрдонининг кўзларига аламнок бир ҳадик билан боқди. – Шайка бошлиғи ўзлари бўлмасинлар тагин?

Бек Бўриевич бирдан гезарди.

– Э, нафасингизни ел олсин. Сизни шундақа одам деб ўйламагандим... кунингиз учинчи жавончага қолмагур.

У собиқ дастёрининг ёнидан қўрқа-писа ўтиб олиб, яна ҳарсиллаганича юқорига қараб интилди.

Аламазон ташқарига чиқиб, тўғри бетон ариқчанинг бўйига бориб чўккалади. Қир, сассиқ сувга рўмолчасини ботириб, лаби ва жағининг шилинган жойидаги қонларни авайлаб арта бошлади.

Ҳартугур, зўр томоша бўлди. Бокс тўғарагининг тренери сифатида бекорга ойлик оляптими? Зарурат туғилса, номни ҳам оқлаб туриш керак-да. Хуллас, «мушук қаттиқ жанг қилди, итнинг ҳолин танг қилди...»

– Аламазон!

Қўнғироқдай таниш сас чалиниб, Аламазон ўз кулоқларига ишонмасдан, шошиб ортга ўгирилди. Ёпирай! Бу тушими ё ўнгими?

– Азиза? Қаёқдан кеп қолдинг бу ерга?

Аламазон ҳайратланиб ўрнидан турди. Бир неча дақиқа олдин юқоридан таралган қий-чувларни эшитган Азиза эса тўртинчи қават деразасига безиллаб қараб қўйиб, уни четга етаклади.

– Ҳаммасини кейин айтаман. Юринг, тезроқ кетайлик.

Улар икки уй ўртасидаги дарахтзор оралаб юришди. Трассага олиб чиқувчи торкўчага етай деб қолишганда, Аламазон биқинини чангаллаб, яна тўхтади. Бориб, сал наридаги силлиқ тўнкага ўтирди.

– Биқинингизга нима қилди, Аламазон?

– Ҳечқиси йўқ, ҳозир ўтиб кетади.

Шу маҳал, боя қора такси кириб чиққан тротуар муюлишига дарчалари панжарали ёпиқ машина келиб тўхтади, дарҳол чироғини ўчирди. Кабинадан фуқароча кийимдаги новча киши, орқа эшикдан эса учта милиционер тушиб келди. Тўнка билан машина оралиғида буталар ғужғонланиб ўсгани учун улар Аламазонниям, Азизаниям пайқашмади. Алланималар ҳақида ўзаро ғужирлашиб олгач, милиционерлардан бири уйнинг орқа тарафига ўтиб кетди, қолганлар олд томондаги йўлакдан юришди.

– Тезроқ кетайлик, – баттар безиллаб, секингина шивирлади Азиза. – Кўшнилар милиция чақиритилганга ўхшайди.

Аламазон унинг кўлидан ушлаб, тинчлантиргандек силаб қўйди.

– Шошмай тургин-а...

Фуқароча кийимдаги новча киши орқага қайтиб келиб, кабинада мик этмай ўтирган шофёрга дўриллади:

– Папкани буёққа ол. Санкция қолиб кетибди.

Новча киши шофёр узатган папкани кўлтиққа қистирди-ю, катта-катта кадам ташлаб, тезда шерикларига етиб олди. Улар ҳозиргина Аламазон чиқиб келган зинайўлга кириб кетишди. Чироклари порпираб турган зинайўл дарчаларидан милиционерлар тўртинчи қаватга чиқишгани аниқ кўриниб турарди.

– Майли, кетдик, – секин шипшиди Аламазон. – Бу ердан жилганимиз дуруст шекилли.

Улар Қатортолгача пиёда чиқишиб, уёғига троллейбусда кетишди.

– Шаҳарга келиб топган дўстларингиз шуларми энди? – троллейбус қарийб бўм-бўш бўлгани учун Аламазонни бемалол сўроққа тутди Азиза.

– Булардан яхшироғини қаердан топиб бўлади? – биқинини сийпалаётиб жавоб қилди Аламазон. – Хайриятки шулар бор экан, кўзимни вақтида очиб кўйишди. Шунақаям бошлаб очишдики, бир умр ҳушёр тортиб ўтишимга етиб ортади. Менга қолса, дунёдаги ҳамма ғофилларни худди шу зайлда дўппослатган бўлардим.

Троллейбус нариги бекатга бориб тўхтаган чоғда ялангбош чиноқ киши олдинги эшикдан жаланглаганича чиқиб келди. Аламазонни кўриб, дафъатан орқага тисарилди. Эшик аллақачон ёпилганини сезгач, ноилож салонга кўтарилди.

– Салом, ўртоқ начальник! – Аламазонга яқин келиб, ўта маданийчасига сузилиб бош қимирлатди чиноқ.

– Ҳалиям тирикмидинг? – жағига рўмолча босаётиб пўнғиллади Аламазон.

Чиноқ бир яланиб олиб, маддоҳлардек бидирлашга тушди:

– Нима бало, бандитлар билан олишув бўлдимидейман?

– Шунга яқинроқ...

– Жағлари соғми, ишқилиб? Кассет билан уришибди-да, зоти пастлар?

...Троллейбус кейинги бекатда тўхташи билан чиноқ хайр-маъзурни чалароқ қилиб, шошганича тушиб кетди.

– Буниси ким бўлди яна? – ҳайрон бўлиб сўради Азиза.

Ҳорғин қиёфада ойнакка бошини тираб ўтирган Аламазон бепарвогина жавоб қилди:

– Эски танишлардан. Кийим тозалаш бўйича мутахассис. Нокимёвий усулда тозалайди...

« Охирини ўйлавоқ, читтигул... »

Шанба пойтахтни Азизага томоша қилдириш билан ўтди: Эскижўва бозори, Кўкалдош мадрасаси, савдо растаси, Студентлар шаҳарчаси, «Роҳат» кўли, «Мовий гумбаз», Марказий универмаг...

Аламазон эртаси куни кўпчилик бўлиб сайрга чиқишни мўлжаллаб кўйган эди. Бироқ, Акбар ҳам, Азизага хоналаридан жой берган қизлар ҳам қандайдир баҳоналарни рўқач қилишиб, уларни яна ёлғиз қолдиришди. Қандай ақлли одамлар бор-а дунёда!

Бу кунги саёхат «Ғалаба» боғида чархпалакка чиқиб айланишдан бошланди. Кейин, йўл-йўлакай, Олой бозорига кириб, дўкон қаторларини кезишди. «Панорама»да кино кўришди.

Кинодан чиқишгач, Аламазон Азизани «Пахтакор» стадиони тарафга бошлади.

Шунча сайил-томошадан кейин холироқ жойда юракдан чиқариб бир гурунглашиш ҳам керак-ку, ахир.

Азизанинг нима учун келганини сўрашга Аламазоннинг сира тили бормаётганди. Тўғри, ҳар бир киши ўз отпусказини мамлакатнинг хоҳлаган жойида ўтказиш ҳуқуқига эга. Аммо, Азиза кўнгил очиш учун нега айнан Тошкентни танлади? Нега Хива ёки Бухорони эмас? Агар Аламазон толе излаб Самарқандга кетган бўлганида-чи? Азиза шундай отпусказининг бир қисмини барибир Тошкентда ўтказган бўлармиди, ёки...

Аламазон бу ерга келганидан кейин Азизани бутунлай унута бошлаган эди. Энди эса қалбида унга нисбатан бир пайтлардагидан ҳам кучлироқ талпинишни ҳис қилаётгандек. Агар, Азиза бундан атиги икки кун олдин келганида, Аламазон уни тамоман бошқача кайфиятда кутиб олган бўларди. Бийрон деган ном бундан икки кунгина илгари ҳам унинг юрагини мустаҳкам эгаллаб турган, у ердан бошқа бир исмга жой топиш амримаҳол эди.

– Шунча вақтгача нега қишлоққа бормадингиз? – узоқроққа чўзилган жимликни биринчи бўлиб бузиб, савол берди Азиза. – Аянғиз ҳар куни йўл пойлайди.

– Шу... иш билан бўлиб...

– Ишингиз ёқадими ўзингизга?

Азиза билан ёнма-ён одимлаб бораётган Аламазон пича сукут сақлаб қолди.

– Очиғи, бу... вақтинчалик иш. Редакцияларда биронта обрўлироқ ўрин бўшагини кутиб юрибман.

Орага яна жимлик чўқди.

– Аламазон, – Азиза гап бошлади-ю, давомини айтишга қийналаётгандек, озгина иккиланиб турди, – мабодо... қишлоққа қайтгингиз келмаяптими?

«Жуда-жуда қайтгим келяпти!»

Бу сўз Аламазоннинг бўғзидан отилиб чиқишига сал қолди.

Яқиндагина Акбар ҳам унга худди шундай савол берганди. Ёки, Аламазон кеча ташқарига чиққан чоғда, у Азизагаям секин шипшитиб кўйдимикан?

Лекин, барибир қизиқ йигит экан шу Акбар. Мен кетсам, ўзи уйсиз қолишини ўйламайди-я.

Ўша куни бетига шу гапни айтганида, у парвойифалак боқиб: «Юртига жон тикадиганлар, кўпинча, ўз юртида кўчада қолганлардан чиқади», деб жавоб қилди. Сўнг: «Ўлмасмиз», дея сирли жилмайди.

Нима, ўлса ҳисобми? Агар тайинли ўз уйинг, ўз еринг бўлмаса, бундай ҳаётнинг «яшаш» деган гапга нима алоқаси бор? Ҳа, дарвоқе, дунёда «умид»,

«кураш», «келажак» деган нарсалар ҳам мавжуд.

– Қишлоққами? – юришдан тўхтаб, Азизага юзланди Аламазон. – Ҳозир... нимаям қилардим қишлоқда?

– Анча озиб қолибсиз...

Чамаси Азиза, «бундай мантиқ-маънисиз азобни бошингизга урасизми», дейишдан тортиниб, фикрини силлиқроқ тарзда айтишга тиришди.

– Ҳа, энди, бокс дегани...

Аламазон гердайиб гап бошлашга бошлади-ю, Азизанинг эзгин тикилиб турганини кўриб, негадир давом эттиргиси келмади.

Одамзод деганнинг наздида киндик қони тўкилган нуқтадан узоқлашиш намуноча кўрқинчли туюлмаса. Мабодо, бунга кўникса, тобора ваҳшийлашиб кетишлиги наҳотки рост бўлса?

Ўзинг ёқтирган касб! Орзу-истак! Интилиш! Мурод-мақсадга етиш нашидаси! Уёқда эса туғилиб ўсган қишлоғинг! Муқаддас оиланг! Онажонинг! Ўртоқларинг! Илк муҳаббатинг!..

Тарозига солаверасан, солаверасан... Гоҳ палланинг у томони тош босса, гоҳ бу томони оғир келади... Бундай вақтда шайин деган нарсанинг ҳақ-ҳаллолигига ҳам ишончинг йўқола бошлайди...

– «Тўғри, Аламазон, мен сенга кўмак беришим мумкин... Гугурт ёнингдами? Сигаретни ёқволай».

«– Мана буни зажигалка дейдилар».

« - Ўхув, ўхув... Ҳой, нега сигаретинг доим столнинг устида туради? Чекканимни билмай қоламан. Ўхув... ол-э, шунингни...»

«– Балки, сигарет улашиб юриб, шоирчиликдаги рақибларимни арзонгина қириб ташламоқчидирман... Кўмак беришим мумкин, деётувдингиз. Хўш?»

«– Нашриётдан сенга иш топсак ҳам бўлади, шеърларингни бориға барака қилиб босиб чиқарсак ҳам бўлади... Аммо, ҳар иккала ҳолатдаям энг асосий нарсани бой берасан».

«– Нимани?»

«– Шеърятни! Кўпга манзур бўладиган ҳақиқий шеърятни. Сен оддий одамларнинг кўнглидагини топаман дейсан-у, ёзганларингдаги қувонч ҳам, дард ҳам, асосан, ўзингники, жуда нари борса – ўқиган китобларинг, кўрган киноларингдаги қахрамонларники. Бошқаларнинг номидан айтаётган гапларинг сохта, баландпарвоз, ортиқча олимона».

«– Демак, оддий кишиларда буюк дард йўқ экан-да?»

«– Бор! Аммо, дарларининг замирида қанчалар улканлик ётган бўлмасин, изҳори ўзларига ўхшаб жуда содда. Дўл ёғса, сен оғиз тўлдириб «табийий офат» дейсан. Деҳқон бўлса, пешанасини тириштириб туриб, «ишни кўпайтирди-да», деб қўя қолади. Бирон цехга ёнғин тушса, сен «Давлат маблағи ўт ичида» деб мақоланга сарлавҳа қўясан. Ишчи бўлса, «кварталдаги мукофот пулиям тамом», дейди-ю, индамай цехни тиклашга киришади. Сен одамлардаги қувончу ташвишларни энг содда тарзда илғаб

ололмасанг, ўзингга ўхшаш чаламураккабларнинг маддоҳи бўлиб қолаверасан».

«– Қисқаси, қаердан топсак бўларкин... ўша соддаликни?»

«– Оддий одамлардан».

«– Шоир олдин заводдами, даладами ишлаб кўриши керак, демокчилар шекилли?»

«– Қанийди шунга ироданг етса. Лекин, оддий одамлар билан бирга ишлаб ҳам уларнинг дилидагини тушунолмай юравериш мумкин. Энг муҳими – кибру ҳаводан, дабдабадан бутунлай кечиб, кишиларнинг энг кичкина қувончлари-ю, энг майда ҳасратларига ҳам теппа-тенг шерик бўла олишда. Шунда, ҳатто, шахсий дардинг ҳам уларнинг дардига айланади. Шундагина улар сени биринчи мисрангданок тушуна бошлашади...»

Э, бу Акбар билан ярим соат баҳслашиб қолсанг, фикрингни тугалай чалкаштириб юборади. Тўғри, агар сурлигинг етса, унинг гапига парво қилмаётгандек писандсиз боқиб тураверишинг, сўзлаб бўлгач, «булар майда нарсалар», дея ўзингни оқилу билимдон кўрсатиб кетаверишинг ҳам мумкин. Аммо, бундақанги феъл-атворли одамлардан ўз ишининг устаси-ю, машхур уддабуронлар чиққан бўлсаям, ҳеч қачон эътиқоди пишиқ донолар чиқмаганини Акбар барибир билади-ку. Ўзингни фош қилганинг қолади холос.

Умуман, Аламазон унга ҳамхона бўлганидан буён нималарга чидамади-ю, нималарни эшитмади. Гоҳ «шоирнинг шеъри ўзидан чиройлироқ бўлиши керак», деса, гоҳ шоирни «болалар ичида эслироқ, элилар ичида болароқ», деб таърифлайди. Аламазон ўшанда: «Мен эслироғу болароқлар орасида негадир Навоий билан Гётени кўрмайпман», деганида у: «Сен шоирлардан эмас, шеър ёзишни ўрганиб олган даҳолардан мисол келтиряпсан», дея жавоб қилганиди.

Бошқа куни эса у Аламазоннинг қоралама шеърларидан уч-тўрттасини ўқиб кўриб, «йўқ, сенга ҳалиям шивирламаётганга ўхшайди», деб қўйди.

– Ким шивирлаши керак? – ҳайрон бўлиб сўради Аламазон.

– Билмадим, – деди Акбар. – Кимдир шивирлайди, лекин ҳеч қачон кўролмайсан. Кимлигиниям билмайсан. Мен фақат шуни биламанки, уни тилга киритиш осонмас. Бунинг учун унга юрак-бағринг эзилиб илтижо қилишинг, ҳолдан тойгунча ёлворишинг, унинг йўлида бор-шудингниям, жисму жонингниям фидо қилишга шайлигингга, бунинг замирида ҳеч қандай шахсий манфаатинг йўқлигига ишонтира олишинг керак. Ишонтира олсанг, марра сеники – у қандайдир сеҳрли соз чалиб, руҳингни аллаловчи оҳангда секин-секин шивирлашни бошлайди.

– Кейин-чи?

– Кейин сен, ҳатто, тонггача ухламаган бўлсанг ҳам, ўзингни бирдан тетик ҳис қиласан-у, унинг айтганларини ёзиб тураверасан, ёзаверасан... Баъзида тап-тайёр мисраларни қоғозга туширишга шунчалик шошасанки, охирида ўз дасхатингни ўзинг ўқиёлмасдан қийналасан...

Ҳа, шунақа ажабтовур йигит бу Акбар. Гоҳида, яна бир ой ёнма-ён

яшасам, фикрлаш мустақиллигимни бутунлай йўқотиб қўймасайдим, деб кўрқиб кетасан. Энди бу мавзуда суҳбатлашмаганим бўлсин, дея ўзинг ўзингга сўз берасан. Бироқ, эртанги кун келди дегунча, кечаги суҳбатнинг давомини қайтадан қўмсаб қоласан, баҳсинг хумори тутади.

Чўтир ойнали эшик ғийқиллаб, белига сочиқ боғлаб олган Азиза хонага кириб келди. Қўлидаги ошпичоққа норози қиёфада боқиб, шикоят қилди:

– Бирам ўтмас эканки... Бошқаси йўқми?

– Ҳамма айб ўзингда, – ҳазил қилмоқчилигини олдиндан ошкор этиб, унга шумланиб боқди Аламазон. – Ошпазликка Эшматвойниям олволганинда, бир йўла белбоғида пичоғи-ю, қўлтиғида девзираси билан келарди.

Акбар туриб бориб, шифонердаги костюмнинг чўнтагидан елимсоп пичоқчасини олди, уёқ-буёғини пуфлаб қўйиб, Азизага узатди.

– Ўткир-у, кичикроқ-да.

Азиза чиқиб кетаётганида уни нигоҳи билан кузатиб қолган Аламазон, шу куйи эшикка тикилганича, бир неча муддат ўйланиб турди. Сўнг столдан сигарет олиб, уни тутатишдан олдин бармоғида яхшилаб эзғилашга киришди.

– Акбар ака, – ниҳоят тамакини тутатиб, хонадошига хаёлчан кўз қадади у, – шу... Азиза қалай... сизнингча?

Акбар жавоб беришдан олдин Аламазоннинг лаби ва жағидаги йўд суртилган чули-чақа жойларга яна бир карра кўз ташлаб чиқди. Бу қарашда ҳамдардликкаям, раҳмдилликкаям ўхшаб кетувчи ҳазин бир ифода яллиғланиб турарди.

– Дунёда ёмон қиз жуда кам, Аламазон, – дея энди унинг кўзига тикилди Акбар, – ёмон муҳит кўп.

Аламазон деразадан яққол кўриниб турган тип-тиник осмон, ундаги оппоқ булутчаларга ўйчан кўз қадади.

– Қаерга қарама – ишқ можароси, – чуқур ҳомуза тортиб қўйиб, аста гап бошлади у. – Баъзи шоирлар севги мавзусини бачкана дейишади.

– Севги ҳақида бачкана ёзган ёмон, – Акбарнинг жавоби ҳар сафагидек нақд турган эди. – Лекин, севги мавзуси сираям бачкана эмас. Энг содда шеърхонларни шеърят билан боғлаб келаётган омиллардан биттаси айнан мана шу мавзу. Жамики фалсафаларни сариқ чақага олмайдиган худбин тўнкалар ҳам ўзларини ишқдаги омадсиз бандалар қаторида санашади. Пайти келса, Машраб ёки Есениннинг «ишқий нола»ларидан парча ўқиб беришданам тойишмайди.

– Бу гапдаям жон бор, – омади келса, Акбарни бу гал мот қилишни ичига тугиб, баҳсга астойдилроқ киришди Аламазон. – Аммо, миллионталаб Тоҳир-Зухралар яратганимиз билан одамзодни баркамол қилиб бўлмайди менимча. Вафодорлик бошқа, етуклик бошқа.

Аламазон кутган ҳол юз бермади. Акбар бу «қақшатгич савол»дан мутлақо саросималаниб ўтирмай, лабини чапиллатиб бир дақиқа мулоҳазаланган бўлди-ю, одатдагидек, ишонч билан сўзга оғиз жуфтлади.

– Етуклик – бу умумий тушунча. Қаттолларниям, фирибгарларниям етуқлари бўлади. Энг асосийси – одамларни қадамма-қадам эзгуликка

эргаштириш. Севгини муқаддас билиб, унга энг мусаффо туйғулар билан сиғина бошлаган киши чечакни тепалаб ўтишга ботинмайди, қушга ўк узолмайди. Ўзини ишқ азобларини енгишга, мақсадга етишга қодир деб билган одам таслимни тан олмайди, мана шундай эркаклари бор юртнинг киз-жувонлари ҳеч вақт ўзгалар кўлида қул бўлиб қолмайди. Покиза ниятли кишилар – заминнинг толеи, улардан на борлиққа заҳмат етади, на инсониятга...

Коридордан шиппакнинг «тапир-тупур»и эшитилди. Азиза чопқиллаб келиб, яна ғийқиллатганича эшикни очди.

– Аламазон! Телевизорда... ҳалиги... сиз чиқадиган концертни кўйишяпти.

Аламазон шошиб соатига қаради.

– Ҳа-я, бугун такрор кўрсатилади...

Учовлон умумётоқ вестибюли сари ошиқшиди.

Бу пайтда Бийрон аллақачон телевизор қаршисидан жой олганди. У ижарахона бурчагидаги креслога чуқур чўкиб, Одилдан ёдгор қолган бўйин соатнинг тилла занжирини лабига қистирганича экранга хомуш тикилиб ўтирарди.

Мамлакат бошкентининг энг диққатга сазовор жойларида суратга олинганлиги, фонда шаҳар таровати, шаҳарликлар ҳаёти жўшқин акс эттирилганлиги билан кўплаб томошабинларнинг меҳрини қозонган филм-концерт тантанавор руҳда бошланди: олтмиш олтинчи йилги зилзиладан жабрланганлар жасоратини абадийлаштирувчи ҳайкални қуршаб олган «Дутор-гитар» ансамбли халқлар дўстлиги қудратини мадҳ этувчи кўшиқни баралла куйлашга тушди.

Кейин Тошкент денгизида ёзиб олинган «Мовий ҳаёт таронаси» ижро этилди. Ундан сўнг «Ўзбекистон кузи», «Қиздан мактуб», «Фарғонача резги», «Қор босган довон»...

Охирги кўшиқ яқинлашгани сайин Бийроннинг юраги тобора ғашланиб бораётганди.

Ҳозир навбат «Читтигул»га келади. У ўзининг кечаги кунини томоша қилади, кечаги кунда уни бир лаҳза тинч кўймасликка онт ичгандек ортидан соя каби эргашиб юрган ўша «халоп-халоп» Аламазонни кўради. Балки, бу сўнгги марта кўриши бўлар. Сўнгги марта...

– Ҳозир «Читтигул» бошланади, – Аламазон «энди диққатни жамланг» демоқчидек, ёнидаги стулда ўтирган Акбарни чиқаноғида турткилаб кўйди.

Нихоят гал «Читтигул»га келди. Ўйноқи мусиқа янграб, экранда дарахт шохига арғамчи осиб учаётган қизалоқнинг шодон чехраси намоён бўлди.

«– Ҳай-юв, читтигул!»

Энди арғимчоқдан арғимчоққа сакраётган цирк акробати кўринди.

«– Ҳай-юв, читтигул!»

Бирдан куй оҳанги ўзгариб, экранда биллурранг либос кийган раққосаларни эслатувчи жўшқин фаввора жилоланди-да, объектив секинлик

билан «Дутор-гитар» ансамблига ўтирилди: ўртада зарбли мусиқа асбоблари, чапда дуторчи кизлар, ўнгда гитарачи йигитлар саф тортиб турибди.

- *Бозда гулим очилди, читтигул,*
- Ёрга иси сочилди, читтигул.*
- *Билса қалам қошлигим, читтигул,*
- Гулда яшар ёшлигим, читтигул,*
- *Ҳай-юв, читтигул!*
- *Ҳай-юв, читтигул!*

Рангли телевизор экрандаги манзара алмашиб, фаввора, ансамбл ва мрамар тепаликни эслатувчи цирк биноси бу сафар бир-бирига уйғун тарзда гавдаланди. Цирк биноси бўсағасидаги майдонда охиста одимлаб бораётган жуфт шарпа ғира-шира кўзга чалинган заҳоти объектив уларни яқиндан камраб олди...

Олдинги қаторда ўтирганлардан бири ортга ўгирилиб, Аламазонга илжайиб кўйди. Аламазон эса буни ҳатто пайқамади, унинг бутун диққат-эътибори экранда, аниқроғи, Бийронда эди...

Фонда – атлас кўйлак устидан яшил жункамзул кийган қиз билан ялтироқ тугмали куртқадаги бўйчангина йигит. Улар алланималар тўғрисида суҳбатлашганларича, шошмасдан одимлаб боришяпти. Кайфиятларида бахтиёрлик туйғуси порпираб турибди.

Бахтиёр жуфтлик майдонни кесиб ўтаётганда, безовта даврларда кечган ёшлиги-ю, хазон бўлган севгиси қайтадан ёдига тушгандек, четроқдаги боғкурсида хомуш ўтирган қарияга дуч келишди. Унинг қизғиш бахмал дўппи остидан сирғалиб чиққан сийрак сочидан тортиб, хипча соқоли, ҳатто, ўсиқ қошларигача, ҳамма-ҳаммаси худди яқтаги каби оппоқ.

Ёшлар унга яқинлашиб, қуюқ таъзим билан салом беришди. Чол бош кимиралиб, алик олган бўлди. Йигит нимадир деган эди, у пўстинкамзулнинг чўнтакчасидан занжири осилиб турган соатни олиб, ўзларинг қаранглар-чи, дегандек уларга яқин тутди. Йигит яна таъзим-ла ташаккур изҳор қилаётган чоғда, қиз кўлидаги гулни эҳтиром билан қарияга узатди.

Бугунги кун вакиллари хандон-хушон жаста уриб экрандан чиқиб боришаркан, «ўтган замон феъли» уларнинг ортидан ҳавас билан тикилиб қолди...

«Дутор-гитар» ансамблининг йигит-қизлари ҳануз басма-басига куйлашда давом этишарди.

- *Гулга қараб куйлайин, читтигул,*
- Гулга қараб ўйнайин, читтигул.*
- *Ёшлигингда ўйнавол, читтигул,*
- Охирини ўйлавол, читтигул.*
- *Ҳай-юв, читтигул!*
- *Ҳай-юв, читтигул!*

– Охирини ўйлаво-о-л, читтигул, – кўшиқ яқунланаётганда ансамблга жўр бўлиб, димоғида хиргойи қилди Аламазон.

– Гапирдингми? – Акбар унга савол назари билан чимирилиб боқди.

Аламазон манглайини тириштирганича бош кашлаб кўйиб, ўзига-ўзи сўзлаётгандек деди:

– Ҳа, охирини бир ўйлаволиш керакка ўхшайди... Ҳай-юв, читтигул...

Вақтинчага чекиниш ёки хотима

Водий тарафга юрадиган кечки поездлар Бешқайрағоч трамвайидек тиқин бўлишини яхши билган Аламазон пешиндан илгарийёк вокзалга келиб, вақтида билет олиб кўйди. Қўпол фанер жодомадон омонатхонага топширилгач, кунни тезроқ кечкиртириш мақсадида Азиза иккаласи шаҳар маркази сари жўнашди.

«Мана, охири чекинадиган бўлдик, – троллейбусда бораётиб ўзича кулимсиради Аламазон. – Лекин, вақтинчага. Қачондир бу шаҳарни барибир забт этаман. Бу сафаргиси жанг билан қилинган разведка бўлди. Шаҳарнинг асосий сир-асрорини, кучли, ожиз томонларини билиб олдим. Энди пухтароқ тайёргарлик кўрсам бас... Эҳ, Тошкент, Тошкент! Ҳақиқатанам тош қалъа экансан!»

Аламазонни бирон нарсага ишонтириш, бирон ёққа бошлаш осон иш бўптими? Ҳе, Акбари тушмагур-эй! Уни жуда иккилантириб кўйди. Буёқда Азиза... Бунинг устига тоғаси ҳам Арабистондан ёзган хатида, «шаҳарга боришга пича шошмадингмикан, ишқилиб», дея писандалаб ўтибди. Кеча эса ҳажвий журнал котиби билан учрашиб қолиб, шу мавзуда зимдан гап очган эди, уям ҳеч бўлмаса дипломни олгунга қадар қишлоқда яшаб тургани маъқуллигини уқтирди.

– Кўнглингни чўктириб, бундақа тумтаяверма, – деб, унинг елкасига қоқиб кўйди котиб. – Биламан, ҳозир сенга ҳаммаси фожиали туюляпти. Аммо, вақти келиб, булар ҳақида кулгили нарсалар ёзасан ҳали.

Ичаги ачиша бошлаган Аламазон Чорсудаги бекатда тушишлари биланоқ Азизани ошхонага етаклади. Манпархўрликдан сўнг, йўлга ҳам улбул нарса олволиш ниятида бозорга ўтишди. Зарур озиқ-овқатларни харид қилиб бўлишгач, Азиза жиянчалари учун қанд-қурслар олаётган пайтда Аламазон зипиллаганича нарироқдаги магазинга кириб, бир шиша арак кўтариб чиқди. Унияма сумканинг четига тиқиштирди.

– Вагонда озгина ичиб олмасам, сира ухлолмайман, – деб ўзини оклаган бўлди у.

Улар бозордан қайтиб чиқишаётганда растанинг охирида олдига бир тоғора нок кўйиб ўтирган кампирга кўзи тушиб, Аламазон тўхталиб қолди. Бойвучча ойининг ўзгинаси-я!

У кампирга яқинроқ бориб, пештахта устидаги сувқоғозли халталардан бирини танлаб оларкан, баҳосинияма суриштириб ўтирмай, «ноқдан икки кило тортворинг, хола», дея унга табассум билан юзланди.

Муюлишдан ўтибок, Бойвучча ойининг дарвозаси олдидан «Тез ёрдам» машинаси турганини кўрган Аламазоннинг юраги сесканиб кетди: кампирга нима бўлдикин?

У ҳовлига ҳовлиққанича кириб келди. Кирди-ю, айвонда тосрайиб чордана қурган Бойвучча ойини кўриб, бирдан енгил тортди.

Кампир қучоғида ўтирган тўрт ёшлар чамасидаги қизчанинг сочларини сийпалаганича алланарсаларни уқтириб жаврар, кўрпачанинг бир четида эса икки ёшга етиб-етмаган болачоқ пишиллаб ухлаб ётарди.

Ўт ўчирувчи яшайдиган ҳужра ичидан ғала-ғовур овозлар эшитилди. Аламазон шундагина гап нимадалигини англагандек бўлиб, айвонга қараб юрди. Кампир билан саломлашибок: «Тинчликми, Бойвучча ойи?» – деб сўради.

– Пажарнўйни аҳволи оғир, – Азизага «ўтир» дегандек кўрпача четига ишора қилиб кўйиб, Аламазонга тумтайиб боқди у. – Кўшнилари юбориб хотинига хабар берсам, гина-қудурат демай даров етиб келди. Дўхтирниям ўзи чақиртирди.

Аламазон ичидаги нарса кўриниб турувчи сувқоғозли халтани шолчага кўйган заҳоти, қизча унга талпиниб, қўл чўзди.

– Нок йийман, амати.

Кампир халтанинг оғзини очиб, унга нок олиб берди. Ҳужра ичидан аёл ўкириғи эшитилган чоғда айвон супаси четида ҳануз типпа-тик турган Аламазоннинг тиззалари бирдан қалтираб кетди. Шалвираганича ташқарига чиқиб келган кекса доктор оқ халатининг чўнтагидан рўмолча олиб, пешанасини артди...

- Адам қатта, амати? – қизча ойисининг ўкириғини эшитиб, Аламазонга кўзини гилдиратди. – Адамга нима бўлди?

Аламазон эси оғиб қолгандек қотиб турарди.

– Э, во-о-ҳ! – Бойвучча ойи кўз юмганича изтиробли қиёфада тебраниб кўйди. – Бир одамзод бу эшикдан кирди-ю, у эшикдан чиқди-кетти. Хаҳ, ўлим курсин-а!

Қизча аввал кампирга, сўнг Аламазонга жовдираб боқди.

– Ўллими адам? Қачон телади?

Аламазоннинг эти баттардан увишиб, оёғини мадор тугалай тарк этаётгандек бўлди. Миясида қандайдир ғувиллоқ турганини ҳис қилди. Бу санчикнинг ҳар бир хуружи орасида қизчанинг даҳшатли саволлари такрор ва такрор жаранглаб эшитилар, ўша жарангли овоз боши узра кузгун галасидек ёпирилиб келиб, юрагини чўкилаб-чўкилаб кемираётганга ўхшарди: Адам қатта? Ўллими адам? Қачон телади? Қачон? Қачон?! Қачон!! Қачо-о-н!!!

*Дўстим эдинг, одил эдинг,
Май тутганда... қотил эдинг!..*

Нимадир гурсиллагандек бўлди...

Бундан бор-йўғи ўттиз сония бурун ҳақиқий етимга айланганидан беҳабарлигича ҳануз пишиллаб ухлаётган болачоқ уйқусираб юмаланган пайтда Азизанинг сумкасига урилиб, ағдариб юборганди.

Сумка четидан сийлиқиб чиққан арақ силлиқ шолча устида думалай бошлади. Азиза «вой» дея ўтирган жойида бир талпиниб кўйди-ю, шишанинг йўлида Аламазон турганини кўриб, шашти сўнди.

Шиша думалашда давом этди... думалаб бораверди, бораверди... жуда узок думалади... Аламазон ҳам унинг имиллаб ғилдирашини жуда узок кузатди, эринмасдан кузатди. Ҳатто, шундоққина туфлисининг ёнидан ўтаётган вақтдаям парво қилиб кўймади, бефарқ қараб тураверди. Оқибат натижани кутди. Натижа эса чакки бўлмади: айвон супачасининг кирғоғидаёқ ҳалокатга маҳкум этилган арақ цемент йўлакка тушиб, «омонатини топширди».

Адажонисига умрбод эркатой бўлиш умиди қонида ҳануз гупириб турган мурғаккина қизалоқнинг дунёдаги энг содда, энг жизғин саволларидан Аламазон ҳам, Азиза ҳам, кампир ҳам, кўҳна ариқчаю ундаги бўтана сувлар, ўт-ўланлару дов-дарахтлар, бутун бошли ҳовлию жамики олам уввос солиб йиғлашга тайёр турган шу дақиқада, четга биқиниб олиб, мунофиқона қикирлаб ётган қаттол арақ ниҳоят жазосини тортди.

Шиша парчаларини туфлисининг учида четга тепгани сайин кўнгли тобора таскин топаётган Аламазон кампирга зимдан хижолатомуз қараб кўйди.

– Майли, синиғини йиғиштириб оларман, – қизчанинг бошини силаб туриб, сокин оҳангда гапирди Бойвучча ойи. – Энди келадиган балолар, илойим, шунга йўлиқсин.

Олти юз олтмишинчи поезд тўртинчи йўлга кўйилиши эълон қилиниши биланоқ вокзал биноси тенг яримга бўшаб қолди. Автомат газсув ёнида навбат кутиб турган Аламазон Азизага, «ошиқма, ҳали вақт бор», дегандек ишора қилди.

– Қайси вагон эди? – Азизанинг барибир юраги тошиқаётгани сезилиб турарди.

- Ўн учинчи шекилли...

Аламазон кўкрак чўнтагига кўл тикди. Билетларга илашиб чиққан бир парча қоғоз шип этиб ерга тушди.

– Ҳа, ўн учинчи.

Аламазон билетларни чўнтагига солаётганда Азиза ердаги қоғозни олиб, унга узатди. Бу Акбарнинг вилоят радиоси бошлиғига ёзиб берган хати эди. Аламазон уни эҳтиёткорлик билан очиб, жумлаларга яна бир бор кўз югуртирди.

«Ҳурматли устоз!

Сиздан қаттиқ илтимос қиламан, шу йигитга қўлингиздан келган ёрдамни аяманг. Ишни бемалол эплаб кетишига мен кафилман.

Сизга сиҳатлик тилаб,

миннатдор укангиз Акбар.
Тошкент, 04. 07. 1977».

Унга қаёқданам йўлиқа қолди шу Акбар? Илгарилари Аламазоннинг ховури жуда баланд эди. Акбар билан ҳамхона бўлди-ю, попилдириғи кун сайин пасая борди. Охирги кунларга келиб, ҳатто, «наҳотки ҳали ғирт думбул бўлсам», деб ўйлашгача бориб етди. Аммо, бу билан, ўзига бўлган ишончни буткул йўқотиб қўймади. Аксинча, энди у нима қилиши кераклигини бурунгидан яхшироқ билади...

Шу топда унинг қўлидаги мактуб бирдан тилга киргандек, Акбарнинг турли суҳбатларда айтган сўзлари шу қоғоз ичидан узук-юлуқ ҳолда отилиб чиқаётгандек туюлди.

«Энг муҳими – асабингни жиловлаб ол, дуч келган хумбош билан олишаверма. Вақтни қадрла. Фақат ёзишингни бил. Шунда ютуқ сен томонга оғади...»

«Биринчи галда ўзингга, қаламингга ишон. Оқил дўстларга таян, бибурд улфатларга эргашма. Дунёдаги ҳамма кулфат ҳамиятсизлигу режасизликдан бошланади...»

«Болаларга ёзган манави шеърларингни кўриб, миямга бир фикр келди. Агар юракдан чиқариб жиддий ёндошолсанг, уларни кўпайтир. Бу жанрда рақибларинг кам, ўрнингни тезда топиб оласан...»

«Ҳозирча бутун ўй-фикрингни ижодга жамла, китоб чиқаришним, лавозимним ўйлама. Қаламинг пишиб етилса бас, яхши одамлар пайти келиб сени ўзлари бағрига тортишади...»

«Бизнинг бурчимиз бақариб-чақариб шахсимизга қоғоздан ҳайкал ясаш эмас. Бизнинг қисматимиз чидаш, дадил ва рост ёзиш...»

«Ҳамма гап бағирни кенг қилиб, яхши ният билан яшай олишда. Оламдаги миллион хил мавжудот ичида одамни одам қилиб турган нарса – самимият...»

«Шу туришда ўзинг ҳам ялтироқ тугмага ўхшайсан, Аламазон...»

«Эртанги куннинг Салай Козимига айланишни истамасанг, аввал шоирлик шаъни нималигини аниқ билиб ол...»

Улар сувни ичиб бўлиб, перронга чиқишди. Тоннелга яқинлашиб қолишган чоғда темирйўлчилар формасидаги аравачали юкчи билан бошига ихчам салла ўраб, беастар чопон кийган қорасоқол киши йўлакда баҳслашиб турганини кўришди.

– Сизга тушунтириб айтяпман-ку, махсим почча, аравачамда одам ташиш мумкинмас. Майли, тугунингизни обороиб берай.

– Мани чанада судра демаяпман, нодон. Худога шукур қилгинки, аравангга тўртта ғилдирак ато этибди. Энди бунга тугун чиқди нима-ю, ман чиқдим нима?

– Туннулга тушиш-ку осон. Сизни баландга итариб чиқишнинг ўзи бўладими?

– Кўп устамон экансан, баччағар. Ке, бўпти, икки сўмни ол-у, мани вагонимга рўпара қил.

«Махсип почча» юкчининг индамай қолганини кўриб «бисмилляху...» дея аравачага ўтирди, дўппайган тугунини авайлаб қучоғига ўрнаштирди.

Аламазон билан Азиза тоннелнинг пиллапоясига қадам қўйишаётганда аравача ҳам ўрнидан қўзғалди. Бундай аравачалар учун зина четидан темир панжара билан тўсилган махсус тор йўлакча ажратилган. Шунга суқилиб кирувчилар ҳам учраб тураркан.

– Орқага кайтинг, хов! – бирдан чинқириб берди юкчи. – Бу йўл арвачага қурилган.

Кенг зина буёқда қолиб, тор йўлакчанинг панжарасига тирмашганича юқорига кўтарилиб келаётган бақалоқ кимса аста тўхтаб, юкчига ўқрайди. Ўпкаси оғзига тикилгудай ҳансираб тургани учун гапиришга чоғи келмай, «ўзинг қайт» дегандек қўл силтаб ишора қилди.

– Йўлни бўшатинг деяпман! – қуруқ пўписага парво қилмай, янгитдан чинқирди юкчи.

– Орқага судра... шаҳар ҳокими ўтирган бўлсаям, – лунжини пирпиратиб хириллади бақалоқ. – Юрагим чатоқ ўзи.

Юкчи жиззакилик билан елка учириб, «буни менга нима алоқаси бор», дея қўлларини икки томонга ёйган маҳалда жиловдан бўшанган аравача зудлик билан пастга интилди. «Махсим почча» тугунни қўлидан ташлаб юбориб, бошвоқсиз аравачанинг икки четига ёпишди. Бақалоқ кетини деворга ишқагудек бўлиб, базўр бурилиб олгач, бўрсикдек пойга қўйди. Мана энди кўрибсизки, юкчи аравачани, аравачага тугунни, тугун эса бақалоқни қувлашга тушди.



Бақалок мешдай қорнининг мувозанатини сақлаш учун бошини орқага ташлаганича чопиб бориб, пастга соғ-саломат етиб олганидан кейин ҳам тезликни пасайтирмади. Ўртадаги ялангликни спринт усулида босиб ўтиб, энди қарши томондаги пиллапоядан юқорига учирмаланди. Аравача эса текисликка етгач, тугунга мингашиб бир сапчиди-ю, «махсим почча»ни четга улоқтириб, ўзи оёғи осмондан бўлиб ағдарилди.

– Шаҳар ҳокимига суиқасд қилинди! – дея четдан қичқирди Аламазон.

Бир қисм йўловчилар «махсим почча»нинг қўлтиғидан кўтариб ҳол-аҳвол сўрашга киришганда, иккинчи қисми йўлакчадан чопкиллаб тушган юкчини тутиб олиб, бўғзига ёпиша кетди.

– Чолни нима қип қўйдинг, меров?!

– Аравачага одам ўтқизиб бўларканми, а?

– Милицияга бериш керак буни!

Охирги сўзни эшитиб «махсим почча» сакраб ўрnidан турди.

– Милиса керакмас манга! Чақирманглар милисани!

У ерда сочилиб ётган бир қолипдаги заргул рўмолларни шоша-пиша йиғиштириб, қайтадан тугунга тика бошлади.

Аламазон Азизанинг кетидан купега кириб бориб, анграйиб туриб қолди.

– Ие, ўзлариям шу ердамилар, пирим?

– Ойим иккаламиз опоқ отамни кўргани кетяпмиз. Таътилда ўйнаш керак-да.

Аламазон товукнинг сонини «чаппа-чуп» чайнаб ўтирган япалоқ юзли гўштдор аёлга қараб бош қимирлатиб қўйди. Унинг сочи қўнғироқ бўлса ҳам, бир вақтлар болакай таърифлаб ўтган кўзичоққа сираям ўхшамасди. Азиза сумкадаги озиқ-овқатларни олиб, дастурхонни янги ноз-неъматлар билан бойитаётган чоғда аёлнинг туйқусдан чехраси очилиб, олдидаги товук бурдаларини сахийларча ўртага сурди.

– Лаш-лушингни олсанг-чи, – қўлидаги суяк билан столча четидаги картон қутини туртиб, ўғлига буйруқ қилди у.

– Зарари йўқ, тураверасин.

Аламазон аёлни шаштидан қайтариб, тўғри қилдимми дегандек, болакайга ғолибона кўз қисди. Бола ҳам ўз навбатида кемшик тишларини кўрсатиб, мамнун илжайди.

Жомадонни жойлаб бўлгач, чекиш учун ташқарига чиқиб кетган Аламазон поезд қўзғалганидан биров кейин қўлида чойнак ва стаканлар билан хонага қайтиб кирди. Аёллар бир томон, эркаклар бир томон бўлиб олиб, қизгин суҳбатлашганларича чойхўрликка зўр беришди.

Бир пайт болакай Аламазоннинг ялтироқ тугмали погончасига қиялаб боқиб: «Армияга борганмисиз, шоир жаноблари?» - деб сўради.

– Борганман.

– Командир бўлганмисиз?

– Бўлганман. Мен... ефрейторман, пирим.

– Унда, манавини биласизми? – бола навбатдаги саволни бераётиб, картон қутичанинг қопқоғини очди.

Аламазон ўйинчоққа боқиб, ўзини ҳайратга тушгандек қилиб кўрсатди.

– Ие, передатчик-ку бу! Тўқ-тўқ-тўқ. Тут-тутут, тут-тутут...

– Биларкансиз-да, – қаноат ҳосил қилиб қувонди бола.

Аламазон унинг елкасига оғайниларча қўл ташлаб, жиддий қиёфада сўради:

– Аппаратларидан фойдалансак майлими, пирим? Муҳим бир маълумот бор эди.

Бола кеккайиб бош ирғади.

– Муҳим бўлса, майли.

Товукни аллақачон асфаласофилинга жўнатиб, энди йўлдошларининг балиғини ямлашга ўтган аёл қилтанокларни сидириб, столча четидан жой бўшатди. Аламазон ўйинчоқни ўша ерга қўяётиб, балиқнинг чала ғажилган бошини Азизанинг олдига сурди.

– Бир вақтлар редакторинг калламга нисбатан айнан шундай ҳурматсизлик қилувди.

Азиза бунга жавобан ҳеч нима демади.

Аламазон қизғиш симли эшиткични қулоғига қистириб, йўқламачок бурамаларидан бирини, узун-қисқа хуштак чалганича, уёқ-буёққа айлантира бошлади. Ниҳоят, «керакли тўлқинни топиб», столдаги стаканни оғзига тутди.

– Қарға! Қарғавой! Мен ўғри Олаҳаккаман. Қабулга ўтинг.

Сўнг, товушини ўзгартириб, пўнғиллашга тушди:

– Олаҳакка! Сени яхши эшитяпман. Мен Қар-р-ғаман. Қабулга ўтдим.


Аламазон стаканни четга қўйиб, жойига ўрнашиброқ ўтириб олгач, кеккайганича аппаратга қўл чўзди. Маънодор томоқ қириб, йўқламачок тугмачасини пианино чалаётгандек шавқ билан тикирлата кетди.

– Ҳамма, ҳаммага! Овчилар жамиятининг аъзоси ҳурматли Аламазон бугун йўлга чикди. Унга ажратилган поезд жанубий йўналишда ўрмаламоқда. Эрталаб соат саккизу йигирма беш минутда шифрда кўрсатилган станцияга кириб борилади. Тантанали кутиш маросими худди шу вақтга белгилансин. Вассалом!

Азиза оғзини ҳовучида тўсиб, секингина дераза томонга ўгирилди. Бурротил болакай эса, кемшик тишларини қайтадан намойишлаб илжайганича, Аламазонга маҳлиё бўлиб тикилиб турарди.

*1980 – 1986 йиллар,
Олтиариқ – Тошкент.*

Слѣтукъ у П 2 парадъ у Куга П



16 — 145

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

1. Насриддин афанди.
2. Тўғон Тўғонович — болалар боғчаси мудир.
3. Болғавой — пахта заводи ишчиси.
4. Сунбула — боғча тарбиячиси.
5. Жумагул — энага, Сунбуланинг онаси.
6. Майлунов — хўжалик мудир ва ошпаз.
7. Болта-булбул — қоровул.
8. Тўптошхола — фаррош.
9. Шўх қиз — Тўптош холанинг набираси, 6-синф ўқувчиси.

ҚАБРГА КУЗАТУВЧИЛАР, ОВОЗЛАР, ШОВҚИНЛАР.

БИРИНЧИ ПАРДА БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Қабристон. Нимқоронғулик. Мунгли мусиқа садоси эшитилмоқда. Янги қабр ёнида бири биридан пўрим кийинган кишилар гўдайганича сукут сақлаб туришибди. Энг олдинда турган савлатдор кимса гўр устидаги каттакон гулчамбарнинг боғичини тартибга келтиргач, ортга қараб юради. Ҳамма кўл қовуштириб унга эргашади. Машиналарнинг мотори юргани, “Вий, вий, вий!”, “Вапира-вап!”, “Дит, дидит!” сингари сигналлар эшитилади. Бир маҳал, гўр қаъридан оппоқ кафанга бурканган Тўғон Тўғонович балқиб чиқа бошлайди. Қад ростлаган заҳоти, мусиқа тинади.

ТЎҒОН: Раҳмат сизларга, эй, суянган тоғларим! Ҳаммаларингга минг куллуқ! Бўйнимга оламан, жиноий жавобгарликка тортса арзийдиган даражада катта хатога йўл кўйдим. Аввало, номенклатурадаги одамлигимни, қолаверса, қилган оқибатларимни ҳисобга олиб, мана, мени вақтинчага кўмиб туришларингга тўғри кепқолди. Наилож, ҳамма айб ўзимда. Лекин, биладан, сал вақт ўтиб, ишларим бости-бости бўлиши биланок, гўримдан яна казиб оласизлар. Кичикроқ амал берасизлар. Айбимни бошқаларга билдирмай ишлашни қанча яхши уддалай олсам, мансабим шунча ошаверади, бошқатдан гуркираб ўсавераман. Унгача чидаб туришимга тўғри келади. Чидайман! Умид қиламан! Сизларга ишонаман! Қанча кутиш керак бўлса, миқ этмасдан, шунча кутаман! Кутаман... Кутаман... Кутаман...

Мусиқа янграйди. Кафанга бурканган Тўғон Тўғонович гўрнинг қаърига қайтадан кириб кета бошлайди. Буткул қоронғулик чўқади.

Сал ўтиб, мусиқа ўзгаради, сахна аста ёришади. Сахна тепасига «Боғчамизда стахановчилик ҳаракатини кучайтирайлик!» деган шиор осилган. Темирйўлчилар формасини кийиб, стрелкачиларнинг осма сумкасига сурнай ва байроқчалар тикиб олган Болта-булбул уён-буён одимлаб юрибди. Ширакайф Болғавой кўча тарафдан кириб келади, боғча ҳовлиси томон интизор боқиб, «оҳ-воҳ» қилади.

БОЛҒА: Оҳ, оҳ, оҳ! Ҳа-а жажжигина боғчагинангдан айланайин-а! Ҳа-а ширингина дарчаларингдан аканг! Ҳа-а томингдаги мўричаларингга жоним ту-ту-ту! Ўзингга ўхшаб тутаб турибди-я! (Қоровул хўмрайганича «дут» этказиб сурнай чалгач, чўчиб ўша ёққа қарайди.) Оббо-о, шу соқовдан ҳеч кутулмадим-да. (Унга бўйин чўзиб.) Ҳа, вей? Қарзим борми?

БОЛҒА : (Бодир-будур қилганича яқин келади.) Ҳайт! Ҳайт! Кишт! (Гоҳ кўли билан «жўна» ишорасини қилиб, гоҳ сурнай чалиб, уни сахна четига суриб келади.) Кишт-кишт!

Мудирнинг эшиги очилиб, Тўғон Тўғонович ташқарига чиқади. Кафтини соябон қилиб, қоровул тарафга тикилади.

ТЎҒОН : Нима гап, Болта-булбул? Бу қанақа сурнайбозлик?
 БОЛТА : (Болғавойни кўрсатиб.) Ана!
 ТЎҒОН: Ким ўзи у?
 БОЛТА : Болғавойман.
 ТЎҒОН: (Парвосиз.) Шу етмай турувди, Болтанинг ёнига энди Болға кўшилибди-да. (Яқин келади.) Ие, сенмисан, пиёниста? Яна келдингми? Айтувдим-ку иккинчи қорангни кўрмайин, деб.
 БОЛТА : Вей, начальник! Мениям сизга кўзим учиб тургани йўқ. Сунбулани деб келдим.
 ТЎҒОН : Сунбула сендақа бекорчи эмас. Жўна! Боғча болаларнинг тарбиясини бўшаштирасан, бандит қиласан.
 БОЛТА : (Яна қўл силтаб.) Кишт-кишт!
 БОЛТА: Шуми ишчилар синфига оқибат?
 ТЎҒОН : (Кафт дўлайтиб.) Э, жўна-е! Синфингдан ўргилдим! (Ўгирилиб, ҳовли томонга кетади.)
 БОЛТА: (Ортидан мушт ўйнатиб.) Йўқолсин совет тўралари! Ҳокимият инсофлиларга! Текинхўрларга — карамшўрва!
 БОЛТА : (Чучкуради.) Апчиш-у! (Қўл силтайди.) Кишт-кишт!
 БОЛТА: Э-э, бўлди-да! Нима, ғулғултовуқмидим мен? Одамса-а-н деб бизгаям паспорт беришган. Қошиқда овқат еб, кўрпада ухлашга ҳақимиз бор... (Ҳовли томондан Сунбула чиқаётганини кўриб.) Сунбула! Қишлоқ бўйича яккаю ёлғизим!
 СУНБУЛА: (Аразгўй қиёфада.) Тинчлик кун борми ўзи?
 БОЛТА : Ие! Намунча зарда қиласан, чучварадўппингдан аканг?! Оққушим!
 СУНБУЛА : (Астойдил гиналаниб.) Келиб-келиб, мудиримизга йўлиқибсиз. Яна... мана шу аҳволда.
 БОЛТА : Сунбулагинам! Ишчилар синфини эвординг-ку!
 СУНБУЛА : Илтимос қиламан, кетинг! Мени уятга қўйманг.
 БОЛТА: Кишт! (Этик тапиллатиб депсинади.)
 БОЛТА : Анавини қаранг! Биз минан учрашишдан ор қиладиган бўптилар-да? Энди қизил дипломлари бор-да, а? Ё партияга ўтишларига халақит беряпмизми?
 СУНБУЛА: Бас қилинг!
 БОЛТА : Кишт! (Яна депсинади.)
 СУНБУЛА : Кетинг! Кетинг деяпман! Сизни кўргани кўзим йўқ, эшитяпсизми? (Юзига панжа босганича ҳовлига тез кириб кетади.)
 БОЛТА : (Орқадан ўдағайлаб.) Барибир мендан қочиб кутулолмайсан!
 БОЛТА : (Болғавойга қўл силтайди.) Э-э-э!... (Кўчага чиқиб кетади.)
 БОЛТА : (Ҳовли тарафга бақиради.) Оққушим! Билиб қўй, ё боғчадан тиригимча бошлаб кетасан, ё ўлигим шу жойдан чиқади. Ё ҳаёт, ё ўлим! (Сўнг товуши пастлаб.) Бу ердан бир қадам жилмайман. Абадий туравераман... Мана бундай қилиб! (Боғча ҳовлиси сари интиқ кучоқ очганича қотиб тураверади.)

Ташқаридан қўшиқ эшитилади.

ҚЎШИҚ ОВОЗИ:

Том бошида тоғора,
Тандир тўла зоғора...

Соқол-муйлови ихчам қайчиланган, пешанасига қийиқ танғиган,
беқасам тўн кийиб, елкасига хуржун ташлаган Насриддин куйлаганича
қирчиллаб кириб келади.

НАСРИДДИН: Зоғорани узолмай, ёр-ей... (Болғавойни кўриб тўхтайтиди,
қўшиғи бўлинади. Унинг уёқ-буёғидан айланиб томоша қилади.) Э, қойил! Э,
устасига офарин! Худди ростакан одамга ўхшатибди-я! Бир вақтлар Румдаги
хайкалтарошларгаям дарс берганман, аммо бунақа зўр хайкални биринчи
кўришим. (Бармоқ тишлаб.) Қизиқ, буни нимадан ясашдийкин? Ганжгаям
ўхшамайди, ёғочгаям. Ё мисмикин? Балки сополдир? (Пешанасига, бурнига
чертиб кўради. Қорнига, белига шапатилайди, кетини авайлаб сийпалайди.)

БОЛҒА : (Ниҳоят сабри тугаб, билагига уради.) Қўлингни торт-е!

НАСРИДДИН: Ёпирай! Одаммасан?

БОЛҒА : Нима, соқоли йўқлар одаммасми? Биздаям паспорт бор. Ўзлари
ким?

НАСРИДДИН: Насриддин афандиман.

БОЛҒА: (Киноя билан.) Ўша латифалардагимми?

НАСРИДДИН: Ҳа, ўша латифалардаги.

БОЛҒА : (Сал жиддий тортиб, синчиклаб боқади.) Бир қасам ичворсинлар!

НАСРИДДИН: Алдаётган бўлсам, саккизинчи калиш урсин!

БОЛҒА: (Шаштидан тушиб, унга умидвор тикилади.) Афандим!!! (Дафъатан
тиз чўкиб, этагини ўпади.) Кечиринг мен нодонни! Ёрдам беринг! Ўзингиз
совчи бўлинг, афандим!

НАСРИДДИН: Қанақа совчи?

БОЛҒА : Мана шу боғчада Сунбула деган қиз ишлайди. Мактабда бирга
ўқиганмиз. Ишқиде куйиб-куйиб, йигирма бешга кирдим. Бу золим ё яхши
кўраман демайди, ё бировга тегиб кетиб, мени ўлдириб қўяқолмайди.

НАСРИДДИН: Боягиндақа хайкал бўлиб тураверсанг, сенга қайси аҳмоқ
кўнгили қўяди?

БОЛҒА : Ноиложликдан хайкалга айланувдим. Бу қизни деб тортмаган
азобим қолмади, афандим. Уйига яқин борсам, пичоғини яланғочлаб акаси
чиқса; кўча-куйда тўсиб гаплашай десам, бир тўп болақай доим ёнида. Мана,
ўзимни ҳисобимдан бир ой отпуска олиб, охири боғчанинг олдига ётволдим.
Шундаям юракдан чиқариб гаплашгани қўймайди бу одамлар... Тўғон
Тўғонович деган мудир бор, чиқиб дарров сиёсатни пеш қилади. Тўнка!
Ўлган хотинининг акаси министр бўлган вақтда унинг қўлида ишлаб юриб,
курсига бир умр жипслашди-қолди. Нафси бузуклик қилиб, олдин вилоятга,
кейин туманга пастлади, қишлоқ мактабига директор бўлди. Мана ҳозир
боғчага мудир. Мансабпараст! Эшак!

НАСРИДДИН: Эшакка тил тиккизма, жигар. У жудаям сабр-қаноатли,

меҳнаткаш ҳайвон. Емини ҳалоллаб ейди. Баъзан ишқий ашула айтса, юракни эзворади.

БОЛҒА: Афандим! Менга совчи бўлинг! Йўқ деманг!

НАСРИДДИН: Ўртага тушардим... Ичувчи экансан, мениям бевурд қиласан.

БОЛҒА: Дарров пиёнистага чиқарманг-да. Куйганимдан ичяпман. Сунбула хўп демагунча шу ерда ётаман, отаман!

НАСРИДДИН : Баҳона тўқима. Эркак деганда чидам бўлади.

БОЛҒА: Менда чидам йўқ, ўғилболача гап бор — Сунбула йўлга кирган кундан бошлаб оқигаям, қизилигаям, борингки сарифигаям тупураман!

НАСРИДДИН: Ҳм... Э, йўқ, барибир мастларга ишониб бўлмайди.

Мастликдаги ваъда — чумолидаги хода. Қўй, мени бу ғалвага аралаштирма.

БОЛҒА : (Ҳафсаласи пир бўлганича ўрнидан туриб, тиззасини қоқди.)

Насриддин афандимиш... (Бошмалдоғини бармоқлари орасидан кўрсатади.)

Мана! Насриддин афанди камбағалга доим ёрдам берган. Айниқса, ишчилар синфига! (Бармоқ сараклатиб.) Кимлигингни биламан!

НАСРИДДИН: Кимман?

БОЛҒА : Тўғон Тўғоновичнинг шпийўнисан, хуржунингда яширин маълумотлар бор. Майли, шпийўнлик қилсанг қилавер, аммо... (мушт ўқталиб) бундан кейин Насриддин афандининг номини сотма. Бу оламда ўзбекка биронта суянчиқ қолган бўлса, уям — Насриддин. Сен афандимизнинг тирноғигаям арзимаёсан. Ҳе, соқолингга бит тушгур! (Кетади.)

НАСРИДДИН: (Ўзича жилмайиб кўйиб.) Жуда болади-ку хумпар. Дуруст йигитга ўхшайди. Ёрдам берсаммикан? Қани, эшагим билан бир маслаҳатлашиб кўрай-чи.

Ҳовлидан мудир ва яқтакка шапка кийган Майлунов чиқаётганини кўриб, ўзини четга олади. Майлунов кўлидаги каттакон сумкани ҳансираб ерга қўяди.

ТЎҒОН : Кулоқ сол, Маймунов...

МАЙЛУНОВ: (Илжайиб.) Май-й-лунов.

ТЎҒОН: Ўзингдан қолар гап йўқ, ҳозир замон нозик. Буларни бизникига олиб кираётганингни кўшниллар кўрмасин.

МАЙЛУНОВ : Кўнгилни тўқ қилинг, хўжайин. Биласиз-ку, думим бўлмасаям, изимни супуриб юраман.

Кета бошлайди. Кўчадан аста кириб келаётган қоровул сурнайни «дут» этказиб, йўл очик дегандек сарик байроқчани кўтаради. Насриддин афсуснамо бош тебратади, кетади. Тоғора кўтариб, кўчадан Жумжагул киради.

Т Ў Ғ ОН: Ў-ў-ў! Жумагул Паттаевна! Қаёқлардан келяптилар?

ЖУМАГУЛ: Артизонимиз бугун жилдираб қолди, чойшабчаларни ариқда чайиб келяпман.

Т Ў Ф О Н : Ҳа, сизни қийнаб қўйяпмиз, Жумагул Паттаевна. Осонроқ ишга ўтказасмикан?

ЖУМАГУЛ: Ҳожати йўқ, Тўғон ака. Ишимга кўникиб қолганман.

ТЎҒОН: Жуда болажонсиз-да. (Сукланади.) Чунки ўзингиз ҳали бола кўрадиган ёшдасиз. (Жумагул уялинқираб бош эгади.) Ҳў кунги гап жавобсиз қопкетди-ку, Жумагул Паттаевна.

ЖУМАГУЛ : (Нарида ғўдайиб турган қоровулга ҳадикли қиялаб қўяди.)

Ахир... бола-чақали ўғлим бор, кап-катта қизим бор...

Т Ў Ф О Н : Ҳамма гап шунда-да, мана ўғлингиз рўзгорини алоҳида қилволди. Сунбулаям эрга тегиб кетса, сўппайиб қоласиз. Ҳўп десангиз, Сунбуланинг ишиниям тезлаштирворардик. Тепамаҳалладаги тоғамизда бир ўғил бор...

ЖУМАГУЛ: Ҳозирги ёшлар бир-бирини суймаса...

ТЎҒОН : Бе-е. Ана, қизингизни суюдиганлардан биттаси молдек ичволиб, боғчамизга кунига етти рейс қатнаб юрибди. Эшикдан ҳайдасанг, тешикдан мўралайди.

ЖУМАГУЛ : Болғавойми? Менимча, Сунбула уни яхши кўради-ю... Йигит ўлмагур ичишини қўймапти-да. Қизимниям боши қотиб юрибди шекилли.

«Дут» этган овоздан иккаласиям чўчиб тушади. Энди замонавий кийиниб олган Насриддин эшикдан кириб келаётганини кўрган қоровул кизил байроқчани кўтариб, йўлини тўсади.

НАСРИДДИН: (Қизлардек эшилиб, мулойим гапиради.) Ие, ие... Ассалому алайкум, ҳурматли қоровулбоши. Бошлиқ қаердалар?

БОЛТА: Ана! (Мудирни кўрсатади.)

Жумагул ҳовлига қараб юради.

Т Ў Ф О Н : (Яқин келади.) Хизмат, ука?

НАСРИДДИН: Ҳаммага таниқли Тўғон Тўғонович ўзлари бўладиларми?

Т Ў Ф О Н : Ҳа, болалар боғчасининг мамлакатдаги биринчи эркак мудирини менман.

НАСРИДДИН : (Баттар эшилиб.) Бағоят хурсандман. Танишиб қўяйлик — хайкалтарош Насриддин Афандиев! Сизни қувонтирадиган таклифим бор.

ТЎҒОН: Қани, қабулимга киринг-чи бўлмаса.

Қоровул сурнай чалиб, бу гал сариқ байроқча кўтаради. Сўнг кўчага чиқиб кета бошлайди.

НАСРИДДИН: (Мудирга эргашаётиб.) Қоровулингиз жуда-а ғаройиб экан.

ТЎҒОН: Болта-булбулимиз — туғма чаласоқов, бор-йўғи ўнтача гапни биледи. Шунга қарамай, темир-йўлда салкам қирқ йил стрелкачи бўлиб ишлаган. Ҳозир нафақада.

Эшикдан киришаётганда сахна айланади. Кабинет ичкарасида хашамдор стол, кресло. Девор ёқалаб стуллар терилган. Тепада қиличли паҳлавон портрети.

НАСРИДДИН: Вуй-й! Анави суратдаги йигит мунча чиройли? Мўйлови ўзига бирам ярашибдики!..

Т Ў Ф О Н : Бу — Қиличботир. Боғчамизга шу ўртоқнинг номи берилган. (Стулни кўрсатиб.) Қани, ўтиринг. (Ўзи креслога ястанади.)

НАСРИДДИН: Бу ерга яхши ниятда келдим, Тўғон Тўғонович.

Ҳайкалингизни ясамоқчиман.

Т Ў Ф О Н : (Кўзи чакнаб.) Тўғри ўйлабсиз, ука. Ўттиз йилдан бери номенклатурадаман. Менга аллақачон ҳайкал қўйиш керак эди.

НАСРИДДИН: Ҳа-я, сиз турганда қаёқдаги фрунзе-мурунзеларга қўйиб юришибди.

ТЎҒОН : (Хавотир тортиб.) Айтгандай, маблағ масаласи нима бўлади?

Биздек одамларнинг ҳайкали, ҳарқалай, арзонга тушмаса керак?

НАСРИДДИН : Асло ташвиш тортмасинлар. Ҳайкални жамоатчилик асосида ясамоқчиман. Хом ашё топиб берсангиз бўлди.

ТЎҒОН : Топамиз! Мажлислар залиниям бутунлай ихтиёрингизга берамиз. (Ўрнидан кўзғалиб.) Юринг бўлмаса, иш жойингизни кўрсатиб қўяй.

Сахна айланади. Иккаласи ташқарига чиқишади. Ҳовли томондан Сунбула кела бошлайди.

С У Н Б У Л А : (Мудирга қоғозни бераётиб, Насриддинга бош қимирлатади.) Бу йил мактабга узатиладиган болалар рўйхатини сўраган экансиз. (Мудир қоғозга кўз югурта бошлайди.)

НАСРИДДИН : Вуй-й, чиройлилигини-и! Рухсат берсинлар, Тўғон Тўғонович, рухсат берсинлар. (Мудирни айланиб ўтиб, илжайганича қизни уён-буёндан томоша қилади.) Бунақа паризодлар дунё буйича фақат икки жойда туғилиши мумкин — ё Истамбулда, ё Олтиарикда! Агар шу туришда котириб қўйилса, сайёралар аро энг кўркам ҳайкал бўларди. (Сунбула бир оз саросимада.) Буни каранг, ҳаммаси рисоладагидек, кўзлариям чиройли, юзлариям чиройли... бўйинлариям, елкалариям, беллариям...

Т Ў Ф О Н : (Қоғозни чўнтакка солаётиб.) Ўртоқ Афандиев, хозирча белда тўхтаб турсак...

НАСРИДДИН: Мен одобли йигитларданман, Тўғон Тўғонович, умримда сира-а белдан пастга тушмаганман.

Сунбула парвосиз қайтиб кетади. Мудир кўчадан кириб келаётган қоровулга бўйланади.

ТЎҒОН: Болта-булбул!

БОЛТА: Ҳа?

ТЎҒОН : Ҳамма мажлисга. Мени кабинетимга йиғилишсин.

Мудир ва Насриддин мажлислар залига кириб кетишади. Қоровул «дут-дудут, дут-дудут» қилиб сурнай чала бошлайди. Ҳовлидан Жумагул чиқади.

Ж У М А Г У Л : Нима гап, Болта бува?

БОЛТА: (Мудирнинг кабинетини кўрсатади.) Ана-ана!

Ж у м а г у л ичкари кириб, ҳовлидан С у н б у л а чиқади.

СУНБУЛА : Уф-ф, мажлислариям жонга тегди. Иш қилгани кўйишмайди-я.

БОЛТА : (Мудирнинг кабинетини кўрсатади.) Ана!

С у н б у л а кириб кетгач, кўча томондан Майлунов келади.

МАЙЛУНОВ: Сурнай чалингандек бўлдими?

БОЛТА : (Чучкуради.) Апчиш-у! (Унгаям йўл кўрсатади.) Ана!

Майлунов ичкари киради. Ҳовлидан пишиллаб Тўптош хола чиқади, ортидан болаларнинг «қий-чув»и эшититилади. Сочига боғич таққан набираси кўчадан шиша кўтариб келаётганини кўриб, ўдагайлай-ди.

Т Ў П Т О Ш : Қўлингдаги ер ютгур нима?

Ш Ў Х Қ И З : Шишанинг оғзини кавакка тиқиб, анча ари ушладим.

Т Ў П Т О Ш : Ҳу, ўйинқароқ бўлмай кетгур. Олтинчини тамомляпсан-у, эсинг кирмади, кирмади. Ўғил невараларимданам шўхсан-а. Бор, мажлисдан чиққунимизча анавиларни тўполон қилдирмай тур. Кейин ошхонанинг полини ювамиз.

Тўптош хола мажлислар залига қараб юради.

БОЛТА : (Уни йўлдан қайтариб.) Ҳайт! Кишт-кишт! (Сўнг йўл кўрсатади.) Ана-ана!

Тўптош хола мудир кабинетига киради, мажлислар залидан Тўғон Тўғонович ва Насриддин чиқади.

Т Ў Ф О Н : Болта-булбул! Қани, ўзлариям мажлисга энди.

Қоровул ичкарига киришдан олдин остонада яхшилаб оёғини артади, тарокда мўйловига пардоз беради, фуражқасининг чангини қоқади, шўх қиз ордан писиб келиб шишани мудирнинг почасига туттади, сўнг ҳовлига қараб югуради, сал ўтмай болалар «қий-чув»и тинади, уччаласи ичкари кираётганда сахна айланади.

МАЙЛУНОВ : (Қоровул мудирнинг креслосига яқинлашаётганини кўриб.)
Ий-й... Буёққа ўтсинлар, мана буёққа. (Четдаги стулга етаклайди.)
Т Ў Ф О Н : (Насриддинни ўзига яқин жойга ўтқзади.) Ҳозир коллективимиз
билан танишасиз. (Кафт чўзиб кўрсатади.) Тарбиячимиз Сунбула. Буниси —
хам завхўз, хам ошпазимиз Маймунов.
МАЙЛУНОВ: (Ўрнидан кўзғалиб илжаяди.) Май-й-лунов.
ТЎҒОН : Тўптош хола фаррошимиз. Қоровулимиз Болта-булбулни биласиз.
(Бирдан тиржайиб.) Бу киши илғор ходимларимиздан бири, тажрибали энага
Жумаг-гул Пат-таевна! (Жиддийлашиб.) Ўртоқлар! Энди сизларга
меҳмонимизни таништирай. (Безрайиб.) Таниқли санъат арбоби, совет
матбуотида тез-тез мақталиб турадиган донгдор ҳайкалтарош Насриддин
Афандийч Афандиев! (Давомли қарсаклар.) Бугун мажлис аҳлига ажойиб
хушхабар айтмоқчиман. Қиличботир номли боғчамиз майдонига бекиёс бир
ҳайкал ўрнатишга азму қарор қилдик. (Қарсаклар.) Бу пурвиқор ҳайкални
ўртоқ Афандиев жамоатчилик асосида ясаб, бизга бепул тортиқ қиладилар.
(Қарсаклар.) Хўш, ўртоқ Афандиев кимнинг ҳайкалини ясамоқчи? (Қоровул
илҳом билан қарсак чалади, Майлуновдан бошқа ҳеч ким унга кўшилмайди.)
Бу саволга бажонидил жавоб бериб айтамик...
НАСРИДДИН: Тўғон Тўғонович, шу нарсани ҳозирча сир тутсак майлими?
Т Ў Ф О Н : Майли, бу ҳайкал аҳил коллективимизга сюрприз бўлақолсин...
Хуллас, ўртоқлар, яқин ҳафталар ичида боғчамиз ҳаётида о-о-ламшумул...
(Бармоғини осмонга бигиз қилганича кўзлари гўлайиб туриб қолади.)
Ўрмалаяпти... (Безовталаниб, кетини қимирлатади.) Ичимда бир балолар
юрибди, ўртоқлар! (Энди белиниям қилтиллатади, сўнг зорлангудек
кичқиради.) Жумагул Паттаевна!

Ж у м а г у л ирғиб ўрнидан туради. Сунбуланинг чақчайиб боқишидан
пича тайсалланиб қолса-да, жонсараклик билан мудирга яқинлашади.

Ж У М А Г У Л : Нима бўлди, Тўғон ака?
Т Ў Ф О Н : Билмадим, Жумагул Паттаевна, билмадим. Аллақандай ички
душманлар нозик жойларимда ўрмалаб юрибди. А-а-а!!!
(Белини ишқалайди.) Чакди!
ЖУМАГУЛ : (Костюмининг этагини кўтаради.) Вой ўлай, ари-ку! Ана, учиб
кетди.
Т Ў Ф О Н : Тиригича ушлансин!

Сунбуладан бошқа ҳамма арини қувлай кетади.

БОЛТА: (Кўлида ҳавони чизиб.) Ана! Ана!
НАСРИДДИН: Буёққа кетди, буёққа. Ҳаюв-в!
ТЎПТОШ: Қимирлама, Маймунип, елкангга кўняпти.
БОЛТА : (Келиб, Майлуновнинг бўйни аралаш мушт туширади.) Мана!

Майлунов ерга қапишиб қолади.

ТЎПТОШ : Яша, Болта-булбул! Ариниям тинчитдинг, Маймунипиям.

Ҳамма қий-чув билан ердаги арини тепалайди.

Т Ў Ф О Н : Хў, сиёсий нодонлар! Биттасидан қутулиб, намуноча суюнмасанглар? Юзтаси ҳали ичимда юрибди... А-а! А-а-а! Келсанглар-чи! БОЛТА : Аха-а! (Кўзларини ваҳимали олайтганича келиб, энди иккала қўли билан мудирнинг белига навбатма-навбат сола бошлайди.) Ана, мана! Ана, мана!..

Майлунов ҳушини йиғиб ўрнидан тургач, гандираклар мудирга яқинлашади.

МАЙЛУНОВ : (Ғазабнок.) Шошмай тур, газандалар, номенклатурадаги одамни чақиш қанақалигини кўрсатиб қўяман! (Аввалига энкайиб олган мудирнинг тўғри келган жойига мушт ура кетади, кейин жазаваси кучайиб, тепишга тутинади.) Мана сенларга! Чақиш манавинақа бўлади! Манавинақа бўлади!

Мудир полга мукка тушганича чўзилиб қолади. Шундаям дўппослашни тўхтатишмайди.

ТЎПТОШ : (Иккаласини икки ёққа итариб.) Бўлди-е! Ўлдириб қўясанлар-е!

МАЙЛУНОВ : Ўлдирамиз деб уряпмиз-да, Тўптош хола.

ТЎПТОШ : Аринимас, мудирни ўлдириб қўясанлар.

МАЙЛУНОВ : (Ҳушёр тортиб.) Э!.. Э!.. Дарвоқе!..

БОЛТА : А?! (Мудирга зеҳн солиб тикилади. Бориб, чалқанча ағдаради.

Кўкрагига кулоқ тутиб кўриб, тумтайиб ўрнидан туради.) Ҳа! (Юзига фотиҳа тортади.)

МАЙЛУНОВ : (Томошабинларга юзланиб, йиғлашга тушади.) Акамм-ў, акамм-ў, акам! Арилар-га хўрак бўлган акамм-ў, акамм-ў, акамм-ў...
ТЎФОН : (Аста бош кўтариб.) Ўчир!!!

Майлуновнинг йиғиси бўғзига тикилиб, ортга боқади.

МАЙЛУНОВ : Хўжайин! (Бориб ўрнидан турғазади, бағрига босади, уёқ-буёғини пайпаслайди.) Ҳамма ари ўлдими, ишқилиб? (Сўнг ғижинганича энг шимаради.) Ё ҳалиям биронтаси ўрмалаб юрибдими?

Т Ў Ф О Н : Қоч-е! (Майлунов ва Болта-булбулга ўқраяди.) Безорилар! Ваҳшийлар! Сенлар билан гаплашиб қўяман ҳали!.. (Чап қўлини силаб.) Вой-ей! Кам деганда, ҳайфсан бераман... Вой-ей!

Майлунов Тўфоннинг пинжиги киради. Мудир унинг кўмагида оқсаб-тўқсаб ташқарига юради. Сунбула бош сараклатиб кулганича энг орқада

чикиб бораётганида, Насриддин маънодор йўталади.

НАСРИДДИН: Ўхув!.. Ҳм... Ўхув!..

СУНБУЛА : Нима бало, бояги мактовни давом эттирмоқчимилар?

НАСРИДДИН: Жон-жон деб давом эттирардим-у, иложим йўк. Тўғон Тўғонович шахсан тайинладилар-ку, белдан пастга тушмагин, деб.

СУНБУЛА : Содда кўринсангиз ҳам анча муғомбирга ўхшаяпсиз.

НАСРИДДИН: Сиздан биттагина илтимосим бор, Сунбулахон. Қўлингиз бўшаганда, ёнимга кириб турсангиз. Ҳачирни қамчи югуртирганидек, мени ишимдаям илҳом парисининг аҳамияти катта.

СУНБУЛА : (Писанда қилади.) Жамоатчилик асосида кириб турарканман-да?

НАСРИДДИН : Дард кўрманг, Сунбулахон! Худди опамнинг ёшлигига ўхшайсиз-а. Уям жуда-а сахий, жуда-а меҳрибон эди. (Сунбула кулиб кўйиб, чикиб кетади. Насриддин жиддий тортиб, мамнун қўл ишқалайди.)

Бошланиши чаккимас. Келинболага яна озгина ишлов берилса, ҳамма нарса изига тушади. (Томошабинларга юзланиб.) Нима? Намунча қийпанглайсан, дейсизми? Йўли шунақа, жигарларим. Биринчидан, аёллар билан тезроқ киришиб кетаман. Ииккинчидан, бу ишим эркакларда шубҳа ўйғотмайди. Эпчил булбул бир кечада атиргулниям кўнглини олади, карнайгулниям. (Кувлик билан кўз қисади.)

Том бошида тоғора,

Тандир тўла зоғора.

Зоғорани узолмай, ёр-ей,

Чолу кампир овора...

Насриддин куйлаганича чикиб кетади.

П а р д а

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Боғча ташқиси. Юз-кўзи кўқарган, чап қўлини бўйнига осган мудир ўз хонасидан оқсаб чиққан вақтда кадрдон сумкасини қўлтиғига буклаб қистирган Майлунов кўчадан кириб келади.

Т Ў Ғ О Н : Ташлаб келдингми? Биров кўрмадими?

МАЙЛУНОВ : Кўрди, Тўғон Тўғонович! Афсуски, кўрди! Мен ғафлатда қолдим!

Т Ў Ғ О Н : Ким кўрди?

МАЙЛУНОВ : Тепамаҳаллалик тоғангиз. Балодан ҳазар деб, томорқангизнинг деворидан ошиб кирсам, ишқом тагидаги сўрида илондек чўзилиб ётибди-да.

Т Ў Ғ О Н : Тоғамиз бўлса, майли...

МАЙЛУНОВ: Э, хўжайин, битта бунақа тоғадан ўнта душман яхши. Мени кўриб, ҳа, сичқонлар, кемириб ётибсанларми, дейди.

Т Ў Ф О Н : Кўнглингла олма, у сассиқ чол эски сиёсатдон, догмат. Янги замон механизмини тушунмайди. Шу боисданам, қанча-қанча курсиларни кўрди-ю, бири икки бўлмади.

МАЙЛУНОВ : Қизик, дейди, бу Тўғон қачонгача еркин, дейди.

ТЎҒОН : Мендан тепадагилар еб ётибди, менам ейман.

МАЙЛУНОВ: Ҳа-да, еймиз-да!

ТЎҒОН : Кечки пайт шефни уйигаям у-бу нарса ташлаб ўтгин. Ҳафтада бир хабар олиб тур.

МАЙЛУНОВ : Бажарамиз, хўжайин. (Мудир хонасига кириб кетгач, енгил нафас олади.) Шефниям хурсанд қиламиз... Мудирниям... Ўзимизниям эсдан чиқармаймиз. (Ҳовлига ўтиб кетади.)

Кўча ёқдан одимини майдалаб қоровул киради. Ортида Болғавой пайдо бўлади, кайфи тароқ.

БОЛҒА : Оҳ, оҳ, оҳ! Сутли бўтқаларингни ҳидларидан аканг! Иштончасини хўл қилган қайси болачокни тергаб ўтирибсан, оққушим?!

Қоровул уни кўриб, сурнайини «дут» эткизади, қизил байроқчани кўтариб, йўлини тўсади.

БОЛТА: Ҳайт-хайт! Кишт!

БОЛҒА : Вей отахон, менга кун берасизми, йўқми?

БОЛТА: (Чучкуради.) Апчиш-у! (Қўл силтайди.) Кишт!

БОЛҒА : Қачонгача ит-мушук бўламиз? Ундан кўра яримтани очволиб, бир хасратлашсак-чи.

БОЛТА : (Ижирганиб қўл силтайди.) Э-э-э!..

БОЛҒА : Ичмайдиларми? Ҳа унда, ҳеч бўлмаса, ичганни тинч қўйинг.

БОЛТА : (Елкасини ночорлангандек қисиб, мудирнинг эшигини кўрсатади.)

Ана! (Бошига муштлайди.) Мана!

БОЛҒА : Тушунарли. Сени ҳайдамасам, мудирдан балога қоламан, денг? Шу юмронқозикдан кўрқиб юрибсизми хали? Уялиш керак, отахон. Сиз билан мен ким — ишчилар синфимиз! Мен чилангар!! Сиз собиқ стрелкачи!

Иккаламиз бирлашсак, катта кучга айланиб, тўраларни бурчакка тикворамиз, отахон.

БОЛТА: (Бирдан кўкрак кериб.) Ҳа!

БОЛҒА : Эҳ, отагинам! Ишчилар синфи доим енгади! Енгилмайди!

Сунбуланиям барибир буйсундирамиз!

БОЛТА : (Баттар ҳаволаниб.) Ҳа!!!

БОЛҒА: Келинг, биргалашиб нола қилайлик! (Берилиб куйлай бошлайди.)

Сунбулаю Сунбула,
Ўраб олай гул билан...

БОЛТА: (Кўнгли эриб, сузилади.) Ваҳ!

Ашулага махлиё тебрана бошлаган қоровул сурнайни қўшиқ оҳангига мослаб чалишга тушади.

БОЛҒА: Мени кўнглим сен билан-о,
Сен юросан ким билан?
Қадамингда гуллар очилсин.
Фарғонада ўт ёқсам,
Шу боқчада тутуни.
Бу дунёда бормикан-о
Юрак-бағри бутуни?
Қадамингда гуллар очилсин...

Т Ў Ф О Н : (Оқсаганича яқин келади.) Бас қил иккаланг! (Қўшиқ ва музика тинади!) Тентаклар! Наркаманлар!

БОЛҒА : (Муштини юқори кўтариб қичкиради). Йўқолсин сотқин тўралар!
Дехқонларга — ер-сув! Ишчиларга — озиқ-овқат!

БОЛТА: (Қатъият билан бош силкиб.) Ҳа!!!

Т Ў Ф О Н : (Болғавойга масхараомуз боқади). Вой, тарбиясиз-ей! Вой, партиясиз-ей! Бурнидан чиққунча ичволиб, инқилобдан олдинги шиорни кўтариб юрибди. (Қоровулга.) Постингизга боринг, Болта-булбул. (Қоровул безрайганича мағрур турганини кўриб, баттар жаҳлланади). Нима, постга сиёсий жиҳатдан хушёрроқ одам топайликми? (Қоровул туйқус ҳовуридан тушади, иккиланиб Болғавойга қиялайди, бўшашганича кўча тарафга чиқиб кетади). Ўзингни қизларга хўрлатиб нима қиласан, ўртоқ пиёниста?

Тирикчилигингдан қолмасанг-чи.

БОЛҒА : Дунёга келиб бир одамгарчилик қилинг, ака. Кириб, Сунбулага буйруқ берворинг, шу йигитни яхши кўришинг шарт, денг.

Т Ў Ф О Н : Намунали боғча тарбиячиси аллақандай анархист билан мулоқотда бўлолмайди. Бунга рухсат бермайман.

БОЛҒА: (Жазаваланиб). Ах-х, колонизатор мудир! (Бор товушда бақира кетади). Сунбулага озодлик! Қаердасан, оққушим?! (Сунбула безовта қиёфада чиқиб келади, Болғавой унга талпинади). Махбусгинам! Вилоят буйича яккаю ёлғизим!

Т Ў Ф О Н : (Сунбулага ўдағайлаб). Қаттиқ огоҳлантираман, ўртоқ тарбиячи. Бунақа унсурлар боқчага таклиф қилинмасин. (Хонасига йўл олади).

Ҳовлидан болалар шовқини эшитила бошлайди.

СУНБУЛА: (Йиғлагудек боқиб). Яна нима туриш бу?

БОЛҒА: Сунбула! Бодомқовоққинам! Менга тўппа-тўғриси айт, гуноҳим нима?

СУНБУЛА : Гуноҳингиз битта — шармандасиз!

БОЛҒА: Мен-а? Пахта заводининг кўли гул чилангари-я?!

СУНБУЛА : Шармандалар катта-кичикка бўлинмайди. Ҳаммаси бир хил,

хаммаси битта ботқоқда.

БОЛҒА: Унда, мени ботқоқдан тортвол, оққушим.

СУНБУЛА: Эркак киши ўзига таянади. Хайр! (Ўгирилиб кета бошлайди).

БОЛҒА: Сунбула! Яна аросатга ташлама! Шошмагин...

СУНБУЛА : Энди келиб, бекорга овора бўлманг. Тамом! (Ҳовлига кириб кетади. Болаларнинг шовқини тинади).

БОЛҒА : (Ортидан бақиради). Чучварани ҳам санама, мендан қутулиб бўлсан?! (Сўнг шаҳди пасайиб, ўзича ғудирлайди.) Қаёққа қочардинг? Сен тамом десанг, мен дарров тамом қип кўядиган одамманми? Болғавойман-а! (Баланд руҳда ташқарига юради).

Мажлислар залининг эшиги очилиб, Насридин чиқади: энди эғнида коржома, соқол ва қўлларида ганж юқлари. Дам олмоқчидек пиллапояга ўтиради. Челак кўтарган Тўптош хола набираси шўх қиз билан кўчадан киради.

ШЎХ ҚИЗ : Ассаломалайкум...

Т Ў П Т О Ш : Нега бу ерда қаққайиб ўтирибсан, расмчи?

НАСРИДДИН : Дунёни ишларига сира зехним ўтмайди-да, Тўптош хола. Бир нарсага бошгинам қоти-и-б ўтирибман. Мана сиз кўпни кўрган доно аёлсиз, менга тушунтириб берсангиз...

ТЎПТОШ : (Челакни кўйиб, ёнига ўтиради). Сўра сўрайдиганингни. (Набирасига). Бор, сен ичкарига кир.

Шўх қиз ҳовлига йўл олади.

НАСРИДДИН : Қаранг-а... биринчи иккинчини яхши кўради-ю, иккинчи биринчини яхши кўрмайди. Учинчи биринчини яхши кўради-ю, биринчи учинчини яхши кўрмайди. Ё иккинчи биринчи билан, ё биринчи учинчи билан келишиб кўяқолса-ку...

Т Ў П Т О Ш : Тўхта-е, тўхта-е!.. Бошимни тегирмон қилвординг. Лўндасини гапир-е!

НАСРИДДИН: Сунбуланинг олдига бир йигит ҳар куни арз-дод қилиб келади-ю, бечоранинг сира ови юрмапти. Ваҳоланки, ўша йигитни деб бир доврўғдор механизатор қиз кўрпа-тўшакка михланиб ётганмиш.

Т Ў П Т О Ш : Механизатор? Кимдан эшитдинг буни?

НАСРИДДИН: Қоровулимиздан.

ТЎПТОШ: Ё тавбангда кетай! Болта-булбул буни сенга қанақа қилиб тушунтирди?

НАСРИДДИН: Тушунтирди... хм... Қоғозга ёзиб берди.

ТЎПТОШ: Эринмаганини қара-я... (Майлунов келаётганини кўриб, ўрнидан кўзгалади, пақирни кўтарганича ҳовлига кириб кетади).

МАЙЛУНОВ : Гапларингни бўлмадимми? Ўртада катта сир борми дейман?

НАСРИДДИН: Сир десаям бўлади, демасаям... Шунчаки янги гап.

МАЙЛУНОВ : (Ёнига сукулиб). Шу жойда ишлаб туриб, куруқ қолмайлик энди.

НАСРИДДИН: Бу гап Сунбуланинг қулоғига етмасайди, деб кўрқаман-да.

МАЙЛУНОВ: Кўрқманг, оғзим железобетон.

НАСРИДДИН : Бир йигит десангиз боқчамизни теварагида мажнун бўлиб юрибди. Сунбула уни ҳайдагани-ҳайдаган. Энди билсак, сурати жумхурият хурмат тахтасида турадиган бир чевар қиз шу йигитга ўзи совчи қўйиб юрганмиш.

МАЙЛУНОВ: Анавини қаранг-га! (Жумагул келаётганини кўриб).

Кечирадилар, зарур ишим бор эди... (Ховлига кириб кетади).

НАСРИДДИН: (Жумагул яқинлашгач). Хафаро-о-қ кўринасиз, Жумагул опа? Тагин қизингиздан ранжиётган бўлманг, Сунбулахонда тирноқчаям айб йўқ. Деразадан ҳаммасини кўриб турдим, қирчинингда қийилгур йигит ўзи са-а-л шилқимроқ экан. Яқин орада келмайдиган ҳам бўпқолар.

ЖУМАГУЛ : Келмай бўпти! Уни билмас экансиз.

НАСРИДДИН : Мана кўрасиз, уйланволса, бахилнинг дастурхонидай гумдон бўпкетади. Ахир айтишяпти-ку — бир раққоса қиз унга илакишиб юрганмиш. Шунга ёпиши-и-ибгина қолса, ажабмас... Вой, нега чўчиб тушдингиз?

ЖУМАГУЛ: Йўқ... шунчаки... (Мудирнинг кабинети сари юради, сўнг гарансиб ортга қайтади, ховлига кириб кетади) .

Насриддин қувлик билан кафтларини ишқалаб ўрнидан тураётганда, бир даста қоғоз кўтариб ховлидан Сунбула чиқади.

НАСРИДДИН: (Жилпанглаб). Сало-о-м, Сунбулахон... (Сунбула кайфиятсиз бош қимирлатиб қуйиб, мудирнинг хонасига кириб кетади). Вой, ву-у-й, таъб дегани кўмирхонанинг ойнагиданам хира-ку! Болғавойга йўликмасдан олдин, мазангларни балдоғидек чарақлаб турувди... (Сунбула қоғозларни ташлаб, тез қайтиб чиқади). Тасаддуғим Сунбулахо-о-он, илҳом париси бўламан деганларича кўринмай кетдилар?

СУНБУЛА : Ишдан ортиб бўлмаяпти.

НАСРИДДИН : Ҳа айтгандай... бояги жувонмарг ким эди?

С У Н Б У Л А : (Аламноқ кўл силтаб.) Қўйинг ўшани...

НАСРИДДИН : Сизларни кўриб тури-и-б, опам шўрликнинг бир вақтлар тортган азоблари эсимга тушиб кетди. Қўшни йигит билан ўлдим-куйдим килишарди-ю, нимагадир тез-тез жанжаллашиб қолишарди. Шу алфозда юраверишди, юраверишди, юраверишди, юраверишди, юраверишди... охири эпчилроқ бир қиз «Ўппа-а!» деди-ю, йигитни илди-кетди.

СУНБУЛА : (Сесканиб кетади). Вой, нега энди илиб кетаркан? Бировнинг йигитини-я?

НАСРИДДИН: Қизиқсиз-а, Сунбулахон. Ҳозирги қизлар эрсираб қолса, бу йигит кимники деб сўраб ўтирармиди?

СУНБУЛА : Бу... беҳаёлик-ку!

Сунбула энсаси қотганича ҳовлига юради. Насриддин яна мамнун қўл ишқалаб қўйиб, қўйлайди.

НАСРИДДИН: Ёрим кетаман дейди-ё,
Кеткизгани қўймайман.
Йўлларига чим босиб, ёр-ей,
Ўткизгани қўймайман...

Мудир хонадан чиқиб, қўшиқ бўлинади.

Т Ў Ф О Н : Ишлар яхши кетяптими, ўрток Афандиев? Ҳайкал битиб қолай дегандир?

НАСРИДДИН : Намунча шошилтирмасангиз, Тўғон Тўғонович? Тез битадигани, бу — кетмонсопининг ҳайкали.

Т Ў Ф О Н : Айтгандай... хизмат қаерда ўзи?

НАС Р'И Д Д И Н : Эркин ижодкорларданман, Тўғон Тўғонович. Тўрқовоқда яшаган бедана тухум тукқанидаям, бола очолмайди, деганлар.

Т Ў Ф О Н : Ижодкормизми, донишмандмизми, жамиятда тайинли иш жойимиз бўлиши шарт. Маданият уйининг директори ошнам бўлади.

Хоҳласангиз, ҳайкалтарошлик тўгараги очдириб берай, бориб раҳбарлик киптуринг.

НАСРИДДИН : Шу амал куриб кетгурга ҳушим йўқроқ-да.

Т Ў Ф О Н : Ҳалиям нодон экансиз, амалсиз одам одамми? Эс-ҳуши бор киши министр бўлолмасаям, камида иккита атторга хўжайинчилик киптуриши керак.

НАСРИДДИН : Шунақа дейсиз-у, раҳбарликка укувим бўлмаса, нимаям қилардим?

Т Ў Ф О Н : Уқув?.. Уқув-пуқув, калла-палла — булар кейинги масалалар.

Энг муҳими — иштиёқ, ўрток Афандиев, иштиёқ! Биринчи синфдалигимда муаллимларга гап қайтармаслигимни ёқтириб, синфбошиликка кўтаришди.

Шундан кейин мансабсиз яшаш ўлимлигини тушундим. Вожатий бўлдим, комсорг бўлдим. Институтда старосталик қилдим. Мактабдагилар чақимчи деб, институтдагилар деканнинг айғоқчиси деб бурчакка қисишарди. Барига чидадик, ука. Мана, кам бўлмадик.

Шошиб Майлунов киради.

МАЙЛУНОВ: Совуқ гапни эшитдиларми, хўжайин? Биласиз, шефнинг отаси оғир ётувди. Бандалик қилганмиш.

Т Ў Ф О Н: Қачон?

Насриддин иккаласини холи қуйиб, хонасига кириб кетади.

МАЙЛУНОВ : Эрталаб кўчасидан ўтиб келаётганимда тинчлик эди. Чамаси, янгитта...

Т Ў Ф О Н: Э, чамангдан ўргилдим! Аниқ билиш керак эди. Гап бошлиқнинг кўнглини олишдан кетса, оламда эпчил махлуқ кўпаяди, зип этиб этиб боришади. Ҳаммадан кечга қолсак, нима деган одам бўламиз?

МАЙЛУНОВ: Телефон турибди-ку, хўжайин. Биринчи ўринда кўнгили сўраб кўйиб, кейин йўлга чиқсак-чи?!

Т Ў Ф О Н : Гапинг тўғри. Қани, юр. (Эшик сари юришганда сахна айланади. Кабинетга киришади). Уйига кўнғироқ қилиб, шефни топ, кейин трубкани менга берасан.

МАЙЛУНОВ: (Телефон паррагини ғилдиратиб). Аллув-в... (Бирдан йиғламсираб).. Отамм-ў, отамм-ў, отам! Отамм-ў, отамм-ў... Нима? Қаердан? Комсомол кўмитаси? Трубкани жойига кўй! (Яна номер теради). Отамм-ў, отамм-ў, отамм... Нима? Тагин сенга уландими, хўл бало? Кўй трубкани! (Қайтадан ғилдиратади). Отамм-ў, отамм-ў, отам! Отамм-ў, отамм-ў, отам! Бандачилик энди, бандачилик... Нима, нима? Қаердан? Сувга чўкканларни кутқариш жамияти? Узр, узр... Йўқ, тинчлик, тинчлик. Э, қанақа одамсиз, ҳеч ким сувга чўккани йўқ, деяпман-ку! Бемалол ўтираверинг, эртагаям чўкмайди. (Трубкани кўйиб). Ё тавба! Туманимизда ичишга сув йўғ-у, булар жамият тузволишибди. Ана, идорангни ҳаммомга кўчир, бирортаси тоғорага чўкиб кетмасин тагин.

Т Ў Ф О Н : Кўп вақилламай, шефни топсанг-чи? Кейин, ҳар қанақа махлуққа отамлайверма.

МАЙЛУНОВ : Бажарамиз, хўжайин, бажарамиз. (Яна номер теради). Алув-в! Қаер бу? Ким билан гаплашяпман дейман? (Бирдан потирлайди, тиржаяди). Ие-ие! Ие-ие! Ўзларимидилар, акахон, ўзларимидилар? (Энди тўсатдан афтини буриштиради). Отамм-ў, отамм-ў, отам! Ҳамамизни етим қилган отамм-ў, отамм-ў... Лаббай? (Трубкани ўзидан узоқлатиб, Тўғонга боқади). Нима гапинг бор, мажлисга шошиб турибман, деяпти-ку.

Т Ў Ф О Н : Э, буёққа бер-е! (Трубкани ўзи олади). Ассаломалайкум, шеф! Бардам-бақувватмилар? Ҳоримай-чарчамай, деганларидек?

МАЙЛУНОВ: (Четдан шивирлаб). Ҳеч ким ўлгани йўқми, денг-чи...

Т Ў Ф О Н : (Уни тирсагида нари туртиб). Уйдагилар соғ-саломат юришибдимиз? Келинпошшо, бола-чақалар, онахонимиз... (товушини баландлатиб.) айниқса, отахонимиз? Э хайрият, э хайрият... Ҳаммаларига биздан салом айтасиз... Э, йўқ, ўзларидан шунчаки аҳвол сўраб кўяйлик деб... Соғиниб қоламиз-да... Маймуновми?

МАЙЛУНОВ : (Зорлангудек.) Май-й-лунов!

Т Ў Ф О Н : Ҳа энди... биласиз-ку уни... кўнгли яримтароқ. Отаси сал оғирлашиб қолган экан, шунга сизни яқин олиб... Ҳм... сабабини ҳали чуқурроқ суриштирмаман. Менимча, унчалик... Хўп... Хўп... Хўп бўлади, шеф. Омон бўлсинлар. (Трубкани зарда билан Майлуновга узатади.) Ма, энди уёғини ўзинг тўқи...

МАЙЛУНОВ : (Трубкани олаётиб.) Отам беш яшарлигимда ўлиб кетганини билардингиз-ку, хўжайин. Энди нима дейман?

Т Ў Ф О Н : Билганингни қил. Ҳозир минг тўққиз юз саксон саккизинчи йил, демократия замони.

МАЙЛУНОВ: (Трубкага.) Лаббай, акахон? Э, кўрмайсизми фалокатни... шу десангиз, қайнатам... Ҳа, қайнатам! У кишиниям ота деймиз-да, акахон... Қаранг, бугун оғирлашиб қолиб... Лаббай? Сандикни тагидаги тахтамушукка сичқон илинган экан. Қайнатамиз, яъни отамиз шуни оламан деса, сандик жилиб кетиб, таппа кўлини босибда-да... Лаббай? Шунга оғир ётибдими, дейсизми? Сизга бошланишини айтдим холос, акахон. Кейин сичқоннинг ўлигини кўймоқчи бўлиб томорқага кирган экан... эчкидан сал кичикроқ бир африканский мушуклари бор... шу лаънати бало-қазодай келиб, чолнинг кўкрагига калла қўйибди-да. Қаранг, битта сичқонни деб... Лаббай? Мен ҳам бошда айтганман, акахон, импортний нарсага илашманг деганман. Ҳа энди Африкани ўзингиз биласиз, гоҳ у бурчагида тўполон, гоҳ бу бурчагида. Ҳар ҳафтада бир давлат тўнтариши. Бунақа шароитда ўсган мушук... Лаббай? Тўғри, акахон, тўғри. Ўзимиздаги мушуклар яхши, интизомли, очликка чидамли, эзиб ўтсанг ҳам «миёв» демайди... Лаббай? Мушук калла қўйганига шунча ваҳимами, дейсизми? Шу десангиз, мушук калла қўйгандан кейин отамиз тисарилиб бориб эшакка урилган экан, жонивор чўчиб кетиб, биқинига тепворибди-да... Лаббай? Йўқ, эшак импортниймас. Эшак ўзимизда тикилиб ётибди-ку, акахон. Аксинча, биз экспорт қилсак, бошқа гап... Лаббай?, Тўғри, бунисиниям чепуха деса бўлади. Лекин, кўргиликни қарангки, эшак тепганидан кейин отамиз буқанинг охурига ағанабди. Ўзи занжирни узолмай бўғилиб турган бўрдоки буқа чол шўрликни шартта шохига илиб, девордан ошириб отибди-да... Лаббай? Буқаниям ўзимизники десак бўлаверади — эстонский... Лаббай? Тўғри, акахон, гапингизга юз фойиз қўшиламан, буям оғир ётишга сабаб бўлолмайди. Агар отамиз девордан учиб ўтиб кўчага тушган пайтда қирқ тонналик «Белаз» машинаси тепалаб кетмагандайди... Лаббай? Бу энди бўлак гап дейсизми? (Енгил нафас олиб, пешанасидаги терни артади.) Раҳмат, акахон, минг раҳмат сизга, бу яхшилигингизни сира эсдан чиқармайман... Тушундим, акахон, чолга бир гап бўлса, ўзларига албатта хабар қиламиз. Хўп, акахон, бахтимизга минг йил яшанг. {Трубкани қўйиб, янада енгил тортади, юз-кўзига рўмолча босади.}

ТЎҒОН : Галварс! Ишни пачава қилишингга сал қолди. Доим туйдан олдин ноғора чалиб юрасан.

МАЙЛУНОВ : Қаёқдан билай энди...

Т Ў Ф О Н : Билиш керак! Ҳамма нарсани доим аниқ билиш керак! Айниқса, нозик одамлар билан боғлиқ гапларни! Булар билан ҳазиллашиб бўладими — номенклатурадаги одам, бизга хали кўп асқотади. Бунақалар хоҳласа, эртага мени шартта боғчадан юлволиб, бирданига оближроқўмга раис қилиши мумкин... ё бўлмаса, тўппадан-тўғри совминга.

МАЙЛУНОВ : (Фотиҳага кўл очиб.) Омин... Совмин! (Юзига фотиҳа тортади.) Бу дейман, номенклатураси жуда зўр бўларкан-да, а, хўжайин?

Т Ў Ф О Н : Вой, бесавод! Вой, партиясиз! Номенклатура дегани шунақа нарсаки, бир амаллаб каттароқ лавозимга илашиб қолсанг, ҳукуматнинг рўйхатига тушасан. Кейин бошлиқлар нима деса, хўп деб турсанг бас, мингта одам норози бўлиб сени ишдан кеткизгандаям, сал вақт ўтказиб, бошқа бир амални беришаверади. Тушундингми?

МАЙЛУНОВ : Бўлмаса-чи, хўжайин. Мана, тушунганим учун шефнинг кўнглини оламан деб, бирпасда қайнатамни тинчитиб қўяй дедим. Лекин, узр, таъна қилаётганим йўқ. Агар керак бўлса, қайнанамам...

Т Ў Ф О Н : Э-э!

Т Ў Ф О Н зардаланганича қўл силтаб, ташқарига қараб юради. Майлунов бирпас сўлжайиб тургач, унинг ортидан йўрғалайди.

П а р д а

ИККИНЧИ ПАРДА УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Қабристон. Янги қабр ёнига бор-йўғи беш-олти киши йиғилган. Улар маҳаллий амалдорлар эканлиги бирови беўхшов галстук такқани, бирови каттакон эски портфел қўлтиқлаб олганидан сезилиб турибди. Гўр устида биттагина гулдаста. Кўкқис чакмоқ чакнаб, момақалди роқ гумбурлайди, атроф сал қоронғулашади. Қабр қарсиллаганича ёрилиб, оппоқ кафанга бурканган Тўғон Тўғонович тепага балқиб чиқа бошлайди.

Т Ў Ф О Н : Сурбетлар! Чалафаҳмлар! Сал тойиб кетсанг, дарров ўлдига чиқаришади. Номенклатура нималигиниям билишмайди. (Ҳамма тирқираб қочишга тушади.) Қоч! Амалим йўқлигида қочиб қол ҳамманг! Тиржайиб олдимга келишингни кўрамиз ҳали. Номенклатурадаги одамни кўмиб бўларканми? Мендан кутулиб бўпсанлар! Қўрқоқлар! Қовоқбошлар! (Қаҳ-қаҳ отиб кулишга тушади. Чакмоқ ва момақалди роқ кучайиб, шовқин ва қаҳ-қаҳ баттар авжланади.)

Бутунлай қоронғилик чўкиб, шовқин аста йуқолади. Саҳна айлангач, ёруғлик берилади. Мудирнинг кабинетига мажлис давом этмоқда. Ходимлар зўр бериб қарсак чалишяпти. Энди Тўғоннинг юз-кўзида калтак излари йўқ, қўли ҳам бинтдан халос бўлган.

МАЙЛУНОВ : (Жўшиб.) Яшасин зарбдор коллективимиз! Доно йўлбошчимизга офарин!

Т Ў Ф О Н (Илжайганича бир қўлини юқори кўтариб.) Бас, ўртоқлар, бас... Ташаккур... (Қарсаклар тинади.) Хулласи калом, мен мудир бўлган боғчадаги ютуқлар асосан шулардан иборат. Ҳа, ўртоқлар, биз давлатнинг чизган чизиғидан чиқмай, шараф билан олға интиляпмиз, бепарволик, ўзибўларчилик, юлғичлик сингари эскилик сарқитларидан тозаланиб, ишимизни қайта кўриб, балиқдек покиза, чумолидек ҳалол меҳнат қиляпмиз. (Қарсаклар.) Энди музокарага ўтайлик, ўртоқлар. Қани, кимда гап бор? (Ҳамма бир-бирига қараб қўйиб бош эгади.) Бу қанақаси, ўртоқлар? Нахотки, ютуқларимиздан қувониб сўзлайдиганлар бўлмаса? (Сурнайнинг «дут» этгани эшитилади, қоровул қўл кўтаради.) Болта-булбул?! (Таажжубланиб.) Нима, гапирмоқчимилар?!

Болта-булбул ғўдайганича ўртага чиқади.

ТЎПТОШ : (Ўзича пўнғиллаб.) Бунга гапиришни ким қўювдийкин...

БОЛТА : (Кафтларини тантанавор олдинга чўзади.) Ҳа! (Бирдан бурнини юқори кўтаради, пича титраб тургач, қаттиқ чучкуради.) А... а-апчишу! (Чўнтагидан рўмолча чиқариб, шошилмасдан оғиз-муйловини артади, жарангдор бурун қоқади.)

МАЙЛУНОВ : Юракни қон қилворди-ку.

БОЛТА: (Тўсатдан жўшқинланиб, ўтирганларга бармоқ ниқтаганича кичқиради.) Аха-а-а!!! (Ҳамма анграйиб турганда, бармоғида туйқус шифтни кўрсатади.) Ана! (Ўтирганлар шошиб шифтга қарашганда, энди бармоғини пастга йўналтиради.) Мана! (Ҳамма жовдираб полга қарайди.) Ҳа! (Мажлис аҳли унга юзланган чоғда кескин ҳаракатлар билан аввал ўнгни, сўнг чапни кўрсатади.) Ана! Мана! (Ўтирганлар ўнгу сўлга аланглашади.) Аха-а!

(Бирдан хотиржам тортади.) Ҳа! (Бориб жойига ўтиради. Ҳамма хайрон.)

Т Ў Ф О Н : (Биринчи бўлиб ўзига келади, илжайиб бош ирғайди.) Тўғри!

Хех-хех-хе... Болта-булбул ўз нутқида ҳақ гапларни айтди, ўртоқлар. (Чапак чалади. Бошқалар ҳам алмак-жалмак қарсақ уриб қўйишади.) Яна кимда гап бор? (Илжайиб.) Сизда-чи, Жумагул Паттаевна? (Жумагул бош тебратади.) Унда, мажлис ёпиқ ўртоқлар.

Мажлисадагилар кўзғалишаётганда сахна айланади. Энди кабинетнинг ташқи кўриниши. Одамлар чиқиб кела бошлашади. Қоровул кўча ёққа, қолганлар ҳовлига юришади. Ўзига ажратилган хонадан чиқаётган Насриддин ҳаммадан ортда қолган Сунбулага дуч келади.

НАСРИДДИН: Сало-о-м, Сунбулахон.

СУНБУЛА: Яхшимисиз? Дикқат бўлсаларми, ишқилиб?

НАСРИДДИН: Ўзларидан сўрасак? Ҳалиги шилқим асабингизни эговламай юрибдими? Шу баттолни биронта қиз тезроқ илиб кетганда, қутулардик-қолардик.

СУНБУЛА : (Зардалангандек боқиб.) Яқин орада қутулиб ҳам қоларсиз. Илиб кетадиганлар кўпайиб боряпти.

НАСРИДДИН: Гапингизга тушунолмадим. Мундоқ кўнглингизни очиб гапиринг, дугонажон.

СУНБУЛА : Бирмас, учтаси унга эргашиб юрганмиш. (Бармоқ букиб санай бошлайди.) Механизатор, чевар, раққоса...

НАСРИДДИН: (Юраги ҳовлиқиб.) Раққоса? (Бошини чангаллайди.) Ум-м-м! Ҳаммасидан ҳавфлиси — ўша! Тум-така-тум тарак-тарак, тум-така-тум тарак-тарак... (Оғзида куй чалиб елкаларини ўйнатади, муқом қилади, қош учиради.)

С У Н Б У Л А : (Кўл силтаб.) Э, менга нима? (Алам билан лаб тишлайди.)

НАСРИДДИН: Ҳой, Сунбулахон, шу йигит ўлгурни ҳадеб ҳайдавермасдан, одамлардек бир гаплашиб кўрсангиз-чи. Четдан қараб, тахмин қилишдан

осони йўқ. Бир синаб кўринг. Ҳатто бўрини итдан фарқлашгайм оёқ тутиш керак: ғажиса — бўри, яласа — ит.

СУНБУЛА : Одамдек гаплашишим учун ўзи одамга ўхшаб келса бўладими? Қачон қараманг, маст.

НАСРИДДИН : Мени опамгайм майпарастроқ йигит ошиқ бўлудди. Лекин опам сизга ўхшаб аразлаб юрмасдан, ажойиб бир усулда уни тарбиялаб олганиди. Ҳозиргача ақлига тан бераман. Мана энди бола-чақали бўлиб, шунақаям апоқ-чапоқ яшашяпти, шунақаям апоқ-чапоқ яшашяпти!..

СУНБУЛА: Вой, тунов куни опамнинг йигитини “Ўппа-а!” деб илиб кетишди, демаганмидингиз??

НАСРИДДИН: (Каловланади.) Тунов куни... Униси катта опам эди.

Ҳовли томондан болаларнинг қий-чуви эшитилади.

СУНБУЛА : (Ўйланиб.) Ҳм... усул... қўллади, денг?

НАСРИДДИН : Опам қўллаган усулни айтяпсизми? (Завқи келиб.) Вуй-й, бу жудаям қизиқ, Сунбулахон. Мундоқ қулоғингизни тутсангиз-чи... (Қулоғига жўшиб шивирлай бошлайди. Ора-сира ҳиринглаб қўяди.) Энди айтинг, Сунбулахон, опамга қойилмисиз?

СУНБУЛА : (Ҳаяжонланиб.) Топган усулини қаранг-а! (Болаларнинг шовқини кучайганидан безовталаниб, ҳовлига бўйланади.) Вой тирмизаклар-ей, сал нари кетсанг, дарров кўзғолон кўтаришади. Хўп, мен борақолай... (Кетади.)

НАСРИДДИН: (Ортидан.) Кептуринг, Сунбулахон, кептуринг. (Ўзича.) Э, хайрият, охири тўрға илинди-я. Энди потирлашини кўрамиз.

Болаларнинг шовқини тинади. М у д и р бу гал оқсоқланмасдан хонасидан чиқади.

Т Ў Ф О Н : (Ҳовли томонга тикилади.) Маймунов!... Майму-у-нов!.. (Насриддинга юзланиб.) Сизни ишдан қўйиб мажлисга чақириб ўтирмадик. Кўнгилга олмайсиз-да.

НАСРИДДИН: Мажлисларингда нимаюм қилардим? Қўшни товук қоқоғласа нима даромаду, қоқоғламаса нима камомад...

Т Ў Ф О Н : Шунақа дейсиз-у, ўртоқ Афандиев, шахсан мени ҳатто ўт ўчирувчиларнинг йиғилишига таклиф қилишмасаям, юрагимга ғашлик тушади.

Майлунов киради.

МАЙЛУНОВ : Чақирдиларми, хўжайин?

Т Ў Ф О Н : (Уни яқинроқ чорлаб, кафтини оғизга тираб гапирди.) Ҳалиги айтганимни ҳалиги нарсага солиб, тезда ҳалиги жойга ташлаб кел.

МАЙЛУНОВ : Бажарамиз! Лекин... ҳалигилар ҳалиги жойда туравериб сал ҳалигиндайроқ бўпқопти-да.

Т Ў Ф О Н : Унда, ҳалигиларидан кўпроқ олиб, ҳалигиларнинг ичига ҳалигиндай қилиб аралаштирвор.

МАЙЛУНОВ : Тушундим, хўжайин. (Кета бошлайди. Нариди тўхталиб, мудирга юзланади.) Дарвоқе... Шунча нарсани кўтариш...

Т Ў Ф О Н : (Насриддинга безовта боқиб кўйиб, кўлини шоп қилади.) Э-э. (Кўчадан аста кираётган қоровулни кўриб.) Болта-булбул!

БОЛТА: (Қош кериб.) Ҳа?

Т Ў Ф О Н : Завхўзимизга ёрдамлашворинг.

БОЛТА: (Бош ирғайди.) Ҳа!

Иккаласи ҳовлига, мудир ўз хонасига кириб кетади. Ранг-баранг бахмал матолардан ясалган каттакон аждарҳони судраб, кўчадан Шўх қиз кириб келади.

НАСРИДДИН: (Эшилиб.) Вой, бу нима бало?

Ш Ў Х ҚИЗ: Аждарҳо! Мактабдаги театрчамиздан қарзга опчиқяпман. Боғчадаги болаларга «Аждарча уйин»имни кўрсатаман...

НАСРИДДИН: Зўр қизлигингни мана энди билдим. (Хаёлига бир фикр келгандай, дафъатан жиддий тортади.) Шошмагин... Аълочимисан?

Ш Ў Х ҚИЗ: Аълочиман.

НАСРИДДИН : Энди айт-чи, юлғичларга қарши курашиш кўлингдан келадими, йўқми?

Ш Ў Х ҚИЗ: Келади.

НАСРИДДИН: Унда, иккаламиз бир иш қиламиз. Болакайларга бошқа куни уйин кўрсатарсан... (Қизалокни ўзига яқинроқ тортиб, паст товушда нималарнидир уқтиради.) Хуллас, бор истеъдодингни намойиш қиласан. Энди кўчага чиқиб, дарвозанинг ёнида пойлаб тур.

Ш ў х қиз аждарҳосини судраб, кўчага қараб юради. Каттакон сумканинг биттадан қулоғини ушлаб олганича ҳовлидан Болта-булбул ва Майлунов чиқаётганини кўриб, Насриддин ичкарига кириб кетади. Майлунов қоқиниб йиқилади. Сумка ағдарилиб, ширинсут ва гўшт консерваларининг бир қисми ташқарига тўкилади.

МАЙЛУНОВ : Туф-е! (Ўрнидан туриб, банкларни сумкага тикади, шимини қоқади.) Бекордан-бекор сурнай чалиб юрмасдан, шу чуқурчаларни текислаб кўйсангиз бўлмайдими, Болта-булбул? (Қоровул чўнтагидан тароқ олиб, муйловига оро беради, фуражқасини ечиб, чангини чертади.) Э, пардозни кўйиб туринг. Кетдик.

Шу пайт қаршиларида аждарсимон махлуқ пайдо бўлади: кўзлари олакула, қип-қизил оғзини катта очганида узун тишлари ярқираб кетади, пахмок юнгли кўл-оёғида узун-узун тирноқлар, думи илонникидек тўлғанади.

Ш Ў Х ҚИЗ: (Тирноқ дўлаяди.) Бў-ў-ў! (Оғзини очиб-ёпади.) Ғарч-ғарч! (Бир қадам сапчийди.) Хап!

МАЙЛУНОВ: Вой до-о-д!

БОЛТА : (Қалтираб.) Вай-вай... вай-вай...

Ш Ў Х ҚИЗ: Бў-ў-ў! Ғарч-ғарч! Ғарч-ғарч! Хап!

Иккови бир-бирига қапишиб, ортга чекинишади.

МАЙЛУНОВ : (Қоровулга димоғида сўзлайди.) Сурнайни чалинг...

БОЛТА: (Ҳануз қалтираб.) Вай-вай... вай-вай...

МАЙЛУНОВ: (Уни қаттиқ туртади.) Сурнайни чалинг деяпман!

Қоровул шоша-пиша сурнайини олиб, вазмин оҳангда чалишга киришади. Аждарҳо сеҳрлангандек эшилиб рақс туша бошлайди. Сал ўтмай, сурнай овози тинади, қоровул бурнини юқори кўтариб титраб қолади, акса уради.

БОЛТА: А... а... а-апчишу!

Аждарҳо қайтадан тажовуз қилади.

Ш Ў Х ҚИЗ: Бў-ў-ў! Ғарч-ғарч! Хап!

Қоровул яна сурнай чалади. Аждарҳо рақсни давом эттиради.

МАЙЛУНОВ: Жондан умид бўлса, сурнайни тўхтатманг! (Қарсак уришга тушади.)

Қоровул шўхроғига чала бошлайди, рақс ҳам жўшқинлашади. Болғавой кириб келади. Майлуновга жўр бўлиб, завқ билан қарсак уради, оҳангга мослаб елка учиришга тушади.

БОЛТА : (Гижинглаб.) Вой дод, белингдан аканг!

Майлунов Болғага ўқраяди, кейин Аждарҳога тиржаяди.

МАЙЛУНОВ : Ўйна, аждарим, ўйна!

БОЛТА: Ҳа-а, тирноқларингдан аканг!

МАЙЛУНОВ: Ҳа-а, думгинангдан айланиб кетай!

БОЛТА: Ҳа-а, ола-кула кўзингга жоним ту-ту-ту!

МАЙЛУНОВ: (Куйлай бошлайди.)

Юсуфга Зулайҳо ўйнасин,
Биз учун аждаҳо ўйнасин.
Кўзларин олмадек олайтиб,
Думлари лик-лико ўйнасин.

БОЛГА: (Қарсақ урганича, Майлуновга жўр бўлади.)
Ўйнасин-о, ўйнасин, ўйнасин,
Думлари лик-лико ўйнасин.

МАЙЛУНОВ: Ўртада пирпираб ўйнасин,
Шоввадек шарқираб ўйнасин.
Қип-қизил тиллари саланглаб,
Тишлари ярқираб ўйнасин.

БОЛГА: (Жўр бўлади.)
Ўйнасин-о, ўйнасин, ўйнасин,
Тишлари ярқираб ўйнасин...

Томоша авжга чиққанда, музыка яна узилади. Қоровул бу сафар кетма-кет чучкура бошлайди.

БОЛГА : А... а... а... а-апчишу! Апчишу! (Болғавой бориб кўлтиғидан тутди.)
Апчишу! А-апчишу!..

Болғавой қоровул билан овора бўлиб турган вақтда Аждархо
Майлуновга ташланади.

Ш Ў Х ҚИЗ: Бў-ў-ў! Бў-ў-ў! Ғарч-ғарч! Хап!
МАЙЛУНОВ: Бувижон! А-а-а-а! (Йиқилади, хушдан кетади.)

А ж д а р х о сумкани зўрға судраб, кўчага чиқиб кетади.

БОЛГА : Апчишу! А-апчишу!..

БОЛГА: Бўлди-да энди, отахон! Ичингизда грипп заводи борми?

М у д и р хонасидан чиқади.

Т Ў Ғ О Н : Нима шовқин? Бақирган ким? {Ерда чўзилиб ётган Майлуновни
кўриб, унга яқинлашади.} Ие, Муймуновга нима бўлди?

МАЙЛУНОВ : (Сал бош кўтариб.) Майлу-у-нов! (Яна хушдан кетади.)

Ҳовлидан Тўптош хола, Жумагул, Сунбула чиқиб кела бошлайди.

ЖУМАГУЛ : Ким додлади ўзи? (Майлуновнинг ётганини кўриб.) Вой!

Ҳамма Майлуновнинг атрофига йиғилади, Болта-булбул ҳам келиб
даврага сукулади.

Т Ў П Т О Ш : Ҳой, Жумагул, бор, сув опчик.

Жумагул кетади. Биров елпиб, биров кўкрак тугмасини ечиб, Майлунов билан овора бўлиб туришганда, Сунбула Болғавойни кўриб аста олдиға келади.

БОЛҒА : Ишчилар синфига зулм қилма, оққушим! Менга қачон раҳминг келади?

СУНБУЛА: Уф-ф... Яна шу аҳволми?

БОЛҒА: Қийнаганингдан кейин ичаман-да. Келганимда гаплашмасанг, учрашувга чиқмасанг...

СУНБУЛА: Гап учрашувда бўлса, майли, чиқаман. Баҳонада жиддийроқ гаплашволамиз.

БОЛҒА: Ростданми, Сунбула? Алдамаяпсанми?

СУНБУЛА : Якшанба куни ўша эски жойда кутиб туриш. Фақат... ичиб келиш йўқ..

БОЛҒА: Менга ишонавер. Гап — битта! (Талпиниб.) Оққушим! Жумхурият бўйича яккаю ёлғизим!

Сунбула хиёл жилмайиб, хайр дегандек кўл қимирлатади, даврага қараб юради. Болғавой ўйинга тушгудек бўлиб қувноқ чиқиб кетади. Сув кўтариб ҳовлидан Жумагул чиқади.

ЖУМАГУЛ : (Тўптош холага яқинлашиб.) Мана, сув опкелдим.

Тўптош хола сув пуркагач, қоровулнинг суянчида ётган Майлунов аста кўз очади.

ТЎПТОШ: Ҳой, тирикмисан?

МАЙЛУНОВ : (Беҳол сўзлайди.) Қани? Аждарҳо қани?

БОЛҒА : (Осмонни кўрсатади.) Ана!

МАЙЛУНОВ: Учиб кетдимми?

Т Ў Ф О Н : (Майлуновга эгилиб, чакчаяди.) Қанақа аждарҳо?

МАЙЛУНОВ: Қонхўр аждарҳо, хўжайин, ёвуз аждарҳо! (Безовталаниб хиёл қад кўтаради, атрофга синчиклаб аланглайди, яна мудирга юзланади.) Вой, лаънати! Вой, очкўз! Сумканиям эплаштириб кетибди...

Қаердандир даҳшатли ўқирик таралади.

Ў К И Р И Қ ОВОЗИ: Бў-ў-ў-ў-ў!!!

Товуш келган томонга ҳамма анграйиб эловлайди.

МАЙЛУНОВ: (Баттар қалтираб.) Ана!!! Бу — ўша!!! (Йиғламсираб.) Ҳеч пешанамиз очилмади, очилмади. Биз шўрликларни гоҳ Искандар талайди, гоҳ Чингизхон... Энди буниси кептурибди. (Фотиҳага кўл очади.) Омин! Буям бир балога йўлиқсин. Ўмариб кетилган сўмкам кафанига ярасин,

ичидаги кансервалар бола-чақасига буюрмасин. Оллоху акбар!

Қоровул Майлуновнинг қўлтиғидан тутиб, ҳовлига етаклайди. Ҳамма ортидан юради.

П а р д а

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Мажлислар залининг ичкараси. Насриддин ҳайкалга сўнгги сайқални бермоқда. Ҳайкал супачасида икки фигура: кип яланғоч бола шавқ билан олдинга талпинмоқа. Боланинг ўнг ёнида залга орқаси билан турган ота, у ҳам яланғоч, бошини чапроқ буриб, қўлини соябон қилганича самога хавотирли тикилмоқда. Насриддин стулга чиқиб, ўша сеvimли қўшиғини куйлаганича ҳайкал устига оқ сурп ёпиб бўлганида, эшик тақиллайди.

НАСРИДДИН: (Пастга тушиб.) Кираверинг, бемалол... (Сунбула ва Болғавой кирганини кўриб, қийпанглаб қулоч ёяди.) Келсинлар, Сунбулахон, келсинлар.

СУНБУЛА : Болғавойни сизга таништириб қўймоқчи бўлувдим.

НАСРИДДИН: (Кўл узатади.) Бағоят хурсандман, бағоят хурсандман.

Болғавой кўришмоқчи бўлиб яқинлашади-ю, унга тикилганича лол туриб қолади. Насриддин кувноқ кўз қисади.

БОЛҒА : (Бирдан унинг оёғига ташланади.) Афандим! (Этагидан ўпадаи.) Сунбула туйқус инсофга келиб қолганидан ҳайрон булувдим-а! Совчиликни бопладингиз, афандим, тан бердим сизга!

Сунбула ҳайрон.

НАС Р И Д Д И Н : (Энди эшилмасдан, жиддий гапирди.) Ўрнингдан тур, жигар. Боғчада турибсан, куллуқбозликни болаларимизгаям ўргатма. Ундан кўра носдан узат.

БОЛҒА : (Ўрнидан туради. Насриддиннинг елкасидан кучганича Сунбулага хаяжонланиб боқади.) Сунбула! Армонда қолма, яхшилаб таниб ол, бу киши — Насриддин афанди!

СУНБУЛА: Насриддин афанди?!

БОЛҒА : Ҳа, Сунбула, ҳамма жойда ҳозир нозир, ҳамма жойда суюкли Насриддин афанди шу киши. Менга совчи бўлинг, деб ялинувдим-у, ёрдам беришига ишонмагандим. (Насриддинга юзланиб.) Афандим, ўша куни каттикроқ гапирган бўлсам, узр. Ўшанда тўнғизлик қилдим.

СУНБУЛА : Ҳаммасига мана энди тушундим. (Насриддинга) Юрагимга бекорга ғулғула солмаган экансиз-да? Бошдаёқ айтувдим-а, содда кўринсангиз ҳам муғомбирга ўхшаяпсиз, деб.

Насриддин кулади. Эшик очилиб, мудир ва Майлунов киради.

Т Ў Ф О Н : (Сунбула билан Болғавойни кўриб.) Ие, сизлар ҳам шу ердамисизлар? (Болғавойнинг елкасига қоқади.) Манави шоввозни таниб кўйинг, ўртоқ Афандиев, Болғавой бу. Унга нисбатан пича ноҳақлик килувдик. Кейин билсак, дуппа-дуруст йигит экан — слесарларнинг илғори, ташаббускор ишчи! Боғчамиздаги иситиш қозони ишдан чиқувди, Болғавой заводдаги ошналари билан шуни оталиққа олиб, бепул тузатиб бермоқчи.

МАЙЛУНОВ : Иситиш батареялариниям.

НАСРИДДИН: (Яна эшилиб.) Манавиниси жуда-а қойил иш бўпти. Минг офарин сизга, азамат Болғавой!

Ташқаридан болалар шовқини эшителиди.

СУНБУЛА : Майли, мен чиқай бўлмаса, болалар ёлғиз қолишди.

НАСРИДДИН : Кептуринг, Сунбулахон, кептуринг.

Сунбула чиқиб кетади. Салдан кейин болаларнинг шовқини тинади

Т Ў Ф О Н : Айтгандай, тантана бошланмай туриб, ҳайкални бир кўриб кўйсак деганидим.

НАСРИДДИН : Бемалол, Тўғон Тўғонович, бемалол.

Т Ў Ф О Н : Тасанно сизга! Бир ойга қолдирмай дўндириб ташладингиз-а!

МАЙЛУНОВ : Бир ойни гапирасиз-а, хўжайин, ҳозир бир кунда тирик одамни ясаб кўйишяпти.

Насриддин сурпни тортиб, ҳайкални очади. Мудир ва Майлунов унга тикилганича сўррайиб қолишади.

Т Ў Ф О Н : (Насриддинга хафарок боқиб.) Янглишмасам... мени ҳайкалимни яшашга келишувдик...

НАСРИДДИН: Бу — Ота ҳайкали. Сиз ҳам боғчадай катта бир рўзгорнинг отасисиз, Тўғон Тўғонович.

ТЎҒОН : Бола-ку энди майли... Аммо шундай фаровон замонамизда кап-катта бир гражданнинг яланғоч қолиши... Тағин билмадим.

МАЙЛУНОВ : Мабодо, ҳаммом назарда тугилган бўлса, отага тоғора, болага совун ушлатиб кўйган маъқулмиди...

Т Ў Ф О Н : Тўппа-тўғри. Бу билан айрим ҳаммомларда сув етмай қолиш ҳоллари қаттиқ танқид қилинган бўларди.

НАСРИДДИН : Яланғочлик бу — инсондаги табиийлик тимсоли. Болакай Ернинг жамолига мафтун. Ерга ҳукмдорлигидан бахтиёр. Ота бўлса, Ердаги ҳар бир чечак, ҳар бир тош, ҳар бир жонзотнинг оройишидан ташқари, осмоннинг мусаффолиги учун ҳам жавобгар.

МАЙЛУНОВ : Э-э, гап буёқда экан-да. Битта одамга шунча жавобгарлик

юклаб қўйилгандан кейин, кийинишга вақти қолармиди.

Т Ў Ф О Н : Ҳм... умуман, тушунарли. (Насриддин стулга чиқиб ҳайкалга яна сурп ёпаётганда, мудир Майлуновни аста четга тортади.) Ҳарқалай, ҳайкалга жиндек тузатиш киритмасак бўлмайди. (Қулоғига шивирлайди.)

МАЙЛУНОВ : Бажарамиз, хўжайин.

Иккаласи чиқиб кетади.

НАСРИДДИН : (Яна жиддийлашиб.) Шундай қилиб, учрашув қалай ўтди, Болғавой?

БОЛҒА : Сунбула жуда боплади мени... Ҳали салом-алик тугамай туриб, ёнингизда қанча пул бор, деб сўради. Борини айтдим. Ўнта арақ опкелишимни буюрди. Ҳайрон бўлиб магазинга жўнадим, зўрға топиб-тутиб келдим. Сунбула мени суви қуриган эски ҳовузга бошлаб борди, арақларни шунга тўкинг, деди. Аввалига дувол бўпқолдим, кейин кўзни чирт юмиб, ишшаларни бўшатишга тушдим.

НАСРИДДИН: Ҳаммасини тўквордингми?

БОЛҒА: Ҳаммасини! Ўзим йиғлагудек бўптурибман-у, халқаро миқёсдаги бир алкаш келиб, мени қарғашга тушди. Кўр бўласан, мараз, деди.

НАСРИДДИН: Қизиқ! Бундан нима мантиқ чиқди энди? Ширинхўрнинг шакарини тўксанг, шинниси бор, деганлар.

Б О Л Ғ А : Сунбула ҳовузни кўрсатиб, мени қайсарликларим ҳам, сизни арақларингиз ҳам умрбод шу балчикда қолиб кетсин, энди балчикқа қайтиш йўқ, деди. Мана, гап қаерда!

НАСРИДДИН : Ҳақиқатанам ақлли қиз экан! Адашмасам, бунақа доно қизни охирги марта Мўйноқда кўрган эдим. Орол денгизининг бўйида тўлқинларга тикилиб ўтирган экан. Мен унга: «Кеч кириб қоляпти, уйингга бор, қолганини эртага томоша қиларсан», десам, у: «Эртагача денгиз турадим, йўқми», деганиди.

БОЛҒА : Қачон кўрувдингиз ўша қизни?

НАСРИДДИН: Яқингинада. Жуда борса, юз йилча ўтгандир-да... Юр, жигар, бир тоза ҳавога чиқайлик.

Чиқиб кетишади.

П а р д а

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Боғча ташқиси. Ўртада устига сурп ёпилган ҳайкал. Қўлтиғига қоғоз папка қистирган Майлунов сурпнинг уер-буерини тортиб-тўғрилаб турибди. Болта-булбул фахрий қоровулда. Ҳовли тарафда болалар шовқини авжга минган.

МАЙЛУНОВ : Мана, тантанагаям тап-тайёр бўлдик.

БОЛТА: Ҳа!

МАЙЛУНОВ : Ишқилиб, ҳалиги Афандиев биздан ўпкаламаса бас.

(Ҳиринглайди.) Аммо-лекин, ҳайкалдаги камчиликни тuzатмасак бўлмасди!

Ошкоралик ҳам эви билан-да!

БОЛТА: Ҳа!

Мудир хонасидан чиқиб, ҳовлига бўйланади.

Т Ў Ф О Н : Сунбула! Ҳов, Сунбула! (Ҳовлидан Сунбула чиқади.) Ҳовлида намунча тўполон?

СУНБУЛА : Ҳайкал очилиш маросимига болаларни сафлаб қўйдик.

Т Ў Ф О Н : Э, йиғиштирсанг-чи тирранчаларингни. Ҳайкални кейинроқ кўришар. Тантана сал тинчрок, ўтсин.

Сунбула ҳовлига қайтади, болалар шовқини тинади.

МАЙЛУНОВ: (Мудирга яқин боради.) Бир нарсага рухсат сўрамоқчиман, хўжайин. (Қўлтиғидаги папкадан сариқ жилдли дафтарни олади.)

Т Ў Ф О Н : Хўш?

МАЙЛУНОВ : Сиз бошлиқ босмахонага завхоз бўлган вақтимда журналистлар билан улфатчилик қиптурардим, қаламим анча пишган...

Т Ў Ф О Н : Пишса нима қилай?

МАЙЛУНОВ: Сизга атаб бир мадҳия ёзувдим, маросимда шуни ўқиб берсам.

Т Ў Ф О Н: Ҳа энди, шароитга қарагин-да... (Қоровул томонга боқиб.). Хў, Болта-булбул!

БОЛТА: Ҳа?

Т Ў Ф О Н: Одамларни тўпланг.

МАЙЛУНОВ: (Тиржайиб). Сурнайни бир «Лазги»га урворинг.

Қоровул «дут-дудут, дут-дудут» қилиб сурнай чала бошлайди. Ҳовлидан Тўптош хола, Сунбула, Жумагул чиқади. Эғнида мактаб формаси, бир қўлида ўқувчилар портфели, иккинчи қўлида сариқ дафтарни «кўз-кўз» қилиб, кўчадан Ш ў х қиз киради.

ШЎХ ҚИЗ: Буви! Бувижон! Суюнчи беринг!

МАЙЛУНОВ: (Унинг йўлини тўсиб). Товушингни пастлатсанг-чи.

Кўрмаяпсанми, тантана бошланяпти.

Шўх қиз Майлуновга ўқрайганича тўхтаб қолади.

Т Ў П Т О Ш: (Уларга яқин келиб). Неварамга нега дўк уряпсан, Маймунип?

МАЙЛУНОВ: (Чақчайиб). Май-лу-нов!

ТЎПТОШ: Ҳа, мен нима деяпман? Маймунип деяпман-ку.

МАЙЛУНОВ: Э, бор-е ҳамманг! (Қўл силтаб, нари кетади).

ТЎПТОШ: (Набирасига). Қанақа суюнчи сўраётувдинг ўзи?

Ш Ў Х ҚИЗ: (Сариқ дафтарни кўрсатиб). Адабиётдан ёзган баёнимга «беш» кўйишди!

ТЎПТОШ: Балли, оппоқ қизим! Суюнчини уйга борганда оласан. Аввал мажлисни ўткизволайлик.

Мажлислар залидан Болғавой ва ўзининг аввалги уст-бошини кийиб, елкага хуржун ташлаган Насриддин чиқиб келади, ҳамма ҳайрон бўлиб боқади.

ТЎҒОН: (Мийғида кулиб). Сарупо қуллуқ бўлсин, ўртоқ Афандиев. Театрда артистлик қилмоқчимилар?

НАСРИДДИН: (Эшилмай, жиддий гапиради.) Артистликни қилиб бўлдим, энди томошабинман.

Т Ў F О Н: Эркакдек гапиришниям биларкансиз-ку... (Теваракка аланглаб). Ҳаммамиз йиғилиб бўлдик шекилли? (Бирдан расмий тусга киради, салобат билан томоқ киради.). Ўртоқлар! Қиличботир номли боғчанинг меҳнатсевар ходимлари! Мана, ҳайкал ҳам битди. Тўғри, сал ўртамиёна бир нарса бўпти. Лекин, шунга қарамай, ўртоқ Афандиевга ташаккур билдиришга рухсат этгайсизлар! (Қарсақлар). Бу ҳайкални очиш ҳуқуқини илғор ходимимиз, тажрибали энага Жумаг-гул Пат-таевнага берсак. (Илжайиб.) Марҳамат, Жумагул Паттаевна! (Давомли қарсақлар янграйди).

Жумагул ўртага чиқиб, сурпни тортиб туширади. Ўша ҳайкал. Фақат залга орқа ўгириб турган отага бу сафар шалвиноқ труси кийдириб кўйилган. Кўк трусининг бир томонига қизил матодан беўхшов ямоқ солинган. Ҳамма қарсақ чалмоқда, Насриддин эса юзини буриштириб четга ўгирилади.

Т Ў П Т О Ш: Э, кўлинг дард кўрмасин, Апандийп! Расмана одам атога ўхшатибсан!

БОЛТА: Ҳа!

Т Ў F О Н: (Ҳайкални кўрсатиб.) Диққат билан қаранглар, ўртоқлар! Бола пақир атом асрида яшаётганини билмай, бепарво ўйнаб юрибди, шўрлик отанинг жони бежо, кўзи осмонда. Бинобарин, ҳозир пастдаги хавф-хатар анча камайди, ҳамма бало-қазо энди асосан юқоридан келадиган бўлди, ўртоқлар.

БОЛТА : Ҳа! (Унинг қарсагига Майлуновдан бўлак ҳеч ким кўшилмайди).

Т Ў F О Н: Уруш йиллари фронт орқасида ишлашга мажбур бўлдим,

фашизмга қарши қўлимда қурол билан жанг қилолмай армонда қолдим. Аммо уруш нималигини яхши биламан, ўртоқлар. Шу боис, тинчликнинг кадрига етмаганларни кўрсам, хафа бўламан...

Б О Л Ф А: (Қўлини осмонга бигиз қилганича маъқуллайди). Ана-а!

Т Ў Ф О Н: Ўзимизгаям, боғчамиздаги иккала гурппагаям тинчлик керак, ўртоқлар. Қаршимизда турган ҳайкал бизни мана шунга чақиряпти. Яшасин ҳайкал, ўртоқлар!

Қарсақлар янграйди. Орада ивирсиб юрган Шўх қизнинг қўлидаги дафтарни кўрган Насриддин унинг қулоғига ниманидир шивирлайди. Қизалоқ аста бориб Майлуновнинг папкасидан чети чиқиб турган сариқ дафтарни суғуриб олади, ўрнига ўзиникини тиқиб қўяди. Қарсақлар тингач, Майлунов кеккайганича ўртага чиқади.

МАЙЛУНОВ: Биродарлар! Қадрли боғчадошларим! Мен Тўғон Тўғоновични кўп йиллардан бери танийман. Ноҳо-о-ятда фаросатли раҳбар. Бугунги тантанадан илҳомланиб, болалар боғчасининг дунёдаги биринчи эркак мудир, ажойиб инсон, қўли очиқ бошлиғимиз Тўғон Тўғоновичнинг шаънига оташин мадҳия битдим... (Папкасидан сариқ дафтарни олади. Чўнтақларини сийпалаб, тимирскилана бошлайди). Биродарлар, кўзойнагим, афсуски, омборда қолибди. (Атрофга аланглайди). Шу мадҳияни Болғавой укамиз ўқиб берсалар деган таклифим бор.

Болғавой қарсақлар остида ўртага чиқиб, дафтарни олади. Майлунов мудирнинг пинжиги бориб суқулади.

БОЛҒА: (Ўқий бошлади.) Адабиётдан баён! (Қарсақлар.) Жа-а-сур разведкачи! (Қарсақлар. Мудир ўнғайсизланиб, атрофдагиларга ночор илжаяди ва саросимали қиёфада Болғавой сари талпинган Майлуновнинг енгидан тутиб, зардали силтаб қўяди. Болғавой ўқишда давом этади.) Уруш бошланган паллада у эндигина ўн саккизга кирган эди...

Т Ў Ф О Н: (Сипо кош кериб.) Ўн тўққиз, ўртоқ Болғавой, ўн тўққиз!

БОЛҒА: Ўн тўққиз ёшда экан, ўртоқлар... (Сўнг ўқишда давом этади.) У кўнгилли равишда фронтга кетиб, разведкачи бўлди. Командирининг биринчи топшириғини аъло даражада бажариб, фашист офицерини тутиб келди. (Қарсақлар. Мудир безовта, илжайиб атрофга таъзим қилади. Майлунов саросимада.) Жасур разведкачи шундан кейин кетма-кет қаҳрамонликлар кўрсата бошлади, кўкси орден-медалларга тўлиб, доврўғи бутун фронтга ёйилди. (Қарсақлар. Мудир алахсирагудек аҳволда пешанасига рўмолча суртади, Майлунов бош эгканича карахтланиб турибди.)

СУНБУЛА : Илгарироқ билмаганимизни қаранглар.

Т Ў П Т О Ш: Ўша вақтда одамгарчилиги баланд экан.

БОЛҒА: (Ўқишда давом этиб.) Разведкачимиз бир куни душман генералини судраб келди. (Қарсақлар.) Асирдан олинган қимматли маълумотлар қаттол фашистларнинг энг ишонган қалъасини забт этишда жуда асқотди.

БОЛГА: (Ҳайратдан оғзи очилиб). О-о-о!..

БОЛГА: (Ўқишда давом этади). Афсуски, бу ғалабани кўриш ёш разведкачига насиб этмади, жанг майдонида мардларча ҳалок бўлди. (Ҳамма жовдираб, сополдек қотиб турган Тўғон Тўғоновичга қарайди.) Дўстлари унинг қабри устида қасамёд қилишиб...

ТЎҒОН: (Тентақларча кичқиради.) Бас!!! (Майлуновнинг ёқасидан тутамлайди.) Кимни калака қилмоқчи бўлдинг, мохов?!

МАЙЛУНОВ: Тўғон Тўғонович! Тўғон Тўғонович!.. Ўлай агар, бу дафтар меникимас!

ТЎҒОН: Нима-а? (Болғавойни кўрсатиб.) Бунга дафтарни берган ким?

МАЙЛУНОВ: Тўғри! Мен бердим! Бўйнимга оламан! Лекин... дафтар меникимас, хўжайин...

Т Ў Ф О Н: Палид экансан! Йўқол! Қайтиб кўзимга кўринма!

МАЙЛУНОВ: Хўжайин! Тушунсангиз-чи ахир...

Т Ў Ф О Н: Йўқол деяпман! Шу минутдан бошлаб ишдан бўшадинг! Жўна!

МАЙЛУНОВ: (Бирдан чакчайиб боқади). Шунақами ҳали?! (Ҳамияти кўзигандек гердаяди.) Кетаман! Нима, қандайдир Тўғон-пўғонларсиз куним ўтмайдами? (Чўнтагидан калит боғламини олиб, мудирга отади.) Мана калитлар... {Бориб Болғавойдан дафтарни юлқийди.} Майли, буям бизники... {Ҳайкалга яқинлашади.} Бунисиям бизга қарашли...

Ҳайкалнинг трусигини тушира бошлайди. Аёллар «хув-в» дея четга ўгирилишади. Болғавой Майлуновни бери тортиб, ҳайкалнинг трусигини кўтаради.

БОЛГА: Ўпкани босинг. Иситиш қозони битмай туриб, қаёқа кетмоқчисиз?

МАЙЛУНОВ: Кет, деб итдек ҳайдаб тургандан кейин, кетаман-да.

Т Ў Ф О Н: Итданам баттар экансан! Иблис экансан!

МАЙЛУНОВ: Тамом! Аввал кетмасам ҳам, мана энди кетаман!

Бориб, қайтадан ҳайкалнинг трусигини тушира бошлайди. Аёллар яна «хув»лаб четга ўгирилишади. Болғавой Майлуновни нари туртиб, ҳайкалнинг трусигини кўтаради.

БОЛГА: Ишчилар синфининг ички кийимига ёпишманг!

Т Ў Ф О Н: Э, қўйиб беринглар... Ўша эски иштонини опкетса, опкетсин. Шу пасткашдан қутулайлик.

МАЙЛУНОВ: (Янаям важоҳати ўзгариб.) Хў-ў, Тўғонович!.. Хў-ў, Тўғонович! Пасткаш менми, сизми? (Атрофдагиларга арзланиб.) Бу одамни мен жуда яхши биламан, биродарлар. Юқоридан пастлаб, вилоятга келганидан бери у — тана, мен — дум. Бу акам кўчиб юриб қанча идорани бошқарган бўлса, менам ўшанча жойда ё завхозлик қилдим, ё ошпазлик. Шу вақатача бир-биримизсиз кунимиз ўтмади, у мени боқди, мен уни боқдим.

ТЎҒОН: (Пешанаси тиришиб, тўлғанади.) Бас! Бас қил!

МАЙЛУНОВ: Хў-ў, Тўғонович!.. Вилоятга келиб, ёдгорликларни

кўриқлайдиган идорага бошлиқ бўлувдингиз. Ўзи нураб тушди деб, ўшанда қанча-қанча мақбара-сақбараларни буздирган, нақшиндор эшик-дарчаларни, ўйма устунларни зийнатпараст бойваччаларга пуллаган менми, сизми? Балки туманимиздаги комхозигаям мен раҳбар бўлгандирман, экилмаган кўчатларни куриб кетди, деб, пулини жиғилдонга урган ҳам мендирман? Собесга бошлиқ бўлганингизда-чи? Ўлган пенсионерларнинг хужжатларини икки-уч ой кеч расмийлаштириб, гўрдагиларнинг пулини еганингиз-чи? Қачондан бери булар пасткашликка кирмай қолди?

ТЎҒОН: (Ранги бўзариб.) Оғзингни юм, қаллоб!

МАЙЛУНОВ: Хў-ў, Тўғонович!.. Менга қаллобликни ўргатган ўзлари-ку.

Мақтаб директори бўлганингиздаги қаллобликларимиз эсингиздами?

Ўқувчилар бузилган тракторни пул тўплаб тузатишарди, биз эҳтиёт қисмларни сотиб ердик. Ўқувчилар дарсда дилдираб ўтиришарди, биз кўмирни чайқов нархида пуллардик. Пахта терими вақтида ҳатто бошланғич синфдагиларниям ҳашарга олиб чиққанмиз. Ёппасига тумов-пучқоқа чалинган болачоқларни лақиллатиб, текинга қалам-дафтар тарқатган бўлардигу, сохта руйхатдан ортган пулларни «арра» қилардик.

Т Ў Ғ О Н: (Ҳансираб.) Аблах экансан!

МАЙЛУНОВ: Ҳа, Тўғонович, тўғри айтдингиз, биз ҳақиқатанам аблахмиз. Агар аблах бўлмасак, боғчадаги гўдакларнинг ўйинчоқ пулидан уриб қолиб, овқатига шерик бўлармидик?

Т Ў Ғ О Н: (Жазаваланиб.) Хоин! Провакатор! Фактсиз гаплар билан мени бадном қилмоқчи бўляпсанми? (Ғижинганича келиб, Майлуновни бўғизлайди.)

Болғавой билан Насриддин уларни икки ёққа ажратади.

БОЛҒА: (Майлуновга тирсак ўқталиб.) Э, бўлди-да... (Майлунов ювошланиб шумшаяди.)

Т Ў Ғ О Н: (Енгидан тутиб турган Насриддиннинг қўлини силтайди.)

Қўлингни ол-е! Ким бўпкетибсан?

НАСРИДДИН: Шунчаки Насриддин афандиман.

Ҳамма унга ҳайратланиб тикилади.

Ш Ў Х Қ И З: (Ирғишлаб). Вуй! Ҳақиқий Афандими?

НАСРИДДИН: Ҳа, ҳақиқийсиман. Лекин гап ҳозир бунда эмас, қизалоқ.

Аввал илонлар жангини кўриб олайлик. Қани, бўш келманг, Майлунов.

МАЙЛУНОВ: Бўлди-е. Энди бунга гапиришним, бу билан ишлашним хоҳламайман. Менга ўхшаган қирқоёқлар ҳамма жойда қўлма-қўл, бошқа тузукроқ хўжайин топаман. (Чиқиб кетади).

Жаҳлини босиб олиб, одатдагидек бепарво ғўдайиб турган Тўғон Тўғоновичга Тўптош хола яқин келади.

ТЎПТОШ: Агарда шу гаплар рост бўлса, бир пулга қиммат экансан. (Юз ўгираётиб ғудранади.) Нафсингга чипқон чиқсин.

Тўптош хола четга чиқиб ўгирилиб олгач, Жумагул яқин келади.

ЖУМАГУЛ: Сизни бунақа одам деб ўйламангандим. Афсус...

Нарига бориб, юз ўгирганича тўхталади. Қоровул яқин келади.

БОЛТА : (Бурун жийириб, қўл силтайди.) Э-э-э! Кишт!

Нари кетади, Сунбула яқинлашади.

СУНБУЛА : Уят, Тўғон Тўғонович, уят!

Шўх қиз тилини чиқариб, эрмаклаб ўтади.

ШЎХ ҚИЗ: Ба-а!

Сунбула ва Шўх қиз тўпга бориб қўшилишади. Энди Болғавой келади.

БОЛГА : (Бармоқ ўқталиб.) Очқўз! Сиёсий ошқовоқ! Ишчилар синфини сенлар хароб қилдинг. (Бориб, уям тўпга қўшилади.)

ТЎҒОН : Ҳали бу гапларингга жавоб берасан, экстремист! (Сўнг Насриддинга безрайиб кесатади.) Ўзларидаям гап борми? Сайрасинлар энди.

НАСРИДДИН: Нимани гапирай? Мақбараларни пуллаб, ўтмишингизга хиёнат қилганингизними? Юртдошларингиз мурдасини чақаларга айлантириб, бугунингизни хушвақт ўтказганингизними? Болаларни алдаб, улардан юлиб, ўз авлодингизни чаласавод, ўз келажагингизни талон-тарож қилганингизними?

ТЎҒОН : (Ҳануз киборланиб.) Истаганларини гапирсинлар. Бунақа хархашаларга ўрганиб кетганмиз.

НАСРИДДИН : Унда, кимлигингизни аниқ айтай — сиз ўзбек эмассиз, умуман бирон-бир миллатга мансублик жойингиз йўқ, сизнинг миллатингиз — томоқ, Ватанингиз — мансаб курсиси. Лекин, билиб қўйинг, эй ғофил банда, курси дегани сохта Ватан, чунки ўлигингизни қўмиш учун унда тупроқ йўқ.

Т Ў Ғ ОН: (Киноядор.) Ўлигимдан ташвиш тортманг, биродар. Мени қаерга, қандай қўмишни сизларга ўхшаган пайтавақулоқлар эмас, юқоридаги зотлар ҳал қилишади. Зеро мен номенклатурадаги одамман.

ЖУМАГУЛ : Яна одамман дейсиз-а. Уят қолмабди сизда.

НАСРИДДИН: Номенклатура! Намунча фахрланасиз бундан? Уни деб қандай аҳволга тушиб қолганингизни ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Фейлингизда бургутлик йўқ экан, ҳаётда лоақал тўтиқуш бўлишингиз мумкин эди, номенклатура ана шу озгина эркингизниям тортволиб, сизни тўтиқулга

айлантирди. Бир қарашда ҳаммаси яхшига ўхшайди: тўтиқуш чакалакда, тўтиқул хашаматда, тўтиқуш қуйиб-пишиб емиш қидиради, тўтиқулга кафтда сара озик тутишади, тўтиқушнинг жони хатарда, тўтиқулни алоҳида қонун билан қўриқлашади. Аммо, эсланг-чи, умрингизда бирон марта эркин учиб кўрганмисиз? Учолмайсиз, бошингиз дарров қафасга урилади. Ҳатто ўз онангизнинг жанозасига берухсат боролмайсиз. Сара озик ейсиз, аммо буни ҳар қадамда миннат қилишади, бунинг учун эгангизга бор овозда ташаккур айтиб туришга мажбурсиз. Хўш, сизни нега қўриқлашади? Асосий вақтингизни ўргатилган тўтиқуллар орасида ўтказишингиз учун, биргина улар билан фикрлашиб, фақат уларнинг ичидан қариндош излашингиз учун қўриқлашади. Асл наслингизни, чинакам фахрингизни, ҳақиқий қадрингизни англаб қолмаслигингиз учун сиз тўтиқулни тўтиқушлардан қўриқлашади. Сиз ҳатто болангизниям бебахт қиласиз, чунки у қафасга кўниқиб туғилади, сизнинг яшаш тарзингизни ростакан ҳаёт деб қабул қилади, тап-тайёр тўтиқулга айланади, тўтиқушларга бегонасираб, ҳатто жирканиб қарайдиган бўлади, бу билан ўзига ўзи тинимсиз гўр қазийди. Сиз фармойиш-ларни ёдлашни, уқтирилган гапларни қичқириб такрорлашни пухта ўзлаштириб олгансизу, минг афсуски, атрофдагиларнинг сўзини эшитишни ўрганмагансиз. Атрофдаги шов-шувларга яхшилаб қулоқ солсангиз-чи, сиз шохида ўтирган номенклатуранинг танасида арра шарилляпти.

Т Ў Ф О Н : Мени қар ёки кўр деб уйлаган одам адашади. Агарда шароитга қараб ўзимни гоҳ қарликка, гоҳ кўрликка солишни хоҳлаган бўлсам, бу бошқа гап. Майли, номенклатурани йиқитса йиқитаверишсин, барибир томиридан янги бир кўчат ўсиб чиқади. Шакли ўзгаради, моҳияти қолаверади. Бу моҳият ҳали жуда узоқ яшайди. Чунки бизда бусиз кун кўришнинг иложи йўқ, катта имтиёзли бир гуруҳнинг ҳамма истакларини ғояга айлантириб, бу ғояни доимо қудратли қилиб турган нарсанинг ўзи шу. Бу шунақанги пишиқ занжирки, ҳар битта ҳалқаси минг марта синаб кўрилиб, кейин уланган.

БОЛГА: (Анграйиб.) О-о-о!

С У Н Б У Л А : Бундан чикди, номенклатура дегани термазанжир экан-да?

НАСРИДДИН: Ана энди ҳақиқатга яқинлашяпмиз. Бизга ўзини қандай шаклда кўрсатмасин, номенклатура барибир занжир. Одамзод эса, жаноб Тўғонбой, занжирни ёқтирмайди, ундан тезроқ қутулишга уринаверади. Ҳаётнинг бу қонуниятидан шундай бир хулоса чиқадики, оламда абадий занжир бўлиши мумкин эмас.

Т Ў П Т О Ш : Балли, болам! Ҳақиқий апанди экансан.

Т Ў Ф О Н : (Насриддинга тиржайиб.) Ким билади дейсиз, балки ўша занжирнинг умри сизларникидан узунроқ чиқар...

НАСРИДДИН: Бу энди қисмат. Лекин шундай овунишимиз учун сабаблар бор: биз — бунёдкор одамлармиз, сизлар — шунчаки занжир. Биз яралганмиз, сизларни яшашган. Биз яшаб ўтамиз, сиз чириб битасиз.

(Масхарамуз тикилади.) Бахти қора ҳалқалар! Сиз бечораларга худойимнинг раҳми келсин, вақтида ақл-идрок берсин, зиғирдаккина ғурур ато қилсин.

Б О Л Ф А : Ҳа шўринг қургур Тўтиқул!

НАСРИДДИН; (Тўғонга қаттиқ тикилиб). Том бошида то-ғо-ра... Том бошида то-ғо-ра... Том бошида... (Сўнг атрофдагиларга юзланиб, чеҳраси очилади, баралла куйлайди, Болта-булбул сурнайда жўр булади.)

Том бошида тоғора,
Тандир тўла зоғора.
Зоғорани узолмай, ёр-ей,
Чолу кампир овора.

Кўшиққа бошқалар ҳам кўшилади.

ҲАМ М А :Ёрим кетаман дейди-ё,
Кеткизгани кўймайман.
Йўлларига чим босиб, ёр-ей,
Ўткизгани кўймайман...

Ҳамма куйлаганича Насриддинга эргашиб чиқиб кета бошлайди. Тўғон ковоқ уйиб гердайган куйи қаққайиб ёлғиз қолади. Саҳна тобора коронғилашади, охири зимистонга айланади. Бирдан чакмоқ чакнайди. Энди саҳна айланган, чакмоқ ёруғида ҳеч ким кўринмайди. Бўшлиқ. Момақалди роқ гумбирлайди. Сўнг қаердандир радионинг «тут, тут, тут» қилаётгани эшитилади, дикторнинг овози янграйди.

О В О З : Ассалому алайкум, маҳаллий радио тингловчи ўртоқлар! Сўнгги ахборот эшиттирамиз. Бугун табиат ва тарихий ёдгорликларни ҳимоя қилиш жамиятининг вилоят бўлимида ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлди. Маъруза юзасидан сўзга чиққанларнинг кўпчилиги кейинги пайтда экологик аҳвол янада ёмонлашгани, шунингдек, ўтмишимиз маданиятининг нодир ёдгорлиги бўлган бир қанча тарихий обидалар буткул йўқолиш арафасида турганини афсусланиб гапирдилар. Йиғилишда ташкилий масала кўрилди. Табиат ва тарихий ёдгорликларни ҳимоя қилиш жамиятининг вилоят бўлими раислигига бу соҳада илгари катта тажриба тўплаган Тўғон Тўғонович Тўғонов сайланди...

Чакмоқ ва момақалди роқ яна ҳам кучаяди. Бу товушларга Тўғон Тўғоновичнинг мазахловчи кулгиси кўшилади. Чакмоқ чакнаганда, Тўғоннинг хушнуд қиёфаси саҳнанинг ўнг томонида лип этиб бир кўринади, коронғида товуши янграйди.

ТЎҒОНИНГ ҚИЁФАСИ ВА ОВОЗИ: Хаҳ-хаҳ-хаҳ-ҳа, хаҳ-хаҳ-хаҳ-ҳа.... Яшасин номенклатура! (Чакмоқ чақади, яна чақади, яна чақади. Тўғоннинг қиёфаси энди саҳнанинг ўртасида кетма-кет липиллаб кўринади). Хаҳ-хаҳ-хаҳ-ҳа, хаҳ-хаҳ-хаҳ-ҳа... . Номенклатурага шон-шарафлар! Қаёқларда юрибсан, Маймунов? Келавер, менга яна керак бўласан! Хаҳ-хаҳ-ҳа, хаҳ-хаҳ-ҳа... (Тағин чакмоқ чақиб, Тўғоннинг қиёфаси бу гал саҳнанинг чапида

липиллаб кўринади). Номенклатура сари олға, ўртоқлар! Олға-а!!! Вуха-ха!
Вуха-ха! Ваҳ-хаҳ ҳа-а-а!!!

Парда

ТАМОМ

1985 – 1989 йиллар.





Сартарошликдан – гаптарошликка

*ёки олимликка шиқибоз, ашаддий Гулматишунос
Бурундор Тусмолийнинг ҳали тасдиқланмаган
илмий иши*

Ҳаммомда лунгисиз юрган сўтакни кўрганмисиз? Кам бўлмасинлар! Чинданам кўрган бўлсангиз, демак мушқулимиз анча осонлашибди, яъни одамизод ибтидоий даврда кўшнилари ёнидан қай аҳволда ўтиб борганлигини изоҳлаб ўтиришга ҳожат қолмабди.

Хўш, одам боласи ўшандай беҳаё шаклу шамоийилдан қутулиш учун белдан пастрок жойни барг билан тўсмоқлик кифоялигига қатъий ишонган пайтда, даставвал, гаплашишга интиланми ёки хатлашишга? Биламан, сиз ер юзидаги манаман деган олимларнинг тап-тайёр фикрларига таяниб, оғзаки муносабатлар ёзма алоқалардан бир неча юз йиллар олдин пайдо бўлган демоқликдан нарига ўтолмайсиз. Мен эсам, дунёда биринчи бўлиб, бу фикрнинг аксини айтмоқчиман. Талвасага тушманг, далил-исботларим етарли.

Масалан, ҳали сўзлашиш уёқда турсин, ҳатто «мў» дейишни ҳам билмаган ибтидоий одам тирикчилик тақозоси билан чакалакзорларда изғишга, шох-шаббаларни синдириб, ўт-ўланларни тепалаб ўтишга мажбур бўлгани аниқ. Пайҳон қилинган жойлар эса ўз навбатида бошқа бир нафс бандаси учун: «Тўхта! Бу ер ўзга гўштхўрнинг томорқаси!» – деган огоҳлантирувчи шиор вазифасини ўтаган. Бу – гаплашувми? Йўқ, хатлашув! Ишоравий, нопўчтавий хатлашув!

Ёки бошқа бир мисолни олайлик: маймунларча худбинликдан халос

бўла бориб¹, одамийликка хос кенгбағирлилик хислатларини ўзида анча мужассамлаштиришга улгурган бир овчи нотаниш дарада кийиклар тўдасига дуч келиб қолади. Маймунсимонлар бу тўғрида бошқаларга гуллаб ўтирмай, катта миқдордаги ана шу асранғилардан узоқ муддатга мўлжалланган шахсий манфаати йўлида фойдаланган бўларди. Аммо, хали ўзига кўп жафолар келтиргувчи одамийлик ва виждонлилик жараёнини бошдан кечираётган овчимиз жониворлардан бирини апил-тапил хомталаш қилиб бўлгач, кутилмаганда ўзгаларнинг қорни масаласини ҳам ўйлади: қимматли вақтини аяб ўтирмай, баҳайбат тошлардан бирига кийикнинг суратини ўйиб чиза бошлади. Овчидан бир неча кун кейин бу дарага инқиллаб-синқиллаб кириб келган санғилар галаси эса, кийикнинг тошдаги тасқара суратига боқиб эстетик завқ олмадилар, балки: «Оч-яланғоч қондошларим, шу атрофда мириқиб кийикхўрлик қилинг!» – деган мазмундадаги тилсимланган мактубни ўқиб, қувончдан бир-бирининг тишини синдиришга тушдилар.

Айни чоғда, шу дамгача ибтидоий санъат асари сифатида нотўғри талқин этиб келинган ўша сирли мактубни:

*Шу атрофда кийик бордур,
Интилганга толе ёрдур!..*

шаклидаги шеърга айлантириб идрок этишимиз ва унинг аҳамиятини оддий хабардан нафис бадий ифода даражасига кўтаришимиз ҳам мумкин.

Кўриниб турибдики, «оғзаки нутқ ёзувдан илгарироқ пайдо бўлган», деб кўкрак керишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Буни дунёда биринчи бўлиб мен айтяпман!

Тошга чизилган кийик расми оддий ёзувгина эмас, балки маълум даражада бадий тўқима ҳам экан, унинг қайси жанрга тааллуқли эканини билсак бўладими, дея ёввойиларча лўқма ташланиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Марҳамат, истасангиз, жанриниям белгилаб берақоламиз.

Эсингизда бўлса, кийикнинг шакли тасқара кўринишда чизилганини юқорида писанда қилиб ўтгандик. Кийикдек хушбичим ҳайвонни тасқаралаштиришга мойиллик сезилган экан, шак-шубҳа йўқки, бу сатиранинг ўзгинасидир. Демакким, бугунги кунда назаримизга кирмай, чапроқдаги бурчакка қисиб қўйганимиз сатира – аслида бадий адабиётимизнинг жабрдийда бобокалони экан...

Мана энди асосий мавзуда йўрғалаш, яъни сатира ҳақидаги суҳбатимизни бошлаш учун қулай вазият юзага келди.

Эрамиздан илгарироқ бандалиқ қилган юнон қаламкаши Аристофан ўзининг ачитқироқ асарларини «сатирик драмалар» деб атаганидан сўнг ушбу атама олам бўйлаб тарқалган бўлса-да, аммо бундан ўзбеклар кулишни юнонлардан ўрганибди, деган хулоса келиб чиқмайди. Чунончи, ўзбекона аския гулхан атрофида давра қуриб, мамонт гўштининг жизғанак бўлишини кутганларича қий-чувлашиб ўтирувчи ибтидоий одамлар маросимига жуда

¹ Бу билан мен Дарвин укамининг одам маймундан тарқаган деган гапига қўшилмоқчи эмасман.

мос тушади. Аскиялар латифаларга, латифалар эртақларга, эртақлар дostonларга айлана боргани сари оғзаки ижоднинг инқирози тобора кучайиб, яна ибтидоий даврнинг бошланғич нуқтасига қайтиш – ёзувга мурожаат этиш эҳтиёжи туғила бошлади...

Ёзувдаги соф ўзбек сатирасининг илдизи жуда чуқур. Биз уни ортиқча кавлаштириб ўтирмайлик...

х х х

Гулмат ким ўзи?

Гарчи у ижод гаштидан ис олиб, назм бўстонида ўралаша бошлаганидан кейин ўртамиёна исмининг ортига Шоший деган дабдабали тахаллусни тиркаб қўйган бўлса-да, аммо унинг Фарғона водийсидан келиб, Тошкентда турғунлашиб қолган кимса эканини эндиликда биз яхши биламиз. Бу фикрни айтиш учун шоирнинг рақам 1 ва рақам 49 ғазалларидаги «Олтиарик», «Фарғона»¹ деган сўзларига таяниш билангина чегараланиб қолсак, даъвомиз пучроқ чиққан бўларди. Жавонимизда Гулматга анча йил қондошлик қилган бир шахснинг эсдаликлари сақланмоқдаки, ана буни далил дейдилар.

«Бепарҳез Гулмат туруп пулламоқ иштиёқинда водийдан Тошканга келиб, пойгакдаги хужрамизни ижарага олиб эрди, - деб ёзади шоирнинг собиқ қайиноғаси мулла Ақобир ўз эсдаликларида. – Бул орада тўнғич опам онинг кўзига иссиқ кўринибдурми, бозорчи улфатлари воситасинда совчи кўюрға ботинибдур. Адамизнинг адаси асли қишлоқроқдин бўлғони боис шўрлик мусофирға ён босуб, они ичқуёв қилиб оладурғон бўлдилар».

Мулла Ақобирнинг ёзувларига асосланиб, яна шуларни айтиш мумкинки, ота касбига кўра Бешёғочда сартарошлик қилиб кун кечира бошлаган Гулмат ора-сира ерлик деҳқонларга туруп уруғини пуллаш билан ҳам шуғулланиб турган (тошкентлик томорқачилар ўз турупларини ҳануз олтиарикники деб сотишлари шундан қолган бўлса керак). Ҳамёни оғирлашиб, алоҳида ҳовли сотиб олгандан сўнг, унинг эски дарди қайтовланиб, яна қаламбозликка ружу қўяди.

«Гулмат хумбошнинг димоғи қўлёмалар қаппайишиға монанд шишиб борурди, – деб ёзади мулла Ақобир. – 1881 йилга келиб манманлиги он қадар газакладиким, назм нафосатларини илғай билмасликда айблаб, покдамон опамизни қуққус талоқ қилди».

Аммо, аёлпарвар шоиримиз учун бу бор-йўғи биринчи «айрилиқ» эди холос. Кейинчалик у яна уч бор никоҳ маросимларида бош қаҳрамон бўлишдек азобни тортди, чидади.

х х х

Уста Гулмат тирикчилик ташвишлари, хотин-халажлар иштирокидаги оилавий машмашалардан холи пайтларидагина ижод қилгани туфайли ундан бизга кўп нарса қолгани йўқ: мана, панжамизда унинг ихчамгина тўплами турибди – «Безгакшамол!»

¹ Қаралсин: Гулмат. “Безгакшамол” девони.

Гарчи шоир бу мажмуанинг илк саҳифасига «девон» дея бағбақали ном кўйган бўлса-да, биз уни барибир «тўплам» деяверамиз. Чунки, унинг девонлигини исботлаш учун бизда на маънавий асос бор, на мантиқий далил. Биринчидан, тўпламдаги ғазаллар араб имлоларининг луғатдаги тартиби бўйича жойлаштирилмаган. Иккинчидан, мабодо, тартиб беришни зиммага олган тақдиримизда ҳам, луғатдаги барча ҳарфлар билан тугалланувчи ғазалларнинг ўзи йўқ. Масалан, сатрининг охири «а», «р», «и» ҳарфлари билан яқунланган ғазаллар бир уюмлигига қарамай, «д», «п», «ж» сингари шўрпешана ҳарфларга биронтаям шеър бағишланмаган.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, уста Гулмат арузнинг нозик қонун-қоидаларини яхши билмаган, фақат ташқи кўр-кўрона тақлидчилик, ички ёввойи сезги оҳанглирига таяниб, маддоҳларча сўзамоллик билан ёзаверган. Ҳатто, унинг ўзи ҳам бир ғазалида арузда дурустгина саводсиз эканини мардона тан олиб, бизнинг бу масалада жанжалли баҳсларга шўнғиб кетмаганлигимизни таъминлаган:

*Бу нечук шоир деманг, асли ман носоғроқ,
Ёзгоним шаклан ғазал, лек ўзи бармоғроқ...*

Ҳа, шилдир-шошқалоқ Гулматнинг ашъори шаклан ғазал холос. У, ҳаттоки, Бобур, Машраб, Фурқат, Муқимий сингари донгдор устозларга битган назираларида ҳам на «рамал баҳри»га амал қилган, на «ҳазаж баҳри»га. Яъни «фо-и-ло-тўн фо-и-ло-тўн фо-и-ло-тўн фо-и-лон» ёки «ма-фо-и-лўн ма-фо-и-лўн фа-у-лўн» каби мусиқадор вазнлар мавжудлигини тасаввур ҳам қила олмаган ҳолда, халқ оғзаки ижодидан мерос бўлиб қолган «алёр-астак-густак-пистак» қабалидаги чапани айтишувлар оҳангида осонгина ёзаверган.

Кўлёманинг аҳволига келсак, жуда ташвишли: соқол совуни билан хамир қоришмасидан тайёрланган елимлар кўчиб, саҳифалар жуда чалкашиб кетган. Кўпгина варақларга мусаллас ёки қимиз тўкилган бўлса керакким, ҳарфлар сувашиб ётибди. Айрим сўзларни ўқиб тушунишнинг буткул имкони бўлмади. Бундай ҳолларда ҳозирча сирли кўп нуқталардан фойдаланмоқни лозим топдик.

х х х

Гулмат Шошийнинг бир қадар саводсизлигига панжа орасида қараган ҳолда тўпламини шунчаки қизиқувимиз ҳурмати тузукроқ кузатиб чиқайлик.

Шоирнинг ишқий шеърлари анчагина. Улар кўп ҳолларда бачкана изтироб, сохта фироқ, майда-чуйда кўнгилхушликларга ташналик ҳисси билан қоришиб кетган. Айниқса, ташқи қиёфасидаги бадшакллик унинг ишқий режаларига катта путур етказганини шоир асло ҳазм қилолмайди:

*Худо ургон эса бизни ки ёшликдин бужур айлаб,
Бу икковни ясаб силлиқ эгам ҳам қўллагон эрди...*

дейди у, «улкан шоир»га парво қилмай кетиб бораётган икки сулув ортидан армонли боқиб.

Лекин, девонаваш Гулмат, айна пайтда, сал нарсага буткул руҳи тушиб кетадиган анойилардан ҳам эмас. Зеро, у ҳушини йиғиб олгач, «Буюк ишдир магар чарҳда мани шоир топилғоним» янглиғ мисралар ҳовуридан қадди ғозланиб, энди ҳаётга умид ва ишонч билан қарай бошлайди:

*Фақат оз-моз чўтирдирман, шол эмасман,
буқирмасман,
Сақол оппоқ, кангул ёшдир, висолдин юз
ўғирмасман...*

Қизиқ, шу топда у қай висолни назарда тутяпти экан? Аниқроғи, нечанчи хотинга совчи қўйиш арафасида турган экан?

Йўқ, биз бу саволга ҳеч қачон жавоб ололмаймиз. Шоир ҳам атайлаб бу тўғрида бизга маълумот бермаган. Агар у очиғини айтиб қўйса, унда ушбу мисралар фақат биргина аёлга тааллуқли бўлиб, ўзга шеърхон ожизаларга заррача қизиғи қолмасди.

«Никоҳхўр Гулмат ҳар тўқисда «ўлдим-куйдим» деб айюҳаннос солсада, бул дил изҳори онинг бирламчи хотиниға, яъни покдамон опамизға тегишлимидур ёйинки кейинги уч ожизасидин бировиға аталғонми – бул ҳақда лом-мим демайдир, – деб зардаланади мулла Ақобир. – Чамаси, ул туллак бир ўқ ила тўрт қуённи баравар урмоқни пилонлайдур».

Гулмат Шошийнинг ўқи аслида тўрт ҳам эмас, ўн ҳам эмас, юзлаб қуёнларга қаратилганини соддадил мулла Ақобир қаёқдан билсин!

Уста Гулматнинг фалсафада думбуллиги, панд-насихат бобида галдирлиги ҳақида ортиқча тўхталиб ўтирмайлик, бу унинг кўпгина шеърларида «аҳмоққа тўқмоқ»дек яққол кўриниб туради. Бу хусусда тамоман бошқа нарсани айтиб ўтмоқчиман: Гулматнинг овсарлиги шу даражада бўлганки, биз бугун ҳажв ва ҳазил-мутойиба деб қабул қилаётган бу шеърларни аслида у оламшумул дардларига даво излаб, ўта жиддий кайфиятда, ёниб-куйиб ёзган. Агар уларни ҳозир биз шунчаки эрмак сифатида ўқиётганимизни кўрганида эди, бир қайнови кам муаллиф бундан юраги ёрилиб ўлган бўларди.

х х х

Уста Гулмат ижодидаги баъзи муҳим йўналишларга алоҳида зукколик билан назар ташлашимизга тўғри келади. Энг зарури, шоирнинг позициясини – унинг кимларга жон тортишиб яшаганини узил-кесил белгилаб олишимиз шарт. Акс ҳолда, назмчи сартарошимизнинг эски муҳолифлари бўлган Ғишмат, Макриддин Маставо кабиларнинг ғайрли шогирдлари пистирмадан писпислаб чиқиб келса, унинг айрим сатрларига бир ёклама қараш йўлидан бориб, мендек бик одамнинг илмий ишини чиппақка чиқариши ҳеч гап эмас. Чапақай-чапани Гулматнинг ошнолари ҳар бир замонда бисёр, ғанимлари ҳам ҳамиша таппа тайёрдир.

Шоирнинг эговларидан бири уни хотин-халажни хуш кўрмасликда, бири майпарастилик ёки бангироқликда, бошқаси эътиқоди сустроқликда айблагга тиришади. Очиғи, каллам ниҳоятда зўр ишлашига қарамай, бу борада ўзимда ҳам айрим иккиланишлар мавжуд эди. Аммо, ақлни аҳмоқдан ўрган, деганларидек, Гулматнинг баъзи ғазалларини ўзича лапарга айлантириб, майда-чуйда чалпакбазмларда мушукмиёвлаш тарзида хиргойилаб юргувчи Бағамшо ғижжакчи учирмалаган бир гапдан сўнг, тўсатдан кўзим ярқираб, фикримга қозик қоқдим.

- Пичоқни ўзингга ур, оғримаса – бировга, деб қўйибди ўзбек,- деганича ғижжагини созлай бошлаганди ўшанда Бағамшо.- Гулмат бўлса, олдин ўзингни эрмакла, чидай олсанг – бировни, дейдиган жўмардлар тоифасидан.

Тузукроқ одам қуриб кетгандек, келиб-келиб, шу топда Бағамшо ғижжакчига ҳасадим кўзиди, қаёқдаги кигизқалпоқ яллачи билган гап нечун мендек бахмалдўппининг эсига келмабди, деб ғижиндим. Биламиз, кўриб юрганмиз – туғма босиқфеъл кимсалар бор, даврада ўтирган бирон-бир кишининг камчилигини айтиб қўйиш зарур бўлса, менда анамундоқ-манамундоқ айблар мавжуд, улардан тезроқ қутулай дейман-у, яна чаток иш қилиб қўйганимни билмай қолавераман, деб қусурларни ўзиники қилиб гапиради. Бировнинг кўнглини оғритмасдан тарбиялаш дейдилар буни. Гулмат ҳам айнан шу усулни танлаб, кимларнидир шапатилашга қўли бормаса, ўзини дўппослайверганмикан? Дарвоқе, мундоқ қараганда, “Туним ўтгай эзиб ёстик, тошар икки кўзимдин ёш, бири – Анҳор, бири – Бўзсув, келинг, қизлар, чўмилмакка” дея бабоқланган шоирнинг аёлларга беписандлигига Гишматваччалардан бўлак ким ишонсин? Ёки “Ич яна, Гулмат, тугал одам сафиндин ўчғали” деб безанглаган банда майхўрлик қилишдан ўзини ҳурқитмоқчими, бизними? Гулматнинг чиндан ҳам шундоқ йўлдан боришга эси етган бўлса, отангга балли, деб қўйишга мажбурмиз.

Мулла Ақобирнинг эсдаликларида қайд этилишича, аҳли донишмандга мавҳум туюлувчи бир сўзни Гулмат кўп қайтариқлаб юргучи экан – яхши одам яхши мусулмондир, деб. Бу эътиқодни тарозига солмоқ вазифаси ҳозирча зиммангизда турсин. Фикр баҳсдан бўғозланиб, ҳақиқат туғилади.

Ёзганларини ўқиб, Гулматни тўпори ва даллироққа йўйишимиз табиий. Бироқ, инсоф юзасидан айтиш лозимки, уни ғирт аҳмоқ дейишга-да тил бормайди. Атрофда юз бераётган воқеалар моҳиятини шоир баҳоли қудрат идрок эта олган, уларга қўлдан келганича муносабат билдириб, ёзармонлик бурчини оқлаб келган.

Бу ўринда, энг аввало, оддий турупфуруш деҳқон ва кўчманчи сартарош, кейинчалик майда савдогар ва ҳардамхаёл носкаш бир кимсанинг эзувчи ким-у, эзилувчи кимлигини илғаб олиб, уларни синфларга бўлишда янглишмаганига қойил қолмоқ керак. Қолаверса, бу бадий меросни бугунги кунда бизга истарали қилган омил шуки, уста Гулмат доимо эзилувчи меҳнат аҳли тарафда туриб сўз айтади. «Азимбойнинг уйи, ҳай-ҳай, қасри султонни

эслатгай», деб бошланувчи ғазалининг охириги байтини олайлик:

*Йиғиб қиммат матоҳларни давр сургинг келур, Гулмат,
Вале киссангдаги аҳвол санга арзонни эслатгай.*

Кўриниб турибдики, топганини рўзғорга учма-уч етказиб, ночоргина кун кечираётган ўн минглаб оддий меҳнатчиларга шоиримиз дарддош ва фикрдош. Чунки, унинг ўзи асли шулар орасидан келиб чиққан, эндиликда унинг ҳақиқий шеърхонлари ҳам ўшалар.

Мулла Ақобир бу ҳолни шундай изоҳлаган эди: «Бизларга маълум ва машҳур шоири калонлар кўпроқ гул ила булбул ҳақинда роҳатланиб ёзар эрдилар. Гулмат баччағарни кўрингки, у бедаво ҳар икки гапнинг бирисида носкашликни пеш қиладир. Ушбу ҳолат онинг паст табақа оросидин чиққан анди эконини тасдиқламайдурми?»

Бизга маълум сабабларга кўра, андак ғаразгўйлик билан айтилган бўлса-да, мулла Ақобирнинг бу сўзларига қўшилмасдан иложимиз йўқ. Гулмат Шоший она қорнидан йўқсилпарвар бўлиб туғилган. Ушбу омил уни жайдарфеъл қилди, чапанилар галасига қўшди, очикюзларнинг даврадошига, адолатталабларнинг қайроқсўз бахшисига айлантирди.

х х х

Гулмат Шоший ижодининг авж пардаси эл-юртда икки ёқлама зулм тобора кучайиб бораётган даврларга тўғри келди. Вазиятни беҳато баҳолаган шоир ўз ғазалларидан бирида дейди:

*Қўш елкада қўш хоқон, мани жоним биттадур,
Қай бирига берай нон, мани жоним биттадур.*

Қаранг, ҳам миллий буржуазия, ҳам чоризм халқни икки ёқлама талаётганини биргина «қўш хоқон» сўзини ишлатиш орқали қандай қисқа ва равшан таърифлаб берган. Сўнг, зўрловни шарҳлашда давом қилиб айтади:

*Сероб ҳар хил амалдор: миршабу шайх, пристав,
Танобчию солиқбон... мани жоним биттадур.*

Чамаси, маҳаллий амалдорлар, чор ҳукумати айғоқчилари бир хангомачи шоир билан ўчакишишни ўзларига эп кўрмай, унинг олди-қочди хархашаларига тамоман бефарқ қараганлар. Бундан фойдаланган Гулмат пайт пойлаб туриб, ҳатто, оқпошшога ҳам гап отишга журъат этган. У, айниқса, Биринчи жаҳон урушида фронт ортини мустаҳкамлаш учун Туркистондан мардикор олиш ҳақидаги фармондан қаттиқ норизо эди:

*Мақтагон оқпошшоси лол қилди мани,
Фармони ул қаддимни дол қилди мани...*

Нега энди норизо бўлмасин? Ахир, мардикорликка фақат ночор

камбағалларгина сафарбар этилиб, амалдор бойлар ва уларнинг арзанда фарзандлари хануз айш-ишрат билан машғул экани кишига алам қилмайдими?

Бундай тенгсизликдан жиддий ранжиган шоир яна бир ғазалида ўз қахру ғазабини шундай изҳор этади:

*Чимилдиқдин туриб бойлар сани ҳайдар юмушларга,
Бу зўрлашнинг тузук номи гаҳи ишдир, гаҳи хизмат...*

Энди савол туғилади: хўш, Гулмат ўзи мардикорликка борганми? Гапни чўзиб ўтирмай, яна мулла Ақобирнинг эсдаликларига мурожаат этайлик: «Хўкиз шохида амонат турғон бухудуд заминнинг тўрт нафар бузрук хукмдорларидан бириси, бешак-бешубҳа, Николай пошшодир. Онингдек ҳазратнинг мардикорлик борасиндаги фармони такаббурлари уёндин эълон қилинибдурки, пихи қайрилғон Гулмат буёндин сафар ҳозирлигини кўриб, бир неча қанор туршакни поюзға босқонча мусулмониядин ғойиб бўлибдур. Локигин, сафарға айвондор шапка остинда жўнағон ул бетавфиқ Тошкан, Жиззах ҳам Марғилон музофотлариндаги қирғинбарот жанжаллар тийилғоч, эмди бошга пўлатшойи салла чандиб яна Бешёғочга кириб келди».

Бундан шуни сезиш мумкинки, оддий сартарошни эмас, балки «катта зўр шоир»ни келажак авлод учун асраб қолишга қатъий аҳд қилган Гулмат юртда то мардикорлик ғалвалари сепсилгунга қадар четроқда чакана савдо ишлари билан шуғулланиб туришга мажбур бўлган.

Гарчи шоир бу олатасир даврда «фақир киши – панада» шиорига кўпроқ амал қилган эса-да, лекин юртдаги улкан воқеликлардан бутунлай узилиб, бешарқликка ғарқ бўлган, дейишга ҳаққимиз йўқ. Масалан, тахтапуллик Қоровой подачининг Россияга мардикорликка боргандаги ишқий хангомаси, бозор қимматчилигидан озор чекаётган авом турмуши ифодаланган мухаммас, бир қатор ғазал, рубоий, фард кабилардаги кесди-чопди мисралар орасига яширилган ғалаёнчаларни искаб топиш учун каминаники даражасидаги эсга эга бўлмоқлик кифоядир. Бир қарашда, барчаси шунчаки эрмак учун ёзилгандек кўринади. Аммо, ўша қалтис даврлар руҳидан келиб чиқиб, сезгирлик, билимдонлик, ҳалоллик ила ёндошадиган бўлсак, кўп ҳазиллар замирида катта довюраклик ётганини зиппа пайқаб қоламиз. Гулмат миллатлар чамбараги ўртасида зўравонсизликка, гурундошларча меҳрга асосланган кўприк қурилишига асло қарши бўлмаган, бироқ дошқозоннинг бошида туриб олганларнинг садақасини меҳр деб билишни, уларнинг йўриғи ила гурундош танлашни ўз инсоний обрўсига ярашиқли кўрмаган. Бу билан муғамбир зўравонлар-у, фирромчи сиёсатдонлар башарасига нос аралаш тупуришга, сал бўлса-да, ҳаракат қилган.

Кўп ҳолларда гоҳ қандайдир сирли рамзга эга бўлган саёқ тўнғиз полиздаги қовунларни пачоқлаб, палакларни пайхон қилиб кетгани, гоҳ

кайсидир киссавур ундан йўл сўраган бўлиб, ҳамёнини ўмариб қочгани каби аҳамиятсиз кўрингучи дардларни айтишдан нарига ўта олмаган Гулмат, айрим вақтларда, XIX аср чор эксплуататорлари ҳамда уларнинг таянчи бўлган маҳаллий арбоб-уламоларнинг найранглари, эл-юрт ташвишидан паққос бегоналигини, сохта художўйлигини, дўзахиларча иккиюзламачилигини фош этиш, улар билан гап талаш, XX аср бошидаги янгича мўлтониликларни писмиқона мазахлаш даражасига бориб етганлиги кишини ҳайратга солади. Бундай пайтда камбағалбоп шоирнинг елкасига дўстона қоқиб, «оббо, Гулмат хумпар-ей», дегинг келади. Шоир эса: «Ҳа, аканг қарағай Гулмат ана шунақа ажабтовур кимарса эди», дея олис-олис йиллар қаъридан пўмпайиб жавоб қилаётгандек туюлади.

ҒАЗАЛЛАР

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 1

Шоирингни йўлга бошла, ямоқ тушган чорикқинам,
Вале сарой шоиридин пешонаси ёрукқинам.

Ўтиб Риштону Боғдоддин Қўқонга шом кириб борсак,
Кутиб олгай Собир малла – соч-соқоли сариққинам.

Конибодомни забт айлаб, олар бўлсак Хўжандни сўнг,
Чойхонада берурман дам, пошнаси йўқ ориққинам.

Бекобод ҳам бўлур ишғол, қолур ортда Бўка, Пискент,
Кирурмиз Шошга биз мағрур мадор берса холикқинам.

Шошда шоирни не кутса санго ҳам шу эрур қисмат,
Э чориғим, тақдири ман – эгосига боғлиққинам.

Жанга телба яғоч отда кирғонидек, далли Гулмат –
Кутар яғоч қаламдин ризк... Хайр, Олтиариққинам.

1985 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 2

Аёғинг тортмоғон ерга айланиб бормоғон яхши,
Дилинг тортса, балодин ҳам бенасиб қолмоғон яхши.

Чиқимға дуч келар эрсанг эртани тез рўкач қилғил,
Бугунги ул текин ошни кейинга сурмоғон яхши.

Зиёфатлар эса хил-хил, иштахангким эса карнай,
Ўзинг ялғон сипо айлаб, тортиниб турмоғон яхши.

Кўп ўйланма бу неъматлар ҳалолданму ҳаромдан деб,
Узумни жимгина кавшаб, боғини сўрмоғон яхши.

Вале як бор бериб авқот, сани ду бор талар бўлса,
Онингдек сулланинг афтин умрбод кўрмоғон яхши.

Фикр бирла яшаб Гулмат ўта ноёб ўгит айтмиш:
Бировдин олғонинг мақбул, бировға бермоғон яхши.

1979 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 3

Бешығоч бозорида юрғон эдим тинглаб ғовур,
Бир мусофир сўрдиким қайда деб Шайхонтовур.

Ман дедим: шундин юриб, шунғо бориб, шундоғ бурил,
Учрағай бир тўп бақа булбул бўлиб турғон зовур.

Кўфрининг таслим этиб ўтғоч зовурдин нарига,
Тўғри юр ҳуштакфуруш аттори бор жойга довур.

Сўнг бурил чапроқ яна сертошу туфроғ кўчадин,
Тўхтама келгунча дуч лағмон чўзиб турғон повур.

Сан онинг лағмонидин уч-тўрт қулоч ютқон бўл-у,
Аста йўл сўрсанг кейин сўйлайди ростин, ҳайтовур...

Кетди ул қуллуқ ила, боқсамки – чўнтак куп-куруқ,
Вайсатиб Гулматни, ваҳ, картмонни урди киссавур.

1981 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 4

Бул бароқ кирди уйимға бир балони ахтаруб,
Ул гўзал келса нетарди ман гадони ахтаруб?

Ул гўзал келса боқурди кўзларимға меҳрибон,
Бул бароқ боқди қазонга маставони ахтаруб.

Ул гўзал келғайди ман бирла тузурға иттифоқ,
Бул бароқ келмишди ман-ла можарони ахтаруб.

Келса ул, излар эдим болу қанд сўзларни ман,
Келди бул, топмас қўлим эмди асони ахтаруб.

Келса ул, шафқат сўраб саждалар қилғай эдим,
Келди бул шафқат тилаб, мандин Исони ахтаруб.

Келмади лодон гўзал топғали гулгун умр,
Гулмато, лодон бароқ келмиш қазони ахтаруб.

1985 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 5

Фақат оз-моз чўтирдурман, шол эмасман, букирмасман,
Сақол оппок, кангул ёшдир, висолдин юз ўгирмасман.

Кечиб гоҳо саждалардан, ичиб обдастадан майни,
Санғигум ёр уйин излаб ки меҳробга югурмасман.

Азал мағрур туғилғонман, мани шердек саботим бор,
Жафо кўрсам урурман оҳ вале молдек бўкирмасман.

Фалак посангиси – танда: бу ёнда дард, у ёнда шавқ,
Бул тарафга қўшмағайман, ул тарафдин ўпирмасман.

Бўлойин мард, келиб жоно мани ўлдирса ўлдирсун,
Севгидан чанг юқибдир, бас, они дилдан супурмасман.

Буюк ишқингга, э Гулмат, у танноз туфлади кетди,
Оғизда – пулга келғон нос, шу боис ман тупурмасман.

1984 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 6

Қулоққа хуш ёқар, дилбар, йироқлардин товуш қилсанг,
Келиб зора бу ҳужрамга мани бир пой ковуш қилсанг.

Сани қўйга алишмасмен, сани қимморга тикмасмен,
Ризомасмен мани сан ҳам бўлак ёра овуш қилсанг.

Қошинг майли камон бўлсун, кипригинг игналар отсун,
Чидар эрдим вужудимни тугал кўрпақовуш қилсанг.

Очиқ гўрга тиқиб жуссам нечун мандин йироқ кетдинг,
Нетар бир дам тамоғимга сочингни чирмовуш қилсанг?

Агар сал-пал тутаб турсанг бўлур эрдим ўзим гулхан,
Манам дилни қилурман муз ўзинг кўнгилсовуш қилсанг.

Туни бирла ёзиб мадҳинг ётур девонаи Гулмат,
Тўёдирман жамолингга кўкрагимни болуш қилсанг.

1979 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 7

Қоқ пешин чоғида ман саллона келдим Ўрдага,
Забт этиб ошхонани, ёлчай дедим мошхўрдага.

Нозланиб, авқот ичиб ўлтирур бир сарвиноз,
Ёнида ўйноши ҳам турғонди ўхшаб мурдага.

Бордиму одоб ила дамаға бердим салом,
Турткилаб ўйношини, жуссамни сукдим ўртага.

Чарх урур икки қошук, ўртада ёғлуқ патир,
Таклифи бўлмаи туриб кўлни узотдим бурдага.

Иккови боққон эди хайратни жамлаб афтиға,
Ўзни ман телба-тезик аҳволға солдим жўрттага.

Кулчадин меъдам қонуб, ақчани айлаб тежам,
Гулмато кетдим жадал фотиҳа тортиб сурпага.

1981 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 8

Бу кун ёр сержаҳл эрса кутай серханда бўлгунчо,
Унут қилса умид боғлай хаёли манда бўлгунчо.

Ҳаром ўлма бу ишқдин деб мазахлайдир Эмин-эчки,
Уч эрдин қолғон жувонни севай шарманда бўлгунчо.

Худо онгларми у ўзни хуснига қилсалар сажда,
Сабр айлай – кетиб хусни, прастўй банда бўлгунчо.

Қаёнки ёр жадал қилса юройин ортидин сарсон,
Қилай қурбон чорикни, ҳай, кезойин жанда бўлгунчо.

Хон қолиб, қизларни мақтаб, ана, Машраб борур дорга,
Аёл ҳақда ёзай ман ҳам гўрим Дўрмонда бўлгунчо.

Машойихлар демишларки: “Шароб келса, кетур қайғу...”
Ич-е, Гулмат, оғиз карнай, қорин чирманда бўлгунчо.

1983 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 9

Порахўр, эй, молу дунё хирси кир қонингдин айлансун,
Анкаюб гар аҳли ғафлат келса қопқонингдин айлансун.

Кисса овла, киссавурлар тентисинлар қолуб беиш,
Қароқчилар яқо ушлаб, лол бўлуб ёнингдин айлансун.

Гўл мижозни товуқ онглаб патин юлгил бўлиб тулки,
Тухумни нақ ол-у, ётлар сепмаган донингдин айлансун.

Димоғдор бўл, юкунсинлар, бири ўпсин аёгингни,
Бири тиззангга бош урсин, қўллари сонингдин айлансун.

Аёлдек ё ўзинг юмшоқ тутиб Лайли мисол нозлан,
Алар бўйдоқ Жунун янглиғ ишвали онингдин айлансун.

Вале пора умид қилма бу Гулматдин, қўйиб сиртмоқ,
Ўша сиртмоқ ўзгунангни жиғилдонингдин айлансун.

1982 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 10

Азимбойнинг уйи, ҳай-ҳай, қасри султонни эслатғай,
Қатор қирқинчи ламполар ёнар қумғонни эслатғай.

Бошу думсиз хўтик янглиғ турур кенг хонада истол,
Қориндор ул самоввори Тўлан полвонни эслатғай.

Деворда бир фаранг милтиқ пўлат шамшир ила чирмаш,
Дарчада оқ узун парда узун иштонни эслатғай.

Гилам дилни қилур ҳуфтон – илож йўқ нос туфурғони,
Мушук ухлар калавотда, суюқ жононни эслатғай.

Сумакдин бой тутун тортиб, кийиб оврупоча бошмоқ,
Юрур там-там, шляпоси бузук айвонни эслатғай.

Йиғиб қиммат матоҳларни давр сургинг келур, Гулмат,
Вале киссангдаги аҳвол санга арзонни эслатғай.

1982 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 11

Бўзанинг савдоси тушди бошимга бошдин яна,
Маст келиб қилдим хўрак пишмаган мошдин яна.

Сирғаниб остонада синди энг охирги тиш,
Ишқилиб айрилмайин кўз, бурун, қошдин яна.

Бошлади фарёдларини уйғониб бевақт хотун,
Бу шалоқ ожизага бер, эгам, дошдин яна.

Илк нахор уйдин қочиб санғидим хомуш, гаранг,
Йўл тўсиб, қарзлар сўраб кексаю ёшдин яна.

Не сабаб кўрғоч мани қувлағай итлар улыб,
Қанжиғи бўлмиш чўлоқ отғоним тошдин яна.

То саҳар майхонада оч ётур Гулмат ваванг,
Қолмишам пайшанбада бенасиб ошдин яна.

1980 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 12

Келур икки сулув, аҳ-аҳ, нозлари мўллағон эрди,
Бири гунча эди паққос, бири сал гуллағон эрди.

Худо урғон эса бизни ки ёшлиқдин бужур айлаб,
Бу икковни ясаб силлиқ эгам ҳам қўллағон эрди.

Ҳайит айёмида адрас аларни зап очибдурки,
Кўзим ўйнаб, ёниб ўпкам, тамоғим чўллағон эрди.

Табассум қилса деб зора ҳайитлик берсам олмайлар,
Алар балки табассумин тонгдаёқ пуллағон эрди.

Кетлариға тикилсам лол деди ақлим қидир иймон,
Бузуқ ўйларни лек шайтон бошимга дўллағон эрди.

Алар юлдуз ахир, Гулмат, на қўл етғай, на пул етғай,
Сани тақдир тамошшога шунчаки йўллағон эрди.

1984 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 13

Э сабо, айт бориб арзим ўша қози калонимға,
Жавоб қайтармаса¹

Сафарбар айлабон бизга юборсин зўр табибларни,
Баччағар ишқ босиб келмиш човут солғонча жонимға.

Кўзим тунлар – очик дарча, юрак – ёнғиндаги хужра,
Азоб мундин эди камроқ пучак чиққанда сонимға.

Туртиниб от-эшакларга гаҳи йўлда гаранг юрдим,
Мани извош эзиб кетса уволим ул жувонимға.

Келмади ёр кеча кутдим, қолиб бир коса ош фойда,
Бор-е, мардлик қилай, майли, бу кун келсун зиёнимға.

Аёл зотин азал, Гулмат, жиним суймас эди, аммо –
Алар гоҳи қилиб сурлик кириб олғай девонимға.

1983 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 14

Бу нечук шоир деманг, асли ман носоғроқ,
Ёзғоним шаклан ғазал, лек ўзи бармоғроқ.

Ҳарқалай шеъримда бор маъни-ю, оз-моз фикр,
Кўп ахир аҳли қалам мандинам маймоғроқ.

Кимса дер: “Қилсанг ҳажв, бекнимас пастроқни ур,
Тинчгина авқот еюр бўлса ким кўрқоғроқ”.

Асли чин ашъорнавис ёзмағай оддий баён,
Барчани ўйлантурур гап отиб илмоғроқ.

Дард чекиб битсам ғазал босмағай туркий газет,
Ўлтирур унда биров фаҳми сал тарқоғроқ.

Ул деди: “Гулмат, жўна, пайтава қилмам шеъринг”,
Лек ўзин ёзғонлари бундинам пайпоғроқ.

1979 йилда тикланди.

¹ Кўпнуқталар ўрнидаги сатрлар асл нусхада ўчиб кетгани учун ҳозирча тиклай олмадик.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 15

Аё шоир, ёзувни бас қилмағонингга қарсақлар,
Даҳолардин ўзингни паст билмағонингга қарсақлар.

Бировлар тўрт қилиб кўзни висол оқшомини кутғай,
Аёл зотин назарға кўп илмағонингга қарсақлар.

Текин майлар симирдинг гоҳ ўқиб майхонада ашъор,
Кўп ўқиб, кўп ичиб қўйғоч ўлмағонингга қарсақлар.

Боқиб оламга сўнг сархуш билмадинг тўйми бу, аза,
Офаринким тўкмадинг ёш, кулмағонингга қарсақлар.

Элинг сандин кўрмади наф, зиён ҳам етмағай асло,
Экмағонингга афеус, лек юлмағонингга қарсақлар.

Замонсозлиғ демай, Гулмат, амалдорларни ҳажв этдинг,
Авомдин жирканиб бағрин тилмағонингга қарсақлар.

1980 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 16

Кулиб омад, ишларим бир юриб кетса, ажаб эрмас,
Мани нозир дебон хоқон амр этса, ажаб эрмас.

Ҳама мингбошилар бир-бир келиб савфо бериб бўлғоч,
Итимға бек хушомад-ла суяк тутса, ажаб эрмас.

Кийиб кўкракяланг кўйлак ва дарчамға отиб олма,
Момиқ қизлар кўзин зимдан қисиб ўтса, ажаб эрмас.

Кайф қилсам уриб-судраб, уят сўзлар деган миршаб
Аёғимдин ўпиб кафшим лойин ютса, ажаб эрмас.

Сарой шоирлари мандин кутиб эҳсон ила унвон,
Таҳорат қилғоним ҳақда ғазал битса, ажаб эрмас.

Аё Гулмат, чилим тортиб ки мастона хаёл сурма,
Хотин ўқлов олиб уйда сани кутса, ажаб эрмас.

1979 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 17

Аё фарзанд, аввало Сиз онони рози қилғайсиз,
Бир умрға ўзингизга отони қози қилғайсиз.

Кичиклардин туриб катта, кериб тенгдошга сал кўкрак,
Вале манга салом айлаб дуони орзи қилғайсиз.

Хушомадлар бажо этманг киши Сизга эса тобе,
Бироқ ўзни казоларга кўча таннози қилғайсиз.

Тулакзода жувонларга бўйин эгманг бўлиб лодон,
Наҳот дилни овчига Сиз газзанинг¹ ғози қилғайсиз?

Яна хушёр суриб даврон ғанимлардин туринг огоҳ,
Кўзингизни мушук айлаб, бурунни този қилғайсиз.

Насихатлар битур Гулмат, савоб бизга насиб этсун,
Бу сўзлардин ясаб танбур юракнинг сози қилғайсиз.

1980 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 18

Бўш қолуб чикдим бу кун қилғони ялло Хадрада,
Елкада янги чапон, бошимда салло Хадрада.

Тўғрию ҳам эгрию омукта эрди кўчада,
Фозилу девонаю нодон-ла мулло Хадрада.

Кўшхачир извошида ўтди амалдор ялпаюб,
Билмаган дейдир: “Бу дам кезмоқда олло Хадрада”.

Тўхтади кўнка² келиб, ёприлди одам устма-уст,
Мамлакат тинчдир вале бошланди ғавғо Хадрада.

Кўнкага чиққоч дедим: “Танга йўқ, қилгум дуо”,
Патгачи айди: “Бабо, ўтмайди хилло Хадрада”.

Нос отиб Гулмат яёв Чорсуга юрдим ғозлануб,
Қолди бир жонон манго бўлғонча шайдо Хадрада.

1981 йилда тикланди.

¹ Газза – овчилар кўл бўйига қурадиган пистирма.

² Кўнка – трамвай.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 19

Ўлтирибман ошиёнда қандни чойга чўктириб,
Ки қорунни бўлка нонга, ўзни ғамга бўктириб.

Бол дудоғин ёшурғоч ул эмди қанд ҳам доридир,
Қувди бизни дафъатан ёр аввалига тек туриб.

Мулла Равшан Зулхуморға бўлди шайдо, топди шон,
Ман юрибман бир “хамак”ка обрўйимни тўктириб.

Эрса Лабзак ичра шод ул, ман Чилонзор ичра хор,
Боғда гулни ўзи ҳидлар бизга носни чектириб.

Қолса мансиз кимни топғай, бунча нодон қурмағур?
Зора қайтса сал фаҳмдин калласиға эктириб.

Ўзни манга этма душман, қийнама, э мочахар,
Ошна қилсанг Гулматингни, юрмағайдинг сўктириб.

1983 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 20

Хиргойи-ла бодани улфатга беринг, ҳов,
Ё бедасоч бир паритурхатга беринг, ҳов.

Маъшуқаю дўстга текин кулги улошиб,
Зардани бегонага қимматга беринг, ҳов.

Уйда хотун гарданиға ортинг қаҳрни,
Тил болини тўкмада¹ суҳбатга беринг, ҳов.

Барча садоқатли жўра қолсин гурунгда,
Бебурдни оқ пошшога хизматга беринг, ҳов.

Ўрламасин даврага пулдору димоғдор,
Шоирни топиб гапни шу сердардга беринг, ҳов.

Аҳли димоғдорға молу тахту сарой хўб,
Қатра маю қизларни Гулматга беринг, ҳов.

1984 йилда тикланди.

¹ Тўкма – ҳар ким уйдан масаллиғ ё егулик олиб чиқиб, ўртада қилинадиган улфатчилик.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 21

Кеча майхонада тўрт дўст бажо қилдик айш тунги,
Фароғатга эдик ташна, кангуллар ғаш эди чунки.

Бобо Кайфий деган эркан: “Ўлиш йўқки – тўйиш йўқдир”,
Бўшатдик кўп қадахни, хар сафар деб: “Ушбуси – сўнгги!”

Назаркул оштовоқ ушлаб бошлади дафъатан хониш,
Мов¹ мушукнинг фиғонини эслатурди товуш мунги.

Кўшни қиз таърифин сўйлаб тўкурди кўз ёшин Ғаффор,
Сузарди май уза маҳзун мўйлабидин тушиб юнги.

Матқовул бир кўза майга алиш айлаб чопонини,
Баҳона сўнг топиб дерди: “Ўзи торроқ эди енги”.

Харжладик сўм-тийинларни, сотиб ичдик кийимларни,
Хужрама илк сахар Гулмат кириб келдим тутиб лунги.

1981 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 22

Эски Жўва қаторинда кичик дўкон очиб қўйдук,
Сотувға сўнг майиз-туршак, зира-зирка сочиб қўйдук.

Сартарошлик тегиб жонга, кечиб қайчи ва қайроқдин,
Дўконга бир қошиқ-ўлчов, иптарозу осиб қўйдук.

Ширин улфат келиб қолса ўчоқда ёғ бўлур “жиз-биз”,
Чўзиб чандир яна юзлаб мижикларни ғажиб қўйдук.

“Фақирға ким солиқ солса онинг бўйни узулсин”, деб,
Пешайвонга йўғон-ўқлов харфларда ёзиб қўйдук.

Бирон шабкўр харид қилмай ўтар бўлса, йиқитғони –
Дўкон олдиға уч-тўртта кичик хандақ қазиб қўйдук.

Кўрунг, Гулмат иши бешдир, дуруст кампир топинг эмди,
Мана тўйга бўлиб тайёр пича ақча босиб қўйдук.

1983 йилда тикланди.

¹ Мов – баҳорда эсирраган мушук.

ҒАЗАЛ , РАҚАМ 23

Келибдур бир мулла ўғлон ёнимға илтимос айлаб,
Деди: “Сўйланг хотунни бошқарув ҳақда оғоз айлаб”.

Ўгитларни тўкиб бисёр дедим: “Бездир хотунни сан,
Бало орттирмағил бошга ўзингга ишқибоз айлаб”.

Давом эттим: “Хато қилма яна айтиб ширин сўзлар,
Ақлли эр берур таълим муштини обжувоз айлаб”.

Дедим сўнгра: “Хотун кўпдир, вафодори эса кам-кам,
Талоқни ҳеч дариғ тутма бировға боқса ноз айлаб”.

Ва уқтирдим: “Биродарлар аро сақлай десанг обрў,
Ўзингни шерпадар кўрсат, хотунни қўймижоз айлаб”.

Дедим Гулмат: “Бориб эмди у нопокни танобин торт,
Хотундин кўп гапиртирдинг мани ҳам бенамоз айлаб”.

1980 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 24

Полиззорим сори тунда ғалат ҳайвон босиб келмиш,
Не ҳайвонки, неча чакрим йироқдин ҳид сасиб келмиш.

Алимқулдин сўраб билсам онинг номи экан тўнғуз,
Таранг қопда гўштмидир ё ўрмаловчи ҳасиб келмиш?

Қорун тўйғоч секин қайтмай, ёриб борлиқ қовунларни,
Омоч тишлар билан бир-бир палакларни қазиб келмиш.

Яшар эркан тўқайларда ўзи асли титиб балчиқ,
Текин гурвак¹ тикойин деб қорунни бўш осиб келмиш.

Эгам қўшди неча хар ва хачир ризқин томорқамға,
Ман ўргилдим худосиздин, бу ҳам излаб насиб келмиш.

Сабр қилсанг бало ўтғай яна бир бор чида, Гулмат,
Бу тақдир кўп балоларни пешонангга ёзиб келмиш.

1980 йилда тикланди.

¹ Гурвак – қовун тури.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 25

Манго от бермадинг – сатқай, худойим, кел, эшак бергил,
Эгар-жабдукниям созлаб эшакка сал безак бергил.

Ўзинг сўнгра оғил қурдир, сувоқни ман қилай, майли,
Агар емни дариг тутсанг хашак ёки печак бергил.

Эшакни урмасин ўғри, они томда ётай пойлаб,
Шолчаю эски бўйрам бор, пахталироқ тўшак бергил.

Яна очман, мани баски яратдингму – келиб тўйдир,
Топилса казидин чўзгил, йўқ десанг, ҳай, ичак бергил.

Дема: “Ул-бул тилар эрсанг, бориб масжид ибодат қил”,
Фақирдирман, манго аввал ки обдаста, кесак бергил.

Эшак сўрғон эди Гулмат, солиқбонни юбординг сан,
Берар бўлсанг сўра олдин, керак бизга десак бергил.

1983 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 26

Мақтағон оқпошшоси лол қилди мани,
Фармони ул қаддимни дол қилди мани.

Шош элидин ишга сўрабдур мардикор¹,
Мунча ювош онглади, мол қилди мани?

Ёшни олар эрмиш деса, ҳийла топиб –
Қўйдим соқол, ҳафтада чол қилди мани.

Пошшониям сўқдим қўшиб фармониға,
Болсўз эдим, қалбаки бол қилди мани.

Мушт кўтариб чиқсанг агар етмас кучинг,
Зўрлаб соқов, кўр ҳамда шол қилди мани.

Гулмат каби ҳақгўй ила олам гўзал,
Дунё – келин, лабига хол қилди мани.

1982 йилда тикланди.

¹ Чоризм томонидан туркистонликларнинг мардикорликка олиниши.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 27

Чиқиб айвонга оҳ урсам Лабзагу Соғибон ўртар,
Ҳама қўшнум хотун топди, висол бизни ҳамон ўртар.

Мани гумдон қилур бу ишқ, бузоқни қатл этур қассоб,
Мани гулюз куюнтирғай, кучукни устихон ўртар.

Забун ҳолим бўлиб дoston эсланур амри маъруфда,
Йиғлатубон муаззимни юракни ҳар азон ўртар.

Сотиб кафшимни май ичсам, ўзимдан типпа-тик кечсам,
Шу пиёнму ўша Мажнун дебон элни гумон ўртар.

Юрак, буйрак, жигар, ўпкам куйиб тўрт сих кабоб бўлди,
Жиғилдон истамай авқот буёқда ошқозон ўртар.

Офати ишқ мани токай ёқур ўтда дема, Гулмат,
Бешинчи кун кетур бу дард вале тўрт кун ямон ўртар.

1984 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 28

Биродар, юр, кетайлик тез, келур биз ён Сафар ифлос,
Тўқир мишмиш, тўқир иғво ки шайтондин батар ифлос.

Қазонлардин қаро юқса, ямонлардин бало юққай,
Қўшилса у сану манга бўлурмиз уч нафар ифлос.

Бекор қолса ташийдир гап бобосидин момосига,
Қилиб гиж-гиж, тамошобин бўлодир, шу қадар ифлос.

Нафас олса – ҳаво айнир, сувин ичса – челак макрух,
Ухласа ул – покланур тун, гар уйғонса – саҳар ифлос.

...Йироқ қочмоқ бўлиб ондин, секин дўстимни туртғонча –
Бурилғонимда, ортимдан сочиб қолди захар ифлос.

Деди: “Гулмат, ўл-а! Ўзга йигит-ла кетди севгонинг...”
Кўрунг топган гапин, ҳатто у еткурған хабар ифлос.

1980 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 29

Бу дунёнинг иши чалкаш – гаҳи ойдин, гаҳи зулмат,
Азал ишни қилур расво гаҳи тақдир, гаҳи қисмат.

Чимилдикдин туриб бойлар сани ҳайдар юмушларға,
Бу зўрлашнинг тузук номи гаҳи ишдир, гаҳи хизмат.

Эгилсанг ҳам қулингман деб, инонмасдин қўюр айғок,
Талаб қилғай яна сандин гаҳи имзо, гаҳи тилхат.

Бориб дардинг баён этсанг ўзингдин айб топур қозий,
Сани қувлаб юрур сўнгра гаҳи иғво, гаҳи тухмат.

Ялинсак-да яратғонга манго парво қилурсан деб,
Вале иблис бўлур бизга гаҳи устоз, гаҳи улфат.

Китоботни ўқиб боз-боз пишит каллангни, эй фарзанд,
Ҳаётдин дарс берур санга гаҳи Сўқрот, гаҳи Гулмат.

1982 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 30

Шўрвабоп шеърлар бас-е, эмди ман ош қилаюн,
Катта зўр шоирлиғимни дафъатан фош қилаюн.

Бошга дўст солди жафо, алдади қондош яна,
Боз қаламни дўст тутиб, қағозни қондош қилаюн.

Мирзаси бермас салом, ҳокими олмас алиқ,
Ман алар айбин очуб, кўш кўзин мош қилаюн.

Арз ила борсам эшикдин қўймади гувбернатўр¹,
Ҳажвиямни дарчасиға отгали тош қилаюн.

Етмадим ёр васлиға, қалбиға сан ет, шеърим,
Тунда ул дўндуқчани санга болишдош қилаюн.

Кўп хато қилдим манго телба ҳис раҳбар ўлуб,
Эмди ғўр туйғуга, Гулмат, ўзни ман бош қилаюн.

1981 йилда тикланди.

¹ Губернатор – Чор давлати амалдори.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 31

Дардга излар эсанг чора они дарддош кишидин сўр,
Қизиқтирса сани олам, бозорни “миш-миш”идин сўр.

Ўпич истаб касаллансанг бориб ёрдин шифо сўргил,
Қўймаса гар уйчасиға, эшикни тирқишидин сўр.

Овинг юрмай мабодо сан
..... кўнгли бўшидин сўр.

Хазар этгил порахўрнинг қазонидин, чунончи ул –
Қанчалар егонини ўттиз икки тишидин сўр.

Дуруст ошно тилаб кўнглинг бирон улфат топар бўлсанг,
Суриштирма они наслин, мансабидин – ишидин сўр.

Агар Гулмат окангни сан суҳбатиға эсанг мойил,
Нечунким ул бугун кунда яшарға кўрқишидин сўр.

1980 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 32

У танноздин ото безор, у безотға оно исроф,
Сулувдир лек ҳаёси йўқ, демак ҳамду сано исроф.

Мамат бойни қилиб жазмон тақиб юрғай текин сирғо,
Ва афсус ул бетавфиққа бағри қонли хино исроф.

Қошлариға эсиз ўсма, қабоғига сурмалар хайф,
Юзиға ҳафтада уч-тўрт қути сассиқ упо исроф.

Фаҳмсизлик, таманнолик ёмон дардки – излама эм,
Ки бемори оғир ётса табиб қилғон шифо исроф.

Магар йўлдан тойибдурки, қабрида ҳам ўзин сотғай,
Ки хилватда тутиб олсанг уринма кўп, зино исроф.

Бориб Гулмат синаб кўрмоқ учун четдан имо қилдим,
Онингдек юз буриб бурнин жийирғонга имо исроф.

1981 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 33

Э гўзал, ваъда бериб ваъдада турғонинг қане,
Йўл кутуб, кўз ўйнатуб Кўкчада юрғонинг қане?

Бир бузук имлаб эди, ман они “киш-киш”ладим,
Учраса шилқим санго лабчани бурғонинг қане?

Кўп хотун топди онам, бермадим ройиш сира,
Бийдалаб ёт совчини кафшинг-ла урғонинг қане?

Тўйга деб бир эчкию арпахон қилдим харид,
Сомсалар ёпмоқ учун тандирни курғонинг қане?

Ман куёв тахлид бўлиб мойладим маҳсимни хўб,
Сан келинлик қасдида сочингни ўрғонинг қане?

Ишқни сан Тоҳирдайин қурбонисан, Гулмат ғариб,
Зухрани суйдинг вале айшини сурғонинг қане?

1983 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 34

Юрар Дўмпаработда¹ бир ғаламис лаланглаб,
Мугуз қилиб мўйловин, кал бошини яланглаб.

Дошқозонда қовуртиб еб кўйғудай тикилғай
Номи ўтғон аёлга ғилай кўзи жаланглаб.

Енг ичида бедона, кўлтиқда оч хўрози,
Белбоғида пичоғи тўппончадек саланглаб.

Йўлакда ул бемакон дайди ит-ла тўқнашиб,
Бир-бирига ғижинди бир-биридан безанглаб.

Бангилигин фош айлаб пақир-пукур йўталғоч,
Дўкончамнинг ойнаси синиб тушди жаранглаб.

Ожизалар Гулматни суяр, лек бу саёқдин –
Қочиб ўтар келинлар, қизлар ўтар мазанглаб.

1987 йилда тикланди.

¹ Дўмбиравот бўлса керак.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 35

Қўш елкада қўш хоқон¹, мани жоним биттадур,
Қай бирига берай нон, мани жоним биттадур.

Сероб ҳар хил амалдор: миршабу шайх, пристав,
Танобчию солиқбон... мани жоним биттадур.

“Таҳорат қил!”, “Солиқ чўз!”, “Итоат эт!”, “Тўғри ёз!..”
Таъқиблағай минг фармон, мани жоним биттадур.

Ўчкор ўқир ҳажвни ҳар бою ҳар муҳрдор,
Рақибларим – оломон, мани жоним биттадур.

Яна кундуз рўзгор-у, тунда ашъор азоби,
Уламо ҳам беомон, мани жоним биттадур.

Шўрпешона Гулматнинг саботига бериб тан,
Шайдо юрур кўп жонон, мани жоним биттадур.

1984 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 36

Адо қилди хотинсизлик ризодирман кўмилмакка,
Вале шеърлар битиб вақт бор на ўлмак, на чўзилмакка.

Туним ўтғай эзиб ёстиқ, тошар икки кўзимдин ёш,
Бири – Анҳор, бири – Бўзсув, келинг, қизлар, чўмилмакка.

Ҳасан мингбошининг кенжа қизи бежо боқур тушда,
Ки уйғонгач дедим: “Ёшсан, бало борму сузилмакка?”

Онинг тўнғуч оповси, аҳ, муносибдир манго паққос,
Пишибдир жавҳари лиму киби тайёр узилмакка.

Бироқ бўйнидағи маржонидин ҳам ошиғи кўпмиш,
Борайму ё шу маржонга чағир тошдек тизилмакка?

Биров дейдир: “Кириб дўппи бозориға жувон сайла”,
Ахир мавлоно Гулматман ва ҳаққим йўқ бузилмакка.

1984 йилда тикланди.

¹ Миллий буржуазия ва чоризм.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 37

Инглиз отлиғ бир оролча тарқатибдур, қаранг, пидбўл ¹,
Ўйнар эрмиш эмди кўркмай Рўсиё-ла Фаранг пидбўл.

Яраслўвда² сотиб пашмак тутилдим бу тамошшога,
Кангул очмоқ эди ахдим мани қилди тажанг пидбўл.

Ки майдонни ҳарибларға бўлиб берғон эканлар тенг,
Бир-бировин томорқосин босдилар, бўлди жанг пидбўл.

Бут шимин тиззадин қирқиб, кийибдур почага енгча,
Кўрунг гулдек йигитларни айламиш ғирт мазанг пидбўл.

Соқчини чалғитиб кимдир равогга тепди чавгонни,
Ёғилғоч қийқируқ-хуштак тамом бўлди аранг пидбўл.

Тарқаса биз тарафларға кўрқаманки, аё Гулмат,
Кешни Шошга рақиб айлаб қилур элни гаранг пидбўл.

1984 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 38

Эмиш ёрим соғ-саломат, соғлиқлиғиндин айнанай,
Они кўрмай дилим доғлиқ, доғлиқлиғиндин айнанай.

Безиб аччиқ насиҳатдин аразлаброқ кетиб эрди,
Мақтасам-ку эрир мойдек, ёғлиқлиғиндин айнанай.

Чамо қилғон киби ҳамённи ул чўнтакка суқланди,
Жаланг-жалпанг кўзларининг зоғлиқлиғиндин айнанай.

..... аста сўраб эрдим,
..... ипи маҳкам боғлиқлиғиндин айнанай.

Ўзим ўнглаб десам “ҳазил”, мани қувди ямон қарғаб,
Ҳамон тинмас эмиш жоғи, жоғлиқлиғиндин айнанай.

Сабр қилғил ётиб эмди овинг юрмас эса, Гулмат,
Тўрингни ёр узиб қочди, балиқлиғиндин айнанай.

1984 йилда тикланди.

¹ Футбол.

² Ярославл шаҳри.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 39

Темирларға кирибдур жон, ғаройиб бир замон бўлди,
Валекин кўнканинг, дўстлар, яралғони ямон бўлди.

Манам бир бор чиқиб эрдим биқинларға едим тепки,
Дараксиз бўп ковуш кетди, дуруст яктак тамом бўлди.

Неча чўнтаккесар ўтғай бошингдин то аёқ сийпаб,
Лахзада қоқлануб ҳамён, носим ҳатто талон бўлди.

Сўкинғонча сотур чипта бир давангир, кўзи бежо,
Шу дўппимни уриб қолғон деган манда гумон бўлди.

Бурунларға бурун пайваст, қомати ғоз турур букри,
Оноси ўпмағон қизлар никоҳ кўрмай

Ковуш, дўппи ила ҳамён дегил сатқай, аё Гулмат,
Кетса молинг кетибдур лек шукур қил бош амон бўлди.

1980 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 40

Буюк ишдир магар чархда мани шоир топилғоним,
Бошимға лек жавр бўлди танилмоққа шошилғоним.

Ҳануз ёдда – қироат-ла ўқишни машқ қилиб оқшом,
Ўтовдин ким отиб милтиқ, бобовларға қопилғоним.

Мадраса аҳлиға бода сафосини этиб ташвиқ,
Умар Хайём ҳисобинда аёғимдин осилғоним.

Сўғин майхонада сўйлаб шароб гўнгдин ҳаромроқ деб,
Келиб тутғоч аламноклар совуқ сойга отилғоним.

Казоларнинг оросинда топай обрў дебон ул кун,
Ўқиб инсоф ҳақинда шеър, ямоқ тўндек қоқилғоним.

Жасорат қил яна, Гулмат, ки оқпошшоға гап отгил,
Қолур Шошда бўлиб эртак тирикликча ёқилғоним.

1980 йилда тикланди.

ЁВОЙИ ҒАЗАЛ, РАҚАМ 41

Гўзал бир ён, ғазал бир ён, қалам вайрон ўртада,
Қағоз бир ён, намоз бир ён, айш қурбон ўртада.

У кун бизни ёқиб жоно Тахтапулдин ўтдило,
Сулув бир ён, ғулу бир ён, кезар шайтон ўртада.

Ўнг кўзим ёр юзин қўмсар, чапи қўмсайди белроқни,
У кўз бир ён, бу кўз бир ён, бурун хайрон ўртада.

Куйиб ишқдин бўлиб хофиз куйласам тунлари гирё,
Дутор бир ён, сетор бир ён, чарм гармон ўртада.

Дуо қилдим гаҳи ёрни, қарғадим гаҳ раҳмсиз деб,
Ақл бир ён, жаҳл бир ён, фикр айрон ўртада.

Э ука, Гулматий севмиш бир отинча навжувонни,
Отин бир ён, хотин бир ён, аканг сарсон ўртада.

1984 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 42

Манам бечораман ўзни кўп йироқ этмағил, танноз,
Додлатиб, зўр авозимни хирқироқ этмағил, танноз.

У кеч рақсу муқом айлаб ғанимларға чилим тутдинг,
Биза қолғонда ўзни сан қурумсоқ этмағил, танноз.

Ямоқ маҳси ила юрғоч санго балдоқ топай қайдин,
Олиб куммуш туморимни мани қоқ этмағил, танноз.

Сўзим ялғон эмас билло вафо қилмас бу жазмонлар,
Босиб ғафлат, аларни сан дилин чоғ этмағил, танноз.

Садоқатда бўлай якто, кел-у бахш айлағил ўзни,
Ё бўғзумға уриб ханжар мани соғ этмағил, танноз.

Жафо ёғдирма Гулматга ки ортингдан сўкуб ўтмай,
Беандеша қилиб оғзим саримсоқ этмағил, танноз.

1982 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 43

Дўконимда касод ўлғон ҳама молни берай санга,
Ол-е, жонон, Чилонзору Қатортолни берай санга.

Самарқанду Бухоро лек сўгал холга кетур арзон,
Бу икки шаҳрима тегма, каро холни берай санга.

Яна Фарғонаю Урганч, Денов Жиззахларим бордур,
Ҳар бирин номидур ботмон, не мисқолни берай санга?

Тегма шоир, олимимға, сахий-содда деҳқонимға,
Барча қози, миршабу шайх ва боққолни берай санга.

Нонимни ол, тўнимни ол, қағозтан дафтарим қолсун,
Довот тўла заҳар тутғил, ясаб болни берай санга.

Ки Гулматда куруқ шеър деб, амал-унвонлига учсанг,
Куровпаткин¹ – губернатўр ва гинролни берай санга.

1987 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 44

Қорни очнинг дили таскин излабон рўза истайдир,
Қорни тўқлар қилиб шўхлик бўзали кўза истайдир.

Бировларға ёқар булбул, бировға хуш келур қарға,
Бири қайтмас ҳаромдин ҳам, бири покиза истайдир.

Инонгайдир бу кун олим на маҳшарга, на Исога,
Вале банги чилим тортиб хануз мўъжиза истайдир.

Азал чалкаш экан дунё, тузатмоқлик экан душвор,
Бировға эр топилмайдир, биров ожиза истайдир.

Ажаббоки маҳалламда на тўйдан гап ва на аза,
Мани кўнглим шу фурсатда қазондан жизза истайдир.

Яна нафсим уриб туғён, яна маъюсланиб Гулмат,
Яна ғашлик чўкиб дилга, яна хомуза истайдир.

1980 йилда тикланди.

¹ Куропаткин – босқинчи генерал-губернатор.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 45

Гандираклаб келур Эшмат, қимиз тортқонга ўхшайду,
Яланғочдир, яктагини яна сотқонга ўхшайду.

Ичишни ким қўйибдурки ўзинг ҳаммол эсанг, хумбош,
Ман ичсам сал ярашгайдир – савлатим хонга ўхшайду.

Боши сархуш эмас чоғда ўтурди ул қилиб қуллук,
Ажаб энди ўзи шоҳу сўзи фармонга ўхшайду.

Арслондек уриб наъра йиқилди юзтубан ерга,
Тўкилғон носи ғулғулга сочилғон донга ўхшайду.

Суяб эрдим, боқиб шодон юзимни хўб ялаб турди,
Оғзидин бир уфурди ҳид – тезак ютқонга ўхшайду.

Елкалаб ул гуноҳкорни сўкиб-судраб борур Гулмат,
Биров қасддан гўё манга ўлик ортқонга ўхшайду.

1983 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 46

Ғарчли ковушни йиғлатуб йўлда гўзал кевотти-я,
Икки пода ошиқлари ортда касал кевотти-я.

Э подалар, сизга керак унвону зар, сўнгра хотун,
Манга тожу тахту қаср, ганжу амал кевотти-я.

Йўрғаласам унга, биров “пашша бўлиб борма”, деди,
Пашша эсам қандоқ чидай – уч пуд асал кевотти-я.

Шоди-бурун “Оҳ!” деб аёғига ўзин ташлаб эди,
Тоғдек бурундин сакрабон ўтди жадал, кевотти-я.

Ишқ йўлида энди манам арзон-гаров кетсам кетай,
Ёшуришиб бахмал паранжида ажал кевотти-я.

Гулмат, фидо қилмай тур-е ёрга улуғ бошингни сан,
Шу паллада бу каллага нодир ғазал кевотти-я.

1984 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 47

Ман шоирман, сан – хоқон, ман кимману сан кимсан,
Манда – онг, санда – аркон, ман кимману сан кимсан.

Ғазалларим, эй қози, шоҳга найза ниқтағай,
Қонунинг – шоҳга қалқон, ман кимману сан кимсан.

Ман халқимга таянғон ўғулдурман, ҳей миршаб,
Санда – халқингга гумон, ман кимману сан кимсан.

Юртни сотиб, хорижга қочарсан, воҳ, амалдор,
Шоир – юртга чайир жон, ман кимману сан кимсан.

Ўлжа бўлур ёғийга дур-гавҳаринг, ҳой мулкдор,
Шеърим – ёвга палахмон, ман кимману сан кимсан.

Ишқмас, ижод лаззатин мақбул билди Гулматий,
Кўз сузма, эй навжувон, ман кимману сан кимсан.

1986 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 48

Фаранглардин олиб таълим Шошга қайтмиш бир олимча,
Бурун устинда айланғон бурақ сочи соқолимча.

Бошимни ирғасам ғайри лисонда у деди “банжўр”¹,
Таваккалдин дедим “михлўш”² манам ўзимни ҳолимча.

Сўгин айни бўлиб Лукмон они қаттиқ синов қилдим,
Жавоби бўлмади оқил мани доно саволимча.

Десам яъни: “Фаранг бозорида чан пул ковуш-маҳси?”
Деди: “Бўлса тасодифон, текин турғайди монимча”.

Йўталмоқ ҳам бозорда пуллигин қайдин тушунғай ул, Бошиға
шунча жун тўплаб ақл йиғмабди молимча.

Фаҳмсиз бойни ўғлидун нечук олим чиқур, Гулмат,
Отоси салладор золим, буям шапкада золимча.

1985 йилда тикланди.

¹ Бонжур (французча саломлашув).

² Бу сўзнинг асл маъносини аниқлай олмадик.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 49

Айт-чи токай қопда ёндош мошга мош,
Тобакайки қозондошдир ошга ош?

Қари бўлсам ҳам йигитдекман, нигор,
Айнама, деб: “Тўғри келмас ёшга ёш”.

Тошбағир сан, боши тошдин ман, ахир –
Ишқ ўти чакнайди тегса тошга тош.

Қўллариингга туташмасдин қўлларим,
Қабоқ уйсам туташгайдир қошга қош.

Айрилиқда бўлмасин соб бу умр,
Ўлтурайлук қўюб бир зум бошга бош.

Сани Фароғонадан излаб топмадим,
Гулматийни ўзинг йўқлаб Шошга шош.

1985 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 50

Баҳор айёмида кўкнор эзилғон бир лаган бўлса,
Ёнингда нозанин сан-ла томоқни намлаган бўлса.

Нозанинки уполар чангитиб юзга, атир пуркаб,
Бураб гажжак, мўйчинакда қошин кўркамлаган бўлса.

Бошингда тол тўкуб соя, тагингда тўлғонуб майса,
Чечакларнинг бўйин еллар бурунға жамлаган бўлса.

Имо этсанг бирон бачча кавобдин сўнг палов тутса,
Ярмисин сан, ярмисин ёр нозлануб ямлаган бўлса.

Висол сайлин ўткаруб соз ва ғавғосиз якун қилсанг,
Ширин сўзлар бўлиб кўпроқ, совуқ гап камлаган бўлса.

Ғазал битдим замон шоирлари-ла тенг юройин деб, Кечирғайсиз
агар Гулмат пича илдамлаган бўлса.

1982 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 51

Келибдур хат велик ашъорнавис Кўзма Прутковдин¹,
Қағоздин сўз эмас гўё оқур жозиба тарновдин.

Паришондирму сархушму калом бошлабди сал чалкаш:
“Буни ёзмокдаман санга ё Тамбовдин ё Псковдин”.

Сўгин дебдир: “Бўлайлик дўст ки шоирға куюр шоир,
Ману санбоп дурук чикмас редактурдин ва гўрковдин”.

Давом қилмиш: “Бўлиб ботир манингдек ғоз яша, кўркма –
Самодержавиё² филни отсаям бошга Оқтовдин”.

Яна айтмиш: “Кузат зийрак, сани чалфонга кун берма,
Ошиноға кара бир бор, ўн сафар зоғлануб ёвдин”.

Адоғида демиш Кўзма: “Ёзайлик басма-бас, Гулмат,
Жаҳонда қолмади ўзга қизиқ шоир биз икковдин”.

1985 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 52

Рўсиёлик буюк Кўзма ағога бул саломнома,
Манам туркий қавмларға эгам еткурғон аллома.

Вале алломаликдин биз рўшнолик кўрибмизму?
Беастар бир чопон манда, сандадир одми коржома.

Юрурдим тўқ – эдим усто, юпунлашдим бўлиб шоир,
Ҳар тўкисда мазахдурман – бурунли, кўзли хангома.

Бўлай пулдор манам – тўнкар шеърларим рўс забониға,
Гаҳи мўлроқ берур ҳосил қилинса токни парғома.

Яна мандин ол-у туршак, тулуп-шапка жўнотиб тур,
Биродарлик қолур мангу ҳалолроқ эрса шартнома.

Соғингай дийдоринг Гулмат, нетайки Ер бўлинғонда –
Манго ўлчаб берилмиш Шош, санго – олис Кастирома.
1985 йилда тикланди.

¹ Рус шоирлари латифа сифатида кашф этган қаламкаш.

² Самодержавия – рус давлатчилиги.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 53

Келмағоч ҳолим сўраб дўст, босди душмон пашшалар,
Бир нафар шоир бошинда мингта тарлон пашшалар.

Гоҳ ғувиллар, гоҳ қитиқлар ичга кирғоч почадин,
Ҳасратимни ёзмоғимга бермас имкон пашшалар.

Биттаси бек сифат очкўз, мулладек сергап бири,
Яна судхўру кўрс миршаб, қозию хон пашшалар.

Бошқаси тез шеърга кўнди, искади ҳар мисрани,
Ё бировға эрди айғоқ нафси ўпқон пашшалар.

Кимки шоирни ғашига тегса тушгай ҳажвига,
Оқибатким элга кулки бўлди лодон пашшалар.

Кирди қизлар, шеърни тўхтат, сурмани сот, Гулматий,
Ҳайдасам сур пашшаларни, келди жонон пашшалар.

1984 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 54

Қиз учун ёнма, э шоир, юртга соғинг керак бўлғай,
Бургадек чақса бир танноз сўкма, жоғинг керак бўлғай.

Гўзалдир деб қилурдинг мадҳ гулу булбулни, бўстонни,
Онгладинг сўнг – зоғу ботқоғу янтоғинг керак бўлғай.

Аёқни ўйламай бошингга қувондинг фикрчан деб,
Эсанг милтиқ, эмди билдингки кўндоғинг керак бўлғай.

Нафс дер озмагил ғамдин, элгаям, юртгаям куйма,
Гўрингда қурт-чаёнларға бу гўшт-ёғинг керак бўлғай.

Ва қилғил ғалвасиз ялло, вафолик кутма дўстлардин,
Қолса етғай чопон – охирги ўртоғинг керак бўлғай.

...Ўтга яктак отма, Гулмат, бургага айлабон зарда,
Ки яктак чўнтағидоғи носқовоғинг керак бўлғай.

1985 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 55

Забардастсан ки дардинга қаҳқаҳангни улар эрсанг,
Фалакдин шавқ тила аввал бирон ноёб тилар эрсанг.

Дилинг шавқдин эса маҳрум топай эзгулигин қайдин,
Қароғинг лоақал кулсун ғариб бошин силар эрсанг.

Қовокдору димоғдорлар – манману жоҳилу худбин,
Ошиноға самимий кул, ёвга заққум кулар эрсанг.

Мазахлай билмаса ёвни, бу эл енгишниям билмас,
Элинг хандонлиғи-чун қил агар исён қилар эрсанг.

Азал кулгу билан эзғон эзармонни эзилғонлар,
Қўюб ғофил, кулиб юлгил ки юлғичдин юлар эрсанг.

Бадқовоқ бек, амалдорлар қилур токай авомни хун?
Масхара айлаб ўл, Гулмат, бул аламдин ўлар эрсанг.

1985 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 56

Қайси қиз лимубадан – юз касалнинг коридур,
Қўз ёши – чипқонга эм, кулса – жигарга доридур.

Ярқ этиб боқса қиё – тўхтатур безгакни ҳам,
Қўкйўтал бўлғонга ноз – бир коса кўкноридур¹.

Тарқалур бош санчиғи ва тугал сархушланур,
Ҳид олиб Шер бўзахўр мушк-атир беморидур.

Қош сузиб қилса имо – йўрғалар туғма чўлоқ,
Бир ўпич тутмоқлиғи сил касал инкоридур.

Кафши гар “так-так”ласа очилур кўрнинг кўзи,
Қарғиши – “алҳамду”нинг кар учун такроридур.

Мандадур юз мингта дард, истарам юз минг табиб,
Гулматий бор хасталар ичра энг ночоридур.

1988 йилда тикланди.

¹ Кўкнор ичилса, йўтални вақтинча тўхтатади.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 57

Сартарошхонама кирди сур волостной¹ – семиз, сергап,
Деди: “Ишни бажар силлиқ бу гал кўпроқ совун суркаб”.

Ўзин кўзиға кўзгуда айладим афтини кўз-кўз,
Поралар ютқон томоғин бўйинсочук билан буркаб.

Устарамни қайроқ узра “Танаввор”га ўйнатиб сўнг,
Сочин ажриқ ўриш қилдим орқасиға қорин тиркаб.

Турна тумшук тараклатғон киби қайчи бўлиб “шиқ-шиқ”,
Соқолин айладим кетмон, мўйлабини қошга чиркаб.

Бошиға бетёғи чаплаб, тараб бурнидаги юнгни,
Қулоғига упо урдим, кўк кўзиға атир пуркаб.

Калласи қирқ ямоқ бўлди, яна мўйлаб узун-қиска,
Пулин бермай, “тфу, чўрт” деб кетди Гулматни у тергаб.

1987 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 58

Жавдаризор походидек дилда дард юз ғарам сандин,
Дарпаранг босмоғинг бекор, тузалғай бу ярам сандин.

Жазманинг нафақат шоир, сартарошу яна деҳқон,
Жўякдағи қарам мандин, юракдағи қарам сандин.

Мувашшаҳга ўраб кашнич жўнатдим санга ишқнома,
Хатинг махфий этиб зора келса нос бир ўрам сандин.

Юзимға қирқ ажин қўшди, мани ўкратди қийноғинг,
Ажин – жилға, кўзимдин ёш оқодир қирқ тарам сандин.

Гуноҳим шул – ки ёшликда кийиб қочғон эдим кафшинг,
Ўша кафшинг хануз уйда, манга кўпроқ қарам сандин.

Олимхон² шеър ёзолмайдур, нечун қизлар юрур шайдо,
Аслида арзиғай, Гулмат, минг ўргулса ҳарам сандин.

1987 йилда тикланди.

¹ Чор ҳукуматининг худудий амалдори.

² Бухоро амири.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 59

Сўзимдан куймасанг, юртдош, санго куйган дилим сатқай,
Ёниб битсам сани деб, сан билмас эрсанг, кулим сатқай.

Топинмоққа худойинг йўқ эса шоирға қил сажда,
Топинсанг ўзга махлуққа, шу юрт – боғу чўлим сатқай.

Саодат излабон санга илм экдим, чилим чекдим,
Саодатга чўзмасанг қўл, ўша илму чилим сатқай.

Ўзингдин ўрганиб тилни, муножот айладим санга,
Тушунмай лол боқар бўлсанг, бу хўрланғон тилим сатқай.

Ки оқпошшоға эрк сотқон амалдорға дилинг сотсанг,
Сани эркака етаклай деб босиб ўтғон йўлим сатқай.

Бўлсаю бир ўзи номдор, кўрмаса доврўгинг Гулмат,
Санго шонсиз ҳаёт исроф, манго шонли ўлим сатқай.

1987 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 60

Бири камдур бу дунёнинг – донинг бўлса, элак йўқдур,
Тўнинг бўлса, каминг белбоғ, қудуқ топсанг, челак йўқдур.

Камбағаллик қуриб кетсун, зулмкорнинг оти йитсун,
Пешонамга қуёш битсун десанг шамдин бўлак йўқдур.

Ўшал шамға бўлиб мардум, зимистонда кун ўткардим,
Десам дўстга тўкай дардим, имонидин дарак йўқдур.

Имонсизда вафо бўлмас, ютуқсизда хато бўлмас,
Меҳрсизда худо бўлмас, бемаслақда тилак йўқдур.

Жиғилдонга тиқилғай ғам, кўзингдин то тавонинг нам,
Бош олиб кетмак эсанг ҳам бу зиндонда йўлак йўқдур.

Гулматий, ҳар сўзинг тилло, дадил ёз қўллабон ҳилло,
Бемиллат ноибу суллоҳ амалдорда юрак йўқдур.

1988 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 61

Олис саёхатга чиқиб, қолдим тугал бўйдоқлашиб,
Чопгим келодир майсада итлар ила ўйноқлашиб.

Ё бароқ бўлсам тутиб олсам сулув Мош-пошчани,
Тун бўйи “вағ-вағ”ласак том бошида қийноқлашиб.

Лоақал ҳанги эсам ки чорласа бир мочахар,
Дашт сари кетгай эдик шод исканиб, сўқмоқлашиб.

Майлига тўнғуз бўлай тўнғузтабиат ёр учун,
Бўсага консакки бас қўшмоқ бурун тўқмоқлашиб.

Пат ато айлаб эгамки тикласа мандин хўроз,
Бир ҳарам оппоқ товук турсин қатор “қоқ-қоқ”лашиб.

Э гўзал, Гулмат агар одам бўлиб юрсун десанг,
Шу кеча ёнимга кел шайтон ила шарт боғлашиб.

1987 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 62

Кетиб даврон элимдин кир замонларга куним қолди,
Ҳама яхши бўлуб бадном, ямонларга куним қолди.

Ки аттордин чиқиб нозир, амалга минди даллоллар,
Носфуруш арбобу айрончи хонларга куним қолди.

Саройда тамагир шоир сўзин пуллаб топар обрў,
Сўзимни сотмадим, аммо гумонларга куним қолди.

Мухрдорга айласанг арз, туру сан, сўйласин чўнтак,
Идора, маҳкама отлиғ дўконларга куним қолди.

Сатанг олимчалар маърузада туркийни тарк айлаб,
Юнонча тавбадин баттар лисонларга куним қолди.

Гулмато, соч оқарди, оҳ, қайда ул шеърга шайдо қиз?
Отоси қаргаган бадхулқ жувонларга куним қолди.

1988 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 63

Эл умрига умримни бердим, таъзим бажо ташкил қилинг,
Ўз-ўзимга фақат дард тердим, сизлар даво ташкил қилинг.

Бир тўп тўра парқувли жойда юртни талаб кўрмоқда фойда,
Нафас олмоқ оғир саройда, тоза ҳаво ташкил қилинг.

Туркийчада сўйлар бек-боён, ўзи жугут ёки пирсиён,
Қўзғолонми, мушт-мушт ё исён – бирон бало ташкил қилинг.

Чакчаюб кўрс боқинг зўрларга, ем узатманг порахўрларга,
Халқин танимаган кўрларга жабру жафо ташкил қилинг.

Токайгача
Шўринг курғур фуқарога ҳам кайфу сафо ташкил қилинг.

Кўмир ҳам соб бўлди қаламда, ҳол қолмади танда аламдан,
Дам бериб Гулматга санамдан ишқий имо ташкил қилинг.

1987 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 64

Жоним дебон жонон қучғон хон, у жон қани, жонон гижонда,
Ким бошлаюр ҳақ йўлга элни, карвон қани, сарбон гижонда?

Хондин ортғон чандирга бўқуб, хондин ортғон тангадин тўплаб,
Эзиб ўтди чин сўзни нозир, ёлғон қани, ҳамён гижонда?

Хону вазир созиға монанд хониш айлар бўлди,
Кўзинг оққур филтомоқ воиз, имон қани, қалқон гижонда?

Амал теккан югурдак борким пайқаёлмай миллатин кетмиш,
Кўмсалар бир қутиға тикиб, фойтон қани, тилпон гижонда?

Не кунларға қолибсан, юртдош, сани қисмат кимларға элтди,
Лол боқурман эмди ҳолингга – хайвон қани, инсон гижонда?

Олиб хондин зар тўну унвон, этик ўпиб кун кўрди Ғишмат,
Гулматдин шеър қолди... Ундан-чи? Чакмон қани, унвон гижонда?

1987 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 65

Тошйўлига¹ чикдим саҳар ғовурсевар элим билан,
Русияда бир тўнкарув ўлмиш сўпоқ илм билан.

Сартарошхонам ёнида бор печкачи мастровой,
Айдики у: “Ўзбакни кўр, айш қиладур ўлим билан”.

Тахтидин оқпошшо қочуб, ўрнига бойлар жойлашуб,
Қайта малайлик чоҳига ағнамишам белим билан.

Фаркики – қози суд бўлиб, тўн ўрнига фрак кийиб,
Даррали миршабни эмас, хат юборур елим билан.

Ҳукуматин уриб яшин, саройини олсин довул,
Зулукмакон Думасини чекиб ташлай чилим билан.

Мастравой шипшиб деди: “Ағдарамиз бу хонни ҳам”,
Жангга кирайму, Гулмато, мавузерли² тилим билан?

1987 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 66

Ишчи йўқсилнинг кетидан қўзғалинг, кетмончи хорлар,
Барибир бизга кун бермас гўнгқорин бу амалдорлар.

Петрбург ишчию деҳқонидин хоқонни сўкмоқни
Нетар туркийда ўргансак жағ силаб барча ночорлар?

Қалқи: мискар, кулол аҳли, кўр гадолар жамоаси,
Дурадгор, маҳсидўз, зангбоз, омади кетғон атторлар.

Тузайлик бир тузум токи бўлмасун зўрлигу алдов,
Йитсин айғоқчи, бузуқлар, порахўр, таъзимбарорлар.

Бировсиз юрт қуриб ўзлик қозонидин урайлик ош,
Ошат деб тумшуғин тикмай турса бас ташқи беорлар.

Тўқчиликдин сўғин яйраб Гулматий шеър тўқир сизга,
Фақат мундоғ агит³ шеърга топилғайму харидорлар?

1987 йилда тикланди.

¹ Тошйўли – юзасига тош терилган кўча.

² Маузер русумли тўппонча.

³ Ташвиқотли.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 67

Бухорода мачитда ваъз айтди бошқирдни муллоси:
“Вўрислардин кетиб омад, ўзидан чиқди ғавғоси”.

Оқ-қизилға турланиб эл, бир-бириға отармиш тош,
Шу маҳалда бор эмишдир на пошшоси, на худоси.

Меншавойи уқтирармуш: “Болшавойдин қоч, халойиқ¹,
Чорлабон йўқ жаннатиға сани алдар “Правдо”²си”.

Дер эмишки болшавойи: “Меншавойнинг дўконин бос!
Ўғирланғон – унинг омборида Маркосни шапкоси...”

Бу гаплардин безиллаб ман дедим астоғфуруллоким,
Омон турсин бизи омбор, Темурни гўрда сарпоси.

Неча вақт бекларинг, Гулмат, тахт талашди, гап талашди,
Мана тушмиш бўлак юртға Буюк Туронни савдоси.

1988 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 68

Кийди тож Шўро Муваққат хонни тахтдан ирғитиб³,
Эскини йиртди тугал янги зақўнлар юрғитиб.

Ер берар эрмиш ҳаҳовлаб санғию танбалга ҳам,
Қанча бой юрғон эмиш жавраб, тамоқни хирқитиб.

Мақтабу беморхона бепуллиги хўбдур, вале –
Бир иши қалтис, вавах, ўтди юракни зирқитиб.

Яхшиму ожизаларға онқадар бермак ҳуқуқ,
Ул ахир қандай хотун эркакни юрса кўрқитиб?

Отёли чимматларию бебаҳо чочвонини
Эс бўса ташлармуди мажлисда гулхан бурқитиб?

Кампирим, чочвонни сан вақтинча деб сандиққа бос,
Гулматинг кўрқар – фақат сочингни келма қирқитиб.
1985 йилда тикланди.

¹ Озчилик (меншевик) ва кўпчилик (болшевик) бўлиб ёвлашган марксчи сиёсатчилар

² “Правда” – болшевик-коммунистлар газетаси

³ Коммунистлар ва Муваққат ҳукумат.

ҒАЗАЛ, РАҚАМ 69

Носингдин чўз, ағо, манга, хуморимни босай эмди,
Мўминларға тилаб инсоф самоға арз ёзай эмди.

Чапонидин кечиб чоллар кияр палто яна шапка,
Нахот саллам матосидин манам иштон ясай эмди?

Курунг, эвоҳ, отин кампир еюр консерваю колбас,
Жаҳаннамға ўзи шошса йўлин қандай тўсай эмди?

Хотинки гар очиб юзни эриға йўл-йўриқ айтса,
Қўлимға ман хино чаплаб паранжида кезай эмди.

Бутун элни титиб чиқсанг хўрозроқ эр киши йўқдир,
Бу кун шердай уриб наъра замин тинчин бузай эмди.

Алам ўтган киши борки бири майхўр, бири банги,
Кел-е Гулмат дедим охир манам кўкнор эзай эмди.

1981 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, СЎҒИНГИДИН ОЛДИНГИ

Ўрдак сўйиб қалам қилай қушпатдан,
Нодир калом қолсун биздек хушхатдан.

Юз йилда бир келур мандек нодирсўз,
Кўкка икки ой чиқмоғи – қўш бахтдан.

Мир Алишер табакай сўз хоқони,
Бизгаям жой топинг бирон бўш тахтдан.

Мир бобо лек бағри кенглик қилса-да,
Келиб Машраб-жунун айтур: “Пўшт баттан!”

Олов қалбли шоири-ла элда файз,
Ки оловсиз бўлур хуштаъм мош қаттан?

Гулматдек зот яралмаса юз йилда,
Унда ўзим туғиламан бошқатдан.

1987 йилда тикланди.

ҒАЗАЛ, СЎҒИНГИ

Ғариб йўқдир ман каби, осмон узоқ, ер қаттиқ,
Ўлмаганим сабаби – осмон узоқ, ер қаттиқ.

Эгаси йўқ бу юртнинг, ундаги минг тур итнинг
Жонга тегди “хап-хап”и, осмон узоқ, ер қаттиқ.

Эл сафланса юз қатор, тўқсон тўққиз саф – аттор,
Тарқоқ сўнгги бир сафи, осмон узоқ, ер қаттиқ.

Анқов тўра давр сурар, бир кун худо ҳам урар,
Ҳақ шу тентакнинг гапи, осмон узоқ, ер қаттиқ.

Кимни кўрма – кинчи, кўрс, фикри чигал, иши терс,
Чапи – ўнгда, ўнг – чапи, осмон узоқ, ер қаттиқ.

Гулмат, тақдир беомон: мирзанг – Анвар Обиджон,
Номаълумдир маҳзаби... Осмон узоқ, ер қаттиқ...

1987 йилда тикланди.

МУХАММАСЛАР

МУХАММАС, РАҚАМ 1

*ёки бозордин ғоз олгоним, ажиб ҳангомалар
кўргоним, бир жувон ишқинда ғоздин айрилгоним,
ҳам мелодий 1884 да ўшал саргузашт ҳақинда ёзгоним.*

Барра соқол болташакул қайчуланиб соз,
Ва яна афт-ангоримиз муллага таққос,
Ва яна тил остида беш-олти чўқим нос,
Эскишаҳар бозоридин олғоч семиз ғоз,
Рафта кезиб юрдук лапанг ғозга қилиб мос.

Рафта тикин, шовқини жон олғучи эрди,
Бунда биров кассага қўл солғучи эрди,
Анқов киши ҳамёнисиз қолғучи эрди,
Бир нашаванд четда дугор чолғучи эрди, Қопни очиб найни ҳазин
пуфлади морбоз.

Сабзи-пиёз теграсида ёш-қари ғиз-ғиз,
Тўп ўқлари янглиғ уюм ҳар ерда тарвуз,
Бақлажони катта бурун сингари ёлғиз,
Йўлда қатор отқулоғу кашничу ялпиз,
Кўкни кўриб, бўлгинг келур бўрдоқи новвос.

Чопди “уруш чикди”, дея Шотўра мискара,
Оч кишилар каппонга ё тортдиму лашкар?
Борсак, қаранг, шовқун солуб савдо қилур қар,
Каммиди бул, ихлос ила ҳангради бир ҳар,
Нинафуруш лўли момо – устида сарбоз.

Қоп кўтариб ҳаммол шу он келдию жайрон,
Босди челақни кўрмайин, ағнади айрон,
Айронфуруш тепди они тиллари сайрон,
Жанг янаким мой дўконин айлади вайрон,
Мўйлабима бердим ўша мой ила пардоз.

Бир қиякўз танга йиғар сабзини тузлаб,
Ҳолвачи кетғонни сўкур, келғонни сизлаб,
Юрғай эди чўртан текин озуқа излаб,
Ул зўравон эмди ётур бўчкада музлаб,
Бўчкада ман бўлмағоним бахт эди қийғос.

Гарчи мани касбим эмас мишмиш-у, ков-ков,
Пеша қилай оғзимни бир: расвоси – чайқов,
Шайтонниям айлар ўсал бундаги алдов,
Гўлга биров милтиқ дея пуллади тарнов,
Фойдасидин миршабгаям қистирди оз-моз.

Соғ бутига бир пой этик изласа маймоқ,
Мош пулига бўза ичур бошқа бир аҳмоқ,
Қотди бошим, мандин кўра ким яна соғроқ?
Келғоч дўкон сори, кийиб қўлиға пайпоқ¹,
Патли чилопчин² танлади бошиға танноз.

Бойи сотур шоҳи рўмол, иштону кўйлак,
Атторида сурма, зира, сирғаю ойнак,
Камбағали мунда турур сотгали тўнғак,
Тўнғак оша ўтди кучук – оғзида сўнғак,
Қассоб они келди қувиб, ушлади шоввоз.

Кимса деди: “Кун бўйи ман мардикор ўлдим,
Нокка пулим етмай вале бунда хор ўлдим...”
Ман-да дилим очмоқ учун беқарор ўлдим:
“Ғозни олуб, ақча тугаб, тор-мор ўлдим,
Ҳали буям туғмай тухум қилса керак ноз”.

Куйканадир қилса харид қайси киши бор,
Қимматчилик эрса бозор, захри-ниши бор,
Хону амалдор эса тўқ, нечоғ иши бор –
Оддий авомнинг ҳам ахир қорни-тиши бор,
Нарху наво элни хароб айлади паққос.

Тунги қароқчидин ямон бўлди бозори,
Тиғ қадамай, бор-йўғимиз шилди бозори,
Кимки фақир, масхаралаб кулди бозори,
Аҳволимиз охири танг қилди бозори,
У истағон куйни чалур, биз эса раққос.

Бунда бири баззоз эса, бошқаси аллоп,
Битта ҳалол атрофида олтита қаллоб,
“Бор барака!”, “Жилла қўшинг!”, “Энди жағинг ёп!”
Тинка қуриб, бардош ила ганжим бўлиб соб,
Хомуш эдим гўёки беомад қиморбоз.

¹ Қўлоқ бўлса керак.

² Аёллар шляпаси.

Хомуш эдим, хушбўй жувон бўлдию пайдо,
Бизни Жунун дебми жияк тутди у Лайло,
Пул бутуни бордек дедим: “Йўқ эди майдо...”
Бошлаб эди иккита пок бандаси савдо,
Даллол ўлуб ўртага тез кирди бир ифлос.

Хушбўй жувон бизга карам кўрдию лозим,
Чимматини сал кўтариб, очдию оғзим,
Оқди сўлак, яктагима томдию носим,
Боз устига потради-ю, Гулмато, ғозим,
Кўлдин чиқиб, Сағбон сари айлади парвоз.

1984 йилда тикланди.

МУХАММАС, РАҚАМ 2

*ёки чала олим ва чала шоир Макриддин Маставонинг
қалам ушлаб шухрат топмағони, фақирни кўролмаи
устимдин губернатўрға тухматнома юборғони, ҳам
мелодий 1885 да ул ҳасадгўйга маним дегоним.*

Азал зотинг чағир тошдин эса мармар бўлолмассан,
Қурук ялтиллағон бирла асл гавҳар бўлолмассан,
Бобонг асли эди паскаш, санам сарвар бўлолмассан,
Ичинг кирдир ки эзгулик учун аскар бўлолмассан,
Ҳақиқат кемасин локин тўсиб лангар бўлолмассан.

Хато қилди отанг санга қалам бирла довот олғоч,
Бўлиб деҳқон, нафинг элга тегар эрди лопот¹ олғоч,
Саводхонлар ёви бўлдинг чала-чулпа савод олғоч,
Ошиб шарманда унвонинг калон-тухматчи ном олғоч –
Тугал расво бўлиб бўлдинг, яна баттар бўлолмассан.

Бузуқ қондин бу дардга сан қоринда муфтало бўлдинг,
Ижодкорларни бошига ёғилғон бир бало бўлдинг,
Очилмасдин-сочилмасдин, куйканиб сержафо бўлдинг,
На шоирсан, на фозилсан, чақимчи Маставо бўлдинг,
Ватандошингни сотдингки, ватанпарвар бўлолмассан.

¹ Лопатка (белкурак) демоқчи.

Наъра урмоқ бўлурсан лек мўърагандек оҳанг қолғай,
Бўлиб якка махов охир на дўст-ёру оғанг қолғай,
Фақат ёнингда устодинг – кони бўхтон тоғанг қолғай,
Туртки ерсан ҳар тўқисда ва йиртилғон ёқанг қолғай,
Ўзингга на тўну яктак ва на шалвар бўлолмассан.

Ўшал Машраб осилғон дам сан айғоқдин қутулғондир,
Омон қолғон қалам аҳли “ков-ков”ингга тутилғондир,
Ҳаром гўштдин қорун қўйдинг, бошинг хумда етилғондир,
Толеинг паст экан, шу ҳол манглайингга битилғондир:
Қутулмассан тезакликдин, мушки анбар бўлолмассан.

Биров ёзса демай носоз, ўзинг созроқ ёзиб кўргил,
Даста ғийбатлар ўрнига шеърни озроқ ёзиб кўргил,
Тийиб нафсингни, сўнг эл дардига мосроқ ёзиб кўргил,
Гулматийдин ўзингни сал тутиб пастроқ ёзиб кўргил,
Нурни сўндирмак истарсан, ўзинг анвар бўлолмассан.

1985 йилда тикланди.

МУХАММАС , РАҚАМ 3

ёки расволарга қўшилиб пиёнчилик қилгоним, ҳам мелодий 1885 да тазарру ила ёзгоним.

Уйдаги ёрдин кечиб , кўза белидин қучғали,
Қайтадин салла гаров, маҳси-ковушдин кечғали,
Ва яна яхши-ямон зотларга иғво бичғали,
Хомхаёл сархушлануб лайлакда ойга учғали
Бир пода улфат букун Дархонга бордик ичғали.

Асли бу дунё бузук, майхона лек обод дедик,
Зиндон-у донога Ер, бефаҳм озод дедик,
Тўлдириб шокосани ичганни биз Фарҳод дедик,
Пашшалар рақс айласа жонон билиб “Вой дод!” дедик,
Ўрмалар кўнғиз яна биз бирла кўнгил очғали.

Даврадин тарқалди файз жанжалу “Ур-ҳо!” билан,
Чеккада ағнаб ётур Шоди бўш бўчқо билан,
Нор буқоқ балчиқ ялар баҳслашиб чўчқо билан,
Сайфининг иштони ҳўл – шилта бир сарпо билан,
Қолмағоч нетсин ҳоли иштонни боғин ечғали.

Ман ярим тунда шоқол бўлдим, эмаклаб увладим,
Йўлкада зўрдин қочуб, ожизни итдек қувладим,
Сўнг хўроз онглаб ўзум гўнг устида “қу-қу”ладим,
Ҳовлиға етқоч, бошим суқдим челаққа, сувладим,
Шай эди уйда хотун энди бутунлай кўчғали.

Дод солиб ёрим кўзидин икки сой оқди, кўрунг,
Уйғониб саккиз болам тенг дарчадин боқди, кўрунг,
Теграда юз хонадон бир-бир чироқ ёқди, кўрунг,
Чикди-ю кўрс қўшнилар, пўстагим қоқди, кўрунг,
Ич яна, Гулмат, тугал одам сафиндин ўчғали.

1985 йилда тикланди.

МУХАММАС, РАҚАМ 4

*ёки рўсиёлик шоир Кўзма Прутковнинг фақирни
йўқлаб келгани, базм оқибатинда сартароихонамдин
айрилганим, ҳам ул ҳақда доғу ҳасрат-ла битганим.*

Янги йилни ҳумоюнлаб дўконимға зиё келди,
Рўсиёдин велик ашъорнавис Кўзма ағо келди,
Қароқалпоқ Амир лаққи миниб лўк-лўк туё келди,
Тожигим мулла Мушфиқий десам “биё-биё” келди,
Яна жондош қозоқдин шумқилиқ Алдар кўсо келди.

Бўйинсочукни дастархон айлабон ўртаға ёздим,
Устарамда пиёз кертиб, қазон топмай челақ осдим,
Этик, валинкаю маҳси ўтин бўлғоч, ёқиб остин,
Қилиб картишкани “жиз-биз”, ёғ ўрниға совун босдим,
Ки фақирға тўрт тарафдин тўрт лисонда дуо келди.

Мулла Мушфиқий тугиндин бўзаю шўр наханг олди,
Туёсидин қимизли мешни Амирбек аранг олди,
Серкўпик ул қовурдоқни челақдин сўнг аканг олди,
Кўсо хуржунини кавлаб қўбизни сал таранг олди,
Офаринким Кўзма ёқдин шиша қадди расо келди.

Амир инграр, қимизни бўзага уйкаш ичиб эрди,
Қизиб ҳаммомчидек Мушфиқ, шолча тўндин кечиб эрди,
Кўсо қўбиз чалиб “вағ-вағ” қилур, оғзи қичиб эрди,
Кўзма шишони бўйнидун мис кишанни ечиб эрди,
Замбаракнинг хитобидек гумбаракли садо келди.

Дўкон бўлди қулоқ-оғиз бозори – хўб гурунг сотдик,
Тугаб бўза, қимиз, шампон, хумориға чилим тортдик,
Жунун янглиғ уруб қаҳ-қаҳ, бир-бирова мазах отдик,
Адашган бир саёқ эчки дарчадин боқса донг қотдик,
Деди кимдир: “Қаранглар, ўв, соқолдор қорбобо келди”.

Хотун уйдин ҳайдағонин гапирсам, дил йирингларди,
Манго мўлт-мўлт боқиб Кўзма, хўнграғонича тингларди,
Кўсо ухлар вале қўлда қўбизи гоҳ дирингларди,
Шипга боққонча Мушфиқий ўз-ўзича ҳирингларди,
Амир хуррак отиб, кўз ўнгима қассоб, буқо келди.

Беш ковшдек бўлиб бешшов сулайғонча қолибмиз денг,
Чилим чўғидин тўшакка ўт кетиб, дод солибмиз денг,
Ялангоёқ туриб чаққон дўкондин бош олибмиз денг,
Сўраб ёрдам, ёниб бўлғунча фарёддин толибмиз денг,
Одамзот шўриға, Гулмат, ичкилик бир бало келди.

1985 йилда тикланди.

МУХАММАС, РАҚАМ 5

*ёки Гишмат исмли сарой мунаққиди бебоиш
газалларимни кундага судрағони ва бунга жавобан
беройиш калималар айтғоним.*

Чарх ишин қодир эгам аввалда хуржун айлади,
Нур бериб бир паллага, бир паллани тун айлади,
Қумрини пайдо этиб, тўрт ённи қузғун айлади,
Гар тилин бурро қилиб шоирни дуркун айлади,
Не учун Гишматга ҳам сўйлашни мумкин айлади?

Шоир туғилгай онадин ҳақни ёзарға сўз бериб,
Ўзгага малҳам тутиб, юрдим ярамга туз бериб,
Учради Гишмат сабил бирдан фалокат юз бериб,
Бошида тангрим ўзи шоирга ўткир кўз бериб,
Не сабаб айғоқларин бир четда дурбин айлади?

Шеърият гулли дарахт, деб эгам мазмунини,
Қўйди ўнг шохни безаб шоири мажнунини,

Во ажаб, чап шохга сўнг жойлади маймунини,
Гулни бу хидлар, у-чи – чайнагай қонунини,
Булбулни – гулга, баргга лек эчкини мафтун айлади.

Кашф этиб Ғишмат совун, сўзни гупирмоқ ўргатур,
Биз гилам турсак тўқиб, шолча супурмоқ ўргатур,
Нос чека билмас ўзи, чексак тупурмоқ ўргатур,
Дил ясаб тангрим нечун дилни ўпирмоқ ўргатур,
Нега қўй барпо қилиб, қашқирни устун айлади?

Бир дуруст шоирға Ғишмат сан кетимдин юр дебон,
Гапни дард, ғавғогамас, таъзимга кўпроқ бур дебон,
Кимда бор бўлса муҳр мақтов-минора қур дебон,
Исмингни карнайда чалай, довруғ-ла даврон сур дебон,
Номини осмонда-ю, фаҳмини турғун айлади.

Чин буюк шоир азал кўрди ҳар қайда жабр,
Ҳожа қул Аҳмад қочиб лаҳм аро топди сабр,
Машрабо қувғин юриб кезди юз сахро-Кабир,
Зўр ўрус шоирларини қилди оқпошшо Сибир,
Шум фалак Гулматни ҳам Ғишматга сургун айлади.

1987 йилда тикланди.

МУЛОҚОТЛАР

МУЛОҚОТ, РАҚАМ 1

*ёки шунчаки гап-гаштак айтишиб,
доно бўлгоним.*

Авом сўрди:

– Бу оламда нимарса соз?

Сазо қилдим:

- Чимилдиқда чекилгон нос.
- Недурки ул носни кайфининг заволи?
- Қишда қирдирмоқ ялангда соч-соқолинг.
- Қаҳратонда жонга оро недур яхши?
- Эм бўлодир ёш хотун ва калиш-махси.
- Келса-чи ёш хотундин юз бало қуршаб?
- Бало келғай йўлинг кесиб ўтса миршаб.
- Борму миршаб ҳуштагидин норасоси?
- У – бангилар ё хоқонлар можароси.
- Элга етғай хоқондин не азобнок иш?
- Ҳатто ғусл қилурға ҳам фармон кутиш.
- Биларсизму фармондин бурд кетар онин?
- У кун қанча туғиш ҳақда чиқар қонун.
- Беқонун ҳам куйса пушт не асар берғай?
- Шифо деб мол сутин соғсанг, заҳар берғай.
- Заҳарсиз лек қонни қандоқ айнитурлар?
- Онангни ёт тилда санга танитурлар.
- Оносидин олур инсон не андоза?
- Фарқламокни – ҳаром қайда, недур тоза.
- Поку нопокни белгиси борму алҳол?
- Ўлим макруҳ, қолгон сабил бари ҳалол.
- Ўлимдин ҳам ёмони бу недур жумбоқ?
- Ўз уйингда ўзгадин жой тилаб турмоқ.
- Уйинг ташлаб кетурға кўндирур қай ҳис?
- Қазонингга думин суртиб ўтса иблис.
- Иблис ўтса, уни қандоқ изи қолғай?
- Бутун денгизни симирғай, тузи қолғай.
- Шартми қочмоқ, денгизга то даво керак?
- Даволаш-чун табибликка Олло керак.
- Тангрига тенг бўлолғай қай маҳал уммат?
- Мир Алишерга қачон бас келса Гулмат...

1988 йилда тикланди.

МУЛОҚОТ, РАҚАМ 2

ёки мелодий 1888 нинг сўгинида Фишмат исмли айгоқфеъл танқидчи ила сўз ўйнагоним.

– Не хазинам бор эрдик, у – барбод?
Недин ямон кўрқадур терс одамзот?
Недур зарур мол-у, нодир кашфиёт?
Завол бизда қолғай, саволи сизға.

– Биз совурғон хазина – вақт, имкондур,
Дуч келурға кўрқғонимиз – виждондур,
Зўр кашфиёт, энг зарур мол – иштондур,
Савоб бизда қолғай, жавоби сизға.

– Ким йиғлаюр, вале ётни шодлатур?
“Гидамчида гидам йўқ” – не англатур?
Тиламчи ўз холин қачон танглатур?
Завол бизда қолғай, саволи сизға.

– Йиғлаб бизни қувнатғучи – ўланчи,
Дехқон азал – гидами йўқ гидамчи,
Мукофотхўр – ўта ночор тиламчи,
Савоб бизда қолғай, жавоби сизға.

– Недур оҳанг дунёда энг ёқимли?
Тўнг амалдор қай ҳажмда ақлли?
Ким айтолур шайтон тусин ақалли?
Завол бизда қолғай, саволи сизға.

– Ташнага сув овози – энг “ялла”роқ,
Кўрс амалдор – эшакдин серкаллароқ,
Тилло – сарик, шайтон яна маллароқ,
Савоб бизда қолғай, жавоби сизға.

– Кўчманчилик фалакнинг не жафоси?
Ким кўриб тез чамалар юрт баҳосин?
Хуркак элнинг борму мақбул таққоси?
Завол бизда қолғай, саволи сизға.

– Бекадрлар кадр излаб жой кезар,
Қай юрт қашшоқлиғин гадо тез сезар,

Қўрқоқ эл “туф” дегон носдек бўп тўзар,
Савоб бизда қолғай, жавоби сизға.

– Искандару Чингиз, хонлик замони
Давом этур оғзи зўрнинг талони,
Ғанимнинг ҳам борму яхши-ямони?
Завол бизда қолғай, саволи сизға.

– Очкўз ғаним – дон ўғирлар келингдан,
Жоҳил ғаним – жудо этғай элингдан,
Айёри – бош силаб, осар тилингдан,
Савоб бизда қолғай, жавоби сизға.

– Бўлғаймикан итнинг орзу-ҳаваси?
Ғулом¹ тутғаймикан чархнинг бургаси?
“Ҳароми!” деб қарғамаклик нимаси?
Завол бизда қолғай, саволи сизға.

– Ит орзуси – ялаш этик хиромин,
Хотунсиз эр – бит-бурганинг ғуломи,
Боскунчиға ён босгон – ғирт ҳароми,
Савоб бизда қолғай, жавоби сизға.

– Биз кўрмасак, ким ул бизни кузатса?
Кимдурки ул – емай бизға узатса?
Минг йил бузсак, наҳот зумда тузатса?
Завол бизда қолғай, саволи сизға.

– Биз кўрмасмиз, Олло бизни кузатғай,
Ўзи емай, Олло бизға узатғай,
Элни кўр хон бузғай, Олло тузатғай,
Савоб бизда қолғай, жавоби сизға.

– Муаллимнинг соқови ҳам бўлурми?
Тукқувчидин туғилгон тез ўлурми?
Бу оламда гул сабабсиз сўлурми?
Завол бизда қолғай, саволи сизға.

– Зўр китобда тил йўқ – муаллим бўлар,
Бадбахт шоир ўз шеъридин сўнг ўлар,
Танқидчининг бурни теккан гул сўлар,
Савоб бизда қолғай, жавоби сизға.

¹ Ғулом – кул (аслида, ҳарамдаги бичилган хизматчи).

– Оламда чўнг ҳимматнинг не рамзи бор?
Кангул ғашликларин кўмғай қай мозор?
Иккисиға ким юродур ташна-зор?
Завол бизда қолғай, саволи сизға.

– Дилбар ўпич тутмоқлиғи – ҳимматдин,
Дилинг дардин олмоқ – фозил улфатдин,
Алар бўлса, сарф-харажат Гулматдин,
Савоб бизда қолғай, жавоби сизға.

1988 йилда тикланди.

ФАРДЛАР

ФАРД, РАҚАМ 1

Ҳуснинг кетур, жоно; боданг тугар, соқий,
Фақат маним ашъорларим қолур боқий.

ФАРД, РАҚАМ 2

Чечак сўлса, йиғлағон — оч шоир эрди,
Гўлнинг «ох»и ўз қорнига доир эрди.

ФАРД, РАҚАМ 3

Эшак қилиб яратса ҳам агар тангри,
Барибир ман бўлур эрдим шоир-ҳанги!

ФАРД, РАҚАМ 4

Бойни қизи дўмбоқ эса, манга нима, окоси?
Манга қошин қокса агар, санга нима, окоси?

ФАРД, РАҚАМ 5

Қўрс сигирни ийдирурға хашак келтир,
Терс жувонни эритурға безак келтир.

ФАРД, РАҚАМ 6

Эру хотин ярашдилар вале бориб —
Яраштирғон фақир қайтди бурнин ёриб.

ФАРД, РАҚАМ 7

Ҳайда, ҳайда, ҳайда — қўйингни қирга ҳайда,
Иложи бўлса, ошнам, хотунни бирга ҳайда.

ФАРД, РАҚАМ 8

«Арз бор» десам, тангриси қўрғонда турармиш,
Мункарлари пўрмада посбонда турармиш.

ФАРД, РАҚАМ 9

«Келдим гуноҳ ювгали», десам бориб имомга,
Имом деди: «Мачитни айлантирма ҳаммомга».

ФАРД, РАҚАМ 10

Бу арбоблар ҳаттоки жўн қилмас таҳорат,
Сувинг совук, деб сойни ҳам айлар ҳақорат.

ФАРД, РАҚАМ 11

Лол-махлиё боқдук «култ-култ» қуйилғон майга,
Бўғма илон сеҳрланғон каби сурнайга.

ФАРД, РАҚАМ 12

Замин ҳўкиз шоҳида қалтис туродир бешак,
Бирон маст ул ҳўкизга ирғитмаса бас хашак.

ФАРД, РАҚАМ 13

Итни итга тишлатиб, вақти чоғдир итбоқар,
Бўлди мажруҳ икки ит, ўзи соғдир итбоқар.

ФАРД, РАҚАМ 14

Доно сўзим қолсаки бас ёзмалануб,
Эртами-кеч тарқаладур босмалануб.

ФАРД, РАҚАМ 15

Э, дафтарим, дуо битдим сўнгги бетингга:
Назм тангриси омад берсин олду кетингга!

ФАРДЛАР 1984 йилда тикланди.

УСТА ГУЛМАТНИНГ ЖУМБОҒИ

Шоирликдан илкис кўнглум совуб, баайни назм мушук, ман ит бўлибдурман. Мундоғ кескинлик кўрсатурға тўрт сабаб топдим.

Сабаб рақам бир: белимдан қувват, турқимдан истара чекинғоч, ҳатто носқовоғимга алоҳинда қош учириб юрғон аҳли нозанин дафъатан юзсизликка ўтиб, пуч савлатимни бир имога олмайдургон бўлди. Бегоналар ордона қолсун, кенжа хотунчам ҳам гоҳ соқолимни пахмоқ, гоҳ қорнимни дўмпоқ деб қарғанадур.

Сабаб рақам икки: дўст-аҳбобдин ҳануз оқибат кутуб, хумбошлиғимча қолмакни ўзимга эп кўрмадим. Зеро, ман мудом имонга эргашдим, алар эҳсонга тирмашдилар. Аларга шакар тутдим, алардин заҳар ютдим.

Сабаб рақам уч: оллои каримнинг табаррук исмини махфий шўъбадин чўзилғон яширин маошга пуллаб, очиқ кўрлар жамоасини милтиқбоз зўрлар думасиға чандиб берғон айрим саватсаллаларни мазангламоқдин ҳам толиқдим. Жамоа кўзини очмак истадим, кўр бўмағоним учун жамоа мандин ҳамдард топмади.

Сабаб рақам тўрт: ва ниҳоят, улкан бир салтанат ила олишмоққа барҳам етқаруб, ҳокиму арбобларга омонлиқ бердим. Фаҳмладимки, бир мансабдорни ағдарсам, жойини иккинчи олғир фойдасиға бўшатғоним қолур.

Алқисса, шоирлик ила орони очиқ қилғоч, хаёл уммонига ғаввос ўлуб, маҳоватимга лойиқ касб кидирдим. Уммон тубиға етиб билдимки, банда учун энг қутлуғ саодат – ҳар нарсанин сир-асрор ахтариб, оламни равшан англамоқ эркан. Шу асно ўзимни илмға урдим.

Алломаликка илк қадамни Беруний сумалак тошини чақиб кўрмакдин, ибн Сино қовурилғон бўйракни идроклаб чайнамакдин, Мирзо Улуғбек сарой шифтиндаги жинчиноқларнинг жойлашув тартибини жадвалга тушурмакдин бошлағон бўлса, ажаб эрмас. Буюк аждодларимдин фарқим – фақирнинг илк назари қабоқарига тушуб, кўнглумда ул махлуқни болари ила чоғиштирмоқ ҳаваси уйғонди. Авомга маълум ва мақбулким, болари бош сукқон туйнукнинг хотимаси текин асал йиғиндисига бориб тақалгай. Вале, ман қабоқарилар масканига жиддий хужум уюштириб, хужрамнинг ён деворини вайронлаб кўрсам-да, гувалалар оросиндан лоақал чирик туршак топмадим. Бул заҳматли чоғиштирув ниҳоясинда дилимда башоратталаб бир сўроғ зоҳир ўлуб: «Боларига нисбат айласак, қабоқарининг боши уч чандон, кети беш чандон катта бўлғони ҳолда, нечук бизга етадурғон даромад хечдур?»- дедим. Сўғин кўнглима ваҳий келиб, каромат ёғдирдим: «Жонзот нечоғлик бесўнақайдур – наф шунча камдур», деб. Эмди Юсуф Хос Ҳожибдек жумбоқдин ечим, ечимдин фалсафа излаб, қатъий хулоса қилдим ва ёшларға мундоғ насиҳат битдим: «Танлағон ёринг қанчаки хипча эрса, рўзиғорға шунча барака киритғай. Хотуннинг қўполи бунинг аксидур».

Шу йўсин, бу чалкаш дунёда шоир бўлмакдин чойхона чойнагини ўғирлаб кун кўрмак мақбул деб, ўзни батамом илмға кишанладим. Авлиёлик

хислатимдин яралгон нодир фикрларни абадийлаштирув йўлинда кирк дафтарни нобуд этиб, рисоалар ёзмокдин хануз тийилмагонимга не хайрат? Чунончи, олам жумбоқлари бисёр эркан, мутафаккир таажжуби ҳам бениҳоядир.

Узоқ кетмай, куни кеча юз берган ғалат ишдин келай. Кўрсам, бир мусофир дала йўлини қазиб, дўппи кўмаётир. Сўрдим: «Бу не аҳмоқлик?» Ул безот деди: «Туғма сеҳргардурман, битта дўппи эксам, бир ракаат намозни тушургунимга довуру тўртта сувсар қалпоқ униб чиқадур». Ҳосилни тенг тақсимлаш юзасидан дарҳол шартнома тузилиб, беқасам чопонлар етиштирмак умидида ман яктагимни экдим. Мусофир одобини намойишлаб айтдики: «Ёшингиз улуғ эркан, имом бўлинг», деб. Қиблани меҳроб этиб, олдинга ўтдим. Намозни битирғоч, ортга ўгрулиб «ассалому алайкум», десам, мусофир гижонда? Аллақачон ҳосилни ўриб, қочиб қолибдур. Жумбоқдин ечим, ечимдин фалсафа излаб, қатъий хулоса қилдим ва ёшларга мундоғ насиҳат битдим: «Шерикчиликка ҳатто калиш экма – фойдани келгинди кўрадур».

Бу кун пешинда янги бир чагалнинг гувоҳи ўлиб, тагин яқо ушладим. Тўйдан қайтаётиб қарасам, гузарда оломон тирбанд. Айноқ жинни кўчани тўсиб олиб, «буёққа фақат жиннилар юрсин», деб турибдур. Биров ўзини телбаликка солиб «қумғонда арслон қовуриб едим», деса, бошқаси «айрипилонга эшак қўшиб, тўғри Қашғарга учдим», деди, лек афсус, бирон-бир фойда чиқмади. Бир кимарса эса унга тўкнош бориб, чўнтагидин танга олиб кўрсатди ва нимадир деб шивирлагон бўлди. Шунда Айноқ жинни беҳос қаҳ-қаҳ отиб, кутилмағонда унга йўл бўшатди. Данакдек қулоғим супра бўлғунча яшаб, бу янглиғ улкан жумбоқни кўрмаган эрдимки, ондин на ечим, на фалсафа, на хулоса, на ибрат топа билдим.

Балким айтгандур:

– Кеча энг яхши дўстни мана мунақа темирчаларга алмашладим.

Ёки:

– Мана, шу нарса мани жинни қилди.

Ёки:

– Ма, окоси. Бу сабилға хоҳласанг сабзини сотиб олурсан, хоҳласанг қозини.

Агар кимда олимликка даъво бордур, ушбу чигални ўринлатуб ечсун, биз тиззалаб таъзим қилайлук.

1988 йил

МУНДАРИЖА

Аламазоннинг бошидан кечирганлари.....	
Тўтиқул.....	
Камбағалбоп Гулматий.....	

Литературно-художественное издание

АНВАР АБИДЖАН
ПРИКЛЮЧЕНИЯ АЛАМАЗОНА

Повести, юморески

Рассом Гуломов А.
Расмлар муҳаррири Солиҳов У.
Саҳифаловчи муҳаррир Толочко Е.
Мусаҳҳих Ш. Соатова.
ИБ 0433

Формат 84x108 1/32.
18,5 босма табоқ.
Тиражи 10 000 нусха.